ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШ

ЁНИҚ СЎЗ

АДАБИЙ ЎЙЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

Адабиётшунос Қозоқбой ЙЎЛДОШнинг «Ёниқ сўз» китоби бугунги ўзбек адабиётининг энг долзарб масалалари тадқиқига бағишланган. Муаллифнинг турли йилларда ёзилган мақолаларидан ташкил топган бу тўплам ижодкор шахсиятига эҳтиромли ёндашуви ҳамда бадиий матн замиридаги эстетик жозибани очишга йўналтирилганлиги билан эътиборни тортади. Бугунги ўзбек адабиётшунослигидаги янгича тамойиллар яққол намоён бўлганлиги билан ажралиб турадиган ушбу китоб миллий адабий тафаккур ривожига жиддий таъсир кўрсатишига умид қиламиз.

Сўзбоши муаллифи:

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

10 32909
39.

ISBN 978-9943-08-039-3
©Қозоқбой Йўлдошев «Ёниқ сўз». «Янги аср авлоди», 2006 йил

20 07
A 991
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ЁНИҚ СЎЗ ЁҒДУСИ

Қўлингиздаги китоб муаллифи Қозоқбой ЙЎЛДОШ қалам аҳлига анча яхши таниш. Адабиёт мухлислари уни ўзига хос ифода тарзига эга бўлган танқидчи сифатида билишади. Мен бир қаламкаш сифатида Қозоқбойнинг бадиий асардан ўзи истаган нарсани эмас, балки ўша асар замирида чиндан бор эстетик маъно ва жозибани топишга ҳаракат қилишини маъқул кўраман. Шунингдек, олимнинг адибни тушунишга интилиши, ёзувчи руҳиятига хос белгилар бадиий асарда қандай намоён бўлганини очишга ишқибозлиги ҳам кўнглимга ўтиришади.

Биз, катта авлодга мансуб адиблар, яқин-яқинда ҳам танқидчиликнинг ижодкордан фақат ғояга хизмат қилишни талаб этган даврларни кўрганмиз, бу ҳолатни қай даражададир ҳисобга олишга мажбур ҳам бўлганмиз. Бу хил ёндашувдан жабр кўрган улуғ истеъдодларни биламиз. Шунинг учун Қозоқбойнинг бадиий асар ҳақида ўз қарашларини қатъий ҳукм эмас, шахсий мулоҳаза тарзида баён этиши, қозилик даъво қилмаслиги бизга маъқул кўринади.

Мен Қозоқбой ижодида ўзбек адабиётшунослигидаги янги ва кўнгилга хуш келадиган тенденцияларни кўраман. Олимнинг яна бир фазилати шундаки, у бадиий асар ҳақида фикр юритар экан, аввалambор, матнга таянади ва илмий хулосаларини матндан келтириб чиқаради. Шунингдек, менинг кузатишимча, у асарга катта ва долзарб масалаларни кўтариб чиқишига қараб эмас, балки асарнинг бадиий қимматига қараб баҳо беради. Танқидчининг услубига хос бу жиҳатлар қўлингиздаги китобда ҳам яққол кўриниб турибди.

Менга бу китобнинг архитектоникаси ҳам маъқул бўлди. Китоб бўлимларининг номлари уларнинг моҳиятига мос тушган. Бу китобнинг "Англаш йўли" деб аталган биринчи қисмидан умумлашма характеридаги мақолалар ўрин олгани мақсадга мувофиқ бўлган. Негаки, бу мақолалар муаллифнинг бадиий қарашларини англатишдан ташқари, Қозоқбой Йўлдошнинг адабиётни англаш йўсинлари, бадиий асарни баҳолашда амал қиладиган асосий тамойилларини намоён этган. Яна такрор айтгим келади: олим бадиий ижоднинг мураккаб томонларига тўхталар экан, ўз тили билан айтганда, "оғочлар ортидаги ўрмон"га хос хусусиятларни кўрсатишга эътибор берадики, бу фазилати алоҳида таъкидлашга лойиқ.

Китобнинг "Кўркамлик чечаклари" деган қисмида бизга яхши таниш асарлар таҳлил қилинар экан, уларнинг бадиий-эстетик жиҳатла-

рига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф бадиий матннинг ичига киришга, унга жо этилган маъноларни топишга интилган ва ахир пировардида, текширилаётган асар жозибасини оча олган, оқибатда китобхон бадиий матннинг эстетик қиммати сирларини англаб етади. Бу ҳол ўзбек адабиётидаги бадиий-услубий йўналишларга хос хусусиятларни аниқ кўрсатиш имконини беради.

"Ёниқ сўз"нинг учинчи қисми "Чизгилар" деб аталади. Унда бир қанча таниқли адиблар ижоди яхлит бир эстетик ҳодиса сифатида таҳлил этилади ва уларнинг миллий адабиётимиз ривожидаги ўрнига баҳо берилади. Бу қисмда бадиий ижоднинг такрорланмас ва қолипга сиғмайдиган қирралари анча чуқур очиб берилган.

Китобнинг тўртинчи қисми «Йўлда йўлдошлар» тарзида номланган бўлиб, унда муаллифнинг ўзига замондош бўлган айрим адиб ва адабиётшунослар ҳақидаги кузатишлари ўрин олган. Унда академик М. Қўшжонов, ёзувчи Муҳаммад Али, профессорлар: А. Каттабеков ва Б. Қосимовларнинг ижоди ҳамда шахсиятига тааллуқли ўзига хос кузатишлар ўрин олган.

Китобга кирган мақолалар орасида таниқли адибларимизнинг китобларига сўзбоши ёки сўнгсўз ўрнида ёзилганлари ҳам борки, улар қизиқиб ўқилади. Маълумки, етук бадиий асарларнинг "сирли" жиҳатлари ҳам борки, бу "сирлар" осонгина намоён бўлавермайди. Агар бу сирни қулфга қиёс қиладиган бўлсак, уларни "очишга" калит керак бўлади. Йигирманчи асрнинг энг буюк адиблари: Маркес, Фолькнер, Хемингуэйлар асарлари ана шундай "сирли" асарлар сирасига киради. Баъзан биз уларни қадрламаслигимиз сабаблари ҳам шунда. Чунки тўлиқ англанган нарсагина қадрланади.

Қозоқбой ҳеч қандай қонунларга "бўйсунмайдиган" бадиий адабиётдан қонуниятлар қидиради, топади, қарашларини асослайди. Хуллас, олим сўзни нозик туяди, таниб ва танлаб ишлатади. Бу жиҳат, табиийки, китобга алоҳида жозиба бахш этади. Хуллас, танқидчининг бу китобини лоқайдлик билан ўқиб бўлмайди. Улардаги фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслик, маъқуллаш ёки инкор қилиш мумкин. Лекин улар кишини бефарқ қолдирмайди.

Китобда кишига унчалар ўтиришмайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Менимча, китоб муаллифи миллий адабиётимиз ривожидаги камчиликларни етарлича таҳлил қилмайди, уларнинг сабабини тадқиқ этишга кам эътибор қаратади.

Хуллас, мен бир кекса ёзувчи сифатида сиз азизларнинг ҳам "Ёниқ сўз" тафтидан баҳраманд бўлишингизни тилайман.

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
2005 йил 15 ноябр



АНГЛАШ ЙЎЛИ

ТАҲЛИЛ МАШАҚҚАТЛАРИ

(1992 йилдаги адабиётшунослик ва адабий танқидга доир асарлар ҳақида баъзи қайдлар)

Тўқсонинчи йилларнинг боши адабий қарашларда жиддий ўзгаришлар содир этиладиган давр бўлаётир. Бир пайтлар адабий ҳодисаларни соф эстетик воқеа сифатида қарашдан воз кечган адабиётшунослик учун эндиликда ҳам уларни фақат ижтимоий ҳодисалар сифатида ўрганиш ноқулай бўлиб қолди. Бугунги адабиётшунослик ва танқидчиликка эски методологиянинг яроқсизлиги аён бўлиб қолганлиги ва янгисининг ҳали ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида юзага келган муайян саросималик ҳолати хосдир. Кейинги икки-уч йил давомида адабиёт илмида публицистик, эҳтиросли муносабат етакчилик қилди. Бирор асарга баҳо беришда асарнинг бадиий савияси ва китобхонга таъсири даражасидан кўра муаллифи шахсияти, яъни бадиий сўзнинг ўзи эмас, балки бу сўзнинг ким томонидан айтилганлиги муҳим бўлиб қолди.

Бадиий адабиётни ўзгарган замон позициясидан, соғлом ақл нуқтаи назаридан ўқиш, идроклаш, тушуниш, таҳлил этиш масаласи ўз ечимини кутиб турибди. Бироқ адабиётшуносликда бу мавзуларда баҳслар уюштирилаётгани йўқ, мунозаралару уларнинг ифодаси бўлмиш кескин мақолалар ҳам кўринмаётир.

Адабиётшунослар ва танқидчилар учун позицияни белгилаш, принципларни аниқлаш энг қийин масала бўлиб турибди. Ҳаммаининг эътиборини тортадиган, кутилмаган шов-шувга сабаб бўладиган мақола ёзишга уриниш адабиёт илми учун жуда ҳам тўғри йўл, катта иш эмаслигини, хайриятки, кеч бўлса ҳам, танқидчиларимиз пайқаб қолишди. Айни вақтда, оламда ҳеч нарса ўзгармагандай, кимларгадир маъқул келиши эҳтимол бўлган асар ҳақида эски замонлардагидай мафкура нуқтаи назаридан

келиб чиқиб, бамайлихотир фикр юритиш ҳам, кам деганда, эриш туюлиб қолди. Шу боис 1992 йил адабиётшунослигимиз учун эстетик тамойилларни аниқлашга киришиш йили бўлди, дейиш мумкин. Ўтган йили ёш адабиётшуносларимизнинг бирмунча сустроқ фаолият кўрсатганлигини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Улар муросасиз мунозаралар фурсати ўтганини, холис илмий тадқиқ учун эса назарий асос зарурлигини пайқадилар, чамаси. Эскича ёзишни истамаганликлари ва янгича тафаккур маромини топа олмаётганликлари учун улар бироз тин олишга мажбур бўлдилар.

Таниқли адиб Шукур Холмирзаевнинг "Адабиёт ўладими" сарлавҳали дард билан ёзган, таъсирли мақоласи ўтган йили яратилган адабий-танқидий асарлар орасида энг етугидир. Мақолада ҳар қандай, ҳатто энг олижаноб мафкура ҳам моҳият эътибори билан адабиётига нисбатан зўрлик эканлиги марксизм-ленинизм идеологияси мисолида жуда ишонарли кўрсатилган. Зеро, мафкурага асосланган тузум, жамият шахс эркига, ижод эркинлигига дахл этмаслиги, зуғум ўтказмаслиги мумкин эмас.

Ш. Холмирзаев адабиёт "ҳалқнинг дилидагини ёки унинг тили учида турган нарсани ёзиш" ҳам, жамият равнақига хизмат қилувчи муаммо кўтариш ҳам эмаслигини назарий жиҳатдан ишонарли тарзда кўрсатади. Халқнинг дили ва тилида турган зарур муаммоларни мафкура белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам бу жиҳатлар адабиётнинг асл масаласи бўлолмайди. Адабиёт одамга одамни кўрсатади, унинг яхши ва ёмон томонларини кашф этади. Мақоладаги: "*Демак-демак, Адабиётнинг бош мавзуи – Одамдир дейилган эски Ҳақиқат... айни чогда Янги – демак, мангу Ҳақиқат экан!*

Демак, Адабиёт учун Инсондан қизиқ, Инсондан қадрли, Инсондан азиз ва инсондан ваҳший, ёвуз, йиртқич "муаммо" йўқ экан! Ва, демак, унинг Мангу вазифаси ана шуни...

...ёзиш, очиш, кашф этиш, ҳа-ҳа: энг пинҳон тарафларини оча билиш, пироварди, ана шу тариқа Эзгуликка...

...Инсон камолотига ёрдамлашар экан!

Алқисса, ҳақиқий ижодкорлар ана шу "иш"ни қилишга маҳкумдирлар, Мажбур эмас, маҳкумдирлар!

Бинобарин, Ёзувчилик – касб ҳам эмас, ҳунар ҳам эмас, – Қисмат экан!"- деган ўринларда адибнинг асосий фикрлари ифода-

ланган. Мана шуларни англамаган ёхуд унга амал қилишни истамаган киши билиб-билмай мафкура хизматига ўтади ва мафкура ўз навбатида адабиётни сиёсатнинг хизматкорига айлантириб олади.

Умарали Норматовнинг "Гап айтиш"нинг даври ўтдими", Мусурмон Намознинг "Янги туйғу тадрижи", Султонмурод Олимнинг "Ишқ, ошиқ, маъшуқ", Умрзоқ Ўлжабоевнинг "Хотирада чизилган излар" сингари тадқиқотларида адабиётни англаш ва англатиш бобидаги янгича тамойилллар, методологияни янгидан яратиш борасидаги изланишлар маълум даражада бўй кўрсатади. Йилнинг ҳозиржавоб ва сермаҳсул олимларидан У. Норматов Абдулла Қодирий эстетик қарашларининг асосларини ўрганиш асносида ҳар қандай чинакам ижод замирида ҳаёт ҳақиқатига садоқат, қаҳрамонлар табиатини реал ва жонли кўрсатиш, миллий руҳни бера билиш, холислик, руҳий кечинмаларни табиий йўсинда тасвирлаш сингари омиллар ётишини таъкидлайди. Машҳур танқидчи муаммо кўтармайдиган, кўпчиликнинг "тили учида" турган сўзни айтишга уринавермайдиган Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул ҳикояларини батафсил таҳлил қилиш орқали ҳам турлича табиатга, турлича руҳиятга эга одамларни тасвирлаш адабиётнинг асосий иши, муҳим вазифаси, деган хулосага яқинлашади. Лекин бадиий асарга аввало ижтимоий маъно юклашга одатланиб қолганлик иллати тўғри хулосалардан соғлом умумлашма фикрлар чиқаришга монелик қилган.

Бу ҳол катта олимнинг, умуман олганда, зўр эҳтирос, синчковлик, қунт ва улкан дард билан битилган ғоят пухта "Истиқлол қайғуси" мақоласида янаям яққолроқ кўринади. Мақолада ҳар бир фикр, хулоса чуқур илмий далиллар, атрофлича кузатишлар орқали билдирилган. Лекин мақолани ўқиб чиққач, гўё Қодирий романни ўзбекларни бирлашишга чақириш, уларни ўрис босқинидан огоҳлантириш учун ёзган экан-да, деганга ўхшаш хулоса келиб чиқади. Чинакам санъат асаридан фақат ижтимоий маъно қидириш унда тасвирланаётган жонли одамлар тақдири ва руҳиятини кишидан тўсиб қўяди. Асардаги тирик одамлар кўринмайди-да, уларнинг мавжудлигидан, фаолиятидан келиб чиқадиган ижтимоий маъно англашилади, холос. Ҳолбуки, муҳтарам танқидчининг ўзлари Қодирий эстетик қарашларини тадқиқ қилиш жараёнида адиб учун асосий мақсад одам ва унинг руҳияти экани-

ни таъкидлайди. Шундай эҳтирос билан ёзилган ўқишли мақола ҳам "Ўтган кунлар" асарининг асл жозибасини тўлиқ очиб, унинг ўлмас миллий романга айлангани сабабини яққол тушунтириб бера олмаган. Чунки адабиётга эстетик ҳодиса эмас, социал-мафкуравий қадрият сифатида ёндашиш саънат ҳодисасини тўғри изоҳлаб беролмайди.

Ҳозирги ўзбек танқидчилигида Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ижоди ҳақида гапирганда, кўпроқ уларни ўзлари яшаган даврга қарши қўйишга, ҳар бир асаридан, ҳар бир образидан социализмни рад этувчи маъно топишга, халқни миллий мустақилликка ундаган ўринларни, рамзларни кашф қилишга уриниш етакчилик қилмоқдаки, буни соғлом йўналиш деб бўлмайди. Қатағон бўлган адиблардан фақат курашчи, фақат миллатпарвар жиҳатларни қидириб, уларнинг бадиият оламини очиб кўрсатишга уринмаслик ўта нотўғри йўлдир. Қатағонга учраган сиймолар жабрдийдаларгина эмас, биринчи навбатда, ижодкор эканликлари билан диққатга сазовордирларки, улардан фақат публицист ва фақат курашчи қидираверишуларнинг руҳиятидаги, бадиий тафаккурларидаги ўзига хос юксакликларни кўрмасликни келтириб чиқаради. Агар асарларга социологик позициядан ёндашилмаганда эди Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Собир Абдулло асарларига бугунгидан бошқачароқ, соғломроқ тамойиллар ила ёндашилган, бу ижодкорларнинг қатағон йилларида ўзларини қандай тутганлиги эмас, уларнинг образли тафаккур тарзи, бадиий олами ўрганилган ва баҳоланган бўларди.

Мусурмон Намознинг "Янги туйғу тадрижи" мақоласида бадиий асарга оламни эстетик идрок қилиш талаблари асосида муносабатда бўлиш тамойили бирмунча ёрқин кўринади. Ёш танқидчи янги давр шеъриятидан муаммо, мавзу, шаклий ўзига хосликкина қидирмайди. Уларда одамнинг турфа маънавий олами қандай акс этганлиги ва бунинг сабабларини топишга ҳаракат қилади. Мусурмон шеърни тушунтиришга уринмайди, зотан, тушунтириш мумкин бўлган тизмани шеър деб ҳисобламайди ҳам. У асл шеърлардаги инсон руҳини илғашга, уларнинг ўқувчи руҳиятига яқин қирраларини кўрсатишга интилади.

Фаол танқидчилар Ботирхон Акрам ва Яшар Қосим ишларида ҳам бадиий ижоднинг руҳоний жиҳатларини илғашга уриниш сезилади, нозик кузатишлар қилинади, дадил фикрлар айтилади,

гўзал образлар кашф этилади. Лекин улар энг нозик таҳлилдан ҳам, охир-оқибатда, ижтимоий хулоса чиқаришга уринаверишади. Ҳар бир оригинал образ тагидан шўро ҳукуматига зидлик қидирилади, ҳар бир кутилмаган бадиий манзара мавжуд тузумнинг қай жиҳатигадир берилган зарба бўлиши керак, деган қатъий хулосаларини асослашга интилаверишади. Ҳолбуки, гўзал ташбиҳни ҳис қилишга қодир, нозик шеърий образдан қалби титроққа тушадиган ҳар қандай одам ҳар қандай мустабидликка табиий равишда қарши бўлади. Демак, гўзал шеър ёза билган шоир, аввало, ўша шеъринининг гўзаллиги билан мустабидликка душман! Ундан келиб чиқиши мумкин бўлган маъно бу – бошқа масала...

Султонмурод Олимнинг "Ишқ, ошиқ ва маъшуқ" китоби йилнинг жиддий тадқиқотларидан биридир. Илк бор фақат ва фақат матнга таянилган ҳолда, ҳар қандай мафкуравий тарафкашликдан холи равишда ҳазрати Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони ҳақида фикр билдирилган. Султонмурод шоирнинг туркийда ёзилган асарлари орасида фақат шу достонда Фоний тахаллусини қўллашининг сабаби ва мазкур достоннинг дунёга келишига туртки бўлган омиллар ҳақида ҳазратнинг ўз фикрларига, эътирофларига таянган ҳолда соғлом қарашларни илгари суради. Олим Навоий достонининг тасаввуфий жиҳатинигина кашф этиш билан қаноатланмайди, балки асарнинг бадиий жозибаси, эстетик маъноси каби нозик қирраларга ҳам эътибор қаратади.

Миллий уйғониш адабиётининг билимдони Бегали Қосимов "Фитрат", "Сен учун тирилдим, она!", "Истиқлол курашчиси" сингари асарларида ғоят қалтис даврда яшаб ўтган ва ижодлари ижтимоий воқеликка, сиёсий ўзгаришларга бевосита алоқадор бўлган жадид адибларнинг асарлари ҳақидаги изчил ва мантиқли хулосалари билан туркчиликнинг илдизлари ва миллият туйғусини шакллантириш босқичлари ҳақидаги ҳақиқатларни ойдинлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ўтган йиллардаги адабиётшунослик ва танқидчиликка доир чиқишларда бадиий адабиёт намуналарини таҳлил қилиш баҳонасида ҳаёт, маънавият, иқтисод, сиёсат ҳақида гап айтишга уриниш тамойили кўзга ташланиб қолмоқда. Бу хил йўналишнинг характерли белгилари Норбой Худойберганов мақолаларида яққол кўзга ташланади. Бундай чиқишлар учун бадиий

асар ёхуд бирор адабий муаммо шунчаки баҳона бўлади. Тадқиқотчи асар ёки муаммо атрофида фикр юритар экан, замон ва замондошлари ҳақидаги ўз қарашларини баён қилади.

Сермаҳсул ва ҳозиржавоб олим Наим Каримов ўтган йили ҳам самарали ишлади. Айниқса, олимнинг "Миллий бадиий тафаккур" мақоласи масалага муносабатнинг принципиаллиги ва хулосаларнинг пухталиги билан диққатга сазовордир. Адабиётимизнинг бугунги қиёфасини белгилайдиган асарларга талабчанлик билан ёндашар экан, тадқиқотчи уларда миллий тафаккур тўла намоён бўлмаётганлигини таъкидлаб, бунинг сабаби сифатида миллий тафаккурнинг ўзи тазйиқлардан бир зум ҳам холи бўлмаганлигини кўрсатади. Миллий тафаккур тадрижини текширар экан, олим уни жамият тарихидан айириб тасаввур этиш мумкин эмаслигини қайд этади ва XX аср ўзбек адабиёти худди шу халқнинг ҳаёти сингари икки босқичдан иборат бўлиши мумкин дейди: биринчи давр – жадид адабиёти ёки миллий уйғониш даври адабиёти, иккинчи давр совет даври адабиёти. Ўрни келганда, матбуотда мазкур мақоладан олдин ҳам, ундан кейин ҳам адабиёт тарихини даврлаштириш ҳақида анчагина фикрлар билдирилаётганлигини айтиш керак. Уларда баъзан бир-бирини инкор қиладиган қарашлар ҳам илгари сурилмоқда ва даврлаштиришнинг турли моделлари таклиф этилмоқда. Шу муносабат билан ўзимизга ҳақли бир саволни бериб кўрайлик: адабиёт илми учун даврлаштириш нега керак? Мазкур саволга жавоб топгачгина, даврлаштиришнинг бирор шакли тўғрисида фикр юритган маъқул.

Бирор бадиий асарнинг тасвир нозиклигини, бадийяти ўзига хослигини, образлар системасини тўғри тушунмоқ, тили жозибасини ҳис этмоқ учун шу асар яратилган давр бадиий тафаккурига хос хусусиятларни билиш керак бўлади. Чунки чинакам бадиий ҳодиса ўзи акс эттирган даврдан ҳам, ўзи яратилган вақтдан ҳам узоқроқ яшайди ва замонга нисбатан турғунроқ, консервативроқ бўлади. Инсоният тарихининг узоқ даври мобайнида яратилган бадиий асарлар ҳеч қачон ҳамма учун бирдай тушунарли бўлмайди. У ёки бу даврга хос эстетик хусусиятларни гуруҳлаш, таснифлаш ўша даврда дунёга келган асарларни тушунишни бир қадар осонлаштириши мумкин. Чунки ҳар бир даврнинг яратиғи объектив равишда муайян универсаллик хусусиятларига эга бўлади.

Даврлар ўзгариши билан кишиларнинг дунёни тушуниш, ундан таъсирланиш, уни образли идрок этиш ҳамда тасвирлаш, образларни танлаш ва акс эттириш, қаҳрамонлар руҳиятини тушуниш ва тасвирлаш борасидаги тўхтамларида туб ўзгаришлар рўй беради. Шу муносабат билан тилнинг структурал ҳолати, луғат бойлиги, ифодавийлик даражаси сингариларда рўй берган жиддий ўзгаришлар узлуксиз адабий жараённи муайян даврларга ажратишга асос бўлиши мумкин. Бизда, кўпинча, шунчаки олдиндан даврлаштириб келингани учун ҳам адабиёт тарихи даврларга бўлиниши ва замон ўзгариши билан ўша даврлаштиришларга таҳрир киритилиши лозим деб қаралади. Шунинг учун ҳам 1917 йилдан 1929 йилгача бўлган даврни қандай номлаган маъқул қабилидаги қарашлар атрофида астойдил ўй сурилади, талашиб-тортишилади. Ҳолбуки, миллатнинг адабиёти учун ҳам, адабиётшунослиги учун ҳам ўша йиллар адабиётини қандай номлашнинг ва ўша даврда ижод қилган адибларнинг қайсисини қандай гуруҳга мансублигини белгилашнинг деярли аҳамияти йўқ. Даврлаштиришнинг ўзи адабиёт учун тамомила кераксиз юмушдир. Чунки бирор босқичга мансублик бирор асарнинг жозибасини ошириб, унинг бадиий қийматини юксалтиролмайди.

Даврлаштириш бадиий асарни тўла идрок этиш, уни тўғри англаш, айни тимсолларни ҳис қилиш тамойилларини аниқлаш учун зарур, холос. Образли тафаккурда ўзига хослик мавжуд бўлган даврлар, инсоният тарихида унчалик ҳам кўп эмас. Биз ўзбек халқи бадиий тафаккури тарихини уч катта даврга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Энг қадимги замонлардан бугунги кунгача бўлган оралиқда яратилган ўзбек адабиёти бир-биридан кескин фарқ қиладиган уч даврни бошидан кечирди.

Биринчи даврни ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ АДАБИЁТ деб аташ мумкин. Бу даврда олам ҳам, одам ҳам мутлақо ўзгача идрок этилган, ҳис қилинган ва тушунилган. Қадим боболаримиз оламни сеҳрли воқеалар силсиласи тарзида идрок этганлар. Ўзининг кўк бўри, она буғу ёки оқ ғоздан ибтидо олганига астойдил ишонган одам инсоннинг маънавий оламини ҳам хаёлий воқеалар, сирли афсоналар призмаси орқали тасаввур қилган. Аёнки, бу даврга мансуб фолклор намуналарида ҳам, ёзма адабиётда ҳам давр эстетикасининг шу ху-

сусиятлари акс этар, бу ҳол бадиий тасвир воситаларини танлашда ҳам ўзини билдирар эди. Бадиий тил ҳам шунга яраша ифода тарзи ва луғат бойлигига эга эди. Бу даврда одамга фақат жангчи сифатидагина қараларди.

Иккинчи даврни ИСЛОМ ТАЪСИРИДАГИ АДАБИЁТ деб номлаш мумкин. Бу даврда ташқи объектив дунё ҳам, инсоннинг мураккаб ички олами ҳам исломий тафаккур орқали қабул этилди. Борлиқни бадиий идрок этиш тарзи, образлар тизими, маъжоз ва рамзлар олдингидан мутлақо ўзгарди. Тилнинг луғат фондида ҳам, қурилиш тизимида ҳам, ифода имкониятларида ҳам жиддий эврилишлар рўй берди. Аввалги давр учун тамомила бегона бўлган тур ва жанрлар пайдо бўлди. Бу давр тарихан жуда узоқ давом этди. Миллий адабиёт тарихининг "олтин" даври ҳам, энг дурдона асарлар ҳам шу босқичнинг маҳсулидир. Ўзбек адабиёти бугунги кунда ҳам ана шу даврга хос жуда кўп белгиларни ўзида сақлаб келмоқда.

Учинчи даврни ЖАҲОНИЙ ТАЪСИРЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ тарзида аташ жоиз. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ўзбек адабиётига жаҳоний таъсирлар кучайди. Бу жараён халқимиз ҳаётида ислом динининг таъсири атай сусайтирилган йилларда, айниқса, тезлашди. Эндиликда олам исломий қарашлардан бошқа тамойиллар асосида ҳам идрок қилинадиган, уни бадиий акс эттиришнинг миллий эстетикамиз учун фавқулодда янгича шаклларидан ҳам фойдаланиладиган бўлди. Образлар тизими, бадиий тасвир воситалари системаси кескин ўзгарди. Чунки ахборотлар замонида, бутун башарият ягона маънавий системага бирлашган даврда бошқача бўлиши мумкин эмасди. Бу даврда жуда кўплаб янги адабий жанрлар пайдо бўлди, тилнинг луғат бойлиги ва бадиий ифода йўсини кескин ўзгаришларга юз тутди. Янги давр белгилари, дастлаб, Чиқишнинг илғор адабиётлари, сўнгра ўрис адабиёти, ундан кейин жаҳон адабиётининг етакчи тамойиллари орқали пайдо бўлди. Мазкур катта даврларнинг ички босқичларга ажратилиши масаласига келсак, буни оддий хронологик тамойилларга асосланиб ҳам амалга ошириш ёхуд ўзга бир тамойилларга таяниб иш кўриш мумкин.

Тўғри, XX аср ўзбек адабиёти ҳақида гапирганда, шўро адабиёти дея ажратмаслик ва унга хос белгиларни гуруҳламаслик мумкин эмас. Лекин бизга шўро даврининг ўзини турли бос-

қичларга бўлиб, уларни қандай номлаш учун баҳслашиб ўтириш ортиқча ва адабиётшунослик илми учун нозарур машғулот бўлиб туюлади. Негаки, 1940 йилгача ҳаёт ва инсон руҳиятини қандайдир бирон бир хил идрок этадиган ҳамда тасвирлайдиган адиб 1941-1990 йиллар орасида тамомила бошқача бўлиб қолиши мумкин эмас. Индивидуал услуб, замона зайлига берилиш ёки берилмаслик, мафкурага хизмат қилиш ёки қилмаслик, талантнинг миқиёси сингари жиҳатлар бошқа масалалардир...

Хуллас, шу каби масалалар миллий адабиёт назариясини юзага келтиришга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Назарий асослар ишлаб чиқилмагани, миллий адабий материалларга таянилган ҳолда адабий жинс, тур, жанр сингари тушунчалар муайянлаштирилмагани, асар бадииятини ўрганишнинг мезонлари белгиланмагани сабаб адабиётшунослик соҳасидаги кўпгина саволлар асосли жавобини топгани йўқ. Соф миллий эстетик ҳодисани миллий бўлмаган ўлчамлар билан изоҳлаб, тўғри тўхтамга келиш эса, мумкин эмас.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 1993 йил 20 август

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ

Давр ва адабиёт муносабати ғоят мураккаб муаммодир. Чунки замоннинг асосий белгиси унинг тинимсиз ҳаракатдалиги, ўзгариб туриши бўлса, асл адабиётнинг бош хусусияти унинг ўзи яратилган замонга қараганда кўпроқ яшашга интилиши, барқарорроқ бўлишга уринишидир.

Замонда туриб замонни кўриш қийин, унинг бирор жиҳатини баҳолаш эса янада мушкул. Шунинг учун истиқлол даври адабиёти, унга хос белгилар ҳақида гапириш ғоят масъулиятли, ҳатто маълум даражада таваккалчиликни талаб қиладиган машғулотдир. Тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан Истиқлолга эришилганига кўп бўлгани йўқ. Бинобарин, унинг ижтимоий, маънавий ва ўзга белгиларини айириб кўрсатиш анчагина мушкул. Айни вақтда, ўтган йиллар шундай салмоққа, шундай ўзгартувчилик қудратига эгадирки, халқ психологияси, дунёни идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш тарзида шунчалик катта ўзгариш ясадики, аввалги бир неча ўн йилларда ҳам бундай қилиб бўлмасди. Демакки, ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, унинг устувор жиҳатларига хос хусусиятларни умумлаштириш лозим.

Истиқлол даври адабиёти ҳам туб сифат ўзгаришларини бошидан кечирди. У коммунистик мафкура йўриқларини образлар зиммасига юклаш билан шуғулланадиган, воқеликни "тарихий тараққиётда", яъни пировардида, коммунизмга келадиган тарзда кўрсатишни аъмоли деб биладиган мафкуравий югурдаклик хизматидан қутулди. Шу тарзда бадиий адабиёт давлат адабиёти бўлмай қолди.

Энг муҳими, ёзувчилар олам, одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини англадилар ва ўзлари ҳам шунга кўника бошладилар. Коммунистик мафкуравий адабиёт вакили учун дунё ҳамиша бор эди ва абадий мавжуд бўлаверарди. Одам меҳнат туфайлигина маймундан ҳозирги ҳолига келганди. Оламдаги асосий муаммо эса онг бирламчими ёхуд материя эканини аниқлашдан иборат эди. Жамият фақат синфий курашлар асосидагина тараққий этиши мумкин бўлганидан асарларнинг қаҳрамонлари, кимга бўлса-да қарши курашиб туриши жоиз эди. Курашганда ҳам, албатта, ижобий кучлар, яъни меҳнаткашлар ёхуд боёнларнинг меҳнаткашпарвар вакиллари енгиб чиқишлари зарур бўларди.

Энди маълум бўляптики, оламдаги асосий масала онг ва материя муносабати эмас, Аллоҳ ва Одам муносабати экан, тараққиётнинг омили синфий курашлиги уйдирма, инсоннинг маймундан тарқалгани туҳмат, инсониятнинг беш ижтимоий-иқтисодий формацияни босиб ўтиши ҳақидаги қараш хомхаёл экан. Албатта, жамият тафаккуридаги бу янгиланишлар бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топмоқда. Оламни, одамни, унинг туйғуларини турлича ифодалайдиган асарлар пайдо бўлмоқда. Бир хил асосдаги рухсат этилган хилма хилликдан чин бадиий турфалик йўлига ўтила бошланди.

Фалсафий асос ўзгариши билан адабиётимизнинг инсонни тасвирлаш тамойилларида ҳам жиддий янгиланишлар рўй берди. Социалистик адабиёт учун асосий мавзу оғизда одам бўлса ҳам, амалда унинг меҳнати эди. Одамларга муносабатда ахлоқий мезонлар эмас, ишлаб чиқариш ўлчамлари устувор рутбада бўларди. Бугунги адабиёт учун инсон **бош қадриятга** айланди. Эндиликда: "Пахта, пахта, жон пахта", — деб ёзиб бўлмай қолди. Ҳозир одамнинг мавқеи кўтарилди. Унинг туйғулари, сезимлари, ўйлар оқими билан қизиқила бошланди. Бадиий адабиёт инсонни ишчи кучи сифатидагина тасвирлашдан қутулиб бормоқда. Айни вақтда, адабиётда тасвир этилаётган инсоннинг масъуллик даражаси ҳам ортди. Одам қанчалик мукаррам бўлса, ўз хатти-ҳаракатлари, ҳатто ниятлари учун ўшанча даражада жавобгар зот тарзида тасвир этила бошланди.

Маркс одамни олижаноб қилмоқ учун яшаётган жамиятни инсоний қилиб қайта қуриш лозимлигини айтган бўлса, эндиликда одамни яхшиламай туриб, жамиятни яхши қилиш мумкин эмаслиги аён бўлди. Ёки шоир айтмоқчи, "Одам тузалмаса, олам тузалмас". Бу шунчаки ҳикматомуз гап эмас. Комиллик йўлига кирган чин инсон ҳар қандай жамиятда ҳам, ҳар қандай бўғиқ муҳитда ҳам ўзига гард юқтирмай поклигича қолабилиши лозим. У шундагина Яратганнинг марҳаматидан умидвор бўлишга ҳақли.

Истиқлолга эришилганидан кейин яратилган кўпгина асарларда олий рутбага кўтарилган, дунё яралишининг сабаби, адоқсиз илоҳий нур ила йўғрилган зот деб қаралган инсоннинг ҳайвоний ва шайтоний нафси боис гуноҳга мойил ҳамда ўша гуноҳлар туфайли қабиҳликлар ҳам қилишга қодир, айни пайтда қилган гуноҳлари сабаб қийналадиган ўта мураккаб мавжудот экани тас-

вирланмоқда. Истиқлол адабиёти инсонни жўнликдан, тўпориликдан, анчайинликдан қутқаради. Уни мураккаблаштирди, нозиклаштирди, бир хил қарашлар тизими билан тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайдиган инжиқроқ эканлигини рўй-рост акс эттира бошлади. Бир замонлар: "*Инжиқ руҳим май истайди гоҳи-гоҳида, Фақат унинг оғушида топурман ором*", — дегани учун улкан бир шоир бадном қилинган бўлса, бугунга келиб туйғулар нозиклиги, руҳий ҳолатлар турфалиги, кечинмалар инжиқлиги, сезимлар инжалиги ўзини таний бошлаган ҳар қандай одамнинг сифати эканлиги англашилди ва бунга кўникиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам истиқлол адабиёти кўпроқ даражада **шахс адабиёти** бўлиб бормоқда. У оломон, гуруҳ, қатлам ёки синфнинг кайфият, истак ва майлларини ифода этишдан қутулиб, алоҳида инсонни — шахсни тадқиқ этишга тутинмоқда.

Истиқлол адабиёти давлат адабиёти бўлмагани, адабиётга раҳбарлик қилиш сиёсатга айлантирилмаётгани, "ёзувчи ўз ҳолига қўйилгани" (А. Отабой) учун бугун адиб Сўз хизматида, Сўз эса Ҳақ ва Гўзаллик хизматида бўлмоққа тутинди. Бу жараён эндигина бошланди. Ҳали у анча давом этади. Ва муайян оғриқларсиз осудагина ўтиб кетмайди, албатта.

Бугунги чинакам асарлар ўқувчига ақл ўргатишга, унинг учун "ҳаёт қўлланмаси" бўлишга уринмайди, буни даъво ҳам қилмайди. У кўпроқ сезги, туйғу ҳосил қилишга йўналтирилган. Бу хил битиклар ўқувчида муносабат уйғотади. Шу боис бу адабиётни **муносабатлар** адабиёти дейиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор жойига келтириб айтиб қўйгандай: "Билган билиб қўяверишн мумкин. Ҳис қилган ҳис қилиб қўявермайди". Ҳис қилиш — муносабат, муносабат — фаолият демакдир. Ҳозир битилаётган энг сара асарларда китобхонни руҳий мувозанатдан чиқариш, ўйга толдириш, ўз туйғуларини текширишга, тафтиш қилишга одатлантириш хусусиятлари кучли. Ҳар қандай одамнинг камолот йўлига киргани унинг ўз хатти-ҳаракатига ташқаридан туриб, чет назар билан қарай олиш салоҳияти билан аниқланади.

Истиқлол адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, бадиий тасвир тамойиллари жиҳатидан ҳам бирор қолипга солинмаган, табиий равишда тараққий қилаётган эстетик ҳодисадир. Бу адабиёт учун ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш ўз ҳолича фазилат деб қаралмайди. Бадиий ҳақиқатни акс эттира билиш юксак

20 07 A 991 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

баҳоланади. Ҳатто Қуръони Каримда шоирлар наздида шеърларнинг энг ширини, энг ёлғони бўлгани учун ҳам Муҳаммад алайҳиссаломга шеър ўргатилмагани таъкидланади.

Кунчиқар адабиёти ҳамма замонларда ҳам нозик қочиримлар, ингичка тасвирлар, инжа туйғулар, фавқулодда муболағалар адабиёти бўлган. Унда тасвир воситаларининг анъанавийлиги, мавзунинг доимийлиги одатдаги ҳолат ҳисобланган. Чинакам истеъдод ҳамма қўл урган мавзуда, ҳамма ишлатиб юрган воситалар ёрдамида бадиий кашфиёт қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам минг йиллардан буён куйланиб келаётган **Гул ва Булбул** тимсоллари кунчиқар адибларининг ҳам, китобхонларининг ҳам меъдасига тегмайди, эскирмайди. Ҳақиқат эскирмагани каби, нон меъдага тегмагани сингари... Ижодкорнинг чинакам санъати эски воситаю йўл билан бадиий янгилик оламини ярата билганидадир. Истиқлол миллий адабиётимизга ана шу қадимий анъаналарга қайтиш имконини, ижтимоий буюртма бажаришдан нозик кўнгилнинг рози бўлиш мумкинлигини берди.

Ўрни келганда айтиш керакки, Кунботар адабиёти жуда қадим замонлардан ижтимоий йўналишдаги адабиёт бўлиб келган. Худди шу сифат XIX асрда бутун Ботиш адабиётининг асосий белгисига айланди. XX асрга келиб ботиш йўналишида ривожланаётган айрим юртларда, хусусан, собиқ СССРда ўта жангари, ашаддий кўринишга кирди. Абадиятга, Ҳаққа хизмат қилиши лозим бўлган бадиий адабиёт замон ва мафкура югурдагига айланди. У ижтимоий буюртмалар ижрочиси бўлиб қолди. Анчагина вақт мобайнида бутун мамлакат миқёсида шу хилдаги қараш ҳукм сургани, ўзгача фикр бўлишига йўл қўйилмагани учун ҳам жуда катта кўпчилик адиблар ва адабиётшунослар шу ҳолатга кўникдилар. У пайтларда бадиий асарга унинг мафкурага қанчалик мос келишига қараб баҳо бериларди. Бадиий ижод давлат иши бўлмай қолгач, асар ёзиш ёки ёзмаслик ижодкорнинг шахсий юмушига айлангач, ҳамма нарса ўз ўрнига тушди ва социализм замонида мукофотларга сазовор бўлган, соҳибига қўша-қўша нишонлар келтирган кўплаб битикларнинг санъат нуқтаи назаридан ҳеч нарсага арзимаслиги аён бўлиб қолди. Чунки қофияга солинган қарорлар, образларга бўлиб берилган муаммолар бадиият синовларига бардош бера олмай қолдилар. Бундай иншоларнинг аксарияти яхши одамлар, ўзига хос истеъдодлар томонидан яра-

тилган бўлишига қарамай, мафкурага мўлжаллаб битилгани учун санъат ҳодисасига айланолмадилар. Бу ҳолатга кўникиш, кечагина адабиётнинг мумтоз намунаси бўлган "асарлар" бугун — соф санъат талабларига жавоб бера олмаслиги табиий ҳол эканлигини ҳазм этиш осон кечмаётир. Бир қатор таниқли олимлар совет даврида яратилган ёхуд ташвиқий белгилари яққол кўзга ташланиб турган битикларга соф санъат талаблари билан ёндашиб бўлмайди, бу ҳолда уларнинг ижтимоий тараққиёт олдидаги хизматлари камситилган бўлади, демоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бу давр адабиётини соф санъат мезонлари билан ўлчаш мумкинлиги ва лозимлигини тасаввурга ҳам сиғдира олмаётирлар. Бу жиҳатдан таниқли адабиётшунос олим профессор Умарали Норматовнинг қарашлари характерли: "...XX аср ўзбек адабиёти биринчи галда мафкуралашган, ижтимоийлашган адабиёт. Ўзбек ёзма адабиёти ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ҳеч қачон XX асрдагидек ижтимоий ҳаёт масалаларига бу қадар яқин келган, фаол аралашган эмас... ...асрнинг бошларида етакчи мавқе эгаллаган жадид адабиёти мафкуралашган адабиётнинг ўзгинаси эди... Модомики шундоқ экан, XX аср адабиётини "формал мактаб", "соф санъат" мезони билан текшириб, одилона баҳолаб бўладими? Миллий маданиятимиз, адабиётимиз тарихида улкан бурилиш, янгиланиш палласини бошлаб берган жадид қаламкашларининг илк тажрибалари "соф санъат" талабларига дош бера оладими?"- деб ёзади "Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар" мақоласида ("ЎзАС", 1995 йил, 3 ноябр).

Аввало, бадиий адабиёт мафкурадан холи бўлиши керак деган талаб у, умуман, фикрдан холи бўлиши лозим дегани эмас. Ижодкор қанча бўлса, қанча асар яратилган бўлса, ўшанча фикр мавжуд бўлган ва бўлаверади. Фикр, ғоя ва мафкурани фарқлаш лозим. Мафкура — ҳукмрон гуруҳ, партия ёхуд синфнинг манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган, бинобарин, бошданоқ, холисликдан маҳрум бўлган фикрий оқимдир. Иккинчидан, жадидларнинг маърифатчилик ғоялари мафкура эмас, чунки улар ҳукмрон синф, партия ёхуд давлатнинг манфаатларига мос қарашларни эмас, Аллоҳ иродасига мувофиқ келувчи шахсий фикрларни илгари сурганлар. Учинчидан, "жадид қаламкашларининг илк тажрибалари" ёхуд социалистик реализм тарафдорлари бўлган нишондор адибларнинг битиклари

соф санъат талабларига "дош бера олмаса" талаблар айбдор эмас, балки ўша битикларнинг савияси айбдор.

Биз талабларни қанчалик бўшаштирмайлик, XX асрда яратилган барча иншоларни юксак адабиёт намунаси деб атамайлик, уларнинг бадиий умрини узайтира олмаймиз, уларни замон синовларидан бешикаст олиб ўтолмаймиз. Ахир, ҳамма даврларда ҳам ёзувчи кўп бўлган, лекин асарлари асрлар оша бизгача етиб келганлари унчалар кўп эмас-ку?! Демак, XX аср адабиётини текшириш учун алоҳида мезонлар тизими ишлаб чиқишнинг ҳожати йўқ. Ва бадиий адабиёт номига даъвогар бўлган асарлар фақат соф санъат нуқтаи назаридан баҳоланишга маҳкум. Чунки санъат асарини фақатгина санъатнинг мезони билан ўлчаш мумкин. Агар у сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ё ўзга бир ҳодисаларнинг ўлчамларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этса, демак санъат ҳодисаси эмас экан.

Бадиий адабиёт ҳеч қачон муаммо кўтариш, ташвиқот учунгина мавжуд бўла олмайди. Марксистик адабиётшунослик учун кўркам ижоднинг асосий фазилати унинг ҳозиржавоблиги ва замонавийлиги эди. Ижтимоий эврилишлар, кескин сиёсий бурилишлар даврида ҳам шунга ўхшаш ижтимоий талаб кучаяди.

Безовта давр безовта дардни, безовта дард безовта туйғуларни пайдо қилади. Маълумки, безовта туйғулар сифати, кўпинча, тиниқ бўлмайди. Шу сабабли бўлса керак, бундан икки-уч йил олдинги минглаб кишилар шуурини эгаллаган, туйғуларини жунбушга келтирган, тилдан тушмаган, кўпчиликни танг қолдирган муаммовий безовталик адабиёти намуналари бугун деярли унутилди. Орол фожиаси, миллий тил мавқеи, миллий ўзликни таниш, пахта яккаҳокимлиги, ўзбек аёллари аҳволи, экологик вазият, ҳарбийдаги ўғлонларимиз тақдири ҳақидаги оташин, самимий, шу боис таъсирчан битиклар қайга кетди? Ўша пайтда қалбларга титроқ солган, кишини ларзага келтирган бадиий асарлар бугун кимнинг эсида қолди? Ва эслаб кўринг, ўша асарлар кўпроқ кимлар томонидан яратилганди? Аслида, ўша битиклар бадиий асар эдими? Кўринадики, долзарб муаммони эътиборни тортадиган тарзда таъсирли баён этиш бошқа-ю, чинакам бадиий асар яратиш бошқа экан.

Бадиий асар публицистиканинг вазифасини бажара бошласа, қисмати ҳам публицистиканикига яраша бўлади, яъни муаммо ҳал бўлгунча, баъзан эса, муаммо одамлар эътиборидан қол-

гунча яшайди. Асл адабиёт фақат даврнинг муаммоларига ечим топишдан, замоннинг саволларига жавоб беришдан иборат бўла олмайди. Кўркам асар кўркамлигининг ўзи билан ҳозиржавобликдан устун, замонавийликдан умри узоқроқ бўлади.

Бадиий адабиётга маънавиятни шакллантириш, миллат аъзоларининг қалбини таркиб топтириш воситаси деб қараб, туйғулари нозик, хаёлоти баланд, руҳий нигоҳи ўткир китобхон тарбиялашни орзу қилар эканмиз, истиқлол адабиётининг ташвиқий адабиётликдан қутулиб бораётганидан қувонмоғимиз керак. Дарҳақиқат, бугунги адабиёт одамларга йўл кўрсатишни гарданига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, муаллимлик даъвосини қилмайди. У тасвирнинг ингичкалиги, ифодаларнинг кутилмаганлиги билан ўқувчида муносабат уйғотади.

Шуни айтиш керакки, истиқлол адабиётимизнинг жозибаси сиртида эмас, ботинда, матн замирида. Бу адабиётнинг асл намуналари осонгина ўқилиб кетилаверадиган асарлар сирасига кирмайди. Бу асарлар ўқувчидан муайян ҳозирликни, интеллектуал-руҳий зўриқишни талаб этади. Одамга, оламга бошқачароқ нигоҳ ташлашни тақозо қилади. Бу адабиётда:

Мен голибман, буюк лашкарман,
Босиб олдим севги юртини

ёки

Оллоҳим. Мен ўлдим... Мен сенга етдим

ёхуд

Соғинчимнинг оҳанги маҳзун,
Соғинчимнинг ранги бинафша

мисраларидаги сингари фавқулоддалик, жайдари тасаввуру мантиқий қолипларни бузишни учратиш мумкин.

Истиқлол насри ҳам воқеабозликдан, муаммочиликдан, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдан қутулиб бормоқда. Бугунги насримизда модернизм, постмодернизм, абсурд адабиёти хусусиятлари белги бермоқда. Бу ҳолат бизнинг ижодкорларга ҳам Кунботар адабиёти тажрибаларини ўрганиш мумкин бўлганлиги туфайлигина, шунақасига ҳам бир ёзиб кўрайлик деган инжиқ бир истак сабаблигина, шундай ёзиш мумкинлиги боисгина, ўзгаларни қойил қилиш истаги самарасигина эмас, балки мафкуравий бўғовлардан қутулингани боис, инсон ҳар

тарафдан тадқиқ этила бошлагани сабаб, ҳар хил инсонни хилма хил йўсинда бадиий тадқиқ этиш мумкин экани туфайли, одамни фақат меҳнат жараёнида эмас, балки бошқа турфа ҳолатларда кўриш ва кўрсатиш имкони борлиги натижасида содир бўлмоқда. Мабодо, айрим танқидчилар, адиблар бизнинг адабиётимизда сюрреалистик, постмодернистик, абсурд ёхуд ўзга бирор оқим белгилари етишмаётганидан, уларнинг секин ўзлаштирилаётганидан куюнса, бу адабиётимизда Кунботар мотивлари камлигидан эмас, балки бадиий тафаккуримизнинг умумжаҳон бадиияти жараёнини ўзлаштиришда асоссиз равишда ортда қолаётганидан қайғураётир деб англаш керак. Бизнинг адабиётимизда ҳалигача инсон, унинг ўйлари, ўта мураккаб ва номсиз туйғулари эмас, меҳнат натижалари, ғоявий қарашлари ҳамда курашлари асосий кўрсаткич бўлиб турганидан шиква қилиш деб тушунмоқ лозим. Ўша ғалати, бизга сингишмаётган, бизга мутлақо бегонадек кўринган, лекин сўфиёна адабиёт саҳифаларидан кўплаб муқобилларини топиш мумкин бўлган, бизнинг синфий курашлар ва ишлаб чиқариш талаблари таъсирида шаклланган бадиий дидимизга ўтиришмаган абсурд ёки бошқа хил асарларда турли табиатли инсонлар турлича ракурсларда тадқиқ этиладики, фақат шунинг учун ҳам бу тажриба ўрганишга ва ўзлаштиришга арзийди. Шу маънода Кунботар томондан бизга келаётган турли "изм"лар шунчаки мода эмас, балки ижод эркинлигининг намоён бўлиши тарзларидир.

Китобхонни ҳиссизлик, туйғусизлик ва лоқайдликдан сақлаб қолишни бош *вазифа*, ўқувчиларни комил инсонлар даражасига кўтаришни бош *мақсад* деб билган ўзбек истиқлол адабиёти мутлақо фикрдан, эътиқоддан, қандайдир қарашлар тизимидан холи эмас. Бу адабиёт социализмда ишлатилавериб тўзиб кетган "Прокруст тўшаги"дангина холидир. Яъни яратилган бирор асарга ҳукмрон мафкура қолипи билан ёндашилмайди, балки унга, биринчи навбатда, бадиий ҳодиса тарзида муносабатда бўлинади. Асарнинг ўқувчиси ўз савияси, тайёргарлик даражасига қараб, ундан бирор мафкура чиқаргиси келса, чиқариб олавериши ҳам мумкин. Фикрсиз адабиёт бўлмаслиги, мазмунсиз шакл йўқлиги сингари кўп замонлар олдин ҳал қилинган ва ҳозир уни исботлаш зарурати қолмаган ҳақиқатдир.

Истиқлол адабиёти чинакамига хилма-хил адабиётдир. Унда турли-туман ижодий тажрибалар қилиш, турли "изм"лар изи-

дан бора олиш имконияти мавжуд. Шу муносабат билан айрим олимларнинг социалистик реализм адабиётини реабилитация қилишга ўхшаганнамо ҳаракатларига муносабат билдиргимиз келади. Таниқли адабиётшунос Умарали Норматов ёзади: "Хорижда социалистик реализм миллий адабиёт ва санъат ривожига катта кулфат келтирганини кўрган, эшитган эмасмиз. Чунки чинакам демократик мамлакатларда барча ижодий оқимлар, йўналишлар, методлар учун йўл очиқ. Бинобарин, социалистик реализм ҳам кўплаб ижодий методлар қатори яшашга ҳақли". Бизнингча, соцреализм, эҳтимол, яшашга ҳақлидир, лекин қодир эмас. Биз қанчалар жонкуярлик қилиб: "Қўйинглар, тегманглар шунга, бу ҳам ораларингда юраверсин",- деганимиз билан социалистик реализм яшай олмайди. Чунки у таги бўш, зўравон фалсафий таълимот – марксизмга асосланган сиёсий методдир. Реализмнинг социалистик ёки бошқа бирор хили бўлмайди. Агар социалистик бўлса, у реализм бўла олмайди. Реализм, охир оқибатда ҳаққонийлик экан, воқеликни тушуниш ва бадиий акс эттириш тарзига хос усуллар, тамойиллар тизими экан, унда ижтимоий ёндашув етакчи бўлмаслиги лозим. Социалистик реализм эса, реалликни шунчаки бузмайди, балки уни социалистларга маъқул тарзда талқин этади, ҳаёт жараёнларини, одамни социалистчасига носоғлом тушунади, тушунтиради ва тасвирлайди. Социалистик реализм ҳукмронлиги замонларида ҳам чинакам бадиият намуналари яратилган бўлса, бу большевистик методнинг кучи, унинг ҳам ҳаётий ва яроқли бўлгани учун эмас, балки соцреализм талабларига қарамай, олам ва одамни тўғри, соғлом англайдиган ҳамда тасвирлай биладиган истеъдодларнинг қудрати сабабли юз бергандир.

Истиқлол адабиёти чинакамига ижодкор адабиётдир. У *типик* одамни эмас, балки алоҳида ўзига хос ва бетакрор одамни – *типни* тасвир этади. Ўқувчи ўша ҳаммага ўхшамаган, алоҳида одамни тушуниш мобайнида *ўзгани* англай боради. Ўзгани тушуниш эса, *ўзини* тушуниш сари қўйилган дастлабки қадамдир. Ҳар бир банда яратган Аллоҳни *ўзини* тушунган даражадагина таний билади.

Адабиётимизнинг бугунига хос яна бир инжа жиҳат шундаки, унинг асл намуналарини ҳамиша ҳам тушунтириб, изоҳлаб бўлмайди. Аслида ҳам тўла тушунтириш, охиригача изоҳлаш мумкин бўлган ҳодиса санъатга дахлдор эмас. Асл бадиий ада-

биёт мантиқ ожизлик қилган жойдан бошланади. Яхшилаб тушунтириш, исботлаш мумкин бўлган нарса санъатга эмас, илмга, адабиётга эмас, мантиққа ёвуқ. Илмий ҳақиқат — бир қиёфали, ягона ечимли. Бадиий ҳақиқат эса, бир неча кўринишли, кўп ечимли феноменлардир. Илмий ҳақиқатни далиллар ёрдамида исботлаш, тажрибада қилиб кўрсатиш мумкин, бадиий ҳақиқатни исботлаб бўлмайди, ундан таъсирланиш, ҳис этиш, туйишгина мумкин. Нимадан қандай ва қанча таъсирланишнинг дозасини белгилаб бўлмайди. Шу боис санъатнинг ечими, талқини кўп, хилма-хил ва ҳатто, бир-бирига зид ҳам. Биз шу вақтга қадар бир хил англанадиган адабиётга ўрганган эдик. Истиқлол шарофати туфайли кўркам адабиёт ҳодисалари ҳам турфалашиб, ранг-баранглашиб бораётганини кўриб турибмиз.

Истиқлол даври ўзбек адабиётининг хусусиятлари ва йўналишлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни бу адабиёт пайдо бўлган вақт борасидаги фикрлар билан якунлаш мумкин деб ўйлаймиз. Бизнингча, истиқлол адабиётининг илдизлари халқимиз ҳаётининг анча наридаги босқичларига, қатламларига бориб етадиган даражада теран. Ҳатто айтиш мумкинки, бу адабиёт, маълум даражада, истиқлолни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлади, одамларнинг қалбини ана шу юксак туйғуларни қабул эта оладиган даражага келтирди.

Ҳар ҳолда истиқлол туфайли ўзбек кўркам адабиёти ижодкорларнинг ўз юмушига, кўнгил ишига айланди. Раҳбарга, раҳнамога, ҳомийга муҳтожликдан ва, айни вақтда, раҳбарлик қилишдан, раҳнамо бўлишдан, йўл кўрсатишдан қутулди. Адабиёт талант эгаларининг хусусий иши бўлиб қолди. Бу ҳол ўзбек адабиёти катта адабиёт бўлади деб қилинган башоратнинг тез орада воқеликка айланишига умид туғдиради.

“Ўзбекистон овози” газетаси
1996 йил 11 январ

ТЕШИК ҚАЛҚОН

ёки мустақиллик даври ўзбек адабиётининг хусусиятлари

Бадиий адабиёт ҳамиша ҳам давр билан ҳамоҳанг бўлавермайди. Негаки, замон – абадий, давр – ўткинчи. Адабиёт эса, шу икки қарама-қарши тушунча: абадийлик ва ўткинчиликни ўзида бирваракайига акс эттириши лозим бўлган ҳодисадир. Адабиётга доир асл асарларда ўткинчи ҳаёт тасвирланади-ю, инсониятнинг бадиий хотирасига абадиятга қадар муҳрланади.

Айрим олимлар мустақиллик даври адабиёти ҳақида эмас, ***мустақил*** адабиёт ҳақида фикрлашиш фойдали деган мулоҳазани билдиришмоқда. Дарҳақиқат, давр келиб-кетаверади, асл адабиёт эса қолаверади. Лекин XV-асрдаги мустақил адабиёт билан XXI-асрдаги мустақил адабиётнинг фарқли жиҳатлари борми? Бу саволга ҳам *бор*, ҳам йўқ, *деб жавоб бериш мумкин*. Фарқи бор, шу маънодаки, қай даражада мустақил эканлигидан қатъи назар, адабиёт намунаси муайян даврнинг маҳсули. Бинобарин, унда даврнинг ўзига хос нуқси акс этмай иложи йўқ. Фарқи йўқ, шу маънодаки, ҳар қандай даврдаги адабиёт мустақиллигининг ўзи билан, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жиҳатларга қарам бўлмаганлиги билан, асл эстетик ҳодиса эканлиги билан моҳиятан бошқа даврлардаги чин бадиият намуналарига жуда ўхшайди.

Шўролар давридагидек, бадиий адабиётни ижтимоий-сиёсий тараққиёт босқичларига кўр-кўрона боғлаб қўйишдан сақланган ҳолда, ҳозирги адабиёт саккиз-ўн йил олдинги адабиётдан тамомила фарқ қилишини кўрмаслик мумкин эмас. Мулоҳазаларимиз аввалидаёқ айтиб қўяйликки, мустақиллик адабиёти мустақилликнинг ўзидан кўра олдинроқ пайдо бўлган. Моҳиятан мустақил бўлган бадиий адабиёт таъқиқларга қарамай, миллатнинг етук фарзандлари тафаккури ва руҳиятида истиқлолнинг белгиларини барпо этди, уни камолга етказиб, фаолият энергиясига айлантира олди.

Мамлакат мустақил шахслар юртига айлангандагина чин маънодаги мустақиллик қўлга киритилади. Ватан қудрати ватанда яшовчиларнинг руҳий ва интеллектуал даражаси билан ўлчанар экан, аҳолининг кўпчилиги ўз қарашига эга бўлмаган юртда мустақиллик *қарор топмайди*. Шу *боис* ҳозир миллатнинг каттаю кичиги маънавият ҳақида гапирмоқда. Чунки му-

стақил қарашлар, хулқ-атворлар, эътиқодлар тизимига, шаклланган маънавиятга эга одамни енгиб бўлмайди.

Мустақил даврнинг адабиёти худди шундай юксак маънавиятли комил шахсни шакллантиришга хизмат қила бошлади. Лекин бу хизмат социализм давридагидек, "юқори"нинг кўрсатмасига мувофиқ эмас, балки асл бадиий асарнинг табиатига кўра ўз-ўзидан амалга оширилмоқда. Истиқлол даври адабиётининг энг катта эришиғи ҳукмрон мафкурадан халос бўлганидир. Адабиёт ижодкорнинг кўнгил ишига айланди. Шу боис миллий адабиётимизда самимият кучайди. Чунки кўнгилдан кўнгилларга йўл топиш қарорлардан кўнгилларга йўл топишга қараганда солиштириб бўлмайдиган даражада осон. Адабиёт сиёсий етакчидан, мафкуравий қуловуздан, йўл кўрсатувчидан қутулди. Демак, мустақиллик даври адабиётида чин эстетик ҳодиса бўлиш имконияти туғилди. Лекин бу имконият туғилиши биланоқ воқеликка айланиб кета олгани йўқ. Негаки, бутун мамлакатнинг мустақиллигига эришишдан кўра ҳар бир алоҳида одамнинг мустақиллигига эришиш кўп бора мушкул.

Шўро даври адабиёти ҳукму хулосалар адабиёти эди. Чунки бу даврда адабиёт камида ё ҳукумат, ё партия, ёки халқ, баъзан эса, бирваракайига ҳаммасининг номидан гапирарди. Эндиликда у фақат ўз номидан гапиришга мажбур бўлмоқда. Бу ҳолат адабиётдан қозилик функциясини олиб ташлашни тақозо этади. Истиқлол даври адабиёти муносабатлар адабиётига, туйғулар, кечинмалар адабиётига айланиб бормоқда. Адабиёт давлатнинг эмас, миллатнинг иши бўлиб қолди.

Адибларнинг олдида бадиий тажрибалар қилиш, эстетик мактаблар яратиш, турли йўналишларда ижод этиш эркинлиги пайдо бўлди. Бу эркинликдан фойдаланишнинг аҳволи ҳозирча кўнгилдагидек эмас. Лекин, муҳими, ўшандай шароит яратилди. Афсуски, етовга ўрганган, кўрсатмалар, таъқиқлар шароитида иш кўраверіб, ўз ичига ғоят синчков таъқибчиларни етиштиришга эришган, ҳадик, қўрқув қон-қонига сингиб кетган ижодкорлар то ҳануз ўз шууридаги цензорлар таъқибидан қутула олгани йўқ.

Истиқлол даври адабиёти муаммолар адабиётидан, долзарб масалалар кўтарувчи адабиётдан инсон руҳияти қатламларини бадиий тадқиқ этувчи, текширувчи адабиётга айланиб бормоқда. Бу йўналишда ижод қилаётган, руҳий тўлғанишлар, ҳиссий

кечинмалар тадқиқи билан шуғулланаётган, лўнда қилиб айтганда, инсоннинг ўзини, ботинини текширишга тутинган адиблар, ҳозирча, кам. Бу хилдаги изланишлар самараси бўлмиш асарлар янада оз. Лекин, муҳими, оз бўлса-да, бор! Битта бадиий қалдирғоч ҳам эстетик баҳордан даракчи бўла олади. Шўро замонидаги адабиёт инсоннинг ўзини қўйиб, унинг меҳнати натижасини тасвирлаш билан машғул бўларди. Тўғрироғи, совет адабиёти ишлаб чиқариш адабиёти эди. Шунинг учун муаммога бағишланган асарлар муаммо билан бирга, ишлаб чиқаришга йўналтирилган асарлар режа бажарилиши билан унутилиб кетдилар. Инсон руҳиятини акс эттирган асарларгина яшаб қолди. Бундай асарлар эса кам бўлади. Аслида ҳар қандай миллатнинг адабиётида ҳам чин бадиий асарлар, оммавий "ширпотреб"ларга нисбатан анча кам бўлади.

Мустақиллик даври адабиётининг яна бир муҳим ўзига хос жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. У ҳам бўлса, ижодкорнинг кўнгил ишига айланган адабиётнинг шаклланиш босқичида, бадиий жиҳатдан ғоят бўш асарлар жуда кўп бўлади. Чунки ижод эркинлиги, аввало, ёзиш эркинлиги демакдир. Бўш асарларнинг йўлига ҳукумат идоралари томонидан тўсиқ қўйилмайдиган бўлгач, бадиий китобларни чоп этиш давлат монополиясидан чиқарилиб, одамларнинг шахсий ишига айлангач, миллий эстетик тараққиётнинг умумий савиясига мутаносиб равишда ўта бўш битикларнинг ҳам кўплаб "яратилавериши" ва ўқилишига кўникмоқдан ўзга чора йўқ.

Бундай шароитда адабиётшунослик ва адабий танқид зиммасига миллат бадиий тафаккури даражасини ўткинчи таъсирлардан сақлаш ва юксалтириш вазифаси тушадики, бугунги адабиётшунослик уни тўла уддалаётир деб бўлмайди. Чунки бизнинг адабиётшунослигимиз таҳлилдан кўра қозилик қилишга, асослаш ўрнига ҳукм чиқаришга ўрганган эди. Эндиликда унга қозилик ҳуқуқини бермай қўйдилар, чиқарилаётган ҳукмларга эса парво қилишмаётир. Бу ҳол адабий танқидчиликнинг қиличини синдириб, қалқонини тешиб қўймоқдаки, шўро давридаги ҳозиржавоблигу, жанговарликларни ҳозир орзу қилишгина мумкин, холос.

Миллий адабиётшунослик ҳали Абдували Қутбиддин, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро, Хуршид Дўстмуҳаммад, Салим Ашур сингари адабий ҳодисаларнинг туб илдизларини, асл мо-

ҳиятларини кашф этолгани йўқ. Адабий танқидчилик бугунги адабий жараёндаги ўзига хосликлар қонуниятини кашф қилишдан кўра "мозийга қайтиб иш кўришни хайрли" билаётир. Чунки бугунги эстетик ҳодисаларнинг туб илдизларини кўрмоқ, адабий жараённинг тараққиёт тенденцияларини белгиламоқ учун пухта методологик асос, чуқур илмий фалсафа зарурдирки, адабиётшунослигимиз айни шу жиҳатлардан қаттиқ оқсаши ҳаммага маълум.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1997 йил 18 апрел

КЎНГИЛ МУЛКИ

Ўтаётган юз йиллик мобайнида ўзбек адабиёти бир қатор фазилатларга эга бўлди. Айни вақтда, у аввалги анчагина фазилатларидан ажралди ҳам. Топганлари ҳақида кейинроқ бафуржа гаплашармиз. Йўқотганлари хусусида тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда, фолклордан узоқлашилганини таъкидлашни истардим. Асл халқ оғзаки ижоди намуналарининг яратилиши бу асрда тўхтади ҳисоб. Яқингача ёзиб олинганлари ва ҳозирда ҳам ёзиб олинаётганлари қудратли халқ бадиий тафаккури дарёсининг оқовалари, холос. Чунки урбанизация, ахборотнинг оммавийлашуви, ёзув ва ёзма адабиётнинг умуммиллий кўлам касб этиши, табиий равишда, руҳий эҳтиёж натижаси ўлароқ, юксак савиядаги фолклор асарларининг яратилиши жараёнини тўхтатади.

Адабиёт XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан Аллоҳ, одам ва ишқ муносабатларининг анъанавий тадқиқидан маиший турмуш реалликлари тасвирига ўтди. Бу жараённинг ҳам яхши, ҳам ёмон жиҳатлари бор. Яхшилиги шундаки, адабиёт одамлар турмушига яқинлашди, кўпчиликка тушунарли, яъни оммабоп бўлди. Ёмонлиги эса... ўз муаммоларига ўралашган одам Аллоҳдан, унга интилиш меваси бўлган юксак туйғулардан йироқлашаверади. Одамзот ҳам Аллоҳ жамоли ҳақида, ҳам ўз маишати ташвишлари тўғрисида баббаравар ва бир хилда қайғуриши мумкин эмас: ё униси, ё буниси босимлик қилади.

XX юз йилликда ўзбек адабиёти тўлиқ ижтимоий адабиётга айланди. Дастлаб Комил, Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз сингари адиблар ижодида уч кўрсатган бу хусусият жадид адабиётининг асосий белгиси бўлди. Совет адабиёти эса моҳият эътибори билан эстетик ҳодисадан кўра ижтимоий фаолиятга ёвуқроқ эди.

XX аср миллий бадиий тафаккурнинг ташқи таъсирларга берилиш, ёт сифатларни ўзлаштириш юзйиллиги бўлди. Чунончи, туркий ижодкорлар XIX аср адоғигача ҳам, гарчи анчагина бадиий ва фикрий таъсирларга йўлиққан эсалар-да, анъанавий тафаккур тарзини – оламни исломий тушуниш ўрнакларини, асосан, сақлаб қолган эдилар. XX асрда олам ва одамни ғайриисломий кўз билан кўриш, исломга ёт бўлган эстетик тафаккур ақидалари ёрдамида англатиш ҳамда акс эттириш жараёни умуммиллий миқёс касб этди. Айниқса, асрнинг учинчи ўн йиллигидан

саккизинчи ўн йиллигига қадар бу жараён миллат аҳлининг асосий қисмини қамраб олди. Кўпчилик ижодкорлар учун борлиқ моҳиятан моддий ва абадий, унинг тараққиёти зиддият туфайлидир, инсон ақли ҳамма нарсани билишга қодир, фақат ҳозирча билиб олинмаган нарсалар бор деб даъво қиладиган марксча моддиюнчи қараш тизими асосий дунёқарашга айланди.

XIX асрнинг ўрталаригача адабиёт фақат ҳақиқат хизматида эди. Тўғри, ўша даврларда ҳам фақат ҳукмронларгагина хизмат қилган чала адабиёт ҳам бўлган (бундай "адабиёт" ҳар қандай даврда ҳам бўлаверади, шекилли). XX асрга келиб, бадиий адабиёт халқ, жамият, тузум, давлат, мафкура хизматига йўналтирилди. Натижада, адабиёт юксак эстетик аршидан тирикчилик заминига туширилди. У турли-туман ҳаётий-маиший муаммолар билан шуғулланадиган бўлди.

Бадиий маҳорат борасида жуда кўп нарса бой берилди. Чунки, одатда, мумтоз адибларни мавзунинг долзарблиги эмас, ифоданинг оригиналлиги қизиқтирарди. Шу боис асарларнинг бадийяти юксак бўлишига кўпроқ эътибор қаратиларди. XX асрда, айниқса, шўро даврида эса у ишлаб чиқариш адабиётига айланди. Аввалларибадиий адабиёт **мақсад** эди, энди **восита**га эврилди. Тўғри, айримлар адабиёт ҳамиша восита бўлиб келган, чунки у ижодкорнинг кўнглини, руҳиятини ифодалаган дейишлари мумкин. Лекин кўнгилнинг майлларини акс эттиришга восита бўлиш билан сиёсий қарашларни ифодалашнинг воситаси бўлиш тенг эмас-да!

Айтиш керакки, XX асрда миллий адабиётимиз кўп нарсага эришди ҳам. Чунончи, роман, қисса, ҳикоя, драма, фожиа, комедия, сонет сингари ўнлаб адабий жанрлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ҳар бир янги жанр миллий адабиёт учун инсонни тадқиқ этишнинг янги бир имконияти бўлди. Аср сўнгтида бир неча роман ёки қиссага хамиртуриш бўладиган метароман ва метақиссалар пайдо бўлди. Шу асрда ўзлаштирилган янги жанрларда жаҳоний ўлчовларга бемалол дош берадиган "Ўткан кунлар","Кеча ва кундуз", "Абулфайзхон", "Мирзо Улуғбек", "Шум бола", "Темир хотин", "Даҳшат", "Ўғри" сингари асарлар яратилди.

Аср бошларида ижтимоий фаоллашган, руҳият қатламларининг инжиқликларини, кўнгил товланишларининг нозикликларини акс эттиришдан анча йироқлашган адабиёт аср

охирларига келиб, яна руҳият ва кўнгил мулкига томон қайта бошлади.

XX асрда ўзбек адабиёти миллий ўзига хосликдан анча узоқлашди. Очиғини айтганда, мумтоз адабиётимизда ҳам миллий қирралардан кўра умуминсоний жиҳатлар кўпдай эди. Аммо бу умуминсонийлик айнан миллий заминга асосланган бўларди. Шу боисдан бўлса керак, бир хил сюжет асосида турли миллатга мансуб ижодкорлар томонидан турлича асарлар ёзилаверарди. Аксар ҳолларда уларнинг бадиий савияси ҳам баланд бўларди. XX асрда миллий чашмалардан узоқлашув жараёнининг кўлами кенгайди ва суръати тезлашди.

XX асрдаги адабиётимизда инсонни қиёфасизроқ тасвирлаш анча кенг ёйилди. Чунки ундан муайян шахс табиатини ҳар жиҳатдан тасвирлаш эмас, балки одамни муайян ижтимоий қатламнинг вакили сифатида кўрсатиш талаб этилди. Бадиий адабиёт конкрет инсондаги ўзига хослик, алоҳидаликни эмас, балки одамдаги қайсидир ижтимоий қатламга мансубликни билдирадиган умумий белгиларни акс эттириши керак бўлди. Шу сабабли адабиётда тип яратишга эътибор камайиб, типик образларни тасвирлаш, яъни оммадан ажралиб турмайдиган, оломонга сингишиб кетадиган қиёфасиз кимсани акс эттириш тажрибаси кенг ёйилди.

XX асрнинг қарийб етмиш беш йили адабиётни қолипларга тиқиштириш даври бўлди. Натижада, адабиётда қиёфасизлик, бир хиллик авж олди. **Социалистик реаллик** жамият аъзоларини мустақил фикрдан маҳрум қилиш орқали қиёфасизлантирган бўлса, **социалистик реализм** ижтимоий қатлам вакилини акс эттиришга зўр бериб, адабий аҳолини ўзига хосликдан маҳрум этди.

Айни вақтда, XX асрда, миллий адабиётимиз дунё адабий жараёнига маълум даражада қўшилди. Гарчи, у бу борада, исталгандай фаоллик кўрсата олмаган бўлса-да, умумжаҳон адабий жараёнининг бир қатор ижобий таъсиридан баҳраманд бўла билди. XX асрда ўзбек адабиёти намояндалари антик давр, уйғониш даври адиблари, Шекспир, Гёте, маърифатчилар, Толстой, Достоевский, Балзак, Стендал, Тургенев, Пушкин, Кафка, Камю, Кортасар, Борхес ва ҳоказо адабий ҳодисалар билан танишди. Адабиётимиз дунё, айниқса, рус адабиётидан бадиий тасвирда муҳимни номуҳимдан ажратишни, моҳиятни ифода-

ловчи унсурларни қабартириб акс эттиришни ўрганди. Миллий адабиётимиз воқеанависликдан қутулиб, ўта мураккаб руҳий товланишларни тасвирлаш тажрибасини ўзлаштирди.

Агар аср бошларида адабиёт кишилар назарида муҳим ижтимоий юмуш, фуқаролик ўлчови, жасурлик ифодаси ҳисобланган бўлса, шўролар даврида у тўғридан-тўғри давлат ишига айланди. Бу ҳол туфайли ижодкор ижтимоий буюртмани бажарувчи публицист косиб даражасига туширилди. Адабий асарларга эса давлат сиёсатини ўқимишли акс эттириши керак бўлган битиклар сифатида қаралди. Натижада, ижодкор эркидан маҳрум этилдики, бадиий адабиёт учун бундан каттароқ йўқотиш бўлиши мумкин эмас.

XX асрдаги таъсири адабий жараёнда энг нохуш из қолдирилган салбий ҳолатлардан бири – давлатнинг айрим адибларни ўзига яқинлаштириб, тақдирлаб, баъзиларига эса эътиборсиз ёки душманларча муносабатда бўлиб, унга ҳам ижодкор, ҳам одам сифатида тазйиқ ўтказгани бўлди. Бу ҳол ижодкорларни табақаларга ажратади, уларнинг кўнглига ҳадик, ҳасад ва зиддият уруғини сепади. Адабиёт кўнгил иши сифатида тан олинган ҳозирги вақтда, кимнингдир кўнгил товланишларини миллат ва давлат номидан мукофотлаш ёки мукофотламаслик ғалати, ақлга сиғмас ҳодиса. Лекин стереотиплар яшовчан бўлади.

Бир асрдан мўлроқ давом этган тутқунлик адибларимизда ўзларини иккинчи даражали ижодкор, оригинал иш қилишга қодир бўлмаган қавм деб ҳисоблаш хасталигини келтириб чиқарди. Шу боисдан ҳам нимаики ўзимизники бўлса, бурунни жийириб, менсимай, неки бегонаники бўлса, қойил қолиб, ҳайратга тушиб қараш ҳолати ижодкорлар орасида кенг ёйилди. Эришган натижалар арзимаслигидан ёзғириш, ўз ютуқларимизга нописанд муносабат бўлишнинг илдизи худди шу ерда деб ҳисоблайман.

Ҳар қандай тажриба, изланиш муайян натижа беради. Ҳатто, натижа салбий бўлса ҳам ҳаёт учун ўзига хос фойда келтиради, яъни бошқалар шу хатони такрорламайдилар. Жанр имкониятларини кенгайтириш борасидаги изланишлар муайян самара берганлиги, бераётганлиги ва беражаги аён, албатта. Фрейд, Ницше, Сартр, Камю, Кафка, Ортега, Хайдеггер ва бошқа ўзига хос файласуф-эстетлар таъсирида ўзбек адиблари амалга ошираётган бадиий изланишларни ғоят ижобий ҳодиса

деб ҳисоблайман. Шу ўринда, юқорида отлари аталган файласуфларнинг аксарияти ўзимизнинг тасаввуфий қарашларни Ғарб назари билан ўзлаштирган кишилар эканлигини, аслида, ўзбек ижодкорлари улар орқали ўз аждодларининг азалий теран эътиқодлари билан учрашаётганликларини таъкидлашни истардим. Албатта, бу ҳодиса бевосита миллий илдизларни ўзлаштириш натижасида рўй берганда яна ҳам яхши бўларди.

Айтиш жоизки, тажриба ўтказишнинг ўзигина мақсад бўлса, узоқ яшамайди, самара бермайди. Инсонни тадқиқ ва талқин этишда адабий тажриба фақат восита бўлса, у адабиётни янги бадиий марралар сари олиб боради, ўзи ҳам яшаб қолади. Ўзига хос ижодкор қанча бўлса, қилинадиган тажриба ҳам шунча бўлади. Ўзига хос шахс йўқ жойда ижодий тажриба бўлиши мумкин эмас. Қандайлигидан қатъи назар, тажрибани таъқиқлаш, унга халақит бериш, аслида, шахсликнинг бўй кўрсатишига тўсқинлик қилиш демакдир.

Мен ўзбек ва жаҳон адабиёти муносабатларига сал бошқачароқ ёндашишни маъқул деб биламан. Бадиий иқтидорлар мусобақасини ўтказиш ғоят қалтис юмуш. Чунки бадиий ижод спорт олишуви эмас. Спортчи аввалбошдаёқ биринчи бўлишга, рақибини енгишга интилади. Зеро, унинг рақиби ҳам тайин. Аммо адабиётда бундай бўлмайди. У биринчилик учун яратилмайди. Рақобат туфайли ёзилмайди. **Ижодкорнинг рақиби ҳам, ҳабиби ҳам – ўз кўнгли**. Шунинг учун ҳам адибларимиз ўзлари ва қаҳрамонларининг кўнгилларидагини тўлароқ акс эттиришдан бошқа ҳеч нарсага эътибор бермай изланаверишлари керак.

Ўзбек адабиёти – тинимсиз ўзгаришу эврилишлар жараёнини бошдан кечираётган тирик вужуд. Унда ҳам ўзига хос ички юксалишлару қуйи энишлар рўй бериши жуда табиий. Бугунги ўзбек адабиёти, асосан, ёзиш кўнгил ишига айланган, ёзмасликнинг имконини тополмаётган кишилар томонидан яратилмоқда. Улар кимгадир ёқиш, олқишу мукофот илинжида эмас, ўз дарду ҳасратларидан фориғ бўлиш учун ёзмоқдалар. Ишонаманки, биз нима дейишимиздан қатъи назар, улар ўз билганларича ёзаверадилар. Бугунги адабиёт ўзинию, Аллоҳини танишга тутинган ижодкорлар томонидан яратилмоқда. Аёнки, бундай одамлар мутлақо хилма-хил, тамомила ўзига хос ва бетакрор кишилардир. Уларнинг битганлари ҳам шунга яраша. Де-

мак, бугунги ўзбек адабиёти ғоят ўзига хос асарлардан иборат бўлиб бормоқда.

Ҳозирги асарларда ўзбек миллатининг ташқаридан кўзга ташланиб турмайдиган, аммо унинг моҳиятини акс эттирадиган қирралари қаламга олинмоқда. Шукур Холмирзаев, Назар Эшонқул, Омон Мухтор, Нормурод Норқобил қаламидан чиққан "Булут тўсган ой", "Шамони тутиб бўлмайди", "Тепаликдаги хароба", "Орият", "Қувончли кун" асарларидаги ўзбекларни ишхона, бозор-ўчар ёки бекатларда учратиб бўлмайди. Эҳтимол, бундай жойларда уларни пайқаш мумкин эмасдир. Лекин улар бор ва такрорланмас адабий қаҳрамонлар қиёфасида ўзлигини намоён этмоқда. Ўзбек адабиёти ўзбек кишисининг ўзига хос тимсолини ярата олганда, ўз-ўзидан табиий равишда жаҳон миқёсига кўтарила олади. Чунки биз жаҳонда мавжуд бўлганимиз сингари жаҳон ҳам бизда намоёндир.

"Катта ўқувчи бўлмаган жойда катта адабиёт бўлиши мумкин эмас",- деган экан Б. Пастернак. Бугунги ўзбек ўқувчиси тамомила ўзгарди. Гарчи ўқувчиларнинг сони кескин қисқарган бўлса-да, сифати яхшиланди, бадиий адабиётсиз яшай олмайдиганлари қолди. Бу нимада кўринади? Агар яқингача ҳам бирор бадиий асарни тушунмай қолган ўқувчи ёзувчини айбдор ҳисоблаган бўлса, эндиликда ўқувчи айбни ўзидан, ўзининг маърифат даражасидан қидирадиган бўлди. Бу ҳол бизнинг адабиётимиз дунё даражасида бўлишига умид туғдиради. Чунки ҳар қандай миллий адабиёт равнақи миллатнинг бадиий савиясидан олислаб кета олмайди.

"Жаҳон адабиёти" журнали
1998 йил 1-сон

ЎЗБЕК НАСРИ УФҚЛАРИ

(1998 йилнинг қисса ва ҳикоялари ҳақида мулоҳазалар)

Кўпчилик ўртасида адабиёт бозор шароитига мослашиши қийин деганга ўхшаш қараш бор. Ҳолбуки, адабиёт бозорга энг тез мослашибгина қолмай, ўзи бозор очиб юборишга ҳам эришди. Адабиёт бозорга мослашгани учун ҳам бозорбоп адабий маҳсулотлар кўплаб яратилаётир. Миллий адабиётимизда саргузаштни акс эттириш, сирли воқеаларни тасвирлашга мойиллик кучайиб бораётганлиги унинг бозор талабларига мослашиб бораётганлигидан далолатдир. Театрлар эса деярли фақат бюртма асосида яратилаётган драмаларни саҳналаштириш билан банд. Кейинги йилларда буюртмасиз бирорта саҳна асари ёзилмади ҳисоб.

Адабиёт – абадиятга даъвогар. Адиб бетизгин вақтни тизгинлашга уринадиган зот. У тарихчидан фарқ қиларок, замон ҳақида ахборот, маълумот бермайди. Билъакс, вақтни, одам умрининг бирор қисмини ҳиссиёту сезимлари билан тасвирга муҳрлаб, тўхтатиб қўяди.

Ўтган йили қисса ҳикояга нисбатан кўпроқ ёзилди, шекилли. Одатда, ҳамиша бунинг акси бўларди. Ҳикоячилик адабиётнинг илғор, тезкор жанри эди. Эндиликда қиссаларнинг миқдор жиҳатидан ҳам мўлроқ яратилганлиги сабаблардан бири қиссаларнинг жанр хусусиятига кўра ҳикояларга қараганда бозорбоплигидадир дейиш мумкин. Унда ҳам самимий лиризим, ҳам тафсилот, ҳам замонга хос белгиларни бирваракайига акс эттириш имконияти бор. Қиссада одамни қамровли туйғулар оғушида кўрсатиш мумкин. Ҳикоя ҳақида бундай дейиш мушкулроқ.

Бизнинг дастлабки аниқлашимизга қараганда, 1998 йилда ўн саккиз қисса чоп этилган. Газетаю ойбитиклар ҳаддан зиёда кўпайган бир вақтда қайсидир бир асар назардан четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Шу ҳолда ҳам қиссалар хирмонининг анча сербарака эканлиги кўриниб турибди. Айни вақтда, ўтган йили адабий рўзғоримизда воқеа бўладиган, қиссачилик тараққиётида ўзига хос ўрин тутадиган асарлар кўпчиликни ташкил қилади деб бўлмайди. Юқорида саналган қиссалардан етти нафари соф детектив жанрда, яна тўрттасида шундай унсурлар етакчилик қилади. Инсон туйғуларини тадқиқ қилишга, унинг тақдиридаги мураккабликларни кўрсатишга уринган ва бунга эришган қиссалар жуда ҳам оз.

Ўтган йилги қиссалар орасида геолог олим Мирмажид Зокиров қаламига мансуб "Муздан чиққан чақмоқлар" асари диққатни тортади. Гап асарнинг ҳужжатга, ҳаётий воқеликка асосланганлигида эмас, балки асар тўқимасига муаллиф самимияти, унинг туйғулари покизалиги синдирилганидадир. Асар биринчи шахс тилидан баён этилган. Асар қаҳрамони ҳам, унинг ҳикоячиси ҳам муаллифнинг ўзи.

Қиссада тасвирга олинган, табиати тадқиқ этилган барча персонажлар тарихий шахслардир. Муаллиф кўп йиллар олдин содир бўлган воқеалар, айтилган сўзлар, рўй берган учрашувлар устидаги унутилиш ғуборини қоқиб ташлаган ва бугунги ўқувчининг ҳукмига жонли, ўзига хос шахслар галереясини ҳавола этган. Машҳур адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг йирик гавдаси қанчалар аниқ тасвирланган бўлса, унинг нозик табиатига хос жасурлик, покизалик, бироз ўжарлик ҳам шунчалар моддий акс эттирилган. Билимдон, чўрткесар, жангари, қайтмас тилшунос Ҳусан Ғозиев, қамоқ азобларидан ўлиб кетмаслик, каллакесарлар томонидан хўрланмаслик учун ўзини "честняга"- қонундаги ўғрилардан қилиб кўрсатишга мажбур, аслида, зиёли бўлган уддабуррон Жўравой, ўзидан бошқани ўйламайдиган сўхтаси совуқ Худойбердиев, нашаванд Мамарасул, айғоқчи Фатхуллин сингари персонажлар жуда ишонарли ва ширали тарзда тасвирланган.

Қиссанинг шиддатли сюжети яшаш учун кураш мобайнида одам руҳиятининг энг нозик, кўздан яширин жиҳатлари намоён бўлишини таъминлаган. Ёлғондан талончига айланган, ҳар қандай кутилмаган шароитда ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган, тадбиркор Жўравойнинг ёрқин шахсияти асарда жуда таъсирли кўрсатилган. Тўхтасин Жалолов ҳақида сотқин, айғоқчи деб миш-миш тарқатилгач, Мирмажид узунқулоқ гапларнинг нечоғлик ҳақиқатлигини билмоқчи бўлганда олимнинг руҳиятида рўй берган кучли пўртана тасвири юксак маҳорат билан кўрсатилган.

Умрида бирор бадиий асар битмаган геолог қаламига мансуб қисса таъсирчан ва эсда қоларли. У маърифий ахборот манбаи сифатидагина эмас, бадиий қиммати, тасвир мароми билан ҳам диққатга сазовор. Чунки асарда устини ҳеч қачон кул босмайдиган руҳий ҳолатлар ишонарли тасвирланган ўринлар кўп. Қиссада улкан инсоний дард, жабрдийда одамнинг ўтиб кетмас руҳий изтироблари тасвири бор. Асарнинг тасвир мароми қаҳра-

монларнинг тақдиридай ҳаққоний. Ифодадаги бевосита ва самимий йўл ўзини оқлаган. Назаримизда, муаллиф ёзмаса бўлмайдиган ҳолатга келгунга қадар қиссани ёзмай юрган. Ёзмасликнинг иложи қолмагандан сўнг яратилгани боис асар таъсирли чиққан.

Қиссада қаҳрамонлар табиати ривожида тадрижни кўрсатиш деярли йўқ. Ҳар бир песонажнинг кимлиги қамоққа хос фавқулодда шароит тақозоси туфайли туғилган вазиятларда "ярқ" этиб намоён бўлади. Қисса қаҳрамони фикр ва фаолият кишиси. У ўзи билан андармон файласуф ҳам, эртаси ҳақида қайғурмайдиган таваккалчи чапани ҳам эмас. Унда ўзбек зиёлисига хос турфа сифатлар мужассамлашгандир.

Асарда пишитилиши лозим сюжет чизиқлари, қайта ишланиши даркор бўлган характерлар анчагина. Лекин ана шу кемтиклар профессионал бўлмаган киши томонидан яратилган асар учун фазилат ҳамдир. Ўзлигига эга бўлган ҳар бир одам, ўзини таниган ҳар бир халқ тазарруга эҳтиёж сезади. Тазарру учун гуноҳ қилиш шарт эмас, одамдай яшаб ўтиш кифоя қилади. "Муздан чиққан чақмоқлар" – ана шундай тазаррунинг маҳсули.

Ўзига хос асарлари билан китобхонлар эътиборига сазовор бўлган ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг "Увлаётган ит" асари ўтган йили эълон қилинган қиссалар орасида алоҳида ажралиб туради. Айтиш керакки, Нормурод жониворларни яхши билади ва маҳорат билан тасвирлайди. Ёзувчи "Оқ бўйин", "Паҳмоқ" қиссалари, бир қатор ҳикояларида жониворлар ҳақида ғоят билимдонлик ва самимият билан ёза олишини кўрсатган. Н. Норқобилов тасвирлаган жониворлар одатда, қандайдир фавқулодда жиҳатларга эга бўлади. Бу ҳол уларни ҳамиша воқеалар марказига чиқаради ва ҳодисалар гирдобида қолиб кетмаслик имконини беради.

Адиб шунчаки ҳайвонсевар эмас. У оддий бўлмаган ҳайвонлар, уларнинг сирли одатлари, ғалати тирикчилик тарзи ҳақида қалам сурар экан, жониворлар атрофидаги одамларнинг хусусиятларини тўлароқ очишга ҳаракат қилади. Агар қиссадаги Қоравой оддий ит бўлганида эди Тоға унга эътибор ҳам бермасди. Бинобарин, унинг табиатидаги харислик, пасткашлик, очкўзлик, раҳмсизлик сингари сифатлар тўлиқ бўй кўрсатмаган бўларди.

Адиб Қоравойнинг дунё билан танишиш, уни кашф этиш жараёнини жуда маҳорат билан тасвирлайди. Қоравой- эркка ташна жонивор. Эркни муҳаббати, тириклиги садоқатидан ҳам баланд қўяди. Айни дамда, садоқатсизлик ҳам қилмайди. Н. Норқобилов тасвирида одам ҳайвондан ёки яхши ёмондан эмас, балки ёмон ҳам ёмондан фарқланади. Чунончи, Ориф тирриқнинг Тоғадан кўра инсофли, диёнатлироқ эканлиги унинг исмсиз туйғулари, тушунарсиз изтироблари асносида ёрқин намоён бўлади.

Қисса қизиқиш билан ўқилади. Лекин асарни ўқиш, қаҳрамонлар ҳаёти билан яқинроқ танишиш мобайнида қиссахоннинг нафаси қайтиб, иложсизликдан бўғилиб кетади. Негаки, воқелик ниҳоятда даҳшатли. Қаҳрамон яшаётган муҳит жирканч. Бу даҳшатдан чиқиб бўладими? Қаҳрамон ҳар томонидан қисиб келаётган руҳсизлик қафасидан халос бўла оладими? Унинг қисқа умрида бирор ёруғ нуқтани кўриш мумкинми сингари бевосита фикрлар пайдо бўладики, китобхонни булар ҳақда ўйлашга мажбур қилиш асарнинг ютуғидир.

Толмас Қоравойни ҳимоя қилиб, ҳиссиз ва фойдахўр Тоға томонидан қаттиқ калтакланганида ва етимлиги, иложсизлиги, абгорлиги туфайли юраги қон бўлиб, йиғлаб ўтирганида ўсмирни ҳеч ким эмас, Қоравой овутмоқчи бўлади. Итнинг меҳрибончилиги болани батарроқ йиғлатади. Қиссахон даҳшатга тушади: "О, одамлар! Итдан ҳам баттармиз-а!" Бола ўлимидан сўнг итнинг ўз-ўзидан ғуссага тўлиши ва қабр бошига бориб увлаши қиссада жуда жонли ва руҳий жиҳатдан асосли берилган. Асарда итга ҳамду сано айтиш, унинг садоқатидан ҳайратланиш каби чучмал тасвирлар йўқ. Қоравойнинг йирик ва мардона образи, кўпинча, одамларда етишмай қолаётган ит феълининг гўзал ва ишонарли тасвири бор. Ит болани нега яхши кўриб қолганини билолмайди. У фақат болада ўзига меҳр туяди. Меҳр эса меҳр уйғотади. Аслида, оқибатга қараб хулоса қилинса, итда болани ёмон кўриб қолишга, ёвлашишга асос кўпроқдай туюлади. Аммо оқибатни, охирги натижани ҳисобга олиб иш кўриш итга эмас, одамга хос.

Адабиёт – маънавий озуқа. Унинг маънавий бўлса–да озуқалиги, санъат эканлиги ҳамиша эсда туриши керак. Бадиий асарга турфалик, инжалик шарт.

Тил – бутун бир халқнинг кўнгли, адабиёт – алоҳида бир одам кўнглининг ифодаси. Шунинг учун ҳам адабиёт давлат

иши ҳам, ижтимоий – сиёсий юмуш ҳам бўлолмайди. У ўзбек адабиётида ҳам тобора кўнгил иши бўлиб бормоқда. Кўнгилнинг қамрови катта, хаёлнинг парвози баланд, мақсадниг миқиёси улкан бўлса, бир кишининг кўнгли миллионларникига айланади. Айланганда ҳам айнан бир кишиники бўлганлиги, айнан чиндан ҳам кўнгил бўлганлиги учун ўзгаларга юқади.

Шукурки, миллий адабиётшунослик фалон мавзу нега қаламга олинмаётир, фалон ижтимоий қатлам вакиллари нима учун асар қаҳрамонлари сифатида тасвирланмаётир деб даъво қилиш босқичидан ўтиб бормоқда. Тўғри, ҳозир ҳам унда-бунда шунга ўхшаброқ кетадиган фикрлар айтилаётир. Лекин бу гапни айтаётганлар, кўпинча, айтганларига ўзлари ҳам жиддий эътибор қилмайдилар. Шунчаки, ўзлари учун, қурчларини қондириш учун гапиришади. Бинобарин, бу хил гап-сўзлар адабий иқлимни ўзгартиролмайди. Асл адабиётни йирик ижтимоий қатламлар, йирик тадбиркорларни тасвирламай туриб ҳам, ҳатто, ҳеч нарсадан ҳам қилиш мумкин. Ҳеч нарсанинг инсон руҳиятидаги излари қандайлигини билиб қўядиган пайт келди.

"Бўшлиқ йўқми? Бўлмаган гап! У йўқликка ўхшаган борлиқ",-дейди Улуғбек Абдулваҳобнинг «Ёлғизлик» қиссаси қаҳрамони. Биз, кўпинча, бир одам у ёқда турсин, икки-уч киши ҳақида ҳам қисса ёзиб бўлмайди, чунки жанрнинг қамрови кенг, бир неча инсоний тақдирларни акс эттирадиган бўлиши шарт тарзидаги қарашларга мойилмиз. Улуғбекнинг "Ёлғизлик" қиссаси бу хил қарашлар эскирганлигининг исботи бўлди. Архитектоникасига ва айниқса, ифода тарзига кўра тамомила ўзига хос уч қисмли ушбу асарнинг биринчи ва учинчи қисми қўшилиб, чамаси бир бетни ташкил этади. Қиссанинг қолгани эса, иккинчи қисм тасвиридан иборат.

"Ёлғизлик" қиссаси ўйлайдиган одам ҳақидаги асар. Унинг қаҳрамони табиатига кўра ўзгалардан айрилиб туради. Бошқача одам бўлгани боис бошқача фикрлайди. У: "Фароғати қарс синган" одам сифатида "Бахтнинг темир исканжасида" қолганлигидан қийналади. Чунки фароғатсизлик безовталикдир, мувозанатдан чиқишдир, ўзи ҳақида, умрнинг салмоғи ҳақида адоқсиз ўйлар қучоғида қолишдир.

"Ёлғизлик" қиссасида анъанавий маънодаги сюжет йўқ. Асарда тугун бор, лекин ечим йўқ. Тасвир воқеалар ривожига эмас, кўнгил розлари ифодасига қаратилган асар қаҳрамони реал олам-

да яшашдан кўра кўнгилда яшашга интилади. Бу дунёнинг моддий ташвишларидан малолланади. Ундан баландроқ тургиси, моддийликка қоришиб кетишдан сақлангиси келади. Кўнгил инжишларидан азобу изтироб чекади. Қиссадаги тасвирларга ҳаётий ҳақиқатни ифодалаш нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Чунки кўнгил ҳақиқати саноқсиздир. Бундай киши ҳаётда йўқ десак, ҳаётни билмаслигимиз бўлади...

"Мен мен эмас кўнглим мендир!"- дейди асар қаҳрамони. У худо борлиги ҳақида мулоҳаза юритиб ўтирмайди. У "...ўзини ерга ташлаб, Аллоҳ билан тиллашади". Чунки бутун оламда, барча яралмишларда уни кўради.

Қиссанинг қаҳрамони адибнинг ўзидир, гарчи асар адиб номидан эмас, мен номидан ҳикоя этилади. "Қачонгача бандалик либосида юраман?! Қийналдим-ку! Қачонгача Сени, Сенга қайтишни ва ниҳоят "Сен" бўлишни кутиб яшайман?" Аллоҳга қаратилган бу иддаолар қаҳрамонники, Яратганга қўшилмоқ унда ўзини топмоқ, шу билан хотиржам бўлмоқ истайди у. Унинг Яратганни излаб кўнгил мулкини сарсари кезиши, аслида, ўзини излашидир. Чунки ҳар бир банда яратган Эгасини ўзини билган даражадагина била олади. Ва уни ўз кўнглидангина топа билади. Қаҳрамонни ташқи жиҳатлар, ахлоқий шартлиликлар, ижтимоий ёрлиқлар қизиқтирмайди. У моҳиятни билмоққа, унга етмоққа интилади. У Аллоҳга тақво орқали эмас, кўнгил орқали етиб бормоқчи бўлади. Шу нарса унга тинчлик бермайди, безовта қилади, қийнайди.

Қисса қаҳрамони бу ёлғон дунёнинг жилваларига, лаззатларига ишонмайди. Моддий тирикчилик руҳни ўлдиришнинг қуроли эканлигини теран англайди. Шу боис ҳам: "Наҳотки, дунёдан-да ортиқроқ қийноқ бўлса, дўзах топилса" деган хулосага келади. Унингча, меҳнат яшашнинг воситаси эмас, балки; "...инсоннинг ҳимоя тўни". Инсон иш воситасида ўз хаёлларидан демакки, асл моҳиятидан сақланади. Ҳикоячи табиатан ижодкор, шу туфайли олам ҳодисаларига адиб нигоҳи билан қарайди: "...худди шоири ўлган мамлакатдай ҳувиллайдику юрагинг!". Айни вақтда, у – реал ҳаёт кишиси. Аммо ҳаётни ҳам туйғулари призмаси орқали кўради. Маҳбубасига айтган дил рози, унинг асл қарашини ҳам ифодалайди: "Фақат сенинг ҳузурингдагина мана шундай ҳаяжонланаман, фақат ҳаяжонланганимдагина яшайман!". Чунки: "Гоҳо ташқарининг йўллари ичкарига – кўнглига туташган бўлади".

Асар қаҳрамони ижодкор бўлгани боис ўйлари, изтиробларини гирдибодида адабиёт, санъат ҳақидаги қарашлар ҳам ботбот кўзга ташланади. У битганларини кўнгил иши деб билади. Ўз дардларини қоғозга тўкар экан, хаёлан ўқувчисига шундай мурожаат қилади: "Тушуняпсанми, ўқувчи, ёзувчининг меҳнатию асарлари қиймати қай даражада эканини идрок этяпсанми? Ҳеч бир санъат дурдонаси, фақат сен учун, сенинг манфаатинг учун ёзилмаслигини пайқадингми, ниҳоят?" Қаҳрамон ўқувчисига беписанд эмас. У ўзини китобхондан баланд олаётгани ҳам йўқ. Бор-йўғи, ёзган асарлари, биринчи навбатда, ўзи ва кўнгли учун эканини рўй-рост таъкидлаётир.

Фикр кишиси сифатида у ижоднинг моҳиятини билгиси келади, ўзининг не боис бунчалар қийналаётганлиги сабабини англамоқчи бўлади. Унинг: "Наҳотки, ижод – иложсизликдан бош урилажак илож?"- сингари изтироб чекишлари инжиқ кишининг шунчаки эркаликлари эмас, изланаётган одамнинг азобларидир. Қисса қаҳрамони туну кун, тушда ҳам ўнгда, ҳаётию амалида ўзини топмоқ бўлган мураккаб шахсдир. Унинг ўртанишлари тасвири кишини ром қилиши, ўқилганда юқишининг боиси ҳам шунда. Маскур қисса миллий адабиётимизга жиддий ижодий имкониятларга эга ўзига хос бир ёзувчи сездирмайгина кириб олганлигидан эстетик далолатдир.

Ўтган йилги диққатга сазовор қиссалардан бири таниқли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг "Шўродан қолган одамлар" номли йирик асаридир. Шойимнинг ўткир нигоҳи, ўзига хос тили ўзбек ўқувчиларига анчадан буён маълум. Китобхонлар унинг бошқаларни такрорламайдиган оҳорли асарлар яратишига ишонишади. Адибнинг тилга олинган асари ана шу ишончни оқлаган дейиш мумкин. У тасвир қамровига олган персонажларини жуда яхши билади. Шунчалар яхши биладики, улар бирор ўринда ҳам муаллиф изни-ихтиёридан ташқарига чиқмайдилар, чиқишга уринмайдилар. Чунки асарнинг барча қаҳрамонлари қолипдаги одамлар. Уларнинг биронтаси: на кексалар, на ёшлар ким томонидан ясалгани ҳам, қўйилганлиги ҳам, нимадан ибоатлиги ҳам маълум бўлмаган кўзга кўринмас қолиплардан чиқиб кетишга уринмайди. Чунки қолиплар бундай кимсаларнинг моҳиятини ифода этади ва шу боис уларга мос келади.

Асар "Кўнгли таваллуд топмаган" пешонаси шўр кимсалар ҳақида. Унда муҳаббати ҳам, нафрати ҳам тайинсиз, нима мақ-

садда яшаётганлиги ҳақида бирор марта ҳам ўйлаб кўрмаган кишиларнинг фожиали кечмиши ўта синчковлик билан қадам-бақадам акс эттирилган. Ўрни билан адиб шафқатсиз тасвир маромидан фойдаланади. Қисса қаҳрамонлари сийратидаги қашшоқликни ҳеч бир пардаламай, асло аямай кўрсатади. Инсонга хос фазилатлардан маҳрумликлари, уқувсизликлари, бахти қароликлари, энг асосийси, меҳру оқибатсизликлари сабаб ғам дарёсининг тубига чўкиб кетган персонажлар ҳақида ёндирувчи киноя билан, аёвсиз кулги билан ёзилади.

Асарда соғлом фикр ва покиза туйғулардан маҳрум, фақат буйруқнигина бажарувчи қўғирчоққа айланган, қамоқдаги ўз ўғлини ҳам оти билан эмас, хизмат талабига мувофиқ "тўқсон олтинчи" деб айтадиган тўнкамижоз назоратчи, унинг бемеҳр, қандай қадам ташлашини билмайдиган, билишга ҳам уринмайдиган, лекин ҳар қандай кўргилиги учун бошқаларни айбдор қилишга шошиладиган укаси, уларнинг ўзларидан-да фикрсиз, шу боис эрларига, шу тарздаги ҳаётга муте, аммо ҳозирча оналарга, аёлларга хос туйғулардан тамомила маҳрум бўлмаган хотинлари тимсоллари жуда қабариқ акс эттирилган.

Қисса билан танишиш жараёнида китобхонни ваҳима босади. Чунки у ҳеч қаерда ёруғлик тасвирини, некбинлик учқунларини кўрмайди. Иложсизлик уни сиқиб боради. Айни шу ҳолат унда асарда тасвирланган ҳолатларга нисбатан жиддий муносабат уйғотади. Ўзи ва ўзгалар тумушининг бу қадар нурсизлиги сабаблари ҳақида фикрлашга ундайди.

Асарда кишининг ғашига тегадиган жиҳат шуки, муаллиф қаҳрамонлари ҳақида барча гапларни ўзи айтади. Уларга тавсиф беради. Тавсифлаганда ҳам уларнинг нодонлиги, уқувсизлиги ва бахтсизлигидан роҳатлангандай бўлиб тасвирлайди. Ҳали қайта-қайта ўқилиши лозим бўлган бу қиссада тасвир мароми сал бошқачароқ, муаллифнинг оҳанг тарзи бир оз некбинроқ бўлса, эҳтимол, асар янада тузукроқ чиқарди.

Бизнинг олам билан эллашувимиз, тиллашувимиз фақат ўзимиздаги нарсаларни ўзгаларникига алмаштириб олиш тарзида бўлмагани маъқул. Биз тилнинг илоҳий ҳодисалигига иймон келтирган ва илоҳий нарсани шайтоний манфаатларга хизмат қилдириш гуноҳ эканлигини биладиган миллат вакилимиз. Дунёнинг катта қисмида яшайдиган кишилар учун ҳалол-ҳаром тушунчаси йўқ ва улар бундан масрурдирлар. Бундай юртлар-

да ҳароми бола ўзини ўксик сезмайди. Бу ерларда қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай ишни ҳар қандай жойда қилиш мумкин, деб ҳисоблашади. Дунёнинг ярмидан кўпида яшайдиган одамлар уйқудан тургач, аввал, овқатланиб, сўнг юз чайишни айб санамайди. Ўзбекдан чиққан энг ашаддий ғарбчи ҳам уйқудан сўнг юзини ювмай овқатланмайди. Биз бошқача яшаймиз, биз бошқача ўйлаймиз, биз бошқача ҳаяжонланамиз. Аммо айрим асарлардаги тасвирларда бизнинг бизлигимизни кўриб бўлмайди, қаҳрамоннинг кимлигини билиб бўлмайдики, буни фазилат дейиш мушкулдир.

Ўзининг дадил бадиий тажрибалари, тасвирдаги ўринли ва кутилмаган янгиликлари билан мутахассислар эътирофини қозонган Назар Эшонқулов ўтган йили "Тун панжаралари" қиссасини эълон қилди. Назар адабиётимизга ўзгача оҳанг, ўзгача инсоний муносабатлар тизимини олиб кирган. Унинг ифода тарзида қандайдир залвор, қамровли миқёс мавжудки, бу ҳол адабиётда инсон тақдирига енгил ёндашиб бўлмаслигини эсга солиб туради. Ўқувчини жиддий тақдирлар билан учрашишга тайёрлайди. Айтиш керакки, унинг тасвири тиниқ эмас. Лойқа кўп. Бу табиий ҳолдир. Негаки, залвор, кўлам, миқёс катта оқимнинг маҳсули бўлади. Катта оқим тип-тиниқ бўлиши асло мумкин эмас. Чунки у шиддатли ҳаракатни тақозо этади. Афсуски, сўнгги қиссада лойқа керагидан ортиқ бўлиб кетгандай, бу эса, тасвирнинг хиралашувига, бадиий мақсаднинг кўздан пинҳон қолиб кетишига сабаб бўлгандай таассурот қолдиради.

Мазкур қиссада Назар гўё оламга бировнинг кўзи билан қараб, уни бировнинг тили билан тасвирлаётганга, асарни азбаройи тажриба учун ёзаётганга ўхшаб кўринади. Ўхшатишларнинг сунъийлиги, ҳайратларнинг қаҳрамон табиати ва руҳиятидан йироқлиги кишининг ғашига тегади. "Тун гулзори ҳам бир-бир очила бошлади",- дейилади бир ўринда. Асарда муқим бир сюжетнинг йўқлиги майли тажриба бўла қолсин, лекин тасвир табиий ва ақлга мувофиқ бўлиши керак эмасми? Маълумки гулзор эмас, гул очилади. Тунни гул ёки гулзорга менгзаш жудаям ўринли деб бўлмайди. Ўхшатиш, одатда, номаълум нарсани ўқувчи кўз олдига келтиришни осонлаштириш учун қилинади. Назарда эса, аксинча ҳам бўлаверади. Қиссада "Ницше тасвирланидек", "Гонстратнинг расмларига ўхшаб" сингари ифодалар жуда кўп. Аслида гап малла соч ҳақида кетяпти.

Шунга Ницшени тиқиштириш шартми? Биз ундан олдин ҳам кейин ҳам маллани малла деб айтганмиз, айтаверамиз ҳам. Муаллифнинг Ницшени севиши эса бу бошқа гап. Асар қаҳрамони хаёлида ҳам фақат Ботишга мансуб одамларни кўради: гоҳ Антоний билан тўқнашиб кетади, гоҳ Цезарни эслайди...

Бадиий асардаги камчиликниг катта-кичиги бўлмайди. Чунки инсон ҳаётининг ҳам катта-кичиги йўқ. Шу маънода, "Тун панжаралари" қиссасида қаҳрамоннинг молхонани ичидан тамбалаши ғалати. Молхоналар фақат сиртидан тамбаланади. Чунки унинг ичидаги моллар эшикни ичидан тамбалаб олишни барибир билишмайди.

Ифоданинг залворли бўлиши жуда муҳим. Чунки бадиий асарда тасвир руҳи унинг ифода оҳангидан пайдо қилинади. Аммо тасвир залворига зўракилик билан сунъий равишда эришилмаслиги керак. Мана бу тасвирга эътибор қилайлик: "...Шаҳар узра чўзилиб ётган йўллар дарахтнинг бир шохига қўниб турганини кўриб қоласан". Муаллиф бир замонлар яхши кўрган қизимни йўл-пўлда кўриб қоламан демоқчи. Шу гапни айтиш учун шунча замзама қилиш керакмикин? Ёки "...кўксингга нафрат соатини солиб қўядиган..." тарзида жўртага чийратма ибора тузиш, туйғу қўзғаш учун зўриқиш кутилган бадиий эффектни берадими?Асарда шундай бир жумла борки, у бир қоғоздан ортиқроқ жойни олади. Афсуски, бу ерда уни келтиришнинг иложи йўқ. Тўғри, гап жумланинг катталигида эмас. Гап ана шу жумлада ифодаланаётган ҳолат ёки руҳиятнинг яхлитлиги, самимияти ҳамда бадиий вазиятга мослигида. Афсуски, жумла пароканда ва бесўнақай бўлгани сабабли бадиий тасвир ҳам хира тортиб қолган.

Ўтган йилги қиссалар орасида Б. Даминовнинг "Она тупроқ", Б. Ризаев, О. Умматқуловнинг "Хат", Г. Раҳмоннинг "Марварид шодаси", А. Ибодиновнинг "Қайғусиз қаср", Х. Хурсандовнинг "Чопон кийган аёл" сингари анчагина бўш асарлари ҳам бор бўлганидек, М. Хайруллаевнинг "Ёшлик, ёшлик..." сингари қизиқарли сюжетга, аниқ тасвирларга, ўзига хос инсоний тақдирлар ифодасига эга бўлган, лекин барча жиҳатдан қиёмига етди деб бўлмайдиган битиклар ҳам бор.

Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида пасайиш, сўниш яққол кўзга ташланиб қолди. Ҳикоячилигимизда 90-йиллар бошларида сезилган янгиланиш, ўзгариш, янги ифода усулларини излаш жа-

раёни бугунга келиб банд ташланган ариқнинг сувидай қуриб қолаёзди.

Ҳозирги адабий ҳаётимизда ўзини ёзувчи санаганлар ниҳоятда кўп, лекин улар орасида асар ёзаётганлари жуда кам. Ўзбек насрида кекса, ўрта ва ёш ижодкор сифатида уч авлод ўзаро ажралиб туради. Хўш, мана шу уч авлоддан қайбири фаол, кўпроқ ва яхшироқ ёзаётир? Бизнингча, кекса авлод ўз ёшига яраша ишини қилаётир, яъни хотираларини қоғозга тушираётирлар. Жиддий асарлар ёзадиган ёшга етган ўрта авлод вакиллари эса батамом ёзишни тўхтатдилар. Насримизга янги нафас олиб кириши лозим бўлган ёшлар эса йигитлигидаёқ қариб қолгандек туюлади. Назар Эшонқул, Исажон Султон, Абдуқаюм Йўлдош, Шодиқул Ҳамроев ва бошқа бир қатор ёш носирларимз ижодида кучсизланиш кузатилади. Масалан, илк ҳикоя ва қиссаси билан ўқувчиларда жуда яхши таассурот қолдирган Исажон Султон ижодини бутунлай тўхтатиб қўйган кўринади. Кейинги пайтда Шодиқул Ҳамро тамомила кўринмай қолди. Назар Эшонқул эса 1998 йилда жуда кам нарса ёзди.

1998 йилда бирон та ҳам ёш носир кашф қилинмади, шунингдек, адабий жамоатчилик орасида "шов-шув" бўладиган ҳикоя ҳам ёзилмади. Ўтган йил адабиёт боғининг ҳикоячилик оғочи жуда камҳосил бўлди. Бу ўринда нима учун ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида пасайиш бошланганлиги, ёзувчилар кўп бўлгани ҳолда ҳикоялар кам ёзилаётганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин, ҳар холда, миллий кичик насрда заиф, кучсиз бўлса-да, янги тамойиллар кўзга ташланиб турганини таъкидлаш лозим бўлади. Бу тамойиллар салбий ёки ижобий, ўсишни ёхуд таназзулни англатишидан қатъи назар кўзга ташланиб турибди.

Ҳикоянавислар кўпроқ детектив, саргузашт асарлар ёзишга қизиқа бошладилар. Абдуқаюм Йўлдошев, Луқмон Бўрихон ва бошқа бир қатор ёш ёзувчилар ўтган йили қатор детектив ҳикоялар ёздилар. Чунки шошқалоқ, бир жойда босиб ўтиришга вақти йўқ янги ўқувчи метрода ўтирган ёки автобусда тик турган ҳолда ўқиладиган асарларга буюртма бераяпти. Ёзувчи ҳам сезгир тижоратчи сифатида товарни талабга қараб, таклиф этмоқда. Аммо бир нарсани аниқ айтиш керакки, ҳозирча тилга олишга арзигулик детектив ҳикоя яратилгани йўқ. "Ёзувчи" рўзномасида эълон этилган детектив ҳикоялар бадиий асар да-

ражасига етмай, "Постда" газетасида бериладиган жиноят хроникаларига ўхшаб қолган. Албатта, детектив ўзбек ҳикоячилиги учун бирмунча янги жанр. Тажрибалар кам, анъаналар йўқ даражада. Келгусида бизнинг ҳикоячилигимизда ҳам жиддий детектив асарлар яратилса ажаб эмас. Гапнинг рости шуки, ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ҳақида қанча кўп тўхталинса, салбий фикрлар шунча кўпайиб кетаверади. Сабаби, юқорида айтилганидек, ҳозирги ҳикоячиликда ижобий ҳодисалар оз.

Бизнингча, 1998 йилда яратилган ҳикоялар орасида энг эътиборга арзийдигани Аҳмад Аъзамнинг "Ёзувчи" газетасида эълон этилган "Гўзалликнинг қирралари" ҳикоясидир... Бу асар Абдулла Қаҳҳорнинг "Бошсиз одам"и тоифасидаги асардир. Лекин бир эътироз бор: ҳикоянинг табиати бу қадар илмий номни кўтармайди.

Яқин йилларда ёзилган ҳикоялар орасида Саид Аҳмаднинг "Қоракўз Мажнун" асари алоҳида ажралиб туради. Ҳикоя бадиий жиҳатдан анчагина баланд. Унда насроний динини қабул қилган ўзбек йигити тимсоли илк бор яратилган. Адабиётимизда коммунистик мафкурани уят ва номусдан баланд қўйган ашаддий коммунистлар ёки "Худони отиб ўлдираман",- деб осмонга милтиқдан ўқ узган телба худосизлар тимсоли тасвири бор эди. Лекин уларнинг бари ҳам ўзбеклар орасида яшаб, шу миллатнинг мусулмончилик аралашган урф-одатларига риоя қилишар эди. Бироқ адабиётимизда астойдил насронийликни қабул қилган, бўйнига хоч тақиб, чўқинадиган ўзбек тимсоли яратилмаганди.

Ҳикояда насронийликка ўтган ўзбек – Бўрихон узоқ йиллардан сўнг жиянларининг қистови билан онасини кўргани келиши ва соғинган, интиқ онаннинг имонсиз ўғилга муносабати акс эттирилади. Ўғлининг бошқа динга ўтганлигини кўрган она ўғлидан воз кечади, уни фарзанд сифатида рад этади. Дайди боласини кутавериб, кўзлари тешилган ўзбек аёлининг ҳар қандай гуноҳни кечириши мумкинлиги, лекин имон-эътиқодини алмаштирган ўғилни кечиролмаслиги ҳикояда анча ишонарли тасвирланган. Ўғлини жуда узоқ кутган ва ниҳоят дийдорини кўриш насиб этганда, ундан юз ўгиришга мажбур бўлган имонли онанинг изтироблари асарда таъсирчан акс эттирилган.

Бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳам сезилар-сезилмас ўзгариб бораётир. Илгари ахлоқсизлик, виждон-

сизлик, ўғирлик ҳисобланган хатти-ҳаракатлар бугун бошқача баҳоланаяпти. Вафо Файзуллонинг "Ёшлик" ойномасида эълон қилинган ҳикоясида ночор иқтисодий шароит туфайли маънавиятимиздаги эврилиш жонли тимсоллар тасвири асносида нозик кўрсатилган. Туппа-тузук жойда ишлайдиган бир йигит автобусда бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган гувоҳномасини кўрсатиб, йўлкира тўламайди. Энг муҳими, бошида уни виждон азоби қийнаган бўлса, кейинчалик у ўз ҳолатига кўникади. Ҳикояда одам шароитни ўзгартиргани каби, шароит ҳам инсон маънавиятига кучли таъсир кўрсатиши мумкинлиги жонли тимсоллар ҳаёти ва руҳияти мисолида ишонарли кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йили ўзбек ёзувчилари миллат бадиий дидига жиддий таъсир кўрсата оладиган эътиборга лойиқ асарларни кўп яратолмадилар. Иқтисодий вазият туфайли кўплаб умидли ёзувчилар ижоддан воз кечиб юборди. Бизда истеъдодни ўлчашнинг нотўғри йўли қарор топди: шоир-ёзувчилар орасида яхши асар ёзганни эмас, балки яхши ишга ўтганни катта натижага эришди деб ҳисоблашга одатланилмоқда. Лекин, етарлича камчилик ва нуқсонлари бўлган ҳозирги адабий жараёнда эртанги умидлар ҳам куртаклаётганини таъкидлаш лозимдир.

"Ёзувчи" газетаси 1999 йил 5 май.

ЯНГИ АДАБИЁТШУНОСЛИК НИМА

Миллатнинг яшаш тарзи, фикрлаш даражаси, оламни бадиий идрок этиш йўсинида улкан ўзгаришлар ясаган XX аср адабиётига хос хусусиятларни кузатиш, улардан муайян илмий хулосалар чиқариш мутахассислардан улкан масъулият талаб қилади. Бу асрда дунёнинг энг қадимий халқларидан бўлган ўзбекларнинг олам ҳодисаларини қабул қилиш ва унга ёндашиш тарзи аввалги ўнлаб асрлардагига нисбатан жиддий ўзгарди. Минг йил мобайнида оламни исломий англаб келган ўзбеклар дунёқарашига бу юз йиллик бошида илк бор Кунботиш аҳлига хос белгилар кириб келди. Орадан йигирма-ўттиз йил ўтар-ўтмас эса, даҳриёна коммунистик мафкура бутун миллатга мажбурий эътиқод сифатида тиқиштирилди. Аср адоғига бориб фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар плюрализми вужудга келиб, миллат ҳукмрон мафкура тазйиқисиз яшаш имконига эга бўлди. Бу ҳолат халқнинг ижтимоий онгида соғломлашиш жараёнини юзага келтирди.

Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар адабий ҳодисаларни қайта идрок этиш ва уни ижтимоий онгнинг бугунги даражасига мувофиқ адабиётшунослик илмининг талаблари асосида баҳолаш заруратини тақозо этади. Бадиий асарга, адабий жараёнга баҳо беришда филолог олимлар ўртасида шу вақтга қадар ҳам умумий бир илмий тўхтам мавжуд эмас. Ҳақиқатан, адабиёт ва давр муносабатини тўғри аниқлаш осон бўлмайди. Чунки давр – вақт деб аталмиш абадий ҳодисанинг ўткинчи бир бўлаги, адабиёт эса ана шу ўткинчи лаҳзаларни абадиятга муҳрлашни даъво қиладиган санъат туридир. Шунинг учун ҳам адабий ҳодисалар ҳақида фикр юритиш тадқиқотчидан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Адабиётшунос бадиий асарни ижтимоий ҳаётнинг оддий нусхаси санаб иш тутса ҳам, ёки аксинча, бадиий ҳодисани даврдан, тузумдан, ижтимоий талотумлардан ташқари ҳисоблаб фикр юритса ҳам янглишиб кетиши мумкин.

Илм учун масалани тўғри қўя билишнинг аҳамияти беқиёсдир. Яқин ўтмишда ҳам биз фан учун энг муҳим нарса қўйилган масалага жавоб бериш деб билардик. Ва бу жавоб битта ҳамда қатъий бўлиши лозим эди. Ҳолбуки, дунё илм олдига масала қўйиш билан машғул эди. Зеро, аҳли очун томонидан тўғри

қўйилган масаланинг ечими ўзида бўлиши аллақачон англаб етилганди ҳамда бу ечимнинг битта бўлиши мутлақо шарт эмасди. Мавлоно Румий ҳазратлари "Жўяли савол – ярим билимдир", — деб бежиз айтмаганлар. Ўзбек адабиётшунослиги кейинги вақтда масалани тўғри ва кўндаланг қўйишга одатланиб бормоқдаки, бундан қувонмоқ керак.

Аср бошидан буён "кўрсатиб бериш", "фош этиш", "аниқлаб олиш" билан шуғулланиб келган миллий адабиётшунослик аср адоғига етганда тадқиқ ва талқинга майл кўрсатмоқда. "Талқин этмоқ – очиқ мазмундан яширин моҳият сари бормоқдир", — дейди француз олими Пол Рикёр. Эндиликда XX аср ўзбек адабиёти тарихи янгиланаётган бадиий тафаккур талаблари асосида қайта идрок этилиб, бу даврда яратилган асарларнинг асл моҳиятини очишга ҳаракат қилинмоқда. Адабиётшунослик узоқ вақт мобайнида бадиий асарларни асосан ижтимоий нуқтаи назардан текширишга мослашган бўлса, энди, мавжуд илмий қолипларни тарк этароқ уларга эстетик талаблар асосида ёндашишга уринмоқда, Натижада, кўплаб битикларнинг асл бадиий қиймати, бир қатор адибларнинг миллат эстетик тафаккури тарққиётидаги тарихий ўрни холисона белгиланаётир.

Бу ўз-ўзидан силлиққина рўй бериб қолмайди. Адиблар учун ҳам, адабиётшунослар учун ҳам бадиий ижод борасидаги ўз қаноатларини ўзгартириш осон кечмайди. Лекин муҳими, адабиётни соғлом тарзда қайта идрок этиш жараёни бошланди. Шу боисдан адабиётшуносликда бадиий асарга ёндашиш мезонларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. "Бизнингча, тугаб бораётган аср ўзбек адабиётининг ҳақиқий қиёфасини ҳам, миллат ва ватан тақдиридаги улкан хизматларини ҳам... руҳият, ҳақиқат ва бадиият белгилаб беради[1]", - деб ёзади таниқли олим Иброҳим Ҳаққул. Бошқа бир истеъдодли адабиётшунос Дилмурод Қуронов айтадики, "...аср сарҳисоби бошланган экан, танқид ўзининг бош вазифаси – сараламоққа киришмоғи лозим[2]". Ана шу саралаш зарурияти нафақат бугун фаолият кўрсатаётган танқидчиларда, балки олий мактабларнинг филология факултетларида таҳсил кўра-

[1] Иброҳим Ҳаққул. "Жаҳон адабиёти" журнали. 1998 йил, 1-сон.
[2] Қуронов Д. "Жаҳон адабиёти" журнали. 1998 йил, 1-сон.

ётган бўлажак адабиётшуносларда ҳам XX аср адабиётини тушуниш ва баҳолаш учун илмий-педагогик жиҳатдан таянч бўладиган қўлланмага улкан эҳтиёж туғдирди. О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров сингари йирик олимлар қаламига мансуб "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги[1] ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида айни вақтида қилинган амалий иш ўлароқ вужудга келди. Бу китоб миллий филологик таълим ва адабиётшунослигимиз тарихида муқим воқеа бўлгани туфайли гап асносида дарсликнинг ютуғу камчиликларига батафсилроқ тўхталамиз. Негаки, мазкур дарсликда янгиланаётган миллий адабиётшунослик фанига хос кучли ва ожиз жиҳатлар ёрқин намоён бўлган.

Дарсликда янги ўзбек адабиётининг кўп асрлар мобайнида ўзга йўсинда ривожланиб келган мумтоз адабиётдан тамомила фарқ қиладиган жиҳатлари тўғри кўрсатилган. Миллий адабиётимизнинг ўз "арши аълосидан ерга тушиши" – халқнинг ичига кириши, унинг кундалик тирикчилигига, маиший турмуш тарзига аралашиши ва айни шу сабабли миллийлашгани сингари хусусиятлар чуқур асослаб берилган.

Китобнинг илмий қимматини оширадиган бир жиҳат шундаки, унда муайян ижтимоий-эстетик ҳодисани қайд этиш билангина кифояланилмай, унинг сабабларини англатишга эътибор қаратилган: "Кўп асрлик тарихимизда сўз санъати ҳеч қачон юрт қайғуси, халқ турмуши билан бу қадар яқин алоқада бўлган эмас. Бу босқич адабиётининг кучли томонлари ҳам, ожиз жиҳатлари ҳам, аввало, шу хусусиятлар билан изоҳланади". Муаллифлар тадқиқ ва талқин мобайнида айни шу нозик ҳолатни кўзда тутиб иш юритганлар. Ўзбек адабиёти ҳамма замонларда ҳам ҳаёт билан оздир-кўпдир алоқада бўлган эса-да, аммо у фақат XX асрдагина халқ ижтимоий-маиший турмушига оид муаммолар билан шуғулланишни асосий вазифа деб билгани дарсликда ишонарли асосланган: "XX аср адабиётининг мумтоз адабиётдан фарқи шундаки, бизга замондош шоир ва ёзувчилар, ўз салафларидан фарқли ўлароқ, воқеликни бадиий таҳлил этишни ўз зиммаларига олдилар".

---

[1] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999.

Ўтмиш адабиёт учун воқелик бадиий фон эди. Бу даврларда яратилган асар қаҳрамонлари учун маконий ва замоний аниқлик муҳим эмасди. Уларда азалийлик белгиси кўпроқ бўларди. Азалийликка эришмоқ учун асарларнинг қаҳрамонлари турмуш ҳодисаларидан, тирикчиликка доир ташвишлардан атай йироқлаштирилган. XX асрга келиб адабиёт халқ ҳаётига, унинг муаммоларига аралаша бошлади. У фақат хос кишиларни эмас, бутун миллатни кўзда тутиб иш кўрадиган бўлди ва шу тариқа миллий адабиётга айланиб борди. Адабиётнинг миллийлиги фақат тил ва ифода йўсинидагина эмас, бадииятнинг функциясини тайин этишда ҳам намоён бўлиши шу тариқа англашилди. Бу ҳол дарсликка киритиладиган адибларни танлашга янгича ёндашилганида ҳам акс этган. Олий мактаб дарслигида Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи, Тоғай Мурод сингари ўзига хос адибларнинг ижоди илк марта тадқиқ этилгани унинг савиясини бир қадар юксалтирган.

Миллий эстетик тафаккур тараққиётининг ҳозирги босқичида компаравистика (қиёсий адабиётшунослик) услубининг қарор топиши адабий-танқидий хулосаларнинг асосланганлик даражасини оширмоқда. Шўровий адабиётшунослик узоқ йиллар мобайнида бадиий асардан ўзи истаган нарсани қидириш билан шуғулланиб келди. Эндиликда танқидчилик ва адабиётшунослик бадиий ижоднинг чин моҳиятини англашга, унинг ҳақиқий сирларини кафш этишга уринмоқда. "...Биз фақат тушунмоқчимиз, Истеъдодли ёзувчи ва унинг оталаримиз ўтмиш ва тақдири ҳақида талантли ёзган асарларинигина эмас, балки бу муаллифга таъсир этган, унинг сиғинган ҳақиқатларини шакллантирган турли ҳаётий ва сиёсий омилларни, асарнинг ёзилишига сабаб ва материал бўлган манбаларни ва уларнинг талқинидаги мантиқни англамоқчимиз[1]", — дейди адабиётшунос Раҳмон Қўчқор. Гарчи, кўчирма қилинган жумла тузилишида бир қадар ғализлик ҳамда "ва" боғловчисини ишлатишда меъёрдан чиқиш сезилса-да, масаланинг қўйилиши, тадқиқ йўлининг белгиланиши диққатга лойиқ. Хуллас, миллий адабиётшунослигимизда кўркам тасвирнинг моҳиятини англашга, бадиийликнинг манбасини тушунишга астойдил киришилди.

---

[1] Раҳмон Қўчқор. Мен билан мунозара қилсангиз. –Т.:"Маънавият", 1998. 34-бет.

"XX аср ўзбек адабиёти тарихи" китобини ана шундай майларнинг ифодаси, кўзгуси дейиш мумкин. Дарсликдаги бир талай мақолалар илмий далилларга бойлиги, ифода тарзининг ўзига хослиги, хулосаларнинг оригиналлиги билан диққатни тортади. Жумладан, Қодирий ҳақидаги мақола ҳаяжон ва шавқ билан гўзал тилда ёзилган, умумлашмалар жуда асосли. Улкан адибнинг асарлари билимдонлик ва меҳр билан чуқур таҳлил қилинган. Бу мақоладаги: "Энг ёмони, инқилобий жангарилик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги инсоний муносабатлар, юксак одоб-андиша дарз кета бошлади. Кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоявий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бир-биридан айб, ғоявий хато қидириш, бир-бирининг устидан тегишли идораларга чақув етказиш одат тусини олди, бу ҳол 20-йиллар ўрталарига келиб давлат, партия сиёсати даражасига кўтарилди[1]" тарзидаги кузатишлар мунофиқлик миллий меъёр ва ахлоқ даражасига чиққан даврни теранроқ англаш имконини беради. Юқоридаги хулоса бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга моликдир. Одамнинг ҳаётдаги ўрнини фақат сиёсий қарашларию, ижтимоий фаоллиги нуқтаи назаридан баҳолашга уриниш, пировард натижада шахс эркига зуғумни келтириб чиқаради. Киши сиёсий мақсадлар, ижтимоий аъмоллар учунгина яшамайди. Инсонга умр берилган экан, у ҳаётнинг, жоннинг ҳақи учун ўз бахтию бахтсизлиги оғушида умр кечираверади.

Китобда Ҳамза шахси, саъжияси, ижодий қиёфасини янгича талқин этишга уриниш кўзга ташланади. Унда "Бой ила хизматчи" драмасининг Ҳамза ва Яшин вариантлари хусусида, Яшиннинг пьесани қайта ишлашига асос бўлган материаллар ҳақида янги маълумотлар келтирилади. "Бой ила хизматчи" асарининг бадиий жиҳатлари, унинг эстетик завқ манбаи экани сабабини текширишга уринилгани эътиборга молик. Афсуски, ғоятда тўғри танланган йўл изчил давом эттирилмайди, "Бой ила хизматчи" асарининг жозибасини таъминлаган омилларга атрофлича тўхталинмайди, драманинг бадиий жиҳатлари батафсил таҳлил қилинмайди. Унга бу асар қачондир соцреализмнинг "олий

---

[5] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999. 140-141-бетлар.

намунаси" деб қаралгани учун айбдордай ёндашилади. Ҳолбуки, бугунги, айниқса, келгуси авлод учун унинг қандай методда ёзилгани ва қандай ғояни ифодалагани эмас, балки драманинг матнигина муҳим бўлиб қолади. Унинг мафкура жиловидаги танқидчилар томонидан қандай баҳолангани эмас, балки бадиий қудрати аҳамият касб этади. "Бой ила хизматчи" асарини ўрганмаслик оқибатида эса на Ҳамза, на Яшин ва на драмани соцреализм маёғига айлантирган адабиётшунослар, балки оддий ўқувчи зарар кўради.

Бадиий ҳодисани изоҳлашда мафкуравий ёки ижтимоий-сиёсий тарафкашлик ҳамиша зарарлидир. Тарафкашлик нечоғлик улуғ ниятлар йўлида қилинмасин, у ғайирликка олиб боради, бинобарин, хулосаларнинг зўракилиги юзага келади. Шунинг учун ҳам адабиётшуносликка оид тадқиқотларда адиб, унинг ижтимоий фаолияти, қарашлар тизими эмас, балки асар – бадиий товар текширилиш лозим. Шундагина тадқиқотчи ноҳолисликка йўл қўймайди. Тўғри, асарни адибдан айри текшириш мумкин эмас, лекин асарига татбиқан адиб ўсимликнинг ерга муносабати кабидир. Яъни ер бўлмаса ўсимлик ўсмайди, лекин айни вақтда, ўсимлик вужудида рўй бераётган жараёнлар ернинг ҳолатига мутлақ боғлиқ ҳам эмас. Ўсимлик ва унинг меваларида ернинг таъсир доирасидан ташқаридаги саноқсиз жараёнлар ўз ҳолича рўй бераверади. Шунинг учун ҳам айни бир ернинг ўзида аччиқлигидан оғизни ловуллатадиган қалампир ҳам, ширинлигидан тилни тилим-тилим қиладиган қовун ҳам ўсиб ҳосил бераверади. Демак, муайян бадиий асар ўзига хос алоҳида эстетик бутунлик тарзида тадқиқ этилгандагина илмий текшириш самарали бўлади.

"XX аср аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигининг кўп ўринларида ижодкорларнинг қайси сиёсий тузумга хайрихоҳлиги, қандай ижтимоий гуруҳларга хизмат қилгани ҳақидаги масалага ҳаддан ортиқ эътибор берилган. Ҳолбуки, муайян адибнинг миллат эстетик тараққиётидаги ўрнини белгилашда бу омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Чунки ўқувчи ижодкорни фирқавий билети ёки меҳнат дафтарчасига қараб эмас, бадиий яратиқларининг салмоғига кўра баҳолайди. Адиб асл бадиий асар воситасида фақат замондошларининг эмас, балки келажакнинг ўқувчиларига ҳам таъсир ўтказиш имконига эга. Бинобарин, адибнинг сиёсий мансублиги, ижтимоий хайрихоҳлигини тадқиқ

этишдан кўра, унинг ижодий йўриғи, бадиий олами қонуниятларини кашф этиш муҳимроқдир. Негаки, чинакам бадиий асар абадият билан юзлашмоққа даъвогар битикдир.

Шунинг учун ҳам бадиий асар текширилаётганда адибнинг кимга хайрихоҳлиги, қандай сиёсий мақсадни кўзда тутгани эмас, балки бадиий тасвирлаш маҳоратини аниқлаш асосий мақсад бўлиши лозим. Ўзбек адабиётшунослигига биографик методнинг кириб келаётгани, бадиий асарлар ижодкор шахси билан боғлиқ тадқиқ этилаётгани қувончли ҳол, албатта. Лекин бадиий яратиқни ижодкорнинг сиёсий-эътиқодий қарашларига мутлақ даражада боғлаб қўйиш кўпинча тадқиқотчини янглиштиради. Асарга бадиият нуқтаи назаридан ёндашмаслик уни чалғитиб, асардан муаллифнинг хаёлида ҳам бўлмаган хулосаларни чиқаришга олиб келади. Масалан, истеъдодли адабиётшунос Раҳмон Қўчқор: "Сароб" романи ўз замонасида фақат бадиий асаргина эмас, балки сиёсий-бадиий айбнома сифатида ҳам қабул қилинган",- деб ёзар экан, Абдулла Қаҳҳорнинг мустабид тузумга мойил бўлиб қалам тебратганига ишора қилади. Чиндан ҳам шундай. Ўз даврида "Сароб" миллатчиликни фош этгани билан тилга тушган, эътибор қозонган. Шукурки, биз бугун асар ёзилган замонда эмасмиз. Лекин роман ҳалиям ўқилмоқда. Чинакам асар, муаллифининг асл ниятидан қатъи назар, яшай олади. Бугун "Сароб"ни ўқиш миллат маънавиятини бойитиши мумкин экан, асарнинг қандай мақсадда яратилгани ва у ўз вақтида кимларга хизмат қилгани унчалар ҳам аҳамиятли эмаслигига кўникишимиз зарур. Асарнинг бугун ҳам қизиқиб ўқилаётгани, китобхон ва танқидчи диққатини тортаётгани билан боғлиқ жиҳатларни топиш муҳимдир. Шу маънода "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мақола маҳорат билан ёзилганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, "Сароб" романида истеъдодли, аммо худбин ва эътиқодсиз шахс фожиаси акс этгани гўзал илмий талқинини топган. Муаллифлар романга иккинчи умр бағишлаган омилларни тўғри кўрсатиб бера олганлар.

Мазкур китобда Миртемир ва Асқад Мухтор шеърий дунёси нозик идрок этилган. Уларнинг интеллектуал йўналишдаги шеърияти илдизлари, ўзбек назми тараққиётига таъсири, дилни яшнатувчи тимсоллар олами яхши ёритилган. Зулфия ҳақидаги мақола ҳам анча пухта ёзилган. Унинг лирикасидаги етакчи хусусиятлар илдизи тўғри кўрсатилган. Шои-

ра бадиий олами, тасвирдаги ўзига хослик манбаини унинг аёллигидан, феълидан, қаноатлар тизимидан қидиришга уринилган. Дарсликдаги Одил Ёқубов романчилигига хос жиҳатлар тадқиқ қилинган ўринлар хулосаларнинг теранлиги билан ажралиб туради. Ёзувчининг адабиётимиз ривожидаги ўрни асосли тайин этилган. Аммо "Кўҳна дунё" романининг бадиий-эстетик моҳияти етарлича англанмаганга ўхшайди. Шунингдек, Эркин Воҳидовнинг ижодий қиёфаси билимдонлик билан чуқур текширилган. Шоир бадиий маҳорати, шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари нозик илғанган, завқ билан тадқиқ этилган. Рауф Парфи ижоди тўғрисидаги мақола ҳам зўр муҳаббат ва билгичлик билан ёзилган. Унда тамомила ўзига хос шоир шеърияти моҳиятига теран кириб борилган, бу шеъриятнинг хусусиятлари топқирлик билан кўрсатилган. Шоирнинг алоҳида шеърлари таҳлилидан чиқарилган умумлашма хулосалар ишонарли ва салмоқли.

"XX аср ўзбек адабиёти тарихи" китобида ижтимоий-сиёсий тараққиёт билан адабий жараён бир-бирига тамомила боғлиқ қилиб қўйилмаган, сабаб ва оқибат тарзида талқин этилмаган. Айни шу ҳолат кўп ҳолларда кузатишлар холислиги, таҳлил теранлиги ва хулосалар салмоқдорлигини таъминлаган. Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам бадиий адабиётни ижтимоий тузум қонуниятларига кўр-кўрона равишда боғлаб қўйиш кенг ёйилган эди. Бадиий асар ижтимоий турмушнинг инъикоси дебгина қабул этиларди. Биз фикр юритаётган китобда бу хилдаги фикрий қолипларни бузишга биринчи марта уринилган. Бадиий ижоднинг ниҳоятда ўзига хос, нозик, чигал жараён экани тан олинган. Нафақат турли ижодкорларнинг, балки айни бир адибнинг турли асарлари ҳар хил савияда битилиши мумкинлиги ва буни ҳамиша ҳам изоҳлаб бўлавермаслиги дарсликда бир қадар ҳисобга олинган.

Ҳар қандай соғломлашиш, ўзгариш сингари, адабий-эстетик тафаккурдаги янгиланишлар ҳам оғриқсиз, силлиқина содир бўлавермайди. "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айни шу ҳолат билан изоҳланса керак. Дарслик XX аср адабиётшунослигига хос ютуқ ва камчиликларни ўзида яққол акс эттирган. Ундаги қараш ҳамда умумлашмаларни йигирманчи юз йилликда яратилган бадиий асарларга берилган энг асосли ва эътиборли баҳолар дея

оламиз. Бу холис эътироф бизга китобдаги нуқсонларга ҳам жиддийроқ эътибор қаратиш, бу хусусида батафсилроқ фикр юритишга ҳуқуқ беради.

Умуман олганда, олий мактаб адабиёт дарслиги қандай мезонларга жавоб бермоғи лозим? Биринчи навбатда, бундай дарсликка киритилиб, ўрганиш учун тақдим этилаётган асарларнинг бадиият нуқтаи назаридан истисносиз тарзда мумтоз бўлиши қатъий талаб қилинади. Дарсликка киритилган асар ёки адиб муайян даражада вақт синовидан ўтган ва соҳа мутахассисларининг эътирофини қозонган бўлиши лозим. Чунки муайян миллатнинг бадиий-эстетик тафаккури дарсликлар ёрдамида шакллантирилади ва шуларга мувофиқ бўлади. Шундай экан, бу дарсликларга киритилган асарларнинг юксак бадииятга эгалиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат мақомида бўлиши лозим. "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида ана шу ҳаққоний талабга ҳамиша риоя этилган деб бўлмайди.

Китоб ёзган одам ёзувчи бўлавермагани сингари, қачондир босилиб чиққан, аммо бугунги кунда ўқилмайдиган китоб бадиий асар саналавермайди, саналган тақдирда ҳам дарсликда тадқиқ этилиши жуда шарт эмас. Зеро, бадиий адабиётни саноғи ёки вазнига қараб ўлчаб бўлмайди. Унинг салмоғини бадиият тарозиси билан тортиш, руҳият мезонлари билан аниқлаш лозим. Агар шундай қилинганда, ўз асарлари билан миллат бадиий тафаккури тараққиётига фавқулодда таъсир кўрсатган, унинг янги босқичга ўтишида ҳал қилувчи ўрин тутган Усмон Носирдай йирик истеъдод эгаси олий мактаб дарслигидан четда қолмаган бўларди. Айни вақтда, Авлоний, Уйғун, Яшин, Мирмуҳсин, Шукрулло сингари ёзувчиларнинг нисбатан бўш асарлари дарсликка киритилмас эди. Тўғри, дарсликда бу ёзувчиларнинг кўплаб асарлари бадиий жиҳатдан ночор эканлиги айтилиб, сабаблари ҳам очиб берилади. Шундай экан улар дарсликка жалб этилмаслиги керак эди. Дарсликлардан миллатнинг бадиий салоҳиятини кўрсатадиган, эстетик тафаккур даражасини намоён этадиган, вақт синовига бардош бера оладиган асарлар ўрин олиши зарур эди.

Дарслик деб аталадиган дидактик ашёда яна бир мезон – муайян тартиб ва изчилликка қатъий риоя этиш талаб қилинади. Ундаги ҳукму хулосалар баҳс-мунозара босқичидан ўтиб, меъёрийлик хусусиятини касб этган илмий ҳақиқатлар мақомида бўлади.

Шунинг учун ҳам дарслик муаллифлари фақат ўз кўнгил истаклари ёхуд истеъдод майлларинигина ифодалаш билан чеклана олмайди. Ҳар бир дарслик ўзининг аниқ қиёфаси, ифода услубига эга бўлиши, муайян педагогик асослардан келиб чиқадиган мунтазамликка бўйсуниши жоиз. Шунинг учун ҳам дарсликнинг барча мучалари, таркиби бир тартибда, ифода тарзи эса бир маромда бўлиши лозим. Шунингдек, дарслик миқёсида адибларга ёндашув, улар ижодини текширувнинг ягона тамойили ишлаб чиқилиши ва шунга қатъий амал қилиниши мақсадга мувофиқ. Адиблар ва уларнинг ижодини тадқиқ этишда ё энг муҳим асар, ё хронология ёки жанрлар асосида иш кўрилиши зарур.

"XX аср ўзбек адабиёти тарихи" китобида бу талабларга ҳамиша ҳам риоя қилинган деб бўлмайди. Ундаги бир талай мақолаларда адибларнинг таржимаи ҳоли бошида келса, бошқаларида ўртароғида берилади. Баъзилари ҳақида гап кетганда, негадир, "таржимаи ҳол" мутлақо эсдан чиқиб қолади. Нима учун? Буёғи бизга қоронғи. Баъзи адибларнинг туғилган ва вафот кунлари, йирик асарлари, тўпламлари чоп этилган вақти аниқ кўрсатилса, бошқаларига гал келганда, бу масалага бепарволик қилинади. Ҳолбуки, бундай қилиш асло мумкин эмас. Дарслик номига даъвогарлик қилаётган китобда ҳамма нарса биринчи даражали аҳамиятга моликдир. Чунки дарслик бир жилдга йиғилган мақолалар тўплами ҳам, илмий монография ҳам эмас, балки муайян даврда эришилган илмий-педагогик ҳақиқатларнинг олий маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун дарсликда пала-партишликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳамзанинг машҳур "Заҳарли ҳаёт" драмаси "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигининг 94-бетида 1916 йилда яратилган, 99-бетида эса 1915 йилда ёзилган деб кўрсатилади. Абдулла Қаҳҳорнинг "Олтин юлдуз" қиссаси китобнинг 52-бетида "Қизил юлдуз" тарзида номланган. Ҳамза, Фитрат, Қодирий, Уйғун, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод сингари ижодкорларнинг таржимаи ҳоли жуда қисқа берилган, бирикки ишора ёки айрим далиллар келтириш орқалигина ифодаланилганки, филология бўйича мутахассис бўладиган кишиларга мўлжалланган дарслик учун бу мутлақо етарли эмас.

Китобда бир асрлик адабиётни даврлаштириш учун ижтимоий-сиёсий тараққиёт босқичлари мезон қилиб олинган. Лекин адабий жараённи айнан шу тахлит даврлаштиришнинг илмий ва

эстетик асослари кўрсатиб берилмайди. Ваҳоланки, бир даврга мансуб бадиий ҳодисаларда фарқли жиҳатлардан кўра умумий қирралар кўпроқдир. Сиёсий ва ижтимоий ҳаёт ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Бадиий асарлар бири иккинчиси устига қурилади, бири бошқасидан келиб чиқади. Ижтимоий ва сиёсий соҳада ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Муайян замоний оралиқда рўй берган адабий жараён алоҳида даврларга ажратилар экан, ана шу даврларга хос хусусиятлар, бу даврда яратилган асарларнинг бошқа даврдагилардан фарқли жиҳатлари очиб берилиши лозим эди.

Китобда жадид адабиёти Туркистон мухторияти тугатилиши билан барҳам топган, деганнамо хулоса илгари суриладики, бу мавжуд илмий қарашларга ҳам, адабий далилларга ҳам зид келади. Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти ҳақида сўз юритганда, илмда маърифатчилик адабиёти тарзида номланиб келган ҳодисага муносабат билдириш, унинг янги ўзбек адабиётига таъсирини тадқиқ этиш лозим эди. Афсуски, дарсликда маърифатчилик ва унинг жадид адабиётига муносабати хусусида бир оғиз ҳам гап йўқ. Ҳолбуки, оламни эстетик идрок этиш ва тасвирлаш ҳамда бадиий ижоднинг вазифаларини тайин этиш бобида маърифатчилар жадидларга ҳаммадан кўра яқинроқ эди. Уларни бир-бирларига нисбатан сабаб ва оқибат дейиш мумкин. Халқ турмушига яқинлашиш, тилда, ифода тарзида соддаликка интилиш айнан маърифатчилик адабиётидан бошланган. Бу даврда миллий-бадиий тафаккурда дастлабки эврилишлар содир бўлди.

Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, адабиётни мақсад деб эмас, балки восита деб биладиган жадидчилик айни шу маърифатчилик заминидан ўсиб чиққанки, буни текшириб, асл қонуниятларини тадқиқ этиш, шу тариқа жадидчиликнинг миллий илдизларини топиш лозим эди.

"Энди бадиий асар деган талабга жавоб бермоқ учун ҳақ гапни айтишнинг ўзи кифоя эмас,- дейди ёш олим Муртазо Қаршибой- ...Энди, бизнингча, бадиий адабиёт кўнгил ҳақиқатини, руҳ ҳақиқатини кўнгилнинг ўзидек, руҳнинг ўзидек гўзал ва нозик, теран ва кўп маъноли қилиб ифодаламоғи зарур[1]". Янгиланаётган илмий тафаккур шуни тақозо этади. Лекин, кўпинча, бу хил-

[1] Муртазо Қаршибой. Ҳақ гапнинг ўзи кифоя эмас. "Жаҳон адабиёти" журнали, 1998 йил, 1-сон.

даги ҳақли талабларга риоя қилинаётгани йўқ. Ҳозирги адабий қарашларнинг сўнгги маҳсули сифатида дунёга келган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" китобида бадиий асарлар текширилар экан, уларнинг ҳаёт ҳақиқатини қанчалик акс эттирганига ҳаддан зиёд кўп эътибор қилинади. Бадиий ижод учун фактик ҳаққоният моддиюнча шўровий онгда ўрнашиб қолганичалик муҳим эмаслиги ҳисобга олинмайди. Бор гапни боридай айтиш учун ижодкор бўлиш шарт эмас, мухбирлик ҳам кифоя қилади. Ижодкор ўз номи билан ижодкор, яъни яратувчидир. У ўз бадиий ҳақиқатини ўз воқелиги қўйнида, ўз эстетик мантиғига мувофиқ, ўз ижодий иқлими шароитига мослаб яратади. Ҳа, айнан яратади! Миллий адабиётшунослик бадиий асарнинг қийматини ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш даражасига кўра белгилаш босқичидан ўтди. Эндиликда бадиий воқеликни – асарнинг ўзини, унинг ички жиҳатларини текшириш ва баҳолашга одатланиш керак.

Адабиётшунослик ҳар бир ижодкорнинг бадиий концепцияси қандайлигини аниқлаб олиши керак. Шунда ёзувчининг оламни ҳаётдагидай эмас, айнан, ўзи тасвирлаганидай кўриши ва кўрсатишининг сабабларини тушунтириб бериш мумкин бўлади. Бир давр, бир ижтимоий муҳит, бир сиёсий тузумда яшаган, бир жанрда ижод қилган икки ёзувчининг оламни икки хил кўриши ва кўрсатиши омилларини тадқиқ этиш йўллари топилиши лозим.

"XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида ҳамон ижодий методларга ортиқча эътибор бериш ҳолати кузатилади. Китобда реализмга бадиий ижоднинг юқори, ҳосила босқичи тарзида қараш етакчилик қилган. Адабий ҳодисаларни бу хил изоҳлаш бадиий ижодда классицизм, сентиментализм, романтизим, натурализм сингари барча методлар бир бошидан секин-аста босиб ўтилиб, сўнг бадиий тасвирнинг олий мақоми бўлмиш реализмга келинади, реализмнинг авж нуқтаси эса соцреализмдир, деган эски мафкуравий қарашнинг асоратидир. Бундай тарзи тафаккур – яралиши илҳомий кайфиятга асосланган, "ғайб уллисон"га, яъни сўзнинг илоҳий табиатига таянган бадиий ижодга мутлақо тўғри келмайдиган моддиюнча қарашдир. Бу қараш эса инсониянинг тарихи ижтимоий-иқтисодий формациялар тараққиётидан иборат ва бу формацияларнинг ҳар бири ўзига мос бир ижодий методни тақозо қилади, деб тушунтурувчи фалсафанинг кўланкасидир. Классицизм даврида дунёдаги барча ижодкорлар "уч бирлик" қоидасига оғишмай амал қилган, сентиментализм

босқичида эса фақат кўз ёшию "оҳу воҳ" тасвирланган, деб тушуниш жиддий ёндашув эмас. Адабиёт ҳамиша "оҳ" бўлиб туғилган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Шу боис "реализм имкониятлари", "реализм юксакликлари", "реализм эстетикаси", "шафқатсиз реализм талаблари", "соҳилсиз реализм шароити" сингари атамалар кишини илмий-эстетик мақсадга яқинлаштирмайди.

Бадиий асарларга ижодий методнинг даражасидан эмас, балки матннинг бадиий таъсирчанлиги нуқтаи-назаридан баҳо бера олишга одатланиш зарур. Чинакам ижодкор ҳеч қачон ўзининг қайси методда асар яратгани билан қизиқмаган, ҳозир ҳам шундай. Ҳатто фақат шаклий оригиналликка интилган ижодкор ҳам ёзаётганда бирон бир методнинг қандайдир талабларини эмас, ифода тарзининг ўзига хослигини, бировларникига ўхшамаслигини ўйлайди. Бадиий ижоднинг барча жиҳатларини мафкуравий қолипга солиш намунаси бўлган социалистик реализм методининг биринчи асари – "Она" романи яратилганида ҳам китоб муаллифи унинг соцреализмга мансуб эканини хаёлига ҳам келтирмаганлиги, асарнинг соцреализм атамаси ўйлаб топилишидан ўттиз йилча олдин ёзилгани ҳаммага маълум.

Ижодий методлар қуйидан юқорига борадиган бадиий жараённинг омили тарзида тақдим этилса, Софокл трагедиялари реалистикроқми, Навоий ғазалларими, Молйер комедияларими, Кафканинг "Эврилиш"ими ёки Жойснинг "Улисс"ими тарзидаги саволлар туғилиши табиий. Инсон руҳиятини акс эттиришда Навоийдан кўра Чархий ёки Чокар реалистроқ дейиш ҳам, ҳозирги ўзбек адабиёти Навоий давридагидан юксакроқ бадиий маҳсулот бермоқда дейиш ҳам, кам деганда, мантиққа мувофиқ эмас. Ҳолбуки, ижодий методлар тадрижи ҳақидаги қараш ўз-ўзидан шу хилдаги хулосаларни тақозо қилади.

Ҳолбуки, ҳақиқий бадиий ижод мавжуд қолип, анъана ва методларни бузароқ пайдо бўлади. Навоий ҳазратлари бекорга айтмаганлар: "Сўзни гар туз дедим ва гар оздим, Неки тақдир айладинг, ёздим". Чинакам адиб кўнгли буюрганидай, илҳоми келганидай, бадиий ваҳий инганидай ёзади. Илҳомни зўрланса, ҳатто баъзан, унинг маҳсули тарашланса ҳам асарнинг табиийлигига путур етади, пардозлангани сезилиб қолади. Ижод Аллоҳ билан юзма-юз

бўлиш демакдир. Яратган қаршисига совуқ назарий тушунчалар билан эмас, оловли қалб билан, адоқсиз ва покиза муҳаббат билан борилади. Чинакам ижод ҳамиша муножотдир. Муножот учун унинг қайси усулда ижро этилиши эмас, чинакам тавба изҳорию дилнинг самимияти муҳимдир.

"ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи" китобида реализмнинг бадиий ижоддаги юксак босқич эканлиги: "Жувонбоз" билан "Улоқда" ҳикоясини таққослаб кўринг. Орадан бир йил ўтар-ўтмас реализм томон шу қадар олға кетиш ҳайратомуз ҳодиса эди. Гоҳо бутун бошли адабиёт ва улкан истеъдодларга бунақа тадрижий йўлни босиб ўтиш бир неча ўн йиллар керак бўлади[1]", - тарзида қайд этилган. Бу хулосада реализмнинг шаклланиши ва бадиий тажрибаларнинг ўзлаштирилиши борасида адабиёт илмида қарор топган нотўғри қарашларнинг нуқси бор. Гўё ёзувчиларда тажриба кўпая боргани, унинг янги ижодий методга амал қилиш малакаси ортгани сари яратган асарлари яхшиланавериши муқаррардай. Агар шундай ёндашиладиган бўлса, айни шу Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и ундан бирмунча кейин ёзилган ва "реализм томон олға кетиши"нинг маҳсули бўлган "Меҳробдан чаён" романидан бадиий жиҳатдан баландроқ эканини қандай изоҳлаш мумкин? Гап реалистик тажрибаларни эгаллашда эмас, балки муайян асарнинг илоҳий илҳом шавқи билан битилишида. Агар эпласа, адабиётшунослик ана шу шавқнинг манбалари ва воқе бўлиш тарзини тадқиқ этиб бериши лозим. Ҳатто баъзан ижод дунёсида ҳеч қачон ҳеч қандай метод бўлган эмас, балки ҳар бир адиб кўнгли буюрганидай, қалами юрганидай, оламни англаганидай, мувофиқ ҳисоблаганидай ёзган, деган ўйга боради киши.

Ижоднинг йўсини ижодкор шахснинг табиатида пинҳон бўлади. Шахснинг ижод қилаётган вақтдаги ҳолати ижодий маҳсулотнинг табиатини белгилаб беради. Муайян ижодкоргача шаклланиб, қарор топган бадиий анъана унга таъсир кўрсатади, ундан маълум тартибларга риоя этишни, шаклланган бадиий қолиплар доирасида ижод қилишни тақозо этади. Чинакам

---

[1] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999. 141-бет.

истеъдоднинг қудрати ана шу қолипларни ёриб чиқиб, ўз қарашларини ўрната олишида намоён бўлади. У белгилаган йўсинлар қанчалик ўзгача бўлса, унинг ижоди ҳам шунчалик ўзига хос ҳисобланган. Бунинг учун унинг қайси жамиятда яшагани, қандай сиёсий режим даврида қалам сургани аҳамиятсиз. Истеъдод ўз йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўта олсагина буюкдир. Қаердадир, қандайдир кучнинг таъсири билан тўхтаб қолиши мумкин бўлган истеъдод буюк саналмайди.

Дарсликда адабиётнинг халқ ҳаётига яқинлашуви ва оммавийлик касб этиши фазилат ёки нуқсон эканига муносабат билдирилмайди. Ҳолбуки, "Бадиий адабиётнинг омма даражасига туширилгани маъқулми ёхуд оммани адабиётнинг баландлигига кўтаришга уринилса тузук бўлармиди" тарзидаги саволга жавоб бериш жуда ҳам муҳим. Шўролар даврида адабиёт бадиий юксаклигидан омма даражасига тушириб қўя қолинди. Чунки бу – нисбатан арзон ва осон иш эди ва у "бор-йўғи" ижодий эркни бўғиш, чинакам истеъдод эгаларини йўқотиш йўли билан ҳал этилди. Оммани адабиёт даражасига юксалтириш учун эса жамият кўп тер тўкиши, маблағ сарфлаши лозим бўладики, бу жараён ҳозирча дунёнинг бирор жойида кўнгилдагидек амалга ошган деб бўлмайди.

Кейинги вақтларда ўқувчи ва ёзувчи, асар ва китобхон муносабатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Адабиётчи олимлар ҳам, ижодкор ёзувчилар ҳам бу борада ўзларининг асосли кузатишларини баён этишга ҳаракат қилишмоқда. Бу жиҳатдан ёш шоир, олим ва ёзувчи Улуғбек Абдулваҳҳобнинг қарашлари диққатга молик. Улуғбекнинг "Ёлғизлик" қиссаси қаҳрамони – ёш ёзувчи йигит хаёлан ўз китобхонига мурожаат қилиб шундай дейди: "Тушуняпсанми, ўқувчи, ёзувчининг меҳнатию асарлари қиммати қай даражада эканини идрок этяпсанми? Ҳеч бир санъат дурдонаси фақат сен учун, сенинг манфаатинг учун ёзилмаслигини пайқадингми, ниҳоят![1]". Улуғбек қисса қаҳрамони тилидан ўзининг бу борадаги хулосаларини яна-да аниқроқ ифода этишга уринган: "Эртага шу ёзганларим нашр этилса агар, одамлар ҳузур-ла уни симиради, ...мен буни биламан. Лекин мен уларнинг лаззатланиши учун эмас, сиқилишдан ўлиб қолмаслигим учун, мавжудотнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш

[1] Улуғбек Абдулваҳҳоб. Ёлғизлик. "Қатортол-Камолот", 1998.

инстиктига бўйсунган кўйи ҳаётимни қутқармоқ учун ёзяпман. Ёзиш – чорасизликдан бош урилган чора бўлди менга! Ёзиш бу – аламидан ўзини қаерга қўйишни билмаган одамнинг оқ қоғоздан бунёд этилган деворга гурс-гурс уриб, ҳовуридан тушмак. ...Қани энди, ҳеч қачон ёзмасам. Қани энди, шундай жамиятга эришсангу ёзишга эҳтиёж туғилмаса, фақат яшасанг[1]".

Бизнингча, ўқувчи ва бадиий яратиқ муносабатларидаги ҳақиқий ҳолатни бундан-да ёрқинроқ ифодалашнинг имкони йўқ. Чиндан ҳам, бадиий асар воситасида ёзувчи фақат ва фақат ўзини, ўзлигини, кўнгил майлини ифодалайди. Бадиий асар яратилиш жараёнида ўқувчи сабаб эмас, балки оқибатдир. Шу ҳолат ҳисобга олинса, асар талқини ва таҳлили тўғрироқ, холисроқ амалга ошади. Ҳолбуки, ўзбек адабиётшунослигида бадиий асар ижодкор кўнгли, руҳиятининг манзаралари эмас, балки фақат ўқувчиларни тарбиялаш, уларга йўл кўрсатиш воситаси деб келинди. Дунёдаги бирорта эси бутун одам китобга қараб яшамайди. Ўз ҳаётини бирорта бадиий асар қаҳрамонига қараб ташкил этмайди. Бадиий асар ибратини жўн тушуниш унинг жозибасини йўққа чиқаради, асардан фақат ғоя қидирилиб, унинг ширасини туйиш, жозибасидан завқланиш туйғусидан маҳрум қилади.

Яна дарсликка қайтайлик. Ундаги кўпчилик мақолаларда адибларнинг муайян жанрларда биринчи бўлиб қалам тебратганига ниҳоятда катта урғу берилганини ҳам мақбул деб бўлмайди. Бизнингча, бадиий адабиёт учун биринчилик эмас, балки абадиятга қоладиган мукаммал асар яратиш муҳим. Биринчи ўринни эгаллаш, эҳтимол спортда шарафдир. Бадиий адабиёт учун эса, қайсидир жанрда кимнингдир биринчи бўлиб асар яратганидан кўра, ўша жанрда кейинроқ бўлса-да, юксак санъат асари яратилгани муҳим эканига одатланиш лозим. Қодирий дунёнинг биринчи романчиси эмас. Лекин буюк романчи. Шунингдек, шеърият ҳам Алишер Навоий томонидан яратилмаган. Лекин Одам алайҳиссалом яратган шеъриятни Навоий сезиларли бойита олди.

Таҳлил мобайнида фақат асар матнининг ўзига таянмаслик тадқиқотчини ўз хаёлларига, тасаввурларига эрк беришга олиб келади. Бу ҳол бугунги адабиётшунослигимизда кенг тарқагани учун ҳам хавфлидир. Чунончи, "ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи"

---

[1] Улуғбек Абдулваҳҳоб. Ёлғизлик. "Қатортол-Камолот", 1998.

дарслигида ҳам бадиий асарлардан шўровийликни фош этадиган яширин ижтимоий маъно қидиришга ортиқча зўр берилган ўринлар жуда кўп. Чунончи, Фитратнинг "Қиёмат" ҳикояси муносабати билан шундай дейилади: "Бу тасвир замирига ҳам Фитрат, биз нингча, шўролар ваъда қилаётган келгуси "жаннат" тузумига ишонмаслик маъноларини жо этади, қарору конституциялари ёлғон, эрк, озодлик, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш каби баландпарвоз тушунчалар пуч эканига ишора этади[1]". Ғоят пишиқ ёзилган ҳикояни бадиий тадқиқ этиш, унинг эстетик жозибасини кашф қилиш ўрнига Фитратни бугунги қарашларга мувофиқлаштириш, унинг шўроларга душман эканини таъкидлаш учун асарларидан ўринли-ўринсиз тагмаъно излайвериш жоизмикан? Бундай ёндашув бадиий асарни ширадан маҳрум этишга олиб келмайдими? Агар Фитрат шунчалар устомон бўлса, кўпчилик сингари нобоп вазиятга мослашмоғи ва шу боис қатағонга учрамаслиги керак эди. Яхшиямки, Фитрат сингари шахслар ўз ижодини ҳаётидан ортиқ кўришга ва шу боис юраги буюрганидай яшаш ҳамда ёзишга маҳкум этилганлар.

Фитратнинг сиёсий мухолифлари бир замонлар унинг асарларидан шўрога душманликнинг изларини қандай излаган бўлса, бугун ҳам шу жараён давом этмоқда. Лекин у даврларда бу иш адибни йўқотиш учун қилинган бўлса, бугун уни улуғлаш, қанчалик узоқни кўра билганини намойиш этиш учун бажарилмоқда. Мақсад ўзгарган, восита эса ҳамон эскича. Натижада, асардан фақат ғоя қидирилиб, матннинг бадиий малоҳати назардан четда қоляпти.

Дарсликда Фитрат ижодидаги даҳрийлик изларини яшириш, унинг асарларидаги аксилшаръий хусусиятларни юмшатишга уриниш кучли. Аслида бадиий асарлар соф санъат нуқтаи назаридан ҳеч қандай имтиёзсиз тадқиқ этилиши жоиз. Асарнинг ижтимоий маъноси таҳлил асносида йўл-йўлакай келиб чиқаверади. Гарчи "Қиёмат" ҳикоясининг дарсликдаги талқинида ўзига хослик сезилиб турса-да, муаллифлар Фитратни аксилшўрочи сифатида тақдим этишга зўр беришади. Адибнинг истиқлолга хизматини таъкидлаш унинг асарлари бадииятини очишдан муҳимроқ деб билинади. Аслида, "Қиёмат" ҳикоясини Фитрат ру-

---

[1] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999. 128-бет.

ҳиятидаги қиёмат деб тушуниш ҳам мумкин. У ҳам бир хом сут эмган банда сифатида атрофидаги жаҳолатни, қолоқликни кўраверіб, биз билолмайдиган бир руҳий ҳолатга тушиб, ҳамма бахтсизликларга диний маҳдудлик айбдор деган фикрга келган ва шу боис даҳрийлик йўналишидаги ҳикояларини ёзган бўлиши ҳам мумкин.

Тадқиқотнинг "Обид кетмон" талқинига бағишланган ўринларида ҳам шу ҳол кўзга ташланади. "Айни бу шахсдаги фавқулодда хислатлар, унинг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, ғаройиб кечмиши орқали адиб гўё... янгича демократик деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўз орзу-идеалларини, андозасини тақдим қилаётгандек, шу тариқа ўша кезларда қишлоқда ўтказилаётган хатарли сиёсат билан пинҳона ва моҳирона баҳс олиб боргандек туюлади. ...Коллективлаштиришнинг сталинча зўравонлик ғояси зўр бериб тарғиб этилаётган, катта қурбонлар эвазига ёппасига коллективлаштириш амалга оширилаётган бир даврда ҳукмрон мафкурага зид ғоялар билан чиқиш, хусусан, 30-йиллар шароитида жасорат эди[1]". Борар йўлини тўғри белгилаб олмаган йўловчи учун исталган вақтда адашиб кетиш хавфи сақланиб қолаверади. Абдулла Қодирий қиссасининг фазилатларини унинг матнидан эмас, балки адабиётшунос ўзи келтириб чиқармоқчи бўлган ғоядан излаши туфайли шу йўсин ажабтовур хулосаларга келинган. Аввало, қиссада бу хил имо-ишора йўқ. Мабодо, шу хил ишора излари топилганда ҳам, адибнинг ўша вақтдаги жасорати унинг асарини бугун ўқишли қилолмаган бўларди. Бугун учун асарнинг бадиияти муҳим. Обид кетмонни хоҳ коллектив хўжаликка зарба берувчи куч, хоҳ уни ислоҳ қилиш йўлларини излаган хусусий мулкчи тарзида талқин этмайлик, асарнинг моҳияти ўзгармайди. Ўқувчини қисса муаллифи ёхуд бош қаҳрамоннинг сиёсий маслаги қандай йўналишда бўлгани эмас, балки асарнинг бадиий савияси қизиқтиради. Бадиий адабиёт учун қаҳрамондаги одамийлик белгилари, унинг руҳиятидаги инжалик, феъл-атвори тасвиридаги ўзига хослик қай даражада экани аҳамиятли. Ҳар қандай талқин – ўзгани тушуниш орқали ўзини англашдир. Бадиий асар шунга хизмат қилсагина яшаб қолади.

---

[1] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999. 162-163-бетлар.

Миллий адабиётшунослик ҳалигача ўз эътиборини асарда адибнинг маҳорати намоён бўлган ўринларни англашга қаратиш ўрнига ундан ўзи хоҳлаган нарсани излаш одатидан қутула олмаётир. Шунинг учун ҳам ёзувчининг қилмаган ишларига муносабат билдирилади. Ҳолбуки, адабиётшуносликнинг вазифаси адиб қилган ишларнинг моҳиятини билиш ва бошқаларга ҳам англатишдан иборатдир. "ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи" китобида: "Қутлуғ қон" романи ҳам, Мирзакаримбой образининг бир томонлама кўрсатилганига қарамай, ўзбек романнавислигининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолади[1]",- дейилади. Бадиий тимсолнинг неча томонлама тасвирланиши фақат адибнинг эстетик ниятига, бадиий мўлжалига боғлиқ экани борасида муҳим тўхтамга келиш, бадиий матндан унинг бадиийлигини таъминлаган жиҳатларни қидиришга одатланиш фурсати аллақачон етди.

"Усмон Носир, Чўлпон сингари шоирлар шўро тузуми учун Ўзбекистон соғин сигирдан бошқа нарса эмаслигини яхши билишган. Шунинг учун ҳам улар кези келганда, ўз дилларида яшириган нолани юзага чиқариш йўлларини ахтаришган" дейилади дарсликнинг 48-бетида. Бу хилдаги сиёсий хулосалар бадиий асарга фақат ижтимоий ёндашиш оқибатида юзага келади. Бундай талқин туфайли киши тасаввурида ижодкор эмас, нима қилиб бўлсада, шўроларга зарба бериш йўлини пойлаган ижтимоий "зараркунанда" шахслар тимсоли гавдаланиши мумкин, холос.

Шайхзоданинг гўзал поэтик топилмалари, кутилмаган шоҳбайтларга бой шеъриятини чуқур тадқиқ этиш, унинг инсон руҳиятини англаш ва тасвирлаш бобидаги ўзига хослигини ёритиш, поэтик маҳоратини текшириш ўрнига унинг ижодидан истибдодни танқид қилган ўринларни қидиришга зўр берилган. Истибдодни танқид қилиш, сўкиш мумкин. Лекин аввал бунинг бадиий адабиётга қанчалик дахли борлигини аниқлаб олиш керак.

Дарсликда Абдулла Ориповнинг ҳазин шеърияти сирларини очишдан кўра, ундан чиқадиган маъно кучланишларини текширишга кўп эътибор берилган. Шоир ижодида баъзи ёзилган шеърлар билан биргаликда яралган шеърлар ҳам кўп. Улардаги

---

[1] О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назаров. ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: "Ўқитувчи", 1999. 49-бет.

гап айтиш илинжи билан булардаги самимият таққосланиб, бадиий натижа кўрсатилса, кўпроқ илмий самарага эришиларди. Дарсликда, асосан, шоир шеърларидан ижтимоий маъно қидиришга зўр берилган. Шукур Холмирзаев ижодидан ҳам кўпроқ шўрони фош этиш, унинг талабларини инкор этиш белгилари изланган. Ҳолбуки, адибнинг шахсни тасвирлаш маҳорати, ҳикояларининг романларига қараганда пухталиги сабаблари очилганда фойдалироқ бўларди.

"Ҳерменевтика – бадиий сўз замиридаги универсал белги ва тимсолларни аниқлаштирмоқдир",- деган эди Пол Рикёр. Адабиётшунослик алоҳида шахс кўнглидаги руҳий товланишларнинг умумий илдизларини топа билгандагина чинакам илмий хулосалар чиқара олади. Бу йўлда баъзан у ижодкорнинг ўзи ҳам сезмаган жиҳатларни кашф этиши, асарнинг яширин қатламларини кўра билиши мумкин. Теран илмий кузатишларга бой адабиётшунослик миллатнинг умумий савиясига таъсир кўрсатади, мулоҳазали ўқувчиларни тарбиялайди. Билимли, талабчан, етук ўқувчиларсиз эса етук адабиёт бўлмайди.

"Тафаккур" журнали
2000 йил 3-сон

ҲОЗИРГИ РОМАНЧИЛИК МУАММОЛАРИ

Ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг равнақи унда оғир саноатнинг ривожланганлик даражасига қараб баҳоланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам кўпроқ ундаги романчиликнинг салмоғи билан белгиланади. Шундан келиб чиқилса, дастлабки ўзбек романининг яратилганига салкам юз йил бўлгани ҳолда миллатнинг эстетик бойлиги саналишга арзийдиган миллий романлар сони ўнтага ҳам етмаслиги кишини жиддий ўйга толдириши табиийдир. Миллий адабиётимиз тарихининг ҳозирги босқичида романчилик қандай ўрин тутади, унинг ривожланиши омиллари ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар нималардан иборат қабилидаги саволлар ҳақида фикрлашиш ўта зарурдир. Чунки роман миллат бадиий тафаккурининг қай даражада юксалганини намоён этиши билан характерланади.

Ўзбек миллатининг фикрлаш тарзида, оламни эстетик идрок этиш ва тасвирлаш маромида туб эврилишлар юз берганига ҳам ўн йилча бўлди. Лекин романчилик тараққиётининг аввалги босқичларида бўлмаса ҳам шу кейинги декада мобайнида чинакам бадиий кашфиёт даражасига кўтарилган бирорта асар юзага келмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, бу даврда романлар яратилмади эмас, балки илгариги вақтлардагига нисбатан кўпроқ ёзилди. Неча ўнлаб битиклар орасидан Ш. Холмирзаевнинг "Олабўжи", "Динозавр", О. Мухторнинг "Минг бир қиёфа", "Тепаликдаги хароба", Ў. Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" асарларигина романчилигимиз тарихида бир қадар из қолдирди. Афсуски, бу излар истаганимиз қадар чуқур эмас. Романчиликдаги аҳволнинг сабабларини тафтиш этишдан олдин бу жанрга хос сифатлар борасида фикрлашиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Катта насрий жанр саналмиш роман миқёсга, батафсилликка интилиш самараси эмас, балки инсонни тасвирлашда психологик тераникка уриниш натижаси ўлароқ юзага келган эстетик ҳодисадир. У одамни борлиқда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар орасида оворағу сарсон бўлиб юрадиган мавжудот эмас, балки ўзига хос такрорланмас шахс, беадад чигал руҳий олам эгаси бўлган яратиқ сифатида чуқурроқ, миқёслироқ, турли

нуқтаи назарлардан туриб тадқиқ этиш натижаси ўлароқ пайдо бўлган жанрдир. Бадиий адабиётнинг лирик жанрлари ҳажм имкониятларининг чекланганлиги боис, эпик ва драматик турдаги асарлар учун меморат, яъни тарихий воқелик ҳамда ҳаётий тафсилот тасвири муҳим бўлганлиги сабабли уларда алоҳида инсоннинг ички оламини чуқур тадқиқ этиш бир мунча мушкул. Моҳиятига кўра, ташқи оламдан чўнгроқ, ундан мураккаброқ ва беададроқ қадрият бўлмиш алоҳида бир инсонни тадқиқ этиш учун бадиий адабиётга махсус бир жанр керак бўлди. Бу жанр роман эди!

Романдан ўзга деярли барча адабий жанрларда инсон тасвирга олинган воқеа-ҳодисаларга илова эди. Негаки, бу жанрлардаги асарларда воқеа-ҳодиса – сабаб, инсон – оқибат, нари борса, иштирокчи тарзида акс эттириларди. Бадиий тасвир учун инсон шахси, унинг ўйлари, руҳияти эмас, балки хатти-ҳаракатлари муҳим эди. Алоҳида олинган одам, унинг тақдири, ўйлари, кечинмалари фақат романдагина чуқур ва атрофлича текширила бошланди. Унинг шахсига, туйғуларига эътибор кучайди. Тафсилотлар, воқеа-ҳодисалар инсон руҳиятининг натижалари тарзида қарала бошлади. Шу тариқа романда одам **сабаб** мақомига кўтарилди. Унда шахснинг мураккабдан-мураккаб, чигалдан-чигал, бетартибдан-бетартиб руҳияти акс эттирила борди.

Инсоннинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор берганлиги туфайли роман **алоҳида одамнинг эпоси**га айланди. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, дастлабки романлар алоҳида шахсларнинг дунёга изоҳи сифатида юзага келган эди. Яъни бу жанрдаги асарлар жамият ҳаётидаги у ёки бу муҳим ҳодисани иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, фалсафий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, ирсий ёки биологик ва ҳк. жиҳатлардан алоҳида одам нуқтаи назаридан тушуниш ва тушунтириш, қабул қилиш ёхуд инкор этиш тарзининг тасвири сифатида яратилди. Мелоддан олдинги III-II асрларда ёзилган, ҳозирча инсоният билган илкинчи роман – Лонгнинг "Дафнис ва Хлоя"си ҳам ундан бирмунча сўнгроқ битилган Апулейнинг "Олтин эшак" асари ҳам оламни, одамларни, уларнинг хатти-ҳаракатлари-ю ўйларини бир шахснинг тақдири, кечинмалари асносида кўрсатиш ва изоҳлаш оқибати ўлароқ яратилган эди.

Роман кўп асрлик тарихи мобайнида тасвир йўсини ҳамда ёндашув маромига кўра асосан **очиқ** ва **ёпиқ** сингари икки тур-

га бўлинди. Очиқ ёки экстенсив романларда одамнинг тақдири, хатти-ҳаракатлари, фаолияти ижтимоий турмуш билан алоқадорликда, бадиий детерменизм қоидаларига мувофиқ йўсинда тасвир этилди. Бу тасвир йўлида одамга асосан ижтимоий мавжудот деб қаралган ва унинг тақдирида жамият тартиблари, социал асослар ҳал қилувчи мавқеда бўлиши кўрсатилган.

Айни вақтда, алоҳида бир одамнинг ҳаёти, ўйлари, изтиробларини, кечинмаларига чуқур эътибор бериладиган, тасвир фокусини ана шу шахсиятнинг ички жиҳатларини акс эттиришга қаратган ёпиқ ёхуд интенсив романлар ҳам пайдо бўлди. Вақти келиб, инсон руҳиятининг ўзи улкан олам, олам бўлганда ҳам, олами кабир эканлиги англаб етилгач ва уни акс эттиришнинг усуллари эгалланган, бу икки хусусиятни ҳам ўзида мужассамлаштирган романлар вужудга келди. Яъни одам ички дунёси, руҳияти, ўйларининг бадиий манзараси ва унинг ҳам ижтимоий, ҳам хусусий асослари тасвири муҳим ҳисобланадиган бўлди. Бир романда бу икки хусусиятнинг аралаш қўлланилиши дунё адабиётида жуда кенг ёйилди.

Кўплаб ўзга адабий жанрлардан фарқли равишда романнинг мавзу чегарасини белгилаш деярли мумкин эмас. Роман ҳамма нарса ҳақида ва ҳар қандай ҳажмда бўлиши мумкин. Уни тарозида тортиб ёхуд босма тобоқ билан чегаралаб бўлмайди. "Романдан катта ҳикоялар" (Ш. Холмирзаев) бўлгани сингари новелладан кичик романлар ҳам бўлаверади. Қаҳрамон ёхуд муаллиф шахсияти қирраларининг нечоғлик тўлиқ очилганлиги романнинг романлигини ўлчайдиган биргина мезон, жанрнинг муваффақиятини белгилайдиган ягона омилдир. Шу боис бир кун келиб ўн беш бетлик роман яратилса, ҳайрон қолиш керак эмас. Ҳаммага вақт етишмай ётган бир даврда бу ижтимоий-иқтисодий ва эстетик жиҳатдан ўзини оқлайди ҳам. Омон Мухторнинг ҳажман анъанавий қиссалардан чоғроқ бўлган романлари ифода тарзи, сюжет ривожи ва ташкилий қурилишининг ўзига хос ҳамда бир мунча мураккаблигига қарамай ўқилаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Роман жуда чигал ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Буюк Достоевскийга қадар романни муаллиф ҳақиқати бошқарарди. Романнавис ҳар бир қаҳрамонининг қачон нима қилишини биларди. Бу хатти-ҳаракатларнинг ҳар бири муаллиф томонидан ўзининг ижтимоий-ахлоқий баҳосини топган бўлар-

ди. Достоевский романларининг ғалати, яхши-ёмон, катта-кичик қаҳрамонлари ўз ҳақиқатларига эгадирлар ва улар адибнинг йўриғига, умуман бирор кимсанинг йўлига юришни истамайдилар. Уларнинг чигал, тушуниксиз, бетайин бўлса-да, ўз йўллари бор. Ўз ҳақиқатларига эга бўлган бундай шахслар тасвири Достоевский романларига полифонизм хусусиятини бахш этди. Роман полифонизми унда тасвирга олинган одамларнинг кўплигида ва уларнинг бақир-чақирлари хилма-хиллигида эмас, балки бир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи тақдир ва эътиқодларнинг уйғунликда акс эттирилганидадир. Тўғрироғи, бундай шахсларнинг бир макрокосмда мавжуд бўлишга мажбур эканликлари ишонарли ва объектив тасвир этилганидадир.

Ўзбек романчилиги ҳам ўз тараққиётининг полифоник босқичига етиб келганга ўхшайди. Лекин мавжуд қолиплардан чиқиб кетишдан чўчиш ва айни вақтда аввалгидай ёзишнинг мумкин эмаслигини ич-ичидан сезиб туриш романчиларимизни бир қадар довдиратиб қўйди дейиш мумкин. Эндиликда фақат мавзунинг долзарблиги ёки тасвир йўсинининг қизиқарли ёхуд тилнинг ширали эканлиги романнинг умрзоқлигини таъминлай олмаслиги англаб етилди. Ҳар бир роман муаллифида қаҳрамонини тушуниш ва акс эттиришнинг бировникига мутлақо ўхшамайдиган концепцияси бўлиши талаб этилади. Одамни ўзигагина хос назар билан кўра олмайдиган одам роман ёза олмаслиги аён бўлди. Чунки роман воқеа ҳам, ғоя ҳам, мафкура ҳам эмас, балки биринчи навбатда, бошқаларга ўхшамайдиган тирик одам руҳияти тасвиридир.

Роман пайдо бўлгандан бери унинг табиатини қатъий ва ўзгармас қилиб изоҳлаб беришга бағишланган минглаб тадқиқотлар яратилди. Лекин уларда бадиий ижод маҳсули бўлмиш романнинг ҳар доим қўл келадиган универсал ва доим такрорланадиган турғун белгиларини топишга уринилганлиги учун ҳам кутилган натижага эришилмади. Чунки универсаллик, яъни такрорланишнинг, қайтарилишнинг мумкинлиги, қолипнинг мавжудлиги ҳар қандай бадиий ижоднинг табиатига ёт ва уни йўққа чиқаради. Роман тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Ҳолбуки, барча тадқиқот ишларида романнинг қатъий, турғун ва ўзгармас белгиларини топиб бериш асосий мақсад бўлган. Шунинг учун ҳам бугунга келиб, бу тадқиқотлар бадиий маҳсулотнинг табиатини изоҳлаб беришга ожизлик қилмоқда.

Ҳажми уч-тўрт юз бетлик, тасвирга олинган воқеа-ҳодисалар қамровига кўра бизнинг роман ҳақидаги анъанавий тасаввурларимизга мувофиқ келадиган, аммо бўш ёзилгани боис ҳеч кимга манзур бўлмаётган, айни вақтда, алоҳида инсон шахси теран тадқиқ этилган ўттиз-қирқ бетлик битиклар пайдо бўлаётгани ва улар ўз ўқувчисига эга эканлиги кўпчиликни ўйлантириб қўймоқда. Шу маънода Ҳамзанинг "Янги саодат", Чўлпоннинг "Доктор Муҳаммадиёр", Ш. Мирмуҳсиннинг "Бефарзанд Очилдибой" сингари асарлари ҳажми, адабиётшунослар томонидан шу вақтга қадар изоҳлаб келинганидай, бу муаллифларнинг роман жанри талабларини яхши билмасликлари сабабли эмас, балки инсон ички оламини насрий йўсинда тадқиқ этишда тафсилотларга ортиқча берилмаслик истаги туфайли ихчам бўлганлигини тан олиш адолатдан бўларди. Омон Мухтор романларининг ҳажман мўъжазлигига сабаб ҳам, бизнингча, тасвирлашга арзийдиган ҳаётий тафсилотларнинг йўқлиги ёхуд адибнинг тасвир калавасини йўқотиб қўйишдан қўрқиши эмас, балки муаллиф томонидан шахс ички олами қай миқёсда текширилиши мақсад қилиб олинганидадир.

Гарчи миллий романчилигимизда сезиларли воқеа бўладиган асарлар кетма-кет яратилаётган бўлмаса ҳам, бу борада шаклий ва мундарижавий изланишларнинг шиддат билан бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Омон Мухторнинг қатор асарлари, Х. Дўстмуҳаммаднинг ижодий экспериментларга бойлиги билан ўқувчиларини шошириб қўйган "Бозор" романи, Т. Рустамовнинг кўпчиликни тонг қолдирган "Капалаклар ўйини" асари фикримизнинг далилидир. Тўғри, айримлар романчилигимиздаги изланишу тажрибаларга ишончсизлик билан қарамоқдалар. Бу йўсиндаги асарларни тан олгилари келмаётир. Маълумки, асл бадиий ҳодисалар кимнингдир тан олишига муҳтож эмас. Илҳом ва талант маҳсули бўлиб яратилган асар барибир қачондир ўз истеъмолчисини топади.

Ўзининг узоқ тарихий тараққиёт йўли мобайнида роман саноқсиз турларга, йўналишларга эга бўлди ва бу табиийдир. Одам ва унинг руҳияти қанчалар сержилва бўлса, бунинг бадиий ифодаси роман ҳам шунчалар хилма-хил бўлиши мумкин. Шу боис романчиликдаги изланишлар шу жанр пайдо бўлгандан бери давом этиб келмоқда. Биргина йигирманчи асрнинг ўзида экспериментал роман, структурал роман, янги роман, фу-

туристик роман, шоистик роман, сюрреалистик роман, абсурд роман, алогик роман ва ҳ.к. йўналишларида тажрибалар қилинди. Фақат бу хил изланишлар, тажрибаю синаб кўришлар ўзбек адабиёти тарихининг ҳозирги босқичида айрича шиддат ва қатъият билан бораётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Шуни айтиш керакки, анъанавий йўсинда битилган барча романлар муваффақиятли чиқмаганидай, экспериментлар ҳам доимо юксак самаралар беради деб бўлмайди. Аммо изламаган топмайди. Қидирган, ноумид бўлмаганга эса, толе ёр бўлиши мумкин. Бинобарин, изланаётган, ўз йўли, ўз тасвир йўсини ва ўз қаҳрамонларини топмоқчи бўлаётган ўзбек романчилигида кашфиётлар даври олдинда дегимиз келади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2000 йил 20 октябр

ДАСТЛАБКИ ДОВОН БЕЛГИЛАРИ

Яшаётган асрини оёқлатиб, дахлдор бўлгани минг йилликни якунлаб, мансуб бўлгани миллат янгича ўйлай ва яшай бошлаганининг дастлабки ўн йиллик довонидан ошиб борилаётганда орқага бир назар ташлаш, босиб ўтилган йўлнинг тўғри-нотўғри, текис-нотекис жойлари ҳақида ўйлаб кўриш зарурияти пайдо бўлади. Шу маънода мустақилликка эришилганидан кейинги давр ўзбек адабиётига хос хусусиятлар, унинг тараққиёт тамойиллари, йигирманчи асрнинг сўнгги декадасида миллий адабиётимиз қандай белгиларга эга бўлганлиги, янги аср ва янги минг йилликда у қандай йўналишда тараққий этиши мумкинлигини аниқлашга уриниш табиий ҳолдир.

XX асрнинг 90-йиллари истиқлол адабиёти деб аталмиш эстетик ҳодисани юзага чиқарди. Истиқлол даври ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий адабиётимизнинг мантиқий давоми ва меросхўри сифатида дунёга келди. Бу давр адабиётига хос белгилар ўтган асрнинг 80-йилларида муайянлашган бўлсада, миллий адабиётнинг алоҳида босқичи сифатида тўлиқ шаклланиши тўқсонинчи йилларга тўғри келди.

Мустақиллик даври миллий адабиёт тараққиёти тарихидаги оддий хронологик босқич эмас, балки бир қатор жиддий ўзига хос жиҳатларга эга бўлган алоҳида бадиий-эстетик ҳодисадир. Истиқлол даври ўзбек адабиёти тубдан ўзгарган миллий онгнинг, тамомила янгиланаётган эстетик тафаккурнинг маҳсули ўлароқ туғилди. У ягона ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш имкониятига эга бўлган миллат ижодий даҳосининг самараси сифатида дунёга келди. Ижтимоий тараққиёт йўсинларини, муайян шахс руҳияти манзараларини синфий кураш ва партиявий ёндашувсиз ҳам тасвирлаш натижаси бўлиб яратилди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти тафаккур оинлари ўзгача ижодкорларнинг эстетик қарашлари натижасида дунёга келган ҳодиса ўлароқ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу давр адабиёти ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилмахил қарашларнинг маҳсули бўлган адабиётдир. Бу даврда оламнинг мавжудлик йўсинини турлича изоҳлаш имконияти пайдо

бўлди. Бу ҳол миллий адабиётимизнинг ифода имкониятларини кенгайтирди. Илмий-эстетик қарашлар хилма-хиллигини юзага келтира бошлади.

Иккинчидан, мустақиллик даври ўзбек адабиёти эндиликда давлат адабиёти бўлмай қолди. Мустақил ўзбек давлати демократик йўналишда фаолият кўрсатаётгани учун ҳам бадиий адабиётни шўро замонида бўлгани каби ўз монополиясига айлантиришга уринмай қўйди. Шу боис ижод эркинлигига объектив шароит яратилди. Бадиий ижод қилиш ёки қилмаслик сиёсий баҳоланмайдиган, рағбатлантирилмайдиган ёки жазоланмайдиган бўлди. Адабиёт ижодкорнинг кўнгил ишига айланди. Бугун бадиий ижод билан ўзинию Аллоҳни танишга уринган одамлар шуғулланишмоқда. Аёнки улар шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам тамомила ўзига хос, хилма-хил кишилардир. Истиқлолдан кейинги даврда ҳақиқий адабиёт ўз кўнглига қарши бормайдиган, унинг ройишларига зуғум ўтказмайдиган кишилар томонидан яратилаётганлиги қувонарлидир. Адабий танқид, ўқувчилар оммаси нима деса ҳам бу ижодкорлар ўз билганларича ёзишдан қайтмайдилар. Бундай ёзувчилар ижодини ўзларига эмас, аксинча, ўзларини ижодига бўйсундиргандирлар. Шу йўсинда кечагина ижтимоий-сиёсий ҳодиса саналиб келган бадиий адабиёт соф эстетик актга эврилди.

Учинчидан, истиқлол даври адабиёти одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи, меҳнаткаш сифатида ёндашиш тарзидан қутулди. Миллий адабиёт миллат вакилларининг ***меҳнати***нигина эмас, балки уларнинг ***шахсияти***га дахлдор жиҳатлар*:* руҳияти, ҳиссиёти, кўнглини тасвирлашга киришди. Бу адабиёт учун ***инсоннинг ўзи*** асосий қадриятга айлана бошлади. Шу тариқа, миллий адабиётнинг қаҳрамонлари жуғрофияси кенгайди, миқёси кўлам касб этди. Одам бирор ижтимоий қатламнинг вакили тарзида эмас, мураккаб ва англаш мушкул бўлган ***инсон*** сифатида бадиий тадқиқ этиладиган бўлди.

Тўртинчидан, мустақиллик даври ўзбек адабиёти бирор ижтимоий тузумнинг афзаллигини кўрсатиш, ишлаб чиқариш муносабатларини, сиёсий тизимларни такомиллаштиришга эмас, алоҳида инсон шахсининг ***маънавият***ини мукаммаллаштиришга йўналтирилди. Бу ҳол бадиий қаҳрамонларни турли ракурслардан туриб, энг ичкин ва яширин жиҳатларигача тадқиқ этиш имкониятини берди. Шу сабабдан ҳам истиқлол даври адабиёти

“аҳолиси” сезиларли даражада нозик, ингичка, ўзига хос, бетакрор бўлиб бормоқда. Бу давр адабиётида ***типик*** образларни эмас, бадиий ***тип***ларни тасвирлашга кўпроқ интилинаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Шу йўсин, бу давр адабиёти оммани кўрсатишга эмас, шахсни тадқиқ этишга йўналтирилди.

Бешинчидан, бу адабиёт инсон, инсонлараро муносабатлар ғоят мураккаб, чигал ва изоҳлаш мушкул эканлиги чуқур англаган ва уларни бутун мураккабликлари билан акс эттиришга ҳаракат қилаётган адабиётдир. Шўролар замонида ҳар бир адабий қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати мантиқан асосланган, ижтимоий-иқтисодий қонунлардан келиб чиқадиган бўлиши шарт деб қараларди. Натижада, асарлар схематик талабларга бўйсундирилар-ди. Ҳолбуки, баъзан бир одамнинг хатти-ҳаракатлари сабабини адиб тугул ўша кишининг ўзи ҳам тўла тушунтириб бера олмайди. Ана шу ҳолатнинг миллий бадииятимизга кўчганлиги инсонга сирли хилқат тарзида ёндашиш, унинг тақдиридаги чигалликларни тушунишга майлни келтириб чиқармоқда. Шу тариқа, адабиётдаги образ ҳаётдаги одамга қараганда чуқурроқ, мураккаброқ, ўйчилроқ, ингичкароқ бўлиб бормоқда.

Олтинчидан, бу давр адабиёти мавзу долзарблигидан, ҳозиржавобликдан, замонавийлик сингари сиртқи ташвиқий белгилардан баланд туришга ва лаҳзалик ҳолатларнинг мангуга суратланишига йўналтирилмоқда. Шу йўл билан адабиёт ҳаётдан нусха олишдан, яъни кўчирмачиликдан қутулиб бормоқда. У ижтимоий ҳодисалар билан андармон бўлиш, уларнинг ортидан ҳаллослаб югуриш заруриятидан халос бўлди. Мазкур ҳолат бадиий тасвирнинг чуқурлашувига, одам руҳияти қатламларини нозикроқ идрок этишга имкон яратади.

Еттинчидан, мустақиллик даври ўзбек адабиёти чинакамига хилма-хил адабиётга айланди. Унда тажриба қилиш, синаб кўриш, очилмаган йўллардан юриш, хато қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу ҳол бировга ўхшамайдиган, ўзгаларни такрорламасликка интиладиган ўзига хос истеъдодларнинг кўпайишига имкон яратади. Хилма-хил бадиий асарларнинг вужудга келиши туфайли хилма-хил ўқувчилар пайдо бўлади. Бадиий диди юксак, сўзни нозик ҳис этадиган, сезимлардаги енгил тебранишларни ҳам илғай оладиган китобхон шаклланишига туртки бўлади. Оммавийлик бадиий адабиёт учун асосий мақсад, юқори кўрсаткич эмаслиги англаб етилди.

Саккизинчидан, юқорида санаб ўтилган омиллар туфайли бу давр адабиёти жўнликдан, анчайинликдан, тўпориликдан қутилди ва унинг асл намуналарини ҳамиша ҳам изоҳлаш, тушунтириш, мантиқий қолипларга солиш мумкин бўлмай қолди. Бадиий адабиёт мантиқ ва ахлоқдан ҳам теранроқ сезимлар билан иш кўриши, энг мураккаб мавҳумликни моддийлаштиришга даъват этилган ҳодиса эканлиги тан олинди.

Тўққизинчидан, *ижод эркинлиги, хилма-хил фикрлаш имконияти, бадиий сўзга давлат миқёсида хўжайинлик қилишнинг барҳам топганлиги истеъдосиз асарларнинг ҳам кўплаб яратилиб чоп этилишига имкон туғдирди.*

Ўнинчидан, бозор муносабатлари бадиий ижод соҳасида ҳам намоён бўла бошлади. Натижада, харидоргир, омманинг ўткинчи талабларига мос келадиган асарлар яратишга ҳаракат кучайди. Шунинг оқибати ўлароқ, ўзбек адабиётида эротик тасвирлар, саргузашт йўналишидаги олди-қочди битиклар кўпайди.

Шеърият мустақиллик даврида ҳам миллий адабиётимизнинг етакчи тури бўлиб қолди. Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Фарида Афрўз, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Иқбол Мирзо, Баҳром Рўзимуҳаммад, Муҳаммад Юсуф, Фахриёр, Зебо Мирза, Турсун Али, Асқар Маҳкам, Ҳалима Аҳмад сингари шоирларнинг шеърларида оламни поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилгани намоён бўлади. Бу давр шеъриятида ўткир гап айтиш, доно фикр билдириш, насиҳат, ақл ўргатиш эмас, балки инсон руҳининг мураккаб, исмсиз манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди. Ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучайди.

Р. Парфининг “Адашган руҳ”, “Қора девор”, “Муножот”, “Сенсиз”, Ш. Раҳмоннинг “Туркийлар”, “Иқрор”, А. Суюннинг “Истиғфор”, “Оқ ва қора”, А. Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғатлар”, Азиз Саиднинг “Туш”, “Йўл”, Фахриёрнинг “Аёлғу”, “Бўғзимдан сирқирар товуш – қон...”, “Ойлоқ кеча...” шеърий асарлари мустақиллик даври ўзбек назмининг етук намуналаридан ҳисобланади. Бу давр шеърияти шаклий изланишларга бойлиги, Чиқиш назмидан ҳам, Ботиш адабиётидан ҳам самарали ўрганишга интилиш кучайганлиги билан характерланади.

Эндиликда шеърхонлик кўнгил очар машғулот бўлмай қолди. Шеър билан тиллашадиган ўқувчининг тафаккури ҳам, қулоғи ҳам, кўзи ҳам, ҳатто туйғулари ҳам бир қадар зўриқиши, шеър

ўқиётганда фақат завқ ва лаззат туйибгина қолмай, меҳнат қилиши ҳам лозим бўлиб қолди. Рауф Парфининг:

Ерга ботган осмонларни кузатдим,
Чопилган оёгим билан чопдим мен.
Кесилган қўлимни сизга узатдим,
Бу дунё гулларга тўлди. Қотдим мен.

ёки:

Шафтолиранг олам найза учинда,
Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан

сингари бадиий қаноатларини қабул қилиш учун ўқувчида муайян руҳий-интеллектуал ҳозирлик зарур бўлиши тайин. Ўзига хос шоирлардан бири Фахриёрнинг мавжуд имло қоидаларига риоя этмай битилган:

қобиргалар қабарар суякларим қадоқдир
қабоқларим ўқ тугаб бўшаб қолган садоқдир
куйиб куйиб кул бўлган нафратларим адоқдир
чучмомалар кўк кийган
намозшомгул гул гулим
ҳей тулугим ҳей тулум
ҳей тулугим ҳей тулум

Миллий поэзиямиз тарихида иккигина сўздан иборат бутун бошли бир шеър ҳеч қачон бўлмаган. Фахриёр шундай шеър ёзди. Қувонарлиси шундаки, бу икки сўз ёрдамида атама ясалмаган ёки ахборот берилмаган, балки ўзига хос мусиқага эга, муаян кайфият ифодалай оладиган, ўқиганга ўзгача руҳият бахшида қиладиган тугал шеър яратилгандир:

о
й
б
о
л
т
а

Шеърнинг бош ҳарф билан ёзилмаганлиги, унда ҳеч қандай тиниш белгиси ишлатилмаганлиги муаллифнинг олифталиги ёхуд инжиқлигидан эмас. Аждодларимиз минглаб йиллар давомида тинишларсиз шеърлар битиб келишган. Улар ўқувчига ишонишган. Ўтмишдаги шоирлар зарур ўринни белгилаш, алоҳида эътибор қилинадиган жойни топиш ихтиёрини шеърхон-

нинг ўзига қолдиришган. Фахриёрнинг шеъридаги икки сўз, табиий равишда, ўқувчининг эътиборини тортади, уни бу сўзлар устида ўйлаб кўришга, унга турли аспектларда ёндашишга ундайди. Биров ойни болтага, бошқа биров болтани ойга менгзайди. Сеҳрли бу сўзлар сабаб кимдир сиқилганликни, руҳини ойнинг болтаси қиймалаганини, бошқаси эса ой болта сокин руҳиятига қўриқчи бўлганини туяди.

Б. Рўзимуҳаммаднинг бир шеърида шундай мисралар бор:

...битта сўз қолдиргим келади
руҳ ертўласидан ўгирланган сўз
осмон ҳиди келадиган сўз
дунёнинг ўзи қадар
англаб бўлмас сир қадар

мисралардан суратланаётган ҳиссий ҳолат тугалланмаганлигини, шоир ҳамма гапини айтишга уринмаганлигини пайқаш мумкин. Шу шоирнинг:

кўздан ичкарида йўл йўқ
сўздан ичкарида йўл йўқ
аммо хўроз қичқириғи ортига
шафақранг қишлоғим бекиниб олган

сатрларида оҳангдорлик ва мусиқийлик одатдаги шеърларники каби сезиларли эмас. Аммо унда ижодкорнинг чигал кайфияти бор. У кўздан-да, сўздан-да ичкарироққа кирмоқчи, лекин ичкарига йўл йўқ. Аммо зулматда ётган Ватан бор. Хўроз қичқириғи тонгнинг белгиси. Демак, тонг отаётганда хўроз қичқиради ва шафақранг қишлоқ – Ватан намоён бўлади. Қишлоқнинг шафақранглиги ҳам бежиз эмас. Эҳтимол, у эндигина кўтарилаётган қуёш нурига кўмилганлиги учун шундай таърифлангандир. Балки, қонга ботганлиги учун шафақрангдир...

Шоир шеъриятнинг одатий тартибини инкор қиладиган услубга мурожаат этган. Бу шеърни оддий мантиқнинг қолиплари билан изоҳлаб бўлмайди. Ушбу шеър фақат шу ижодкоргагина тааллуқли бўлган бадиий мантиқ қонунига мувофиқ яратилган. Одатда, чинакам бадиий ҳодиса ўзига хос олам ва у ўзининг қоидаларигагина мос келади. Шу боис асл бадиий ҳодиса

бир бор яралади, унда такрор бўлмайди. Қонуният эса такрорни тақозо қилади. Юқоридаги парчада шоирнинг алоҳида руҳи, ўзигагина хос нуқтаи назари сезилиб туради. Айни вақтда шеър ўқувчини ўзига жалб этади, унинг эътиборини тортади, ўйга толдиради. Унинг тафаккурига нимадир янгилик етказади, кўнглигада қандайдир енгиллик бағишлайди. Дунёни шу тарзда кўрган, олам рангларини шу тахлит туйган шоирга эътироз қилиб, унга тайёр қолипларни тиқиштириб бўлмайди. Баҳром бошқа бир шеърида бежиз ёзмаган:

мен қандай яшашим лозим
қандай бўлсам сизга ёқаман
қайси усулда ёзсам шеърларимни ўқийсиз
аруздами бармоқдами сарбастдами ё

Мазкур мисраларни дарак, сўроқ ёки ундов оҳангида ўқиш шеърхонга ҳавола этилган. Уларнинг оҳангини белгилаш изни ҳам ўқувчининг ўзида. Ўзбек ўқувчиси шоирни, шеърий сўзни борича қабул этишга одатланиб бормоқдаки, бу ҳол миллий шеърхонлик савияси сезиларли юксалаётганидан далолатдир.

Поэзиянинг ўз асл манбасига қайтганлиги, кўнгил розларини, руҳий товланишларни нозик ишоралар, назокатли образли ифодалар орқали тасвирлашга ўтилганлиги истиқлол даври ўзбек шеъриятига хос асосий хусусиятлардан бўлди дейиш мумкин. Бу давр миллий шеъриятида оммавийликдан, ҳаммабопликдан қочишга уриниш кучайди. Шеърият омма учун эмас, балки, аввало, муаллифнинг ўзи учун, қолаверса, ижодкорга туйғудош шахслар учунгина яратиладиган бўлди. Шу боис, шеърхонлар адади бирмунча камайган эса-да, уларнинг поэтик сўзни, образли ифодани англаш даражаси ортди. Чунки баланд шеърият юксак дидли шеърхонни талаб қилади ва уни шакллантиради. Мустақиллик даврида ўзбек поэзияси ўқувчи даражасига тушиш босқичини инкор этиб, шеърхонни ўз даражасига кўтариш палласига кирди. Шу тариқа азалдан шеърпараст бўлган миллатнинг бадиий завқи ингичкалашиб, сўз жозибасини англаш қудрати сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Ўзбек шеърхонларида бирорта тиниш белгиси ишлатилмаган тизмадан ҳам, мураккаб мавҳум ассоциатив образлиликка тўла шеъриятдан ҳам, тасаввуфий илҳом самараси ўлароқ ду-

нёга келган муножотлардан ҳам, поэтик мим дейиш мумкин бўлган рамзий ифодалардан ҳам, медитатив назм намуналаридан ҳам таъсирланиш, уларни баҳолай олиш кўникмаси шаклланиб бормоқдаки, бундан бир қадар қаноат туйиш мумкин.

Наср йигирманчи асрнинг сўнгги декадасида ҳам миллий адабиётнинг салмоқли ва оғиркарвон тури бўлиб қолаверди. Агар мустақиллик даври шеъриятида ёшлар фаол, янги авлод шоирлари кўзга яққолроқ ташланган бўлса, насрда ижодий узвийлик, давомийлик устуворлиги намоён бўлди. Кейинги ўн йилликда О. Ёқубов, Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов, О. Мухтор, Т. Малик, Х. Дўстмуҳаммад, А. Дилмурод, Н. Эшонқулов, Н. Норқобилов, Тоғай Мурод, Т. Рустамов, А. Йўлдошев, Л. Бўрихон, Ж. Эргашева сингари турли авлодга мансуб ижодкорлар ўзига хос йўсинда қалам тебратиб, миллий проза тараққиётига таъсир кўрсатмоқдалар.

Ижодий тажрибалар қилиш, кутилмаган тасвир йўсинларини қўллаш, бадиий ифоданинг тутилмаган, янги воситаларидан фойдаланиш ўзбек насрининг бу босқичи учун етакчи хусусиятлар бўлди. О. Мухторнинг тамомила янгича ифода усулларида яратилган "Минг бир қиёфа", "Кўзгу олдидаги одам", "Тепаликдаги хароба", "Ффу", "Аёллар салтанати ва мамлакати", "Майдон" романлари, Назар Эшонқулнинг жаҳон прозасининг энг илғор тажрибалари асосида соф миллий образлар ярата олган "Қора китоб" қиссаси, "Шамолни тутиб бўлмайди", "Тобут шаҳар", "Қуюн" ҳикоялари, Х. Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи, "Жажман", "Ибн Муғанний", "Қорачиқдаги уй" ҳикоялари тасвирнинг қуюқлиги, инсон руҳияти қатламларини акс эттириш миқёсининг кенглиги ва ифода тарзининг фавқулоддалигига кўра миллий адабиётимиз учун янги бадиий ҳодисалар бўлди.

Н. Эшонқул – миллий истиқлол даври ўзбек насрига янги оҳанг олиб кира олди. Унинг "Шамолни тутиб бўлмайди" ҳикояси ифоданинг қабариқлиги, тасвир марказига олинган шахс табиатининг мутлақо кутилмаган ва янгилигидан ташқари оҳангнинг ўзгачалиги билан ҳам кишини ҳайратга солади. Шу вақтга қадар бу тахлит кўп қатламли, залворли, ҳикоя маромининг ўзи билан бадиий кайфият ҳосил қила биладиган наср намунаси миллий адабиётимизда йўқ эди ҳисоб. Назар насримизни шундай оҳанг билан бойитдики, бу оҳанг ўзбек миллатига

хос бўлган жиҳатларни акс эттириш имконияти жиҳатидан тенгсиздир. "**Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут бўлган яловидай... баланд толга осиб офтобда қуритарди**". Ифодадаги залвор, серқатлам эстетик босим, руҳий ҳолат манзаралари тасвирининг айни шу тарзда занжирсимон ва болохонадор қилиб берилишининг ўзи ҳикояда ўзига хос оҳанг пайдо қилган. Бу оҳанг момонинг ёлғизлиги ва бахтсизлиги миқёсларини туйиш ва тушиниш имконини берган.

Улуғбек Абдулваҳобнинг "Ёлғизлик" қиссаси, қатор ҳикоялари қаҳрамонлар руҳий оламини тадқиқ этиш кўлами ва йўсинлари жиҳатидан адабиётимиз учун тамомила янгилик бўлди. Уларда баён, ифода этиш, кўрсатиш, тасвирлаш сингари бадиий усуллар бир нарсага – **тадқиққа** ўз ўрнини бўшатиб берган дейиш мумкин. Ёзувчи учун қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини кўрсатиш эмас, балки сезимларидаги, ўйларидаги товланишларни акс эттириш муҳим. Арасту замонларидан буён адабиётнинг моҳияти ҳаётдаги **хаос**ни бадиятнинг **космос**ига айлантиришдан иборат деб тушуниб келинган. Воқеликдаги "тартибсизлик"лар муайян мунтазамлик касб этиши, тартибга туширилиши билан бадиий асар юзага келади деб қаралган. "Ёлғизлик" қиссасида эса айнан шу тартибсизликнинг ўзи, бўлганда ҳам, воқеликдаги эмас, инсон хаёлотидаги, кечинмаларидаги боши-кети кўринмас тартибсизлик тасвир объектига айланган. Қисса муаллифи қаҳрамоннинг ўю хаёлларини унинг характерини очиш воситасига айлантирмайди. Билъакс, ўй-хаёлларнинг тартибсиз ва ноизчил оқимини беришнинг ўзи унинг бадиий мақсадига айланади.

Маълумки, инсон хаёлотида изчиллик, мунтазамлик бўлмайди. Кўп ҳолларда, одам хаёлни эмас, хаёл одамни етаклайди. Шу тариқа миллий адабиётимизда, сиртдан қараганда, бадиий

мақсадга бўйсунмагандай таассурот қолдирувчи, аслида эса, ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти манзараларини намоён этувчи асар дунёга келган. Рисоладаги ҳар қандай одам сингари қисса қаҳрамонининг ўйларида ҳам тизгин йўқ, муаллиф бу хаёлларни сараламайди. Ўйдан ўйга, хаёлдан хаёлга кўчиш жараёни тасвирининг ўзи қаҳрамон табиатига хос хусусиятларни сараланган бадиий мунтазамликдан кўра ёрқинроқ намоён этади. Бу йўналишдаги асар муаллифнинг шунчаки бадиий тажрибага ўчлиги туфайли эмас, балки кучли ички зарурият сабабли пайдо бўлган. Негаки, инсон осонлик билан тўла очилмайди. Одамнинг ичи билан сирти, тили билан дили бир бўлган ҳолатлари ниҳоятда кам. У фақат ўйларидагина ўзи бўла олади. Одам тизгинсиз ўй оқимлари билан ёлғиз қолгандагина ўзига қайтади. Шундай ҳолатни акс эттирувчи абсурд усулдагина одамни бир қадар тўлароқ илғаш мумкин бўлади. Улуғбекнинг асарлари миллий насрда персонажлар психологиясининг ўзи чуқур тафтиш этилган дастлабки намуналардир. Номлари юқорида зикр этилган адибларнинг асарлари оламга эстетик муносабат борасида тамомила янгича тамойилларга амал қилинганлиги билан характерланади.

Ш. Холмирзаев "Олабўжи", "Динозавр" романлари, "Булут тўсган ой", "Озодлик", "Наврўз, наврўз" ҳикояларида, Н. Норқобилов "Оқбўйин", "Қоялар ҳам йиғлайди", "Тоғ одами" қиссалари, "Орият", "Қувончли кун" ҳикояларида, Ш. Бўтаев "Шўродан қолган одамлар" қиссаси, "Дарвеш" ҳикоясида, Тоғай Мурод "Отамдан қолган далалар" романида насрнинг анъанавий тасвир йўсинидан маҳорат билан фойдалана билдилар. Бу асарларда миллат вакилларининг ғоят ўзига хос ҳамда жонли бадиий тимсоллари яратилди. Уларда анъанавий тасвир йўналиши ўзига хос бадиий изланишлар ҳамда дунё адабиётидаги энг сўнгги ифода усулларини дадил қўллаш билан омухталашиб кетган. Мустақиллик даври ўзбек насрида инсон шахсини хилма-хил ракурсларда акс эттириш, унинг хатти-ҳаракатлари ва ўй-хаёллари руҳий асосини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, насрда тасвирланаётган қаҳрамонлар географияси кенгайиб, антропологияси муайянлашиб бормоқда. Замонавий насрда миллатдошларимизни паспортига қараб эмас, балки фикр тарзи, ахлоқий қаноатларига қараб пайқаб олиш мумкин бўлмоқда.

Миллий адабиётимиз аҳолиси қисқагина вақт орасида Байна момо, Ултон, Гулсара, Таваккал, Ҳусан полвон, Эрназар полвон, Зуҳра, Ўсар сингари йирик, ўзига хос, бошқа адабий қаҳрамонлар орасида йўқолиб кетмайдиган қабариқ образлар ҳисобига бойиди.

Миллий тафаккурда ялпи янгиланиш бошлангандан бери кўпчилик томонидан англаб етилган ва тан олинган ҳақиқатлардан бири шу бўлдики, одамнинг энг кичиги, энг кўримсизи, энг забуни, энг ношуди ҳам одамдир, Яратганнинг халифасидир ва шу боис мукаррамдир. Бинобарин, бадиий адабиёт кичик одамнинг катта ва чигал ички дунёсидаги бепоёнликни, турфаликни тадқиқ этиши лозим. Бир қатор асарларда сиртдан қараганда, кўзга ташланиб турадиган жиҳати йўқ, ҳамма қатори, аммо ботинида улкан изтироблар, руҳий пўртаналар мавжуд бўлган "кичик" одамларнинг ички дунёси маҳорат билан акс эттирилган. Носирларимизда маънавий дунёси қуруқшаган, рисоладаги одамлардай фикрлаш ва ўзгаларни туйиш саодатидан маҳрум бўлган маънавиятсиз кимсаларни тасвирлаш маҳорати шаклланаётганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Ш. Бўтаевнинг "Шўродан қолган одамлар", қиссаси, А. Йўлдошевнинг "Сўқир" ҳикоясида айни шу хилдаги қаҳрамонлар тасвир этилган. Бу асарларда маънавиятдан маҳрум, шахслиги синдирилган, шу боис ўзлиги йитган шахсларнинг ғаройиб қисмати акс эттирилган. Улар ҳамиша ҳам ожиз, нотавон, ношуд эмаслар. Баъзан жуда ишчан, олғир, уддабуррон бўлишлари ҳам мумкин. Лекин бундай кимсаларнинг умумий хислати олами кабир – ички оламнинг омонатлиги, қуруқшаганлиги. Оврўпонинг Петер Биксел, Макс Фриш, Карл Макси сингари адиблари ҳам бугунги кунда "кичик" одамларнинг катта ҳиссиётларини акс эттиришлари билан машҳур бўлганлар.

Ўзбек насри мустақилликнинг биринчи декадасида қаҳрамонлар тасвирида схематизмдан қутулиш йўлига кирди. Бадиий асарда одамга ижобий-салбий ёки типик-нотипик сингари қолиплар орқали эмас, балки мавжудлигининг ўзи билан ададсиз сиру синоатларга тўла тирик инсон тарзида ёндашиш қарор топиб бораётганлиги бу давр насрининг умид туғдирадиган жиҳатлардандир. Бу фазилатлар барча ижодкорлар учун ҳам ёппасига хос деб бўлмайди, албатта. Лекин одамга ёндашишда жўнликдан, қолипдан воз кечилганлигининг ўзиёқ на-

сримиз тараққиётида соғлом тамойиллар қарор топаётганлигидан белгидир.

Ўзбек миллий тафаккури, эстетик қарашлари тизимида жиддий эврилишлар содир бўлганлиги **драматургия** тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу вақтда яратилган асарлар орасида Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл", Илҳом Ҳасаннинг "Бир кам дунё", Абдулла Аъзамнинг "Дугоҳи Ҳусайний", "Жек Лондон ҳикоясидан сўнг" кабилар миллий драмачилигимиз эришган ўзига хос ютуқлардан бўлди. Драматургия гарчи саҳна талабларига боғлиқлик нуқтаи назаридан консерватив тур бўлишга маҳкум эса-да, шаклий изланишлар қилиш, ижодий тажрибалар ўтказиш йўналишидаги изланишлар тўхтаган эмас. У. Азим ва А. Аъзам қаламига мансуб драмалар саҳна асарлари яратишдаги дадил тажрибаларнинг маҳсулидир. Драматурглар ҳаётий ҳолатлар сон-саноқсиз бўлиши мумкинлиги ва беҳад хилма-хил вазиятлар унда ҳаракат қилаётган қаҳрамонлар табиатида ҳам жиддий эврилишлар ясаши мумкинлигини нозик ҳис этган ҳолда драма-версия, драма-вазият сингари ифода шаклларни ўйлаб топганларки, бу ҳол асарларнинг бир қадар муваффақиятли чиқишини таъминлаган.

Айни вақтда миллий драматургиянинг тилга олишга лойиқ бадиий ютуқлар қўлга киритилиши оғир кечаётган соҳа бўлиб қолаётганлигини тан олиш керак. Драматургия бозор иқтисоди талабларига энг кўп берилган адабий тур дейиш мумкин. Бу ҳол саҳна асарларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Айтиш керакки, миқдор жиҳатидан драмачилик тараққиётига эътироз билдириб бўлмайди. Кейинги ўн йилликда дунёга келган драмалардан ўттиз нафарга яқини текшириб чиқилганда уларнинг учдан бири турли юбилейлар муносабати билан ёзилганлиги аниқланди. Комедия деган номга даъвогар саҳна асарларининг эса деярли барчаси театрларнинг буюртмаси билан яратилган. Албатта, ижтимоий буюртма йўли билан ҳам етук бадиий асарлар дунёга келиши мумкин. Бунга миллий ва жаҳон адабиёти тажрибасидан истаганча мисоллар топса бўлади. Аммо бутун бошли миллий драматургияни фақат буюртма йўли билан тараққий эттиришга уринишни бадиият нуқтаи назаридан соғлом ҳол деб бўлмайди.

Комедияларнинг савияси кишида ҳақли эътироз ва жиддий хавотир уйғотади. Негаки, ўзбек комедиячилигининг дастлабки

қадамлариёқ жуда залворли ва эсда қоларли бўлган. Ҳамза, Қаҳҳор, Ш. Бошбековларнинг теран маъноли кулги асарларини эслашнинг ўзи даъвомизнинг нечоғлиқ ҳақ эканлигини кўрсатади. Бугунги комедияларнинг бадиияти на ижрочиларга, на томошачиларга ва на ўқувчиларга бирор эстетик озуқа бера оладиган даражада ночордир. Саҳнавий ижоднинг комедия деб аталмиш муқаддас бир турига кўча сўзлари ва ҳиссиёти, тийиқсиз чучмаллик, пардасизлик ўта сурлик билан кириб келмоқда. Муаллифлар тўқнашувлар туранглиги ҳақида эмас, ифодаларнинг қичиғи, сўзларнинг пардасизлиги ҳақида кўпроқ бош қотиришмоқда. Бу хилдаги битиклар тўхтовсиз саҳналаштирилаётганлиги, боз устига, кўплаб томошабинларга эга бўлаётганлиги эса жиддий эстетик хавфдир. Чунки миллатнинг бадиий диди шаклланишига тўғри йўналиш бермай туриб, унинг маънавиятини юксалтириш, комил шахсни тарбиялаш ҳақида гапириш беҳудадир.

Драматик асарларнинг юбилейлар билан боғлиқлик даражаси қанчалик мустаҳкамлигини асарларнинг номларини санашнинг ўзиёқ кўрсатади. Тўра Мирзонинг "Амир Темур", Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон", Одил Ёқубовнинг "Фотиҳи музаффар ёки бир париваш ишқи" драмалари жаҳонгир бобомизга бағишланган бўлса, Ҳайитмат Расулнинг "Пири коинот", Йўлдош Сулаймоннинг "Ал Фарғоний муҳаббати", Иброҳим Раҳимнинг "Фарғона фарзанди" асарлари буюк математик ва астроном аждодимизга аталганлиги кўриниб турибди. Шунингдек, Машраб, Чўлпон сингари машҳур юртдошларимиз юбилейлари муносабати билан ҳам бир қатор саҳна асарлари дунёга келди. Биз бу асарларни бадиият нуқтаи назаридан ёппасига салбий баҳолаш фикридан йироқмиз. Лекин уларнинг бирортаси ҳам чин эстетик кашфиёт бўлолмаганлигини қайд этишга бурчлимиз. Бу хил асарларда, аксарият ҳолларда, драма муаллифларининг эзгу нияти бадиий воқеликка айланмай қолган. Чунки асар ички руҳий эҳтиёждан кўра, кўпроқ ижтимоий зарурият туфайли қоғозга тушган.

Шеърият ва наср борасида мустақилликкача бўлган яқин ўтмишдаги эстетик юксакликларга етилибгина қолмай, ундан баландроқ чўққиларни эгаллаш имконияти юзага келганлиги аён ҳақиқат бўлса, драматургия бобида шу вақтгача эришилган саҳнавий юксакликка яқин келинмаётганлиги ҳам бор гапдир.

Давр аҳли руҳиятидаги ошкора асабийлик, сезимлар нозиклиги, муносабатлар драматизмидаги таранглик ҳали-ҳануз пьесаларга кўчганича, саҳна реаллигига айланганича йўқ. Эҳтимол, эстетик қараш ва саҳна тафаккуридаги тўхтамларнинг қатъийлашмаганлиги, ҳозирги воқеликнинг ижодкорлардан етарлича узоқлашмаганлиги, шу ҳаёт туфайли юзага келган ҳиссиётлар жунбушининг тиниқмаганлиги, ижтимоий тўқинишлар руҳиятларда берган акс-садони саҳнабоп шаклда моддийлаштириш қийинлиги драматик асарлар ночорлигига сабабдир. Ҳолбуки, ҳар қандай кескин ижтимоий ўзгариш ва янгича ҳаётий вазият драматик турдаги асарлар яратилиши учун мўлкўл материал бера олади.

Маълумки, миллий адабиётимиз учун ҳақ гапни айтиш жасорат ҳам, фазилат ҳам саналмай қўйди. У бадиий ижоднинг унчалар муҳим бўлмаган оддий талабига айланди. Миллий драматургиямизда эса ҳанузгача зарур гапни кескинроқ йўсинда айтиш фазилат санаб келинмоқда.

Ҳар бир алоҳида одамда бўлгани каби ҳар бир миллатнинг ва ҳар бир даврнинг ҳам ўз мўлжаллари, эгалланиши орзу этиладиган марралари бўлади. Мустақилликка эришилганидан кейинги давр ўзбек адабиёти учун инсон маънавияти қирраларини текшириш, одам руҳиятидаги кўз илғамас сезимларни тадқиқ этишга эришиш ана шундай баланд маррадирки, миллий адабиётимиз ана шу маррани эгаллаш сари оғишмай бораётир.

"Шарқ юлдузи" журнали 2001 йил 1-сон

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛИ*

Одам умрининг ҳамма кунлари ҳам қимматли бўлавермагани сингари миллат ҳаётининг ҳамма босқичлари ҳам бирдай аҳамиятга эга эмас. Миллатни турғунликлар гирдобида тутиб турган ёхуд инқироз сари етаклаган юзлаб йиллардан кўра унинг равнақини таъминлаган бир нечагина йил миллий тарих ва тараққиёт учун қадрлироқдир. Шу маънода, миллий мустақиллигимизнинг босиб ўтилган дастлабки ўн йилига ўзбек халқи тарихининг алоҳида бир босқичи тарзида қараб, муайян умумлашмалар қилиш лозим. Негаки, ўтган қисқагина давр оралиғида миллатнинг фикрлаш, англаш, таъсирланиш ҳамда тушунтириш йўсинида шундай катта силжишлар рўй бердики, унинг аҳамияти аввалги ўнлаб йилларга бергусиз. Тарихнинг шу каби босқичлари чинданда "асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал" эканлигини ва бу лаҳзаларнинг моҳиятини теранроқ идрок этиш тараққиёт учун муҳимлигини кўрсатади.

Миллатнинг яшаш тарзи, фикрлаш даражаси, оламни бадиий идрок этиш йўсинида улкан ўзгаришлар ясаган дастлабки ўн йилда ўзбек адабиётига хос хусусиятларни кузатиш, уларни умумлаштириш асосида илмий хулосалар чиқариш мутахассислар учун ўта долзарб вазифадир. Бу асрда дунёнинг энг қадимий халқларидан бўлган ўзбекларнинг олам ҳодисаларини қабул қилиш ва унга ёндашиш тарзи аввалги ўнлаб йиллардагига нисбатан жиддий ўзгарди. Миллат мажбурий эътиқод саналмиш даҳриёна коммунистик мафкура тазйиқидан қутулди. Фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар плюрализми вужудга келди. Бу ҳолат халқнинг ижтимоий онгида соғломлашиш жараёнини юзага келтирди. Бу жараён тез фурсатда ўз самараларини бера бошлади.

Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар адабий ҳодисаларни қайта идрок этиш ва уни ижтимоий онг ва адабиётшунослик илмининг бугунги даражасига мувофиқ баҳолаш заруратини тақозо этади. Адабиёт ва давр муносабатини тўғри аниқлаш осон масала эмас. Чунки давр – замон деб аталмиш чексиз ва абадий ҳодисанинг ўткинчи ҳамда чегараланган бир бўлаги,

* Мақола профессор Бегали Қосимов билан шерикликда ёзилган.

адабиёт эса ана шу ўткинчи лаҳзаларни абадиятга муҳрлашни даъво қиладиган санъат туридир. Шунинг учун ҳам адабий ҳодисалар ва давр муносабати ҳақида фикр юритиш тадқиқотчидан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Адабиётшунос бадиий асарни ижтимоий ҳаётнинг оддий нусхаси санаб иш тутса ҳам, ёки аксинча, бадиий ҳодисани даврдан, тузумдан, ижтимоий талотумлардан ташқари ҳисоблаб фикр юритса ҳам янглишиб кетиши мумкин.

Миллий адабий-танқидий ва эстетик тафаккур шаклланти-рилиши учун ҳал қилувчи босқич ҳисобланган биринчи ўн йиллик Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети адабиётшунос олимлари илмий фаолияти учун юксалиш йиллари бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Илм учун масалани тўғри қўя билишнинг аҳамияти каттадир. Зеро, тўғри қўйилган масаланинг ечими ўзида бўлади. Мавлоно Румий ҳазратлари: "Жўяли савол – ярим билимдир",-деб бежиз айтмаганлар. Университет адабиётшунослиги кейинги вақтда саволни тўғри қўйишга одатланиб бормоқдаки, бу ҳол анча самарали илмий ечимларга олиб келаётганлиги табиийдир.

Миллий университетнинг адабиётшунос олимлари республикада биринчи бўлиб, халқимиз ҳаётининг ғоят ўзига хос ва мураккаб даври бўлмиш миллий уйғониш даври ва унинг адабиётига доир белгиларни аниқлаш ҳамда тадқиқ этишни бошлаб бердилар. Бу борада арзирли натижалар ҳам қўлга киритилди. Университет адабиётшуносларининг саъй-ҳаракатлари туфайли беҳбудийшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик алоҳида илм даражасига кўтарилди ва дунё миқёсида эътироф этилди. Университет адабиётшунослари миллий уйғониш даврининг аввал назардан яширин бўлган намояндалари ижодини тадқиқ этишга ҳамда илгарилари чуқур ўрганишнинг имкони бўлмаган асарлар эстетик оламини текширишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Истиқлолга эришилиши биланоқ жадид адабиёти намуналари ва намояндалари ижодини текширишга алоҳида эътибор қаратилиши қонуний ҳолдир. Негаки, Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил этилишидан тортиб, унда филологик таълимни йўлга қўйишга қадар барча босқичларда XX аср бошидаги истиқлолчиларнинг беқиёс хизматлари бор-

лиги эндиликда аён бўлди. Агар университетни ташкил этиш ҳаракатининг бошида Мунаввар қори турган бўлса, 1918 йилдаги машъум "Колесов воқеаси"дан сўнг Бухоро амири ғазабидан қочиб, Тошкентдан бошпана топган буюк Фитрат биринчи ректорнинг таклифи билан университетда тил ва адабиётдан дарс беради. Туркий тилнинг тозалиги, туркий маданиятнинг юксалиши учун курашувчи жасоратли зиёлиларни бирлаштирган "Чиғатой гурунги" илмий жамиятини айни шу ерда ишлаётган пайтда тузади. У Алишер Навоий ҳақидаги ихчам рисоласини шу ерда яратиб, янги давр навоийшунослигини бошлаб беради. Яна бир машҳур жадид профессор А. Авлоний умрининг сўнгги йилларида ушбу университет "Тил билими" кафедрасининг мудири эди. Мана шу ҳолатнинг ўзи университет адабиётшуносларининг маърифатчилик ва жадидчилик ҳаракатлари ҳамда адабиётларига алоҳида эътибор қаратишларини тақозо этарди.

Университетнинг адабиётшунос олимлари миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини юзага келтирган омиллар, унинг илдизлари сув ичган булоқлар борасида соғлом назар билан хулосалар бераётганлиги бу йўналишдаги тадқиқотларнинг қимматини оширади. Оламни эстетик идрок этиш, тасвирлаш ва унга таъсир кўрсатиш ҳамда бадиий ижоднинг вазифаларини тайин этиш бобида маърифатчилар жадидларга ҳаммадан кўра яқинроқ эди. Уларни бир-бирларига нисбатан сабаб ва оқибат дейиш мумкин. Халқ турмушига яқинлашиш, тилда, ифода тарзида соддаликка интилиш айнан маърифатчилик адабиётидан бошланган. Бу даврда миллий бадиий тафаккурда дастлабки эврилишлар содир бўлди. Ана шу ҳол янги ўзбек адабиёти деб аталмиш ҳодисани юзага келтирди. Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, адабиётни мақсад эмас, балки халқнинг озодлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган восита деб биладиган жадид адабиёти айни шу маърифатчилик заминидан ўсиб чиққанки, буни текшириб, асил қонуниятларини тадқиқ этиш, шу тариқа жадидчиликнинг миллий илдизларини топиш лозим эди.

Университет адабиёттанувчиларининг жадидчилик ва маърифатчилик ҳаракатлари ҳамда адабиётлари ўртасидаги давомийлик, ворисийлик мавжудлиги борасидаги хулосалари дадилу асосли эканлиги билан диққатга моликдир. Олимлардан:

У. Долимов, Ш. Юсупов, Ш. Ризаев, Н. Жабборовлар Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат ва бқ. жадидлар Комил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз сингари маърифатчиларнинг издошлари эканлигини мантиқли тарзда исботлаб бердилар. Масаланинг шу хилда яхлит бир жараённинг босқичлари тарзида ўрганилиши жадидчилик моҳиятини чуқурроқ очишга хизмат қилади. Бу ҳол ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва айтиш имконини беради. Буни шўронинг мафкуравий адабиётшунослиги ҳам билган, 1934 йилда Муқимий "жадид шоири" деб эълон қилиниб, "қора рўйхат"га тиркалган эди.

Истиқлолнинг ўн йили мобайнида университет жадидшунослари томонидан 500 босма тобоқдан ошиқроқ тадқиқотлар, илмий-адабий матнлар эълон қилинди. Ўн икки адибнинг танланган асарлари илк бор нашр қилинди. Булардан ташқари элликка яқин китобнинг чоп этилганлиги олимларимиз меҳнати кўламини бир қадар намоён этади. Университет адабиётшунослари жадидчилик ҳаракати ҳамда адабиётининг ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва эстетик асосларини текширишга, жадидчилик қарашларидаги ижтимоий-бадиий ўзига хосликларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратдилар. Шунинг учун ҳам миллий уйғониш даври адабиёти бўйича адабиётшуносларимиз томонидан салмоқли илмий хулосалар чиқарилди. Айниқса, проф. О. Шарафиддиновнинг "Чўлпонни англаш", "Чўлпон", У. Норматовнинг "Қодирий боғи", "Қодирий эстетикаси", Ш. Юсуповнинг "Фурқат ва Худоёрхон", "Махфий қатламлар", Ҳ. Болтабоевнинг "Фитратнинг илмий мероси", "Қатағон қилинган илм", "Абдурауф Фитрат — адабиётшунос", Б. Каримовнинг "Жадид мунаққиди — Вадуд Маҳмуд" сингари тадқиқотлари кузатишларнинг оҳорли эканлиги, ёндашувнинг илмий холислиги, таҳлилнинг теранлиги билан ажралиб туради.

Бу тадқиқотлар миллий адабиётшунослик тараққиётида ўзига хос ҳодиса бўлган ишлардир. Аммо бу борада ҳали қилинадиган юмушлар ҳам жуда кўп. Аввало, бу давр бадииятининг фалсафий асосларини тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритилмаган минглаб қўлёзмаларни табдил қилиш, нашр қилинган ишлар юзасидан умумлаштирувчи илмий хулосалар чиқариш зарурияти долзарб бўлиб турибди. Минглаб йиллар мобайнида ўзига хос йўсинда ривожланиб келган мумтоз ва кенг кўламда ташқи таъсирларга берилган янги ўзбек адабиётининг дастлабки

икки босқичини ўз ичига олган миллий уйғониш даври адабиётига хос хусусиятларни янгича қарашлар асосида тўлиқ қайта идрок этиш зарурияти мавжудки, ҳозирча бу борада амалга оширилган ишлар етарли эмас. Чунки миллий эстетик қадриятларнинг янгиланиши, эски ижодий тамойилларнинг синдирилиши ва янгисининг ўрнатилиши жараёни силлиққина кечмаган ҳамда унинг илмий жиҳатдан ўрганилиши миллий адабиётшунослик учун ғоят муҳимдир.

Истиқлол даврида мумтоз адабиётига муносабат, уни идрок этиш, тушуниш ва талқин қилиш борасида бир мунча ишлар қилинди. Университет олимлари томонидан "Тасаввуф ва мумтоз поэтика" китоби тайёрланган, талабаларга "Мумтоз адабиётшунослик тарихи" курси ўқитилаётган, проф. Н. Раҳмонов "Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари" мажмуаси ва "Олтин ёруқ" асарини босишга ҳозирлаган бўлса-да, ҳозирча университетда мумтоз адабиёт муаммоларининг тадқиқ этилиши мутлақо қониқарли эмас. Бу борада қилиниши керак бўлган ишлар қилинганига қараганда ниҳоятда кўпдир. Олимлар олдида адабиёт тарихини даврлаштиришдан тортиб, муайян адабий сиймоларнинг адабиёт ривожидаги ўрнини тўғри белгилаш, бадиий асарларнинг матнларини аниқлаштириш, уларнинг илмий талқини ва бадиий таҳлилини амалга ошириш борасида қилинадиган тоғ каби кўламдор ишлар турибди.

Истиқлонинг ўн йили мобайнида адабиётчи олимларимиз ўзларини жаҳон адабиётшунослигининг табиий бир бўлаги сифатида сеза бошладилар. Бир қатор чет эллик касбдошлари билан шерикликда тадқиқотлар қилдилар. Чунончи, туркий тафаккур тараққиётида алоҳида босқични ташкил этган Исмоилбей Ғаспирали ижоди юзасидан энг салмоқли, энг асосли хулосалар Миллий университет олимлари томонидан билдирилди. Бу илмий кузатишлар дунё ғаспиралишунослари учун ҳануз асосий манба бўлиб келмоқда. Мутафаккирнинг бир неча асари таржима қилиб чоп этилди. 1994-1995 йилларда "Туркий халқлар адабиёти" дарслигининг бир неча туркий тилда тайёрланиши ва бунда ЎзМУ олимларининг фаол қатнашиши диққатга молик воқеа бўлди. Туркияда тайёрлаб чоп этила бошлаган 30 жилдлик "Турк дунёси адабиёти" илмий-бадиий мажмуаси учун университетнинг ўн тўрт адабиётшуноси мингдан ортиқроқ илмий мақола ёзиб берганликлари, бу йирик нашр учун

Ўзбекистон бўйича масъул бўлган мутахассис ЎзМУ профессори эканлиги[1] ҳам дорулфунун илмининг чет эллардаги эътирофидан нишонадир.

Одам ва қисмат, шахс ва унинг тақдирбитиги ўртасидаги муносабатни эстетик тадқиқ этиш адабиётшунослик илми олдидаги долзарб муаммолардан биридир. Шўролар замонида одам ижтимоий муносабатларнинг натижаси дебгина талқин этиларди. У оқибат эди ва унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини олдиндан белгилаш, лозим бўлса, ўзгартириб юбориш мумкин деб қараларди. Бадиият оламида абсурд адабиёт деган тушунча мавжудлиги, дунё сўз санъатининг катта бир босқичида шу йўналиш етакчилик қилаётгани, миллий адабиётимизда ҳам салкам юз йиллардан бери шу хилдаги изланишлар турли кўринишларда мавжуд эканлигининг ўрганилаётганлиги нафақат ўзбек танқидий тафаккури, балки, умуман, миллий маънавият учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Абсурд адабиёт хусусиятларини, унинг бадиий ижод жараёнидаги ўрнини аниқлашга проф. Умарали Норматов дадиллик билан қўл урди.

Маълумки, одам ақли етган ҳодисани изоҳлай олади, у мантиқий ниҳоясини кўриш мумкин бўлган ҳолатлардагина башорат қилиши мумкин. Аммо ҳеч қачон тақдирни била олмайди. Киши ҳаёти исталган бир сонияда мутлақо кутилмаган ва инсоний мантиққа мувофиқ бўлмаган ўзанга тушиб кетиши мумкинлиги ҳаммага маълум. Абсурд айни шу ердан, яъни инсон ожизлиги яққол кўриниб турган ўриндан бошланади. Ижтимоий шароит, сиёсий тузум бундай ҳолларда мутлақо аҳамият касб этмаслиги ҳам мумкин. Ҳамма гап ўз ақлига, ғайратига ортиқча ишониб, тиним билмай, зўриқиб, ўзига-ўзи қисмат тайин этмоқчи бўлган одам ва унинг бадиий ифодасини тадқиқ этишда. Одам қаноатга келса, яъни абсурдни тан олса, абсурд тугайди. Чиндан-да, абсурд маънисизликка ўхшайди, лекин маънисизлик сиёсий тузумда, ҳаётий тартиботларда эмас, балки одам умри, қисмати, пешонасининг унинг истагу режакарига бўй бермаслигидадир. Проф. Норматов "Қаҳҳорни англаш машаққати", "Ўтмишдан эртаклар" ва абсурд" сингари тадқиқотларида маънисизлик тасвиридаги адабий-эстетик маънони топишга уринади.

---

[1] Марҳум проф. Б. Қосимов кўзда тутилган.

Одам чуқурлашгани, кишининг интеллектуал-руҳий савияси юксалгани сари унинг индивидуал, ўзига хос жиҳатлари теранлашиб бораверади. Фақат теран ўйлайдиган кимсаларгина танҳоликка интиладилар. Чунки уларнинг фақат ўзлари билан, фақат кўнгиллари билан қиладиган ишлари бор. Ўйсиз кимса учун ёлғизлик катта фожиадир. Шу боис у ўзини тўдага уради. Чунки тўдада қиёфасизлиги кўзга ташланмайди.

Ҳозир яратилаётган бадиий асарларнинг омма орасига кенг ёйилмаётганлиги сабабини текшириш ҳам ўта муҳим масалалардан саналади. Унинг фақат иқтисодий ва эстетик эмас, балки руҳий, маданий илдизлари бордир. Чунончи, замонавий адабиётнинг оммавий бўла олмаётганлигига чоғдошларимиз табиатларидаги алоҳидалик майллари теранлашганлиги ҳам сабабдир. Бугунги адабиёт фақатгина индивидуал адабиёт бўлишга маҳкум. Чунки бугунги одамнинг ўзи – алоҳида шахс. Кечагина у бирор ижтимоий табақанинг вакили эди. Бугун у – ўз шахсиятининг элчиси холос. Шахслиги теранлашмаган кишилардан иборат миллатнинг қизиқишлари умумий бўлади. Шахсияти теранлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшашга маҳкум. Энди у оломон бўлолмайди, тўдалаша олмайди. Бу ҳолнинг яхши-ёмонлиги бошқа масала. Бир замонлар ташқи эффектлар, қизиқарли сюжет одамларни тез ром этган. Бугун ҳаммани бирдай қизиқтира оладиган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолатга кўникиш, унинг сабабларини ўрганиш, ундан хулоса чиқариш керак.

Аср бошидан буён "кўрсатиб бериш", "фош этиш", "аниқлаб олиш" билан шуғулланиб келган миллий адабиётшунослик аср адоғига етганда тадқиқ ва талқинга майл кўрсатмоқда. Эндиликда ўзбек адабиёти тарихи янгиланаётган бадиий тафаккур талаблари асосида қайта идрок этилмоқда, бу даврда яратилган асарларнинг асл моҳиятини очишга ҳаракат қилинмоқда. Адабиётшунослик узоқ вақт мобайнида бадиий асарларни асосан ижтимоий нуқтаи назардан текширишга мослашган бўлса, энди, мавжуд қолипларни тарк этароқ, бадиий матнга эстетик талаблар асосида ёндашишга, ҳар қандай хулосани матндан келтириб чиқаришга уринмоқда. Натижада, кўплаб битикларнинг асл бадиий қиймати, бир қатор адибларнинг миллат эстетик тафаккури тараққиётидаги тарихий ўрни холисона белгиланаётир. Бу ўз-ўзидан силлиққина рўй бериб қолаётгани йўқ.

Адабиётшунослар учун ҳам бадиий ижод борасидаги ўз қаноатларини ўзгартириш осон кечмади. Лекин муҳими, адабиётни соғлом тарзда қайта идрок этиш жараёни бошланди. Ва бу жараёнда университетнинг У. Норматов, Ҳ. Болтабоев, А. Расулов, С. Содиқов, Б. Каримов, У. Жўрақулов, А. Улуғов, У. Долимов, Н. Жабборов сингари адабиётшунослари фаол экани диққатга моликдир.

"Танқид сараламоқдир",- деган эди бир вақтлар М. Беҳбудий. Ана шу саралаш зарурияти нафақат бугун фаолият кўрсатаётган танқидчилар, балки ҳозирда олий мактабларнинг филология факултетларида таҳсил кўраётган бўлажак адабиётшунослар учун ҳам илмий-педагогик жиҳатдан таянч бўладиган қарашлар тизими шакллантирилишига улкан эҳтиёж пайдо қилди. Миллий университетнинг йирик олимларидан бири У. Норматов раҳбарлигида яратилган "**XX аср ўзбек адабиёти тарихи**" дарслиги ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида айни вақтида қилинган амалий иш ўлароқ вужудга келди. Китобнинг илмий қимматини оширадиган бир жиҳат шундаки, унда муайян ижтимоий-эстетик ҳодисанинг сабабларини англатишга эътибор қаратилган. Унда XX асрга келиб, адабиёт халқ ҳаётига, унинг муаммоларига аралаша бошлаганлиги сабаблари изоҳлаб берилган. Бу даврда адабиёт фақат хос кишиларни эмас, бутун миллатни кўзда тутиб иш кўрадиган бўлгани учун миллий адабиётга айлангани асослаб берилган. Адабиётнинг миллийлиги фақат тил ва ифода йўсинидагина эмас, бадиийтнинг вазифасини тайин этишда ҳам намоён бўлди. Бу хил хулосага келиш миллий адабиётшунослик тараққиётида олдинга ташланган дадил қадам. Ва бу қадамни қўйишда университет олимлари қатнашгани қувонарлидир. Дарсликда миллий адабиёт XX аср мобайнида эришган ютуқлар ҳам, бой берган имкониятлар ҳам айни шу нуқтаи назардан ўрганилган ва баҳосини олган.

Миллий эстетик тафаккур тараққиётининг ҳозирги босқичида компаравистик адабиётшуносликнинг қарор топиши адабий-танқидий хулосаларнинг асосланганлик даражасини оширмоқда. Шўровий адабиётшунослик узоқ йиллар мобайнида бадиий асардан ўзи истаган нарсани қидириш билан шуғулланиб келди. Эндиликда танқидчилик ва адабиётшунослик бадиий ижоднинг моҳиятини англашга, унинг сирларини кафш этишга уринмоқда. Олимлардан У. Норматовнинг "Ўткан кунлар" ҳай-

рати", "Умидбахш тамойиллар", "Бугунги насримиз тамойиллари", А. Расуловнинг "Илми ғарибани қўмсаб", "Истеъдод ва эътиқод", С. Содиқовнинг "Сўз санъати жозибаси", "Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид", А. Улуғовнинг "Қиссачилигимиз қирралари", О. Мадаевнинг "Алпомиш" билан суҳбатлар" сингари тадқиқотларида адабий ҳодисага, имкон қадар, соф илмий-эстетик адабиётшунослик тамойиллари асосида ёндашиш қарор топганлиги уларнинг кузатишларига ўзига хослик, илмий хулосаларига салмоқ бахш этган.

Асл бадиий асар воситасида ёзувчи нафақат замондошларига, балки келажак авлодга ҳам таъсир ўтказа олади. Шунинг учун ҳам адибнинг сиёсий мансублиги, ижтимоий хайрихоҳлигини тадқиқ этишдан кўра, унинг ижодий йўриғи, бадиий олами қонуниятларини кашф этиш муҳимроқдир. Негаки, чинакам бадиий асар абадият билан юзлашмоққа даъвогар битикдир. Шунинг учун ҳам бадиий асар текширилаётганда адибнинг кимга хайрихоҳлиги, қандай сиёсий мақсадни кўзда тутгани эмас, балки бадиий тасвирлаш маҳорати нечоғлигини аниқлаш асосий мақсад бўлиши лозим. Чунки тарафкашлик қандай улуғ ниятлар йўлида қилинмасин, ғайирликка олиб боради, бинобарин, хулосаларнинг нохолислиги юзага келади. Шунинг учун ҳам адабиётшуносликка оид тадқиқотларда адиб, унинг ижтимоий фаолияти, қарашлар тизими эмас, балки асар – бадиий маҳсулот текширилиши лозим. Шундагина тадқиқотчи нохолисликка йўл қўймайди. Тўғри, асарни адибдан айри текшириш мумкин эмас. Чунки адибнинг асари билан муносабати ўсимликнинг ерга муносабатига ўхшаб кетади. Яъни ер бўлмаса, ўсимлик ўсмайди, лекин айни вақтда, ернинг ҳолати ўсимликнинг барча сифатларини олдиндан тўлиқ белгилаб беролмайди. Ўсимликнинг ўсиб мева беришида ернинг таъсир доирасига кирмайдиган саноқсиз жараёнлар рўй беради. Шунинг учун ҳам айни бир ернинг ўзида гул ҳам, тикан ҳам ўсаверади. Демак, муайян бадиий асар ижтимоий ҳаётга фатал тарзда боғлаб қўйилмаган ўзига хос алоҳида эстетик бутунлик тарзида тадқиқ этилгандагина илмий текшириш самарали бўлади. Шу жиҳатдан олганда У. Норматов, Ш. Юсупов, А. Расулов, Ҳ. Болтабоев, Б. Каримов каби адабиётшуносларнинг илмий кузатишлари диққатга моликдир.

Ўзбек адабиётшунослигига биографик методнинг кириб келаётгани, бадиий асарлар ижодкор шахси билан боғлиқ тадқиқ

этилаётгани қувончли ҳол. Бу борада ҳам университет олимлари олиб бораётган ишлар диққатга моликдир. У. Норматовнинг "Бугунги насримиз тамойиллари", "Сўзга, сўз санъатига шайдолик" "Назария ва адабий-бадиий жараён", С. Содиқовнинг "Сўз санъати жозибаси", Р. Иноғомовнинг "Шоирлик қисмати", "Шоир бўлиш осонмас", А. Расуловнинг "Истеъдод ва эътиқод", Ш. Юсуповнинг "Ҳайрат ва санъат", Б. Каримовнинг "Таъсир ва тасвир" каби тадқиқотларида ижодкор шахсияти ва бадиий яратиқ муносабати янги қарашлар аспектида текширилган. Уларда бадиий асар воқеликнинг шунчаки иллюстрацияси, нусхаси эмас, балки кайфият, илҳом, зарурият сингари бир қатор омилларга боғлиқ сирли ҳодиса эканлиги ҳисобга олинган ҳолда иш кўрилган.

Миллий университет адабиётшуносларининг кейинги тадқиқотларида ижтимоий-сиёсий тараққиёт билан адабий жараён бир-бирига тамомила боғлиқ қилиб қўйилмаётганлиги, сабаб ва оқибат тарзида талқин этилмаганлиги диққатга моликдир. Айни шу ҳолат кўп ҳолларда кузатишлар холислиги, таҳлил теранлиги ва хулосалар салмоқдорлигини таъминлайди. Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам бадиий адабиёт ривожини ижтимоий тузум қонуниятларига кўр-кўрона равишда боғлаб қўйиш кенг ёйилган эди. Бадиий асар ижтимоий турмушнинг инъикоси деб-гина қабул этиларди. Кейинги ўн йилликда бу хилдаги фикрий қолиплар биринчи марта бузилди. Эндиликда бадиий ижоднинг ниҳоятда ўзига хос, нозик ва чигал жараён экани ҳисобга олинган ҳолда илмий хулосалар чиқарилмоқда. Нафақат турли ижодкорларнинг, балки айни бир адибнинг турли асарлари ҳар хил савияда битилиши мумкинлиги ва буни мантиқнинг ўлчовлари билан ҳамиша ҳам изоҳлаб бўлавермаслиги ҳисобга олинганлиги қарашларнинг салмоғини оширмоқда.

Университет адабиётшунослигида ҳар бир ижодкорнинг бадиий концепциясини аниқлаб олишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шундай қилинганда, ёзувчининг бадиий асарида оламни ҳаётдагидай эмас, айнан, ўзи тасвирлаганидай кўриши ва кўрсатишининг сабабларини тушунтириб бериш мумкин бўлади. Бир давр, бир ижтимоий муҳит, бир сиёсий тузумда яшаган, бир жанрда ижод қилган икки ёзувчининг оламни икки хил кўриши ва кўрсатиши сабабларини айни шу нуқтадан қидириш олимларимизнинг хулосаларига алоҳида салмоқ бахш этмоқда.

Адабиёт назарияси бўйича қарашларни тайин этиш сўз санъати тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Чунки бадиий адабиётнинг табиатини аниқламай туриб, унинг ривожига таъсир кўрсатиб бўлмайди, назарияни шакллантирмай туриб эса, бадиий адабиётнинг табиатини билиш ва изоҳлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам назарий қарашларда муайян тўхтамга келиш университет адабиётшунослик илми олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Афсуски, адабиёт назариясининг долзарб ва оғриқли масалалари бўйича адабиётшунослар томонидан етарлича ишлар қилинган деб бўлмайди. А. Улуғовнинг унчалик ҳам мукаммал бўлмаган "Адабиётшуносликка кириш" қўлланмаси ЎзМУда назарий қарашларни янгилаш йўлида қилинган ягона амалий ишдир. Ҳолбуки, ижодий метод, услуб, оқимлар, даврлаштириш, образлилик, типиклик, тип, ҳаққонийлик сингари тушунчалар моҳияти янгиланган эстетик тафаккур талабларига мувофиқ равишда аниқлаштириб олиниши ёки уларнинг айримлари адабиётшунослик илми арсеналидан чиқариб ташланиши зарурдир. Бу масалаларнинг тадқиқ этилмай келаётгани адабиётшунослик ривожига жиддий халақит беради.

Эндиликда бадиий асарда ҳақ гапни айтишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳозир бадиий адабиётдан руҳият мавжларини, кўнгил ҳақиқатини рангин, гўзал, нозик, теран ва кўп маъноли қилиб тасвирлаш талаб этилади. Ижодкор ўз номи билан яратувчидир. У ўз бадиий ҳақиқатини ўз воқелиги қўйнида, ўз эстетик мантиғига мувофиқ, ўз ижодий иқлими шароитига мослаб яратади. Ҳа, айнан яратади. Миллий адабиётшунослик бадиий асарнинг қийматини ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш даражасига кўра белгилаш босқичидан ўтди. Эндиликда адабиётшунослик бадиий воқеликни – асарнинг ўзини, унинг ботиний жиҳатларини текшириш ва баҳолашга одатланиб бораётир. Миллий университет олимларининг бу борада республика адабиётшунослари орасида етакчилик қилаётгани эътиборга лойиқдир. Айни шу хил ёндашувнинг қарор топиши Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Гўзал Бегим, Зебо Мирза, Фарида Афрўз сингари ижодкорларнинг асарларини ўқувчиларга яқинлаштириш омили бўлди. Чунки нотўғри ёндашув тушунмасликка, тушунмаслик ўқимасликка олиб боради. ЎзМУ олимларининг ўзига хос ижодкорлар асарларини тата-

дқиқ этиш борасидаги тажрибалари мамлакатдаги ўзга мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Афсуски, университет адабиётшунослигида бадиий ҳодисаларнинг табиатини изоҳлашга типологик ёндашув тўлиқ қарор топганича йўқ. Бадиий ҳодисанинг **сабаби**ни тадқиқ этиш етарли ривожланмаганлигича қоляпти. Олимлар кўпроқ эстетик **оқибат**ни текшириш билан машғулдирлар. Фактнинг замирида қонуният борлигини кўра олган илмгина сабаб юзасидан хулоса бера олади. Тўғри, мутахассислар бадиий асарларга ижодий методнинг қолипидан эмас, балки матннинг бадиий таъсирчанлиги нуқтаи назаридан тўғри баҳо бера олишга одатланиб бораётганликлари қувонарли ҳол. Ҳеч қайси замонда чинакам ижодкор ўзининг бирор асарини қайси методда ёзаётгани билан қизиқмаган. Ҳозир ҳам шундай. Ҳатто фақат шаклий оригиналликка интилган ижодкор ҳам методни эмас, биринчи навбатда, ифода тарзининг ўзига хослигини, бировларникига ўхшамаслигини ўйлайди. Асл адабиёт бировга ўхшамасликдир. Бадиий адабиётда тинимсиз ўзгаришлар жараёнидан бошқа ўзгармас нарсанинг ўзи йўқ.

Ижоднинг йўсини ижодкор шахс табиатида пинҳон бўлади. Шахснинг ижод қилаётган вақтдаги ҳолати ижодий маҳсулотнинг асл табиатини белгилаб беради. Муайян ижодкоргача шаклланиб, қарор топган бадиий анъана ўзлаштирилгач, адибга таъсир кўрсатади, ундан маълум тартибларга риоя этишни, шаклланган бадиий қолиплар доирасида ижод қилишни талаб қилади. Чинакам истеъдоднинг қудрати ана шу қолипларни ёриб чиқиб, ўз қарашларини ўрната олишида намоён бўлади. У белгилаган йўсинлар қанчалик ўзига хос бўлса, унинг ижоди ҳам шунчалик оригинал бўлади. Бунинг учун унинг қайси жамиятда яшагани, қандай сиёсий режим даврида қалам сургани, қандай методда ижод қилгани унчалар аҳамиятли эмас. Истеъдод ўз йўлидаги тўсиқларни енгиб ўта олиши билан буюкдир. Қаердадир, қандайдир кучнинг таъсири билан тўхтаб қолиши мумкин бўлган истеъдод буюк саналмайди. Бугунги адабиётшунослик айни ҳолатни илмий тушунтириш йўлини излаши лозим.

Ҳақиқий бадиий ижод мавжуд қолип, анъана ва методларни бузароқ пайдо бўлади. Чинакам адиб кўнгли буюрганидай, илҳоми келганидай, руҳий ҳолати инганидай ёзади. Илҳом салгина зўрланса ҳам, ҳатто унинг маҳсули пардозланганда ҳам асарнинг

биийлигига путур етади. Университет адабиётшунослиги айни шу ҳолатларни ҳисобга олиб иш кўраётганлиги боис хулосалари салмоқлидир. ЎзМУ олимлари ижод жараёнининг турфалиги, ижод психологиясининг нозиклигини чуқур тадқиқ этмоқдалар. Улар амалга ошираётган илмий изланишлар бадиий ижод деб аталмиш ҳодисанинг сирли жиҳатларига бир қадар ойдинлик киритиши, қай бир ҳолатларни изоҳлашга хизмат қилиши билан аҳамиятга моликдир.

Кейинги вақтларда ўқувчи ва ёзувчи, асар ва китобхон муносабатларига эътибор кучайган. Адабиётшунослар ҳам, ижодкорлар ҳам ўзларининг бу борадаги қарашларини тайин этишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки бу масала бадиий адабиёт учун ҳал қилувчи муаммолардан биридир. Гарчи, кўпчиликда узоқ вақт мобайнида адабиёт ҳаёт дарслиги ва бадиий асар ўқувчи учунгина яратилади деган қараш ҳукмронлик қилиб келган бўлса-да, ижод жараёнига синчиклаб қаралганда ўзгачароқ ҳолатни кўриш мумкин. Деярли барча асл бадиий асарлар кўрсатадики, улар воситасида ёзувчи кўпроқ ўзини, руҳиятини, кўнгил майлини ифодалайди.

Ўқувчи бадиий асар яратилишига сабаб эмас, балки оқибат, яна ҳам тўғрироғи, истеъмолчидир. Шу ҳолат ҳисобга олинса, асар талқини ва таҳлили тўғрироқ, холисроқ амалга ошади. Ҳолбуки, адабиётшуносликда узоқ вақт бадиий асар фақат ўқувчиларни тарбиялаш, уларга йўл кўрсатиш воситаси деб келинди. Аслида, дунёдаги бирорта эси бутун одам китобга қараб яшамайди, ўз ҳаётини бадиий асар қаҳрамониникига қараб йўлга қўймайди. Бунинг иложи ҳам, кераги ҳам йўқ. Бадиий асар ибратини жўн тушуниш унинг жозибасини йўққа чиқаради, асардан фақат ғоя қидирилиб, унинг ширасини, завқини назардан қочиришга олиб келади. Айни шу ҳолат университетнинг айрим адабиётшунослари томонидан илғаб олиниб, кўзда тутилаётганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини таъминламоқда.

Миллий адабиётшунослик узоқ йиллар мобайнида бадиий асарда адиб нияти қай йўсинда ифода қилинганини текшириш ўрнига асардан ўзи хоҳлаган нарсани излаб келди. Шунинг учун ҳам, кўпинча, ёзувчининг қилмаган ишларига муносабат билдириларди. Ҳолбуки, адабиётшуносликнинг вазифаси адиб томонидан қилинган ишнинг моҳиятини билиш ва бошқаларга ҳам англатишдан иборатдир. Истиқлолнинг ўн йили олимларни дунё адабиётшунослигига яқинлаштирди ва уларни ижодий

жараёнга бундай самарасиз ҳамда примитив ёндашув тарзидан қутқара бошлади. Бу ҳол адабиётшуносларга дунё олимлари даражасида фикрлаш имконини бериб, хулосаларнинг илмий қиммати ошувига олиб келмоқда.

Адабиётшунослик бадиий асарда тасвирланган алоҳида шахс кўнглидаги руҳий товланишларнинг илдизларини топа билгандагина чинакам илмий хулосалар чиқара олади. Бу йўлда баъзан у ижодкорнинг ўзи ҳам сезмаган жиҳатларни кашф этиши, асарнинг яширин қатламларини кўра билиши мумкин. Теран илмий кузатишларга бой адабиётшунослик миллатнинг умумий савиясига таъсир кўрсатади, мулоҳазали ўқувчиларни тарбиялайди. Давр ўзгариши ижтимоий тафаккурнинг ўзгаришига олиб келгани сингари миллат тафаккуридаги янгиланишлар ҳам даврни ўзгартиради. Худди шу сингари адабиётшуносликдаги янгиланишлар бадиий адабиётни ўзгартиради, айни вақтда, бадиий ижоддаги ўзгаришлар туфайли адабиётшунослик илми янгиланиб боради. Ҳамма гап ана шу янгиликлар сабабини сезиш ва ўз вақтида мантиқий-эстетик жиҳатдан изоҳлаб беришдадирки, барча ўзбек олимлари сингари Миллий университет адабиётшунослари ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатишлари керак.

"Ўзбекистон Миллий университети хабарлари" журнали 2001 йил 2-сон

ИСТИҚЛОЛ ШЕЪРИЯТИДАН ШЕЪРИЙ ИСТИҚЛОЛГА

Инсоният турмушидаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланиш ҳам аввал бир қисм кишилардан бошланиб, сўнг ижтимоий қиёфа касб этганидек, миллий шеъриятимизда бугун кенг ёйилган белгилар ҳам дастлаб айрим ижодкорларнинг битганларида куртак ҳолида пайдо бўлган эди. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги ўзбек адабиётида **истиқлол шеърияти** деб аталмиш эстетик ҳодиса тўлиқ шаклланишига имкон берганлиги билан характерланади. У йўқ жойдан тасодифан пайдо бўлиб қолган эмасди. Бу шеърият кўп асрлик миллий бадииятимизнинг мантиқий давоми ва меросхўри эди.

Ўзгача шаклланиш ва тараққиёт тамойилларига эга истиқлол шеъриятининг қатор ўзига хосликлари мавжуддирки, айни шу хусусиятлар унга миллий назмимиз тараққиётидаги алоҳида босқич сифатида қараш имконини беради. Бу бадиий ҳодисага истиқлол шеърияти деган ном озодликни орзулагани, истиқлол даврида яратилгани, миллат аҳлини озодликка ундагани, мустақилликни мадҳ қилгани, эгаман кишиларнинг туйғуларини акс эттиргани учунгина эмас, балки биринчи навбатда, шеърхонга дунёни ўрганиш билан бирга ўзини, ўз кўнглини тафтиш этиш лозимлигини англатишга уринган учун ҳам берилган атама эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки истиқлол ҳуқуқий атама бўлиш билан биргаликда руҳоний-маънавий тушунча ҳамдир. Яъни мустақиллик кишининг табиатига кўчса, унинг маънавий сифатига айлансагина, ижтимоий, сиёсий ва юридик ҳодиса сифатида ҳам қиймат касб этади.

Истиқлол бутун ўзбек миллатини дунёга, дунёни эса ўзбекка яқинлаштирган бўлса, истиқлол шеърияти ҳар бир ўзбекни ўз кўнглига яқинлаштирди, унинг адоқсиз лабиринтларини, пурвиқор чўққиларини, тубсиз теранликларини, хуллас, алоҳида қалбнинг нақадар поёнсиз ва серқирра эканлигини акс эттирди. Унинг ҳар бир қирраси олам ҳодисалари қадар мураккаб ва жилвагар эканлигини англатди. Одамни билиш оламни билишдан мушкулроқ эканлигини ифодалади. Бинобарин, шу хил хоссаларга эга одамнинг ғоят мукаррам зотлиги туйдирилди. Шунинг учун ҳам бу шеърият олдингиларидан фарқ қилгувчи бир қатор хусусиятларга эга бўлди.

Истиқлол шеъриятининг Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим, Икром Отамурод, Турсун Али, Аъзам Ўктам, Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Азиз Саид, Иқбол Мирзо, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Фарида Афрўз, Салим Ашур, Зебо Мирза, Хосият Рустамова, Беназир сингари вакилларининг асарларида оламни поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилаётгани намоён бўлади. Истиқлол шеъриятида ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой, олис ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга интилиш кучайди. Унда кўнгилни тозалашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки кўнгил Аллоҳ маскани эканлиги ва уни тозаламай туриб, Ҳақ марҳаматига эришиш мумкин эмаслиги англаб етилди.

Р. Парфининг "Адашган руҳ", "Қора девор", "Муножот", "Сенсиз", А. Суюннинг "Истиғфор", "Битиклар", А. Қутбиддиннинг "Изоҳсиз луғат", А. Саиднинг "Туш", "Йўл", Фахриёрнинг "Иқрор", "Осмон яратганнинг...", "Суйгулим...", Иқбол Мирзонинг "Сени деб" сингари шеърий асарлари мустақиллик даври ўзбек назмининг етук намуналаридир. Бу шеърият шаклий изланишлар миқёси кенгайганлиги билан характерланади. Унда Чиқиш ва Ботиш адабиётидаги самарали тажрибаларни ўрганиш ва бойитишга интилиш ғоят кучайди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ татбиқ этила бошланган қофиясиз, ўттиз бир бўғиндан иборат беш мисрали **танка** ва ўн етти бўғинни ўз ичига олган уч мисрали **хоккулар** ўрнига замонавий Чин поэзиясида кенг ёйилган **сяоши** шеър шаклидан фойдаланиш кучайди. Чунки сяоши муаллифни ҳеч бир жиҳати билан қолипга солмайди. У қофияли ҳам, қофиясиз ҳам, бир қаторли ҳам, икки, уч, тўрт ёки беш мисрали ҳам бўлиши мумкин эди. Ифодада тўлиқ эркинликка интилиш истаги ўзбек истиқлол шеъриятида ҳам ана шу каби шаклларга эҳтиёж уйғотганлиги учун шаклий имкониятларни кенгайтириш йўлидан борилмоқда.

Кейинги вақтда миллий назмчилигимизда тўрт, уч, икки ва бир сатрли қисқа шеър намуналари сезиларли даражада кўпайди. Ўзбек қисқа шеърияти шаклий чегаралар, анъанавий қолиплардан қутулишга уринишнинг самараси ўлароқ пайдо бўлганлиги учун ҳам унда хокку, танка, тўртлик, рубоий ёки сяошилар сингари қатъий талаблар тизимидан воз кечилган. Истиқлол шеъриятида "Гўрлар қисир – туғишдан қолган", "Анорлар

дард каби ёрилар" (Фахриёр), "Сени дея сенсиз яшадим" (Улуғбек Ҳамдам) сингари бир мисрали, "Эрк чойшабмас, Кўйлакдир", "Шеър тўқийман ўргимчак каби Муҳаббатнинг толаларидан" каби икки қаторли мустақил шеърлар (Фахриёр) пайдо бўлди. Кунчиқар мамлакати шеъриятидан ўзлаштирилган учликларнинг турли вариациялари дунёга келди. Хоккуларни Б. Рўзимуҳаммад ўзгача, Р. Парфи бошқача йўсинда, ўн бир, ўттиз уч ва тўқсон тўққиз мустақил учликдан иборат **тасбиҳ** тузган Фарида Афруз эса тамомила бўлакча усулда қўллайди. Азим Суюннинг тўла бўлмаган беш қатордан иборат **қайирма**лари кичик шеърда катта туйғу ва теран фикрни ифодалай олгани билан ўқирманларнинг эътиборини тортди.

Ўзбек истиқлол шеъриятининг қисқаликка интилиши шунчаки моданинг кетидан қувиш бўлмай, чуқур ички мантиққа эга. Бу шеърият ўқувчига ишонч, уни бадиий сўзнинг истеъмолчисигина эмас, балки шеърий ҳолатни туйиш, бадиий манзараларни жонлантириш жараёнининг иштирокчиси мартабасига кўтаришнинг натижасидир. Шеър қанча қисқа бўлса, унда айтилмасдан ишора қилинган нарса шунча кўп бўлади. Бунда шеърхонга матндан турли-туман кашфиётлар қилиш имконияти кўпроқ берилади. Ўқирман қанча ўйчил ва таъсирчан бўлса, шеърдан оладиган таассурот ҳам шунча кучли бўлади ва аксинча... Шу боис шеърхон ўқувчигина эмас, яратувчи ҳам.

Истиқлол шеърияти билан ошно тутиниш ўқувчи учун кўнгилочар машғулот бўлмай қолди. Чунки шеър нозиклашди, ифода ингичкалашди. Шеърий асар ўқувчи учун эмас, кўпроқ ижодкорнинг ўзи учун яратила бошлагани ўқирманларни ҳушёр торттирди. Хаёлини йиғиб, диққатини тўплаб шеър ўқишга мажбур қилди. Шеър билан тиллашадиган ўқувчининг тафаккури ҳам, қулоғи ҳам, кўзи ҳам, туйғулари ҳам бир қадар зўриқиши лозим бўлиб қолди. "**Шафтолиранг олам найза учинда, Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан**" (Р. Парфи) ёки "**Кўриб турганим бу – илон қўрқаман, Кўриб турибман-ку омон қўрқаман, Ёмон билганимда қўрқмас эдим ҳеч, Яхши билганимдан ёмон қўрқаман**" (А. Суюн) сингари бадиий қаноатларни илғаб олиш ва туйиш учун шеърхон руҳий-интеллектуал жиҳатдан муайян даражада зўриқиши зарур бўлади. Фарида Афрўз "тасбиҳ"ларидан бирида "**Мен чивинга ҳеч ким эмасман, Қоним ичди ўзи, не илож? Қондошингни ўлдириб бўлмас**",- деб ёзади. Сиртдан беозоргина кўринган бу

сатрлар замиридаги дардчил киноями, қонингни ичган золимга қаршилик қилиш мумкин эмаслигининг ғоят ўзига хос ифодасини пайқамоқлик учун ҳам шеърхоннинг тафаккур даражаси муайян юксакликка кўтарилган бўлиши лозим. Аммо шоира ҳам ички армонларини, дардларини ҳаммага дастурхон қилмоқчи эмас. У хосларни назарда тутиб, ўзи учун шеър битган. Ёш шоира Беназирнинг дунёни кўриш ва изоҳлаш йўсини мавжуд қолипларни буткул инкор қилади дейиш мумкин. "**Дунё – оёғимга сиғмаган ковуш, Муҳаббат – эгнимга тор келган нимча**",- дейди у. Шоиранинг туйғуларига кўчмоқ, у ҳис этган сезимларни туймоқ учун ўқирман бир қадар меҳнат қилиши зарур бўлади. Шоир Иқбол Мирзо эса биз кўниккан қаноатларга тамомила терс хулосага келади: "**Зулмнинг лаззатини фақат мазлум билади, Бахтиёр чеҳраларни кўрсам раҳмим келади**". Санобар Меҳмон деган шоира туйғуларини: "**Севмасимдан олдин МАЖНУН эдим ман, Севганимдан кейин бўлдим САНОБАР**",- дея урғу билан ифодалайдики, буни англамоққа уринишнинг ўзиёқ кишининг ақлини ҳам, ҳиссиётини ҳам ўстиради деб бемалол айтиш мумкин.

Поэзиянинг асл манбасига қайтганлиги, кўнгилнинг мубҳам розлари, тушуниксиз руҳнинг товланишлари, инжиқ кайфият манзаралари тасвирда нозик ишоралар, назокатли, образли ифодалар орқали имо билан берила бошлаганлиги ўзбек истиқлол шеъриятига хос асосий хусусиятлардан дейиш мумкин. Бу шеърият оммавийликка, ҳаммабопликка интилмаслиги билан ажралиб туради. Бу шеърият вакиллари учун руҳий ҳолат, табиат кўриниши тасвири, кўпинча, восита эмас, балки мақсаддир. Ўзликни намоён этиш йўли, шеърий тасвирнинг манбаидир. Бу ҳол қуйидаги мисраларда ёрқин акс этган:

Мусофирлик кўчасида
менинг ҳам бағрим
анорзор каби
гуллади қип-қизил

(Турсун Али)

Бу хил шеърларда табиат ва воқеалар манзараси қалб, туйғу ҳамда руҳият чизгиларига дўнганини кўриш мумкин. Истиқлол шеъриятида гўзалликни излашгагина эмас, изланишлар

гўзаллиги ва гўзал изланишларга ҳам эътибор қаратила борди. Шу ўринда жаҳон авангард шеъриятининг асосчиларидан бири чилилик шоир Висенте Уидобронинг: "Поэзия дунёнинг акси ҳам, уни ўрганиш йўли ҳам эмас, балки дунёни яратишдир",- деган гапи ғоят тўғри эканлиги маълум бўлади.

Бугунги ўзбек шеърияти қатъий шаклий қолипларни қулоққа мослашиш талаби натижаси ҳисоблаб, чин кўнгил ифодасига айланишга астойдил уринмоқда. Дарахт ўз япроқларини янгилаб турмаса, ўсмагани каби шеърият ҳам тинимсиз изланишлар ичра бўлмаса, ички тараққиёт тўхтаб қолиши мумкинлиги англаб етилди.

Қанчалик юксак бадиият самараси бўлмасин, кечаги кун шеърияти бугуннинг одамини тўла қониқтиролмайди. Бугунги одам бугунги адабиётга муҳтождир. Бугунги кўнгил бугуннинг туйғуларини кечирмоқ истайди. Эҳтимол, бугунги ақлга озиқ бўладиган доно фикрлар аллақачонлар айтиб қўйилган ва бугун уни янгилаш шарт эмасдир, лекин бугуннинг руҳини безовта қиладиган гаплар фақат бугунгина айтилиши мумкин. Бугунги шеърият – бугунги одамнинг кўнгил мавжлари. Бу ҳақиқатларни шеър аҳли ҳам, ўқирманлар ҳам, адабиётшунавчилар ҳам англаб етганлиги ўзбек **истиқлол шеърияти** бағрида **шеърий истиқлол** вужудга келишига умид туғдиради. Яъни эртанги ўзбек шеърияти ўзини ва оламни чуқур ўрганиш йўлига тушган ўзбек кишисининг кўнгил манзараларини ёрқин ҳамда таъсирли акс эттиришнинг самарали ва ўзига хос йўлларини кашф этишига ишонамиз.

"Гулистон" журнали
2002 йил 5-6-сон

ЯНГИЛАНИШЛАР МУНТАЗАМЛИГИ

Йигирма биринчи асрнинг биринчи йилида каттагина насрий хирмон кўтарилди. Шу хирмонга уюлган бадиий маҳсулотларга хос баъзи хусусиятлар ҳақида тўхталиш лозим. Аммо 2001 йил насри тараққиётидаги асосий тамойиллар ҳақида йиғма фикр айтиш ғоят мушкул. Негаки, ҳар бир ижодкор бошқасига ўхшамаслиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ижод маҳсули ҳам бетакрорлиги, ўхшашсизлиги билан қимматлидир. Ҳатто энг даҳо санъаткорнинг энг доҳиёна асари такрорланганда ҳам, у бор-йўғи нусха бўлади, оригинал ижод эмас. Шу боис ҳатто энг ночор битикчи ҳам, аслида ҳеч кимнинг, ҳатто Навоий ҳазратларининг-да нусхакаши бўлишни истамайди. 2001 йилда ижодкорларимизнинг ўзига хос ва бетакрор бўлишга интилишлари янада кучайганлигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам дунёга келган кўплаб насрий асарларнинг умумий жиҳатларини топиб, улардан бир қонуният кашф этиш ниҳоятда оғир кечади. Лекин ҳамонки бадиий насрда умумий ва фарқли жиҳатлар бор экан, ўшаларнинг сабаби, яъни ҳодиса замиридаги қонуният очилиши лозим.

Ўтган йили ўнта роман, саккиз қисса, йигирмага яқин ҳикоя чоп этилганлиги насримизнинг ҳажм жиҳатидан жиддий ўсганлигини кўрсатади. Айни ҳолат ўтган йили нашр қилинган насрий асарларнинг бадиий савияси ўсишининг ҳам белгисидир деб бўлмайди. Аммо ҳисобот даврининг миллий насримиз учун ўзига хос зарурий босқич, эстетик юксалиш палласига ўтиш йўлидаги муайян ҳозирлик бўлганини таъкидлаш лозим. Ўтган йилги ўзбек прозаси ривожининг етакчи хусусиятлари ҳақида гапириладиган бўлса, унинг ***биринчи*** белгиси насримиз мафкуравий буюртма бажариш босқичидан кўнгил изҳорини, замондош руҳий эҳтиёжини ифодалаш палласига тўлиқ ўтганлигидир. Ҳисобот йилидаги роман, қисса ва ҳикояларнинг асосий қисми муаллифларнинг ички эҳтиёжлари туфайли яратилган, адибларнинг руҳини безовта қилган, хаёлотига ором бермаган ҳолатлар ифодасига бағишлангандир. Миллий наср эстетик буюртма бажаришдан кўнгил ҳолатлари, руҳият манзараларини тасвирлашга ўтганлиги бадиий фокуснинг ўзгарганлигини, эстетик ёндашувнинг соғломлашганлигини кўрсатади.

Яқин ўтмишимиздан бир оз хабардор ҳар бир кишига яхши маълумки, бизда насрий асарлар асосан мавзуларига кўра таҳ-

лил этиларди. Асар мавзуси, қайсидир маънода, унинг бадиий даражасини ҳам кафолатлагандай бўларди. Бултур яратилган бирор асарни ҳам қаламга олинган мавзунинг долзарблигига қараб баҳолашнинг мумкин эмаслиги бултурги ўзбек насрига хос ***иккинчи*** хусусиятдир. Учинчи минг йилликнинг биринчи йилида чоп этилган насрий асарлар ичида бирорта ҳам юбилей асарнинг йўқлиги бадиий насримиздаги соғломлашиш жараёнидан далолатдир. Ўтган йили носирларнинг асосий қисми ўзларини тўлқинлантирган, хаёлотини безовта қилган инсоний тақдирлар ҳақида қалам суришган. Демак, оқибатни кўрсатишдан сабабни тасвирлашга ўтишган. Бу ҳолнинг бадиий ифода нормасига айланиб бораётганлиги қувонарлидир. Илгарилари носирлар учун инсон фаолиятининг оқибати бўлмиш тарихий ҳодисалар, катта-кичик ижтимоий воқеалар тасвири муҳим саналган бўлса, энди ёзувчиларимиз ана шу воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шахслар, бу ҳодисаларнинг ижрочилари, ҳаракатлантирувчи кучлари, улар туфайли жабр кўрган ёки фойда топган одамлар ҳақида қалам суриш заруррроқлигини англаб етдилар. Бултурги ўзбек насрида ***ҳодиса, яъни оқибат***ни кўрсатиш орқага чекиниб, ***сабаб, яъни одамнинг*** руҳияти тасвири биринчи планга чиқди.

Ўтган йилги насримиз тараққиётининг ***учинчи*** бир тамойили миллий адабиёт ривожига доир ҳолатлар фақат ўзимизгагина тегишли бўлиб қолмай, дунё адабий жараёнига хос эканлиги тан олинди. Ўзбек адабиёти камчилигу ютуқлари, кўрку нуқсонлари билан умумжаҳон эстетик жараёнининг бир қисми эканлиги англаб етилди. Ер шари кичрайган, ахборот оқимининг тезлиги нур шиддатига етиб қолган бир шароитда ўзгалардан ажралган алоҳида эстетик аура бўлиши мумкин эмаслигига, биқиниб олиш мумкин деб ўйланган бадиий қобиқлар ғоят юпқа ва шартли эканлигига имон келтирилди. Адиб "...қалбининг дунёни тинглаши" образли топилмадан, кундалик ҳолатга айланди. Айниқса, ўн биринчи сентябр сайёрадаги одамзотнинг бахту бахтсизлиги бир-бирига ўхшаш ва бир ютим нафасдай омонатлигини кўрсатди. Ҳолбуки, бундан ўн йилгина олдин ҳам Она сайёрамиз анча катта эди, ернинг нариги пучмоғида нима бўлаётгани ҳамиша билинавермасди, курранинг нарёғидаги одамларнинг туйғулари ўзгаларга бегонароқ туюларди. Бугун биз афғоннинг нафасини, америкаликнинг ҳиссиётини туйиб

турибмиз. Демак, энди ўзбекнинг адабиёти фақат ўзбекнинггина туйғуларини эмас, айни вақтда, жаҳондаги ўзга кишиларнинг сезимларини ҳам ифодалаши ва миллий адабиётимиз, табиий равишда, дунё адабиётига ҳам айланиши керак. Бу ҳол дунё адабиётидаги энг яхши жиҳатлар ўзбек адабиётида намоён бўлгани каби жаҳон эстетик тафаккури ривожига ўзбекча оқимлар ҳам кириб бориши зарурлигини тақозо этади.

2001 йилги насримизга хос ***тўртинчи*** тамойил ҳар бир асарнинг ўз қиёфаси, ўз йўсинига эга бўлиб бораётганлигидир. Бир замонлар ўзбек насрий асарлари ҳақида умумий планда гапираверии мумкин эди. Энди эса ҳар бир насрий асарни синчиклаб ўқимай туриб, у ҳақда фикр юритиш мумкин бўлмай қолди. Чунки илгари прозада мавзу муҳим эди, ҳозир тасвир ўзгачалиги устувор. Шу боис ўқилмаган асар ҳақида нафақат танқидий, балки мақтаб гапириш ҳам мумкин бўлмай қолди.

Романчиликдаги етакчи тамойиллар

Ўтган йили ўзбек адабиётининг оғиркавон жанри бўлмиш романчиликда катта тарихий ҳодиса рўй берди: биринчи ўзбек фантастик трилогияси дунёга келди. Ҳожиакбар Шайхов "Туташ оламлар", "Икки жаҳон ораси" асарларининг бевосита мантиқий давоми бўлган "Самовий муҳаббат" романини эълон қилиб, "***Туташ оламлар***" деб аталувчи биринчи ўзбек илмий-фантастик трилогиясини яратди. Бу ҳодиса миллий насримизда мавжуд бўлган бир кемтикликнинг фактик жиҳатдан бартараф этилишига олиб келди.

Бизнингча, ўтган йили яратилган кўпчилик романларга хос биринчи жиҳат – тарихни, тарихий шахсларни бугунги эстетик, фалсафий, ижтимоий ва сиёсий тафаккур асосида қайта идрок ва бадиий тадқиқ этиш зарурлигининг англанишидир. Ана шу зарурат натижаси ўлароқ ҳазрати таниқли ёзувчи Омон Мухторнинг Навоий ҳақида "Ишқ аҳли", машҳур адиб Пиримқул Қодировнинг темурийлар тўғрисида "***Она лочин видоси***" романлари юзага келди. Бадиий асар савиясини юксалтирадиган омил унинг ким ёки нимага бағишланганлиги эмас, балки қандай ёзилганлигидир. Тилга олинган романлар шу нуқтаи назардан баҳоланадиган бўлса, биринчи навбатда, уларда қадимги асл миллий қадриятлар, қачонлардир юз берган тарихий ҳодисалар

йигирма биринчи асрнинг соғломлашган тафаккури асосида қайтадан тарозига солиниб, бошқадан ўлчаб кўрилганлиги акс этганини айтиш жоиз. Тарих ва ундаги улкан ижтимоий эврилишлар одамлар томонидан амалга оширилиши, тарихий шахслар маънавий қиёфасининг тарихий ҳодисалар ижтимоий салмоғини тайин этиши ижодкорларимиз томонидан англаб етилмоқда.

Кейинги вақтларда соҳибқирон Амир Темур ҳақида қатор асарлар ёзилди. Бу асарларда жаҳонгир сиймоси мутлақо камчиликсиз, авлиёсифат бир одам тарзида тасвирланишига кўникилди. Тарихимиздаги даҳо шахснинг бадиий талқинида тадқиқ ўрнига маҳлиёлик кенг ёйилди. Шундай бир шароитда "Она лочин видоси" романи тарихий ҳодиса ва шахсларга янгича ёндашишга уриниш намунаси ўлароқ пайдо бўлгани кўнгилга хуш келади. Ёзувчи асарда кичкинагина бир чизги билан Амир Темурнинг ҳам адашиши, хато қилиши, нохолис кимсалар таъсирига тушиб қолиши мумкин бўлган оддий бир банда эканлигини чуқур оча билган. Чунончи, жаҳонгир умрининг сўнгги йилларида атрофини қуршаб олган Хўжа Аҳмад Тусий, Алавиддин Табризий, Масъуд Симноний каби шахслар таъсирига тушиб қолганлиги, уларнинг темурийлар салтанати қудратли, пойдор бўлишидан манфаатдор эмасликлари, соҳибқирон вафотидан сўнг Эронни ўзлари мустақил бошқариш иштиёқида эканликлари роман қаҳрамонлари тақдирига усталик билан сингдириб юборилган.

Бир вақтлар шахснинг тарихдаги ўрни, айниқса, ҳукмдорларнинг миллат тараққиётидаги мавқеига шўровий ёндашув Шоҳруҳ Мирзо сингари тақводор ҳукмдорларнинг шахсиятига нохолис муносабатни тақозо этганди. Ҳар қандай салтанат ичида таназзул ва чириш, антогонистик қарама-қаршилик борлигини исботлашни аъмолга айлантирган коммунистик мафкура Улуғбек Мирзонинг тарихдаги ижобий ўрнини кўрсатиш учун уни нафақат ўғли Абдуллатифга, балки онаси Гавҳаршодбегимга ҳам, отаси Шоҳруҳ Мирзога ҳам қарши қўярди. Тарихга шундай муносабат бадиий адабиётга ҳам ўтган, шу боис кўпчилик бадиий асарларда Улуғбекнинг отасини иродасиз тақводор, онасини эса ўғлининг маърифатчилик борасидаги ишларига қарши борувчи, набираси Абдуллатифни қутқуга солувчи мутаасиб кучларнинг жоҳил раҳнамоси сифатида тасвирлашга мойиллик бор эди.

П. Қодиров ҳам тарихий фактларни келтириш, ҳам инсоний

тақдирларни тадқиқ этиш орқали шу хил ёндашувнинг асоссиз ва ҳақиқатга зидлигини кўрсатган. Ўқувчи жиддий ва босиқ ифода оҳангига эга бу романдан каттагина маърифий баҳрамандлик туяди. Ёзувчи ғоят чигал замондаги саноқсиз тарихий ҳодисалар ўртасида мавжуд сабабий боғлиқликларни яхши ҳис қилади. Турли манбалардаги тарихий далилларнинг ўзаро алоқадорлик жиҳатларини сезгирлик билан кўра олади. Амир Темурнинг ёлғизгина тирик қолган ўғли жасур ва тажрибали Шоҳруҳни эмас узоқларда юрган набираси Пирмуҳаммадни валиаҳд қилганлиги сабабларини ҳаётий жиҳатдан ишонарли, бадиий жиҳатдан таъсирли йўсинда кўрсатади. Романда соҳибқироннинг Шоҳруҳ таъсири кучайиб кетишидан хавфсираб, уни тергаганлиги гўзал тасвирланган. Чунки ҳукмдорнинг бундай ҳадиги табиий ва шу аснода романда Темур ҳазратлари табиатининг бир одам сифатидаги нуқтаси нурлантириб юборилган. Шунингдек, соҳибқироннинг ўлимига сабаб бўлган ҳолат, яъни Амир Темурнинг шамоллаши Ўтрорда Бердибекнинг меҳмонхонасида чиққан кутилмаган ёнғин ва шу боис ҳукмдорнинг кўчага енгил кийимда чиқишга мажбур бўлганлиги эканлиги тасвири мантиқий асосли эканлиги билан асар жозибасини оширган.

"Она лочин видоси" романини ўқиш асносида китобхон Шоҳруҳнинг олдинлари тасвирланганидек, ландавур, иродасиз, тоат ибодату масжиддан бошқа нарсани билмайдиган, шаддод хотинининг измидан чиқолмайдиган бўшанг, қўғирчоқ тождор эмаслигини кўради. Ўқувчи Шоҳруҳ Мирзонинг ёвқур ва довюрак жангчи, моҳир саркарда, уста сиёсатчи, маърифатли арбоб каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган шахс, Темурдай одамга муносиб ўғил, Улуғбекдай фарзандни дунёга келтириб тарбиялашга қобил бўлган ота эканлигига ишонади. Темур томонидан Бинокент шаҳрига Шоҳруҳия номи берилганлигининг бежиз эмаслиги асарга киритилган бир қатор тарихий лавҳалар тасвири асносида бадиий ва мантиқий жиҳатдан асосланади. Мирзачўлни обод қилиш учун ўша вақтлардаёқ "Мирзаариқ" қаздириб, боғроғлар барпо этганлиги, Шоҳруҳнинг яратишга интиладиган шахслигини кўрсатувчи омил эканлиги ойдинлашади. Шоҳруҳ Мирзонинг салкам ярим аср мобайнида салтанат сурганлиги, соҳибқирон отасига тегишли жойларни деярли дахлсиз сақлаб қола билган ягона темурий эканлиги каби жиҳатлар ҳам асарда анчагина ишонарли акс эттирилган.

Афсуски, романда ахборот ниҳоятда кўпайиб кетганлиги унинг ўқишлилик даражасини сезиларли пасайтиради. Ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятини, сезимларини тасвирлашдан кўра тарихий манбаларга таяниб, "ана у ерда унақа воқеа рўй берди, мана бу ерда мана бундай ҳодиса содир бўлди" тарзида маълумотлар тизимини келтиришни афзал кўради. Ҳолбуки, бадиият учун тарихий воқеаларнинг ўзи эмас, балки воқеа иштирокчиларининг туйғулари, сезимлари, изтироблари, қувончлари, нафратлари тасвири муҳим. Чунки воқеалар, фактлар, ғоялар ўзгаради, аҳамиятини йўқотади, аммо туйғу – ҳамиша янги. Шоҳруҳни хурсанд қилган туйғу бугун бизни ҳам қувонтиради. Яна юз йиллардан кейин набираларимизни ҳам шодлантираверади.

Гавҳаршодбегим Ҳиротда, у дунёга келтирган шунча фарзанддан битта-ю битта тирик қолгани Улуғбек Амударёдан кечиб, Хуросонга ўтган. Лекин сиёсатнинг ўйинлари, тақдирнинг ҳукми шунақаки, ўғил Ҳиротга киролмайди. Она эса ёлғиз жигарбандини пойтахтга таклиф қилолмайди. Улуғбек анча қариган, Гавҳаршодбегимнинг-ку бу дунёлигидан у дунёлиги яқин. Хуллас, қўл етгудай жойда турган она-бола, ўз истакларига зид ўлароқ, бир-бирлари билан кўришолмайдилар ва сал кейин Улуғбек ўлдирилади. Мана шу тарихий вазият ичида улкан бадиий имкониятлар яширинган эди. Унда ҳукмдорнинг, инсоннинг, аёлнинг, онанинг фожиаси бутун кўлами билан кўрсатилиши мумкин эди. Асарда эса ёзувчи буни бир неча оғиз сўз билан ахборот тарзида айтиб кетаверган. Ҳолбуки, бу фожиани ичдан нурлантириш, уни бутун кўлами билан тақдирлар мисолида кўрсатиш мумкин эди. Ёки романда шунчаки ахборот тарзида айтиб кетилган: "**Кўп урушларга сабаб бўлган Алауддавла инисидан мағлуб бўлиб қўлга тушганда, Абулқосим Бобур унинг кўзини кўр қилишни буюрган эди. Лекин Алауддавла жаллодларга пора бериб, жазони енгиллатишга муваффақ бўлган, унинг бир кўзи соғ қолган, шу бир кўз билан ҳали Дашти Қипчоққа қочиб борар, ҳали Бадахшон ва Ҳисорда пайдо бўлар, лекин Ҳиротга қайтишга журъат этолмай тентираб юрарди**" тарзидаги ифодада тахт талашган оға-ини ўртасидаги ҳадсиз руҳий зиддиятларни кўрсатиш имкониятидан фойдаланилмаган. Кўзга мил тортиш, аканинг укани бундай жазолаши шунчаки жўн нарса эмас-ку! Бу ерда улкан фожиа, шуҳрат, манфаат, ҳукмронлик сингари инти-

лишлар йўлида қондошликдай муқаддас туйғунинг топталиши ётибди. Бу – ҳеч кимда ҳам руҳий тўлғоқларсиз кечмаган. Закот бериш тўғрисидаги биргина оғиз сўз Бойсари билан Бойбўри муносабатларининг бузилишига олиб келган, у туфайли қанча фожиа содир бўлган, қандай қиёмат қўпган эди. Халқнинг бадиий даҳоси ундан моҳирона фойдалана билди. П. Қодиров бутун бир олимлар гуруҳи ҳам тўплаши қийин бўлган тарихий материаллар йиққани ҳолда улардан улкан бадиий маъно чиқариш имкониятидан етарли фойдаланмаган.

Омон Мухторнинг "***Ишқ аҳли***" романи ўтган йили яратилган асарлар орасида эътибор лойиқ эканлигини таъкидлаш зарур. Уйғун, Иззат Султон ҳамда Ойбеклардан сўнг Алишер Навоий тимсолини яратишга уринишнинг ўзи жасорат. Омон Мухтор ҳазрати Навоийни ўзгача кўз билан кўради ва тасвирлайди. Агар академик Иззат Султон бир вақтлар Навоийнинг ўзи ва унинг замондошлари битган асарларга таяниб, буюк адибнинг илмий қиёфасини яратишга эришган бўлса, О. Мухтор Алишер Навоийнинг ўз асарларига таяниб, улардан келиб чиқиб, шоир руҳиятини илғамоқчи, унинг инсоний қиёфасини чизмоқчи бўлади. Таъкидлаш керакки, адиб улуғ шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқотчиларга хос синчковлик ҳамда изчиллик билан ўрганган. Мутафаккир сиймосига доир жиҳатларни нозик илғаб, маҳорат билан акс эттирган. Ёзувчи ҳазрати Навоийнинг "**...бир Осмон, ...бир уммон**" эканлигини таъкидлайди. Шу вақтга қадар ёзилган битикларда у "**...тирик одамдан кўра девордаги суратга ўхшаш**"лигини, бу романда уни одам, шахс сифатида кўрсатмоқни истайди. Бунинг учун адиб гоҳ Навоийнинг асарлари орқали шахсиятига, гоҳ эса шахсияти воситасида унинг битганларига етиб боришга, нима қилиб бўлса-да, буюк шоир ва буюк шеъриятнинг моҳиятини очишга интилади. Бунинг учун адиб халқ орасида тарқалган турли афсонаю ривоятлардан ҳам ўрни билан фойдаланади.

Ёзувчи романда Навоий ва унинг атрофидагиларни ўзига хос рассом назари билан кузатади. Шунинг учун ҳам адабиётшунослар кўпда эътибор беравермайдиган жиҳатларни нозик илғаб улардан теран маънолар чиқаради. Адиб мутафаккир фаолияти қамровига асосланиб, унинг ҳар бир қадами ўлчовли, режали, ўйланган эканлигини акс эттиради. Чунки Алишер Навоийдек йирик шахс ўзига Яратган томонидан берилган бе-

қиёс даҳони шунчаки исроф қилиб юбориши мумкин эмасди. Унда ақлий имкониятга яраша улкан меҳнаткашлик, буюк интизом, адоқсиз фидойилик ҳам бўлиши керак эди. Романда шоирнинг бутун ҳаёти ўзини англашга, одамларни тушунишга, илоҳий ва қудратли бир Сўз топишга қаратилган жараён тарзида тасвирланади. Бундай тушуниш кишини улуғ шоир моҳиятини англашга яқинлаштиради.

Ҳазрати Навоий тимсолини бадиий тадқиқ этиш жараёнида О. Мухтор қилган энг катта кашфиёти, биринчидан, "**Унинг манглайига ДАҲО бўлиш учун аввалдан фожиа муҳри босилган**"ини топганида бўлди. Негаки, ҳамиша сафарбар ва кураш ҳолатида бўлиш учун кишига жуда улкан ҳамда доимий фожиа ҳамроҳлик қилиши жоиз. Доимий сафарбарликсиз эса даҳолик бўлиши мумкин эмас. Ёзувчининг иккинчи кашфиёти – "Алишер ҳеч қачон Алоҳида Бир Кишига ўзини бағишламаган! Бағишлаёлмаган"ини кўрсатганида. Даҳо, ҳатто ўзи истаган тақдирда ҳам, ҳеч қачон бир кишига, бу киши ким бўлишидан қатъи назар, тегишли бўлолмайди. У на онаси, на ёри, на фарзандлари ва на яқинларига мансуб эмас. Даҳонинг шахсий ҳаёти ҳеч қачон рисоладагидай бўлмайди. Даҳоликнинг биринчи шарти шахсий ҳаётдан воз кечишдан иборатдир. У нафақат бировга, балки ўзига ҳам тегишли эмаслиги билан ҳамиша фожиага гирифтордир. Шу фожиавийлиги билан даҳодир. Даҳолик шараф эмас, балки қисматдир. Ва бу қисмат уни жамоага, миллатга ёки унданда катта бир аурага тегишли қилиб қўяди.

"Ишқ аҳли" асарида Навоий ҳазратларининг дарвешликни истаган, унга интилган бўлсалар-да, асло дарвеш бўлолмаганлиги, сиёсий ҳаёт марказида туришга маҳкумлиги ишонарли тасвирланган. Адиб Навоийни одам, эркак, фарзанд, оға, вазир, мутафаккир, шоир ва сўфий сифатида тадқиқ қилишга уринади. Бунинг учун у ноёб маълумотлардан фойдаланади. "Ишқ аҳли" романига тўпланган ва фойдаланилган материал кўлами жиҳатидан ва мутафаккир шахсияти қирраларини акс эттириш бўйича Иззат Султоннинг "Навоийнинг қалб дафтари" китоби даражасида, деб айтиш мумкин. Фойдаланилган илмий ва бадиий манбалар кўрсатилса, роман гўзал бир илмий тадқиқот тарзида ҳам қабул этилиши мумкин.

Романнинг бадиий таъсир даражаси ҳақида гапириладиган бўлса, Омон Мухтор насрининг сўзлари синдирилган проза эка-

нини таъкидлаш лозим. Асарда баъзан бир сўз бир нечта бўғинларга ажратиб, алоҳида йўлда кўрсатилади. Ҳатто ҳазрати Навоийнинг ғазаллари ҳам синдириб-синдириб берилади. Бунинг сабаби асарнинг шоир ёзган роман эканидир. Шоир романга ритм беради, унинг оҳанг билан ўқилишини истайди. "Ишқ аҳли"ни ўқиш учун руҳий мувозанатдан чиқиш, бефарқ кузатувчиликдан асар қаҳрамонлари ҳиссиёти оламига кўчиш лозим бўлади. Ёзувчи танлаган ўзгача зарб асарга ўзига хос руҳ бахш этиб, ўқувчига муаллиф туйдирмоқчи бўлган туйғуларни тезроқ ва тўлароқ илғаб олиш имконини беради. Агар романдаги ўзига хос оҳанг Навоий шахсияти, унинг тирик одам сифатидаги қирралари тасвири билан уйғунлашиб кетганда катта бадиий ютуқ қўлга киритилган бўларди. Афсуски, муаллиф шунга эришолмаган.

Омон Мухторнинг деярли барча романлари шу усулдан фойдаланиб яратилгани, катта ёзувчи учун бу якранглик фазилат бўлолмаслигини ҳам таъкидлаш лозим. Агар романда Алишер Навоий шахсияти рассом Абулхайр ўрганаётган объект эмас, балки ўз ҳаёти, ички дунёси, ўйлари, туйғулари, ташвишларига эга жонли бир одам сифатида кўрсатилса эди, асар ҳозиргидан анча катта эстетик кўлам касб этган ва ёзувчи бадиий миссияси тўла бажарилган бўларди.

Ўтган йилги романчилик ривожидаги тамойиллардан бири катта наср учун одамнинг амаллари, ишларигина эмас, балки эътиқоди, виждони, туйғулари тасвири ҳам мавзуга айлана бошлаганидир. 2001 йилда қарашлар, эътиқодлар, туйғулар ва уларнинг дахлсизлиги учун кураш жараёнининг романик тасвири берилган тузуккина асарлар дунёга келди. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" (Тоғай Мурод) ва "Самовий муҳаббат" (Ҳожиакбар Шайхов) романларида шу тамойиллар намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

"***Бу дунёда ўлиб бўлмайди***" романида замон эврилишлари туфайли эътиқодидан айрилган шахс туйғулари, ўйлари, кечинмаларини кўрсатилган. Асарда Ботир фирқанинг бир қадар кулгили, довдир, бир қадар пишиқ, уқувли шахс эканлиги жуда таъсирли ва самимий тасвирланган. Эътиқод билан инсон маънавияти муносабати кўпчилик хаёл қилганидай жўн ва бир хил эмаслиги Ботир фирқанинг очдан ўлаётган ночор кишиларга ёрдам бергани, бузиб ташланган тарихий обидаларнинг зарур

жойларини сақлаб қолишга уринган, юртини обод қилишга тиришган, ўзини аямай ишлаган, ҳар қандай лавозимда ҳам адолатга амал қилишга уринган, айни вақтда, юқорининг ҳар бир топшириғини бекаму кўст бажаришга интилган ҳолатлари тасвирида жонли, ўйчил одам сиймоси намоён бўлади. Аммо асарда шу руҳ охиригача ушлаб турилмайди.

Етмиш уч бобдан иборат романнинг ўттиз тўрттасида қаҳрамон ҳаракатда, изтироблар ичида, туйғулар оғушида кўрсатилади. Образ динамикаси сезилиб туради. Қолган ўттиз тўққиз бобда эса Ботир фирқа муаллиф истаган гапларни гапиради, у буюрган ишларни қилади. Гоҳ митингга бориб, қатнашчилардан норози бўлади, гоҳ амалдорлардан ёзғиради, гоҳ ёшларнинг бузилганлиги, гоҳ ёзувчиларнинг ярамаслиги, порахўрларнинг инсофсизлиги ҳақида гапиради. Бирор жойда мунтазам билим олмаган ва асарнинг бирор ўрнида интеллектуал етуклиги акс эттирилмаган Ботир фирқа рус тарихи билан шуғулланган мутахассислар ҳам билавермайдиган Филофей, Маномах, Грознийлар ҳақида халқнинг бугунги тарихи ва тақдирига боғлаб фикр юритади. Хуллас, романчи бугун ўқувчига ниманики билдиришни истаса, ўша фикрларни қаҳрамон оғзидан айттираверади. Қаҳрамон шунчалик интеллектуаллашиб кетадики, ҳатто ҳамма медиклар ҳам англайвермайдиган суицид ҳодисаси ҳақида ўқувчиларга тушунча беради. Бу хил доноликлар асар ёки қаҳрамон тасвирига бирор нарса қўшса ҳам майли эди. Ҳар бир қаҳрамоннинг ҳам ўзи кўтариши мумкин бўлган юк бор, ўшандан ортиғи уни майиб қилади. Нимагадир тажрибали ёзувчи асар қаҳрамони елкасига у кўтаролмайдиган юкларни ортаверадики, бу ҳол қаҳрамоннинг белини майиштирганидан ташқари, роман бадиий савиясининг пасайишига ҳам сабаб бўлади.

Маълумки, бадиий ижод учун ҳар қандай такрор ҳалокатдир. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романини ўқигач, кишида Тоғай Мурод айрим ўринларда ўз-ўзини такрорлай бошлабди, деган фикр туғилади. Ботир фирқанинг гапириш тарзи "Момо ер"даги қаҳрамонларнинг ёки Деҳқонқулнинг гапиришига, Дилянинг сўзлашув йўсини "Отамдан қолган далалар"даги Кларанинг нутқига жуда ўхшаш. Муаллифнинг тилидан берилган "оғзини ушлаб кулди", "оёқ илди" каби ифодалар ҳам китобдан-китобга ўтгандай...

“Самовий муҳаббат” романи билан таниқли адиб Ҳожиакбар Шайхов биринчи ўзбек фантастик трилогиясини яратди. Шуниси диққатга моликки, бу роман ҳам бутун трилогия сингари шиддатли хаёлий воқеаларни қизиқарли тасвирлашга эмас, балки, асосан, эътиқод, виждон, имон туйғуларини, эзгулик ва ёвузлик йўлидаги ҳаракатлар ҳамда уларнинг оқибатлари муайян инсонлар тақдирида қандай из қолдирганлигини акс эттиришга бағишланган. Асарда фантастик ҳодисалар, мистик воқеаларни кўрсатишдан кўра, кўпроқ инсон эътиқоди, имонли ва имонсиз одамлар маънавий қиёфасини очишга эътибор қилинган. Асардаги Раҳматилла, Назира, маъданшунос домла, Гулшанбону образлари жуда яхши ишланган. Лекин ёзувчи нафақат мазкур роман, балки трилогиянинг барча асарлари тилининг бир хиллигига эътибор қаратиши лозим. Қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, муаллиф тилини дифференциялаш кўнгилдагидек бўлмаган. Шунинг учун ҳам ёши бир жойга бориб қолган тақводор Баҳром Шайх ота, унинг файласуф ўғли Асад, саводсиз Гулшанбону ва муаллиф нутқи ўзаро деярли фарқ қилмайди. Ҳолбуки, одам бир-биридан қош-кўзидан ҳам кўра, сўзлашига қараб фарқ қилади. Сўзлаш тарзида инсоннинг бутун ички дунёси, қалби, ўйлари, кўнгли намоён бўлади. Ёзувчи қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштиришга эришса, илк миллий фантастик трилогиянинг бадиий умри узоқ бўлади.

Ўтган йили чоп этилган романлар орасидан Абдурашид Нурмуроднинг “Қон ҳиди” асарини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш жоиз. Роман афғон уруши ҳақида. Шу вақтга қадар ўзбек баталист ёзувчилари учун уруш мавзуси жангдаги қаҳрамонликларни тасвирлаш имконияти эди. Уруш акс эттирилган асарларда кўпроқ қайсидир тепаликни олиш учун кимларнингдир қурбон бўлиши, кимнингдир кўксини ўққа тутиши, кимнингдир қўрқмаслиги-ю, кимнингдир қўрқоқлиги кўрсатиларди. Бундай асарларда қиличлар жаранги, ўқлар овози, пулемётлар сайраши, бомбалар портлаши, найзалар санчилиши тасвирланарди-ю, урушнинг, уруш одамининг ички қиёфаси етарли кўрсатилмасди. Афғон урушига бағишланган янги романда уруш улкан фожиа эканлиги, урушда ғолиб бўлмаслиги, энг ёмони, жангчи учун уруш ҳеч қачон тугамаслиги ниҳоятда таъсирли ва гўзал тасвирланган.

Уруш воқеалари, уруш одамлари ҳақида ҳар даврда ўзига хос ёзилади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тўғрисида

афғон урушига борганлар ҳақидагидай ёзилмаган. Чунки жаҳон уруши қатнашчилари урушни бу қадар улкан фожиа сифатида англамаганлар. Ва бу – табиий. Фожиани англаш учун одамнинг дунёқараши ва руҳонияти фожиа кўлами даражасида бўлиши керак. Ватан уруши қатнашчилари кўпроқ интизомли ижрочилар эди. Бу ҳолат уларнинг ўйлари, ҳиссиётларида ҳам акс этарди.

Бугунги одам – мураккаб. Унинг ҳаёти оталариникига қараганда "қиммат"роқ. Шу боис бугунги уруш одами – ўйчил. Шунинг учун ҳам тушуниксиз ва қонли жараённинг мураккаб қатнашчилари ҳақида жўн ёзиб бўлмайди. Бугун урушнинг ҳар бир қатнашчиси бетакрор олам экани, ўзигагина дахлдор дарди, бахту бахтсизлиги борлиги, ҳар қандай буюк ва муқаддас ғоя ҳам уни азоблар, изтироблар, руҳий талвасаларга солишга ҳақли эмаслиги акс эттирила бошланди. Аслида ҳам одам дунё ичра дунёдир ва уни кимларгадир хуш келувчи, кимларнидир юксалтирувчи ғояларнинг ижрочисига айлантириш жиноятдан бошқа нарса эмасдир.

Ўзбек адабиёти қилган ишини тафтиш этадиган қаҳрамонларни тасвирлашдан, ўз руҳиятини текширадиган персонажларни тасвирлашга ўтганлиги улкан ютуқдир. Уруш одамининг ўй-армонлари, афсус-надоматлари, муқаррар издан чиққан турмуш тарзи туфайли пайдо бўладиган изтироб тасвири Абдурашид Нурмуроднинг "***Қон ҳиди***" романида пафос даражасига кўтарилган. Биз ҳамиша инсонни ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида кўриб келганмиз. Бу романда эса инсон ҳам ирсий, ҳам биологик, ҳам мистик ҳодиса тарзида жуда ишонарли тасвирланган.

"Қон ҳиди" романида турли муносабатлар билан афғон уруши қатнашчиларига бир йўла учта: "***ташландиқ одамлар***", "***бегона авлод***" ва "***тақдир маҳбуслари***" сингари умумлашма номлар қўйилиб, тасвир асносида улар жуда ишонарли асосланган. Албатта, бу романнинг ҳам камчиликлари йўқ эмас. Муаллиф нутқи ифодаси хусусида жиддий ўйлаб кўриши мақсадга мувофиқ бўларди. Миллий романчилигимизда мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлган бу асар тўғрисида алоҳида ва атрофлича тадқиқот олиб бориш лозим эканлиги учун ҳам айтилганлар билан у ҳақдаги фикрни якунлаш мумкин.

Бултур "Ёшлик" журналида Баҳодир Худойбергановнинг "***Асранган олтин***" деган романи босилди. Ғалатироқ номланган

асарнинг нима мақсадда ёзилгани ва журнал уни қандай ниятда чоп қилгани тушунарли эмас. Чунки ғоят ибтидоий, бадиий тасвирнинг энг оддий қоидаларига ҳам риоя этилмаган бўш асарнинг эълон қилинишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Романда тасвир йўқ, воқеалар баёни бор, холос.

Ўтган йили чиққан бадиий ночор романларнинг яна бири Адҳам Даминнинг "***Ҳаёт ва ўлим***" деб жуда жиддий номланган асаридир. Романнинг ҳар-ҳар жойида собиқ шўролар тузуми адолатсиз эди, коммунистлар мунофиқ одамлар бўлишган тарзидаги айбловлар борлиги демаса, асарда яхлит бадиий концепция йўқ. Унда қандайдир одамлар тасвирланган, лекин тасвир муайян бадиий мақсадга йўналтирилмаган. Романда ҳеч бир жиҳати билан эътиборга лойиқ бўлмаган одамларнинг ҳаёти манзаралари акслантирилган. Тўғри, алоҳида эътиборга сазовор бўлмаган оддий кишилар ҳақида ҳам ёзиш мумкин. Бундай асарлар дунё адабиётида кўплаб топилади ҳам. Аммо санъат асаридан эътиборга лойиқ бўлмаган одамлар ва оддий ҳаётнинг эътиборга лойиқ жиҳатларини таъсирли йўсинда тасвирлаш талаб этилади. Албатта, ёзувчига ёзишни таъқиқлаб ҳам, қандай ёзишни ўргатиб ҳам бўлмайди. Лекин бир ўқувчи сифатида унга: "Асарингиз яхши чиқмабди",- дейишга ҳақлимиз.

Илгарилари бадиий асарлар сотилишига эмас, балки жамиятнинг илғор қисмида қолдирган таъсирига кўра баҳоланарди. 2001 йилда чиққан романлар орасида "Дайди қизнинг дафтари" ва "Дайди қизнинг дафтари-2" трилогиясининг пайдо бўлиши бозорбоп адабиёт тушунчасини муқимлаштирди. Айтиш керакки, қисқа вақтда уч китобдан иборат роман ёшлар орасида машҳур бўлиб кетди. Уни ўқимаган йигит-қизни топиш мушкул. Лекин яхшиямки, оммавийлик адабиёт учун ягона ўлчов эмас. Асарлар кўпчилик томонидан ўқилиши мумкин, лекин ўқиганни ўйга толдириш ҳар бир битикка ҳам насиб этавермайди. Маълумки, бадиий асар битта ва бетакрор бўлади. Ниманингки "2-"ёки "3-"си пайдо бўлса, демак, унинг санъатга алоқадорлиги шубҳали. Ҳатто шолча, этик ёки кўза сингари жуда оддий нарсалар ҳам биргина нусхада ва бетакрор тайёрланса, санъатга айланиши мумкин бўлганидек, оммавий равишда "ишлаб чиқарила" бошлаган "роман"лар ҳам бадиий адабиёт доирасидан чиқиб кетади.

"Дайди қизнинг дафтари" қизиқарли сюжетга эга, тили равон ва енгил ўқилади. Саргузашт асарларга хос қалтис лавҳалар

тасвири ҳам беҳисоб. Лекин уларда китобхонни ўйлантирадиган, қийнайдиган, изтиробга соладиган инсоний тақдир тасвири ва асар зиммасига қўйилган бадиий юк йўқ. Романларни маза қилиб ўқиш мумкин, лекин ўқувчини характерлар руҳияти, туйғулари тасвири комига тортмайди, китобхон шиддатли воқеалар, энтиктирадиган яланғоч саҳналарни ўқиб "дам олади", холос. Қаҳрамоннинг йўриғи аниқ белгилаб олинмагач, унга муқаддас китоблардан кўчирмалар киритилгани, ибратли ривоятлар келтирилгани, эзгу одамлар ҳақида хабарлар берилгани, муҳаббат деб аталмиш муқаддас туйғу ҳақида бот-бот гапирилгани билан битикнинг қиммати ошмайди. Аслида шу мавзуда, шу хил табиатдаги қаҳрамонлар тақдири мисолида ҳам яхшигина бадиий асар, эстетик юки залворли роман яратиш мумкиндир. Лекин бунинг учун, аввало, адибнинг ўзи қаҳрамонлар тақдири учун куйиб-ёниши, сўнг персонажларни жонлантира олиши керак. Афсуски, "Дайди қиз..."ларда бунга эришилган деб бўлмайди.

Қиссалар қиёфаси

2001 йилда турли нашрларда эълон қилинган қиссаларнинг кўпчилигига тимсолларнинг атай индивидуаллаштирилмаганлиги ва тилнинг аллегорик-киноявийлиги хосдир. Бу қиссалардаги умумий жиҳат уларнинг алоҳида инсон қиёфасини чизишдан кўра қиёфасиз ижтимоий қатлам, "мен"сиз одамларни тасвирлаш асносида оммавий қиёфасизликни кўрсатиш, маънавий таназзулнинг умуммиллий кўлам касб этаётганлигини акс эттиришда намоён бўлади.

Ўтган йилги қиссалар орасида Эркин Аъзамнинг "Шоирнинг тўйи" ҳамда "Чапаклар ва чалпаклар мамлакати" тарзида номланган икки қиссаси ажралиб туради. "***Шоирнинг тўйи***" қиссаси – қатағон қилинган буюк шоир ҳақида битилган асар. Аммо унда аниқ бир шоирнинг исми тилга олинмайди. Бир вақтлар қатағон қилинган, ўлимидан кейин тўйи ўтказилаётган ижодкор – Оташқалб шоир, унинг рақиби бўлган кимса — Оқсоқол шоир. Улар ёшликда талашишган соҳибжамол – Мовий кўз дилбар ёки Алвастихоним, Оқсоқол шоирнинг фатвоси билан юрадиган олим – Ажойиб домла. Ювиндихўрларнинг барчасига раҳнамо аёл – Мафкурахоним. Мафкурахонимнинг ўйнаши –

Тепакал ва яна Заҳматкаш, Маъшуқахоним, Фан арбоби, Жиянбека, Темирйўлчи, Ёш шоир, Мусофир.

Асарда бутун бошли бир миллат, унинг шунча зиёлилари орасидан ҳеч кимга от қўйилмаган. Чунки от "мен"ни, ўзликни талаб қилади. Шоир айтмоқчи: "ном номусга эгадир". Қиссанинг кўпчилик қаҳрамонларида эса айнан номусдан нишона йўқ. Шахслик йўқолган, одам қулга, халқ оломонга дўнган жойда от эмас, сифат муҳим бўлиб қолади. Шахслигидан айрилган от – одам ўз ҳосиласи – сифатга айланади. Қиссани ўқиш жараёнида китобхонда қиёфасидан ажралган, отини йўқотган, бирбирининг юзига қараб ёлғон гапирадиган, талантли фарзандларини қобилиятсизларга қурбон қилиб, уларга бўйсунадиган оммадан ёзғириш ҳисси пайдо бўлади.

"Шоирнинг тўйи" қиссасини инсоний нокомиллик, ғараз, ўткинчи манфаат учун тоза туйғулардан, покиза амаллардан воз кечган кишиларнинг ҳолати ҳақидаги ижтимоий-маънавий памфлет дейиш ҳам мумкин. Бу асар қаҳрамонлари ўз ҳаётлари билан яшамайдилар. Уларга эркин ҳаракат қилиш имкони берилмайди. Бу тимсоллар асосан ёзувчи нигоҳи орқали кўрсатилади. Шунинг учун ҳам бадиий ўзига хослик, характер тасвиридаги оригиналлик намоён бўлган ўринлар ҳақида гапириш мушкул. Лекин муаллиф бадиий нигоҳининг ўткирлиги, ҳазилдай туюлувчи киноясининг залвориёқ образлар моҳиятини кўрсатишга кифоя қилади. Қиссанинг маънавий памфлет эканлигига сабаб қандайдир муайян кимсаларни эмас, балки шароит тақозосига кўра турланадиган, оқни қора, қорани оқ дейишга мослашиб кетаверадиган омманинг қиёфасини акс эттирганидадир. Чунки кўпчилик мунофиқликни ахлоққа айлантирса, жаҳолати туфайли оқни қорадан ажрата олмаса ва бунга кўникса, маънавий фожиа юз беради.

Э. Аъзамнинг маҳорати шундаки, у ўқтин-ўқтин ташқаридан қараганда ҳаммаси ҳам қиёфасиз бўлган қаҳрамонларнинг ҳар бирига хос жиҳатларни ғоят усталик билан акс эттира олган. Мана шу жиҳат уларнинг қиёфасиз қиёфасини кўрсатишга хизмат қилган. Чунончи, Оқсоқол шоир қанчалар худбин, олчоқ бўлмасин қачондир иқтидорли бўлгани ва бир қадар йирик одам эканлиги сабаб ўз кўнглида ҳақиқатни тан олади. Унинг даврадоши бўлган Ажойиб домлада бундай туйғу мутлақо йўқ. У – фақат манфаатни, ҳар бир гапи, хатти-ҳаракатидан фойда

чиқаришнигина ўйлайдиган, хижолат бўлишдан маҳрум туйғусиз бир кимса. Оташқалб билан бирга ўқиганмиз деб даъво қилган, аслида, шоирнинг отини ҳам тузукроқ эслай олмайдиган Фан арбоби – турли баҳонада ўзини кўз-кўз қилиб, эътиборга тушиш илинжидаги фойдахўр шахс. Мафкурахоним ўзи мутасадди саналган соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш бобида мутлақо авом бўлсада, сиёсий манфаатни илғаш, ҳақ гапни айтадиганларнинг йўлини тўсиш борасида тенгсиз маҳоратга эга арбоб. Шоир Оташқалбга бир замонлар жазман бўлганлиги ҳақидаги хотираларини сўзлаб кун кўрадиган Маъшуқахоним ёки машҳур балетчи йигит Василевларнинг қўлига оғирлик қилиб қолгани учун театр эшигига дарбон бўлган собиқ балетчи аёл тимсоллари бир-биридан тамомила фарқ қилади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, бу тимсолларнинг умумий жиҳатларини тасвирлаш асносида улар орасидаги фарқли қирраларни кўрсата олган.

Қисса муаллифи персонажлар шахсиятини эмас, балки уларнинг яхши-ёмон амалларини тасвирлаш йўли билан уларнинг одам сифатидаги қиёфаларини намоён эта олган. Шуниси диққатга сазоворки, адибнинг қалами мунофиқ ва иккиюзламачи қаҳрамонларни тасвирлашда қанчалик шафқатсиз бўлса, ўзи бағоят суйган қаҳрамонларни, жумладан, Оташқалб шоир ва Ёш шоир тимсолларини чизишда ҳам шунчалик раҳмсиздир. У Оташқалбнинг такаббурлик даражасига етган мағрурлиги, инжиқ ва ўзбилармонлигини тасвирлашда қаҳрамонини аямайди.

Фожиа билан кулги омухта бўлиб кетган бу асарнинг ўқишлилигини, юқумлилигини таъминлаган асосий омил ровийнинг тилидир. Эркин Аъзам ўзбек тилининг товланиш имкониятларини ғоят пухта билади. Уни инсон табиатининг энг яширин, ичкин жиҳатларини ҳам оча биладиган тарзда ишлата олади. Адиб тасвиридан кулги томиб туради, аммо унинг кулгисида хушнудлик йўқ. Қиссадаги кулгидан кўзда ёш пайдо бўлади, юрак ўртанади, руҳ безовталанади. Эҳтимол, чин бадиий асарнинг вазифаси шудир. Қисса сўнгидаги тасвир ўқувчини сергаклантиради: "**Шоир ҳозир уйқуда, маст уйқуда. Бугун ҳар қанча ҳузурланиб ухласа арзийди – унга ҳалол. Лекин у ҳали ҳеч гапдан хабарсиз. Эртадан бошлаб у на радиода, на телевизорда чиқа олади. Яқинда нашр этилиши лозим бўлган китоби босмахонада "сочиб" юборилишидан у ҳали бехабар. Индин уни бошлиғи чақириб, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб беришни сўрай-**

ди. "Нега?" "Юқоридан шундай буйруқ бўлди". "Кимдан?" "Юқоридан!"

Шоир уйқуда, маст уйқуда. У ҳозир бошида сочларини меҳр билан силаб ўтирган суюкли хотини бир куни келиб уни ташлаб кетишини ҳам билмайди.

Билганида нима? Шуларни билганидан, шуларга тайёр эканидан бу қисматни танламаганмиди! Шоирнинг ҳаёти шу, вассалом".

Эркин Аъзамнинг "***Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати***" қиссаси кечаги кунимизни, ўшандаги сезимларимизни тафтиш қилишга қаратилганлиги жиҳатидан эътиборга лойиқдир. Одамзот ҳамма нарсага кўникади. Ҳатто тинимсиз рўй бериб турган ўзгаришу янгиланишларга ҳам одатланади. Ўзини худди бир умр шу ўзгаришлар ичида яшагандек, бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдек тута бошлайди. Асарда Буриё номли афсонавий мамлакатнинг афсонавий бўлмаган ҳаёти журналист Бахтиёр ва икки кишилик "делегация раҳбари" – Эркин образлари нигоҳи орқали акс эттирилган.

Қиссада Буриёнинг доҳийси Хон Ман Мен, унинг иниси ва ёрдамчиси Хон Мен Маннинг раҳбарлигида "нурафшон келажак" сари дадил бораётган тилсиз-забонсиз халқ, унинг маънавиятини парчалаш билан шуғулланаётган қудратли ёлғончилик машинаси – мафкуранинг югурдаклари тимсоллари ҳажвий йўсинда жуда эсда қоларли қилиб тасвирланган. Асардаги ҳажвий йўналиш қаҳрамонлар табиатидан эмас муаллифнинг муносабат тарзидан келиб чиқадики, бу ҳол тилимизнинг кулги имкониятларидан усталик билан фойдаланиш натижасидир.

Буриёнинг ҳаёт тарзи, амалдорларининг тутумлари биз кечагина яшаб ўтган социализмнинг ҳарбий интизомга бўйсундирилган кўриниши эканлиги асарда кулгили йўсинда тасвирланади. Асарнинг бир ўрнида совға-салом ҳақида: "**...пастдагиларга рухсат йўқ – пора ҳисобланади, юқоридагиларга эса бемалол – совға, дўстона совға!**"- деган тасвир бор. Бу бошимиздан кечирганимиз ажиб бир тузумнинг моҳиятини тўкис акс эттириши билан диққатни тортади. Қиссада коммунизмга бораётган Буриё аҳолисининг оила қуришдай интим масалани-да ҳукумат даражасида ҳал этишга мажбурлиги, ҳамманинг бир ёшда турмуш қуриб, бир хил кийим кийиб, бир хил гапириши, кишини қиёфасизликка, шахссизликка олиб борадиган турмуш тарзи тур-

ли ракурсларда таъсирли тасвирланган. Жумладан, мамлакат доҳийсининг: "**...деярли ҳар жумласи гулдурос қарсаклар билан олқишлаб турилган**" маърузасини тинглаши муносабати билан қаҳрамон ўз кечмишига ҳам баҳо беради: "**Зотан, бу хил намойишлар бизга бегона эмас – оммавий чапаквозлик муҳитида ўсиб-улғайганмиз. Кўзларимиз кўникиб, қулоқларимиз тоблана-тоблана чиниқиб кетган. ...Боқча ёшидан бошлаб чалганмиз чапакни. Гоҳо шундай берилиб кетардикки, мажлисмаросимдан кейин кафтларимиз бир неча кун ловиллаб юрарди. Буям бир меҳнатда. Оғир меҳнат! Айниқса, минбардан чиқаётган гаплар шунчаки ҳавога учаётганини, ҳеч қачон амалга ошмаслигини сезиб-билиб турсангиз! Айниқса, ...бу сўзлар ...эътиқодингизга зид бўлсаю ўзингизни самимий, садоқатли кўрсатиб, бор кучингиз билан кафтни кафтга урмоққа маҳкум этилсангиз!**"

Қиссадаги: "**...бутун мамлакат шу бандaнинг хизматида, бир кўнгил майлининг ижроси билан машғул**" тарзидаги тасвирда маҳкумлар ва ҳоким муносабати жуда таъсирли ифодасини топган. Шахсга сиғинишнинг ҳамиша ақл бовар қилмайдиган ёлғонларга томон яқинлашуви асарда доҳийнинг беш яшарлигидаёқ коммунизм ғояларини рўёбга чиқариш ҳақида режа тузгани борасида лаганбардорлар тўқиган чўпчакка ишонган халқ нодонлиги шафқатсиз акс эттирилган. Асарда миқёссиз ёлғон ва алдовга қарши турадиган биргина куч – қисса қаҳрамонининг аёвсиз ҳажвий назари. У бўриёликларни мазах қилмайди, улардан ўзини устун қўймайди. Қисса қаҳрамони киноя қилади, кулдиради, кулади. Лекин кулгисида қувонч эмас, йиғи бор.

Қиссада товариш Як, Майда Хон, Хон Ман Мен, Хон Мен Ман, Николай Фёдорович, Бахтиёр, "Саида" сингари образлар акс эттирилган бўлса-да, уларнинг бирортаси индивидуал қиёфага эга эмас. Чунки муаллифнинг мақсади ёлғон эътиқодлар асосида яшаётган мустабид мамлакат аҳлида ўзлик маҳв этилиб, одамлар қиёфасизланишини кўрсатиш эди. Бу мақсадга қолипдан чиққандай бир-бирига ўхшаш қаҳрамонларни тасвирлаш орқали эришилган. Шунинг учун асарда эсда қоладиган, ўз юзига, ўз табиатига эга бўлган одам йўқ. Лекин қайд этиш керакки, бадиий асарни асар қиладиган, назарга туширадиган нарса, барибир, – инсон шахси. Инсон ўзига хос қилиб

тасвирланмаган асарлар қанчалик маҳорат билан яратилган бўлмасин, баланд эстетик қийматга эга бўлиши маҳол.

Ўтган йили ўқувчилар қўлига етиб борган қиссалар орасида Д. Саидованинг "***Кунларнинг бирида***" тўплами диққатни тортади. Китобга кирган қиссалар анъанавий йўсинда битилган. Лекин уларда ўзбек адибасининг мулойим, меҳрибон, кечиргувчи табиати сезилиб туради. Тўпламга кирган қиссаларда Д. Саидова умуман одамни, хусусан, аёлни ичдан чуқур билишини намоён этган. Ёзувчи аёл қалбини, унинг ҳамиша ҳам тилга чиқавермайдиган туйғуларини нозик ҳис этади. У тийнатидаги сирли, парвозли, оғриқли руҳий бекатларни адашмай тайин этади.

Ёзувчи услубида китобхон диққатини тортадиган ва кишини жалб этадиган ўзига хос бир жиҳат шундаки, Д. Саидова аёл персонажларни ошиқмай, ҳовлиқмай, қисти бастига олмай, хотиржам, вазминлик билан тасвир этади. Айни вақтда, адиба қаҳрамоннинг ўзи бўла билади, унинг руҳига кира олади. Зўриқмагани, персонажларни ҳам зўрлаб етовида судрашга уринмагани учун ҳам битганлари самимий ва юқумли. Муаллиф ўзини аямай тафтиш қилади, ўз шахсиятининг кучли ва ожиз жиҳатларини хатосиз билади ҳам маҳорат билан тасвирлайди. Д. Саидова аёл ҳаётининг адоқсиз мураккабликлари, туганмас ташвишларини китобхоннинг раҳмини келтириш, ҳамдард қилиш учун битмайди. У жонли, тирик одамни кучли ва ожиз қирралари билан кўрсатади. Шу йўсин яшашга маҳкум этилган аёлнинг шахсияти динамикасини кўрсатади.

Бу жиҳатдан "***Кунларнинг бирида***" қиссаси алоҳида ажралиб туради. Қисса қаҳрамони жуда кўп жиҳатлари билан барча ўзбек аёлларига ўхшаб кетади. Ўша романтика, ўша ишонч, ўша орзулар, ўша интилиш, ўша алданиш, ўша чарчоқ, ўша ҳафсаласизлик, ўша афсус... Лекин Дилбарнинг қиссасидаги бир жиҳат фақат ўзбекона – қисса қаҳрамони ўзинигина ўйлай олмайди, ўзи учунгина яшай олмайди. У ўзбек қизи сифатида онасини, оғаларини, ёқтирмаса-да эрини, болаларини ўйлаши, уларнинг юзини ерга қаратмаслик учун ўзидан, демак истакларидан кечиши лозим. Гарчи қисса "Кунларнинг бирида" деб аталса-да, аслида ўзбек аёлининг ҳамма куни, бутун умри шундай. У ҳар куни шунча азобларга дош бериб яшашнинг уддасидан чиқади. Шунинг учун ҳам ўқувчи асардаги ҳамма қатори оддий аёлни яқин кўриб қолади. Оиласидаги етишмовчиликлар,

ишхонасидаги кўнгилсизликлар, кўзга ташланмайдиган, айни вақтда, адоғи кўринмайдиган рўзғор ташвишлари туфайли асаби таранг, чарчоқ, толиққан аёлнинг ҳасратлари тасвирининг оғир юки китобхонни тоғдай босади. Бу юкнинг залвори уни бир қадар ўйлантиради, қийнайдики, улар кишини покланишга бошлайди.

"Кунларнинг бирида" қиссасидаги аёл образининг бутунлиги унинг табиийлигида. Айниқса, қўшни боладан калтак еб пешонаси ёрилган боласини кўрганда, она йўлбарсга, урғочи бўрига ўхшаб, боласини урган кичкина Исроилни эзғилаб ташлашга тайёрлиги тасвири жуда жонли чиққан. Эри билан нохуш суҳбат бўлишини сезган аёл ҳолати: "...кўнглим қандайдир нохушлик сезиб, бирдан қоп-қора тортиб кетди",- деб тасвирланади. Эрининг кўнгил қўйгани борлигини эшитган аёл ҳолати: "Кимдир қўққисдан юзим-кўзим аралаш тарсаки тортиб юборгандек бўлди. Йўқ, йўқ, тўғрироғи, ўзимни худди устимдан бир тоғора мағзава ағдаришгандек ҳис этдим. Елкаларим шалвираб, бирпасда чўкдим қолдим",- тарзида берилади. Асарда ҳар бир ҳужайрасигача ўзбек бўлган аёлнинг ҳимоясиз қалби теран тасвирланган.

Ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари, оғир синовлари олдида ёлғиз ва ҳимоясиз қолган, энг яқин деб билган кишисидан имдод у ёқда турсин, оддий бир англам кўрмаган аёлнинг кимдандир, нимадандир нажот излаши ҳам қиссада ғоят жозибали тасвирланган. Унинг онаси, опаси, синглиси, дугонаси Гулнора ва биринчи муҳаббати Собир билан қилган хаёлий суҳбатлари асарда жуда ички, жуда нозик кўрсатилган.

Йигирма биринчи аср одамлари ҳам ижтимоий постулатларгагина мувофиқ яшай олмайдилар. Улар кўнгил армонлари, руҳият муаммолари, адоқсиз шахсий ўйлари билан ижтимоий моҳият касб этадилар. Улар қимматли эканликлари сабабли мавжуд эмас, балки мавжуд эканликлари билан аҳамиятлидир. Қисса қаҳрамони: "...ҳеч кимнинг кўнглига қарши бормадим. Мен фақат ўзимни инкор этдим, ўзимнинг кўнглимни йўққа чиқардим",- дейди суйганидан воз кечиб, бегонага кўниккани ҳақида. Бу тасвир ўқувчига персонаж изтиробининг чуқурлигини, фожианинг улканлигини теран туйдиради. Қиссахон бир кишининг бахтсизлиги бутун оламнинг бахтсизлигидан кўра оғирроқ эканини англайди. XXI аср кишисига хос

жиҳат шундан иборатки, эндиликда шахснинг бахти умумнинг бахтидан кам кўрилмайди. Кўпнинг бахтини алоҳида шахснинг бахтсизлиги эвазига яратиш мумкин эмаслиги англаб етилди.

Д. Саидова қиссаларида қисматга кўникиш, тақдирга тан бериш кўп тилга олинади. Лекин адибанинг қаҳрамонлари тақдир синовлари олдида синиб, мажруҳ бўлиб қолмайдилар, балки унга мардона дош беришни қисмат деб биладиган шахслар. "***Еру осмон оралигида***" қиссаси қаҳрамони Ҳафизанинг ғами ўзи тугул бошқаларга ҳам етгулик. Аммо у – ёши бир жойга бориб ҳали турмуш қурмаган қариқиз, ўз дарди қолиб, эр-хотин Муҳаббат ва Ўткирнинг оилавий жанжалларига қозилик қилишга, бошқа яқинларининг кўнглини олишга маҳкум. Яраштирилган эр-хотин эса, бир зумда уни унутишади. Ўзгага қайишадиган одамда ҳамиша маҳкумлик туйғуси етакчилик қилади. Ундай одам бировларнинг манфаатига қарши боролмайди. Ўзганинг кўнглини қолдиролмайди. Кўпинча, ўзига эътибор кўрсатишга вақт тополмаслиги шундан. Қиссада ана шу ҳолат жуда таъсирли акс эттирилган.

2001 йилда эълон қилинган қиссалар орасида Абдуқаюм Йўлдошевнинг "***Тимсоҳнинг кўз ёшлари***" асари бугуннинг белгилари қуюқ акс этганлиги билан ажралиб туради. Қиссада исми табиатига ўхшаш Мунис тимсоли ўзига хос чизгилар билан ишланган. Қиссанинг ўқувчи эътиборини тортадиган дастлабки жиҳати унинг юморга йўғрилганидир. Ҳикоячининг воқелик ва персонажларга муносабати ҳажвий. Аммо асар ҳажвий йўналишда эмас. У кулги туғдирмайди. Қисса шундай руҳда бошланиб, шундай оҳангларда якун топадики, алалоқибат, ўқувчида кулгидан кўра йиғига мойиллик уйғонади. Ҳикоячи муаллифнинг ҳар бир ҳодиса, ҳар бир ифода замирида яширинши мумкин бўлган тагмаънога ишора қилавериши, ўқувчини сўз тагидан сўз қидиришга мажбур этади.

Ушбу қиссада ҳаммага, ҳар нарсага ва аввало, ўзига танқидий муносабатда бўла оладиган, аммо айтишга ҳам арзимайдиган зиғирдай манфаати сабаб қиссадаги фожиали воқеаларга аралашмаган ғоят ишчан ҳикоячи; бекорчиликдан бошқа иши йўқ, учраган йигит-қизни толеномага қараб бир-бирига яқинлаштиришга тийиқсиз равишда интиладиган бефаҳм Саломат опа; ялқовлиги, омадсизлиги, қобилиятсизлиги сабаб иши

юришмаган ва бунинг аламини ожиз ҳимоясиз одамлардан олиб роҳатланадиган Посбонбой образлари жуда катта дард билан ишланган.

Бугунги кун одами ё лоқайдлиги, ё ўта фаоллиги ёхуд хизмат важидан ўзгаларнинг турмушига дахл қилади. Бошқа ҳолатда биров билан бировнинг иши йўқ. Қиссанинг тилга олинган уч қаҳрамони ана шу уч хусусиятга эгалиги билан замонамиз қаҳрамонларидир. Мунис сингари покиза одам бугуннинг қаҳрамони бўлолмайди. Улар бугун бахтга эриша олмайдилар. Чунки инсоф, иймон, андиша айб саналган жойда эзгу сифатларга эга одамларнинг бахти ҳақида гапириш мумкин эмас.

Ёш ёзувчи Абдунаби Абдиевнинг "***Тилсим***" қиссаси адабиётимизга нигоҳи ўткир, ўзигагина хос тасвирлаш услуби бор ижодкор кириб келаётганидан далолат беради. Асар камчиликлардан холи эмас. Тўлиғича рамзлар асосига қурилган қиссанинг меъёрига етмаган, ишловталаб жиҳатлари мавжуд. Асардаги ҳар бир қаҳрамон табиатига мувофиқ қиладиган иш билан таъминланса, бадиий жиҳатдан ютган бўларди. Лекин муҳими, адиб инсон кўнглини ўзича кўради ва кўрганича тасвирлайди. Бу ҳол унинг келажакда яхшигина асарлар ёза олишига умид туғдиради.

Қўчқор Норқобилнинг "***Кулиб тур, азизим***" қиссаси 2001 йилги ўзбек насрчилигида рўй берган ўзига хос воқеа бўлди. Асарнинг жозибаси шундаки, унда урушнинг жанг майдонларида қолдирган асоратларидан кўра кўнглида қолдирган изларо азобларининг тасвири етакчилик қилади. Асарда жанг тасвирлари қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини асослаш, ифодалаш учунгина берилган. Аслида, асар қаҳрамони кўпроқ ўзи билан ўзи жанг қилади. Қўчқор Норқобил қиссаси асарда айтилганидек: "Ўзи урушдан қайтиб, аммо урушдан қайтиб келмадим, деб ёзаётган бир ёзувчининг ҳаёти ҳақида... Ҳа шундай... Уруш кўрган одамнинг урушда қолиб, уруш ичида яшаши тўғрисидаги бир асар..." Муаллиф асар моҳиятини шу жумлада жуда аниқ ифодалаган. Чунки уруш, қон тўкиш ўйчил одам ҳаётининг шунчаки босиб ўтиладиган ва ўтилгач, унутиладиган бир босқичи эмас. Урушгача оддийгина бўлган одам, ундан қайтгач, оддий бўлолмайди. Собиқ жангчилар ҳам эл қатори оддий одамлардай яшагиси келади, лекин уларнинг ичида урушда орттирилган бўйсунмаслик, чидамсизлик, шафқатсизлик сингари

“иложсиз қотил” бор. Ҳудди шу куч уни жамиятга, одамларга, тинч ҳаётга бегона қилиб қўйганки, тирикчиликнинг оддий синовлари ҳам уни руҳий мувозанатдан чиқариб, ғавғолар комига итқитаверади.

“Кулиб тур, азизим” қиссаси қаҳрамони шундай дейди: “Уруш ҳақида ёстиқдай роман ҳам ёзиш мумкин, уруш ҳақида икки бетлик ҳикоя ҳам ёзиш мумкин. Лекин уларда урушнинг қандай тугаганлигини, кимнинг ғалаба қозонганлигини эмас, у инсоният томонидан амалга оширилган энг буюк жиноят эканлигини айтиш муҳимдир”. Асарда мана шу қарашга амал қилинган.

Қиссада ўқувчи эътиборини тортадиган, қаҳрамонларнинг сийратини шундоққина чизиб беришга хизмат қиладиган ўринлар анчагина. Жумладан, шифохонада ётган қаҳрамоннинг бу ердагиларни кўришга гул кўтариб келганлар ҳақида: “Ажойиб кунлар-ку тушунарли. Бетоб одамга нега беришади. Шу ерга тушганинг яхши бўлибди, табриклаймиз дейишганими, бу... Ёки деразангга шу гулни қўйиб қўй, кайфиятинг кўтарилади, дейишса керак”. Ушбу тасвирда шафқатсиз жангларда ҳиссий назокатлардан тамомила йироқлашган афғончи ўзбек йигити ўйлари жуда табиий берилган. Шунингдек, қаҳрамоннинг хасталик билан олишгандаги ҳолати чизилган ўринларда ҳам муаллифнинг тасвир маҳорати яққол кўзга ташланади.

Яна бир жиҳат диққатга сазоворки, қисса қаҳрамонининг ўйларида тартиб йўқ. У бирваракайига гоҳ оиласи, гоҳ қуролдошлари, гоҳ ишхонадагилар, гоҳ гул, гоҳ қоровул ҳақида аралаш ўй суради. Биз ўқувчилар сифатида бадиий образларнинг тартибли ўйлашларига ўрганиб қолганмиз. Назаримизда, бу асар қаҳрамонининг ўй суриш жараёнида айни шу интизомнинг йўқлиги тасвири персонаж табиати ва ҳолатини очишга қўл келган. Негаки, одатда одам ўй-хаёлини бошқаролмайди. Нотабиий ҳолатнинг табиий тасвири асарга оҳор бағишлаган.

Асарда гуноҳсиз болакайни отмоқчи бўлган Ринат ҳолати жонли тасвирланган. Қуролдошини йўқотганидан жазавага тушган жангчини ёмон кўриш, нафратланиш мумкин эмас. Лекин унинг хатти-ҳаракатини маъқуллаб ҳам бўлмайди. Ҳаққоний кўрсатуви учун телевидениедан ҳайдалган қаҳрамоннинг: “Ўлган одамларгина фикрламайди”,- тарзидаги хулосасини шундай табиатли одамнинг шу вазиятда билдириши мумкин бўлган ягона тўғри реакцияси дейиш мумкин.

Қиссада қаҳрамоннинг: “Агар юрагинг оғирлик қилиб, сен уни кўтаролмасанг садоқатли дўстларинг кўмак берадилар...”,- деган фикри ва унинг эмбека қиз Гўзалга таъсири яхши тасвирланган. Умуман, Гўзал тимсоли гарчи асарда ўз йўсини бор қаҳрамонга айланмаган эса-да, жозибали тасвирланган. Унинг китоб ўқишидаги, шоирнинг ён дафтари билан яширинча танишгандаги ҳолати чиройли чизилган. Шу билан биргаликда, жангчи адибнинг қиссасида бир қатор бадиий етишмовчиликлар борки, уларнинг бартараф этилиши асар эстетик қувватини оширган бўларди. Биринчи навбатда, асардаги ҳар бир тимсол бажариши лозим бўлган эстетик миссияни салмоқдорроқ қилиш йўлларини излаш керак. Қиссадаги образлар хотирлашгагина эмас, балки муайян маънавий-эстетик юкни кўтаришга хизмат қилдирилиши лозим. Иккинчидан, муаллифнинг асар ифода йўсинига бир қадар бепарволик билан қараганлиги оқибатларини йўқотиш зарур. Чунончи, кўплаб ҳарбий атамалар ҳеч қандай изоҳсиз ўз ҳолича берилавермай, умумий ифода тарзига бўйсундирилиши, жанг саҳналарида ҳам қаҳрамонлар руҳий ҳолати устувор туриши керак. Учинчидан, асарда ҳар бир тимсол ўзининг муайян инсоний концепциясига эга бўлиши лозим.

Хуллас, ўтган йили қиссачилик борасида бир қатор салмоқли ишлар қилинди, лекин қиссаларда бадиий маҳорат кўнгилдагидай эмас. Аксар қиссаларда кўрсатиш ўрнига айтиб бериш, тасвирлаш ўрнига баён устунлиги таъкидлаш жоиз. Бунга, бизнингча, тасвирда қаҳрамонларнинг шахсияти товланишларидан кўра, уларнинг бошидан ўтган саргузаштларни кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратиш сабаб бўлган.

Кичик жанрдаги катта ютуқлар

2001 йили яратилган ҳикояларга хос асосий хусусият шундаки, кичик жанрда улоқни Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Меҳринисо Қурбонова, Наргиза Ғуломова сингари қизлар олиб кетишди. 2001 йилнинг энг эсда қоладиган ҳикоялари Саломат Вафонинг “Унутилган аёл”, “Элат”, Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл”, “О, ҳаёт” ҳикоялари бўлди. “***О, ҳаёт***”да одам янги ҳолатларда акс эттирилган. Шу пайтга қадар ўзбек адабиётида одам бундай ракурсда кўрсатилмаганди. Ёши юздан анча ошиб кет-

ган, нечага кирганлиги ўзининг ҳам эсидан чиқиб кетган, қулоғи эшитишдан, кўзи кўришдан, оёғи юришдан, қўли қимирлашдан қолган, барча фарзандлари, набиралари, айрим эваралари ҳам ўлиб кетган кекса одам яшамоқда ва яшаётганидан хурсанд. Унинг яна озгина яшашга интилиши, ўлимдан қўрқишини бундай ишонарли, миқёсли бериш ҳар қандай ёзувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Зулфия ўзига хос табиатли одамнинг ўзига хос азобли ҳаётини акс эттира туриб, тирикликнинг бошқаларга тушунарсиз бўлган тотли туюлувчи жиҳатларини маҳорат билан тасвирлаган. Айни вақтда, чекка ҳужрада бир бурда бўлиб ётган чолнинг ўзларига ким эканини билмайдиган авлод ва атрофида ғимирлаб юрганларнинг биронтасини танимайдиган қария муносабатларидаги даҳшатли фожиа тасвири адибанинг инсон туйғуларини нозик идрок этиш салоҳиятидан далолат. Бу одамни ҳаётга нима бунчалик боғлаб турганлиги номаълум. Ана шу номаълум кучни тасвирлаш, номаълум боғлиқлик жараёнини кечираётган одамни маълум чизгиларда ифодалай билиш ёзувчи маҳоратини кўрсатади. Ҳикояда ҳаётга ҳайвоний илинж, жисми яшашдан чарчаган бўлса-да, руҳи мутлақо толиқмаган кишининг изоҳлаш мушкул ҳолати жуда таъсирли акс эттирилган.

Ҳар қандай аёл ҳам ҳамиша меҳрга, эътиборга ташна. Саломат Вафонинг "***Унутилган аёл***" ҳикоясида шу ташналик туфайли бўйидаги юкини олдириб, яъни туғилмаган фарзандини ўлдириб, қотиллик содир этаётган аёл ҳолати болани олдиришдай жисмонан оғриқли, маънан фожиали жараён тасвири асносида ниҳоятда маҳорат билан акс эттирилган. Миллий адабиётимизда аборт потологияси ҳақида ёзилса, ёзилгандир, аммо унинг психологияси эстетик объектга айланганича йўқ эди. Бўйидаги юкини олдирган аёл ҳолати: "Назаримда, куз тушган чўлнинг ўртасида ётардим, осмонда юлдузлар чаман бўлиб очилган, вужудим шу чўл каби, дунё каби қадимий ва бўш эди, қонга ботган кўйлакларим ҳилпирар, мангу шамоллар ҳукмрон эди бу ерда. Олис-олислардан шамоллар уйғониб келар, қулоғимга аллақандай қадимий саслар урилар, назаримда чўлми, осмонми оҳ чекиб, теграмда айланар, чапак чалар, садр тушарди" тарзида тасвирланади. Бу тасвирнинг айнан шу хилдалиги сабабини англамоқ учун ўқувчи ўз хаёлотини зўриқтириши, қаҳрамон руҳий ҳолатини туйишга уриниши керак бўлади. Шу ҳикоянинг бошқа ўринда: "Гўдакнинг тана бўлаклари менинг қонимга чўмилган, тоғо-

ранинг қай бурчидадир қон қусиб ётарди" тарзидаги тасвир берилган. Айбсиз қотил ва гуноҳсиз мақтул ҳақида ўзбек адабиётида ҳозирча ҳеч ким бундан ўтказиб айтолмаган.

Ижтимоий онг тараққиётининг турли босқичларида ҳодисаларга ёндашиш тамойиллари ўзгариб, такомиллашиб боришини бадиий асарларда акс этган ҳаётий ҳақиқатга муносабат масаласига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яқин-яқингача бадиий асарнинг ютуғи унинг ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос эканида деб қараларди. Эндиликда айнан тасвирларнинг ҳаётга ўхшашлиги кўпчилик бадиий асарларнинг муваффақиятсизлиги сабаби экани аён бўлди. Чунки ҳаётда рўй берган деярли ҳамма ҳодисаларнинг фақат сирти идрок этилади холос. Моҳият, ички жиҳат, сабаб-оқибат боғланишлари, кўнгил, туйғулар силсиласи ҳаёт ҳодисаларининг ичида пинҳон бўлиб қолаверади. Ҳаёт учун натижа муҳим. Адабиёт учун эса – жараён. Шу маънода, адабиётнинг адабиётлиги ҳам ҳаётга ўхшамаслигида, унга қараганда кўламлироқ, чуқурроқ эканлигидадир. Шунинг учун ҳам ҳаётдагига ўхшамаган тасвирлар миллий ҳикоячилигимизда кенг ёйилиб бормоқда.

Саломат Вафо ўз асарларида сўзни авайлаб, пуфлаб ишлатмайди. Куйдирувчи сўзни ҳам, музлатувчи сўзни ҳам ўрни келса, аямай қўллайверади. Шунинг учун ҳам унинг қаламидан чиққан тимсоллар бир қадар совуқроқ, бир мунча ёқимсизроқ бўлади. Ва шу жиҳати билан... кишининг эсида узоқ сақланиб қолади. Сараланмаган оғриқли сўзлар эсдан чиқмайдиган образ яратишга хизмат қилади.

Саломат ҳикояларига одамнинг ҳам чанг-чунгини қоқиб, ғижимларини текислаб киритмайди. Бадиий тасвирда ирганч кимсани имкон қадар ирганчлигича кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунга "***Элат***" ҳикояси мисол бўла олади. С. Вафо ўзбек ҳикоячилигини янги тур мозаика-ҳикоя билан бойитди. Адабиётимизда илк бор бир умумий руҳ атрофига бирлашган саккиз алоҳида асардан иборат битта "Элат" ҳикояси пайдо бўлди. Ушбу ҳикоя-мозаика тасвир услуби, тил хусусиятлари, инсон кўнгли ва амалига ёндашув тарзи билан ўзга ҳикоялардан ажралиб туради. Сўзнинг залворини яхши билган адиба уни қичаб от ҳайдаган чавандоздай шитоб билан ишлатади. "Кўрпача, супа, гужумлар... ҳаммаси мавжуд... онам йўқ",- деб ёзади Саломат. Солиштирилаётган нарсалар-

нинг қиммати ўртасидаги фарқ, эндигина онасидан айрилган одам назари билан ғоят моддий ва ишонарли манзаралантирилган.

Ёзувчининг "***Қайтиш***" ҳикояси ҳам ўзига хос. Унда ҳам эътиборни тортадиган, назарни михлаб қўядиган жойлар анчагина. Аммо бу ҳикоя тасвирида парокандалик бор, асарни ташкил этган барча унсурлар қатъий бир бадиий мақсад атрофига йиғилмаган. Бунинг устига, адиба ҳикояга жиддий оҳанг, ўзига хос залвор беришга интилиб, сунъийликка йўл қўяди. Ҳикояда кўп сўзлардан ташкил топган жумлалар керагидан ортиқ. Чунончи, 145 сўздан иборат бир гап ишлатилган. Албатта, бир жумланинг неча сўздан иборатлиги ўз ҳолича яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Аслида бу хил тасвир ифодага кўлам ва залворли оҳанг бахш этиши лозим эди. Бизнингча, Саломат шунга эриша олмаган. Ўша 145 сўзлик жумлада "ва" боғловчиси 3, "бу" олмоши 5, "у" олмоши 3, "ҳам" боғловчиси 3, "одам боласи" бирикмаси 3 марта ишлатилган. Бир гап ичидаги шунча такрорга йўл қўйилиши ўзига хос одамларнинг изтиробларини акс эттирган ҳикоянинг сифатига салбий таъсир қилган.

Саломатнинг ҳикоялари фавқулодда хусусиятларга эга одамлар ҳақида ёки оддий кишиларнинг кўзга ташланмайдиган фавқулодда жиҳатлари тўғрисида бўлади. Қизиғи шундаки, ҳатто бу ҳикоя қаҳрамонларининг оддий, эл қатори эканликлари ҳам фавқулодда даражада бўлади. Тийрак ва безовта нигоҳли муаллиф ҳар қандай инсон кўнглининг нозик товланишларини илғай ва тасвирлай олади.

Ўтган йилги ҳикоялар орасида Т. Маҳмудовнинг "***Тут***", "***Қарға***" асарларида тасвир самимияти, эзгулик тантанасига, ёруғ кунларга бўлган ишонч акс этган. Биринчи ҳикояда тут пишиғидаги бола руҳияти анча таъсирли берилган. Қарғанинг ожиз одамга ёрдамга келиши оч ётган гўдакка аввал ёнғоқ, сўнг бир парча нон ўғирлаб келиши ва шу билан қизалоқни ўлимдан сақлаши лавҳалари жонли тасвирланган. Лекин муаллифни асосан воқеа қизиқтиргани учун ҳам қаҳрамонлар руҳий ҳолати ифодасида янгилик йўқ. Тилаб Маҳмудовнинг "***Отам дерман***" ҳикоясида муаллиф концепцияси мутлақо сезилмайди.

Баҳодир Худойбергановнинг "***Қадр***" ҳикоясида хўрланган аёл ва ичкиликбоз ҳамда зўравон эр ҳақида ахборотгина бор холос. Ҳикоя санъатдан йироқ суд очеркига ўхшаб кетган. Об-

разларнинг номлари бору қиёфалари йўқ. Улар муаллиф буйруғининг ижрочиларигина бўлиб қолишган, холос. Оқилжон Ҳусановнинг ***"Қадами қутлуғ келин"***, ***"Гулбаҳор"*** ҳикояларида ҳам қаердадир "шунақа воқеа бўлганлигини айтиб бериш" руҳи етакчи. Гарчи, ҳар икки ҳикояда ҳам характерга айланиши мумкин бўлган образлар қаламга олинган эса-да, уларнинг алоҳида шахслар сифатидаги қиёфалари тасвирлаб берилмаган. Адбул Қодирнинг ***"Эржигит"*** ҳикояси ҳам воқеийлиги билан ажралиб туради ва айни шу хусусият етакчи бўлгани туфайли бадиий асар даражасига кўтарила олмаган. Раъно Розиқованинг ***"Чақимчи"***, ***"Тухумдан чиққан бола"*** ҳикояларида болалар табиатининг ўзига хослигидан келиб чиққан яхшигина бадиий вазият яратилган. Лекин у кутилганидек эстетик самарага олиб келмаган. Ҳикояларда болаларнинг ҳаёт реаллигига мувофиқ келмайдиган ёндашуви туфайли юмористик вазият вужудга келтирилган. Лекин муаллиф асарларида бола ҳиссиёти имкониятлари, унинг товланишларидан унумли фойдаланолмаган. Уларда бор нарсани боридай айтиб беришга уриниш етакчилик қилган.

Уйғун Рўзиевнинг ***"Қавс тонгидаги ҳайқириқ"*** ҳикояси одам руҳиятини нозик илғай оладиган адиб қаламига мансуб эканлиги билиниб турса-да, унда даҳшатли воқеани ҳикоя қилиб беришгагина эътибор қаратилганлиги туфайли кутилмаган воқеа тасвиридан тузук бадиий маъно чиқарилмаган. Муаллиф учун тасвирланаётган одамлар эмас, балки рўй берган воқеа билан ундан келиб чиқадиган ижтимоий маъно муҳим кўрингани учун ҳам қўлга илингудай эстетик самарага эришилмаган. Ҳолбуки, ҳеч кимнинг эътиборини тортмайдиган ҳолатдан гўзал бадиий асарлар яратиш мумкинлиги адабиёт тарихидан яхши маълум. Воқеанинг ўзи қанчалик қизиқ бўлмасин, инсон кўнгли манзаралари ифодаси етакчи бўлмас экан, бадиий қиммат касб этолмайди.

2001 йилда чиққан ҳикоялар орасида Эркин Аъзамнинг "Бизнинг тоға" ва "Таъзия" асарларининг ўзига хос ўрни бор. ***"Бизнинг тоға"*** ҳикоясида болалигиданоқ иззатталаб, виқорли, жиддий, оркаш ўзбек образи бирда меҳр, бирда нимкулги билан тасвирланган. Ҳаммани ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этишга уринадиган Ғазанфар тоға – мураккаб ва тушунарсиз одам. Умуман одамни тушуниш, унинг моҳиятини билиш мушкул. Чунки одамзод умр бўйи биров у ёқда турсин ўзини ҳам яхши-

роқ тушунолмайди. Шу маънода, Эркиннинг "Тоға"си ҳам тушуниш тамомила қийин бўлган ўзига хос бадиий образ. Тоғанинг бир қадар ўз феълли, бир қадар мустақил, бир қадар бадавлат бўлгани учунгина жияни Амир билан бир умр келишмаслиги, унга қасдма-қасдига кўшкли иморат тиклашга уринган одам Амирнинг саройига ўт тушганида ўғлига атаб қурилаётган кўшкли иморатини чала қолдириб, ёқтирмайдиган жиянининг вайрон бўлган биносини тузатишга киришиши юмористик йўсинда тасвирланади. Одам тийнатини англаш мушкул, англатиш ундан-да қийинлиги ўзбекка хос ички бир валломатлик ёғилиб турган тоға тимсолида ёрқин акс этади.

Муҳими шундаки, тоға тимсоли муаллиф ғояларини ифолаш воситаси эмас, балки жонли бир одам, ўзига хос жозибаю нуқсонларга эга инсон сифатида акс эттирилган. Қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг ўз мантиғидан, ғалати ва бошқаларникига ўхшамаган табиатидан келиб чиқади. У оламни ўзининг кўзи билан кўради, олам ҳодисаларига бошқалардай эмас, балки айнан ўзига ўхшаб муносабат билдиради. Айни шу ўзига ўхшашлиги билан китобхоннинг эътиборини тортади. Шу муносабат билан киши атрофдагиларни ўзига маъқул келадиган сифатлари туфайли эмас, балки борича қабул қилишга одатланиш зарурлигини англайди.

"***Таъзия***" ҳикоясида одам ва у топинган ғоя, замона ва унинг йўриғига юриш машаққатлари акс эттирилган. Ўзини ҳаммадан кўра қизилроқ, даҳрийроқ кўрсатишга интиладиган Салим Қарорнинг, аслида, художўй ва тақводорлиги, сирли ҳаёти, номуносиб ўлими каби ҳолатлар асарда ота-бола суҳбатдошлар ҳамда овул кишилари муносабати асносида кўрсатилади. Шуниси борки, гарчи Салим Қарор ҳикоячининг хотираси орқали ўқувчиларга юзма-юз келтирилса-да, унга хос жиҳатлар бирмунча таъсирли кўрсатилган. Эътиқодини яшириб юришга мажбур бўлган, ичи ва таши бошқа бўлган қўрқоқ одам фожиаси ҳикояда анча маҳорат билан чизилган. Салим Қарор тимсоли фаолиятда чуқурроқ кўрсатилса, ҳикоянинг таъсир кучи ошган бўларди.

Ўтган йили эълон қилинган ҳикоялар орасида Хуршид Дўстмуҳаммад қаламига мансуб "***Жимжитхонага йўл***" асари эътиборни тортади. Негаки, у – ўзбек ҳикоячилигида назира сифатида битилган биринчи асар. Бу ҳикоя шунчаки назираги-

на бўлиб қолмай, балки италиялик адиб Дино Буцаттининг "Етти қават" асари таржимасига қилинган бадиий илова ҳамдир. Лекин бизнинг назаримизда, Буцаттининг ҳикоясидан келиб чиқадиган бадиий маъно назирадагидан кучлироқ. Негаки, италиялик адибнинг асарида мантиқий изчиллик кучли. Унда беморнинг еттинчи қаватдан биринчисигача тушиб келиши касалхонада ўрнатилган тартибнинг натижаси сифатида тасвирланган. Адиб фикрича, касалхона – таназзулга юз тутган жамият рамзи. "Етти қават" асари замирига жамият одамни ўз ихтиёридан маҳрум этиб, ҳалокатга олиб боради деган маъно сингдирилган.

Шахсни жамиятга қарши қўйиш, бирини ҳоким, бошқасини маҳкум, бирини қотил, иккинчисини мақтул тарзида кўрсатиш, инсоннинг бахтсизлигига ижтимоий тартиботларни айбдор деб билиш Ботиш аҳли тафаккур тарзи учун одатий ҳол ҳисобланади. Шу маънода Дино Кортенинг шифохона еттинчи қаватидан биринчи қаватигача босиб ўтган йўли ҳаётий мантиққа эга, қаҳрамон табиати ва жамият моҳиятини акс эттиришдай бадиий юкни кўтарган. Айни вақтда, барчага ҳамиша ҳамма дарчалари берк бўладиган Ботиш дунёсининг маънавий хусусиятлари ҳам билвосита бўлса-да, жуда ишонарли кўрсатилган.

Кортенинг қишлоқдан чиққан кундан буён хотинидан хат олмаганлиги, унинг бошқа ҳеч ким тўғрисида ўйламаганлиги сингари нозик жиҳатлар қаҳрамон табиати ва у яшаган муҳит ҳақида ўз ҳолича ахборот бера олади. Аммо "Жимжитхонага йўл" ҳақида ҳамиша ҳам шундай деб бўлмайди. Ҳикоя сюжети ҳаётий заруриятга қурилмаганлиги учун ҳам унинг барча унсурлари бир мақсад атрофига етарлича уюштирилмаган. "Жимжитхона..."даги кўпгина саҳифаларда инсон туйғулари жилваларини нозик илғайдиган моҳир ёзувчининг қўли сезилиб туради. Лекин бадиий асар тирик одам каби яхлит организм ҳолига келгандагина ҳақиқий эстетик қиммат касб этиши мумкинлигидан келиб чиқадиган бўлсак, Х. Дўстмуҳаммаднинг тажрибаси жуда ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Назира матнига таяниб туриб, Зоҳид Яқинни шифохонага боғлаб турган риштани билиб бўлмайди.

"Етти қават" ҳикояси матнига эътибор қилинса, қаватдан қаватга кўчишнинг бирортасига ҳам Корте розилик бермайди, ҳатто, қаршилик кўрсатади. Зоҳид Яқин эса, қаватдан-қаватга

кўчишларни, яъни хотима сари юришларни ўзи истайди, баъзан ҳатто ташаббускор ҳам бўлади. Эҳтимол, айни шу ўринда назиранинг бутун моҳияти ифодаланган бўлиши ҳам мумкин. Яъни ўзбек ижтимоий зуғумга қаршилик қилиб ўтирмайди, унга тез кўникади, кўникибгина қолмай, ўзига қилинаётган зўрликнинг тарафдори, ҳатто, ҳимоячисига айланади. Бундай ташаббускорлик эса қандай оқибатга олиб келиши насрий назирада чиройли кўрсатилган.

Х. Дўстмуҳаммад назиранинг барча ўринларда ҳам етарлича маҳорат кўрсатган деб бўлмайди. У ўзигагина маълум бўлган ниятга тезроқ етмоқ учун тўртинчи, бешинчи ва еттинчи қаватларни ташлаб кетадики, айни шу жиҳатлар ҳикоянинг ожиз жойларидир. Чунончи, ҳикояда учинчи қаватда ётган Зоҳидни бешинчи қаватга чиқармоқчи бўлишади. У эса ғайратга кириб кетиб бир йўла олтинчи қаватга етиб қўя қолади. Бизнингча, назирагўй қаҳрамонни тўртинчи ва бешинчи қаватларда етарли бадиий юк билан таъминлай олмаганлиги учун ҳам шу хил "паришонхотирлик"ка йўл қўйган бўлса керак. Шунингдек, олтинчи қаватда фариштага айланган қаҳрамоннинг еттинчи қаватга чиқмай қолгани ва у ердаги миссиясини бажармаганлигини ҳам ҳикоя учун ютуқ деб бўлмайди. Лекин юқори қаватдаги оқ сурп ва қизил бахмал, сузиб бораётган кароват, бошқалар томонидан айтилаётган сўзларнинг ҳар бири салмоққа эга, аниқ мақсадга қаратилган, миллий асосга қаттиқ таянган. "Етти қават" ҳикоясида энг пастки қаватнинг Кортега қоронғи кўриниши, "Жимжитхонага йўл"да эса Зоҳид Яқинга сўнгги қаватнинг оппоқ нурга буркангандай туюлиши икки хил эътиқод вакилининг ўзига хослигидан келиб чиқадиган жиҳатлардир. Яъни Корте учун бу дунё билан ҳаёт тамом бўлади. Зоҳид Яқин эса энди бошланажак нурли ва абадий ҳаётдан умид қилади. Бошқача айтганда, Ботиш вакилини ўлим маҳв этади, Чиқиш аҳлини ўлим юксалтиради, мақсадга яқинлаштиради.

Х. Дўстмуҳаммаднинг "***Нусхакашнинг меросхўри***" ҳикоясида ҳаёти фожиали бурилиш палласини кечираётган шахснинг мураккаб, таҳликали ҳолати анча маҳорат билан акс эттирилган. Бадиий ижод нусха кўчириш ҳам, яшаш воситаси ҳам эмас, балки юракдаги дардни ифодалаш эканлиги мураккаб тақдирли қаҳрамонлар мисолида кўрсатилган. Лекин бир нарсани таассуф билан таъкидлаш жоизки, ҳикоя завқ билан ўқилмайди,

қаҳрамонда инсоний жозиба, киши руҳиятига кириб борадиган ёруғлик сезилмайди.

2001 йилда эълон қилинган ҳикоялар орасида Муҳаммаджон Узоқов қаламига мансуб "***Каромат***" тарихий ҳикояси қизиқарли сюжети ҳамда қаҳрамонлар талқинидаги ўзига хослик билан ўқувчи диққатни тортади. Тошкент ва унинг атрофида 1784 йили рўй берган воқеаларни ўзига хос персонажлар тақдири мисолида акс эттиришга бағишланган ушбу асарда Фахриддин, Аблай, Султон Алибек, Суюнч бекач сингари образлар эсда қоладиган тарзда ишланган. Аммо бир неча йўналишда ривожлантирилиши мумкин бўлган сюжет линияларидан фақат биргинасидан фойдаланилганлиги учун ҳам тарихий материалдан олиниши мумкин бўлган бадиий эффект тўлиқ юзага чиқмай қолган.

Хуллас, миллий насримизда 2001 йили яратилган асарлар унинг тараққиётида муайян ўрин тутади ва адабиётимизнинг янги чўққилар сари юксаклишида ўзига хос босқич бўлади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси 2002 йил 19 апрел

СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ ЙЎЛИДА

Бугунги ўзбек танқидчилиги жиддий сифат ўзгаришларини бошидан кечираётганлигини таъкидлашни истардим. Ҳозирги танқидчиликдаги энг қувонарли жиҳат унинг бадиий асарга мафкуравий талаблар, сиёсий қолиплардан эмас, балки матннинг ўзидан келиб чиқиб баҳо беришни ўзлаштираётганидир. Олдинлари бадиий ҳодисага тайёр назарий, тўғрироғи, мафкуравий қолип асосида ёндашилинар эди. Қолипга асосланиб билдирилган фикр қолипдаги хулосага келишни тақозо этарди. Энди назарий тўхтамлар бадиий асарлар таҳлили натижасидан келтириб чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам бугун адабиётшуносликда "ижодий метод", "типиклик", "ҳаётий ҳақиқат", "замонавий қаҳрамон", "ижобий ёки салбий образ" сингари атамалар деярли қўлланилмайди. Тўғри, миллий танқидчилик бугунги адабий жараённинг етакчи тамойилларини тўлиқ кўрсатиб берди, назарий асосларни топди деб бўлмайди. Негаки, тамомила янгиланган адабиётнинг илмий пойдеворини яратиш учун маълум вақт керак бўлади.

Айни вақтда истиқлолдан кейинги ўзбек танқидчилигида бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бугунги танқидчилик адабий асарга баҳо беришда унинг долзарб мавзуда ёзилганига, ҳазиржавоблигига қарамайдиган бўлди. Шу боис мавзу эмас, бадиий инкишоф муҳим бўлиб бормоқда. Энди асл бадиий матн ҳақида, чин эстетик кашфиётлар тўғрисида фикр айтишга эътибор кучайди. Шунинг учун ҳам бадиий асар ҳақида гапириш қийин бўлиб қолди. Чунки олдинлари асар мавзуси атрофида дадил-дадил гапирса бўлаверарди. Эндиликда матн билан ишлаш йўлларини билмаган одам танқидчилик қилолмайди. Янгиланган ўзбек синчилиги миллат аҳлини Р. Парфи, А. Қутбиддин, Азиз Саид, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Турсун Али, Х. Дўстмуҳаммад, Ф. Афрўз, Н. Эшонқул, Т. Рустамов, С. Вафо сингари қатор ўзига хос ижодкорларнинг асарларини теранроқ англашга ўргатди.

Бугунги ўзбек танқидчилигидаги янгиланишлар фақат ёшлар томонидан амалга оширилаётир деб бўлмайди. Чунки янгича қарашларнинг шаклланиши учун ёш бўлишнинг ўзи кифоя қилмас экан. Янги қарашларни қўллашда жисмнинг эмас, фикрнинг ёшлиги муҳимроқ бўлиб чиқди. Жуда кўп ёшлар ке-

чаги эстетик тарози билан бугунги адабий ҳодисани ўлчамоқчи бўлишаётганда, У. Норматов сингари оқсоқол синчимиз миллий адабиётимиздаги энг сўнгги янгиликларни ҳам нозик илғаб, хайрихоҳлик ва холислик билан билиб муносабат билдираётгани қувонарли. Менга О. Шарафиддиновнинг олимга хос тантилиги ёқади. Ўзига маъқул келмаган адабий ҳодисаларга ҳам бағрикенглик билан баҳо бера олиши, уларнинг эстетик ҳодиса сифатида яшашга ҳаққи борлигини тан олиши жуда гўзал. Бу жиҳатдан, айниқса, улуғ адибимиз Одил Ёқубовга қойил қоламан. У киши ҳар қандай бадиий экспериментга чидам билан қарай олади. Кашфиётлар тажрибаларнинг самараси эканини яхши билади. Афсуски, бирор янгичароқ ҳодисани кўриб қолса, энсаси қотадиган ёзувчи ва танқидчиларимиз ҳали анчагина. Тўғри, улар олдингидай жангари эмас, шашти сусайган. Лекин бу билан уларнинг зарари камайгани йўқ. Хуллас, танқидчилик йўқ бўлиб кетгани ҳам, тўхтаб қолгани ҳам йўқ. У бир оз сустроқ бўлса-да, тўхтовсиз ҳаракатдадир.

Бугунги ўзбек танқидчилигининг бир қатор камчиликлари ҳам борлиги кундай равшан. Чунончи, у кечагидай тезкор, ҳозиржавоб эмас. Чунки кечагача танқидчилик бадиий адабиётнинг санитари ҳисобланар ва у поданинг умумий йўналишидан салгина четга чиққан бирор адабий ўлжани кўрса, ташланишга шай турарди. Ахир бўрини соғлом оёғи ва ўткир тишлари боқади-да! Бугун ҳодисанинг сиртини эмас, моҳиятини идрок этиш талаб қилинмоқда. Оқибат ҳақида эмас, сабаб тўғрисида фикрлаш сўралмоқда. Бундай ёндашувга ҳамма тайёр дейиш қийин. Боз устига, ўзбекча бемалолигимиз ҳам бор. Шунинг учун бир қатор жуда гўзал бадиий асарлар керакли баҳосини ололмай келаётир.

Бугунги ўзбек танқидчилигининг бир қадар бўштоброқ, ҳафсаласизроқлигига матбуотчилар, ноширлар ҳам бир қадар сабабчи дегим келади. Негаки, не бир машаққат билан ёзган адабий танқидий битиги бир сиқим пистанинг пули қатори баҳоланса, бу ҳам камдай, ҳали ИНН ҳақидаги маълумотни келтир, ҳали фалон кассага бор, ҳали солиқ инспекциясига жавоб бер деган талабни эшитса, ҳалиям танқидчининг ўлмаган жони.

Бугунги ўзбек танқидчилиги юксалишига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар бор. Уларнинг энг биринчиси миллий фалсафий қарашлар тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги деб

биламан. Оламга, одамга ёндашувнинг ўзбекча илмий йўсини аниқ бўлмагач, оламу одам ҳодисаларининг изоҳи ҳам унчалар асосли бўлмайди. Иккинчидан, олимлар орасида бошқача фикрлайдиганларни душманга чиқариб қўйиш, ўзгача қарашларни мутлақо қабул қилмаслик каби одатларнинг ёйилгани ҳам синчилигимиз ўсиши йўлига катта тўсиқдир.

Адабий танқидчилик ўзбекча торликни ёриб чиқиб кетмаса, миллатимизга хос бағри кенглик айни шу соҳада намоён бўлмаса, адабиёт илмининг ривожланиши қийин. Чунки инсон фикрлаш ҳаққи ва имконияти туфайли инсондир. Уни ўзи истагандай фикрлаш эркидан айиришга уриниш, қандай ният билан қилинмасин, зўравонликдир, зуғумдир. Ҳатто, бир кишининг фикри кўпчиликка, борингки, барча мутахассисларга ёқмаслиги мумкин, лекин бу ҳол у фикрнинг мавжуд бўлишига мутлақо халақит бермаслиги керак. Шундагина шахс эрки таъминланади, шундагина тараққиёт бўлади, шундагина миллий бадиият равнақ топади.

Истаган ижодкор истаган йўсинда, хоҳлаган йўналишда қалам суришга ҳақли. Ва бунинг учун у ҳеч кимдан рухсат сўраб, хайрихоҳлик кутиб ўтирмайди. Фақат у ўз қарашларини асослайдиган далиллар тизимига эга бўлса бас. Хоҳласангиз унга қўшилинг, хоҳламасангиз ихтиёр ўзингизда. Аммо сизга маъқул келмайдиган йўсинда фикрлагани учун кишини нигилизм ёки "маънавиятсизлик"да айблашни узоқ бўлмаган ўтмишимиздаги бир-биридан "халқ душманилари"ни излаш иллатидан тузукроқ деб бўлмайди. Бировга шундай айб қўйишнинг ўзи энг катта айб. Ижодкор виждонидан ўзга ҳеч кимнинг олдида бурчли эмас. Нимани, қандай, қай шаклда, қачон ёзиш унинг шахсий иши. Шукурки, бирор нарсани ёзгани учун қамалиб, ёзмагани учун саботажда айбланадиган замонлар ўтиб кетди. Ижодкор – ўз қалбининг хоқони.

Баъзи олимларнинг ўз қарашларини ҳаётга мослаш ўрнига, ҳаётни қарашларига мослашга уринаётганлари ҳам миллий адабий танқидчилик савияси юксалишига тўсиқ бўлаётган муаммолардан биридир. Бизда дунё бадиияти мен ва менинг устозларим белгилаган йўналишдагина ривожланиши керак дейдиганлар ҳанузгача борлиги ачинарли. Бундай қарашга таяниб, дунё билан қандай гаплашиш мумкин? Очундаги бошқа кишиларга нималар дея олади? Барча арзийдиган асарлар ҳақида ай-

тилиши керак бўлган гаплар олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, уларни айтишнинг нима ҳожат бор? Айтиш мумкин бўлган гапларни ким қандай белгилаб беради? Қайсидир таниқли олим қачондир муносабат билдирган асар тўғрисида бошқача фикрлаш нима учун душманлик деб қабул қилиниши ва бундай фикр эгасини жонидан бездиргунча қўймаслик керак? Шунча куч бошқача қарашнинг сабабини аниқлашга сарфланса, яхши бўлмасмикин?

Бу ҳолни адабиётимизда модернизмнинг ғоят гўзал намуналари яратилиб, у миллий эстетик тафаккурнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган бугунги кунда ҳам ўзбек адабиётида модернизм бўлиши мумкин эмас, у бизнинг маънавиятимизга мутлақо бегона ва зарарли деган гапда тураверишу учун камида ўжар бўлиш керак. Аслида, бундай қараш ҳам фикр, унинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Лекин бу фикрни ўтказиш учун миллат, халқ, Ватан, гуманизм, маънавият сингари муқаддас тушунчаларни чайқовга чиқариб, кишини чўчитмаслик керак. Ахир, ким бўлса ҳам ҳақиқат қандайдир бир кишининг маҳрига тушмаган. Худди шундай ҳолни «Алпомиш» эпоси муносабати билан билдирилган ўзгача қарашларга муносабат йўсинидаги жангарилик, ўзгача фикрлайдиган кишиларни душманга чиқаришга уринишда ҳам кўриш мумкинки, бу миллий танқидчилик ривожига энг катта тўсиқдир.

Хуллас, мен миллий синчилик соғломлашиб боришига, юксалишига ишонаман. Чунки моддий манфаатдорлик, сиёсий обрў ошириш имконияти бўлмагани учун ҳам танқидчилар сафида ҳар қандай "истиқболли" жойда ҳозиру нозир турадиган "ҳушёр" корчалонлар йўқ. Кимга нимани қандай ёзиш кераклигини ўргатиш танқидчиликнинг иши эмаслиги англаб етилди. Бу ҳол ўзбек синчилигининг соғломлашувидан далолатдир.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси 2004 йил 9 июл

ТИШИНГ ЎТМАСА, ТОШ ЧАЙНАМА...

Асосан, мумтоз адабиёт муаммолари билан шуғулланиб юрадиган ёш адабиётшунос Эргаш Очилнинг бугунги ўзбек шеъриятидаги камчиликлар ҳақидаги "**Сиз шеър айтасизму ё одам қўрқутасиз?**" мақоласи (ЎзАС, 2004 йил 17 сентябр) нохолислик билан ёзилганлиги бошданоқ кўзга ташланади. Ўзбек модерн шеъриятида қалашиб ётган камчиликларини кўрсатишга енг шимарган олим бугунги шеърларни ёппасига танқид қилади-ю бирорта асарни бутунича таҳлил қилиб, унинг ночорлиги сабабларини илмий асослаб бермайди. Лекин модерн шеърларнинг ҳеч нимага арзимаслиги ҳақида ваҳимали хулосалар чиқаради. Мақоланинг илк жумлаларидаёқ қуйидаги ҳукм ўқилади: "...**ҳар қандай кутилмаган ва фавқулодда ташбеҳу тимсолларни қўллашда ҳам меъёр бўлиши керак. Бугунги шеъриятда эса айнан меъёрсизлик меъёр қилиб олинганлиги кўзга ташланади**". Шундан сўнг атоқли шоирлар: Рауф Парфи ва Баҳром Рўзимуҳаммаднинг турли шеърларидан тўппа-тўғри маънода "юлиб" олинган мисралар устидан кулишга, уларнинг беўхшовлиги билан ўқувчини чўчитишга уринилади.

Қизиқ, ташбиҳу тимсоллар қўллаш меъёрини ким белгилаб беради? Ҳамма вазиятларда амал қилиниши шарт бўлган бадиий меъёр ўрнатилиши мумкинми ўзи? Ҳозирча, бундай эстетик "тоғора" борлиги номаълум. Агар бу меъёр Эргашбойга маълум бўлса, бундай шеърий стандартдан ўзгаларга ҳам дарак бериб қўйиши керак эди. Бир пайтлар меъёрни мафкура белгилаб берарди. Сўз эркинлиги, ижод ҳурлигига эришилган ҳозирги кунда стандарт ўрнатишга куюнчаклик қиладиган жонкуярлар борлиги ғалати.

Мақоланинг индаллосидаёқ ўзбек модерн шеъриятининг "метр"ларини бир ёқлик қилган муаллиф шу йўналишда ёзишга журъат этаётган "ушоқ"роқ шоирларнинг суробини тўғрилашга ўтади. "**Баъзи шоирлар шеър этикасини билишмайди: нимани шеърга олиб кириш мумкин-у, нимани йўқ – бу ҳақда ўйлашмайди**",- деб ёзади Эргаш Очил. "Баъзи шоирлар" қаторига В. Файзулло "Гўридан турди узум", М. Туркой "Юракни ер фироқ — шиллиққурт", "Андуҳ – очкўз ит", С. Ашур "Арралаб ташладинг номусинг", И. Отамурод "Руҳимнинг қатқалоқ қаърига ботиб", Ф. Афрўз "Бахтим ўпай десам пешонаси йўқ"

сингари мисралари учун киритилади. Аслида, бу рўйхат жуда узун. Биз унинг ўқувчида тасаввур уйғотиш учун етарли бўлган бир қисминигина келтирдик. Инсоф билан айтганда, турли даврларда яратилган шеърлардан юлқиб олинган ана шу узиндиларда ҳам ажиб бир бадиий ўзига хослик, тароват кўриниб турибди. Фақат бу мисраларга Эргашнинг кўзи билан қарамаслик керакка ўхшайди. "Гўридан турди узум", бизнингча, жуда ўринли топилган ташбиҳ. Ҳар кузда ток "кўм"илиши маълум. Кўкламда кўтарилган узумлар тирилиб гўридан турганга ўхшатилса, ота гўри қозихонами? Шиллиққурт ёмонлиги кўзга ташланмайдиган, "тортинчоқ" ва "одобли" зараркунандалардан. У бутун-бутун пайкалларни билдирмай, ими-жимида ғорат қилиши мумкин. М. Туркой наздида фироқ ҳам шундай: кўзга кўринмайди, бировга билинмайди, аммо оғриқли, руҳни еб битириши мумкин бўлган дард.

Эргашбойнинг шеърга ёндашув тарзи жуда ғалати. Унда Б. Эшпўлат қаламига мансуб "Илонлар никоҳдан ўтар бу кеча" сатри "ҳайрат уйғотади". Аммо М. Аҳмедованинг "Юрак юки" шеъридаги суякларни "ошиқ-мошиғи билан оппоқ бўйнига осиб" олганлиги тасвиридан "баданида илон ўрмалагандек бўлади". Илонлар никоҳидан "ҳайрат"ланган кишининг илон йўқ жойда ундан сескангани қизиқ. Тўғри, Эргаш Очилнинг ҳам ўқувчи сифатида бирор шоир ёки шеърни ёқтириш-ёқтирмаслик эркн бор. Лекин айни шу эрк бошқа шеърхонларда ҳам бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак. У ёки бу шеър ҳақида чуқур ўйлаб ўтирмай, олди-ортига қарамай, ҳукм чиқараверіш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Бирорта ҳам шоир шеърларини Эргаш Очилга ёқадиган қилиб ёзиш мажбуриятини олмаган-ку. Кўнгил неъмати бўлмиш шеърнинг шоир истаганидай битилишига кўникиш вақти келмадими?

Яна шуниси ажабланарлики, Э. Очил ўз қарашларини оддий бир шеърхоннинг шахсий мулоҳазаси деб санамайди. У ўзбек мумтоз шеърий анъаналарининг ёлғиз жонкуяри сифатида халқ номидан гапиради: **"Албатта, янгича фикрлаш, оҳорли ва кутилмаган ташбеҳу тимсоллар топишга нима етсин? Фақат улар табиий ва ҳаётий бўлиши, мантиққа зид келмаслиги, бачканаликка айланиб кетмаслиги керак. Азалий анъаналар, қадимий қадриятлар, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг дунёқараши, дидини ҳам ҳисобга олиш, унинг қалбига қулоқ**

солиш лозим". Олимнинг мана шу даъволарининг ўзидаёқ эътироз уйғотадиган ўринлар жуда кўп. Ташбиҳу тимсолларнинг "табиий ва ҳаётий бўлиши" деганда нимани англамоқ керак?Фактографиклик адабиёт учун босиб ўтилган йўл-ку. Чинакам адабиёт айнан оддий ҳаёт тугаган жойдан бошланиши керак эмасми? Ҳазрати Навоий тасвиридаги Фарҳод тимсолига ҳаётийлик ўлчови билан ёндашиб бўладими? А. Қаҳҳорнинг: "Ҳаётдан кўчириш ҳам китобдан кўчиришдай гап" эканлиги ҳақидаги фикри айтилганига ҳам ярим аср бўлиб қолди. "Мантиққа зид бўлмаслиги" керак деган талаб ҳам қатор саволларни келтириб чиқаради. Қандай мантиққа? Ҳар қандай ўринли бадиий кашфиёт ўз мантиғига эга бўлади. Лекин Эргашбойнинг шеър табиатидан йироқ мантиғига нима мос келишини белгилаш қийин. Юрак қони билан шеър битиб, фиғон қилаётган кишиларга "**азалий анъаналар, қадимий қадриятлар, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг дунёқараши, дидини ҳам ҳисобга олиш**" кераклигини ўргатишдан киши андиша қилгани тузук. Наҳотки, бирмас, иккимас, ўнлаб шоирлар буларни ҳисобга олмаса-ю, ўзбек халқининг бахтига биргина Эргаш Очил уларни эсдан чиқармаган бўлса?

Олимнинг Р. Парфи, И. Отамурод, Ф. Афрўз, Х. Даврон, А. Қутбиддин, И. Мирзодай шоирларга қарата халқнинг "**қалбига қулоқ солиш лозим**",- дейиши кам деганда нописандлик-ку?! Ҳар қандай кишига ўқиган шеърларидаги қай бир жиҳатлар ўтиришмай, эриш кўринган бўлса, у, аввало, эҳтимол, шоирлар бошқача фикрлашаётгандир, уларнинг шеърларини мен тушунмаётгандирман, деб ўйлаши керак. Ижодкорнинг Эргаш истаганидай ўйламаслик ва ёзмасликка ҳаққи бор. Умуман, ижодкорга мен каби ўйламаслигинг, менга ёқмайдиган қилиб ёзмаслигинг мумкин эмас тарзида даъво қилиш ўринли эмас.

Шеър ҳақида гапирганда, холислик ва кўнгил тозалиги талаб этилади. Шеърни баҳолаётганда, матнга зуғум қилмаслик, битта сатрни ушлаб олиб, сунъий равишда ўзига маъқул келадиган хулосани чиқаришга уринмаслик лозим. Шундагина чин шеърий манзара намоён бўлади. Афсуски, гап бораётган мақолада Э. Очил бунинг тамомила тескарисини қилади. У модерн шоирларда "меъёрсизлик меъёр қилиб олинганлиги"ни асослаш учун Б. Рўзимуҳаммаднинг: "**ўз қонимни ичгим келади жуда майдалагим келар суякларимни**" мисраларини келтиради. Чин-

дан ҳам, шу ҳолича, бу мисралар кишига унчалар ўтиришмайди. Аммо контекстда улар ўзгача маъно касб этади:

ўз қонимни ичгим келади жуда
майдалагим келар суякларимни
ярмим фариштадир ва ярмим ҳайвон
икки олов ичра ёниб турибман...

Инсоннинг ҳамма нарса мубҳам ва омонат бўлиб тургандаги ғоят чигал ҳолати тасвиридан икки мисрани атай ажратиб олиб меъёр бузилаётир деб, шақилдоқ чалиш олим кишига унчалик ярашмайди.

Э. Очил мақолада "Ғира-шираликда" деб аталган ва чўкаётган тун манзараси акс эттирилган шеърдаги "юлиб олар қуёшнинг тилин" мисраси ҳақида: "**Б. Рўзимуҳаммад қуёшнинг тилини суғуриб олса...**",- дея заҳарханда қилади. Аслида шеърнинг шу сатр юлиб олинган банди қуйидагича:

Кўк тубида бинафша ранги
қуюқлашиб қора ранг билан
юлиб олар қуёшнинг тилин.
Ғира-шира тун тигида жим
тил сўрайди мендан теварак...

Шоир тун эндигина чўкаётган ғира-шира пайтдаги сирли ҳолатни гўзал тасвир этган. Қуюқлашган қора ва бинафша ранглар қуёш нурларини ютиб юборгани учун унинг кундузни сўзлатган, барча жонлиқни ҳаракатга келтирган ёруғ "тили юлиб олинди". Тилсиз қолган теварак шоирдан тил сўрайди. Ушбу шеърнинг дунёга келиши шоирнинг ғира-шира теваракка берган тили. Инсоф қилинг, "қуёшнинг тили"ни шоир Баҳром эмас, балки туннинг "қора ранг"и юлиб олаяпти. Шеърни нотўғри талқин этишдан мақсад нима ўзи?

Бугунги ўқувчи фақат истеъмолчи эмас, балки ижодкор ҳам бўлишни истайди. Унга шоир кашфиётидан лаззатланиш камлик қилади. Шу боис лаззат йўлини ўзи кашф этишни истайди ва бунга уринади. Юқоридаги шеър ўшандай ўқувчига аталган. У шунчаки ўқилмайди, балки қайта идрок этилади ва турли ракурсларда жилваланади. Ўзида хаёлот пар-

вози бўлмаган киши бировни айбламаслиги, йўқ жойдан нуқсон қидириб бутун бошли шеърдан биргина мисрани юлиб олиб ноғора чалмаслиги зарур. Одамга ўқувчилик маданияти ҳам керак.

Энг ёмони, Эргаш Очил мақсадга эришиш учун ўқувчини чалғитишдан ҳам қайтмайди. Б. Рўзимуҳаммаднинг **"Тонг кечикди"** деб бошланадиган шеъридаги **"тонг йўқ"** бирикмасини мақоласида шоир **"йиртиқ тонг"** тарзида қўллаган дея ёлғонлайди. Шеърда:

Тонг кечикди
қуёш бору тонг йўқ,-

дея ёзилган. Эътибор қилган одам шеърда "тонг" сўзига олим тушунганидан кўра каттароқ бадиий юк ортилганини сезади. Шоир учун қуёшнинг чиқиши ҳали тонг эмас. Унга атрофнинг ёришгани камдай туюлади. Балки, шоир шу сўз орқали озодлик, эркинлик ёки тоза ҳаво кераклигини кўзда тутгандир.

Эргаш Очилга нуктадон ва ҳиссиётли шоира Фарида Афрўзнинг: **"Бахтим ўпай десам, пешонаси йўқ"** мисраси, айниқса, маъқул келмайди ва танқидчи уни "шеър этикасини билмас"ликда айблайди. Ҳолбуки, "Моҳларойимга ҳасрат" деб аталган андуҳли бу шеърда юқоридаги тимсол ғоят ўринли ишлатилган:

Гарчи, дил кошона остонаси йўқ,
Ҳамма дунёпараст бир ошноси йўқ,
Бахтим ўпай десам, пешонаси йўқ,
Моҳларойим, бизни ким ҳам тушунарди.

Сўнгги мисрада шоира башорат қилган экан. Адабиётшуноски шеърни шундай тушунса, оддий ўқувчидан нима умид? Холис бўлмаган ёндашув, албатта, эгри талқин ва нотўғри хулосага олиб келади. Йўқса, ҳаётининг ҳар бир пучмоғида мавжуд кемтикликларни кўраверіб, зада бўлган шоиранинг буюк Нодирабегимга ҳасратлари акс этган дилбар шеърга шундай дахл қилинармиди?

Шоира Ф. Афрўзнинг **"Бир кун келиб..."** деб бошланадиган шеъридан олинган **"қорнингда ириган гапларни"** сатри ҳам Э. Очилнинг ғашини келтирган. Чиндан ҳам, шу ҳолича мисра кишида ёқимсиз

таассурот қолдиради. Лекин шеър билан тўлиқ танишган одам танқидчининг шеърга қанчалар зуғум қилганини, унинг бетакрор ва гўзал вужудини аямай тиғлаганини кўради:

Бир кун келиб шундоққина
тиз чўкасан-да,
йиғлайверасан, йиғлайверасан
Ва охир айтасан
қорнингда ириган гапларни.
Мен эса кута-кута
кар бўлганимда,
кар нимаси кўр бўлганимда
дўппайган бир гўр бўлганимда...

Нафс ва манфаат илинжида бўлгани учун эгасининг кўнглидан эмас, қорнидан жой олган, ўз вақтида айтилмаганидан ириб кетган гапларни кута-кута "кар", "кўр" ва ҳатто "дўппайган гўр" бўлажагини англаб турган шахс фожиаси ғоят нозик акс эттирилган дардчил шеърдан биргина мисрани ажратиб олиб, бутун шеърни ёмонотлиққа чиқариш адабий шаккокликдир.

Э. Очилнинг ўзбек модерн шеъриятини инкор қилишга қаратилган чиқиши фақат шу мақола билан чекланганда, биз унга эътибор қилмаган ва унинг қарашларини бунчалик батафсил таҳлил этмаган бўлардик. Олим "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 2003 йилги 2-сонида Иброҳим Ҳаққул билан, 4-сонида проф. У. Норматов билан қилган суҳбатида ҳам модерн шеъриятга нисбатан ёқимсиз таассурот уйғотишга уринади. У "ЎзАС"нинг 2004 йил 6 август сонидаги "Танқидчилик талаб даражасидами?" мақоласида бугунги танқидчиликнинг асосий камчилиги модерн асарларга ҳамду сано ўқиётганида эканлигини таъкидлайди. Демак, бу ўринда тасодиф эмас, қонуният, ҳодиса эмас, тизим юз кўрсатмоқда. Э. Очил ўз чиқишларида мунтазам равишда адабий авлодлар, бадиий йўналишлар орасига зиддият солишга уринмоқда.

Эргаш Очил "**Танқидчилик талаб даражасидами?**" деб аталган мақоласида бугунги танқидчиликка баҳо бериш баҳонасида янги ўзбек шеъриятини "тафтиш" этиб: "**Ҳозирги ўзбек шеърияти тажриба ва изланишлар майдонига айланди. Бу изланишлар айрим-айрим муваффақиятлардан холи бўлмаса-да, ҳали бир яхлит натижага олиб келганича йўқ**"лигини таъкидлайди. Олим, ўз

одатига кўра, нега шундай хулоса чиқараётганлигини далиллаб ўтирмайди. Афтидан, у киши ўз хулосаларини исботга муҳтож деб билмайди. Аслида, ўзбек шеърияти ҳамиша, ҳамма замонларда "тажриба ва изланишлар майдони" бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши керак. Айни шу хусусият уни юксалтириб, ҳаётбахшлигини таъминлайди. "Яхлит натижа" деганда нима тушунилиши керак? Жиддий равишда қачондир бирорта ҳам ёмон асар ёзилмайдиган давр келади деб бўладими?

Танқидчиликнинг ҳолатига бағишланган ўша мақолада: "**Қизиғи шундаки, янгича тажрибалар ўтказаётган қаламкашларни ҳали ўқувчи танимай туриб, улар ўзларига ўзлари модерн шоир сифатини бериб, ўзларини ўзлари тарғиб қила бошладилар**",- дейилади. Бу ҳолнинг нимаси "қизиқ"? Шоир ўқувчининг таниб олишини кутиб ўтиролмайди ва ўтириши керак ҳам эмас. Кейин, бирорта ёш шоир ўзини модернчиман деса, кимнинг асакаси кетади? Модернчи шоир бўлишнинг қандай имтиёзи бор ўзи? Модерн йўналишда ёзиш, ўз ҳолича, мукофот ҳам, жазо ҳам эмас. Бугун ўзини тарғиб қилаётган қаламкашни (Агар шундай шоир бор бўлса?) олқишлаш керак. Ахир, уни тарғиб этиши лозим бўлган олимнинг биттаси Э. Очилнинг қўлида калтакдан бошқа нарса кўринмайди. Шоирлар танқидчининг инсофга келишини кутиб, умрини ўтказиши керакми?

Мақолада Э. Очил: "**...шеъриятимизнинг қиёфасини ҳали-ҳануз анъанавий йўналишдаги шоирлар белгилаб келаётир. Лекин, тажжубки, бугун уларнинг асарлари бир чеккада қолиб, ютуғидан камчилиги кўп бўлган модерн шеъриятга мадҳу сано ўқиляпти**",- деб ёзади. Агар олимга анъанавий йўсиндаги шеъриятда кашфиётлар қилинаётган бўлиб кўринар экан, нега ўзи ўшалар тўғрисида ёзиб, бу кашфиётларнинг нимадан иборат эканлигини кўрсатиб бера қолмайди? Унга биров имкон бермаётирми? Бутун бошли мақолани модерн шоирларнинг "нуқсон"ларидан намуналар тўплашгагина бағишлаш ўрнига анъанавий шеъриятнинг ютуқларини тадқиқ этса, ҳаммага фойдали бўларди. Чиндан ҳам биздаги кўп асрлик шеърий тажрибаларнинг бугун ҳам гўзал мевалар бермаслиги мумкин эмас. Анъанавий йўлда поэтик кашфиётлар қилишнинг ҳам чексиз имкониятлари бор. Бу йўналишда ижод қилиб, бадиий мўъжизалар яратилаётгани ҳам тўғри. Уларни илмий таҳлил этиш, ютуқ ва камчиликлар илдизини топишга ҳеч ким қарши ҳам эмас.

Тан олишни истамай, ҳақиқатдан кўз юмган билан янги ўзбек шеъриятининг йўлини тўсиб бўлмайди. Бугунги миллий шеърият янгиланди, ингичкалашди, нозиклашди, ҳаётнинг нусхаси бўлиб, қарорларни қофияга солиш, одамларга қандай яшашни ўргатиш, ҳаётий инструкциялар бериш жўнлигидан қутулди. Минглаб йиллик поэтик тажрибани ўзида мужассамлаштирган ўзбек шеърияти бугун янги йўлдан шиддат билан кетмоқда. Анъанавий йўлда ижод қилаётган шоирларга модерн йўналишда ёзаётганларни қарама-қарши қўйиш, модерн поэзияни қабул этаётган танқидчиларга анъанавий йўсиндаги шеърият муаммоларини текшираётганларни қарши қўйиб тезлаш эса, сувни лойқалатиб, балиқ тутишдир. Эргаш Очил сингари олимларнинг анъанага бу хилдаги "меҳрибонлиги" шеърий авлодлар орасидаги усиз ҳам керагича маҳкам бўлмаган ипларни узишга хизмат қилади, холос. Модерн ижодкорларни мумтоз йўлдаги қаламкашларга қарши қўйиш, уларнинг ютуқлари ҳақида гапиришни анъанавий адабиётдан воз кечишга даъват тарзида талқин этиш учун адабиётга болта кўтариб кирган бўлиш керак. Ҳолбуки, бу майдонга гул билан келинади. Адабиёт осмони шундай чексизки, унда барча йўналишдаги юлдузларга жой етарли. Ва бу юлдузларнинг мартабаси "авждин қуйи инмагай".

Одам билган нарсаси ҳақида инсоф билан гапирса, фикри салмоқли ва фойдали бўлади. Чуқур билмаган нарса ҳақида жим турмоқ ҳам фазилатдир. Халқда: "Тишинг ўтмаса, тош чайнама",- деган нақл бор. Эргаш Очилнинг таъби модерн шеърни хуш кўрмаслиги мумкин. Ва бу унчалик катта айб ҳам эмас. Лекин бу ҳол олимга модерн йўналишдаги асарларни инкор этиш, мунтазам равишда таъқиб қилиш ҳуқуқини бермаслиги керак. Ўзига маъқул бўлмаган асардан айб топиш учун тухумдан тук қидиргандай тирноқлаб юриш олим тишининг ўтмаслигидан белгидир. Юксак тушунчалар ҳақида гапиришга тутинган киши интеллектуал-маънавий жиҳатдан ўша даражага кўтарилиши ҳам зарур. Намоз таҳорат билан ўқилгани каби миллат адабиёти ҳақида ҳам фақат эзгу ниятда холис фикр юритиш керак.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2004 йил 8 октябр

АНГЛАШНИНГ АЗОБЛИ ЙЎЛИ

Янгириш истаги

Англаш қобилияти одамни оламнинг сарвари даражасига юксалтиради. Олам ҳодисаларини, ўз фикру сезимларини, ўзгаларнинг ўй-хаёлларини англаш кишини Яратганни англаш сари етаклайди. "**Англаш**" сўзи замирида билишдан ташқари туйиш ҳолати ҳам мавжуд. Шунинг учун инсон ҳиссий-интеллектаул фаолиятининг олий кўриниши бўлмиш санъат ҳодисаларига татбиқан ҳам англаш сўзи ишлатилади. Миллатнинг ҳаёт кечириш, фикрлаш ва сезимлар тарзида рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар руҳига мослашиш учун киши ўзини бир қадар зўриқтириши лозим бўлади. Англаш ҳеч қачон енгил кечмаган. Ўзлик сари элтувчи ягона бу йил доим ҳам азоб билан босиб ўтилган. Фикр ва руҳнинг янгиланиши эстетик қарашларнинг ҳам тозаришига олиб келади. Инсониятнинг завқи ўзгариши билан азалдан ўзигагина хос бўлишга интилиб келган ижодкорлар бадиий тасвир йўсинини ҳам янгилашга тутинадилар. Чинакам бадиий асар доимо ундан олдин яратилганига ўхшамасликка интилиш натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Фикр, завқ ва диднинг янгиланиши бадиий ифода тизимини ҳам тўла ўзгартиришни тақозо этади. Адабиётда ўзгаришларнинг доимийлигидан бошқа ўзгармас нарса йўқдир. Модерн адабиёт инсон диди ва қарашларидаги ўзгаришлар ифодаси ўлароқ юзага келади. Олдинлари муваффақиятли ҳисобланган адабий шакл ёхуд услуб ўзлаштириб олиниб, унинг янги имкониятлари изланган бўлса, модернизмда олдин орттирилган тажрибаларни такрорламаслик асосий талабга айланади.

Миллий тафаккуримизга жаҳоний ижтимоий-эстетик қарашлар анча кучли таъсир кўрсата бошлаган XX аср бошларида ўзбек адабиётида уч берган модернистик изланишларни Чўлпон, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, У. Носир ижодида кўриш мумкин эди. Аммо бадиий ижод мафкурага тўлиқ бўйсундирилган, ижод эркинлиги бўғилган шароитда асосий хусусияти ҳар қандай қолипни инкор этишдан иборат бўлган модерн адабиётнинг эмин-эркин ривожланиши имконсиз эди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ижодий эркинликка бир қадар йўл берилгач, бу йўна-

лишдаги изланишлар қайта юз кўрсатди ва ўзбек адабиёти тараққиётининг кейинги даври тўлиғича модернистик тажрибалар билан ёнма-ён кечяпти. Р. Парфи, О. Мухтор, Т. Пўлатов, Ш. Раҳмон, М. Муҳаммад Дўст, Х. Дўстмуҳаммад, Т. Али, А. Қутбиддин, Азиз Саид, Б. Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Н. Эшонқул, Саломат Вафо, З. Мирза, У. Ҳамдам, А. Йўлдошев, Л. Бўри сингари адибларнинг эстетик қиммати юқори асарлари бунга мисолдир.

Ўзбек адабиёти мафкурадан холи бўлиб, ижод эркинлиги юзага келгач, адабиётда шаклий-мундарижавий экспериментлар кўлами кенгайди. Бу ҳол бадиий ижодда инжаликнинг ошиб, бир хилликнинг камайишига олиб келди. Эндиликда ўқиб идрок этиш унчалар осон бўлмаган роман, қисса, ҳикоя, достон ва шеърлар адабиёт қиёфасини белгиламоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётида модерн йўсиндаги бадиий тажрибаларнинг умуминсоний ва миллий илдизларини, намоён бўлиш йўлларини, тараққиёт тамойилларини, ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш ўта долзарбдир. Мазкур муаммо дунё фалсафаси ва адабиётшунослигида XX аср бошларидан буён А. Бретон, Р. Барт, Ж. Сартр, А. Камю, Ф. Маринетти, У. Эко, Х. Ортега-Гассет, Р. Уэллек, О. Уоррен, К. Эдшмид, Ф. Дюрремант, Г. Гессе, А. Дёблинг, П. Рикёр, Х. Мартинсон, Б. Паулсен, Э. Ховардсхолм, Д. Сулстад, Т. Элиот, Э. Фромм, М. Фриш, К. Макси сингари ёзувчи ва адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилган.

Шахсни англаш эҳтиёжи

Жамият аъзоларининг ички олами чуқурлашгани, кишиларнинг интеллектуал-руҳий савиялари кўтарилгани сари уларда индивидуал жиҳатлар яққолроқ намоён бўлаверади. Теран ўйлайдиган шахс танҳоликка интилади. Чунки унинг ўзи ва кўнгли билан қиладиган иши бор. Ўйсиз индивид учун эса, ёлғизликдан катта фожиа йўқ. Чунки унинг ўзи билан қиладиган иши тайинли эмас.

Бизнинг замондошларимиз теранлашиб, ўзига кўпроқ эътибор қаратаётир. Шу боис бугунги адабиётдан оммавийлик кутиш ўринсиз. Ҳозирги адабиёт индивидуал адабиёт бўлишга маҳкум. Чунки бугунги одамнинг ўзи — алоҳида шахс. Кечагина у бирор ижтимоий табақанинг вакили саналарди. Бугун у — ўз

шахсиятининг элчиси, ўз "мен"ининг вакили холос. Шахслиги теранлашмаган кишилардан иборат миллат аҳлининг қизиқишлари бир хил ёхуд бир-бирига яқин бўлади. Шахсияти чуқурлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшайди. Энди у тўдалаша олмайди, оломон бўлолмайди. Бу ҳолат одам учун, эҳтимол, саодат, балки фожиадир. Лекин шу жараён бораётганлиги аён. Бугунги адабиётнинг тасвир қамрови, таъсир кўлами ҳақида фикр юритганда шу жиҳатга эътибор бериш зарур. Норвег олими Э. Ховардсхолмнинг: "Санъатнинг оғирлик маркази ташқаридан ичкарига кўчди. Энди санъаткорнинг вазифаси объектив борлиқни акс эттириш эмас, балки борлиқ билан ўз бадиий олами қонунларидан келиб чиққан ҳолда муносабатга киришиб, соф субъектив санъат яратишдан иборатдир[1]",- деган фикрида рўй бераётган янгича фалсафий-эстетик жараёнга хос жиҳатлар кўзда тутилган. Бир замонлар бадиий асарларда кўтарилган долзарб муаммолар, ташқи эффектлар, қизиқарли сюжет кўпчилик одамларни ром этарди. Бугун ҳаммани бирдай қизиқтирадиган ҳаётий муаммо ҳам, барчага бир хилда ёқадиган бадиий асар ҳам, ҳаммани ром этган ифода усули ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки жамият аъзоларида шахслашиш кучайди. Шахснинг эса, унинг шахслигини таъмин этадиган ўзига хос алоҳида диди, қизиқишлари, ҳиссиёт тизими бўлади. Алоҳида шахслар томонидан, алоҳида шахсларга мўлжаллаб, алоҳида йўсинда битилган асарларнинг оммада бирдай қизиқиш уйғотиши мумкин эмас.

Адабиётнинг оммавийликдан тобора йироқлашиб боришига асосий сабаблардан бири унинг тўлиғича кўнгил ишига айланиб бораётганидир. Адабиёт асли яралишдан кўнгил рози эди. Нисбатан яқин даврлардан эътиборан, у ижтимоий турмуш муаммоларига аралашадиган бўлди. Бадиий адабиёт вақтида ўз зиммасига жамиятни ўзгартиришдай оғир юмушни ҳам олди. Чунки инсоният тараққиётининг у босқичларида коллектив руҳият, коллектив дид, коллектив қарашлар ҳукмрон эди. Аммо энди ижодкор ҳадеб атрофга аланглайверишдан, ўзгаларни текширишдан тийилиб, ўзига, ўз ички оламига назар ташлаб, ўз ру-

[1] Ховардсхолм Э. Модернизм. Исследование понятия в историко-философском плане. "Называть вещи своими именами" китобидан. – М.: "Прогресс", 1986. Б. 460.

ҳиятини тафтиш қила бошлади. Қизиққи, айнан ўзининг ички оламида ўзгаларга дахлдор, уларни ҳам қизиқтирадиган бир дунё жиҳатлар борлигини кўрди. Буни ҳисобга олмай, унинг сабабини ўрганмай туриб, бугунги адабиёт тўғрисида тўғри фикр юритиш мумкин эмас.

Кўнгилга зийнат, руҳга жило...

Инсоният бадиий тафаккури тараққиётининг ҳозирги босқичида соф санъат тамойили ҳеч кимга ғалати кўринмаслиги керак. Чунки ақли расо ҳеч бир инсон мамлакат аҳолисини кўпайтириш ёки унинг иқтисодини ривожлантиришга яроқли ишчи кучи етказиб бериш учун фарзанд кўрмайди. Эркагу аёлнинг бировга алоқасиз интим муносабати болани дунёга келтиради. Дунёга келган тирик бола энди, табиий равишда, фақат ота-онаники эмас, балки жамиятники ҳамдир. Эркагу аёл уни яратган бўлсалар ҳам, уни инкор этолмайдилар, йўқ қила билмайдилар. Чунки у – тирик жон, уни яшириб бўлмайди, кўрмаслик ва кўрсатмасликнинг имкони йўқ. Бола овқатланиши, ўқиши, ишлаши, хуллас, яшаши керак. Бугун пайдо бўлаётган бадиий асарларни шу болага менгзаш мумкин. Яъни у, аввало, муаллифнинг ўзигагина тегишли фикру туйғулар, кўнгил майллари натижаси ўлароқ туғилади. Туғилгач эса, у ўз умрига эга бўлади. Худди туғилган чақалоқ сингари у баъзан яшаб қолади, шуҳратларга кўмилади. Баъзан қуёш кўрмай нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Бадиий асар фақат "улуғ" ижтимоий мақсадлар йўлидагина яратилади, деган қараш бир ёқламадир. Чунки адабий асарни ижтимоий қатлам ёки гуруҳ эмас, балки истеъдодли одам яратади. Ўша истеъдодли шахснинг кўнглидан ўтмаган ижтимоий муаммо қанчалик долзарб бўлмасин, ўз ҳолича бадиий сўзга эврилмайди. Негаки, истеъдодли кишида ижодий кайфият ва илҳом ижтимоий муаммо туфайли эмас, кўнгил тебранишлари, руҳий мувозанатни бузадиган ҳиссий туртки сабабли пайдо бўлади. Турткининг қаердан ва қачон берилиши эса Яратгандан ўзга ҳеч кимсага маълум эмас. Чунки кўнгилнинг нимадан тебранишини, истеъдодли шахснинг руҳий мувозанати нима сабабли, қачон бузилиши ва қандай натижа беришини олдиндан билиб бўлмайди. Бадиий адабиёт кўнгил иши бўлгани учун

ҳам унда улуғ ва муқаддас туйғулар билан бир қаторда, тубан ҳиссиётлар, нозик инжиқликлар, кутилмаган тўлғамлар бўлиши мумкинлиги табиийдир.

Адабиётга залворли ижтимоий юк ортиш истаги ҳамма жойда, ҳар доим ҳам бўлган, аммо бу ҳол Ботишда маърифатчилар, Русда В. Белинский ва Н. Чернишевский сингари революцион-демократлар даврида қатъий тус олди. Шўролар даврига келиб эса, бадиий адабиёт тўлиғича сиёсий доктринага, ҳукмрон мафкуранинг бир бўлагига айлантирилди. Шу тариқа, адабиёт инсон ҳаётини ҳукмрон мафкурада кўзда тутилганидек ташкил этишга чақирувчи воситаси бўлиб қолди. Аслида эса, чинакам бадиий асар маиший турмушни яхшилаш йўлларини кўрсатиш учун эмас, балки кишини унинг муаммоларидан чалғитиш, овутиш учун яратилади. Айни вақтда, ижтимоий турмуш муаммоларига бевосита аралашиш натижасида ҳам бадиий асарлар пайдо бўлиши мумкинлигини қайд этиш керак. Яна бир жиҳати шуки, адабиёт, объектив равишда, одам ҳаётини енгиллатишга эмас, балки мураккаблаштиришга, қийинлаштиришга хизмат қилади. Усиз ҳам турмуш ташвишларига кўмилиб ётган одам адабий асарлардаги ўзига дахли йўқ кишилар тақдири билан танишади ва уларни деб изтироб чекади.

Инсон тирикчилиги учун бевосита керак бўлмайдиган нарсаларга интилган вақтдан эътиборан чинакам одамга айланади. Яшаш учун бевосита керак бўладиган озиқланиш, ҳимояланиш, кўпайиш каби эҳтиёжларни қондиришга ҳар қандай жонивор интилади ва буни қўлидан келганича уддалайди. Тириклиги учун бевосита керак бўлмаса-да, кўнгилга таъсир ўтказадиган маънавий-руҳоний қадриятларга эса, фақат одамгина эҳтиёж сезади. Шундай одамгина тан исканжасидан бир қадар озод бўлади, вужуд эҳтиёжидан юксалиб, руҳга боғлиқ истакларни туяди. Миллат, ватан, юрт сингари улуғ, миқёсли тушунчалар ҳам ижтимоий мақсадларнинг эмас, муҳаббат, эзгулик деб аталмиш юракка доир нозик туйғуларнинг тадрижий давомидир. Инсон туйғуларига кўчмаган қадрият қуруқ ҳавойи гап, холос. Ҳиссиётга эврилган тушунчаларгина ишлай бошлайди.

Бадиий адабиётга фақат инсониятни саодатга элтиши лозим бўлган ҳодиса деб қараш бир ёқлама ва одамни камситади-

ган ёндашувдир. Гўё қандайдир ижодкор одамларга тўғри йўл қаерда эканлигини кўрсатади, уни саодатга элтади. Ҳолбуки, дунёдаги чинакам истеъдод эгаларининг бирортаси ҳам тўғри йўл қаёқда эканлигини ўзгаларга кўрсатиш у ёқда турсин, ўзлари учун ҳам топа олмаганликларини айтиб келишади. Кейин, ижодкорнинг одамлар мен кўрсатган йўлдан юришлари керак, дея ўйлашининг ўзи камида нокамтарликдир. Ҳар бир истеъдод эгасининг бутун ижодий умри, жуда бўлмаса, ўз йўлини излаб топишга сарфланишига қарамай, у деярли ҳеч қачон топилмайди. Инсон рецепт билан яшай олмайди. Тарихда вариантлар такрори юз бермайди. Ахир, Толстойдай одам умрининг энг сўнгги кунига қадар ўзига йўл изламадими? У бирон марта инсониятни халос этишни, унга тўғри йўл кўрсатишни даъво қилдими? Бизнингча, чин бадиий асар ҳамиша ижодкорнинг ўзи учун излаган маънавий йўлнинг эстетик контурларидир. Бизнингча, ҳазрати Навоийнинг "***Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...***" мисраси билан бошланадиган таржиъбанди умри йўл излаб ўтган соликнинг андуҳлари ифодасидир:

Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар гаму меҳнатим.
Назар айла бу коргоҳ[1] вазъига[2],
Ки ортар тамошосида ҳайратим.
Қуёш, йўққи, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ[3] яқин бўлди, не ражъатим[4].
Не касби улум этти ҳал мушкулим,
Не тутти илик тақви-ю тоатим.
Топай деб хабар ушбу мақсуддин,
Туташти басе қавм ила суҳбатим.
...Менинг бошима бас қотиқ тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.

---

[1] Коргоҳ – 1. Ишхона. 2. Дунё.

[2] Вазъиға – тузилишига, қурилишига, тартибига.

[3] Мабдаъ – келиш, келиб чиқиш, асос.

[4] Ражъат – ортга қайтиш, кетиш.

Харобот аро кирдим ошуфта ҳол
Май истарга илгимда сингон сафол.

Бадиий адабиёт инсон руҳини уйғотиб, уни зулму зўравонликка кўникишдан, жўнликдан, жаҳолатдан, бефаҳмликдан, бетаъсирликдан халос этиши мумкиндир. Лекин шунга таяниб, яратилган ҳар бир асарга "миллат дарди", "Ватан манфаати", "эзгулик учун кураш" сингари муқаддас талабларни қўллайвериш ўринли кўринмайди. Асар ёзаётган одам ўз дарди, кўнгил истакларини бошқаларни такрорламаган ва ўзгаларга таъсир этадиган тарзда ифода қилишининг ўзи ижод эканлигини тан олиш зарур. Нобел мукофотини олаётганда сўзлаган нутқида А. Камюнинг санъат халққа ҳам, хосга ҳам эмас, қаршисида ҳамма тенг бўлган ҳақиқат ва эркка гина хизмат қилиши керак, деган фикрни қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас.

Модерн асарлар кўнгил зийнатлари ва руҳнинг мураккаб жилолари ифодаси ўлароқ пайдо бўлгани учун ҳам биз одатланиб қолган "улуғ мақсад", "юксак қадрият"ларга хизмат қилмайдиганга ўхшаб кўринади. Чунки бундай асарлар чиндан ҳам ижтимоий-сиёсий чақириқлар эмас, балки самимий дил изҳори эканлиги билан қадрлидир. Унинг ижтимоий қиммати ҳам, эҳтимол, ижтимоийлик даъвоси йўқлигидадир. Чунки айни шу хусусияти унга бадиий адабиётлик мақомини беради. Акс ҳолда, асар бадиий бўлмай, публицистика ёки сиёсий рисолага айланиб кетиши мумкин эди.

Кейинги вақтда айрим адабиётшунос ва ёзувчилар модерн йўналишнинг аҳамиятини пасайтириш, бундай асарларнинг миллий маънавий қадриятларга дахли камлигини асослаш мақсадида шу йўналишда ижод қилган ижодкорлардан «олабўжи» ясашга уринишмоқда. Уларга модернчи адибларнинг одамга хос иллатларни бўрттириб кўрсатишлари ёқмайди. Уларга бу ҳол "инсонпарварликдан юз ўгириш"га ўхшаб туюлади. Жумладан, таниқли ёзувчи П. Қодиров «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 26 март сонида босилган «**Маънавият, модернизм ва абсурд**» мақоласида муштарийларни модернга маҳлиё бўлаверишдан тийиш, ўзи айтмоқчи «анъанавий» адабиётнинг ҳам чакки эмаслигини асослаш мақсадида Жеймс Жойснинг «ғалати» шахсиятига, унинг одамни, одамиятни ёмон кўришига, бу ҳол унинг машҳур «Уллис» асарида қандай ифо-

даланганлигига тўхталади. Ёзувчига Жойснинг одамларга нописандлик билан қараши, уларнинг иллатларини бўрттириб кўрсатиши ёқмайди. У ўз фикрини Г. Уэллс, Р. Оллингтон, Э. Далберг сингари адибларнинг қарашларини келтириш билан мустаҳкамлайди. П. Қодиров ёш ёзувчи Т. Рустамовнинг «Капалаклар ўйини» романи қанчалик ночор ва зарарли асар эканлигини асослаш учун шунчалик узоқ йўл босади. Аслида, мақола муаллифи ёш ёзувчининг биринчи романи қай жиҳатлари билан ночор эканлигини таҳлил қилса, устоз адиб сифатида тасвирдаги ожиз ўринларни кўрсатиб, уларни бартараф қилиш йўлларини ўргатса, маъқул бўларди.

П. Қодиров асар қаҳрамонлари табиатида фазилат эмас, балки иллат кўпроқ акс эттирилганини асосий камчилик билиб, буни модернчи Жойснинг таъсири, унга эргашиш натижаси деб ҳисоблайди. Оқсол адибимиз ёзади: «**Инсон зотини эшакдан ҳам паст қўйиб, бу қадар аёвсиз ерга уриш модернизм таъсирига берилиб, инсонпарварликдан юз ўгиришга ўхшайди**». Муаллиф Камю, Жойс, Кафка, Маркес, Борхес сингари буюк гуманистлар амал қилган модернистик йўналиш нима сабабдан «**инсонпарварликдан юз ўгириш**» эканлиги изоҳлаб ўтирмайди. Аслида, бирор адабий йўналишнинг таъсирига берилиш ёзилган асарнинг ютуғини таъминламаганидек, камчилигига ҳам сабаб бўлолмайди. Бўш чиққан асар ҳақида ёзмоқчи бўлиб, қўлига қалам тутган одам унинг сабабларини кўрсатиб бергани тузук бўларди. Бунинг ўрнига, П. Қодиров: «...**Капалаклар ўйини»да ҳамон ўша Жойснинг нигилизмига, ўринсиз киноя ва масхараларига тақлид қилиш ҳоллари кўп учрайди. Муаллиф Тошкент вақтини «Бақаҳовуз вақти» деб ўзгартиради. Ҳатто киноя тарзида «Бақаҳовуз ҳақиқати» деган газета борлиги ҳам такрор-такрор қайд этилади**»,- деб ёзади. Бир вақтлар бу хилдаги айбловлар билан Т. Рустамовни космополит сифатида жуда узоқларга жўнатиб юбориш мумкин эди. Яхшиямки, эндиликда адабиёт, асосан, адабиётчиларнинг юмушига айланиб қолди. Лекин ижодкорни миллат ва унинг маънавиятига ёт одам сифатида кўрсатишдан тийилиш керак. Миллат ва халқ номидан гапириш ваколати ҳеч кимга берилмаган. Пиримқул акадай одам тарихнинг қонли сабоқларини жуда тез унутиб юборгани ғалати.

Ҳолбуки, миллат ўзини таниш босқичига кирган, ўз ҳолини яхшилашга астойдил уринаётган вақтда унинг етук фарзандла-

ри ҳамиша ҳаётдаги камчиликларни тасвирига кўпроқ эътибор қаратишган. Аслида улуғ модернчи адиблар ҳам худди сўфийлар сингари инсониятни нуқсонсиз кўрмоқни исташади. Шу боис иллатли табиат эгаларини аёвсиз танқид қилишади. Ҳазрат Навоийнинг "**Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон Чекма меҳнат яхши бўлмас ҳеч касофат олами...**" ёки "**Бу эл эрур барча ёмондин ёмон, Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон**", "**Одам авлодида камдур одамийлиқ шеваси**" сатрларини, Турдининг: "**Мусулмон билма асло ҳеч мазҳаб қавлида ўзбак**" ёки "**Атолур ҳожи кофир Макка бориб, ҳаж қилиб келса, Ки ҳаргиз ўзга бўлмас, ҳақ йўли юрган билан эшак**" сингари мисраларини ҳам инсонни ҳақоратлаш, миллатга менсимай қараш намунаси дейишга тўғри келади. Гап шундаки, айрим кишилар онгида шўроча "анъанавий" қараш: кўпчилик ҳамиша ҳақ, омма адашмайди, унинг истаги доим тўғри, унга қарши бориш шаккокликдир, деган қараш қотиб қолган. Ҳаёт ҳамиша кўрсатиб келмоқдаки, аксар ҳолларда кўпчилик эмас, айнан алоҳида етук шахслар Ҳақ ва ҳақиқатга яқинроқ бўлишади. Исломдай ҳақ дин жорий этилаётганда ҳам расулуллоҳ ёлғиз бўлганлар ва кўпчилик у кишига қарши эди. Шунинг учун ҳам халқни танқид қилишларига сабаб модернчи ижодкорларнинг ғайриинсонийлиги эмас, айнан одамларни комил, бутун кўриш истаги эканини тушуниш лозим. Акс ҳолда, Озарбайжон адиби Муҳаммад Ҳодийнинг: "**Муҳаббатлар муваққатдир, адоватлар ҳақиқатдир, Адолат қайда, лекин зулму ваҳшатлар ҳақиқатдир**",- деб ёзғирганини, ўзга бир озарбайжон шоири Самад Вургуннинг:

Фалакдан интиқом истар, жўшиб руҳимда бўронлар,
На инсофни, на виждонни билар, ё, раб, бу инсонлар.

Ёз, эй Вургун, яна жўшсин бугун оламда тўфонлар,
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тор-мор ўлсун,-

дея тортган қонли оҳларини ҳам инсонга душманлик тарзида изоҳлаш лозим бўлади. Ваҳоланки, бу иддаолар айнан инсонга бўлган буюк муҳаббат самараси ўлароқ туғилган.

П. Қодиров ўша мақоласида А. Қутбиддиннинг "Изоҳсиз луғат" достонида миллат аҳлининг кескин танқид қилинишини ҳам қоралайди. Шоир достонда жонкуяр ва ҳақгўй бир ўғил

сифатида миллатнинг ҳашаротлар каби майдалашувидан ўртанишларини ифодалаган. Замонавий ўзбек достончилигида айни шу "Изоҳсиз луғат" асаридан эътиборан одам руҳиятини янгича йўсинда акс эттириш босқичига ўтилиб, одам воқеалар фонида эмас, балки воқеалар одам руҳияти фонида берилади-ган бўлди. "Изоҳсиз луғат" ўзбек достончилигида одамни оқибат эмас, балки сабаб сифатида тасвирлашни бошлаб берди. Шоир мустамлакачи шўро замонидаги забун одамни акс эттиради, аммо бутун миллатни кўзда тутади. Чунки забун ва ўзини қул қилишларига кўниккан миллат алоҳида одамлардан иборатдир. Одам тушган ҳолати учун ҳамиша ўзи сабабчидир. Миллат ҳақида ҳам, ҳеч шубҳасиз, шу гапни айтиш мумкин. Озодлик, эрк ва саодат ҳеч қачон ҳеч кимга биров томонидан берилмайди. Уни ҳар бир одам ва ҳар бир халқ ўзи учун ўзи қўлга киритиши керак. Ўз эркинлигини таъминлай олмаган кимсалардан иборат халқ танқид ва ёзғиришга лойиқдир. Унинг миқдори неча миллион эканлиги муҳим эмас. Шоир достонда сиёсий ёки ҳуқуқий озодликни эмас, руҳ ҳурлигини кўзда тутади. Руҳи кишанланган одам озодлик салтанати тепасида ҳам қуллигича қолаверади.

Гуманизмни тўғри тушуниш ҳам модерн адабиётдаги танқидий йўналишни англаб етиш имконини беради. Тўғри, гуманизм инсонпарварликдир, лекин буни бир ёқлама талқин этишдан сақланиш зарур. Гуманистлар дуч келган қиёфасиз одам эмас, балки юксак ахлоқий фазилатларга интилган, руҳини юксалтиришга уринган комил инсонгина севишга лойиқ эканини айтганлар. Улар Аллоҳнинг иродасига қарши бориб, эзгуликка тўғаноқ бўлган ёвуз одамлардан қутулишга чақирганлар. Гуманизм — учраган одамга кўр-кўрона муҳаббат изҳор қилиш эмас. Чунки айнан инсонпарварлик сабаб Хисрав, Шеруя, Сурхайил, Кўкалдош, Ҳомид, Содиқ сингари бадиий персонажлар кишининг нафратига нишон қилиб тасвирланади. Чунки гуманистик ёндашув инсонга муносабатнинг ахлоқий асоси вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг юксалишини истаб, унинг маънавиятидаги нуқсонларга муросасиз бўлган модернизмни антигуманизмда айблаш тўғри эмас. Модернизмда фақат нигилизмни, антигуманизмни кўриш ҳақиқатдан кўз юмишдир.

Абсурдда маъно борми?

Бизда айрим тадқиқотчилар, баъзи адиблар модернизмнинг моҳиятига жиддийроқ қарамаганликлари сабаб уни гоҳ постмодернизмга, гоҳ абсурдга, гоҳ символизмга қарши қўйишга уринишади. Ҳолбуки, юқорида саналган оқимларнинг бари адабиётдаги модернистик йўналишнинг тармоқларидир. Бинобарин, уларни бир-бирига қарши қўйиш сабабни оқибатга қарши қўйишга ўхшаш самарасиз юмушдир. Баъзан матбуотда абсурд адабиёт намояндаси А. Камю модернчи Ж. Жойсга, "постмодернчи" Х. Дўстмуҳаммад модернчи Т. Рустамовга қарши қўйилгани кўзга ташланади. Ёзувчи П. Қодировнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида айни ҳолат намоён бўлган. Тажрибали ёзувчининг: **«Шу билан бирга, тушкунликка тушган ва нигилизмга берилган анъанавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган бағрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайрихоҳ бўлишимиз керак деб ўйлайман»**,- қабилидаги фикри кишида ғалати таассурот қолдиради. Аввало, модернизмнинг анъанавий тури борлиги кишини ҳайрон қолдиради. Чунки муҳтарам адибнинг ўзи айни шу мақолада модернизм мавжуд анъаналарни бузиш, уларга зид йўсинда ижод қилиши билан ғашга тегадиган йўналиш эканини айтади. Айни вақтда, постмодернизмнинг модернизмга қараганда «бағрикенг» ва «хайрихоҳ бўлишимиз»га лойиқроқлиги нимада эканлигига бир оғиз ҳам тўхталмайди. Ҳолбуки, "постмодернизм" номининг ўзиёқ унинг модернизмдан кейин, ундан келиб чиққанини кўрсатиб турибди. Ширин мевасини еган одам оғочини кесиб ташламайди. Агар Жойс, Кафка, Пруст, Камю сингари адиблар ва уларнинг дунё эстетик тафаккурини янги йўлга буриб юборган асарлари модернизм йўналишида битилганидан кўз юмилмас экан, унинг истиқболсиз ва миллий нигилизмдан иборатлиги ҳақида ҳам эҳтиётроқ бўлиб гапириш, уларни бир-бирига қарши қўйиб, унинг оловига исинишга уринмаслик керак.

Шуни таъкидлаб айтиш лозимки, абсурдни модернизмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизм оғоч бўлса, абсурд – унинг меваси. Мевани дарахтга қарши қўйиш ақлдан эмас. Одам ва қисмат, шахс ва тақдирбитик ўртасидаги муносабат тадқиқи, хоҳ фалсафада бўлсин, хоҳ адабиётда, ўз-ўзидан абсурдга олиб келади. Негаки, одам ақли етган ҳодисани изоҳлай билади, ман-

тиқий ниҳоясини кўриши мумкин бўлган ҳолатларда башорат қила олади. Аммо у ҳеч қачон ўз тақдирни била олмайди. Киши ҳаёти исталган бир сонияда мутлақо кутилмаган ва башарий мантиққа мувофиқ бўлмаган ўзанга тушиб кетиши мумкин. Абсурд айни шу ердан, яъни инсон ожизлиги яққол кўриниб қолган ўриндан бошланади. Гап жамият тартибларида, сиёсий тузумларда эмас. Айримлар абсурдлик илдизини нобоп ижтимоий тузумдан қидирмоқчи бўлишади. Аслида, ҳамма гап ақлига, ғайратига ортиқча ишониб, тиним билмай, зўриқиб, ўзига-ўзи қисмат тайин этмоқчи бўлган одамнинг ўзида. Одам қаноатга келса, ўз қисматини ўзи тайин этолмаслигини, чиранишлари беҳуда, яъни абсурд эканлигини тан олса, абсурд тугайди. Чиндан-да, абсурд маънисизлик, лекин тузумнинг, ҳаётий тартибларнинг маънисизлиги эмас, балки одам умри, қисмати, пешонаси, уринишларининг мутлақ тақдир олдидаги маънисизлигидир. **Абсурд адабиёт, айримлар ўйлаганидек, адабиётнинг маънисизлиги эмас, балки маънисизликнинг адабиётидир.**

Одам – яралишидан тақдирга асир, банди. Шунинг учун у банда деб аталади. Маълумки, "банда" – банди, қул демакдир. Одамнинг ўз қисматини тайин этишдаги иштироки даражаси унинг умри маънисизлигини – абсурдлигини юзага келтириб чиқараверади. Адабиёт чуқурлашавергани сайин унда абсурд тасвири теранлашаверади. Бу – қонуният. Моддий тўкислик, сиёсий озодлик, ҳуқуқий эркинлик, ижтимоий тартибларнинг ақлга мувофиқлиги одамзотни абсурддан халос этолмайди. Абсурдни англаш, уни фожиа тарзида қабул қилиш киши ёки ижтимойи қатламнинг фалсафий қарашлари тизимига боғлиқ. Ҳамиша ўзига ишонган, ўз тақдиримни ўзим яратаман деб ўйлайдиган Ботиш аҳли билан бошданоқ қисматни тан оладиган, тақдирда белгиланганидан ташқарига чиқолмаслигини теран англайдиган мўмин дунё тартиботини тамомила бошқача англайди. Ана шу англамлардаги ўзига хослик ва бу ўзига хосликнинг оригинал бадиий тажассуми тадқиқ этилиши керак.

Қаноатсиз одамга тириклиги ҳамма замонларда ҳам маънисиз туюлган. Чунки одам ўз ҳаётини ўзи бошламагани сингари, уни хоҳлаган йўналишга буриб юбориш, истаганда тугаллаш ҳам унинг ихтиёрида эмас. Қисматни ўзгартириш йўлидаги уринишлар перипетияни, яъни тескари натижани келтириб чиқаради. Шоҳ Эдипни эслайлик: у тақдирга чап бераман деб, тад-

биркорлик қилгани сайин фожиаси чуқурлашаверади. Тақдир ишига аралашмоқ, уни ўзгартирмоқ одамнинг қўлидан келмайди. Барча мутасаввуф адиблар шундай бўлишини яхши билишган ва тақдирга тадбир кўрадиган эмас, балки унга пешвоз чиқадиган қаҳрамонларни тасвирлашга эътибор қаратишган. Шунинг учун ҳам Фарҳод ўлимдан қўрқмайди ҳам, қочмайди ҳам, балки унга интилади. Чунки у қисматининг Хусрав эмас, қудратли ЗОТ томонидан тайин этилишини билади.

П. Қодиров шу мақоласида Албер Камю ижодини умидбахш гуманизмнинг намунаси сифатида тушунганини таъкидлайди. Ҳолбуки, айни шу адибнинг қарашлар тизими бизнинг маънавиятимизга тамомила зиддир. Лекин бу унинг асарлари зарарлидир дегани эмас, асло. Камю инсон ҳаёти ўз ихтиёрида бўлмаганлиги учун бошидан охирига қадар маънисиз деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у ўз-ўзини ўлдириш ҳуқуқини инсоннинг қисмат олдидаги улуғ имкониятларидан, исёнларидан бири деб билади. Ва у онгли умри давомида одамга шундай ҳуқуқ берилиши учун кураш олиб борган. Камю ўз ҳаётининг мазмунини: **"Менинг исёним, менинг озодлигим ва менинг эҳтиросларим"**,- дея белгилайди. Унинг "Бегона" ва "Вабо" асарларида одамнинг уринишлари, интилишлари бирор самара бермаганлиги тасвирланганига сабаб ҳам шунда.

Абсурд кишида умид тамомила узилган жойда пайдо бўлади. Мўмин эса, асло умидсиз бўлолмайди. Ҳар бир мўмин "ноумид – шайтон" эканлигини яхши билади. Яъни кўнглида Аллоҳга эътиқоди собит бўлган, ўзининг яратганга қул мақомида эканлигини англаган одам абсурд фалсафасини қабул этолмайди. Негаки, исломий қараш кишига Яратган иродаси туфайли энг оғир вазиятдан ҳам халос топиш мумкинлигига ишонч туйғусини беради. Мабодо, бу ёлғон дунёда саодатга эришмаса, нариги чин дунёда етишига умид уйғотади. Мўминни ҳамма нарса тарк этиши мумкин, лекин умид ҳеч қачон тарк этмайди. Умид ипининг буткул узилмоғи, мўминлик риштасининг ҳам кесилмоғидир. Бизда аҳволи оғир касал ҳам ҳолим ёмонлашди, демаслиги шундан.

Мўъжизага умид қилмайдиган, ўз ҳаётининг ҳар бир бурилиш нуқтасини инсоний ақл ёрдамида англаб етишига, унга таъсир кўрсата олишига ишонган одам ўзининг рационал имкониятлари тугагандан сўнг нима қилишини билмай қолади. Ўз тафаккури кучига ортиқча баҳо берган Ботиш кишисигина аб-

сурд йўлига киради. Абсурд – боши берк кўчага кириб қолган одамнинг қарашлари. Абсурд адабиёт – ана шундай киши ҳақида ёзилган битик. Демак, ўзбек адабиётида абсурднинг кўринишлари ҳақида гапириш аслида йўқ ва бўлиши ҳам гумон нарса ҳақида фикрлашдир. Модернизмнинг ўзбекона кўриниши бўлиши мумкин ва бор. Лекин абсурднинг ўзбекчаси бўлмайди. Чунки ўзбек Яратганга таваккал қилади, унинг чексиз қудратига ишонади, унинг имдоди ҳам, жазоси ҳеч ким кутмаган йўсинда бўлишини билади.

Баъзи кишилар А. Камюнинг "Вабо" романидаги каламушларнинг вабо тарқатиши тасвирини абсурд ифодаси, деб тушунади. Ҳолбуки, асарда вабога қарши курашиш, уни бартараф этишга уриниш абсурд экани ифодаланган. Одамлар қанчалик тадбир кўрмасинлар, ҳаракат қилмасинлар на вабонинг олдини олиш, на унинг ёйилишини тўхтатиш мумкин бўлади. Вабо одамларнинг тадбирлари туфайли эмас, балки қандай кутилмаганда бошланган бўлса, шундай мутлақо номаълум ва тушунарсиз йўсинда тугайди. Камюни қийнаган нарса ҳам айнан сабабни тушунишнинг мумкин эмаслигидан иборат эди. А. Камюнинг қарашлари исломий асосларга таянган биз ўзбеклар учун оламдаги барча фалсафий-эстетик қарашлардан кўра бегонароқдир. Негаки, абсурд – исёнга асосланади. Унинг назарида, инсоннинг мутлақ озодлигига зид келадиган ахлоқ ҳам, ижтимоий тартиботлар ҳам, дин ҳам зулмдир. Тақдир, қисмат-ку, энг катта золимликдир. Чунки у инсонга озод бўлиш имконини бермайди.

Абсурд – адабий йўналиш ҳам, бадиий услуб ҳам эмас. У ёзувчи дунёқараши ва эътиқодининг бадиий тазоҳиридир. Шунинг учун ҳам имонга эга ўзбек адибларининг битикларидан абсурдни қидириш зўракиликдир. Ўзбек адиблари абсурд унсурларидан тақдирнинг кучи ва Яратганнинг қудратини кўрсатиш мақсадида фойдаланишган бўлишлари мумкин. Яъни Ботиш адиблари абсурдни дунё тартиботининг маъносизлигидан, исломий қарашларга таянган адиблар эса, одамдаги ортиқча чиранишларининг маънисизлигидан қидиради. Шуни айтиш керакки, абсурд ёки унинг унсурлари бўлиши бадиий асарнинг етуклигини англатмаганидек, ночорлигини ҳам кўрсатмайди.

Абсурд – кечаги кундан кўнгли қолган, бугундан юз ўгирган, эртадан умид қилмайдиган Ботиш одамининг кўнгил ҳолати. Бу одам – борликни (борлиқни эмас) сабаб-оқибат муносабатлари

фонида кўришга, олам ва одамда юз бераётган ҳар қандай ҳолату ҳодисани изоҳлашга, ҳар бир ўзгариш сабабини кўриш ва тушунтиришга даъво қиладиган, тақдирида рўй берган кутилмаган ҳолатни шахсига қилинган тазйиқ сифатида қабул этадиган, мутлақ эркинликни талаб қиладиган ношукурроқ кимса. Исломга топинган бандада бундай даъво бўлмайди. У ўз имкониятини билади, Яратгандан норози бўлишдан, унга исён қилишдан қўрқади. Мўмин киши ўзини оламнинг маркази санамайди. Ботиш кишиси эса, ўзини дунёнинг ўқи деб қарайди. Бу ҳол кишилар руҳиятига, одат ва қарашларига сингган. Ҳатто, грамматика ва саноқ йўсинида ҳам акс этади. Чунончи, инглиз тилида "мен" маъносини ифодалайдиган "*I*" сўзи, биргина товушдан иборатлигидан ташқари, гапнинг қаерида келишидан қатъи назар фақат бош ҳарф билан ёзилади. Шунингдек, кунботишдагилар машина ёки телефоннинг номерларини бизга ўхшаб жуфтлаб ёхуд гуруҳлаб эмас, балки алоҳида рақамлар сифатида эслаб қолишади.

Абсурд адабиётнинг моҳиятини англамаганлиги учун ҳам таниқли ёзувчимиз: "Афсуски, Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотўғри талқин этувчилар бор. Улар ҳаётда абсурд бўлгани каби, адабиётда ҳам абсурд асар, абсурд ижод бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, Камю ҳаётдаги абсурднинг ғайриинсоний моҳиятини доим ёдда тутишга ундайди. У абсурд оқимга тушиб нишабга қараб оқишни эмас, балки абсурд оқимига қарши сузиш зарурлигини ...таъкидлайди[1]",- дейди. Муҳтарам ёзувчимизнинг гапига қараганда, абсурд адабиётнинг асосчиси Камюнинг ўзи тузук экан-у у асос солган абсурд адабиёт "ғайриинсоний" моҳиятга эга экан. Агар А. Камю абсурдга қарши сузишни маъқул кўрса, абсурд йўсинда фикрлаб, шу тарзда ижод қилишида қандай маъно қолади? Ўзини билган ҳар бир одамга маълумки, абсурд ижод, абсурд асар бўлмайди. Чунки яхшими-ёмонми ҳар қандай асарнинг яратилишида маъни бор. Абсурд дунёқарашнинг натижасида юзага келган асарларни умумлаштириб, «абсурд адабиёт» ҳақида гапириш мумкин, лекин муайян бир асарни абсурд деб бўлмас. Негаки, ҳаёт маънисиз, деб қаровчи эътиқоднинг самараси ўлароқ юзага келган битикни беъмани дейиш ўринсиз.

---

[1]Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд. «ЎзАС», 2004 йил 26 март.

Абсурдни маънавиятга эмас, балки имонга қарши қўйиш мантиққа мувофиқ бўларди. Чунки абсурд адабиётнинг намуналарида айнан маънавият масаласи, инсоннинг руҳоний қирралари акс эттирилади. Лекин маънавият муаммолари имонга зид келадиган, Яратганга исённи ифодалайдиган тарзда тасвирланади. Абсурд йўналишдаги файласуф ва адиблар инсоннинг ўз ҳаётига ўзи хўжайин бўлолмаслигидан ёзғиришади. Улар одам истаган вақтда ўла олиш даражасигача эркинликка эга бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам А. Камю назарида: "...ўзўзини ўлдириш дунёдаги биргина жиддий фалсафий масала"дир.

Абсурд – маънисизлик, абсурд адабиёт – маънисиз адабиёт. дейишнинг ўзи бемаъниликдир. Абсурд атамасини араб сўзи билан таржима қилиб бўлмайди. Бу сўзини соф ўзбекча қилиб ***англамсизлик***, абсурд адабиётни эса ***англамсизлик адабиёти*** тарзида аташ тўғрироқ бўлади. Чунки шунда илоҳий ақл асосида яратилган ва бошқарилаётган дунёни башарий ақл билан тўла англаб етиш мумкин эмаслиги кўзда тутилган бўлади. Дунё моҳиятини тўлиқ англаб олиб, шунга мувофиқ яшамоқни даъво қиладиган кибрли банда охир-оқибат англамсизликка боради. Яъни у олам тартиботини англай олмаслиги орқали ўзининг нақадар ожиз яратиқ эканлигини билади. Ўз ҳаддини биладиган собир ва шокир шахс ҳеч қачон оламни англамсиз ҳисобламайди. Чунки у чексиз Ирода борлигини, бутун олам ана шу Ирода томонидан англанган ва белгиланган тартибда мавжуд эканлигини, ўзининг ҳам ундан ташқарида бўлолмаслигини билади.

Абсурдни одамнинг ҳаётидан эмас, унинг фикрлаш йўсинидан қидириш лозим. Чунки ҳаёт қандайлигидан қатъи назар ҳеч қачон абсурд бўлмайди. Тўғри, у кимларгадир маънисиз туюлиши мумкин. Масалан, инсон ақли билан руҳни англаш ва изоҳлаш мумкин эмаслиги Қуръони Каримда айтилган. Лекин одамзод айнан шуни билгиси, тагига етгиси келади. Етолмагач: "Англолмаслик буюрилган экан",- деб қўя қолмай, руҳ деганларида маъни йўқ экан, деб даъво қилиши мумкин. Бас, ўз истакларида чегара билмайдиган кимсаларнинг инжиқлиги деб одамзод ҳаётини абсурд ҳисоблаш маъқул эмас.

Ўзбек модернчиларининг айрим кишиларни норози қилган: **"Менга дўст керакмас душмандан бошқа, муҳаббат керакмас нафратдан бўлак"** сатрларининг абсурдга мутлақо алоқасиз йўқдир. Улар – иложсизлик ва нафратнинг эмас, балки талабчан

қалбдаги улкан муҳаббатнинг мевалари. Шу боис бу сатрларни англашга уриниш учун тасаввурни бир оз зўриқтириш керак. Парадокс йўсинидаги бу фикрларни ушлаб олиб: "...Наҳотки ўз суйган аёли билан нафрат асосида турмуш кечирса!"- дея аюҳаннос солиш адабий жўнликдир. Бундан ташқари, кимдир душмандан бошқа дўст истамаётган экан, қўйиб бериш керак. Ўзи бир кун душман излашдан зерикиб, дўст ҳам қидириб қолар. Ахир одамзод дунёда охирги кун яшаётгани йўқ-ку?Бобур Мирзонинг машҳур: "**Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим**" мисраларида ҳам муҳаббатга элтувчи нафрат акс этган. Шоҳ шоир сатрларида инсонни комил, маънан юксалган ҳолда кўриш истаги ётибди. Назар Эшонқулнинг бир муносабат билан айтган: "**Фожиа руҳни янгилайди, қарашларни ўзгартиради, янги воқеликни яратади, эскисини инкор этади**",- сингари қаноатида ҳам ҳеч қандай маънавий бузилиш йўқ. Гап бу ўринда жисм ҳалокати, ўлим ҳақида эмас, руҳиятдаги кучли тўлғоқлар натижасида юракда эзгулик олови ёниб, киши ичидаги ёмонликнинг синиши, одам ўзида янгиланишга ярайдиган куч топишга уриниши, ана шундай қудратли ва покловчи изтироблар туфайли юзага келадиган тозариш – "катарсис" ҳолати ҳақида кетмоқда. Театрдаги фожиа ҳам шунчаки томоша қилганда ҳузур бериши билан эмас, балки айнан улкан руҳий изтироблар орқали қалбни тозалаши билан аҳамиятлидир.

Модерн йўналиш белгилари

Ҳозирги ёзувчилар мутафаккирлик, жамиятга тўғри йўл кўрсатиш, миллатга бошловчилик қилиш даъвосидан жуда йироқдирлар. Чунки одамларнинг бировлар етагида юрадиган даври ўтиб кетди. Энди ҳар одам "**ўз қалбига ўзидир хоқон**". Олдинлари кўпчиликнинг борадиган манзили бир эди. Чунки қизиқишлар ҳозиргидай хилма-хил эмасди. Энди ҳар бир одам — алоҳида бир дунё. Эҳтимол, бутун дунёга қараганда биргина одам мураккаброқдир. Одамнинг мартабаси ўзгарди. У тарихнинг ижодкорига айланди ва ўз ички оламига кўпроқ назар ташлашга ўрганди. Ҳозирги одамлар ҳамма билан бир жойга боришни, бир қўналғада қолишни истамайди. Энди одамзодни бошқариш, ақл ўргатиш эмас, балки тушуниш ва англаш керак бўлади. Шунинг учун

бугунги кунда адабиётнинг ижтимоий функциясига ортиқча баҳо бериш ҳам, бадиий асардан фақат социал мазмун кутиш ҳам ўринли бўлмайди.

Адабиётга қай йўл билан ривожланиш зарурлигини, адибга қандай ёзиш кераклигини ўргатишдай ярамас одатнинг яшовчанлиги, бу ҳолнинг адабиётшунослар ҳамда ижодкорлар орасига ҳам ёйилганлиги ачинарлидир. Бу ҳол ҳалигача сиёсий ёрлиқлар ёпиштириш, мафкуравий тамғалар босишнинг давом этишига олиб келмоқда. Айримларнинг модернизмни маънавиятга қарши қўйиши, бу йўналишда битилган асарларни ғояси ёт дея шовқин кўтариши шундан далолатдир. Ҳолбуки, ҳозир ижодкор ўз кўнглидан бошқа ҳеч ким олдида масъул эмас. Ёзувчига қандай ёзиш, қандай ёзмаслик кераклиги тўғрисида кўрсатма бериш, бадиий ижод моҳиятига ҳам, ҳуқуқий жамият тартиботига ҳам зиддир. Қандай ёзишини ижодкорнинг ўзига қўйиб бериш керак. Санъаткорнинг ижод эркинлигига дахл этиш ва унга йўл кўрсатишдан тийилингандагина адабиёт чинакамига эркин бўлади.

Фалсафий қарашлар тизимида собитликнинг йўқлиги, эътиқоднинг қатъий эмаслиги кишини ғоят чигал ҳолатга солиб қўяди. Фалсафий қараши қатъий бўлмаган одам марксизмни тинимсиз сўка туриб ҳам марксистлигича қолавериши мумкин. Адабиётчилар орасида Марксни инкор этадиган марксчиларнинг улкан лашкари мавжуд. Улар ўзларини шундай деб ҳисоблашмайди, албатта. Лекин моҳият аслича қолаверади. Шунинг учун ҳам айримлар ўзларини одамларга таъсирланиш, фикрлаш, ижод қилиш йўлларини ўргатишга ваколатли деб билишади. Ўзлари тушунмаган ёки кўнгилларига ўтиришмаган ҳар қандай ҳодиса, тушунча, қарашни ёт ва ёв санаб, уларни Ватан, миллат, маънавият номидан қатағон қилишга тутинишади.

Жаҳон адабиёти ва санъатига минглаб сара асарлар берган модерн йўналишни ўзбек маънавиятига зид деб қараш эстетик зўравонликдир. Энди одам ва унинг қизиқишлари турфалашди. Атрофни ўрганишдан ўзини текширишга ўтган одам томонидан шундай кишилар ҳақида яратилган бадиий асарлар ўзига хос ва қолипга тушмайдиган қиёфа касб этаверади. Хосе Ортега-и-Гассет "Санъатнинг ноинсонийлашуви" асарида: "Янги санъат – бу асл бадиий санъатдир",- дейди. Асл бадиийлик ҳеч қачон оммавий бўлмаган. Бундай санъат ҳаммага тушунарли ҳам, ҳаммага маъқул ҳам бўлолмайди. Шўровий мафку-

ра таъсирида санъатга санъат деб эмас, балки ҳаётнинг давоми, унинг қисми деб қарашга одатланилган. Энди ҳаётга ўхшамайдиган, уни акс эттирмайдиган, балки ўз ҳолича янги эстетик ҳаёт саналадиган чинакам санъат асарлари яратила бошланди. Бунинг учун ижодкорларда экспериментлар қилиш, синовлар ўтказиш, изланиш, хатолар қилиш ва уларни тўғрилаш имкони бўлиши керак. Биз атай "бериш керак" демай, "бўлиши керак" бирикмасини қўлладик. Зеро, кимнингдир томонидан берилган нарса, вақти келса, олиб ҳам қўйилиши мумкин-да!

Эътибор қилган кишига бугунги ўзбек модерн адабиётининг 1) санъатнинг ижтимоий хизматкорликдан узоқлашаётганлиги; 2) муайян қолипларга тушмасликка интилаётгани; 3) бадиий яратиқларнинг фақат санъат асаригина экани; 4) санъатга ўйин (маҳорат, ўзгачалик, ўзига хослик — оригиналлик ўйини) деб қараш майли кучайганлиги; 5) киноядга мойиллик ортганлиги; 6) сохта кўтаринкилик ва сунъий чақириқлардан қочилаётгани; 7) ифоданинг мукаммаллигига интилиш ортгани; 8) санъатнинг мафкурадан йироқ бўлишига уриниш кучайганлиги каби тамойиллари борлиги яққол сезилади. Шу хил тамойиллар бутунжаҳон адабий жараёнига ҳам тегишли эканини Ортега-и-Гассет алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, кимга қандай хизмат қилиш кераклиги масаласини ижодкорнинг ўзи ҳал этади. Тўғри, пайдо бўлган ҳар қандай йўналишдаги санъат асарининг бадиий жиҳатдан кучли ёки кучсиз томонлари ҳақида атрофлича баҳслашиш, фикр айтиш мумкин ва керак. Лекин бу фикр, асло, ўзига ёқмаган асарни зарарли ва миллат манфаатига зид деган қарашга асосланмаслиги зарур. Шу ўринда, модерн ва анъанавий йўналишдаги асарларни бир-бирига қарши қўйиш ақлдан эмаслигини, миллий дид юксалгани сари у хилма-хиллашиб боражагини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ижтимоий онгнинг ўсиши, бадиий истеъмолчиларнинг савияси юксалиши туфайли эндиликда инсон ҳаётида қачондир бўлиб ўтган воқеаларни қайта ҳикоя қилиб беришнинг бадиий асар сифатида тақдим этилиши кўпчиликни қониқтирмай қўйди. Олдинлари шу хилдаги битиклар бадиий адабиёт намунаси сифатида қабул қилиниб, ўқилар эди. Эндиликда ҳаёт воқеаларини бўлганидай баён этиш бадиий адабиётнинг эмас, балки тарихнинг иши эканлиги кўпчилик томонидан англаб етилди. Тўғри, ҳозирги кунда ҳам тарихий воқеалар баёнини бадиий асар деб

даъво қиладиган ёзувчилар бўлганидек, уларни ўқийдиган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо тарихга ҳам, адабиётга ҳам, умуман, ҳаётга ҳам рухсат этилганидай қарамайдиган, шу хилда қарашни истамайдиган муайян миқдордаги кишилар ҳам бордирки, уларнинг ўзларига яраша бадиий диди билан ҳисоблашиш лозимдир. Афсуски, рухсат этилганидек фикрлашга ўрганганлар бошқача фикрлайдиган кишиларни тушунмайгина қолмай, уларни жамиятга камида мухолиф, бўлмаса, душман деб билишади.

Коммунистик мафкура, марксистик қараш шахснинг мавқеини камайтириб, индивидуал қиёфага эга бўлмаган омманинг рутбасини баландлатишдан манфаатдор эди. Чунки омма деб аталмиш қиёфасиз оломонни бошқариш осонроқ бўлиб, кўпгина ғайриинсоний қилмишлар унинг номи билан асосланар эди. Чин адабиёт эса, ҳамиша алоҳида одам, унинг туйғулари, орзу-ўйлари билан шуғулланишга уринади. Ҳаётни боридай ёки кўпчилик томонидан қабул қилинганидай эмас, балки ижодкорга кўринганидай тасвирлаш ойини қийинчилик билан бўлса-да, қарор топиб бормоқда. Бу ҳол модерн адабиётни юзага келтирди. Ўз истеъмолчисига эга ҳар қандай бадиий товар яшашга ҳақлидир. Ва ҳеч ким бирор кишини бадиий реципиентлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақли эмас. Ҳатто она, Ватан, миллат, халқ сингари энг баланд тушунчалар ҳам кишининг ўз дидига эга бўлиш ҳуқуқига қарши турмаслиги керак. Дидга ўтказилган зуғум эркка ўтказилган зуғумдан ҳам азоблироқдир. Мана шу ҳақиқатни тан олиш яратилаётган ўзига хос бадиий асарларни англашнинг азобли йўлини бир қадар қисқартиради.

"Гулистон" журнали
2005 йил 1-сон

ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ: ИЛДИЗЛАР, БЕЛГИЛАР, БОСҚИЧЛАР ВА АТАМА

Мустақиллик таъсирида миллий тафаккурда юз берган янгиланишлар адабиёт тарихини қайта идрок этиш ва уни ижтимоий онг ҳамда адабиётшунослик илмининг бугунги даражасига мувофиқ баҳолаш заруратини тақозо этади. Адабиёт ва давр муносабатини аниқлаш, бир даврдаги миллий адабиётнинг бошқасидан фарқини тўғри тайин этиш ҳамиша ҳам мушкул илмий масала бўлган. Чунки давр – **замон** деб аталмиш бир ўлчамли абадий ҳодисанинг ўткинчи бир бўлаги, адабиёт эса уч ўлчамли ўткинчи тушунча бўлмиш **давр**га хос белгиларнинг одамда намоён бўладиган омонат жиҳатларини абадиятга муҳрлашга уринадиган санъат туридир. Шу боис ҳамиша ҳам адабиётни муайян даврларга ажратиш, уларни номлаш, адабиёт тараққиётидаги босқичларни тайин этиш осонлик билан бўлмайди. Чунки адабий даврларнинг чегаралари омонат, белгиларида ҳамиша айирмадан кўра ўхшашлик жиҳатлари кўп бўлади. Шу маънода, янги ўзбек адабиётининг илдизи, пайдо бўлган вақти, асосий белгилари ва тараққиёт босқичларини аниқлаш ҳамда бу атаманинг қўлланиш чегарасини тайин этиш илмий тафаккуримиз учун жуда муҳимдир.

"**Янги ўзбек адабиёти**" атамаси бизда баъзан "XX аср адабиёти" истилоҳининг синоними, баъзида "жадид адабиёти" атамасининг муқобили тарзида қўлланилади. Ҳолбуки, ушбу атама миллат адабий тафаккуридаги тамомила ўзига хос хусусиятларга эга бўлган янги даврни ифода этиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бугунги кунларимизгача бўлган замоний оралиқда яратилган миллий адабиёт намуналарини англатади.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Туркистон ўлкасидаги хонликларда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий таназзул авж нуқтага чиқди. Хонликлардаги ижтимоий тартибот бир неча аср олдинги ўлчамларга асосланган бўлиб, янги даврнинг талабларига мутлақо жавоб бермасди. Ижтимоий ҳаётдаги қолоқлик, сиёсий тузумнинг нобоплиги, бошқарув тизимининг замондан ортда қолганлиги сабабли ўлка аҳолисининг турмуш тарзи ўта ночор бўлиб, халқ маърифатсизлик ва қашшоқлик оғушида эди.

Дунёдаги кўпчилик этносларда миллат туйғуси қарор топаётган, муайян миллат шаклида бўлишгина халққа жаҳон тарихи-

да ўз ўрнини топиш имконини бериши ойдинлашган бир шароитда туркистонлик ҳукмдорлар мамлакатдорлик борасида ҳамон ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий мезонлар билан иш кўришарди. Уларнинг маърифатсизлиги туфайли мавжуд идора усули ислоҳ қилинмади, бошқариш йўсини даврга мослаштирилмади. Туркистон хонлари оёқлари билан бугунда, бошлари билан ўтмишда туришгани боис XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда ҳам мамлакатни бошқариш бундан юзлаб йиллар олдинги каби бўлиши ақлдан эмаслигини англаб етмадилар. Улар омма эндиликда фақат тақдирнинг иродасини кутиб тургувчи иродасиз тўда эмас, балки тарихнинг яратувчисига айлана бошлаганини тушунолмадилар.

Тарихда халқнинг рутбаси юксалганлигини пайқамаслик, одамларни онгли ва фойдали фаолиятга ундайдиган эътиқод, умумий мақсад сингари маънавий омиллар бўлиши мумкинлигини англамаслик, Туркистон тараққиётини орқага тортди. Ҳукмдорлар ўзларини ҳамон чўпон ҳисоблар, халққа ҳамон ҳайдовда юриши керак бўлган ижтимоий пода деб қарарди. Ҳолбуки, бутун дунё миқёсида ҳам халқ оммаси ўз фикрий ва руҳий тараққиётининг подалик мартабаси билан қаноатлана олмайдиган босқичига етиб келганди.

Тўғри, Чиқишда азалдан мавжуд анъаналарга оғишмай амал қилиш, янгича қарашу ислоҳотларга эҳтиёткорона муносабат қарор топган бўлиб, мавжуд тартибларни ўзгартиришга ҳар қандай уриниш шаккоклик саналарди. Аммо энди бошқа давр келганди. Мудроқлик ҳолатидаги миллат улкан бир уйғониш эҳтиёжини сезди. Ғафлатда тоабад қолиш мумкин эмасди ва ўлка аҳлининг илғор қисмида табиий равишда кучли уйғониш истаги туғилди.

Турмуш тарзини тубдан ислоҳ қилмай туриб, давр билан тенг юриш мумкин эмасди. Давр билан ҳамнафас бўлолмаслик миллатни таназзулга маҳкум этарди. Нобоп ижтимоий-сиёсий тузум, маърифатсизлик, савдо-сотиқнинг қуруқликдаги карвон йўли ўрнига сув ва темирйўл орқали амалга оширилиши каби омиллар ўлка тараққиётининг сустлашувига сабаб бўлди. Хонликлар иқтисодий қолоқлик домига тушдилар. Иқтисодий ривожланмаган мамлакатнинг эса, биринчи навбатда, маърифий жиҳатдан, шунинг оқибати ўлароқ, ҳарбий соҳада ҳам ўзгалардан ортда қолиши табиий эди. Миллат аҳли-

нинг жангарилиги, довюраклиги, ҳарбий салоҳиятнинг юксаклиги туфайлигина қудрат касб этиш мумкин бўлган даврлар ўтиб кетганди. Эндиликда ҳарбий қудрат аскарларнинг шахсий фазилатларидан ҳам кўра, янги қурол-аслаҳа ва замонавий уруш техникасида эди.

Улуғ мақсаднинг йўқлиги, оқибатсизлик, торўйлик ўлка ҳукмдорларини оёқнинг тагидан нарини кўролмайдиган ҳолатга келтириб қўйганди. Шу ҳолига ҳар бир хон ўзини қудратли санар ва ҳамиша қўшниларга қандай яшашни ўргатиш даъвосида юрарди. Туркистон ҳукмдорлари ўртасидаги бу кайфият атрофдаги босқинчи мамлакатларга жуда қўл келди. Босқинчилик майли чегара билмаганидан "дунё жандарми" номини олган чор Россияси туркистонлик ҳукмдорларнинг ўзаро келишмасликларидан усталик билан фойдаланди. Босқинчи сиёсатчилар уч хонликни бир-бирига гиж-гижлаб, ёвликни кучайтирди. Хонлар ўртасидаги келишмаслик рус босқинчиларига уларни бирма-бир бўйсундириш имконини берди.

Чор Россияси Туркистонни забт этгач, ўз иқтисодий манфаати учун фан-техника ютуқларини бу ўлкага ҳам жорий эта бошлади. Лекин, ўлкага замонавий техниканинг кириб келишини фақат Россия босқинига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Туркистонга ташқи дунёдан ахборот билан бирга техник янгиликлар ҳам секинлик билан бўлса-да, кириб кела бошлаган эди. Аммо чор Россияси бу жараённи бир қадар тезлатганидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, XIX асрнинг 70-йилларида ўлкада, ибтидоий кўринишда бўлса-да, саноат корхоналари пайдо бўлди, саноат йўли билан китоб босилди, газета чоп этила бошланди. Туркистонликлар ҳаётига техниканинг кириб келиши уларнинг дунё аҳли билан ахборот алмашишини осонлаштириб, жаҳонга яқинлаштирди. Бу ҳол миллат ижтимоий тафаккури юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ижтимоий тутумларнинг дунё миқёсида ўзгарганлиги, одам мартабасининг юксалганлиги, оммага тарихнинг яратувчиси сифатида қарай бошланиши ўзбек халқи тафаккурига ҳам кескин таъсир ўтказди. Очунга фақат исломий кўзқараш билан ёндашиб келган халқнинг вакиллари ўзгача фикрлаш йўсини ҳам бўлиши мумкинлигини кўрдилар. Дунёни турлича тушуниш ва тушунтириш мумкин, одамзот ҳар хил тартиб-қоидалар асосида

яшаса бўлар экан деган тўхтам фикр ҳурлигига интилиш уйғотди. Алоқалар, ахборотлар умумийлигининг юзага келиши натижасида миллат тафаккурига ташқи омиллар сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Миллий онгдаги якранглиқнинг бузилишига олиб келган бу ҳол очун миқиёсидаги ижтимоий фикр тараққиётининг объектив натижаси эди. Бу жараён ҳақида турк олими Мумтоз Эр-Туркуненинг Анқарада чоп этилган «Жамолиддин Афғоний» китобида ёзилишича, 1870 йилнинг 20 февралида Истанбул университетининг очилиши маросимида улуғ ислоҳотчи, илмда евроцентрик ёндашувга илк зарбани берган олим Жамолиддин Афғоний (1839-1897) шундай деган: «**...ислом миллати мартабасига кўра энг қувватли, қийматига кўра энг қадрли эди. Ақл, ...фаросатда ғоят юксак эди... Сўнг-сўнг миллат роҳат ва танбалликда қолди... Шу даражадаки, эзгулик нурлари сўнаёзди, маориф байроқлари тушаёзди, иқбол қуёши тутилмоққа юз тутди. Ислом миллатининг айримлари бошқа миллатлар истилосига тушди. Уларга хорлик кийимини кийдирдилар... Оллоҳга шукур, уйғониш бошланди... фурсатни бермайлик, кечмишларнинг шарафини, келажак наслларнинг ҳуқуқларини зое этмайлик**»

Шу тариқа, Туркистондаги халқлар ҳам ўз тарихининг янги – **фикрий уйғониш ва миллат сифатида яшаш зарурлигини англаш** босқичига кирди. Чунки ортиқ эскича яшаб бўлмай қолганди. Миллат аҳлининг фикрини уйғотмай туриб, одам қатори ҳаёт кечириш мумкин эмаслиги тушуниб етилганди.

Ижтимоий онгнинг тозариши миллий руҳ ва туйғуга таъсир қилиб, миллат бадиий тафаккурининг ҳам янгиланишига олиб келди. Ижодкорлар орасида бадииятга, санъат асарларига "лисони ғайб" ёхуд "илоҳнинг тажаллиси" тарзида қараш билан бирга, уни "мимесис" (тақлид)нинг оқибати ёки ижтимоий-сиёсий дардни ифодалаш воситаси тарзида тушуниш ҳам ёйила борди. Шу тариқа, санъат ҳодисаларини бўлакча англаш, таъсирланиш, ҳалқин қилиш ва яратиш анъанаси шакллана бошлади. Умуммиллий қимматга эга бўлган бадиий асарларда ифода этилган сезим ва ўйлар алоҳида шахслар кўнглида туғилган бўлишига қарамай, ўзгаларга ҳам юқади. Бадиий тафаккурдаги уйғониш олдин илғор фикрли шахсларнинг истаги сифатида туғилиб, кейинчалик, объектив равишда, оммавий-ижтимоий тус олади.

Китоб саноатининг пайдо бўлиши, вақтли матбуот орқали ахборотларни олдингидан тез ва кенг ёйиш мумкинлиги бадиий адабиётни ижодкорнинг кўнгил ишидан фаол ва куюнчак ойдиннинг ижтимоий юмушига айлантирди. Эндиликда адиблар ишқни тараннум этишнинг ўзи билан кифоялана олмай қолдилар. Бадиий сўз ўзининг арши аълосидан ерга туширилиб, турмуш муаммоларини ҳал этишга хизмат қилдирила бошланди. Ўзбек адабиёти минглаб йиллар мобайнида юриб келган йўлини тубдан ўзгартиришга мажбур бўлди. Адабиёт муаззам саройлардан ғариб кулбаларга кириб келди. Энди у азбаройи санъатнинг ўзи учун, сўзнинг гўзал жилваланишини кўриш ва кўрсатиш мақсадиниг маҳсули бўла олмасди.

XIX асрнинг олтмишинчи йилларидан эътиборан, ўзбек адабиётида асрлар мобайнида амал қилиб келинган эстетик анъаналар бузила бошлади. Бадиий ижод Аллоҳ билан сирлашиш, руҳият нозикликларини акс эттириш, комил инсонга хос сифатларни улуғлаш, маъшуқанинг азобларидан ёзғиришдангина иборат бўлолмаслиги англаб етилди. Шу вақтгача ижодкорнинг Аллоҳ билан мулоқоти маҳсули бўлган бадиий адабиётнинг авом турмушига юз буриши унинг табиатида бир қатор жиддий сифат ўзгаришлари бўлишини тақозо этарди. Маълумки, мумтоз адабиётда соф маиший мавзулар, тирикчилик муаммолари деярли қаламга олинмасди. Ҳаётнинг ташвишларига муҳаббат мавзусининг бирор қирраси муносабати билан баъзан йўл-йўлакайгина тегиб ўтиларди, холос. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, адабиёт тирикчилик юмушларига аралашиб, ижтимоий-сиёсий таъсир кўрсатиш воситасига ҳам айлана бошлагач, ўзбек адабиётида ҳам публицистик руҳ пайдо бўлди. Мавзу кўламининг кенгайиши асар қаҳрамонларини ўзгартирди. Эндиликда ердаги оддий одамлар ҳам бадиий тасвир объектига айланадиган бўлди. Қаҳрамонларнинг ўзгариши натижасида бадиий адабиётга ўзга руҳ, бўлакча муаммо, бошқа ҳаёт йўсини кириб келди. Бу эса, ўз навбатида, бадиий тил ва ифода тарзида ҳам туб ўзгаришлар бўлишини талаб этди. Мана шу белгилар ***янги даврнинг янги адабиёти*** юзага келганлигини кўрсатарди.

Ўзбек халқи тарихининг бу бўлаги ижтимоий йўналишига кўра миллий уйғониш даврининг илкинчи босқичи эди. Бу жараён фақат бадиий адабиёт билан чекланиб қолмаган, балки биринчи навбатда, ижтимоий онгда рўй берган ҳодиса эди. Бу ҳақда:

«Миллий уйғониш биргина адабиёт доирасида қолгани йўқ, ижтимоий турмушнинг барча қатламларини қамраб олди»,- деб ёзилади «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигида[1]. Миллатнинг комил фарзандлари умуммиллий миқёсда уйғониш кераклигини англаб етгандилар.

Агар ўзбек мумтоз адабиёти **хосларнинг кўнглини** уйғотишни мўлжал қилган бўлса, янги ўзбек адабиёти **омманинг фикрини** уйғотишни мақсадга айлантирди. Фикрни уйғотишнинг бирдан-бир йўли эса маърифат тарқатиш эди. Янги ўзбек адабиёти яралишиданоқ бутун оммани маърифатли қилишга йўналтирилди. Атрофга назар солиш, дунё билан бўйлашиш, ўз ҳаётини ўзгаларники билан солиштириш орқали миллат аҳли тафаккурини ўзгартириш, уни қолоқлик уйқусидан уйғотиш бу адабиётнинг мақсади эди. Шунга кўра **янги ўзбек адабиёти** бошда ***маърифатчилик адабиёти*** сифатида пайдо бўлди. Бу адабиёт миллатда юртчилик сезимлари уйғониб, ўзлигини англашга кучли эҳтиёж сезилганда дунёга келди. Зотан, маърифат фикрни уйғотиш омилидир.

Алоҳида эстетик ҳодиса сифатида XIX асрнинг олтмишинчи йилларида шаклланиб, бугунга қадар давом этаётган янги ўзбек адабиёти ҳозиргача ўз тараққиётининг *а) маърифатчилик адабиёти; б) жадид адабиёти; д) шўро даври адабиёти; е) мустақиллик даври адабиёти* сингари босқичларини босиб ўтди. Бу босқичларнинг ҳар бирида янги ўзбек адабиёти ўзига хос сифат ва хусусиятларга эга бўлганки, қуйида шу ҳақда алоҳида фикр юритилади.

Ўзбек маърифатчилик адабиёти

Туркистон халқларининг турмуш тарзи, тирикчилик тартиботлари, сиёсий йўсинлари ўзгариши уларнинг тафаккури, ҳиссиётлари, эътиқодларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Янги давр кишиларидаги янгича таъб натижаси ўлароқ пайдо бўлган бадиий адабиёт одамлар турмушини яхшилаш ишига қўшилиши кераклигини англади. Ижодкор шахс ўзининг нафақат **Яратган**

---

[1] Б. Қосимов ва бқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: «Маънавият», 2004. 3-бет.

ва **кўнгли** олдида, балки **жамият** ва **миллат** олдида ҳам бурчли эканини туйди. Шунинг учун ҳам бадиий адабиёт кўнгил навозишларини акс эттиришдан дунёнинг ишларини тартибга солиш ва одамнинг турмушини фаровон қилиш йўлларини қидиришга сафарбар этилди. Халқнинг ўйчил фарзандлари мавжуд аҳволнинг ёмонлигини айтиш, ундан қутулишга чорлаш билан кифояланмай, халос бўлиш йўлини ҳам излай бошладилар. Туркистонлик ойдинлар тараққиётга эришишнинг йўли миллат тафаккурини ғафлатдан уйғотиш, халқ онгини оқартириш, оммага маърифат тарқатиб, уни ўзини англар даражага кўтариш деб билдилар.

Айни шу ўринда мумтоз адабиётимиздаги машҳур мутафаккирлар билан маърифатчи адибларнинг фарқи яққол кўзга ташланади. Ўтмиш мутафаккирлари ҳам маърифат бериш ҳақида жуда кўп қайғурганлар. "Қутадғу билиг"дан тортиб, Огаҳийгача бўлган деярли барча ижодкорларнинг асарларида маърифатли шахс, кўнгил маърифати ҳақида тасвирлар бор. Аммо мумтоз адабиётнинг намояндалари асосий эътиборни **алоҳида шахслар, ҳукмдорлар маърифатига** қаратар эдилар. Маърифатчи адиблар эса айнан **оммани, халқни маърифатли қилишни** ўйладилар.

Айримларда ўзбек маърифатчилиги Россия Туркистонни босиб олганидан кейин рус илми ва техникаси таъсирида пайдо бўлди, деган тасаввур бор. Халқимиз тарихини синчиклаб ўрганиш бу даъвонинг тўғри эмаслигини кўрсатади. Чунки уч хонликнинг зулматга бурканган ҳаёти, объектив равишда, кўзи очиқ, фикри равшан кишиларни бу қоронғи турмушдан қутулиб чиқиш ҳақида ўйлашга мажбур этарди. Қўқон хонлигида яшаган Ҳакимхон тўрани ана шу тоифадаги кишиларнинг энг биринчиларидан деб айтиш мумкин. У XIX асрнинг 30-йилларидаёқ ўлкани бошқариш йўсинларини ислоҳ этиш, аҳолини саводли қилиш, фан ютуқларини одамлар турмушига сингдириш ғояларини илгари сурган. Айни шу фикрлари боис Мадалихоннинг таъқибига учраган. С. Айний томонидан *"Бухоронинг қора осмонидаги ёруг юлдуз"*,- деб таърифланган Аҳмад Донишнинг маърифатчилик ҳаракати ҳам диққатга сазовордир. Фалсафа, тарих, санъат, тилшунослик, риёзиёт, илми нужум бўйича замонасининг етук олими бўлмиш бу аллома Бухоро амирлигидаги тартиботларни тубдан ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва оммани давлат ишларига жалб этиш каби фикрларни илгари суради.

Энг муҳими, бундай фикрлар фақат ғоя даражасида қолиб кетмай, маълум амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамланган ҳам эди. Яъни айрим маърифатли кишилар ўзлари мактаблар ташкил этиб, уларда ўқитишнинг илғор усулларини қўллай бошлаган, бу мактабларга аҳолининг қуйи қатламларини жалб этишга уринаётган эдилар. Маърифатчилик қараши ва ҳаракатини юзага келтирувчилар, унинг энг биринчи ҳамда астойдил тарафдорлари, илғор фикрли шоиру ёзувчилар бўлиши, улар ўз ўй-фикрларини бадиий шаклда ифода этишлари табиий эди. Шундай қилиб, маърифатчилик адабиёти бизнинг ўлкамизга кимлардир туфайли қаердандир келиб қолмаган, балки ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий шароит сабабли шу ернинг ўзида пайдо бўлган эди.

Тақдир ўзгача эврилиб, Россия Туркистонни босиб ололмаганда ҳам миллий уйғониш даври юзага келарди ва унинг биринчи босқичи, айнан маърифатчилик бўлиши муқаррар эди. Чунки миллий уйғониш тушунчаси миллатнинг сиёсий фаоллигини эмас, биринчи навбатда, фикрий фаоллигини, ақлнинг ҳаракатга ташналигини англатади. Шунинг учун ҳам "миллий уйғониш" атамасини албатта, озодлик кураши билан ёнма-ён кўришга, биргаликда тасаввур этишга тиришмаслик керак. Уйғониш ҳамиша ҳам инқилобларни, тузумнинг янгиланишини тақозо этавермайди. Туркий халқлар тарихидаги миллий уйғонишлар, Оврўпо уйғониши ҳодисаларида ҳам сиёсий фаоллик эмас, балки айнан ақлнинг бўғовдан халос этилиши, фикрнинг эркин парвози кўзда тутилган. Сиёсий кўтарилиш ва инқилоблар муайян халқ тафаккури уйғонишининг оқибатларидир. Бу ҳақда «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигида ҳақли равишда: «**Уйғониш» (ренессанс) тушунчаси қадим антик адабиётга нисбатан олинган бўлиб, ўрта асрлардаги илм-фан жонланишини назарда тутади. Унинг доираси турли мамлакатда турлича, IX асрдан XV асргача бўлган даврни қамраб олади. «Миллий уйғониш»да эса, миллатнинг ўзлигини англаши асос қилиб олинади. Биз «Миллий уйғониш» даври адабиёти деганда XIX асрнинг иккинчи ярми XX бошлари адабиётини кўзда тутамиз**[1]»,- дейилган. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти синчиклаб ўрганилса, унинг маърифатчилик ва жадидчилик босқичларини босиб ўтганлигини кузатиш мумкин.

---

[1] Б. Қосимов ва бқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. —Т.: «Маънавият», 2004. 6-бет.

Ўзбек адабиётида маърифатчилик йўналиши дастлаб Комил ва Дониш ижодида бўй кўрсатган бўлса, кейинчалик Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Дилшод Барно, Анбар отин сингари адиблар ижодида алоҳида ғоявий-эстетик йўналиш тусини олди. Шу йўсинда нафис сўз халқ турмушига хизмат қилдирилди. Мумтоз адабиётимиз учун бадиий сўзнинг эстетик жилваси, яъни адабиётнинг ўзи **мақсад** эди. Янги ўзбек адабиёти эса халққа маърифат тарқатиш, унинг ҳаётини яхшилаш **мақсадига эришиш**нинг **воситаси**га айлантирилди. **Маърифатчилик** адабиёти иқтисодий қолоқлик, ижтимоий таназзул, сиёсий бошбошдоқлик, ҳуқуқий тенгсизликдан қутулишнинг бирдан бир йўли сифатида оммага маърифат тарқатишни кўрди. Агар мумтоз адабиётнинг қаҳрамони **комил инсон** бўлса, маърифатчилик адабиётининг қаҳрамони **маърифатли шахс** эди.

Айтиш керакки, гарчи маърифатчилик адабиётининг мақсади, вазифалари, тасвир обекти, мавзулар кўлами, қаҳрамонлари ўзгарган бўлса-да, бадиий тасвир воситалари, ифода йўсинлари, тур ва жанрлари жиҳатидан мумтоз адабиётдан жуда ҳам узоқлашиб кетмади. Маърифатчилик адабиёти янги ўзбек адабиётининг илкинчи босқичи эди. У кўп асрлик миллий анъаналар шаклидаги ўз ички қонуниятлари асосида ривожланиб келган мумтоз адабиёт билан ташқи жаҳоний таъсирларга берилган, тўлиғича ижтимоий йўналиш касб этган жадид адабиёти ўртасида эстетик кўприк бўлди. Бу адабиёт миллат руҳиятини, дидини жадидчилик ғояларини қабул қилишга тайёрлади.

Ўзбек адабиёти тараққиётининг алоҳида босқичи сифатида маърифатчилик адабиётини мумтоз адабиётдан ажратиб турадиган жиддий фарқлар бор. Айтилганидек, мумтоз адабиёт, асосан, алоҳида кишилар, хос табақа учун яратилиб, унинг ифода тарзи ҳам шунга мувофиқ эди. У кенг оммага мўлжалланмаган, унга қаратилмаган адабиёт эди. Маърифатчилик адабиёти, аввал бошдан, оммага мўлжалланган бўлиб, унинг ифода йўсинида соддалик, авомга тушунарлилик устуворлик қиларди. Маърифатчилик хусусияти миллий адабиётни ифода тарзидан тортиб, мазмун-моҳиятига қадар ўзгартирди. Ўзбек мумтоз адабиётида, асосан, инсондаги юксак маънавий фазилатлар улуғланган бўлса, маърифатчилик адабиётида улуғлаш билан бадиий танқид, ҳажвий кулги ҳам ёнма-ён туради. Шу тариқа, бадиий адабиёт халқ турмушининг деярли барча катта-кичик жабҳала-

рини қамраб олишга, унга муносабат билдиришга, фикр уйғотишга йўналтирилди. Маърифатчилик адабиёти кенг омманинг қарашларини, халқнинг дардини ифодалаш воситасига айланди. Бу ҳол унинг ижтимоий таъсир қуввати ортишига, сиёсий-эстетик кўлами кенгайишига олиб келди.

Маърифатчилик адабиёти, гарчи ўз олдига тузумни ўзгартириш, сиёсий мустақилликка эришиш сингари мақсадларни қўймаган бўлса ҳам, ўзини халқ ҳаёти учун жавобгар деб билади. Комил, Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Анбар отин сингари кўплаб ижодкорларнинг долзарб ижтимоий йўналишдаги кўплаб асарлари шундан далолатдир. Муқимийнинг "Ҳажви Виктор бой", "Танобчилар", Завқийнинг "Ҳажви аҳли раста", "Аҳли дил бўлма...", "Уй пули", "Ажаб эрмас" сингари асарлари, Аваз Ўтарнинг дилларга титроқ солиб, курашга ундайдиган: "**Билинг, ушбу замон ғамнокидурман, Куйиб ўртанмиш элнинг хокидурман, Авазким, назм элин чолокидурман, Бошин олмоққа хоннинг покидурман**" сингари шеърлари халқ дардининг ифодаси ўлароқ юзага келган эди. Маърифатчи адиблар халқ туйғуларини халққа яқин шаклда ифодалаш йўлини ҳам изладилар. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётдаги серқатлам тасвирлар, нозик қочиримлар билан бирга, маърифатчилик адабиётида халқ сўзлашув тилига яқин тасвир йўсинидан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилди.

Маърифатчилик адабиётининг асосий белгилари қуйидагилар эди. **Биринчидан**, маърифатчилар бадиий адабиёт халқ олдида бурчли, унга хизмат қилиши керак деган тўхтамга келдилар. **Иккинчидан**, ижодкорлар илк марта оддий халқ ҳаётига бадиий адабиётнинг манбаси сифатида қарай бошладилар. **Учинчидан**, маърифатчилар ўз бадиий асарларига ўзлари яхши биладиган оддий одамларни қаҳрамон қилиб ола бошладилар. **Тўртинчидан**, тирикчилик ташвишидаги одамларнинг ўй-хаёлларини акс эттириш учун олдинги муболағадор, замзамали тасвир усулидан кўра халқчил ҳаётий ифода мақбулроқ эканлиги англаб етилди. **Бешинчидан**, бадиий асарларнинг тили олдинги китобийлик, руҳвор кўтаринкиликдан қутула бориб, жонли сўзлашув тилига бирмунча яқинлашди. Чунки халқ орасидан чиққан персонажлар ҳаётини уларнинг ўз тилида ифодалаш керак эди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, Комил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз сингари бир қатор ижодкорларнинг асарларига мумтоз адабиёт намунаси тарзида эмас, балки мил-

лий уйғонишнинг маҳсули ўлароқ юзага келган **янги ўзбек адабиётининг** биринчи босқичи бўлмиш **маърифатчилик адабиёти** намуналари сифатида ёндашиш ҳақиқатга мувофиқдир. Проф. Б. Қосимовнинг «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» монографиясида билдирилган қуйидаги фикр ҳам бизнинг қарашларимизни бир қадар тасдиқлайди: «**...янги ўзбек адабиётининг шаклланиши бошида турган Муқимий, Фурқатлар... ...30-йилларда жадид адабиёти вакиллари сифатида, умуман, тўғри талқин қилинган**[1]».

Ўзбек жадид адабиёти

Таъкидлаш керакки, ўз тараққиётининг турли босқичларида янги ўзбек адабиётининг мақсад ва вазифалари, улардан келиб чиққан ҳолда хусусиятлари муайян ўзгаришларга учради. Маълумки, XX аср бутун дунё тарихида алғов-далғовларга бойлиги билан ажралиб турадиган юзйиллик бўлди. Бу асрга келиб, ҳаёт жараёнлари ҳаддан зиёд шиддатли тус олди. Ижтимоий ҳодисаларнинг алмашиниш суръати солиштириб бўлмайдиган даражада тезлашди. Туркистон халқларининг неча асрлар мобайнида давом этиб келаётган бир маромдаги мудроқ ҳаёти шу аср бошида чинакамига ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Фикрдаги янгиланишлар узлуксизлиги, техника ютуқларининг тўхтовсиз кириб келиши, ахборот алмашишнинг тезлашгани туркистонликларнинг фикр ва ҳаёт тарзини ўзгартириб юборди. Шу вақтга қадар миллий ҳаётдаги ижтимоий тартиботнинг моҳияти билан унчалар қизиқмаган миллий адабиёт XX асрга келиб, ижтимоий турмушга жуда яқинлашибгина қолмай, уни ўзгартиришга урина бошлади.

Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати туркистонликларнинг усиз ҳам оғир бўлган ҳаётини янада қийинлаштирди. Ижтимоий адолатсизлик, ҳуқуқий тенгсизлик туфайли тиним билмай ишлаган юрт эгалари тобора камбағаллашиб, босқинчилар бойиб бормоқда эди. Қашшоқлик туфайли туркистонликларда жоҳиллик, мутъелик, ғурурсизлик, лоқайдлик сингари иллатлар пайдо бўлмоқда эдики, бу ҳол ўз миллатининг ўтмишидан хабардор ва

[1] Б. Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: «Маънавият», 2002. 8-бет.

келажагидан умидвор ойдинларни безовта қилмаслиги мумкин эмасди. XIX асрнинг адоғи, XX асрнинг бошларида биргина Туркистонда эмас, балки дунёдаги жуда кўп мустамлакаларда миллий уйғониш ҳаракати бошланди. Миллий ўзликни англаш бир халқ доирасидаги локал ҳодиса бўлмай, глобал кўлам касб этганди.

XIX аср оёғида миллатни ёппасига ғафлатдан уйғотмай, халқнинг руҳида тараққиётга майл пайдо қилмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги тушуниб етилди. Миллатга маърифат бериш сифат жиҳатидан ҳам, суръат жиҳатидан ҳам олдингидан тамомила бошқача ташкил этилиши лозим эди. Фақат руҳга таъсир қиладиган, ахлоқни такомиллаштирадиган билимлар билан кифояланиб бўлмаслиги, фан-техника асосларини ўрганиш зарурлиги англаб етилди. Бунинг учун янги ўқитиш усуллари жорий этилиши керак эди. Шу тариқа, Туркистонда XIX асрнинг олтмишинчи йилларидан эътиборан шакллана бошлаган маърифатчилик қарашлари, дунёда кечаётган универсал ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида, XX аср бошларига келиб, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг юзага келишига асос бўлди. Маърифатчилар адабиётни жаҳолатга қарши кураш воситасига айлантирган бўлсалар, жадидлар бадиий адабиётни халқни фикрий ғафлат билан бирга мустамлака зулмидан қутқариш қуролига ҳам айлантиришга уриндилар.

Айтиш керакки, маърифатчилик билан жадидчилик фақат юзага келган вақт нуқтаи назаридангина эмас, балки ўз олдига қўйган мақсадлари жиҳатидан ҳам турли ҳодисалардир. Чунончи, маърифатчилар мавжуд ижтимоий тартиботни янгилашни эмас, балки уни ислоҳ қилишни, халқнинг маърифий савиясини кўтаришни мақсад қилган эдилар. Жадидлар учун эса, оммани маърифатли қилиш бош мақсад йўлидаги бир, эҳтимол, биринчи босқич эди, холос. Мақсад эса ватанни обод, миллатни озод, халқ ҳаётини тўкин қилиш ва Туркистоннинг аввалги шуҳратини тиклашдан иборат эди. Ишни XIX асрнинг 90-йилларидан эътиборан янги усул мактаблари ташкил қилишдан бошлаган жадидлар орадан кўп ўтмай, Туркистонда демократик давлат тузишни режалаштирдилар. 1917 йилда Туркистон мухторияти-нинг бунёд этилиши шу режанинг амалга оширилиши йўлидаги жиддий амалий уриниш эди.

XX аср бошига келиб, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, халқаро алоқаларнинг такомиллашуви туфай-

ли миллатнинг маърифатли вакилларида ўз халқи ҳаётини дунёдаги мутараққий халқлар турмуши билан солиштириш имкони пайдо бўлди. Россияда 1905 йилнинг 17 октябрида сўз ва матбуот эркинлиги ҳақида Манифест қабул этилиши ўзбек матбуотининг ривожланишини ҳам бир қадар тезлаштирди. Агар ўттиз беш йил давомида ўлкада ўзбек тилида чиқадиган ёлғиз газета 1870 йилдан чоп этилаётган "Туркистон вилоятининг газети" бўлса, 1905 йилдан сўнг вақтли матбуот сони анча кўпайди. 1905—1917 йиллар орасида ўзбек тилида чиқадиган газеталар йигирма иккитага, журналлар саккизтага етди. Бу ҳол миллат аҳлининг тафаккур тарзига жиддий таъсир кўрсатди. Кундалик матбуотнинг ўсиши, китобнинг саноат йўли билан чоп этилиши ўзбек адабиётидаги янгиланишлар кўламининг кенгайиши ва миллат ижтимоий-эстетик тафаккури ўсишининг кучли омили бўлди.

Жадид адабиёти тўлиғича миллатни уйғотишга қаратилган ва аниқ ғоявий йўналишга эга эстетик ҳодиса эди. Бу адабиётнинг қаҳрамони, асосан, омманинг ичидан чиққан, унга қайтиб борадиган ва шу боис халққа таъсир кўрсатиш имконияти катта бўлган оддий кишилар эди. Жадид адиблари **янги мавзуларни янги образлар орқали янги адабий жанрларда ифодалашга уриндилар**. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жадидлар ўзларини санъаткордан ҳам кўра, биринчи навбатда, фаол жамоатчи санардилар. Улар фақат қалами билан эмас, балки ижтимоий, сиёсий, маърифий амали билан ҳам миллатни уйғотишга жаҳд қилгандилар. Агар маърифатчилар кўп асрлик миллий адабиётга асосан **янги мавзулар** олиб кирган бўлса, жадидлар ўзбек адабиётига драма, роман, ҳикоя сингари **янги жанрлар**ни киритдилар.

Жадид адибларининг асарларида инсоний тақдирлар, қисмат фожиалари инсон эрки, миллат ҳурлиги, Ватан озодлиги муаммолари фонида акс эттирилди. Жадид адабиётида тарихий адолат, сиёсий тенглик, шахс ва миллат эрки, халқни ғафлатдан уйғотиш сингари ўткир ижтимоий мавзулар тасвирлана бошлади. Жадидларнинг ватан, миллат, озодлик йўлида жон фидо этишга чорлаб битган оловли асарлари, биринчи навбатда, истеъдодли шахсларнинг самимий, аммо юксак даражада ижтимоийлашган нидолари эди. Бундай асарларда миллатнинг улкан дарди маърифатли инсоннинг тақдири билан биргаликда ифода этиларди. Туйғулар самимияти, изтироб кўламининг кенглиги руҳий дардлар теранлигини ошириб, умумнинг ғами

алоҳида шахснинг изтироби даражасига кўтарилди. Одатда, кўпчиликнинг муаммолари алоҳида шахснинг дардларидан баланд туради деб ҳисобланилади. Ҳолбуки, дард хусусийлашсагина умуминсоний маъно касб этади. Жадид адабиётида хусусийлашган ижтимоий дард акс эттирила бошланди.

Ўзбек жадид адабиётининг ифода тарзи оммага янада яқинлашди. Бадиий асарларда тасвир инжалиги, ифоданинг янгилигидан кўра, залворли ва кескин **фикр айтиш**га эътибор кучайди. Шеърият арузга хос оҳангдорлик билан бирга бармоққа хос очиқликка эришди. Жадидлар кўп асрлик **ўзбек шеъриятини куйдан даъватга** айлантирдилар.

Таъкидлаш керакки, "Янги ўзбек адабиёти" атамаси ва унинг замиридаги маъно, маърифатчилик адабиёти ҳамда унинг жадид адабиётига таъсири сингари масалаларга ёндашувда олимлар ўртасида турлича фикрлар ва бир-бирини инкор этувчи қарашлар бор. Бир гуруҳ адабиётшунослар ўзбек маърифатчилик адабиёти кўп асрлик адабиёт тарихида янги бир босқич бўлиб, бадиий сўз омманинг ҳаётини тасвирлаб, уни маърифатли қилиш ва турмушини яхшилашга сафарбар этилгани, халқни ғафлатдан уйғотишга қаратилгани, адабиётнинг тимсоллар тизими, тил қурилиши, ғоявий-тематик йўналиши тубдан ўзгаргани сабабли миллий адабиётнинг янги босқичи бўлди ва ўзбек жадид адабиётининг юзага келишига бадиий омил, эстетик манба бўлиб хизмат қилди деб ҳисоблайдилар. Хусусан, машҳур олим проф. Б. Қосимовнинг "Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик" монографияси, олимлар гуруҳи томонидан тайёрланган "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" дарслиги, ўрта мактабларнинг 11-синфи учун муаллифлар жамоаси тузган "Адабиёт" дарслигида ана шу қарашлар акс этган. Аммо айрим олимлар Комил, Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз сингари маърифатчи ижодкорларнинг жадид адабиётига манба бўлиши мумкинлигини "ҳазм қила" олмайдилар.

Жумладан, жадид адабиёти ҳақида қатор тадқиқотлар яратган проф. Н. Каримов ўзбек маърифатчилик адабиётининг миллий уйғонишга ҳам, ўзбек жадидчилигига ҳам алоқаси йўқ деб ҳисоблайди. Олим бу қарашини «Маърифат" газетасининг 2005 йил 13 август сонидаги "Жадид адабиёти: пайдо бўлиш вақти ва сабаблари" мақоласида шундай ифода этади: "Бу-

гунги кунда айрим қўлланма ва чиқишларда бир тенденция кўзга ташланиб бормоқда. У ҳам бўлса XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган шоирларнинг ҳаммаси (ижодининг ижтимоий йўналиши ва моҳиятидан қатъи назар), хусусан, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқалар ё миллий уйғониш даври адабиётининг манбалари ёки шу давр адабиётининг илк босқичи сифатида тақдим этилмоқдаки, фикримизча, бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди".

Мақола муаллифи ўзбек маърифатчиларининг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётига манба ёки унинг илк босқичи эканига «**мутлақо қўшилиб бўл**»маслиги сабабини тушунтириб бермайди. Таъкиднинг ўзи асос ўрнини босади деб ҳисоблайди. У Комил, Муқимий, Фурқат сингари ижодкорларнинг маърифатчилик йўналишидаги асарлари саноғини берар экан: "**...Комил мансуб бўлган маърифатпарварлик адабиёти билан Беҳбудийлар бошлаб берган жадид адабиёти мутлақо бошқа-бошқа ҳодисалардир. Агар муаллифлар** (2004 йилда "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" дарслиги муаллифлари кўзда тутилмоқда – Қ. Й.) **"илк босқич"дан ўрин олган шоирлар ижодидан шунга ўхшаш мотивларни топиб, жадид адабиётининг миллий манбаларини кўрсатиб берганларида ўринли ва амалий жиҳатдан тўғри бўлур эди. Аммо улар бошқа йўлдан бориб, миллий уйғониш даврига зўрлаб олиб кирилган шоирлар ҳаёти, улар ижодини ўрганиш тарихи, уларнинг мусиқий, таржимонлик ва бошқа фаолиятлари тўғрисида қайнаб-яйраб ёзадилар. Бироқ юзхотирликсиз айтадиган бўлсак, ҳатто Фурқат тўғрисидаги янги факт ва қарашларга бой, катта билимдонлик билан ёзилган мақола ҳам шу туришида жадид адабиёти билан боғлана олмайди**",- деган хулосага келади. Қизиқ, нега "Фурқат тўғрисидаги ...мақола" жадид адабиёти билан "боғланиши" керак?Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозиргача чоп этилган бирор илмий ишда ўзбек маърифатчилик ва жадид адабиётлари бир хил ҳодиса дейилган эмас. Айни вақтда, юқорида номлари саналган китобларда жадид адабиёти тасодифан пайдо бўлиб қолган эстетик ҳодиса бўлмай, ўз заминимизда туғилгани ва маърифатчилик адабиёти унга маълум даражада миллий асос бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, бирорта тадқиқотда: "**XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган шоирларнинг ҳаммаси**" жадид адабиётига мансуб дейилмаган ва

бундай дейиш мумкин ҳам эмас. Адабий кечим ғоят мураккаб ҳодиса бўлгани учун ҳам бир даврда яшаб, ижод қилган санъаткорларнинг ҳаммасини истисносиз бирор бир йўналишга бирлаштириш мумкин эмас. Жадидчилик авж нуқтага кўтарилган паллада ҳам миллий адабиётимизда жадид йўналишида ижод қилмаган адиблар бўлгани сингари, маърифатчилик кенг ёйилган даврда ҳам бу оқимдан узоқда турган ёзувчилар бўлганлиги табиийдир. Ҳатто, шўро тузуми ҳам барча ижодкорни бирдай "совет ёзувчиси" қилолмаган.

Бир қатор тадқиқотларда ўзбек жадид адабиёти ўзбек маърифатчилик адабиётининг меросхўри ва мантиқий давоми эканлиги қайд этилган. Чунки ўлканинг уйғона бошлаган аҳолиси руҳини безовта қилишга, уни курашга чорлашга бел боғлаган жадидчилик тасодифан осмондан тушиб қолмаган, албатта. Уларни Аҳмад Дониш, Комил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз каби маърифатчи ижодкорлардан таъсирланмаган, уларнинг асарларида акс эттирилган илғор ғояларни қўллаб-қувватламаган дейиш ҳақиқатдан кўз юмиш бўлади. Тўғри, ўзбек жадидларининг шаклланишига Исмоилбек Ғаспирали ва "Таржимон" кучли таъсир кўрсатган. Лекин у Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва адабиётини юзага келтирган бирдан-бир омил эмас. "Таржимон" газетасининг ўзи ҳам дунё миқиёсида кечаётган миллий уйғониш ҳаракатининг оқибати ўлароқ пайдо бўлмаганмиди? Ўзбек жадидлари амал қилган адабий-эстетик асослар фақат ташқаридан келган ва улар ўзларининг катта замондошларидан мутлақо таъсирланмаган дейиш мантиққа мувофиқ эмас.

Проф. Н. Каримов ўша мақоласида жадидларнинг ижтимоий ва адабий хизматларини қайд этар экан ёзади: "**19 асрнинг иккинчи ярмида Фурқат ва Муқимийлар туфайли шаклланган маърифатпарварлик адабиёти ўз олдига бундай улкан ижтимоий ва адабий-бадиий вазифаларни қўймади. Лекин шунга қарамай, янги ўзбек адабиётини маърифатпарварлик адабиёти билан бошлаш тарафдорлари ҳам борки, улар ўз "ғоя"ларини умумтаълим мактабларининг адабиёт дастурларига киритишга улгурдилар. Бизнингча, бу хато йўл**". Н. Каримов бу йўлнинг нимаси хато эканини асосламайди, балки айтиб қўя қолишни етарли деб билади. Чиндан ҳам маърифатчи адиблар ўз олдиларига жадидлар қўйган вазифаларни қўймаганлар ва бундай вазифалар-

ни қўйишлари ҳам мумкин эмасди. Маълумки, ўтмишдаги шахсларнинг хизмати бизнинг таъбимизга хуш келадиган ва бугуннинг манфаатига мос тушадиган ишларни қилгани билан эмас, балки ўз даврига тўғри келадиган юмушларни бажарганлиги билан баҳоланади. Муҳтарам олимнинг эътибори учун шуни айтиш керакки, Янги ўзбек адабиётига хос белгилар "умумтаълим мактаблари дастури"да эмас, балки ўрта мактабларнинг 11-синфи учун Н. Каримовнинг ҳаммуаллифлигида 2004 йил "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Адабиёт" дарслигида таснифланган ва унинг юқоридаги тўрт босқичи кўрсатиб берилган эди. Илм кишиси қарашларида ўзгаришлар бўлиши табиий ҳол. Лекин кечагина ўзи ёқлаган фикрдан қайтаётган олим ўзини бехабарликка солгандан кўра, қарашларидаги ўзгаришлар сабабини изоҳлаганда маъқул бўларди.

Даврни даврга, босқични босқичга, ижодкорни ижодкорга қарши қўйиш, бирини улуғлаш учун иккинчисини четроқ суришга уриниш иллатидан қутулиш осон кечмайди, шекилли. Деярли барча жадидлар дастлаб маърифатчилар сифатида иш бошлашгани, улар ўз умрлари давомида ҳам кўпроқ маърифатчи, ҳатто маорифчи бўлишгани кўпчиликка яхши маълум. Жадидларни уларнинг катта замондошлари бўлмиш маърифатчилардан бутунлай айри кўриш ҳақиқатга зиддир. Азбаройи шаклланиб қолган қарашларни ўзгартирмаслик учунгина тарихий ҳақиқатни тан олмаслик, одамларни чалғитади, холос.

Маърифатчилар томонидан бошлаб берилган миллий уйғонишга даъват жадидлар томонидан янги шароитда кучайтирилди, унга янги ва кўламдор мазмун бахш этилди. Маърифатчилар туфайли ҳушёр тортган аҳли миллат олдига жадидлар ижтимоий-сиёсий мақсад қўйдилар. Буни улар келажакда авлодлардан ташаккур эшитиш ёки музейларда суратлари туриши илинжида эмас, балки шундай ўйлаганликлари учун қилдилар. Худди жадидлар сингари маърифатчилар ҳам ҳеч кимдан миннатдорчилик, олқишу мукофот кутган эмасдилар. Улар тарихий зарурият натижаси ўлароқ майдонга чиқдилар, зиммаларидаги вазифаларини имконлари даражасида бажардилар. Уларнинг миллат ижтимоий ҳаёти ва адабиёти олдидаги хизматларини холис эътироф этиш бизнинг бурчимиздир.

Адабий босқич ҳамиша ҳам жамият тарихидаги босқичлар-

га мос келавермаслиги мумкин. Чунки бадиий адабиётнинг тараққиёт йўли ўзига хос бир тарих. Чунончи, шўро давридаги ўзбек адабиётида ҳам синфий-партиявий хусусият бирданига пайдо бўлиб қолмади. 1917 йилги октябр тўнтаришидан кейинги дастлабки даврларда шўролар сўз ва ижод эркинлигини дарҳол тўсиб қўйишнинг уддасидан чиқолмадилар. Коммунистлар етарлича сиёсий ва ташкилий кучга эга бўлмагани, унинг ғояларини куйлайдиган адиблар қатори ҳали шаклланмагани учун бадиий адабиётда нисбатан эркинлик бор эди. Бу даврда, гарчи, шўролар тузуми ҳукмрон бўлса-да, яратилган бадиий асарларнинг аксарияти моҳиятан жадид адабиётига тегишли эди. Энг истеъдодли ижодкорларнинг кўпчилиги миллат ва ватан озодлиги учун курашаётган жадид ёзувчилари қаторида эди. Шунинг учун ҳам Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг аксар асарлари яратилган вақтига кўра шўролар даврига тўғри келса-да, аслида жадид адабиёти намуналаридир. Чунки улар эътиқоди ҳамда фаолият йўналишига кўра жадид бўлган, ҳаётни жадидчасига бадиий идрок ва тасвир этадиган одамлар томонидан яратилган битиклар эди. **М. Беҳбудий**нинг "Падаркуш", **А. Авлоний**нинг "Адвокатлик осонми", "Пинак", "Биз ва сиз", "Икки севги", **Фитрат**нинг "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи", "Оила", "Юрт қайғиси", "Абулфайзхон", "Шайтоннинг тангрига исёни", "Қиёмат", **Ҳамза**нинг "Уён, Ватан!", "Йиғла, Туркистон", "Дардига дармон истамас", "Туркистон", "Шундоқ қолурму", "Янги саодат...", "Заҳарли ҳаёт...", "Бой ила хизматчи", "Майсаранинг иши", "Паранжи сирларидан бир лавҳа", , **Қодирий**нинг "Улоқда", "Тинч иш", "Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан", "Тошпўлат тажанг нима дейди", "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", **Чўлпон**нинг "Бузилган ўлкага", "Халқ", "Кўнгил", "Бинафша", "Гўзал Фарғона", "Гўзал", "Ваҳм", "Исташ", "Галдир", "Баҳорни соғиндим", "Сирлардан", "Ёрқиной", "Кеча ва кундуз" сингари ва бошқа юзлаб асарлар жадид адабиётининг етук намуналаридандир. Архивларда кўпчилик жадидларнинг ўз позицияларидан воз кечиб, шўролар томонига ўтганлиги борасида шахсий иқрорлари бўлишига қарамай, уларнинг бу даврда ёзган асарларини ҳам жадид адабиёти намуналари сифатида ўрганиш ҳаётий ва бадиий ҳақиқатга мувофиқ келади.

Шўро даври ўзбек адабиёти

Тарихимизда етмиш тўрт йиллик из қолдирган шўро даври унинг манфаатини ифода этадиган адабиётни ҳам юзага келтирди. Кучли даражада мафкуравий-сиёсий сифатга эга бўлган бу адабиёт янги ўзбек адабиёти аталмиш ҳодисанинг бир кўриниши эди. Гарчи, шўро адабиёти моҳиятан битта адабий-эстетик ҳодиса бўлса-да, уни сифат-хусусиятларига кўра, шартли равишда, **уч босқич**га бўлиш мумкин. **Биринчи босқич** 1917-1930 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда ўлкада шўро тузуми эндигина оёққа тураётгани, унинг ғайриинсоний ва ғайриахлоқий моҳияти ҳали очиқ намоён бўлмагани боис адабий жараён, маълум даражада, табиий ўзанида кечди. Миллий адабиёт ривожининг бу босқичида, табиийки, жадид адабиёти етакчилик қилди. Ҳукумат, сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура қанчалар қаршилик қилмасин, миллий адабиётнинг қиёфаси жадид қаламкашлари яратган асарлар томонидан белгиланар эди.

Шўро тузуми турли-туман воситалар билан ўлкада ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлагач, унинг бадиий адабиёт борасидаги сиёсати ҳам тамомила ўзгача қиёфага кирди. Коммунистик мафкура, шўро сиёсати ашаддийлашган, жангари тус олган 30-50-йилларни шўро даври ўзбек адабиётининг **иккинчи босқичи** дейиш мумкин. Бу даврда адабиёт мафкуранинг бир кўриниши сифатида тўлиғича тузум ва ҳукмрон сиёсат хизматига йўналтирилди. Тузум нимани, қандай, қачон ёзиш кераклигини белгилаб бергани учун адабиёт мафкуранинг югурдагига айлантирилди, ижод эркинлиги бўғилди. Бадиий ижод синфий курашнинг бир кўриниши тарзида талқин этиладиган бўлди. Тузумга керагидай хизмат қилмаган ижодкорлар жисмонан ҳам йўқ қилинди. Лекин асл истеъдоднинг қудрати шундаки, у ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиб, замон кишиси руҳияти қирраларини жилолантира олади. Шунинг учун ҳам талантли адиблар ёзган битиклари учун ўз жонлари билан товон тўлаганликларига қарамай, шўро даврида ҳам бир қатор бадийяти юксак асарлар пайдо бўлди.

Бу даврда Ғ. Ғуломнинг "Турксиб йўлларида", "Сен етим эмассан", "Соғиниш", "Мен яҳудий", "Вақт", "Шараф қўлёзмаси", "Хотин", "Алишер" шеърлари, "Шум бола" қиссаси, Ойбекнинг "Наъматак", "Ўч", "Сен ғурубнинг..." шеърлари "Қутлуғ қон", "Навоий" романлари, А. Қаҳҳорнинг "Сароб" романи, "Майиз

емаган хотин", "Бошсиз одам", "Даҳшат", "Ўғри", "Анор", "Томошабоғ", "Миллатчилар", ҳикоялари, М. Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек", "Жалолиддин Мангуберди" драмалари, "Ғафурга хат", "Капитан Гастелло" шеърлари, Усмон Носирнинг "Монолог", "Нил ва Рим", "Юрак", "Насимага деганим" шеърлари яратилди. Бу асарларда ўзбек миллатининг энг юксак туйғулари, энг покиза ҳислари, энг тотли армонлари ифода этилган.

Шўро даври адабиётининг **учинчи даври**, бизнинг назаримизда, XX асрнинг 60-80-йилларини ўз ичига олади. Халқлар жаллоди бўлмиш Сталин вафот этгач, совет кишиларининг бўйнига солинган сиртмоқ бир қадар бўшашди. Бемалолроқ нафас олиш, фикрни эркинроқ билдириш имкони пайдо бўлди. Шўро тузуми ўзини зўрлаб бўлса-да, "инсонийроқ қиёфа" касб этишга уринди. Шунинг учун ҳам бу босқичда ўзбек адабиётида фикр айтиш, айтилаётган фикрни турлича бадиий шаклларда ифодалаш борасида бир мунча эркинликка эга бўлинди. Шу боис бу даврда сиёсатга зид келадиган фикрни ишора билан, рамз орқали ифодалаш, "Эзоп тили"да ёзиш анча ривожланди. Лекин бадиий адабиёт давлатники бўлиб, ижод эркинлиги орзулигича қолаверди.

"Тепа"га ёқадиган тарзда ёзишдан зада бўлган адиблар ҳисоботу ишлаб чиқариш йиғилишларининг қофияга солинган қарорларига ўхшаб бораётган бадиий сўзга чинакамига жон ато этишга, уни инсон кўнгли манзараларини тасвирлаш сари йўналтиришга интилдилар. Шунинг учун ҳам бу даврда жаҳон адабий хазинасига улуш қўшиладиган бир қатор асарлар яратилди.

Ҳукмрон мафкуранинг бадиий адабиётни ишлаб чиқариш ва ғоявий кураш талабларига мослаши уни азалий тароватидан тамомила маҳрум этиш даражасига келтириб қўйганди. Ёзилаётган "асар"лар, асосан, пахтани тезроқ йиғиштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, социалистик мусобақада ғолиб чиқиш, империалистларнинг босқинчилик сиёсатини фош этиш ҳақида бўларди. Бу хил битикларда муҳаббат ва висол илғор меҳнат учун мусобақа ғолибларига бериладиган мукофот каби эди. Уларда бир неча ошиқлар орасидан яхшироқ ишлаганини танлаб олган меҳнаткаш маъшуқанинг тутуми табиий ҳол сифатида тасвирланар ва бу жиддий равишда севги деб тақдим этиларди. Одамдек мураккаб хилқатнинг руҳияти ниҳоятда жўнлаштириб юборилганди.

Ана шундай вақтда Ғафур Ғуломнинг инсон тафаккурининг бетийиқ қудрати акс этган "Афанди ўлмайдиган бўлди", "Ме-

нинг ўғригина болам", "Ҳасан Кайфий" сингари ҳикоялари, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар",, "Муҳаббат" қиссалари, "Тўйда аза", "Нурли чўққилар" ҳикоялари, Миртемирнинг "Бетоблигимда", "Битта ўзим биламан", "Тошбу", "Булут", "Онагинам", "Шудринг", "Барқут", "Яли-яли", "Патти", "Армон", "Чирилдоқ", шеърлари, Зулфиянинг "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Не балога этдинг мубтало", "Кўрганмидинг кўзларимда ёш", "Сенсиз", "Сен қайдасан юрагим" шеърлари, Саид Аҳмаднинг инсон туйғулари товланишлари акс эттирилган, Асқад Мухторнинг интеллектуал-фалсафий йўналишдаги асарлари адабиётимизга алоҳида руҳ бахш этди. Аммо миллат адабиётнинг тубдан янгиланишига муҳтож эди. О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов ва Р. Парфи сингари адиблар қаламига мансуб асарлар айни шу эҳтиёжга жавобан дунёга келди.

Бу даврда, гарчи, ижодкорларни жисмонан маҳв этиш барҳам топган бўлса-да, чин сўзни айтишнинг ҳамма йўллари ёпиқ бўлганлиги учун ҳам ўқувчилар ҳар қандай асардан руҳий ҳолат ифодасидан ташқари қандайдир бир фавқулодда гап, сўзлар замирига бекитиб ташланган тагмаъно қидиришга одатланишган эди. Шунинг учун ҳам "Ўзбегим", "Тилла балиқча", "Сароб", "Совға", "Сўнгги хазина", "Ҳижратдаги она алласи", "Туркистон ёди" сингари асарлар ифода тарзидаги самимият ва образлар тизимидаги мусаффоликдан ташқари янги ва озодлик қўмсалган қалтис фикрлар баён этилгани билан ҳам мўътабар саналарди. Шўро даври ўзбек адабиётининг учинчи босқичи охирроғида жаъсур ва истеъдодли ижодкорлар миллат руҳиятида ўзликни англаш, эгаманлик туйғуларини уйғотиш орқали мустақилликни маънавий жиҳатдан тайёрлади ва истиқлол адабиётининг юзага келишига замин бўлди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти

XX асрнинг 90-йиллари бошидан эътиборан ўзбек халқи ўз тарихининг тамомила янги босқичига кирди. Ва миллат ҳаётининг эстетик ифодаси ўлароқ истиқлол адабиёти деб аталмиш бадиий ҳодиса юзага келди. Истиқлол даври ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий адабиётнинг мантиқий давоми эди. Бу адабиёт миллий адабиёт тараққиётидаги шунчаки бир босқич бўлмай, қатор белгиларга эга бўлган ўзига хос бадиий-эстетик феномендир.

Миллат аҳли ўз маънавиятининг асоси бўлмиш Қуръони Карим билан танишгани туфайли унинг тафаккурида соғломлашиш юз берди. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихини Қуръони Карим таржима қилингунча ва таржима қилингандан кейинги даврларга ажратиш мумкин. Негаки, бу муқаддас китобнинг ўзбекчалаштирилиши миллатнинг эътиқоди, дунёқараши ва маънавиятида ўзига хос инқилоб ясади. Дунёқараши тозарган миллатнинг адабиёти ҳам янгиланиши табиий эди. Шу боис ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш самараси сифатида миллат ижодий даҳосининг маҳсули бўлиб, истиқлол адабиёти дунёга келди. Бу адабиёт ижтимоий тараққиёт йўсинларини, муайян шахс руҳияти манзараларини синфий кураш ва партиявий ёндашувсиз тасвирлаш мумкинлигининг натижаси ўлароқ пайдо бўлди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти олам ҳодисалари ва одам руҳияти қирраларига хилма-хил қараш, оламнинг мавжудлик йўсини ва ундаги тартиботларни турлича изоҳлаш имконияти маҳсули бўлган адабиётдир. Мустақил ўзбек давлати бадиий адабиётни шўро замонида бўлгани каби ўз монополиясига айлантиришга уринмай қўйиши билан ижод эркинлигига объектив шароит яратди. Бу адабиёт сиёсатга бўйсундирилмагани учун ҳам ижодкорнинг кўнгил ишига айланди. Мустақиллик даврида бадиий ижод билан ўзинию Аллоҳини танишга уринган, кўнглини бўшатишга эҳтиёжманд одамлар шуғулланмоқда. Бугунги ўзбек адабиёти ўз кўнглига қарши бормайдиган, унинг ройишларига зуғум ўтказмайдиган кишилар томонидан яратилаётир. Истиқлол даври адабиётида одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи сифатида синфий-партиявий ёндашиш тамомила барҳам топди.

Бугунги ўзбек адабиёти миллат аҳлининг кўнгли, сезимлари ва руҳиятини тасвирлашга эътибор қаратиши натижасида инсон асосий бадиий қадриятга айланди. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти чинакамига хилма-хил адабиёт бўлди. Унда синаб кўриш, очилмаган йўллардан юриш, ҳатто, хато қилиш имконияти бор. Бу адабиётга қандай ёзиш кераклиги тўғрисида кўрсатма берилмайди. Бу ҳол бировга ўхшамайдиган, ўзгаларни такрорламайдиган ўзига хос истеъдодларнинг юзага келишига имкон яратади. Хилма-хил йўналишдаги асарларнинг вужудга келиши бадиий диди ҳар хил бўлган ўқувчиларни пайдо қилади.

Бу давр шеъриятида ўткир гап айтиш, доно фикр билдириш, насиҳат қилиш, ақл ўргатиш эмас, балки инсон руҳининг мураккаб, исмсиз манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди. Ҳиссиёт қатламларини тадқиқ қилиш, одам руҳиятидаги бой ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучайди.

Миллий поэзиямиз тарихида биргина қатордан иборат бутун бошли шеър ҳеч қачон бўлмаган. Анвар Обиджон, Тоҳир Қаҳҳор, Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам шундай шеърлар ёзишди. Қувонарлиси шундаки, бундай шеърлар атама ясаш ёки ахборот беришга эмас, балки муайян руҳий кайфиятни ифодалашга, ўзгача туйғу бахш этишга хизмат қилган: «Гўрлар қисир – туғишдан қолган» (Фахриёр). Истиқлол даври шеъриятининг қисқаликка интилиши шунчаки моданинг кетидан қувиш бўлмай, чуқур ички мантиққа эга. Бу шеърият ўқувчига ишонч, уни бадиий сўзнинг истеъмолчисигина эмас, балки шеърий ҳолатни туйиш, бадиий манзараларни жонлантириш жараёнининг иштирокчиси мартабасига кўтаришнинг натижасидир.

Поэзиянинг ўз асл манбасига қайтганлиги, кўнгил розларини, руҳий товланишларни нозик ишоралар, назокатли ифодалар орқали тасвирлашга ўтилганлиги истиқлол даври ўзбек шеъриятига хос асосий хусусиятлардан бўлди дейиш мумкин.

Наср мустақиллик даврида ҳам миллий адабиётнинг салмоқли тури бўлиб қолаверди. Кейинги ўн йилликда Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов, О. Мухтор, Т. Малик, Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, А. Дилмурод, Х. Султонов, Н. Норқобилов, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқулов, Т. Рустамов, Луқмон Бўрихон, А. Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизи сингари турли авлодга мансуб ижодкорлар ўзига хос йўсинда қалам тебратиб, миллий проза тараққиётига ҳисса қўшдилар.

Ижодий тажрибалар қилиш, кутилмаган тасвир йўсинларини қўллаш, бадиий ифоданинг тутилмаган, янги тамойилларидан фойдаланиш ўзбек насрининг бу босқичи учун етакчи хусусиятлар бўлди. Ш. Холмирзаев "Олабўжи", "Динозавр" романлари, "Булут тўсган ой", "Озодлик", "Наврўз, наврўз" ҳикояларида, Н. Норқобилов "Оқбўйин", "Қоялар ҳам йиғлайди" қиссалари, "Орият", "Қувончли кун" ҳикоялари, Ш. Бўтаев "Шўродан қолган одамлар" қиссаси, "Дарвеш" ҳикояси, Тоғай Мурод "Отамдан қолган далалар" романи, О. Мухторнинг тамомила янгича ифода усулларида яратилган "Минг бир қиёфа", "Кўзгу олдида-

ги одам", "Тепаликдаги хароба", "Ффу", "Аёллар салтанати ва мамлакати", "Майдон" романлари, Назар Эшонқулнинг жаҳон прозасининг энг илғор тажрибаларга таяниб, соф миллий образлар ярата олган "Қора китоб" қиссаси, "Шамолни тутиб бўлмайди", "Тобут шаҳар", "Қуюн" ҳикоялари, Ш. Бўтаевнинг "Шўродан қолган одамлар" қиссаси тасвирнинг қуюқлиги, инсон руҳияти қирраларини акс эттириш миқёсига кўра миллий адабиётимиз учун янги бадиий ҳодисалар бўлди. Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи инсон концепсиясига янгича ёндашув сабабли адабиётимизга ўзгача ҳаво олиб кирди.

Улуғбек Абдулваҳобнинг "Ёлғизлик" қиссаси, "Мувозанат" романи, қатор ҳикояларида баён, ифодалаш, кўрсатиш, тасвирлаш синғари усуллар бадиий тадқиққа ўз ўрнини бўшатиб берган. Ёзувчи қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини кўрсатишга эмас, балки уларнинг сезимларидаги, ўйларидаги товланишларни акс эттиришга катта аҳамият беради. Шу тариқа, миллий адабиётимизда, сиртдан қараганда, бадиий мақсадга бўйсунмагандай таассурот қолдирувчи, аслида эса, ўй кишиси тафаккури ва ҳиссиёти манзаралари акс этган асар пайдо бўлган.

Истиқлол даврида ўзбек носирлари қаҳрамонлар тасвирида схематизмдан қутулиб бормоқда. Бадиий асарда одамга мавжудлиги билан сир-синоатга тўла, ҳар лаҳзада ҳар кимга ҳар турли қийматга эга бўлиб туюладиган тирик инсон тарзида ёндашиш қарор топиб бораётир. Одамни ёритишда жўнликдан қутулинаётганлиги ўзбек насри тараққиётида соғлом тамойиллар қарор топаётганлигини кўрсатади.

Миллий тафаккур, эстетик дидлар тизимида содир бўлган эврилишлар ўзбек драматургияси ривожига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл", Илҳом Ҳасаннинг "Бир кам дунё", Абдулла Аъзамнинг "Дугоҳи Ҳусайний", Эркин Самандарнинг "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" каби асарлари истиқлол даври драматургиясининг ютуқларидан бўлди.

Миқдор жиҳатидан ҳозирги ўзбек драмаси тараққиётига эътироз билдириб бўлмаса-да, сифат жиҳатидан вақт синовидан ўта оладиган саҳна асарлари жуда кам яратилаётир. Миллий комедияларнинг савияси эса кишида ҳақли эътироз ва жиддий ташвиш уйғотади. Бугунги кунда комедия деб аталмиш саҳна асарига тийиқсиз чучмаллик, пардасизлик, кўчанинг сўзлари ва ҳиссиёти сурлик билан кириб келмоқда. Комедиографлар тўқнашув-

лар таранглиги, диалоглар пухталиги ҳақида эмас, ифоданинг қичиғи, сўзларнинг пардасизлиги ҳақида кўпроқ бош қотиришмоқда. "Хотинлар "гап"идан чиққан ҳангома", "Хотинимнинг эри", "Эргинамнинг орзуси", "Қаллиқ ўйин", "Супер қайнона" сингари битикларнинг номиёқ томошачиларнинг дидини бузиши мумкинлиги билан жиддий эстетик хавф туғдиради.

Хуллас, янги ўзбек адабиёти миллатнинг тафаккури янгилана бошлаган даврда юзага келган ва муайян тараққиёт босқичларини босиб ўтган ўзига хос бадиий-эстетик ҳодисадир. Бу адабиётнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт йўлини изоҳлашда халқимиз тарихидаги улкан ижтимоий воқеалардан ташқари, миллат тафаккуридаги ўзгаришлар кардиограммаси ҳам ҳисобга олинса, у ҳақда ҳаққоний тўхтамга келиш мумкин бўлади.

2002 йил ноябр

ИСТИҚЛОЛ НАСРИ БЕЛГИЛАРИ

Замонавий ўзбек шеъриятида янгиланиш жараёни шиддатли кечганлигини айтиш керак. Насрда эса бу жараён бирмунча оҳиста борди, ижоддаги бардавомлик ва узвийлик сақланиб қолишига эришилди. Шунинг учун ҳам ўзбек насрининг кейинги тараққиётида О.Ёқубов, Саид Аҳмад, П.Қодиров сингари оқсоқол ёзувчиларнинг ҳам ҳиссалари сезиларли бўлди. Улар ўз битикларида, маълум даражада, кишилар руҳиятидаги бугунги тўлгамларни акс эттиришга эришдилар.

Бадиий насрдаги янгиланишлар Ш. Холмирзаев, М. Али, Э. Самандар сингари шаклланган тасвир манерасини ўзгартирмаган адиблар ижодида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлди. Улар қадим тарих ёки бугунги кунда бўлиб ўтган муҳим воқеаларда иштирок этган одамларнинг кўнгил тебранишлари ва руҳий изтиробларини тасвирлашга устувор аҳамият бера бошладилар. Улар яратган асарларда одам тарихий ҳодисаларга қилинган илова эмас, балки ўша ҳодисаларнинг ижрочиси бўлган бетакрор ва ўзига хос тақдир эгаси сифатида кўрсатилмоқда. Эркин Аъзам, Нормурод Норқобил, Шойим Бўтаев, Асад Дилмурод, Аббос Саид сингари носирлар ўзлари очган бадиий йўлдан собитлик билан боришмоқда ва қаҳрамонлар руҳиятини теран кўрсатиш борасида бир қатор ижодий ютуқларга эришдилар.

Ўз фикрлаш тарзи ва тасвир йўсини билан ҳозирги ўзбек насри тараққиётида алоҳида ўрин тутган Назар Эшонқул бизга кўриниб турадиган ҳаётни эмас, балки тамомила ўзига хос ва бетакрор одамларнинг тамомила ўзгача ва қайтарилмас ўйлари, дунёсини ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда тасвирлаш йўлидан бормоқда. Назар "Тун панжаралари" қиссасида ёзади: "***Мен "ҳаётий воқеаларни" шунчалик ёмон кўриб қолган эдимки, бу ҳикояларни ҳам ана шу ўта даражадаги аниқликка қарши ўзим учун ёзгандим***". Бу иқрор бадиий тасвир эканидан ташқари, маълум даражада, ёзувчининг ижодий кредосини ҳам акс эттиради. Чиндан-да, миллий насримиз ҳаётий аниқликдан юксакроқ реалликни: қаҳрамонларнинг чигал руҳияти ва ижодкорларнинг фалсафий мушоҳадаларини ҳаққоний ифодалаш даражасига кўтарилди. Шунинг учун ёзувчининг ушбу қиссасидаги: "***Ҳаққул эътироз билдирмади, шунингдек, унинг менинг фикрларимга қўшил-***

магани шундоқ юзидан кўриниб турарди. Ҳа, у дунёни бошқача кўриш ёшидан ўтганди, энди у(нга) дунёни бошқачароқ кўриш эмас, кўпроқ уни ўзгартириб бўлмаслиги тўғрисидаги ўзи етишган хулоса муҳим эди. Мен унинг қисматида ўзимнинг келажагимни кўрган ва ногаҳон даҳшатга тушгандим" тарзидаги бирмунча таҳрирталаб тасвирлар ҳам ўқувчиларга тароватли туюлади. Ўзбек китобхони ўз руҳияти ва сезимларини тафтиш этаётган ёзувчи ва қаҳрамонларни ҳис этишга ўрганиб бормоқдалар. Н. Эшонқулнинг воқеалари хаёлий ва тўқима, лекин асар қаҳрамонларининг сезим ва кечинмалари ҳаққоний бўлган "Қора китоб" қиссасининг эътибор топгани ҳам одамни янгича ракурсда кўрсатиш ёйилаётганидан далолатдир.

Омон Мухтор, Луқмон Бўри, Улуғбек Ҳамдам, Абдурашид Нурмурод, Саломат Вафо, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой, Жамила Эргаш, Тўхтамурод Рустамов каби бир қур носирлар ўз битикларида инсон ва унинг моҳиятини тамомила янгича нуқтаи назардан кўриш ҳамда кўрсатиш йўлини тутдилар. Агар олдинлари насрий асарларда бир ёки бир неча қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ёки тақдири тасвирланган бўлса, эндиликда тасвирга тортилган инсоннинг моҳияти бутун мураккаблиги билан тадқиқ этишга тутинилди. Шунинг учун ҳам насрий асарларнинг қаҳрамонлари фақат фаолият одамигина эмас, балки ўй ва мушоҳада кишиси сифатида ҳам тасвирланадиган бўлди.

Одамнинг моҳиятини фаолиятдагина эмас, балки тин олиб турган ёки ўйлаётганда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги бадиий тасвир тажрибасига кириб кела бошлади. Шунинг учун ҳам Улуғбек Ҳамдамнинг "Исён ва итоат" романидаги: "***...қачонки унинг бағрида гуриллаб ёнган исён гулхани ўчгач, гофиллик ҳам уни қийнамай қўйди. Қайтага, исён ўрнида тугилган ўша кайфият – ўша итоат... руҳида қандайдир маърифат бор эди. Маърифатки, гофилликни, унинг аламини ювиб юборишга қодир... Маърифатки, бутун умр жизғанаги чиқиб куйган кўнгилга, қмзиб кетган кўнгилга бир енгил, бир сарин, бир ёқимли шаббодадай таъсир қиладиган... Энди унинг кўзларида, бағрида, бутун борлигида итоат нури ҳоким, итоатки, мислсиз исёндан сўнггина тугиладиган, итоатки, исёндан минг карра, милён карра юксакроққа элтадиган!..***" тарзидаги фалсафий мушоҳадалар ўқувчига ўринсиз донолик бўлиб кўринмайди, балки ўз моҳиятини англамоқчи, ўзини топмоқчи бўлган инсоннинг руҳий тўлғанишлари тарзида қабул

қилинади. Бу адибларнинг асарларида бир ижтимоий қатламга мансуб одамнинг ўзга қатламдаги кимсага қарши кураши эмас, балки ўзини англаш йўлида бораётган одамнинг ўзи билан омонсиз ва азобли олишуви тасвирланади.

Бугунги миллий насримизда омма муқаддаслигига дахл қилиб бўлмайдиган ҳодиса эмас, бадиий тасвирнинг оддий бир объекти экани тобора яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳол Луқмон Бўрихоннинг "Жазирамадаги одамлар" романида ёрқин кўринади. Асарда инсон ва унинг ҳаёти киноявий йўсинда идрок этилган. Универсал фикрлай бошлаган ижодкорда одам ва олам моҳиятига киноявий ёндашув устуворлик қилади. Шунингдек, одам ёки миллат дунёга чиқиб, ўзгаларга яқинлашаётганда, киноявий тасвир адабий ифоданинг асосий воситасига айланади. Негаки, бундай вақтда эстетик тафаккур воз кечилаётган миллий сифатлардан кўнгли қолган, ўзлаштирилаётган хислатларга эса ҳали бир оз бегона бўлади. Бир ахлоқий сифатдан бошқасига битта одам ҳам, бутун миллат ҳам осон ўтолмайди.

Ўзига хос оҳангга эга "Жазирамадаги одамлар" романининг тасвир йўсинидаги асосий хусусият шундан иборатки, асардаги ҳар бир қаҳрамон ўз табиатига мос ўйлайди, гапиради, ҳаракат қилади. Асарда қаҳрамонлар табиатига зуғум ўтказилмайди. Киноя оҳанг персонажлар характери табиийлигини таъминлашда қўл келган. Асарнинг бош концепцияси романдан олинган қуйидаги парчада ифодаланган дейиш мумкин: "*— Нега ўйинни буздинг? Сен қаҳрамонларча ўлишинг керак эди-ку?!— дея алам билан қичқирдим мен.*

— Ўлишни хоҳламайман,— деб тўнғиллади Тўлқин хаёлчан хас чайнаркан.— Қаҳрамон бўлиб, орден-медаллар тақиб уйга қайтишни истайман...

Алам ўтида қоврилаётган Ҳужжатуллахон ҳам киноя қилиб ғиринглади:

— Ай... ай... Яна нимани хоҳлайдилар?

— Яна... мени қаноргa тиқиб, ўзларинг тушликни паққос туширишларингни хоҳламайман...

— Қаҳрамон бўлгандан кейин чидайсан-да,— дея чинқирди Дурбек. Тўлқин ҳамон хаёлчан хас чайнаган куйи тўнғиллади:

— Менга унақа қаҳрамонлик керакмас.

— Яна нима хоҳлайдилар?— деб тағин киноя қилиб ғирингладi Ҳужжатуллохон.

Тўлқин ўтирган жойига чалқанча ётди-да, гўё илиқ ҳавони қучаётгандай қулочларини кенг ёйиб ҳайқирди:

— Абдулла акадай бой, зўр одам бўлмоқчиман!"

Айтиш керакки, Тўлқиннинг болаларча иқрорида романнинг мағзи акс этган. Ҳа, чиндан ҳам одам қаҳрамонларча ўлишга эмас, қаҳрамонларча яшашга, яшаганда ҳам оёқни зўрға судраб хору зор бўлиб эмас, балки тўлиб-тошиб, зорликни билмай ҳаёт кечиришга лойиқ. Адабиётдан ҳам, адибдан ҳам одамни фақат ўзини фидо қилувчи, қурбон бўлувчи тарзида кўрсатишни талаб этиш, бир томондан, ижод эркинлигига зуғум бўлса, иккинчи ёқдан, одамнинг табиатига зиддир. Адабиёт ана шу бирёқламаликдан қутулиб, одамни бу дунёда яйраб яшашга ҳақли яратиқ тарзида тасвирлашга ўтса, инсон деган хилқатнинг ўз назарида ҳам, ўзгалар кўзи олдида ҳам ҳурмати ошади.

Худди ҳаётдаги каби, адабий қаҳрамонлардан ҳам фақат юксак идеаллар учун фидо бўлишни талаб этиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Ватан шу ватанда яшаётган кишилардан азиз бўлмаслиги, бу икки тушунча бир-бирига қарши қўйилмаслиги, қаҳрамонлик ҳамиша фидо бўлиш билан биргаликда тасаввур этилмаслиги лозим. Ватан учун ўғлонларининг ўлиши эмас, балки яшаши зарурроқлиги бугунги бадиий насрда теран ва ишонарли акс эттирилмоқда.

Миллат аҳлига хос ёқимли ва ноҳуш жиҳатларни ҳаққоний, таъсирли ҳамда кўламли акс эттириши жиҳатидан ёш ёзувчи И. Шомуроднинг "Мағлубият" романи ҳам диққатга моликдир. Унда тарихнинг бурилиш нуқталарида яшашга маҳкум бўлган одамларга янгича назар билан қараш намоён бўлган. Тарих ва тарихий вазият ҳамда шахс ва омма муносабатларидаги чигаллик, англамсизлик, вазиятнинг одам томонидан яратилиши, айни вақтда, одамнинг вазият исканжасига тушиб қолиши ва ундан осонликча чиқиб кетолмаслиги бу асарда жуда таъсирли акс эттирилган.

Ҳозирги ўзбек насри имконияти даражасида тараққий этмаётганлигини ҳам афсус билан таъкидлаш керак. Ижодкорнинг ўз пулига китоб чиқариши мумкинлиги кўплаб бадиий жиҳатдан ҳаддан ташқари бўш асарларнинг чоп этилишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатнинг бир неча омиллари бор. Биринчидан, истеъдодли ўзбек носирлари адабиётдаги бозор муносабатларининг синовларига тайёр эмас. Иккинчидан, асарлар сифа-

тини текширишнинг олдинлари танқидчилик сиймосида намоён бўладиган назоратчиларининг таъсири кескин сусайиб кетган. Учинчидан, ҳанузга қадар ҳам ноширлар ижодкорларга эмас, ёзувчилар ноширларга қарам бўлиб қолмоқда. Айни вақтда, миллий насрдаги кашфиётлар адабиётшунослик ва танқидчилик томонидан теран таҳлил этилмаётганини ҳам қайд этиш керак. Ҳанузгача танқидчиликда миллий насрдаги янги ҳодисалар олдиндан тайёрланган илмий қолипларга мослаштиришга уринилмоқда. Бу хил ёндашув бизда савияли ўқувчиларнинг таркиб топишига халақит беради. Эстетик талаб ўсмай туриб эса, бадиий таклиф юксалмаслиги жаҳон адабиёти тажрибасидан яхши маълум.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2005 йил 20 май

КЎРКАМЛИК ЧЕЧАКЛАРИ

ҲУРЛИК ОҲАНГЛАРИ

Зоҳир Аълам адабий "модалар" кетидан қувавермайдиган, замонасозлик билан қалам сурмайдиган адиб. У китобхонлар савиясига мослашишга эмас, балки уларнинг дидини кўтаришга, ўқувчини давр нафасини илғайдиган даражага етказишга уринади. Шу боис ўқувчисидан олдинроқ юришга ҳаракат қилади. Эҳтимол, шу сабаб Зоҳир Аълам эларо машҳур эмасдир, китоблари ҳам шу туфайли дарров қўлма-қўл бўлиб кетмас. Аммо адабиёт тарихи гувоҳки, бу тоифадаги ёзувчилар ортиқча шовқин-сурон қилмай, миллат ижтимоий тафаккурининг юксалишига кучли таъсир ўтказа оладилар.

3. Аълamнинг асарлари яратилган давридаги адабий қолипларга унчалик мос келавермайди. У ҳаётни инсоний туйғулар тасвири орқали ифода этади. Бу ҳол, ўз вақтида, расмий танқидчиликка унчалик ёқмаган бўлиши мумкин, албатта. Шу сабаб унинг бадиий замини пухта асарлари ҳам вақтида танқидчилар эътиборини қозониб, адабий баҳслар мавзусига айланмади. Яна бир жиҳати шундаки, адиб муаммо "кўтариш"га интилмайди. Ўқувчини энтиктирадиган, асаб торларини қитиқлаб таранглаштирадиган воқеаларни тасвирлашга ҳам ўч эмас. У одам руҳияти товланишларини чуқур ва тиниқ тасвирлашга ишқибоз. Яхши ёзилган асарларида эслагудек саргузаштлар, қизиқарли воқеалар тасвири, кескин сюжет чизиғи камроқ. Аммо ҳамиша **шахс** тасвири, унинг катта-кичик дардлари, изтиробларини, интилишлари, ўй-хаёллари мавжуд.

Бахтли билет сотиб олганига қувончдан юзи ёришган йўловчи қиз ва бефаросатлиги билан шу қувонч оловига сув сепган автобус кондуктори ("Бахтли билет" ҳикояси), айиқча совға қилиб ўртоғини қувонтирмоқчи бўлган орзуманд болакай ва уни тушунишга ноқобил кўнгли сўқир магазинчи ("Айиқча" ҳикояси), китобга чанқоқлик туфайли сигирини пахтага тушириб юборган Каримжон

ва "катта"ларга яхши кўриниш мақсадида уни калтаклаган бригадир Меливой ("Бола китоб ўқирди" ҳикояси), ўзи қулайроқ жойлашиб олгунча ҳаммани инсофга чақирган, яхши ўрнашиб олгач, ўзгалар аҳволини бутунлай унутган аёл ("Троллейбус" ҳикояси), севги деган муқаддас туйғу қалбига меҳмон бўлгани боис бахтини вужудига сиғдира олмаётган ва ўз бахтиёрлигидан хижолат бўлиб, ўзгаларга ачинаётган олижаноб ўсмир ("Тун улфатлари" ҳикояси), сен ҳали давлатни мендан ҳимоя қилаяпсанми, давлат ўзи сенга нима берди" деб, иддао этаётган порахўр ва ҳалоллиги боис қашшоқлик гирдобидаги ўқитувчи Эркин ("Эркин" ҳикояси), бир хилдаги адоқсиз оғир меҳнатга, муттасил йўқчиликка, ҳаромхўрлар томонидан доимий камситилишларга эзгуликни, ўзбекона бағрикенгликни қарши қўйиб, барча ҳамоқатларни енга олган Зайниддин ("Ота ўгитлари" қисса) образлари тасвирида **шахс** тақдирига, унинг табиатидаги оний ўзгаришларнинг сабабларини тадқиқ этишга эътибор берилади.

Юқорида тилга олинган асарларнинг муваффақиятини таъминлаган хислат муаллифнинг дардманлиги, тасвирга олинган кишилар қисматига шериклигидир. Адиб образлар хатти-ҳаракатларининг туб сабабларини тадқиқ қилишдан эринмайди. У оқибатни, яъни воқеликнинг ташқи томонини кўрсатиб қўя қолишга шошилмайди. Ҳар оқибат муайян бир сабабнинг маҳсули эканлигини инсоний тақдирлар орқали кўрсатади.

Ёзувчининг катта-кичик барча яхши асарларига хос умумий хусусиятлар бор: уларда ҳамиша **шахс** эрки, туйғулар **ҳурлиги**, бўғовларни инкор этувчи **исён** руҳи ифодаланади. Бу асарларда ҳурликнинг инсоний эркка чорловчи исёнкор тароналари тўхтовсиз янграб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда "Афандининг қириқ бир пашшаси" ҳажвий қиссасининг ёзилиши ҳам адиб ижоди учун тасодиф эмас.

Муаллиф қиссада Насриддин тимсолини батафсил тавсифлаб ўтирмайди. Афанди ўз атрофини қуршаб турган нобоп воқелик ҳамда норасо одамлар билан тўқнашади ва шу жараёнда унинг характери очилиб бораверади. Қиссадаги бошқа образларнинг ҳам ўзига хос дарди, орзу-умидлари, интилишлари бор. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам феъл-атворларидан, ички ҳаётий тамойилларидан келиб чиқади ва шу боисдан табиий.

Топқир, тадбиркор, доно ва адолатли Насриддин Афанди айёр, шафқатсиз, бойлик билан доноликни бир нарса деб тушу-

надиган Муҳсин гуппи, вазиятга қараб турланувчи қози калон, истиғноли гўзал Нозлиниса, мағрур ва оқил бек, ёвуз чапани Аҳмад тараша, танти ва ёвқур Абди оппоқ, мўлтонинамо Нодир ва Содир миршаб сингари образлар эсда қоладиган, қай бир хислатларини ўқувчига "юқтира оладиган" тарзда ишлатган. Қиссадаги ҳар образ ўз бадиий-фалсафий асосига, концептуал йўналишига эга.

Қисса конфликтини келтириб чиқарган Афанди билан Муҳсин бой ўртасидаги зиддиятларнинг сабаби ишонарли ва табиий: бекликдаги энг катта бой Муҳсин гуппининг фикрлаш тарзига кўра, у шу атрофдаги энг доно одам ҳам. Чунки ақлли бўлмаганда бой бўлаолмасди. Зеро, бой бўлиш учун катта ақл керак. Ҳамонки, у бекликдаги энг катта бой экан демак, шу атрофдаги энг доно одам ўзи бўлиши керак. Халқ эса ҳеч вақоси йўқ Насриддин Афандини доно ва топқир ҳисоблайди, унга беадад эҳтиром кўрсатади. Агар Насриддин ҳақиқатан ҳам ақлли бўлганда бойлиги ҳам бўлиши керак эди. Бойлиги йўғу доно деган номи бор. Асоссиз берилган бу шарафли номни ундан тортиб олиш керак. Шунда адолат қарор топган бўлади. Муҳсин гуппи шу боис ҳам афандига қарши курашга шайланади. Ёзувчи асарда бадиий тўқинишга асос бўлган зиддиятни ишонарли белгилайди.

Қиссада Насриддин афандига хос сўзамоллик ва топқирлик фақат табиий хусусият бўлмай, балки ижтимоий-руҳий илдизга ҳам эгалиги ишонарли кўрсатилган. Афандининг ҳозиржавоб ва ақллилиги, аввало, унинг фитратига боғлиқ. Бундан ташқари, у кеча-кундуз қорин ташвишида юрадиган қашшоқ ҳам, бойиш истагида ўлиб-тириладиган нокас ҳам эмас. Демак, Насриддин нафсга қул эмас. Руҳи ҳур бўлгани учун ҳам афанди тафаккурининг павози баланд. Чунки ҳурлик, эрк инсон ақлига қанот ва кўлам бахш этади. Шу боис Насриддин ҳозиржавоб, кулгиси нишонга тегади, довруғи довон ошади. Афандидан бошқа ҳам ақлли, ҳозиржавоб, топқир ва тадбиркор одамлар бор. Аммо улар ё қорин ғами, ё бойлик тўплаш ҳирсига қулдирлар. "**Қулнинг эса ақли ҳам кишанда туради**". Афанди донолигининг сири унинг ҳурлигида! Қаҳрамон шахсига хос хусусиятлар асарда шу тариқа ишонарли асослаб берилади.

Бировларнинг ҳисобига кун кўришга одатланган кимсалар бошқаларга одам эмас, емиш деб қарайдилар. Ҳамиша кимдан бўлса-да, бирон нарса ундириш илинжида юрадилар, яъни улар

ўз нафсига қул бўлган кимсалардир. Бундайлар учун ноинсофлик инсоф ўрнини, мантиқсизлик мантиқ ўрнини боса олади. Ундайларнинг кучи сурлик ва айёрликларида. Уларни енгмоқ учун улардан-да зўрроқ куч топмоқ керак. Афанди буни жуда яхши англайди. Англагани сабаб: "Икки хум асалини еган пашшаларни истаган ерда ўлдириш, бунга монеълик қилганларни ўғриларга шерик сифатида жазолашга ҳуқуқли экани" ҳақидаги ваколатни қозига тасдиқлатиб олади. Бу ҳол дастлаб ўқувчига ҳам, Насриддиннинг рақибларига ҳам бориб турган мантиқсизлик бўлиб туюлади. Аммо Афанди билардики, мантиқсизликдан туғилган чигал вазиятдан чиқмоқ учун унданда мантиқсизроқ тадбир зарур.

Асарда Муҳсинбой ва унинг тарафдорлари ҳам фақат қора бўёқлар билан эмас, балки вақти билан ёрқин бўёқлардан ҳам фойдаланиб тасвирланади. Насриддиннинг рақиблари фазилатлардан маҳрум, нодон кимсалар сифатида кўрсатилганда эди бош қаҳрамоннинг кўп хусусиятлари очилмай қоларди. Рақибларини тавбасига таянтириш, уларни аямай фош этиш учун Афанди баъзан содда, баёв киши қиёфасига, баъзан гапуқмас ўжар сиёғига киради. Асалини еган пашшаларни ўлдиришга ҳақли экани ҳақидаги ваколатни олгач, қозихонанинг ўзидаёқ Муҳсин гуппи, Нодир ва Содир миршаб ҳамда қозикалонни дўппослашга тушганда қозининг гапига муносабатида қаҳрамоннинг шу жиҳати ишонарли очилади:

— Келинг, мулла Насриддин, бир тўхтамга келайлик! Ахир ҳамма пашшаларингиз қозихонага йиғилиб қолмагандир!– деди қози.

— Ие! - деди Насриддин қизишиб,- Асалимни еган пашшаларни сиз танийсизми, менми?!

— Нима, ҳаммаси бизнинг бошимизга қўнадими?– йиғламсиради Муҳсин гуппи.

— Қўнса қўнади! Ман қаттан билай? Ўзидан сўранг!

Қаллоб ва инсофсиз кимсалар билан Насриддин уларнинг ўз тилларида гаплаша олади. Уларнинг ўз қуроллари билан ўзларини аёвсиз жазолайди. Муаллиф арзон кулги туғдиришдан, сунъий эффектдан сақлана олади. Шу тариқа кулги воқеадан, адибади гап-сўздан эмас, балки характерлар мантиғидан, бадиий вазият таҳлилидан келтириб чиқарилган ва руҳий тадқиқ йўналишидаги сатирик асар яратилган.

Қиссада ёлғиз ўзи қирқ қароқчига қарши курашган ёвқур Абди оппоқ образи фонида инон–ихтиёрини ўзгаларга қўш қўллаб топширган, ҳар қандай зўравоннинг истаган фармойишини бажаришга ҳозир ўнлаб одамларнинг нечоғли ғариб, аянчли, инсон деган номга нолойиқ эканлиги жуда таъсирли кўрсатилган. Муаллиф карвондаги бу одамларни алоҳида номлаб, қиёфаларини ҳам тасвирлаб ўтирмайди. Одам бўлиб **шахсликка**, қўй бўлиб **этликка** ярамайдиган беқиёфа каслар асарда энг муносиб ном – **қўй-одам** тарзида умумлаштирилади.

Зоҳир Аъламнинг ҳамма асарлари ҳам бир текисда битилган деб бўлмайди. Ҳар қандай ижодкорда бўлгани каби унинг айрим асарлари имконияти даражасида ёзилмаган. Адиб баъзан ўз вақтида нуқта қўя олмай жуда кучли ёзила бошлаган асарларини чўзиб юборса, баъзи тагмаънони жуда чуқурлаштириб, имо-ишораларни мураккаблаштириб, бадиий тасвирни хиралаштириб қўяди. Унинг асарларидаги образларнинг баъзан муаммолар залвори тагида, қалаштириб ташланган масалалар панасида кўринмай қолиши ҳам бор гап. Ёзувчи ички бир шиддати ва изтироб билан айтаётганларидан айтолмай қолаётганлари кўпроқ эканини ҳис этиб ёзгани учун бўлса керак, баъзи вақтда унинг асарларига бегона оҳанглар ҳам кириб қолади.

Зоҳир Аълам бадиий имконияти кенг ижодкор. У фақат носир эмас, драматург, сценарийчи, долзарб мавзулардаги бадиий мақолалар муаллифи, моҳир таржимон сифатида ҳам танилган. Умид шулки, янгиланиш даврининг ҳур эпкинлари ёзувчи ижодининг янги қирраларини тўлароқ намоён қилади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 1989 йил 20 октябр

КЎНГИЛ МУЛКИГА САЙР

Одамни билиш қийин. Унга баҳо бериш янада мушкул. Чунки инсоннинг аслини ўзга одам тугул унинг ўзи ҳам тузукроқ билмайди. Ёзувчилик шундай қисматки, ўзи ўзини биламан деб айтишга иккиланадиган одам ҳақида, унинг ўйларию, туйғулари тўғрисида билиб қалам суриши керак. Вужуднинг, таннинг ишларини ақл билан маълум даражада билса ва изоҳласа бўлади. Лекин кўнгилнинг, руҳнинг асрорини мантиқ билан ўлчаш ўта мушкул. Фақат кўнгилгина кўнгилни ҳис этиши мумкин.

Бадиий ижод муайян одам кўнглини тадқиқ этиши, уни ўзгалар ҳис этадиган даражада тасвирлай билиши билан диққатга моликдир. Инсон туйғулари ўта мураккаб, ғоят нозик бўлганлиги учун ҳам уни ҳаққоний ва таъсирли тасвирлаш қийин. Чунки инсоннинг кечинмаю ҳислари чексиз бўлгани ҳолда уларни ифодалаш имконияти чеклангандир. Ижодкорнинг таланти даражаси инсон қалби иқлимларини нечоғлик тўлиқ тадқиқ эта билиш маҳорати билан ўлчанади. Одамнинг кўнглига эса фақат самимият деб аталувчи торгина сўқмоқ орқали кириб бориши мумкин.

Ўткир Ҳошимов – шу маънода ўз сўқмоғига эга бўлган ижодкор. Бу йўл тажриба туфайли, йиллар мобайнида шакллантирилган тасвирлаш маҳорати сабабли пайдо бўлмаган. Кўнгилларга солинган сўқмоқлар ё оташин муҳаббатнинг, ё ўтли нафратнинг меваларидир.

Адибнинг "Тушда кечган умрлар" романи ҳам ана шундай улкан муҳаббату ададсиз нафратнинг самараси ўлароқ пайдо бўлган асардир. Бундан роса йигирма йил олдин Шукур Холмирзаев бир суҳбатда: "Ўткир шафқатсиз холислик билан тасвирлаш" деган фикрга "САМИМИЙ" тасвирлаш керак, деган гапни ҳам қўшади",- деган эди. Ҳақиқатан, Ўткир Ҳошимов ижодининг бош йўналиши тасвирдаги самимийлик деб бемалол айтиш мумкин. Ёзувчи қаламга олган қаҳрамонларини ичдан нурлантиришга ёхуд уларнинг руҳияти зулумотга нечоғлик ғарқ бўганлигини таъсирчан тарзда акс эттиришга интилади. Унинг асарлари қаҳрамонлари меҳнат ёхуд уруш қаҳрамонлари эмас, айнан бадиий қаҳрамонлардир. Яъни улар – тирик одамлар. Ўз тийнатига, дунёқарашига, феълига, яшаш тарзига эга бўлган шахслардир.

Ш. Холмирзаев ўша суҳбатда: "Ўткирдаги ўша ижодий ишланишлар – унинг қаҳрамон танлашида акс этмоқда",- деганди. Синчиклаб қаралса, Шукур ака касбдоши ижодининг асосий қиррасини жуда аниқ пайқаганлиги сезилади. Ўткир Ҳошимов асарларидаги образлар ўзига хос қиёфага эга бўлганлиги сабабли эсда қолиши, айни шу хусусияти туфайли китобхонлар меҳрини қозониши бор ҳақиқат.

"Тушда кечган умрлар" романидаги Рустам, Хайриддин, Темур, Шаҳноза, Диля, Санжар образлари, ҳатто, тасвирга ҳар замонда бир аралашадиган эпизодик қаҳрамонларгача китобхон диққатини жалб қила оладиган шахслар. Бу образлар меҳнат жасоратлари, илмий ютуқлари, ҳикматли гаплари туфайли эмас, балки шахслик сифатлари боис эсда қолади, ўқувчи эътиборини жалб этади.

Покиза ўйли, рост сўзли, эзгу амалли Рустамнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалари китобхонни ўзига ром қилади. Унинг ўз қуролдошлари Темур ва Хайриддинга муносабатларида, Шаҳнозага муҳаббатида, онасини аяшларида, отаси учун куйинишларида улкан инсоний самимият бор. У – ичдан маърифатли одам. Йигит ўзгани ҳис этадиган, тушунадиган руҳият эгаси. Асарда оламнинг бутун аламли жиҳатлари Рустам тақдири орқали тасвирланган дейиш мумкин. Лоқайдлик, бефарқлик, қулайликка интилиш, манфаат тақозосига кўра қадам босиш бегона бўлган бу олижаноб йигит, бутун асар давомида азоблар гирдобида кўрсатилади.

Романда қаҳрамоннинг афғон уруши давридаги руҳияти, айниқса, ишонарли чизилган. Ўткир Ҳошимов азалдан уруш тасвирига ўзига хос ёндашуви билан машҳур. Адиб кўп йиллар олдин ёзган "Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясидаёқ уруш ва инсон қисмати, унинг инсон руҳиятида намоён бўлиш тарзига психологик ёндашувни сездирган эди. Уни жанггоҳнинг манзаралари эмас, уруш туфайли инсон табиатида рўй берган руҳий тебранишлар миқёсини кўрсатиш кўпроқ жалб этади. Рустам образининг Афғонистонга дахлдор тасвирларларда, айниқса, жонли ва эсда қоларли тасвирлангани боис ҳам шунда. Уруш моҳиятан ёвузликка хизмат қилгани учун ҳам, аслида адолатпарвар, раҳмдил, инсофли кишини ҳам шафқатсиз ва ёвуз кимсага айлантира олиши мумкинлиги Рустам шахсияти тасвири мисолида жуда таъсирли ифодаланган. Бош қаҳрамон ҳаётининг Афғонистонга

боғлиқ тасвирларини ўқиб туриб, айрим ўринларда, адиб ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқатиданда аниқ, унданда таъсирли эканига қойил қоласиз.

Адиб қаламга олган персонажга адабий қаҳрамон сифатида эмас, балки ўз тақдирига эга жонли одам деб қарай билади. Шу боис қаҳрамонни табиатига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлар оғушида кўрсатмасликка интилади. Ёзувчи табиатан ҳиссиётли халқ – ўзбекнинг вакиллари бўлмиш қаҳрамонларини, кўпинча, нозик имо, сезилар-сезилмас ишора орқали акс эттиради. Шу йўл билан китобхонга қаҳрамонлар ўйлари, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини мустақил баҳолаш имконини қолдиради.

Тўйдан кейин келинчаги билан қовушалмаётган Рустам Шаҳнозаларникига борганда, келиннинг ойиси қизи билан кўришуви лавҳасида нозик бир нуқта шундай тасвирланади: "Шаҳнозага термулиб турган кўзларида: "Қалай, янгиликлар борми?"- деган саволни уққандек бўлдим". Асар билан таниш бўлган киши қайнонанинг кўзларида қандай савол акс этганию, бу саволнинг залвори ёш келин-куёв учун нечоғлик оғир эканини теран ҳис этади. Муаллиф булар ҳақда оғиз очмайди. Тасвир мароминнинг ўзи ўқувчини ҳамдардлик сари элтади.

Миллат руҳиятининг қабариқ, хотирга михланиб қоладиган яхлит манзарасини бера билиш тажрибаси ўзбек адабиётида қатъий шаклланмаган. Эҳтимол, бунга миллатдошимиз табиатидаги тортинчоқлик, фардликка мойиллик, ички моҳиятни бегона кўзлардан яширишга интилиш сифатларининг мавжудлиги ҳам бир даражада сабабдир. Ҳар ҳолда ўзбек адабиётида М. Шолоховнинг "Тинч Дон", А. Нурпеисовнинг "Қон ва тер" романларидагига ўхшаб муайян миллат психологиясининг энг муҳим жиҳатлари омма руҳияти жунбушини кўрсатиш орқали акс эттирилган асарлар жуда кам. Миллий адабиётимизда алоҳида одам руҳиятининг турли қирралари теран тасвирланган анчагина асарлар бор ва бу йўлдаги изланишлар борган сари қатъий йўналиш касб этиб бормоқда. Лекин омманинг қиёфасини бера билиш ёки миллатнинг аъзолари маънавиятидаги энг характерли, энг универсал, энг ёрқин чизгиларни топиш ва тасвир этиш тажрибаси камлиги бор гап. Ўткир Ҳошимов "Икки эшик ораси" романида илк бор оммавий лавҳа тасвири воситасида миллий руҳият қирраларини қабариқ ҳолда беришга, бир

даражада, муваффақ бўлган эди. Оқсоқолнинг келини Зуҳрани ёқтирган кишисига никоҳлаб берган лавҳа тасвирида инсон руҳиятини остин-устун қилувчи ларзакор ҳолатда миллатга хос асл белгиларнинг, аввало, Оқсоқол образида, сўнг шу манзара иштирокчилари табиатида ёрқин намоён бўлган эди.

Шунга яқин ҳолат "Тушда кечган умрлар" романида ҳам мавжуд. Тўғри, бу саҳна аввалги романдаги сингари ёрқин ва бўртиқ ҳолда кўринмайди. Аммо "Тушда кечган умрлар" асаридаги Рустам ва Шаҳнозаларнинг Қатортолдаги қўшнисиникида бўлган тўй саҳнаси ўзбек миллатига хос руҳий сифатларнинг намоён бўлиш кўлами ва теранлиги жиҳатидан олдинги романдагидан асло қолишмайди. Агар "Икки эшик ораси" асарида омма психологияси ўз юксаклиги, олийжаноблиги, улуғворлиги билан ақлни лол қолдирар даражада ёрқин, киши кўнглини тўлдирар даражада ғурурбахш бўлса, "Тушда кечган умрлар" романидаги тўй эпизодида орсизлик, қўрқоқлик сингари тубан маънавий сифатлар миллий белгилар тарзида ёрқин намоён бўлади. Юзлаб одамнинг биргина келгиндининг андишасизлиги олдида индамай бўйин эгиб туриши тасвири юраксизлик ўзбекдан қўй-одамлар тарбиялашда "юксак" натижага эришганлигининг ёрқин далили бўлган.

Асарнинг тили ҳам жуда ўзига хос, ширали, таъсирчан ва мусиқавор. Адиб романдаги ҳар бир персонаж тилини ғоят нозик айирмаларга эга ҳолда бера билган. Гарчи, асар кундалик шаклида битилиб, муаллифнинг иштироки билвосита амалга оширилган бўлса-да, Ў. Ҳошимов қаҳрамонларининг барчасини ўз тили билан гапиртиришга, уларнинг туйғуларини ўзига хос йўсинда намоён эттиришга эришган.

Умуман, қизиқарли ёзилган романнинг булардан бошқа ҳам бир қанча фазилатлари ҳақида анча фикр юритиш мумкин. Лекин асарнинг бадиий қиммати яна ҳам юксакроқ бўлишига монелик қилган бир қатор жиҳатлар борки, улар ҳақда тўхталмаслик ҳақиқатдан кўз юмуш ҳисобланган бўларди.

Рустам – табиатан йирик шахс. Ҳар ҳолда, кундалик саҳифалари, Рустамнинг тарафдорлари ва рақиблари хотираларига таяниб фикр қилинадиган бўлса, йигит анча кўламдор инсон бўлиши керак. Аммо унинг асарда тасвир этилган изтироблари анчагина майда. Рустамнинг изтироблари кўлами унинг имкониятлари даражасидан анча кичиклиги тасвирда доим сезилиб туради.

Йирик одамнинг майда ҳаёт кечиришининг ўзи бир фожиа! Бу ҳақда кўплаб асарлар битилган ва яна битилса бўлади. Лекин Рустам кечираётган изтиробу ўйлар ва у қилаётган ҳаракатлар асар муаллифи томонидан улуғвор, юксак деб тақдим этилгани унчалик маъқул эмас. Чунки Рустам типидаги шахслар даҳанаки жанглар, муштлашувлар, гап билан узиб олишлар ва ниҳоят беъманидан беъмани ўлим топишдан тузукроқ қисматга муносибдир.

Афсуски, асарда Рустам ҳамиша рўзғорий ёхуд майда шахсий ташвишлар оғушида тасвирланади. Асар тасвири йўналишидан келиб чиқилса, қаҳрамон турмуш икир-чикирларидан баландроқ туролмаган одамга ўхшайди. У табиатан ўзгалардаги эзгуликни кўра билмайдигандай. Бу типдаги қаҳрамонлар тақдири иддаоли марксча хулосага олиб келиши мумкин: менинг омадсизлигимни кўринг ва билингки, бунинг барига адолатсиз ижтимоий тузум айбдор. Ҳолбуки, Рустам шу феъли билан қандай тузумда яшаганда ҳам ёруғлик кўролмаса керак эди. Чунки ўз ташвишлари билангина яшаган одамнинг олам кенглиги ва одамлардаги эзгуликларни идрок этишга чоғи келмайди. Сабабки, бундай одам ўзининг манфаатлари доирасига биқиниб олган бўлиб, очуннинг жилваларига қарашга ўзида на истак ва на куч тополади.

Муаллиф тасвирига кўра, роман қаҳрамони – даврига сиғмаган, ҳукмрон ахлоқ талабларига мослашишни истамаган шахс. Адабиёт тарихида кўп вақтлар олдин ҳам "ортиқча одам", "йўқотилган авлод" йўсинидаги кишилар тасвири берилган. Эҳтимол, Рустам ҳам мавжуд жамиятга, унинг маънавий қадриятларига бегона бўлган ўзига хос ўзбекона "ортиқча одам"дир. Чунки ҳар қандай жамият ҳам тараққий этаётган тирик ҳодиса сифатида муайян ижтимоий чиқитни вужудга келтиради...

Хайриддиннинг айни туғилган кунида бекордан бекорга ўлдирилиши, Темур жасадининг ҳақоратланиши, Ҳусанхўжанинг фронтда Комиссарга дуч келиши, Ғаниевнинг олдин Тўлаганга, сўнг унинг хотини Фотимага, сўнгра қизи Қурбонойга қабиҳликлар қилиши. Рустамнинг жинсий ожизлиги, асардаги асосий воқеалар ривожи суръатини айни шу ожизлик муаммосига боғлаб қўйилгани сингари жиҳатлар, назаримда, асосан бадиий эффект учун, қаҳрамонларнинг изтироблари кўламини сунъий равишда кучайтириш учун қилингандай туюлади.

Роман Рустам кундалигининг охирги саҳифалари билан бошланиб, айни шу саҳифаларни келтириш билан тугайди. Бу ўз ҳолича чиройли усул. Лекин, асар боши ва охирида айни бир кундаликдан олинаётган айни бир парчанинг айрим ўринлари ҳар хил берилганлиги ўқувчида бир оз нохуш таассурот қолдиради.

Дард билан битилган, ширадор тили ва самимий тасвири туфайли завқ билан ўқиладиган "Тушда кечган умрлар" романи учун кундалик шакли ҳамиша ҳам ўзини оқлаган деб бўлмайди. Лекин романда тирик одамлар, адоқсиз армонлар, кўлами беқиёс изтироблар, бир сўз билан айтганда, чинакам ҳаёт бор. Шу боис бу асар миллий адабиётимизда ўзига хос ўринга эга бўлади.

"Туркистон" газетаси 1996 йил 9 октябр

ВАҚТНИ ТИЗГИНЛАГАН ШОИР

Мақсуд Шайхзода серқирра ижод соҳиби эди. У адабиёт сиёсатга хизматкор қилинган, шеърият мафкуранинг югурдагига айлантирилган шўро даврида яшаб ижод этган бўлса-да, катта иқтидори боис ўзига хос бадиий қиёфасини сақлаб қола билган адиблардандир.

Шайхзода, биринчи навбатда, шоир сифатида машҳурдир. Унинг шеърияти фалсафий умумлашмалар, оригинал ташбиҳлар, жонли образлар, кутилмаган метафораларга бойлиги билан ажралиб туради. Аксар шеърларда шоирнинг файласуфона нуқтаи назари, муайян ҳаётий ҳодисаларни таққослаш натижасида янги ва кутилмаган чуқур хулосаларга келабилиш маҳорати кўзга ташланади: "**Бешикда тебраниб ётган ўғлоним, Бир куни дунёни тебратар, балким...**"

Шайхзода умрининг мазмуни ҳақида жуда кўп ўйлайдиган, ҳаётининг ҳар бир кунига жиддий маъно юклашга интилган ва бунга кўп жиҳатдан эришган ижодкор эди. У ҳаётни севади. Лекин бу севги фақат патологик тушунчагина бўлиб қолмай, аввало, ижтимоий-ахлоқий масъулиятдир. Айнан шу маънода "**Мен яшамоқ истайман Уч рақамли бир сонда**", "**Яшамоқ керак, биродар, яшамоқ!**" каби кўнгилларни ёриштирадиган, тафаккурни ўстирадиган оригинал образлар яратади. "**Умрлар бўладики, Тиригида ўликдир, Ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир**". Ҳикмат даражасидаги бу мисралар мағзининг тўқлиги билан ҳам, бадиий либоснинг ярашиқлиги билан ҳам чуқур ёдда қолади.

Мақсуд Шайхзода шеъриятга кўнгил эрмаги, эҳтиросли қалб товланишларининг намоён бўлиши тарзидагина қарамайди. У поэзияни ўта зарур ижтимоий юмуш деб билади. Шу боис шоирни даврининг виждони ҳисоблайди.

Ҳамма ухлар, фақат у бедор,
Эҳтиросдан ловуллар багри.
Ҳозир унинг вужуди — дунё,
Қалби бўлса, ҳиссиёт баҳри.
Ёниқ нигоҳ, сўлгин юз билан
Қаршиларкан қуёшни мамнун,
Курашади битта сўз билан
Қофиялай олмай багри хун.

Шундай... ўзин-ўзи кемириб,
Қисқартириб азиз умрини,
Гоҳ шодлик, гоҳ ғамга берилиб,
Адо этар виждон амрини!

Шайхзода шеърларида баъзан фикр туйғудан босимлик қилади. Шоирнинг аксар шеърлари осон ўқиладиган, тез ёдлаб олинадиган эмас. Ўқувчи бу шеърларни муайян мантиқий зўриқишсиз, енгил қабул қилолмайди. Шоир шеърхонни ўйлашга, асарнинг образлар оламига киришга ундайди. Унинг "Йилларнинг саломин йилларга элтиб" шеъридаги фалсафий фикрлар кўламининг англаб етилиши ўқувчи учун осон кечмайди. Чунки шеърда фикр юритаётган улкан файласуфнинг салмоқли ва вазмин ўйлари ғоят ўзига хос ҳамда бадиий оҳор билан берилганки, шеърхон ҳам мутолаа жараёнида унга фикрдош бўлиб, лирик қаҳрамон билан қўшилишиб ўй сураётганлигини билмай қолади.

Вақтнинг тинимсиз ҳаракатда эканлиги табиий. Унга ҳеч қандай куч монелик қилолмайди. Лекин вақт қандай ўтади? У бутун жамият миқёсида қандай сезилади-ю алоҳида инсон ҳаётида қандай из қолдиради? Шеърнинг лирик қаҳрамонини шулар безовта қилади... Шайхзода шеъридаги "**Кундузлар тунларнинг сочин тарамай, Ўполмас тонгларнинг пуштиранг лабин**" қабилидаги жуда гўзал образли топилма ўқувчиларда фикр уйғотибгина қолмай, унда ҳиссиётлар силсиласини ҳам ҳосил қилади. Шеърхонни руҳий мувозанатдан чиқаради, лоқайдликдан қутқаради. Зеро, бу хилдаги бадиий кашфиётга бепарво қолиш мумкин эмас. Шеърхон ўйга толади: шоир нима демоқчи экан? Вақт оқимининг қатъийлигини, табиатдаги ўрин алмашишлар мунтазамлигини таъкидловчи, айни вақтда, инсон умрининг ҳам ўткинчи, ҳам умрзоқ ҳодиса эканлиги ҳақида фикр уйғотадиган бу сатрларда оддийгина ҳақиқат жуда чиройли бадиий либосга бурканган: кундуз тунни кузатмай туриб, тонгнинг жамолига мушарраф бўла олмайди. Яъни мақсадга эришмоқ учун узоқ ва қийин эстетик йўлни босиб ўтиш лозим бўлади.

Шоирнинг тасвирлаш маҳоратини унинг шеърларидаги: "**Ҳавони қайчилаб қаноти билан Хўрозлар қичқирди дарахт шохида**" сингари жуда ҳаётий ва эсда қоладиган образлар тасвири мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шоир "**Уймаланган қатор**

ташбиҳлар Карвон эрур сарбон истайди. Шитирлаган баргдан тўкилган Қофиялар мени қистайди" сингари сатрларда ҳам ўзининг кайфият уйғотиш, муносабат ҳосил қилиш борасидаги санъатини намойиш этади. Бу каби тасвирларда ижодкор шахснинг руҳий мувозанатдан чиқиши, илҳомий ҳолат жуда ишонарли ва ичкин кўрсатилган. Шоир муайян сезим, ҳолат, вазият ҳақида хабар бермайди, балки уни шеърхон кўз ўнгида намоён этади. Шоирнинг маҳорат тиғи шу қадар чархланганки, баъзан бутун бошли шеър давомида фикру туйғулар мувофиқлиги билан бирга товушлар мутаносиблиги, оҳанг уйғунлигини ҳам ушлаб туришга эришади:

Кечалардан кўчага,
Кўчалардан кечага кўчилар.
Май ўрнига дудоқдан,
Бўса деган булоқдан ичилар.

Бу сатрларда Мақсуд Шайхзода шеъриятининг энг муҳим жиҳатлари акс этган.

Ҳаётга файласуфона қарайдиган, ундан салмоқли маъно чиқаришга моҳир Мақсуд Шайхзода битган тўртликлар ҳам диққатга сазовор. Шоирнинг ахлоқий-дидактик йўналишдаги тўртликлари чиройли поэтик шаклга эгадир. Шоирнинг "Ғанимат саналур ҳар лаҳза, ҳар пайт" мисраси билан бошланадиган тўртлиги вақтнинг қадрига етиш, умрни мазмунли ўтказиш ҳақида. Шоир фикрини жуда чиройли шеърий либосга сола билган: "**Ғанимат саналур ҳар лаҳза, ҳар пайт, Айтганингни қилгин, қилгусингни айт**". Иккигина сатр ичига Навоийга хос мухтасарлик билан жуда чуқур пурмаъно ҳикмат жойланган. Ўқувчилар мисралар бағридаги сеҳрдан, тўртликларнинг бадиий латофатидан таъсирланадилар. Шоир шеърхоннинг туйғуларига дахл қилишга эришади. Унинг асар ғояларинигина билиб, эстетик таъсирдан қуруқ қолаверишига йўл қўймайди.

Мақсуд Шайхзоданинг халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган "Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!" тўртлигида ҳар қандай одамга тириклигида яхшилик қилиш, ёрдам қўлини чўзиш кераклиги тасвирланади. Бу фикр, шунчаки, ялнғоч тарзда айтилганда, оддий насиҳатдан фарқ қилмаган бўларди ва табиийки, ўқувчиларни ўзига ром этолмасди. Гап шундаки,

Шайхзода мазкур тўртликнинг ҳам мантиқ, ҳам шакл жиҳатини мукаммал ишлашга эришган. Шеърнинг иккинчи мисраси шундай: "**Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг**!" Шоир бу ўринда фақат танишликни, сўрашишнигина кўзда тутмайди. У "Салом" деган сўзнинг араб тилидаги асл маъноси — тинчликка ҳам ишора қилмоқда. "Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, Тирик эканида бир соат йўқланг". Яхшиларни авайлайлик, уларнинг тинчлигини, осойишталигини таъминлайлик. Тиригида азоблар гирдобига ташлаб қўйиб, ўлгандлан сўнг унинг яхшилигини айтиб, кунлаб йиғлагандан кўра, кўмак бериш мумкин бўлганда уни қадрлаб, умрини бир соатга бўлса ҳам узайтирайлик. Шоир тўртгина мисрага жойлаган улкан маъно — шу. Асосий гап тўртликнинг бадиий жозибаси ва ифода тарзида. Шеърият шунчаки тўғри гапни айтгани учун эмас, балки ифода йўсинининг бошқача бўлгани билан қадрлидир.

Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб кўпгина достон ва балладалар орасида ўзбек шеъриятининг тўққиз вазнидан фойдаланиб битилган ўн саккиз бобдан иборат "Тошкентнома" асари алоҳида ажралиб туради. Достонни воқеанома эмас, балки изҳори дил дейиш мумкин. Унда яхлит бир сюжет чизиғи, қаҳрамонларнинг тақдирини бир нуқтага туташтириб турувчи воқеалар йўқ. Зеро, достоннинг асосий қаҳрамони шоирнинг ўзи. Чунки асли озарбайжон фарзанди бўлиб, Ўзбекистонда улғайган, одам ва ижодкор сифатида шу ерда шаклланган шоир ўзбек халқига, Ўзбекистон тупроғига бўлган меҳрини "Тошкентнома"да ўтли бир самимият билан тараннум этади. Достонда кейинчалик ҳикматга эврилган ифодалар, анъанага айланиб қолган ташбиҳлар бир талай. "**Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи, Дарёлар собитдир, сувлар кўчкинчи**", "**Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчуқ Қайтиб келар экан Маккатуллодан**", "**Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз**" сингари бадиий топилмалар фикримизга далилдир.

"Тошкентнома"да шоир ўзбек халқи руҳиятининг билимдони, миллат тарихининг зукко тадқиқодчиси тарзида намоён бўлади. Достонда миллий шеъриятнинг тўққиз вазнидан фойдаланилганлиги бежиз эмас. Асарда акс эттирилган ҳар бир давр, ҳар бир ижтимоий тушунча ўзигагина махсус ва моҳиятини максимал даражада очиши мумкин бўлган вазнга солинган. Асар мазмуни билангина эмас, балки оҳанги билан ҳам ўқув-

чини ром этадики, бу шоирнинг бадиий тасвир имкониятлари нечоғлик кенглигидан далолат беради.

Иккинчи жаҳон урушининг айни қизғин палласи — 1944 йилда яратилган "Жалолиддин Мангуберди" трагедияси туркий халқлар ҳаётининг энг фожиали даврини бадиий акс эттирган баркамол асардир. Ўз даврининг мафкуравий сиқувларидан чўчимаган адиб асарга мўғулларга қарши кураш сардори Жалолиддин Хоразмшоҳни қаҳрамон қилиб олади. Асарда тарихий ҳақиқатга эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Айни вақтда, тарихий шахсларнинг табиатини намоён этишда Элборс баҳодир, табиб, ясовул сингари тўқима образлардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Драматург соцреализм талабларига кўр-кўрона бўйсунувчи кўпгина ижодкорлардан фарқ қилароқ, тасвирга олинган тарихий ҳодисаларга синфий кўзқараш билан ёндашмайди.

Асардаги Жалолиддин, Султонбегим, Темур Малик, унинг ўғли Донишманд, Бадриддин тимсоллари бадиий етуклиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Фожианавис қаҳрамонларнинг табиатига, сажиясига тазйиқ ўтказмайди. Уларни зўрлаб ўз йўлидан юритмайди. Айни вақтда, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи мантиқан асосланган бўлишига эришади. Шуниси муҳимки, фожиа қаҳрамонлари озодлик ғоясига ҳаётини тиккан, шундан бошқа нарсани ўйламайдиган, ўз ҳаётини тафтиш этмайдиган мутаассиб эмас, кўпчилик сингари тирик одамлар қилиб тасвирланган. Уларнинг ҳам жони оғрийди, азоблар, ноқулайликлардан толиқишади. Муаллиф қаҳрамонларнинг қўлига қилич тутқазган, ўзидан бир неча баробар қудратли ёвга қарши чиқишга ундаган куч улардаги имоннинг бутунлиги эканини жуда ишонарли тасвирлай олган.

Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожиасида "шоҳликни маърифатга дастёр қилган" султон Мирзо Улуғбек ҳаётининг энг фожиавий бўлаги тасвирга олинади. Муаллиф султон Улуғбек бошидан кечирган воқеаларни баён этишга, уларнинг тарихдаги салмоғини кўрсатишга эмас, балки қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати ҳаётий вазиятга мувофиқ тарзда тасвирланишига аҳамият беради. Шунинг учун ҳам фожиани ўқиган китобхон ўзи сингари одамлар билан тиллашгандай бўлади. Уларнинг ҳолатини, изтиробу қувончларини туяди ва тушунади.

Драматургнинг маҳорати шундаки, воқеликни тасвирлашда мафкуравий тазйиқлар туфайли ҳаёт ҳақиқатига қарши борган ўринларда ҳам бадиий мантиқ қудратига суянади ва ўзининг ёндашув тарзига томошабинни ишонтиради. Бу ҳолни муҳтасиб Сайид Обид, қози Мискин, Хожа Аҳрор тимсоллари талқинида сезиш мумкин. Энг муҳими, муаллиф бадиий образни ўз ғояларининг ифодачисигина деб билмайди. Персонажларнинг ҳам ўз ҳаёти, феъли-хўйи борлигини унутмайди. Ва ҳамиша қаҳрамонларини табиатларига мос келадиган фаолият ёки фаолиятсизлик билан таъминлайди. Шу боис ўқувчи Шайхзода талқинидаги трагик қаҳрамонларга бефарқ қололмайди.

Асарда Мирзо Улуғбек образи улкан бир инсоний меҳр билан ишланган. У — султон Мирзо Улуғбек, айни вақтда, шоҳона кийимдаги Мақсуд Шайхзода ҳам. Чунки бош қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзлаган сўзи, сўзламай ўйга толишлари ҳам ичдан ҳис қилинган, кечирилган ҳолда қаламга олинганки, бу сифат асарнинг умрзоқлигини таъминлаган. Улуғбек — шоҳлигидан ташқари, оғир-вазмин файласуф, машҳур астроном олим. Айни вақтда, у ўзига хос туйғуларга эга киши ҳам. Шу боис унга иккиланиш, шубҳа бегона эмас. Улуғбек: "Дунё, бевафосан, биламан сени, аммо сенга ёмон фарзанд эмас эдим-ку!"- дея эртанги куни ҳақида ўйланади. Сайид Обидни ўлдирмайди, уни ўлдирмаслик билан қийнагиси келади. Феруза ҳақидаги жирканч бўҳтонга ишонмайди, аммо бир эркак сифатида шу туҳматнинг ўзиданоқ ҳақоратланади.

"Мирзо Улуғбек" фожиаси йирик ва қабариқ характерларга бойлиги, қаҳрамонларнинг юксак маънавий тушунчалар миқёсида фикрлашлари, тўқнашувлари шиддатли эканлиги билан диққатга сазовордир. Унда ҳикматга айланиб кетган қанотли иборалар шунчалик кўпки, бутун фожиа ҳикматлар тўпламига ўхшайди. Улуғбек тилидан айтилган: "**Ҳали рўзи маҳшаргача башар авлоди Кузатар ҳам, тузатар ҳам олам китобин**", "**Сирдарёнинг сувларини сизнинг Жўжихон қалпоғида олиб келган эмас-ку, ахир!**", "**Чунки аёл ўқилиши қийин бир китоб**", "**Билмак — бутун коинотга сирдош бўлмоқлик**", "**Сўқир бахтдан кўраркўзлик бахтсизлик афзал**", "**Ироданинг фарзанди – умид**" сингари ҳикматлар қаҳрамоннинг табиатини очишдан ташқари ўқувчини маърифий жиҳатдан бойитади ҳам.

Филология фанлари номзоди, Низомий номидаги пединститут доценти Мақсуд Шайхзода ўзининг ўнлаб илмий рисолаларида Навоийнинг бадиий даҳосини тадқиқ этиш, мутафаккир асарларининг эстетик жозибасини назарий асослаб бериш борасида жиддий ишлар қилган олимдир. Шунингдек, М. Шайхзоданинг мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг турли муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган уч юзга яқин илмий асарлари ҳам миллий адабиётшунослик тараққиётига қўшилган ўзига хос ҳиссадир. Баланд шахсият ва серқирра истеъдод эгаси, вақтни тизгинлаган ижодкор Мақсуд Шайхзода яратган асарлар узоқ йиллар мобайнида қадим аждодлар яшаган даврнинг саломини узоқ авлодлар яшайдиган даврга элтувчи руҳий кўприк бўлади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 1998 йил 16 октябр

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЧЎНГ ҚОЯСИ

Ҳар қандай чин талант такрорланмасдир. Такрорга бўй бермаган истеъдодгина талантга айлана олади. Миртемир ижоди ўзбек шеърияти тараққиётида ўзига хос бетакрор ҳодисадир. Миртемир олам ҳодисалари ва одам руҳиятини ҳеч ким пайқамайдиган йўсинда кўради, улардан бошқаларга ўхшамаган алпозда таъсирланади, уларни ўзгача бир йўсинда изоҳлайди, ҳеч ким қилолмайдиган шаклда тасвир этади. Бу бетакрорликнинг илдизи шоирнинг шахсиятидадир. Миртемир ўзига хос одам эди. Унинг шеъриятидаги етакчи белгилар ҳам ана шу ўзига хос одамликнинг натижалари бўлди. Чунки ижод ижодкор шахсиятидан юксак бўла олмайди. Баланд шахсиятга эга бўлгани учун Миртемир ўзбек шеъриятининг чўнг бир қоясига айланди. Айни шахсиятнинг бутунлиги унга бу юксакликка эришмоқ учун меҳнату азобларнинг тоғдай юкини кўтариш қудратини берди. Шунинг учун ҳам шоир умри адоқлари – 1977 йилда битган "Розиман, ризоман..." шеърида қуйидагича ёзишга маънавий ҳақли эди:

Ўзимга хиёнат қилдиму аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар
Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
Фарёд солар чоқда жим бўла олдим,
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Миртемир XX асрда яшаб, унинг барча талотумларини бошдан кечирди. Асрига хос кўплаб хусусиятларни шахси ва ижодига сингдирди. Аммо у ўзбекларга кўп асрлар мобайнида махсус бўлиб келган маънавий-руҳий сифатларни фавқулодда соф ҳолда ўзида сақлай билганлиги ҳамда бу ҳол ижодида ёрқин намоён бўлганлиги билан эҳтиромга лойиқдир. Ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон шеъриятидан яхши хабардорлиги, мумтоз санъатлардан ўрни билан фойдаланганлиги, дунё назмидан бир кўп гўзал таржималар қилганлигига қарамай, ўзбекка хос хусусиятларни инжа халқона йўсинда ифодалай олганлиги Миртемир шеъриятининг

бош белгиси ҳисобланади. Шоирнинг фикрлаш тарзи ҳам, оламни образли идрок этиш йўсини ҳам халқона. Аммо ифода услуби миртемирона таъсирчан ва ўзига хос.

Ўзбекнинг ўзбеклик қирраларини ўзбек бўлиб тасвирлай билгани учун ҳам Миртемир шеъриятида миллий руҳ кўзга яққол ташланиб туради. Миллий руҳнинг ифодаси жиҳатидан шоир асарларини шартли равишда иккига ажратиш мумкин. Унинг бир тур асарларида миллий ўзига хослик ташқаридан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. "Сен бўлакча сулувсан, Ўландай жўн бир чирой",- деб ёзади шоир "Кўз" шеърида. Ўлан – ҳамма айта оладиган, кўпчиликка яқин қўшиқ. "Ўландай жўн чирой" эгасининг сурати ва сийрати ана шу хусусиятларга эгалигида. Яна бир қур шеърларида эса миллий алоҳидалик ботинга кўчирилади. Ўзбекни портрети, кийими, сўзларидан эмас, балки сезимлари, кайфияти, ўйлари, ҳаракатларидан англаш мумкин бўлади.

Миртемирнинг аксар шеърларида ўзбек руҳиятидаги ўзига хосликлар нозик илғангани ва ифодалангани кўринади. Диққатга молик жиҳати шундаки, бу ўзгалик ва хослик ўзбеккагина тегишли халқона тил билан берилади:

Қатор дўнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,
Баъзиси бақалоқ, ўзгаси чўққи,
Бостирмами булар эшиксиз, бутов,
Ёки чинорларми – тарвақай, дўққи?
...Чорвадор ўроқчи ўрган хирмон бу,
Қўра-қўра молга ёпиғлиқ нон бу,-

деб ёзади шоир "Ёпиғлиқ нон" шеърида (Миртемир шеърларидан олинган барча кўчирмалардаги таъкидлар бизники – Қ. Й.). Ҳаёт тарзи тўлиқ урбанизациялашган бугунги ўқувчи учун шеърдаги қабариқ миллий образлар унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис у гап пичан ғарамлари ҳақида бораётганлигини англамаслиги ҳам эҳтимол. Лекин шеърнинг ичига кириб борган сари ўзбекона турмуш йўсинининг қуршовига тушиб бораверади. Миртемир ижодида унинг "Анғиз" шеърида тавирланган: "Йўл-йўлакай бепоён ***анғиз***, Пода-пода кезар ***тувалоқ***. Салт ***гунанда*** ўтаман ёлғиз, Суқ киргудай қарайман узоқ" каби ғоят ўзига хос тасвирлар кўп учрайди.

Ҳар қандай сўз – белги. Халқнинг турмуш тарзидаги ўзига хосликни ифодаловчи сўзлар эса муайян миллат ҳаётининггина эмас, руҳиятининг ҳам белгиларига айланади. Миртемир улуснинг тирикчилик йўсинидаги миллий сезимларни кўра ва кўрсата оладиган шоир эди. Унинг "Ҳали ҳам" шеъридан олинган қуйидаги мисралар нечоғлик ўзбеконалигига эътибор қилинг:

Онам нон ёпади бўғриқиб-бўртиб,
Дам-бадам куяди қўли енгсакда.
Чивиқ тойчам гижинг, йўрғалаб-йўртиб,
Ҳадеб айланаман шу теваракда.

Астойдил оқартирилган тандир тафтидан бўғриққан, иссиқнинг зўридан енгсакдаги қўли ҳам куяётган она ва кулча илинжида чивиқ тойчасини гижинглатиб, тандир атрофидан кетолмай юрган бола тимсоллари ҳар биримизга қанчалар таниш ва айни вақтда, ифода қанчалар ноёб ва такрорланмас. Ҳаётий ҳолатни шеърга кўчирмоқ ва бу аснода руҳий ҳолат тасвирини кайфиятга таъсир этадиган қилмоқ учун улкан истеъдод керак бўлади.

Миртемир ўзбекнинг ҳаёт тарзинигина эмас, балки халқининг оламни образли идрок этиш йўсинини ҳам ғоят пухта билган шоирдир. Шу боис баъзан унинг шеърлари худди оғзаки ижод намуналаридай ўқилади. Шоир халқ турмушига оид жиҳатларни билиш билангина кифояланмайди, балки ичдан туяди. Шу сабаб унинг ижоди миллатнинг руҳини ифодалаши жиҳатидан тенгсиздир. Миртемир: "Битта пайдо бўлса бас, Кетар экан ***кучуклаб***,- деб ёзади "Шумғия" шеърида. Бундай тарзи фикр ҳам, тарзи ифода ҳам деҳқон ўзбеккагина хос. Ёмон ўсимликнинг кўпайиб кетишини қўйга қараганда кўпроқ болалайдиган итнинг туғишига менгзаш ва буни шу тарзда ифодалай олиш учун фақат Миртемир бўлиш керак.

Бошқа бир шеърида табиат манзарасини шоир шундай ифодалайди: "Қор ёғар ***элаб-элаб***, Оламни оққа белаб. Какликлар тоғдан тушиб, Донсиз, панасиз ***ушиб***". Қор ёғишини уннинг эланишига ўхшатиш топишмоқларда бўларди. Уни шеъриятга фақат Миртемиргина жозибали қилиб ўтказа олди. Совқотмоқнинг "ушик урмоқ", "ушикмоқ" сингари шакллари халқ орасида сийрак бўлса-да, ишлатиларди. Лекин уни шеъриятда исти-

фода этиш ва бу аснода кайфият яратишга ҳам эришиш фақат катта санъаткорларгина уддалай оладиган юмушдир. Ёки "Кўкни булут ***олалайди***, Эмиш ***бўри болалайди*** ("Буқабулоқ" шеъри) мисраларидаги булутнинг олаламоғи билан бўрининг болаламоғи орасидаги боғлиқлик шунчаки қофияга эҳтиёж натижаси эмас, балки чорвадор боболар ҳаёт ва тафаккур тарзи берган тўхтамларнинг бетакрор ифодасидир. "Бўзтўрғай" шеърида шоир шундай ифодадан фойдаланади: "Кўринмас бир ипга осиғлик гўё". Бўзтўрғай ҳолати ҳақида бундан ҳам моддий, бундан ҳам оддий ва бундан-да тўғри ифодани учратиш қийин.

Миллатнинг ҳаётини, яшаш тарзини билишнинг ўзи ижодкор учун камлик қилади. Ўша ҳаётни муайян шахс тақдирига эвириш, унинг кечинмаларини тасвирлаш асносида ҳаётий манзарани нурлантириш ва унга бадиий маъно юклаш чин истеъдоднинг сифатидир. "Қишлоғим" шеърида Миртемир талантининг шу жиҳатлари яққол намоён бўлган дейиш мумкин:

Қай қўрага кирсанг, эшиги очиқ,
Бир нима татийсан, қўймас, асло оч.
Қорақумғон қайнар, ёзилур чочиқ,
Зоғорами, сўкми, ёвғон ё умоч.
Борини аямас, борини қўяр,
Юпқами ё гўжа, талқон, қўғирмоч,
Қурутми ё жийда – ўртага уяр.

Шоир хулоса бермайди, холис тасвирлайди. Аммо тасвирдаги биз таъкидлаб кўрсатган тамсиллар қишлоқдошларнинг бир қадар ғариб тирикчилиги, лекин танти табиатини яққол намоён этади. Ҳовли ҳам ҳовлимас – қўра, ўчоқда чойдиш эмас қорақумғон қайнайди, дастурхон ўрнига сочиқ ёзилади, тортиладиган таомлар ҳам ночордан-ночор, лекин уй эгаларида оғриниш йўқ, аяш йўқ, самимият бор. Бу чорвадор ўзбек турмуш тарзининг манзараси.

Миртемир халқ ҳаётини ичдан билганлиги, ўша ҳаёт тузуклари асосида яшаганлиги учун ҳам унинг руҳияти ва сезимларидаги энг нозик чизгиларгача илғай олади. Чунончи, "Она тилим" шеъридаги: "***Йигитларнинг ялласидан, Сулувларнинг сукутидан*** Йўғрилган тил – Она тилим",- бу иккигина қаторда ўзбекнинг эркаги-ю аёлига мансуб энг баланд маънавий сифат-

лар ўта ёрқин ва ғоят ингичка намоён этилган. Бу сатрларда ўзбекда азал-азалдан эркакнинг гапи гап саналгани, аёлларнинг қудрати айнан уларнинг сукутларида, ҳар нарсага аралашиб, бўлар-бўлмасга байталларини қамчилайвермаганида эканлиги миртемирона йўсинда акс этган. Бу ҳолатнинг миллат тилида намоён бўлганлигини пайқаш учун тилни Миртемирдай билиш, улус руҳиятида моддийлашганлигини кўрмоқ учун унингдай ўткир руҳоний нигоҳга эга бўлиш лозим.

"Кўкламда..." шеърида шоир ёш йигитларнинг руҳий ҳолатини миллий колоритни ифодаловчи сўзлар ёрдамида жуда нозик тасирлайди: "Подачи ***тўрсиги*** – қўйнинг қатиғи, Қора қўй қатиғи – ***ўгиз***дек қуюқ, Йигитлар ялласи сартопо ***туюқ*** – ***Кўзлар сузуклиги, қошлар чатиги***". Чўпоннинг қўй қорнидан қилинган тўрваси саноч ёки тўрсиқ дейилади. Унда, кўпинча, бирваракайига ҳам емишлик, ҳам чанқовбостилик вазифасини бажарадиган қўй қатиғи бўлади. Шоир чорвачилар ҳаётини шунчалар ўрганганки, қора қўйнинг қатиғи қуюқроқ бўлишигача билади. Қизлар кўзларининг сузуклиги, қошларининг пайваста эканлиги ҳақдаги нозик ишоралар олис қирларда, кенг ўтлоқларда қўй боқиб юрган бўз йигитларнинг бошдан-оёқ туюқ, яъни жумбоқли ялласига мавзу.

Миртемир ташқи жиҳатни одамнинг ички оламига ғоят назокат билан кўчира олиш санъатини эгаллаган. У – жўнгина ҳаётий вазият ёрдамида мураккаб руҳий ҳолатни бера оладиган шоир. Шоир одатдаги маиший тамсилларни тасвирлашдан чигал руҳоний сезимларни кўрсатишга усталик билан кўча олади:

Ялтирар суйри тепа, ялтирар қир узунчоқ,
Келинлар тақинчоги, узук кўзларими ё?
Чор атроф сабзаларда жимир-жимир кўзмунчоқ,
Бўй-бўй дилраболарнинг сузук кўзларими ё?
Йўқ, бу гирён кўзларнинг ярқироқ замзамаси,
Кечаси тагин онам йиглабди-да чамаси.

"Шудринг" шеъридаги ифода зоҳирда ботинни бера олиши билан диққатга лойиқ. Шеърда одамдан жуда ҳам ташқарида бўлган "тепа", "қир" ҳақидаги ахборот инсонга яқинлаштирилиб, "узук кўзлари"га, ундан бевосита инсонга кўчирилиб,

бўйга етган дилраболарнинг "сузук кўзлари"га, ундан шоирга янада яқинлаштирилиб "она"нинг гирён кўзларига ўтказилди. Тасвир жараёнида оддий ахборот руҳий ҳолатга айланиб боради. Майсаки бор намини аямаган шудринг билан фарзандки бор меҳрини аямай ёш тўккан она тимсолининг мувозий тасвирланганлиги Миртемир қаламининг сеҳрли қудратидан далолатдир.

Миртемир қўлга илинмайдиган мавҳум ҳолатларни моддийлаштириш бобида улкан салоҳиятга эга шоирдир. Унинг шеъриятидаги: "***Тун беун жилмакда гўё сизот сув***" ("Тун..." шеъри) сингари ифода шоир тасвир уфқининг кенглигидан далолатдир. Улуғ шоир маиший турмушда ҳамма томонидан ҳар куни ишлатиладиган жўнгина сўзларга чуқур ва кутилмаган маънолар жойлай билади ҳамда уларни шундай қўллайдики, натижада порлоқ руҳий манзара юзага келади. "Норбуви" шеъридан келтирилган қуйидаги мисралар фикримизга далилдир:

Бир кез Норжон дердик, ҳозир Норбуви,
Эрмаги невара, эрмаги ҳовли,
Шу-да қадимлардан эрсизлар қавли,
Ўчоқбоши, урчуқ, сумалак, куви.
Лекин кўзлар йўлда, довонда ҳали,
Ҳали ҳам хос коса, ош сузса – улуш,
Ҳали ҳам уйгонар саҳар кўриб туш,
Чопону белбоғи жовонда ҳали...

Урушга кетиб қайтмаган жуфти ҳалолидан умид узмаган ўзбек аёлининг ёрқин ва қабариқ образи оддий сўзлар воситасида катта санъаткорлик билан чизилади. Айни вақтда шоир бирор ўринда қаҳрамонни тавсифламайди, унинг изтиробларини чизишга уринмайди, уни бирор тарзда тушуниш керак деб тарғиб этмайди. Лекин унинг инсонлик моҳиятини бутунисича кўрсата билади.

Миртемир сокин ва довруқсиз ҳаёт кечирди. Иддао ва ваҳималарсиз самимий ижод қилди. Шу самимийлиги боис бутун борлиғини, улкан руҳий имкониятини, қалбидаги адоқсиз муҳаббатини томчима-томчи ота юртига, она халқига бахшида эта олди. Дардларида, изтиробларида ўзини, шахсиятини ифода эта билди. Чунки Миртемирнинг ижоди шахсиятидан ажрал-

маган эди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди унутилмайди, тўзимайди, балки борган сари миллатга яқинлашаверади. Шу маънода Миртемир:

Тирикликда диёримсан
Бол ва оқ сут,
Ўлсам агар мозоримсан
Эй Она юрт!-

деганида тўла ҳақли эди. Бардоши қояларга сўз бермас шоир шеърияти вақт тазйиқига ҳам бўй бермайди. Унинг тўқсон йиллиги бадият мангулигига ташланган дастлабки қадамлардир.

"Моҳият" газетаси 2001 йил 19 январ

"ЎЗЛИК" ЧАҚИНЛАРИ

Сўзни гар туз дедим ва гар оздим,
Неки тақдир айладинг ёздим.

Навоий.

Сўз – илоҳий неъмат. Унга улкан масъулият билан ёндашиш, сўз айтишнинг оғирлигини ҳамиша ҳис қилиш жоиз. Юқоридаги байтдан кўриниб турибдики, Навоий ҳазратлари бадиий сўз айтмоқни тақдир иши деб ҳисоблаганлар. У киши асарларидаги нодир бадиий кашфиётларини ўз хизматлари деб билмаганларидек, маромига етмаган ўринларни ҳам қисматнинг ёзуғи санаганлар. Шу маънода сўз одамдир, сўз қисматдир, сўз миллатдир. Шу боис ҳам жамиятга, миллатга ёки муайян инсонга қилинадиган зулм сўзга зуғумдан бошланади. Шунга монанд ҳар қандай эрк ҳам сўз ҳурлигидан ибтидо олади. Шу боисдан ҳам "сўз эркинлиги" билан "матбуот эркинлиги" ҳур инсоннинг дастлабки талабларидан ҳисобланади. Сўзнинг миллат ҳаётидаги беўлчов аҳамияти немис адиби Генрих Бёллнинг: "**Сўз – миллатнинг сўнгги қўрғони**",- деган ҳикматида ёрқин намоён бўлган.

Азим Суюн ўз ижоди давомида улуғ Кайковуснинг насиҳатига амал қилиб: "...наср – раият, назм подшо мартабасидир" деб қараб, кўпроқ оҳангга тушган кайфият ифодаси бўлмиш шеъриятга имтиёз берса-да, ўрни билан, фикрлари туйғуларидан босим келган ҳолатларда "қорасўз" – насрга ҳам қўл уриб туради. Шоирнинг "Ўзлик" деб аталмиш уч қисмдан иборат мақолалар китоби ана шу қўл уришлар самараси ўлароқ юзага келган. "***Истеъдод энг аввал ўзлигини излайди. Ўзлик эса Сўзда намоён бўлади***",- дейди Азим Суюн шу китобдан жой олган "Мен муҳаббатга сиғинаман" мақоласида. Қалам аҳли учун Сўз фақат ният эмас, балки амал, ўзликни намоён этишнинг ишончли воситаси ҳамдир. Шу боис сўзга жуда оғир масъулият юкланади, унга ҳаёт-мамот масаласи тарзида ёндашилади. Китоб муаллифининг оловли насрий сўзлари ижодкор шахсияти, истеъдоди, яъниким, ўзлигига хос жиҳатларини ёрқин намоён қилган.

"Ўзлик" – кўпроқ шоирнинг публицистик асарларидан ташкил топган китоб. Маълумки, публицистик асар ҳамиша муаммодан туғилади ва унга ечим топишга қаратилади. Мазкур ки-

тоб буюк эврилишларни бошидан кечираётган миллат шоирининг ўз улуси олдида турган муаммолар тизимини белгилаганлиги ва уларни ҳал қилиш йўриқларини таклиф этганлиги билан эътиборга моликдир. Тўпламга кирган мақолалар А. Суюн қизиқиш ва фаолият доирасининг кенглигини кўрсатади. Муаллифни миллий тил тақдири, тенгдошларининг ижоди, ёшлар шеъриятининг етакчи тамойиллари, ўлка табиатини асраш, ёшларни иш билан таъминлаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, миллат иқтисодини ривожлантириш йўналишларини белгилаш, ватан мустақиллиги тушунчасини ватандошларнинг кўнглига кўчириш йўлларини топиш, миллат аҳлининг ижтимоий фаоллигини ошириш, журналистикани чинакам тўртинчи ҳокимиятга айлантириш ва бқ. саноқсиз ўткир муаммолар қизиқтиради. Тилга олинган масалалар бўйича шоиримиз жуда билгичлик билан, далилу исботларини ўрнига қўйиб фикр юритади.

Тўғрисини айтиш керакки, публицистик асарларнинг умри қисқа бўлади. Яъниким, у ошиб борса, муаммо яшаганча яшайди. Аммо "Ўзлик" тўпламидаги мақолаларнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, уларда ижодкор шахси такомилининг тадрижий йўли ёрқин акс этган. Мазкур китоб билан танишган одам Азим Суюн эътиқоду қарашларининг тараққиёт тарихини тўлиқ билиб олиши мумкин. Шоирнинг тарихда "қайта қуриш" деб ном олган йиллардан тортиб, бугунги кунларгача яратган публицистик мақолалари киритилган "Ўзлик" тўпламининг "Бўронларда бордек ҳаловат" дея номланган биринчи қисмидан мустақиллик қўлга киритилишидан олдин ёзилган битиклар, "Ҳуррият ҳақиқатлари" тарзида аталган иккинчи қисмидан эркинлик йилларида яратилган мақолалар, "Яшил наво" отлиғ учинчи қисмидан эса ўлкамиздаги бир қатор таниқли адибларнинг шоир Азим Суюн шахси ва унинг ижоди ҳақидаги кузатишлари жой олган.

Биринчи қисмдан ўрин олган битиклар билан синчиклаб танишган одам келадиган дастлабки хулоса, бизнингча, шундай: Азим Суюн ўзининг қайта қуриш даврида яратган мақолаларини мазкур тўпламга киритишда уларни таҳрир қилмаган, яъни кечаги кунини бугунига мослаштирмаган, ўзининг ижодий ўтмишини силлиқламаган. Ўша мақолалар ўз вақтида қандай ёзилган бўлса, китобга шундайича олинган. Кўпинча, яқин ўтмишдаги битикларини қайта эълон қилган кишилар уларни зўр бериб

бугуннинг талабларига мослаштиришга уринадилар. Бундайлар бирданига кечаги кунидан тамомила воз кечишади, бутунлай юз ўгиришади. Улар гўё 91-йилгача яшамагандай, фикрламагандай, мустақиллик келишини жимгина кутиб ётгандай, эътиқоду қарашлари ҳам истиқлолдан сўнг шаклланганда, кечаги кунларидан узилишади.

"Ўзлик"даги мақолалар билан танишилгач, маълум бўладики, Азим Суюн кечаги кунидан уялмайди, ўтмишини танлаб суймайди. У ўтмишида ҳам виждонига қарши бориб уятга қоладиган иш қилмаган, эътиқодига зид бирор сўз ёзмаган. Шунинг учун ҳам мақолалари таҳрирга муҳтож эмас. Тўғри, ҳамма сингари у ҳам ўз ўтмишини текширади, тафтиш қилади, аммо таҳрир қилмайди, пардозламайди. У саксонинчи йилларда битилган мақолаларини ушбу китобга киритар экан, уларни бугунга мувофиқлаштирмаган. Ўзининг айрим хатоларидан, ўша пайтлар ҳукмрон бўлган мафкурага янглиш инончларидан юз ўгирмайди. Бу ҳол муаллифнинг самимийлигини кўрсатиш билан биргаликда китобхонга ижодкор дунёқарашидаги, фикрлаш тарзидаги тадрижни пайқаш имкониятини беради. Ижодкор шахс миллатнинг ўрнагидир. Шу маънода "Ўзлик" ўзбек зиёлиси эътиқоду қарашларидаги эврилишларнинг ўзига хос тарихига айланган.

Машҳур шоира Зулфия ҳақидаги "Шоира сув ичган булоқ" мақоласи 1985 йилда ёзилган. Битикда ўқувчи бола Азим Суюннинг назари орқали берилган самимий инсоннинг чин ҳайратлари ифодаси шоира ижодини эларо машҳур этган жиҳатларни ёрқин акс эттиради. Зулфиянинг дилбар ва назокатли шеъриятига хос асл хусусиятларни оддий шеърхон шуури билан англашга уринади. Дастлабки учрашувда ҳам, ундан кейин ҳам дилидаги бир дунё гапларининг бирортасини ҳам Зулфияга билдиролмаган муаллифнинг: "***Қишлоғимизга борганликларини, булоғимиздан бир ҳовуч сув ичганликларини, уларга кўзлари катта-катта очилиб, ҳайрат билан қараб турган бир тўда бола ичида оқ кўйлакли бола – мен ҳам борлигимни айтолмадим***",- тарзидаги армони самимийлиги билан кишини ром этади.

Умуман ҳар қандай одам ҳаётида, айниқса, ижодкор шахс тақдирида болалик ҳал қилувчи ўрин тутади. Хемингуэйнинг: "Катта истеъдод, билим ва бахтсиз болалик бўлса ёзувчи бўлиш қийин эмас",- деган ҳазилида ҳақиқат унсурлари бор. Бўлажак шоир қалбини болалик чоғларида ғижимлаган адолатсизлик,

ҳиссизлик, зўравонлик сингари ҳолатлар унинг хотирасидан ўчмас бўлиб жой олган. "Кийим эскиргани айбга қўшилмас" мақоласида шоир болалигидаги дилўртар бир ҳодиса тилга олинган. Унда Азимбой тўртинчи синфдалигида бобоси таъсирида рўза тутгани ва "Қуръон"нинг айрим сураларини ёд олганлиги учун "диндор" сифатида мактабдан ҳайдалганлиги, отаси елиб-югуриб, кимларгадир ялиниб, ўқишга тиклаганлиги чуқур афсус-надомат билан ҳикоя қилинади. Нақадар таниш, аммо негадир бошқалар томонидан бирор марта айтилмаган ҳолат! Ҳозир эллик ёшнинг нари-берисида бўлган кишиларнинг кўпчилиги рўза кунлари ўқувчиларини нон ейишга мажбур этадиган "жонкуяр", "ҳушёр" ўқитувчиларини яхши эслашади.

Одамлардан жуда эрта ва ноҳақ турткилар еган бўлса-да, қалбидаги улкан муҳаббат боис уларни ёмон кўриб қололмаган, бобосининг тарових намозидаги тиловатидан юм-юм йиғлаб, Яратганга муножот қилган болакайнинг туйғулари мақолада жуда аниқ ва таъсирли тасвирланган. Айни шу ҳолат туфайли бўлажак шоирнинг – покиза ҳиссиётли, таъсирчан болакайнинг зада, кемтик ва қабарган кўнглидан аламангиз шеър ситиб чиққанлиги ифодаси юракларни ўртайди. Агар Азим Суюн шундай чигал инсоний тақдирга эга бўлмаганда, унинг юраги аёвсиз синовлардан ўтиб эзгуликка ёвуқлашмаганда, шеърий истеъдоди юзага чиқмай қолиши ҳам мумкинлиги мақолада ишонарли акс этган.

"Дилдаги гаплар" мақоласида фақат А. Суюнга хос дилдорлик, ростгўйлик, самимийлик, дардчиллик тўла намоён бўлган. Мазкур мўжазгина мақола ўзбек адабиётидаги Азим Суюн деган ҳодисанинг илдизлари қаерда эканини кўрсатиши жиҳатидан мароқлидир. Унда эндигина 6-синфда ўқиб юрган болакай – Азимбойнинг туҳматга қолиб "ўғри" аталгани, ноҳақ тепкилар егани, дунёдаги энг оқил, энг адолатли одамлар деб билгани – ўқитувчилар эса бу бедодликка томошабин бўлиб турганликлари ва бу ҳолат дунёга ишончини йўқотган ўсмир кўнглидан қуйидаги тўрт қатор самимий тизма бўлиб оқиб чиққанлиги жуда таъсирли акс этган:

Қўй, ифлос сўзларга солмагил қулоқ,
Ҳар хил иғволарга бермагил қулоқ.
Туҳматга йўлиқсанг, мабодо, агар,
Ўз жойида қарор топадилар ҳақ.

Тўғри, бу тизмаларда теран фикр ҳам, ўзига хос бадиият ҳам йўқ. Лекин уларда ўксик қалбнинг шиквалари ҳамда қайсар ва иродали ўсмирнинг ҳақиқатга қатъий ишончи бор. Бу битик А. Суюн шеъриятидаги адолатга ташналик, ҳақгўйлик, исёнкорлик сифатларининг генетик илдизлари қаерда эканини англатиши билан қадрли, шоирнинг тутумларидаги кескинлик ва ижодидаги дадилликнинг асл манбаларини кўрсатиши билан қимматлидир.

Китобдаги "Ватан юкини юраги бор кўтаради" мақоласида 1992 йилда бўлиб ўтган суҳбат мазмуни акс эттирилган. Унда журналистнинг: "Юқори лавозимда ишлашни хоҳлармидингиз" деган сўроғига Азим Суюннинг: "***Хоҳлайман. Айнан ҳозир***",- деб жавоб берганлиги тасвирланади. Қаранг, нақадар азимона жавоб. Фақат шоир Азим Суюнгина асл ниятини шундай дангал, пардаламай билдириши мумкин. Мунофиқ эмаслиги, самимий ва ростгўй бўлганлиги учун ҳам сохта камтарлик қилмайди, ўзини тарозига солмайди, кўнглидагисини очиқ айтади-қўяди. Айни вақтда, шоир бундай қарорга келганлиги сабабини ҳам ишонарли изоҳлаб беради: Ватан мустақилигига эришилган шундай ҳал қилувчи паллада миллат юкини мен кўтармасам, ким кўтаради. Унинг назарида, юқори лавозим катта масъулиятдир.

Азим Суюн ўзи мансуб миллат тарихини билади ва севади. Унинг севгиси билишга асосланган: билганлиги учун севади, севганлиги учун янада чуқурроқ билишга уринади. Халқ ҳаёти ва тарихига доир маълумотларни тарихчи олимларга хос синчковлик билан тўплайди, уларни ҳушёр таҳлил этади ва амалий хулосалар чиқаради. Китоб муаллифи тарихни билишни аслзодаларга хос алтруистик фазилат, пировард мақсад санамайди. Миллатнинг тарихига ўзликни таниш воситаси деб қарайди ва бу сифатга ҳам ҳаёт амалиётидан келиб чиқиб ёндашади. Чунончи, у отасининг қабртошига ўз шажараларидаги ўн тўрт бобосини ёздирганида қишлоқларидаги деярли барча одамларнинг бир-бирига қариндош эканлиги маълум бўлади. Демак, ўтмишни чуқур ўрганган сайин одамлар бир-бирларига яқинлашаверадилар. Тарих улар орасидаги бегоналикни йўқотишга хизмат қилади. "***Тарих тафаккурнинг маъюс масофасидир***",- деб ёзади "Тарих ва шахс" мақоласида Азим Суюн. Бу масофани аниқ ўлчамоқ учун тарихни чуқурроқ билмоқ лозим бўлади.

Адиб инсоният ва тарихнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиёт тарзини жуда реал англайди, образли акс эттиради: "Иккита одамдан башарият, тош ва қояларга ўйилган расм, чизиқ белги, ёзувлардан тарих бунёд бўлди". Демак, тарих учун аҳамиятсиз нарса бўлмайди. Миллий қадриятнинг ҳар қандай кўринишига диққат қаратиш юксалишнинг шартидир. Ҳар қандай миллатнинг равнақини таъминлаш, тарихини шуҳратларга буркаш учун фидойи йўлбошчилар зарурлигини қуйидаги тарзда қуйма ифодалайди: "*...қайси халқнинг ўз йўлбошчилари, даҳолари бўлмас экан, ўша халқ ер юзидан супурилиб кетишга маҳкум*". Миллий ғоя шу сингари самимий ва асосли битиклар ёрдамида шакллантирилиши аён.

Азим Суюн халқ турмушини, миллатнинг урф-одатларини, руҳиятини, фикрлаш ва таъсирланиш тарзини жуда яхши билади. Менинг назаримда, А. Суюн халққа хос жиҳатларни алоҳида ўрганади дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки у халқидан айри эмас, ўзини ўрганувчи – субъект, халқини ўрганилувчи – объект деб санамайди. Миллатига дахлдор ҳар бир қадриятга ҳурмат билан, севиб, аяб муносабатда бўлади. Шу боис у халқ ҳаётига томошабин сифатида тепадан қарамайди, балки унга ичи куйиб, оғирини енгил қилишга интилиб яқинлашадики, бу ҳол мақоланависнинг назарини ўткир, тилини ифодали қилади. "Ўзлик" китобининг қатор ўринларида бу фазилатлар яққол намоён бўлган. Адиб унар-унмасга: "Оҳ, миллат! Оҳ, Ватан!"-дея ҳайқиравермайди. Аммо ватаннинг олис қишлоқларида "***қулқунтой***", "***гукипиш***", "***тратра***" деган қушлар борлигини, "***жирна***"нинг жарга ўхшаш, аммо ундан кичикроқ табиий ўйиқ эканлигини, "***газа***", "***зов***", "***татум***" "***кулчатой***", "***гилминди***", "***бақай***", "***қўзигул***", "***ширач***", "***нозбўй***", "***далачой***", "***бўзбош***", "***маврак***", "***каврак***", "***каррак***" сингари бир кўп сўзлар қандай маънолар англатишини жуда яхши билади. Китобга кирган ҳар бир битикда, айниқса, "Тоғлар орасида", "Тиллашув", "Тоғ одами", "Ҳайдаркўл – иккинчи Орол" сингари мақолаларида ана шу билгичлиги ёрқин намоён бўлган. "***Соя бир бетлади***",- деб ёзади адиб "Тиллашув" мақоласида. Ифоданинг гўзал ва аниқлигига эътибор қилинг. Соянинг бир бетлаши, яъни тўлиқ бир томонга ўтиши куннинг иккинчи ярми бошланганини англатади. Буни пайқаш учун ғоят синчков бўлиш, теварак-атрофга халқнинг назари билан қарай билиш керак.

Азим Суюн халқ руҳини яхши билгани боис бўлса керак, халқона тарзда ҳикмат билан мақолга ўхшатиброқ ёзади. Ўзбекдай халқнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолавериши мумкин эмаслигини ғоят сиқиқ тарзда: "***Гул супурги бўлмас***",- деб ифодалайди. Ҳаётий ҳодисаларни жуда синчковлик билан кузатадиган ва ундан тамомила миллий маънолар топа биладиган Азим Суюн ўзбек халқи учун узоқ тарих мобайнида чеккан захматлар бекор кетмаганлигини шундай ифодалайди: "***Куйган бута тез кўкаради***". Чиндан ҳам бутага ўт қўйилса, янаги йилда куч бериб, яшнаб тез ўсади. Тарихий умри мобайнида азобларни кўп тортган миллат ҳам тараққиётга тезроқ киришади. "***Йўлдоши ёмонни ёв олар***",- дейди адиб мустақиллик йўлида эндигина биринчи қадамларини ташлай бошлаган халқига қарата. Ўзини халқдан айри тутмаган адиб элига йўл кўрсатишга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам бир мақоласида: "***Ёдирман сўзларимни мисоли тўр, Элим, жонинг бўлса, унга илиниб кўр***",- дея хитоб қилади. Халқининг мустақиллик бўйлаб ташлаётган илкинчи қадамлари қандай босилаётганлигига бепарво томошачи бўлолмайди. Аёлларнинг мустақил ўзбек миллати тараққиётидаги ўрни ҳақида ўй сурар экан: "***Бияни ишлатсанг, қулуни бўлмас***", "***...яхши қиз маҳалласидан ортмайди***" сингари ҳикматомуз фикр-лар билдиради.

Адиб публицистикаси ифода тарзининг таъсирчанлиги билан ҳам диққатга сазовордир. 1989 йилда ёзган бир мақоласида сиёсий ва мафкуравий зиддият мавжуд шароитда давлатчиликнинг такомиллашуви, мафкура ва сиёсат таъсиридаги тамаддуннинг ривожи турли тизимларда, ҳар хил ҳудудларда яшайдиган одамларни бир-биридан узоқлаштирганини ғоят таъсирчан қилиб ифодалайди: "***Қадим-қадимда ҳам давлатлар бор эди, мамлакатлар бор эди, халқлар бор эди. Лекин ҳозиргидек чегаралар йўқ эди, юракларгача чегаралар йўқ эди***".

Азим Суюн бадиий мақолаларида муаммоларнинг мураккаб жиҳатларидан кўз юммаганлиги, хаспўшламаганлиги учун ҳам улар ёзилган вақтда қандай ўқишли бўлса, бугун ҳам оҳорини йўқотмаган. "***Камбағаллик билан мағрурланиб бўлмайди. Камбағаллик – кишан. Ҳеч ёққа боролмайсан. Камбағаллик – қанотсиз қуш, парвози йўқ***",- деб ёзади "Мен муҳаббатга сиғинаман" мақоласида. Келтирилган кичик парчада "камбағаллик" сўзи уч бора такрорланиб келади. Сўзни ўз ўрнида авайлаб ишлатишга интиладиган адиб такрорга тасодифан йўл қўймаган.

Муаллиф асосий масалага ўқувчининг эътиборини қаратиш, ўз бадиий ниятини унга яхшироқ англатиш учун шу йўлни тутган.

Адиб миллат тақдири учун муҳим бўлган, ҳаёт-мамот масалалари ҳал этиладиган онларда хотиржам қололмайди. У кескин ва қатъий фикрлайди. Ўз қарашларини ҳукм тарзида билдиришдан ҳам хижолат чекмайди. Унинг қуйидаги фикрларига эътибор қилинг: "***Мустақиллик ягона бўлади. Унинг иқтисодий, сиёсий... каби турлари йўқ***",- дейди Азим Суюн мақолаларининг бирида.

Нияти чиндан ҳам тўғри бўлган одамга орзуларининг амалга ошганлигини кўриш насиб қилар экан. Адиб 1990 йилда ёзган "Мустақиллик йўли" мақоласида: "***Кошкийди, болаларимиз чет мамлакаларда ўқишса, келиб ўз ватанларига хизмат қилишса...***",- дея орзу қилади шоир. Мана, фарзандларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ўқиб келишаётганини кўриб турибмиз. Китобдан жой олган бошқа бир мақолада: "Ўзбекистоннинг Давлат байроғи, Гимни ва Гербини халқ руҳига мос қилиб яратишни таъминлаш керак. Тонгданоқ "Ассалом..." деб ҳамду сано ўқиш етар!"- дейилган. Бу гаплар саксонинчи йилларнинг охирларида битилган. Адибнинг фуқаролик позицияси, ижодкорлик жасорати ана шу битикларида намоён бўлган. Хуллас, шу каби жиҳатлар Азим Суюн мақолаларининг ўқишлилигини таъминлаб, бугунги ўқувчиларнинг эътиборини жалб этишига сабаб бўлган.

Муаллифнинг самимийлиги, тўпорилиги, улуғворлик пардаси билан ўзини ўқувчилардан тўсиб олмаганлиги учун ҳам китобхон "Ўзлик" тўпламидан шоир ҳаёти ва ижодига хос кўп жиҳатларни билиб олиши мумкин. У калондимоғлик қилмайди, ўзи ҳақида ақлли, пухта, силлиқ одам сифатида таассурот қолдиришга уринмайди, ўқувчига йўл кўрсатмайди, устозлик даъво қилмайди. У китобхонларнинг ҳам ўзи сингари самимий ва хайрихоҳ одамлар эканига ишонади. Ўзи чинчи бўлгани боис чин сезади, чин ўйлайди, чин сўзлайди.

"***Мен ўзимни ҳаётда жуда кўп кечиккан ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман***",- деб ёзади муаллиф "Ватан юкини юраги бор кўтаради" мақоласида. Ҳақиқатан, Азим Суюн тенгдошларидан икки-уч йил кейин мактабга борди. Ўрта маълумотга эга бўлгач ҳам олий мактабга дарров киролмади. Икки йил ҳарбий хизматни ўтади. Зўр машаққату хавотирлар билан кечки бўлимга талаба бўлди. Биринчи тўплами чиққанда ёши ўттиз-

дан ошиб қолганди. Яхшиямки, умр фақат йилларнинг саноғи билан ўлчанмайди. Умрга зуғум ўтказиб, ўз маромидан чиқариш имконсиз. Инсон ҳаётининг муқобили бўлмайди. Бир бор бериладиган неъмат бир марта кечилади. Интилувчан одам учун кечирилган умрнинг бирор куни бекор кетмайди. Ҳаётий тажриба, кечинма, сезимлар қат-қат бўлиб ижодкор тийнатига жойланади. Ўзини намоён этишнинг қулай фурсатини кутиб туради. Азим Суюн мақоланавислиги миллат ойдинидаги ана шу жиҳатларни ифода этади.

Миллат дарди ва халқ орзуларини ўзиники деб қабул этган адиб бадиий ижод, ижодкорнинг жамият ривожидаги ўрни ҳақида ўйлаши ва бу тўғрида қалам суриши табиийдир. Шунинг учун ҳам "Ўзлик"да ижод ва ижодкор масъулияти ҳақида мақолалар талайгина. Азим Суюн хонанишин адиб эмас. Шу боис бадиий асарни фақат кўнгил навозишлари деб билмайди. Ҳар қандай бадиий асар ижтимоий юк ташиши лозим деб ҳисоблайди. "Бурилиш йўлларида" мақоласида: "***Халқ қалбининг кўзлари жуда катта***",- деб ёзади. Чин ижодкор ана шу катта кўзларни чалғитмаслиги, ўз халқининг манфаати йўлида жаҳд қилиши шарт деб қарайди. Чунки халқни алдаб бўлмайди. У барибир моҳиятни кўради. Миллатнинг манфаати турган жойда "***...ижодкор кўпам андишанинг қули бўлиб қолмаслиги керак***...",- деб ҳисоблайди адиб. У ҳақли равишда: "***...ҳар қандай ижодкорнинг истеъдоди унинг қалбидаги дарднинг нечоғлик катталиги билан ўлчанади***",- деб билади.

Истеъдодли шоир ва таниқли журналист Азим Суюн сўзни дилдан суяди ҳамда зуғум қилмай, аяб, ўрнида қўллашга интилади. Айни вақтда, у ҳаяжон кишиси бўлгани сабаб дунёга ҳайрат билан қараб, ундан ажабланадиган жиҳатлар топиб, эҳтиросу завқ билан ҳайқириб, тўлиқиб яшайди. Шу боис доим ундовли ўйлайди, кўпинча бўзлаб сўйлайди, шуларга монанд ёзади. Унинг публицистик асарларида ҳам фикрлар туйғу омухталигида берилади. Вақтида айтилган туз сўзлардан иборатлиги учун ҳам "Ўзлик" китоби Азим Суюн ижодий оғочининг тотли меваларидир.

"Туркистон" газетаси 2000 йил 9 август

ЗУЛФИҚОР РУҲ МАНЗИЛЛАРИ

Асл шеърият ё муҳаббатдан ва ёки нафратдан туғилади. Ш. Раҳмон битиклари аксар ҳолларда адолатсизлик, ёвузлик, хунуклик, олчоқлик ва хиёнатга адоқсиз нафрат туфайли пайдо бўлган. Шу боисдан улар жисмни тобловчи оғриққа, пўртанавор руҳий тўлғоқлар ва шамширдай кескир фикрларга бой. Шавкатнинг шеърлари кишини ўйга толдиради, изтиробга солади, руҳий оғриқларга дучор қилади.

Зулфиқор руҳ керак,
керак чин ёғду,
чин ишқ ёлқинлари багримга тўлсин.
жисмимни тобласин фақат чин оғриқ.
чечаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин...

Чин сўз, чин туйғу, чин амалларга доимий интиқлик чин шоирлик белгиларидандир. Юқоридаги мисралар Шавкат Раҳмонни бошқа минглаб дардчил шоирларга яқин қилади. Шу билан бирга, айни шу мисралар Шавкат Раҳмон деган бадиий феноменнинг бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатларини ҳам намоён этади: шоир "зулфиқор руҳ" истайди. Шунчаки қониқмаслик, шунчаки норозилик, руҳнинг шунчаки инжиқлиги унинг учун етарли эмас. Шоир инсоний комиллик, одамий тўкислик йўлида қатъият, эркакча амаллар лозимлигини чуқур англайди. Шу боис ҳеч кимда учрамайдиган тарзда: "**Борми эр қизлар?**"- дея савол қўяди. Одам эр бўлгандагина ер бўлмаслиги шоирнинг барча асарлари замирига сингдирилган баланд туйғулардан биридир.

Шавкат Раҳмон шеърияти ташқи эффектларга унчалар бой эмас. Эътибор қилинса, шоир шеърларида ўзбек назми учун одатий бўлган тўқ қофия жуда кам учрайди. Бу шунчаки тасодиф эмас. Шавкат мусиқий мутаносибликдан, киши туйғуларини аллалаб чалғитадиган назмий оҳангдорликдан атай қочади. Киши юрагига бехато етиб борадиган, теккан жойида из қолдирадиган залворли ва қиррадор туйғуларни ўшанга монанд йўсинда ифода этади. Шеър тўқ қофиясиз бўлса, кишини аллаловчи мусиқийлик унчалар кучли бўлмайди. Ҳар бир сўз мисрадаги умумий оҳанг оғушига сингиб кетмайди ва ўқувчи

уни алоҳида идрок этиш имконига эга бўлади. Ш. Раҳмон битганларида товушларни ўйнатиб, ҳиссиётининг нозик қирраларини титкилаб сўздан олов чиқаришга эмас, балки ўз-ўзидан гуркираб турган руҳнинг ҳаракатини, пориллаб ёнаётган туйғуларнинг алангасини ифодалашга ярайдиган сўзларни қидиради. Шоир ҳаёти мобайнида ёниб яшади ва бундан малол-ланмади, аксинча: "**Ёнмоқлик мунчалар ёқимли!**"- дея ҳузурланди.

Шавкат бир умр зулфиқор руҳнинг ёрқин манзилларига етиб бормоқ бўлди, бунга астойдил интилди. У руҳдагина озодлик, ҳурлик бўлишини, руҳнинг фароғатсизлигидангина қаноат пайдо қилиниши мумкинлигини чуқур англаган, туйган шоир эди.

Чинакам шоир ҳамиша йўл киши си. Фақат бу йўл жуғрофий эмас, балки руҳий манзилларидан ўтади. У гуноҳларга ботган заминдан орзудаги юрт – эзгулик тантана қилган афсонавий маскан сари отланади. Бу йўлнинг машаққати кўп, озори чексиз, фароғат эса фақат мўлжалда. Лекин уйғоқ қалб жозибадор маскан – эзгулик сари чорлайверади. Шоир бу йўлга юрмоқчи бўлган киши қалтис лаҳзаларда панд бериши мумкин бўлган энг буюк душмани – хиёнатни ўлдириши лозим деб билади. Чунки хоинлик, хиёнат, қўрқоқлик каби иллатлар билан курашнинг йўлига кириб бўлмайди:

Йўлдир бу,
нафснинг ботқоғи эмас,
қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир.
Бу йўлга юзингни буришдан аввал,
ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир.

Адолат йўлидаги машаққатлар қанча бўлмасин, шоирни қўрқитолмайди. Уни "улкан соат ўртаси" – ўтмиш ва келажак орасида аросатда қолиб кетиш, тишлари ўткиру ҳислари тўмтоқ каслар билан яшаш хавфи чўчитади. Бундай касларни шоир "қашқирлар" деб билади. Саодат қарор топиши мумкин бўлган хаёлий маскан – Ўшга тийиқсиз интилиш Шавкатнинг нурли манзиллар сари чинакамига отланган йўловчи эканини англатади:

Улкан соат ўртасида
Мадорим йўқ юрмоққа,
Қашқирлар даврасида
Судраламан турмоққа.
Шунда қолиб кетсам гар
нетамиз?
Абадият оралаб
Ўшга қачон етамиз?

Шавкат Раҳмон: руҳи кескир шоир, шу сабаб сўзи, образлари, ташбиҳлари кескир ва қонталаш. Унинг сўрашишга узатилган қўли ҳам ўрни келса, "**...тиғдай ялтираб кетиш**"га қодир. У: "**...тилим қонар кескир сўзлардан**",- деб айтишга ҳақли ижодкорлардан. Унинг тиғли сўзларидан нафақат тили, балки дили, руҳий олами тилка-пора бўларди. Сўзки шунча оғриқли экан, уларнинг туғилишига сабаб бўлган туйғулар қанчалар азобли бўлса! Буларни туймоқ ва чўчимай, ҳеч кимни аямай айтмоқ учун қанчалар жасорат керак. Шоирнинг: "**...билмоқчи бўлсангиз агар шоирлик жасорат сўзининг таржимасидир**",- деган сўзларида зарра қадар чираниш, зўриқиш йўқ. Шоир дунёни тозаламоқ, уни такомиллаштирмоқ бўлади. Асли ҳар қандай чин шоир шу ниятда қалам суради. Ана шундай улкан ва вужудга сиғмас туйғуга эгаликкина одамни илоҳий сўзга ошно этади:

Каттароқ очилсин барча дераза,
шамоллатиш керак
дунёни бир оз.

Қалби безовта, руҳи уйғоқ шоир дунёни ўзиники билади. У – дунёга ҳам хўжа, ҳам хизматкор. Шу туфайли Шавкатнинг юқоридагидай даъватлари эриш туюлмайди. Чунки у – чиндан ҳам дунёнинг эгаси. Эгаси бўлгани учун ҳам унинг тозалиги ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ қайғуришга ҳақли.

Шавкат Раҳмон тамомила ўзига хос шахс ва оламни мутлақо ўзгача кўрадиган, ўзгача туядиган, кутилмаган ҳаётий манзаралар замиридан фожиа топабиладиган шоир эди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Баъзан унинг шеърларини ўқиб, шоир умр бўйи шахсий бахтидан хижолат чекиб, омад ва оромидан уялиб яшаган бўлса керак

деб ўйлаб қолади киши. Аслида, шоир ҳаётининг омадёр ва оромбахш онлари унчалар ҳам кўп бўлмаган. Олам тартиботининг бунчалар нотугаллиги, одамнинг бу қадар нокомиллиги, жонини тиккани – Ватаннинг пажмурдалиги, ҳаётини бағишлагани – миллатнинг мутъелиги, руҳ деб аталмиш юксак моянинг чиркинлашгани Шавкат қалбини тиғдай яралайди. У ватани ва миллатининг аҳволи учун хижолат чекади, ўзини айбдор сезади. Шу боис у бахт ҳақида гапиришдан, енгил, роҳатбахш ҳаволарда куйлашдан тортинади. Унинг қуйидаги сатрлари ҳам шундан далолат беради:

Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман,
элдан кейинроқ.

Шавкат инсониятнинг ҳозирги одамлик даражаси билан келишмай яшади. Менимча, у одам сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам жангари эмас, лекин муросасиз эди. Шу боис унинг битганларида инкор, ёзғириш, ёруғликка, тозаликка, кенгликка интилиш кучли эди. Унинг зулфиқор руҳга интилиб, интиқ бўлиб яшаши шундан.

Шавкат Раҳмон излаган, қўним топган зулфиқор руҳ манзиллари ҳақида фикрлаш кишини унинг мураккаб шеъриятига бир қадар яқинлаштиради. Шавкат шеъриятга ҳеч қачон кўнгил эрмаги, руҳнинг инжаликларини намоён этиш воситасигина деб қарамаган. Унинг учун шеърият ҳаёт-мамот масаласи эди. Шоирнинг зулфиқор руҳи бош уриб борадиган манзиллар асосан: кўнгил, миллат, ватан эди ва у булар ҳақда ёниб ёзарди.

Шоир кўнгил ювилмагунча, покланмагунча, одам ўзгармаслигини, одам ўзгармагунча олам тароватли бўлмаслигини туйгани боис ёзади: “Бир ёмғир истарлар, ғассол истарлар...”. Ўз кўнглини юксалтиролмаган миллатнинг юксалиши мумкин эмас. Одамнинг одамлигини, халқнинг халқлигини кўнгил ҳал этади. Шавкат Раҳмон кўнгилнинг ўлмаслигини, абадийлигини, яратувчилигини шундай ифодалайди:

Мендан нима қолур,
абадий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?

Уриниб-суриниб сира тўлмаган
бир кўнгил қолади
қолса ҳам мендан.

Дунёнинг мавжуд тартиботидан шоирнинг нозик кўнгли сира тўлмайди. Чунки одамзод тўла комил бўлмаган оламда шоир кўнгли тўлиши мумкин эмас. Шу боис у ўз кўнглини қонталаш қилиб бўлса-да, ўзга кўнгилларга етиб бормоқ, уларни нафснинг ташвишларидан бир зумга эса-да қутқармоқ, юксак аъмоллар ҳақида ўйлашга мажбур этмоққа уринади:

Фақат ишқ...
Фақат ишқ...
Бошқаси сароб,
Бошқаси шамолнинг оний суроні,-

деб ёзади шоир "Муножот" шеърида. Чиндан-да ўзини таниган, қалбини тафтиш қила оладиган одам учун ишқдан бошқаси, кўнгилнинг юксак интилишларидан ўзгаси ўткинчи ва омонат. Аммо ҳамишалик қадриятни ўткинчи ҳавасларга алмаштиришга ҳозир бўлган каслар саноқсиз. Бундайлар ҳақида: "**...тафаккур сасиган, руҳлари сўлган**",- дейиш адолатдандир. Шавкат Раҳмон фақат тирикчиликнинггина кўйига тушиб қолган, кўнглини буткул унутган инсон сезимларини уйғотишга, унинг ҳам одам эканини, аввало, унинг ўзига эслатиб қўйишга уринади: "**Узоқроқ тикилгин ўзингга, одам!**" "**...ахир, вужуддамас, қалбдадир қувват**". Шоирнинг кўнгли – ўта нозик ва сезгир. Шу боис ҳаётдаги жиндай адолатсизлик, андаккина зуғум уни мувозанатдан чиқаради, юрагида чандиқ қолдиради:

...ҳақорат – хотирга санчилган найза.
Сезаман, поёнсиз қоронғиликда
чинқириб ўсади хўрланган майса...

Шоир истайдики, майса ҳам зўрлик кўрмай, шодумон ўссин. Асли шу таъсирчан, яланғоч ва ҳимоясиз кўнгил хоссалари одамни шоирга айлантиради. Мўъжазгина кўнгилнинг дардлари, оғриқлари қанчалик улкан бўлса, шоирнинг таланти ҳам

шунга мутаносиб йирик бўлади. Баланд кўнгилга эга бўлгани учун ҳам Шавкат Раҳмон ғурур билан:

Маним, кичик кўнглим,
ай, шоир кўнглим,
нокаслар раъйига тушмаган, кўнглим!...

деб айта олганди.

Шавкат Раҳмоннинг "зулфиқор руҳ"ияти безовталаниб изарлаган иккинчи манзилда миллат бор эди. У "Иқрор" шеърида ёзади:

Мен жангчи эмасдим,
мен шоир эдим,
ниҳоят шоирдан кўра зобитман,
ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,
нафсига куйганлар келди оқибат.
...япроқдай сарғардим буюк урушда
мусулмон йўқ эди,
йўқ эди миллат.

Шавкат Раҳмонни шоир қилган ҳам, уни адоқсиз ғамбодалик қучоғига итқитган ҳам ўз миллатига чексиз муҳаббат туйғуси эди. Шоирнинг туйғулари – эркакча. Унинг муҳаббати чучмал навозишлардан йироқ. Тўғри, у миллатини суяди, лекин ўйсиз, кўр-кўрона, ҳисобсиз, тафтишсиз эмас. У миллатнинг хор бўлиши ҳам, юксалиши ҳам унинг ўз қўлида эканлигини англайди ва шоирнинг бу сезими, қаноати деярли барча шеърларида акс этади:

Вой, одам,
Вой, итнинг калта оёғи,
Кўзингда қайнайди ажиналаринг,
Худодан сўрайман эс-ҳушим оғиб,
Тезроқ тугасайди ганжиналаринг.

Ўзидан, кўнглидан, қадридан бехабар, умрини ганжина қидириш ва йиғишга сарфлаган миллат итнинг кейинги ҳамда «калта» оёғи бўлиб қолиши, бундай каслар тўдасини нафсидан бўлак нарса қизиқтирмаслиги фожиаси шоирни ўртайди. Шу боис ҳам ўзигагина хос ўктамлик билан дея олади:

...бутун борлиги-ла хомашё юртда
мен ҳам одамзотнинг хомашёсиман.

Чунки мавжудликнинг ўзигина одамликни белгиламайди. Инсонлик мартабасини кўнгил билан, амал билан қозониш керак. Одам деган табаррук номни қозонолмаганлар инсонликка хомашёлигича қолаверади. Қорнидан ўзга ташвиши бўлмаган миллати ҳақида ўйга ботган шоирнинг юрагини кемирган туйғулар залворини ҳис этиш ҳам даҳшат.

Шавкат Раҳмон ижтимоий лирикасининг энг сара намунаси "Туркийлар" шеърида этник белгиси: бошсизлик ва бирикмаслик бўлган миллатнинг фожиаси лахта-лахта қонга айланган шоир юрагининг аччиқ фарёди тарзида ифода этилади:

Туркда бош қолмади...
қолмади довлар...
...Тугилди,
Тугилди,
Тугилди қуллар...

Лекин шоир бу ҳолат билан муроса қилмоқчи эмас. У миллатдошларининг қусурларини айтиш билан шоирлик миссиясини битган ҳисобламайди. Шоир миллатини чинакамига уйғотмоқни истайди. Шу сабабли ҳам:

Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,
борми гул багрингда жўмард нолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.
Бор бўлса,
аларга еткариб қўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шаҳидлар ўлмайди бир қараб туйинг:
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас!!! –

дея ҳайқиради. Кўнгилнинг қаъридан руҳият ва вужудни қўпориб келгувчи шундай шеърни битган одамнинг узоқ яшаши мумкин эмас эди. Эътибор қилинг, "Бор бўлса, аларга еткариб қўйинг",- дейди шоир. Нега "етказиб" эмас, "еткариб"? Бу ўринда жарангли "з" товуши воситасида пайдо бўладиган оҳанг шоирга мазмуннинг залворига мос келмайдиган даражада мулойимдай туюлади ва фикр таъсирчанлигини янада оширмоқ ниятида титроқ "**р**" сонoридан фойдаланади.

Ш. Раҳмон миллат олдига масала қўйишга, бугун ўзбекнинг аждодлар тарихига муносиб яшай олмаётганлиги сабаби ҳақида ундан сўрашга, ўринли жавоб ололмагач, эли тийнатидаги иллатларни шафқатсиз тарзда очиб ташлашга ўзида куч ва ҳақ топади:

Эй, элим,
қачондир бир гала бедил
кўксингдан дилингни сугурган маҳал
нега шол юзингни бурдинг тескари,
нега тирик қолдинг ичмасдан заҳар?!

Миллий шеъриятимизда халққа мурожаат шаклидаги битикларда омма ҳамиша жабрдийда, қурбон тарзида кўрсатилиши одат тусини олган бир вақтда, итоаткорлик, мунглилик, бечоралик, муштипарлик миллат учун фазилат эмас, балки иллат эканлигини фақат уни астойдил суйган ва унинг учун чинакамига куйган фарзандгина очиқ айта олади. Шавкат миллатнинг ўзини ҳам қотил, ҳам мақтул деб билади. Чунки қуллик ўлимдир. Қулликка кўникиш қотилликдир. Шоирнинг ўзбекларга кейинги иддаоси янада каттароқ. У "Кенглик соғинчи" шеърида ёзади:

Эй беклар,
заҳар ич – ўзбегинг қолиб,
ўзгага бўйсундинг,
ўлганинг шулдир.
Шунданми бошида теридан қолип
Саксовул сингари майишган будун...

Шавкатнинг миллат ҳақидаги шеърлари фақат мазмун кўлами билан эмас, балки ифода тарзи билан ҳам ўзига хос ва ўта таъсирлидир. Бу йўлдаги шеърларда шоир шахсиятига хос сифатлар ёрқин намоён бўлади. Туйғулар ўзининг энг мувофиқ ва энг маъқул ифода шаклини топади. Шоирнинг миллатга қарата:

"...ўлар бўлсанг, озодлардай ўл, қолар бўлсанг, энди бириккин",- тарзидаги хитоби ўқувчини сескантиради, ҳаётининг маъноси ҳақида ўйлаб кўришга ундайди.

Ш. Раҳмон олам манзараларини, тафаккур хулосаларини тамомила ўзича идрок этади. Шунинг учун ҳам:

...эгилган нарсалар тегар гашимга...
эгилган бошларни
қиличлар кессин,-

дея ўзбекнинг кенг тарқалган машҳур мақолини инкор қилади.

Шавкат Раҳмоннинг зулфиқор руҳи безовта кезиб, сарсари истаган яна бир манзил ватан эди. Шоирнинг ватанга муҳаббати чегара билмайди ва у чақириғу ундовлардан иборат эмас, у ҳаракатга, амалга қобил:

...шоир юрагимни юлиб берардим
биргина Туркистон деган сўз учун.

Шоир ватан туйғусини ўз вақтида, етарли кўламда англамаганлигидан чуқур изтироб чекади. У ватанни англаш йўлида ҳеч кимни, аввало, ўзини аямайди. Шу боис:

Сендан-да улуғроқ нарса йўқлигин
сочим оқарганда англадим, Ватан!-

деб ўзидан ёзғиради. Ватан ҳақидаги тўхтам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар киши ўз ватанини яшаб ўтиши керак. Шоир ватанини ичдан кечиргунча, уни умри билан яшаб ўтгунча, сочи оқарди. Шавкат ватанда ватансизлик аламларини чуқур туйган ва бу сезимларини ижодига сингдирган шоир эди. Шунинг учун унинг ватаний шеърлари кутилмаган хулосалар, илмоқли саволлар, фавқулодда образлар ва одамни ҳушёр торттирадиган ташбиҳларга бой:

...ахир ўз еримда дайдиб, чанқаган
шўрлик мусофирман,
улуғ мусофир,-

деб ёзади "Бузилган деворлар" шеърида. Бу улуғ мусофирнинг андуҳлари қанчалар улуғ бўлганикин? Ўзини билган одам учун ўз юртида мусофир бўлишдан ҳам ортиқроқ азоб бормикин? Бундай каслардан иборат оломон яшаган ватаннинг йитишини шоир "Шоҳруҳ Мирзо суҳбати" шеърида шундай ифодалайди:

Эрк қани,
эр қани,
асил ер қани...

Шу белгилари бўлмаган масканнинг ватан, унда шу белгиларни бор қила олмаган қавмнинг эру элу миллат аталмоққа ҳаққи борми? Бундай юртда одамдай яшаш мумкинми?

Юртми бу,
ганимдан қолган маломат
ё иево қутиси
билмай ўтарман.

Шу ўйлар шоирни тинимсиз безовта қилади. У ватанда ватансизликка кўниккан, ўз ўрнини, ўз ҳолини билмаган миллат аҳлидан озурда. Қалби уйғоқ шоирга шонли аждодлар руҳининг безовталиги аён:

Буюк руҳ чинқирар...
Демак, бор,
баҳайбат зулм бор ҳали,
ҳали бор одамни қувган овчилар,
шундан донишлари овсару далли,
ўгрига айланган доно тожирлар
шундан чумчуқюрак пошшолари гунг,
фақирлар кўниккан бало, қаҳатга,
шундан водийларда ўсиб ётар мунг,
ҳаттоки булбуллар ўхшар калхатга.

Шавкат ватаний туйғуларини аяб-авайлаб билдирмайди. Чунки у холис кузатувчи ёки сермулозамат мезбон эмас. У – юрт фарзанди. Чин фарзанд сифатида арзон хайрихоҳлик, чучмал

муҳаббат улашувни эмас, руҳни уйғотувчи, ҳиссиётни сергаклантирувчи қиличдай кескир, қамчидай ботгувчи, қалампирдай аччиқ ҳақиқатнинг залвори билан Ватан вужудидаги ва ватандош руҳиятидаги зангларни кўчирмоқ истайди. Унинг муҳаббати чексиз бўлгани каби дашномлари ҳам жон олғулик:

Ватаним дейман-у, багрим қон бўлар,
бу қандай ватанки,
хоки бирикмас,
буюк Турон кенгликларида
уруғлар бир-бирин еди тириклай...

Ўзини ўнгламаган, эркига эга бўлмаган, қаддини тикламаган ватан ўликдир, унинг аҳли қулдир деган фикрга келади шоир. Буни ватаннинг забун ҳолати тасвири орқали ифода этади:

Турон кенгликлари сориғдан сориғ,
Улкан бир ўлакса ётгандай гўё...

Забун ватан, аввало, содиқ фарзандларини қадрламайди, асрамайди. Қуллик қадрсизликдан бошланади. Ватан йўлида тўкилган қоннинг баҳосини билгудай, ўлчагудай зот йўқ:

Жоним жуда арзон...
Жудаям арзон,
Арзондир бу юртда тўкилган қонлар...

Ш. Раҳмон кўнгил, миллат ва ватан ҳақида ҳамиша андуҳли ёзарди. Аммо улар ёруғ манзилларга интилган некбин соликнинг андуҳлари эди. Шу маънода, шоир айтган қуйидаги тўхтам айни ҳақиқатдир:

Порлар тошга дўнган сўзларим,
порлар мангу одамий руҳим,
порлар Ҳаққа ташна кўзларим,
худо берган мангу андуҳим,
ёруғ андуҳим...

Шавкат Раҳмон шеърларини синчиклаб ўқиган одамга шоир тирик эканлигидан, бу ҳаётда яшаётганидан хижолат тортаёт-

гандай туюлаверади. Бу ҳол унинг битганларида бот-бот бўй кўрсатади: "**Кўпроқ яшаб қўйдим шекилли**",- дейди бир шеърида. Шоир норасо элни, нораво ватанни ташлаб кетишга шошилиб яшагандай... Шунданмикин киши Усмон Носирни оқсоқол сифатида кўз олдига келтиролмагани каби Шавкат Раҳмонни эллик ёшдаги одам сифатида тасавур қила олмайди. Бутун бир миллату ватаннинг дардини орқалаб эллик йил йўл босиш оғир, албатта.

Ш. Раҳмон ўзини аямайдиган, зиммасидаги юкини енгиллатишни эса истамайдиган йўл аҳлидан эди. Шунгамикин, у ёлғон дунёда эллик йил яшамади. Уни вақтлироқ ташлаб кетди. Аммо умр фақат яшалган йиллардан иборат эмас. Қилган амаллар ҳисоб экан. Бир вақтлар Шавкат Раҳмон элликка кирганлар ҳақида ёзганди:

Бир нечта юзи бор...
Хатар чоғида
юзин алмаштирар худди терликдай,
зиён-заҳмат кўрмай, баҳор боғидай –
бир кун кириб келди элликка.

Бу мисралар унинг элликка кирган ва ундан ошиб кетган жўраларини, эрта бир кун элликка кирадиган иниларини одам деган улуғ номга муносиброқ яшашга ундаб туради. Чинакам ижодкор башоратчи бўлади. У хоҳлаб-хоҳламай, ўз бахтини ҳам, бахтсизлигини ҳам башорат қила билади. Негаки, у ғайб олами билан сирдош, ўша ёқнинг вакили. Шу боис ҳам ернинг ташвишлари, рўзғорнинг муаммолари уларни кўпда безовта қилмайди. Улар ўз юксак маъволарида яшай билганликлари учун ҳам баланддирлар. Яхшиямки, оламда қалби буюрганидай яшай оладиган, тўсиқларга қарамай кўзлаган манзилига интилаверадиган ўжар зотлар бор. Бу серғавғо дунё шундайлар елкасида турибди.

Баланд руҳ, эркин кўнгил атрофга тийрак назар билан ҳушёр қараш имконини беради. Руҳ уйғоқлиги, кўнгил эркинлиги шоирга кутилмаган ташбиҳларни тақдим этади. Руҳи қолипда бўлган кишининг фикри ҳам, туйғулари ҳам бўғовда ва унинг яратиқлари эса ҳамиша қафасдадир. Чунки фикр ҳам, туйғу ҳам яратиқ сифатида яратувчисининг қандайлигига боғлиқ. Шавкат

эркин руҳ киши сифатида тортган жафолари, туйган руҳий изтиробларига қарамай некбин бўла олди, эзгуликка умид қила билди:

...Бироқ ерда мангу яшайдир
кўҳна юзим, ўйчан кўзларим,
демак, ўлмас бу дунёда ҳеч
худо берган эзгу сўзларим...

Илло, оташин шоир Шавкат Раҳмоннинг эзгу сўзлари асло ўлмагай!

"Гулистон" журнали
2002 йил 1-сон

ДАВР ЯРАТГАН ШЕЪРИЯТ

Замонавий ўзбек шеърияти улкан истеъдодларга бойлиги билан ажралиб туради. Аммо таассуфки, миллий адабиётшунослик ҳалигача ҳам Чўлпон, Ғ. Ғулом, У. Носир, Миртемир, Р. Парфи каби улкан поэтик ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ очиб беролган эмас. Шоир Абдулла Ориф ҳам ҳозирги ўзбек шеърияти тараққиёти йўналишини тайин этган, аммо ҳануз ижодининг моҳияти етарлича тадқиқ этилмаган истеъдод эгаларидандир. Бу ҳолни адабиётшуносларнинг дангасалиги билан эмас, балки шоир талантининг бетакрорлиги билан изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Чунки чинакам бадиият мавжуд анъаналарни бузароқ, шаклланган қолипларни инкор этароқ алоҳида ва такрорланмас эстетик ҳодиса сифатида пайдо бўлади. Қонуниятни эса такрор бор жойдангина топиш мумкин. Маълумки, Абдулла Ориф шеърияти "ўзгалардан туйғу олмаслиги", яъни ўзига хослиги, қонуниятларга мувофиқ келавермаслиги билан ажралиб туради. Адабиётшунослик эса, қонуният билан иш кўришни ёқтиради.

Адабиётшунослик тажрибасида бадиий матнга икки хил ёндашиш қарор топган. Биринчи хил ёндашувда тадқиқот учун бадиий матннинг ўзи бадиий-эстетик қадрият сифатида муҳим ва у матннинг бевосита ўзига тегишли ички жиҳатларини ўрганишга эътибор қилади. Иккинчи хил ёндашувда эса муайян матннинг юзага келишига сабаб бўлган ижтимоий асосни аниқлаш аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида шу вақтга қадар, асосан, иккинчи ёндашув устуворлик қилиб келди ва бу соҳада анча қимматли тажриба шаклланган. Жумладан, Абдулла Ориф шеърияти ижтимоий-детерменистик нуқтаи назардан етарлича ўрганилган дейиш мумкин. Аммо соф бадиий-эстетик ҳодиса сифатида А. Ориф феноменига хос хусусиятлар, унинг ижоди озиқланган илдизлар, шеърияти ва шахсияти ўртасидаги алоқадорлик, улкан шоирнинг инсоний феъли-хўйи ижодига кўрсатган таъсир сингари жиҳатлар тадқиқ этилмаган.

Абдулла Ориф ижодининг деярли барча намуналари ҳам муайян ҳаётий турткининг натижаси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шоирнинг катта-кичик барча асарларида даврнинг нуқсини, изини кўриш мумкин. Лекин Абдулла Ориф шеъриятида бу излар айнан шу тарзда поэтик моддийлашаётганлигининг сабаби илмий изоҳлаб берилган эмас. Унинг ўзига хос фикрлайдиган,

ҳаёт ҳодисаларидан ўзга замондошларига қараганда бошқача таъсирланадиган ва уни бўлакча тасвирлайдиган шоир эканлигини таъминлаган омиллар ҳақида чуқурроқ фикр юритиш фурсати етди. Бизнинг назаримизда, айни шу жиҳатлар Абдулла Ориф деб аталмиш улкан миллий эстетик ҳодисанинг моҳиятини англаш имконини беради.

Шоир ижодига синчиклаб назар ташлаган киши, биринчи навбатда, унинг кўнгил кишиси эканлиги ва ижодида кўнгил манзаралари муҳрланганлигини англайди. Унинг асл шеърларини кўнгил мавжлари дейиш мумкин. Ҳазрати Навоийнинг: "Кўнгил ҳолати сўз дегач билгурур",- деган ҳақиқати роса беш юз йилдан кейин туғилган меросхўр шогирди ижодида ҳам намоён бўлади.

Абдулла Орифнинг самимий шеърияти покиза кўнгилнинг ҳолатини ифодалаш эҳтиёжи ва натижаси ўлароқ юзага келди. Унгача шўро шоирининг қулоғи замон юрагида, кўзи партия оғзида бўлиши лозим эди. Шеърият олам ҳодисаларини ифодалаш воситаси, чақириқ, даъват саналарди. Абдулла Ориф эса одамнинг ўзини, унинг шахси, туйғулар оламини асосий қадрият деб билди. Шу боис инсоннинг қалбини тадқиқ этиш эҳтиёжини туйди. Олдинлари одамнинг одамлиги фақат ижтимоий фаоллиги билан ўлчанар, баҳоси эса меҳнати билан белгиланарди. Омма, унинг истагу интилишлари муҳим ҳисобланиб, алоҳида одам шахсига хос жиҳатлар назарга олинмасди. Бадиий ижод учун қиёфасиз оломон, уни ундаш лозим бўлган "нурли" манзиллар муҳим эди. Абдулла Ориф оммани эмас, одамни тадқиқ этишга тутинди. У ўзбек шеъриятида жамиятни билиш, унинг тартиботларини изоҳлаш, қонуниятларини англаш ва баён этишдан кўра, биргина одамнинг кўнглидан ўтганларини тушуниш ва ифодалаш неча баробар мушкул эканлигини биринчи бўлиб англаб етган ижодкор эди. Ана шу ҳолат унинг шеъриятига самимийлик, дардчиллик бахш этди.

Шеър ҳамиша дарддир. Камдан-кам ҳоллардагина қувончдан шеър туғилади. Шеър ғамнинг ўз фарзанди бўлса, қувончнинг ўгай боласидир. Чунки дунёдаги биринчи шеър Одам Ато томонидан ўғли Ҳобилнинг ўлими муносабати билан яратилган. Шунга қарамай, шўролар шеъриятида ғамни куйлаш мумкин эмасди. Ҳатто ҳаётий фожиа туфайли пайдо бўлган: "Бошим қўйсам куйдирар болиш, Мисраларим кўтарар нолиш"

сингари ўта шахсий мисралар ҳам шоир нега нолийди, нимадан нолийди, бахтли советлар замонида, умумхалқ саодатига эришилган даврда шўро шоири инжиқ шахсий туйғулар гирдобида қолишга ҳақли эмас тарзида эътироз уйғотарди. Шундай замонда мафкуравий шеърият қобиқларини ёриб чиқадиган, лирикани одамнинг кўнглига яқинлаштирадиган, алоҳида шахснинг кўнглини шеъриятга эвирадиган ижодкор зарур эди. Абдулла Ориф миллий шеъриятимизда ҳазрати Навоий айтганларидек: "Кўнгилда ғам йўқлиғини асру ғам, Алам йўқлигини қотиғ алам",- деб биладиган шоир сифатида пайдо бўлди.

А. Ориф шеърияти билан ўзбек лирикасига кўнгил дардлари сувратлари, орзу-армонлар фожиаси, руҳий изтироблар манзараси кириб келди. Бу шеърият юзага келган даврда шалдироқ сўзларни қофияга солиш, жаҳоний мавзуларда наъравор сатрлар тизиш одат эди. Мавзуни шеър эмас, балки шеърни мавзу мукаррам қиларди. Дунё ва ундаги оламшумул ҳодисалар ҳақида ҳайқириш талаб этиларди. Абдулла Ориф қуруқшаган ўзбек шеъриятига ўйчил ғам ва ғамчил ўй олиб кирди. Шоир алоҳида бир одамнинг ички дардлари ҳақида қалам сурди, ўйга ботди. Бу одам шоирнинг ўзи эди. Бинобарин, бир одам тўғрисида ҳайқириш, бақириш ноқулай бўларди, у ҳақда пичирлаб гапириш, унинг ғамлари тўғрисида ичда ҳазин шеърлар ўқиш лозим бўларди. Чунки шовқин, баланд товуш одамни одамдан йироқлаштиради, самимийликдан маҳрум этади.

Абдулла Ориф шеърияти покиза туйғулар, исмсиз дардларнинг ифодаси эди. Улардан сокин оҳанг тараларди. Мунгли бу оҳанг туйғулар безовталигидан, руҳият товланишларидан, юзага келганди. Ҳасратзада, озурдажон кўнгил мавжлари, комилликдан "юлдузлар қадар йироқ" кишилар борлигидан озорланиш сувратлари бу шеъриятнинг манбалари эди. Бақириқлар, даъватлар шеърияти одамнинг қулоғига етиб борарди-ю, кўнглига инмасди. А. Орифнинг пичирлаб айтилган аламангиз мунгли сатрлари ўзбекнинг кўнглидан жой ола бошлади. Чақириқ шеърлар қулоқ пардаларига таъсир қилган бўлса, сукунати кўпроқ самимий шеърлар кўнгил кўзидаги пардаларни йирта олди. Ўзбек шеърхони бехосдан ўзида ҳам нозик ҳислар борлигини, туйғулари мавж уришини пайқаб қолди.

Носамимийлик ахлоқ даражасига кўтарилган бир пайтда А. Ориф шеърияти ўзбекни туйғулари тамомила қуруқшаб қолиш-

дан, кўнгил жилвалари борлигини тўла унутишдан сақлаб қолди. Шу маънода, Абдулла Ориф шеъриятини давр яратмади, билъакс бу поэзия ўзининг даврини яратди, дейиш муболаға бўлмайди. Чунки чинакам истеъдод учун даврнинг тазйиқлари, унинг чекловлари тўсиқ бўлолмайди. Истеъдод ана шу тўсиқларни енгибгина пайдо бўла олади ва ҳеч қайси замонда, ҳеч қандай шароитда асл истеъдод даврдан, вазиятдан марҳамат кутмайди. Шуниси билан ҳам у истеъдод саналади. Ўзбекнинг олтмишинчи йилларда шаклланган фикрловчи қисми Абдулла Ориф шеърияти таъсирида дунёга келган деб бемалол айтиш мумкин.

Истеъдод – Яратганнинг инъоми. Истеъдодли шахс ўздан кечиб бу инъомдан фойдаланиши ҳам мумкин, юксак илоҳий марҳаматни ўткинчи ҳою ҳавасларга қурбон қилиш ҳам унинг ихтиёрида. Мана шу ўринда шахс бутунлиги ҳал қилувчи ўрин тутади. Миллий шеъриятимиз бахтига ижодининг энг гуллаган авж паллаларида Абдулла Ориф шахслигини сақлаб қола билди. "Қалбига доир" бўлганлиги учун ҳам унинг шеъриятида тасвирланган туйғулар миллатнинг руҳига кўчди, табиатига дўнди. Шоирнинг аксар шеърлари кишида улар ёзилмаган, балки кўкдан иниб, шоирнинг кўнглини пўртана каби ёриб дунёга келгандай таассурот қолдиради. Бу шеърлар ижодкорнинг қўлидан ёзмаслик келмай қолганлиги боис пайдо бўлган.

Абдулла Ориф шеърларидаги беадад самимият, туйғулар чинлиги кишини беихтиёр ўзига асир қилади. Шоир шеърлари кайфият ва ҳиссиётнинг яхлит образларидир. У ўз кўнглини, бинобарин, инсон туйғуларини, ҳиссиётини шу қадар чуқур билади ва ифода эта оладики, бутун-бутун шеърлар эмас, балки айрим мисраларнинг ўзиёқ шеърхонда муайян кайфият ҳосил қилади: "***Асаблар тупроққа чўккан эди тиз***" ёки "***Йироқ-йироқлардан мунгли ва узун Турналар товушин тинглардим фақат***" ёхуд "***Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана, Менинг орзуларим, менинг ўйларим***" ёинки "***Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида Салқин туман ичра бўзарар тонглар, Қуёшнинг эринчак ёгдуларида Нафис ялтирайди барги хазонлар***" ё бўлмаса "***Қаро сочларингда оппоқ аланга***" сингари сатрлар чин инсоний сезимларнинг яхлит ва таъсирчан ифодаси эканлиги билан дилни ром этади.

Абдулла Ориф шеърияти муросасиз шахснинг ёлқинли иқрорларидир. Инсонга улкан муҳаббат туйган шоир уни комил

кўрмоқ истайди. Одамнинг адоқсиз нуқсонлару иллатлар оғушида эканлиги ва унинг бу иллатларни тарк этишга ошиқмаётганлиги шоирни қийнайди. Шу боис у коинот саркори бўлмиш ҳазрати одамдан ёзғириб: "***Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни, Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ***",- дейди бир шеърида. Одамни камчилик ва нуқсонлардан холи кўрмоқ истаган шоирга ёш эканида бахтли бўлиш учун ***оламни*** тузатиш керак деб ўргатишганди. Лекин шоир кўнгли билан ***одамни*** ўзгартирмай туриб, мукаммал дунё қуриб бўлмаслигини сезиб турарди. А. Ориф шеърларида муросасизлик ҳисси кучли эканлиги шундан. Лекин унинг нафрати одамнинг ўзига эмас, балки иллатларига қаратилади. Шунинг учун ҳам шоир ёзади: "***Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод***". Аммо инсоннинг адоқсиз иллатлари олдида унинг некбин умидлари пучга чиқаверади. Одамзот қабоҳат бобида ўзининг нечоғлик "камолот"га эришганини ҳар қадамда кўрсатаверади. Бу ҳол улкан муҳаббат соҳиби бўлмиш шоирда умидсизлик уйғотади:

Таъна қилмай ахир севгим мукофотини
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.
О, қанчалар севар эдим инсон зотини,
Қандай буюк муҳаббат-ла суяр эдим мен.
Бугун тўниб атрофимга қарайман секин,
Ўт беролмас қалбга энди у ёшлик дамлар.
Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин
Нечун кўпдир ҳалигача разил одамлар.

Инсонга бўлган муҳаббатнинг ўтган замонда ифода этилаётгани, яъни йўқотилганлигидан аламангиз иқрор замиридаги самимият кишини беихтиёр ром этади, унинг ҳиссиётини безовта қилади. Безовталик, қониқмаслик шеърхонни ўзини тафтиш қилишга олиб келади. Тафтиш эса покланиш йўлидаги дастлабки бекатдир.

Абдулла Ориф шеъриятини кўпнинг кўнглига яқин қилган, миллатнинг руҳига дўндирган жиҳатлар қайсилар? Не боисдан у ўзбекнинг сезимлари ифодасига айланди? Бу саволларга жавоб бермоқ учун шоир шеъриятининг мавзу долзарблиги, даврнинг мафкуравий талабларини инкор қилишга тийиқсиз уриниш сингари ташқи жиҳатларидан кўра, бу шеърият замиридаги

яширин бадиий-эстетик белгиларни очишга тутиниш тузукроқ самара беради.

Бизнингча, А. Ориф шеъриятининг энг ёрқин белгиларидан бири самимийликдир. Хўш, шоир самимийлиги нимада намоён бўлади? Эътибор қилинса, Абдулла Ориф шеъриятга кириб келган замонда адабиёт ҳаёт дарслиги, ижодкор ўқувчининг устози саналарди. У одамларга йўл кўрсатиши, йўриқ бериши лозим эди. Абдулла Ориф ижодидаги самимият шунда намоён бўлдики, у устозлик даъво қилмади. Ҳеч кимни ҳеч бир сарига ундамади. У ўз руҳияти, кайфияти, ҳиссиётини тафтиш қилди ва ўзини англамоқчи бўлди. Унга Аллоҳ ададсиз ғам берганди. Шоир бу ғамнинг илдизини билгиси келди. У энг кичик нарсалардан-да таъсирланаверадиган безовта қалб эгаси қилиб яратилганди ва шоир ўзига таъсир қилган ҳолатларни чизмоққа тутинди. Ҳамма бахтли эди, ҳамма хушнуд эди. Лекин шоирни ҳамма ёппасига эмас, ҳар бир алоҳида одамнинг кўнгли, руҳи қизиқтирарди. Шу боис билгиси келарди, туймоққа интиларди ва ифодалашга уринарди: ҳар бир қалбда не кечмоқда, нега айнан шундоқ кечмоқда? Нега омма бахтиёрлигидан ёрилиб кетай дейди-ю, ҳар бир алоҳида одам қалбида ғамнинг кўланкаси бор?

Абдулла Ориф шеъриятини эларо азиз қилган, миллат руҳининг тимсолига айлантирган сифатлардан яна бири ундаги образларнинг теран халқчил томирларга эгалигида деб ҳисоблаш мумкин. Энг мураккаб ҳолатларни ҳам ғоят улкан назокат ва юксак маданият билан таъсирли қилиб ифодалай билиш шоир шеърларининг қимматини оширади. Бу ҳолни шоирнинг халқ ҳаётини пухта ўрганганлиги билан изоҳлаш унчалик ҳам ўринли бўлмайди. Чунки ҳаётни пухта ўрганиш улкан донишмандликка олиб келиши мумкин, лекин даҳо шеъриятга эмас.

Шоир учун муҳими поэтик ифоданинг аниқлиги ва туйғуларга таъсир қўрсата оладиган тарзда амалга оширилганлигидир. Шу жиҳатдан Абдулла Ориф шеърияти ҳозирга қадар ҳам адабиётимиздаги тенгсиз ҳодисалигича турибди. Шоирнинг: ***"Оёқланган қўзидай довдирар елда майса, Кўм-кўк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут"*** сатрларидаги ташбиҳлар пухта ҳаётий асосга эгалиги ҳамда ҳиссий қудрати билан кишини ҳайратга солади. Елда силкинаётган кўкламий майса ҳолатининг довдираб, эндигина оёққа тураётган қўзичоққа ўхшатилиши халқ

турмушини билгангина эмас, ичдан туйган кишининг қўлидан келадиган ишдир. Шу жойнинг ўзида биргина чизги билан кўклам осмонини ҳам ёрқин суратлантира олиш учун улкан истеъдод талаб этилади. Абдулла Ориф кўз олдига келтириш мушкул, ифодалаш ундан-да оғир бўлган сезимларни, мавҳумликларни моддийлаштириш борасида тенгсиздир: "***Ёрилмаган ярадай севги!***" Туйғуни бундан-да ортиқ муайянлаштириб тасвирлаш мумкин эмасдай.

Ҳодисани тасвирлаш – қалам суриб юрган кўпчилик кишининг қўлидан келадиган юмуш. Аммо ҳолатни бериш, кайфиятни чизиш учун улкан истеъдод лозим бўлади. Айни шундай ўринларда А. Ориф ижодига хос нурли жиҳатлар ёрқин намоён бўлади:

Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда,
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.
Шамол шовуллайди қадим боғларда,
Буюк кўҳна дунё кўпчийди оғир.

Қалдироқнинг тоғларда гумбурлаши, ёмғирнинг чилтор қилларидай таралиши, шамолнинг айнан қадим боғларда шовуллаши, кўкламни, ҳаётни, эртанги кунни туғмоққа шайланаётган дунёнинг оғир кўпчишидай миқёсли ва серқатлам ҳолатнинг сабаб-оқибат алоқалари ва ҳаётий мантиқ талаблари уйғунлиги таъминланган тарзда шу қадар таъсирчан чизиб берилган бошқа бир шеърни эслай олмайман. Мисралар уйғунлиги фақат маъно жиҳатидангина эмас, балки ҳаракат ва оҳанг жиҳатидан ҳам таъминлангандирки, бу бадиий тасвирнинг таъсир даражасини бир неча баравар оширган.

Шоирнинг санъаткорлиги шундаки, у ҳодисаларнинг бошқалар ҳам кўриб турган, аммо пайқамаган жиҳатларини ўзига хос тарзда акс эттира олади. Буни у, эҳтимол, атай қилмас. Лекин шоирнинг истеъдоди ундаги нигоҳнинг ўткирлиги, туйғунинг нозиклиги, ҳиссиётнинг теранлигидан иборат. Кўкламда ўрик гўзаларини ҳамма кўрган, аммо фақат чин шоиргина ундан ҳаёт бардавомлигининг нишонасини топа билади: "***Дилбар келинчакнинг кўксида гулу Зардоли шохига ташлар кўз қирин***". Шоирнинг маҳорати бу ўринда «мим»* даражасига кўтарилади: у айтмайди,

* Пантомима санъати назарда тутилган.

ишора қилиб, кўрсатади. У имлаб кўрсатган жойда ўзбекнинг минглаб йиллик маданияти, туғма андишаси турибди.

Маълумки, ғам – шеърият билан ҳамқадам. У ҳақда кўп ёзилган. Лекин уни кўзингиз олдига яққол келтириб қўйиш жуда кўпчилик шоирларга насиб этмаган. Шодлик тўғрисида ҳам кам битилмаган, бироқ қувончни моддийлаштириш ҳам оз кишиларгагина насиб этган. Абдулла Ориф айни шу қийиндан-қийин икки юмушни биргина байтда уддалай олган: "***Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам Тошқинлар киради қалбимга маним***". Ғамни кўз олдига келтириб бўлмайди, лекин қизғалдоқнинг гулбарги ҳар биримизга яқин. Уни енгил бир ҳаракат билан учириб юбориш мумкин. Шоир қалбидан қувилган ғам ўрнига ***тошқин*** кирмоқда. Шодлик тилга олингани йўқ, лекин инсон кўнглига тошқин қай ҳолатда киради – унга улкан қувонч ёр бўлганда. Чинакам улкан санъаткоргина буни шу йўсин ифодалай олади.

А. Ориф – қалбида бадиий манзаралар яхлит ҳолда пайдо бўладиган ижодкор. Шоир тасвир учун сўз излаб ўтирмайди. Чунки унинг шуурини тасвирланиши лозим манзара тўлиқ эгаллаб олган бўлади. Уларни адаштирмай, оҳорини тўкмай қоғозга туширишгагина улгуриш керак. Лекин бу шоирнинг жуда ҳам осон ёзишини англатмайди. Чинакам шеър ҳамиша катта меҳнат ва изланиш самараси ўлароқ туғилади. Қуйидаги тасвир фикримизнинг далили бўла олади деб ўйлаймиз:

Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди – тик келар қуёш.
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,
Безавол майса ҳам силкитади бош.
Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,
Тераклар учида изгир мавжудот.
Ҳаттоки туйғусиз чирик хазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.
Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга,
Қушлар қий-чувига тўлмиш дала, боғ...

Қаранг, ҳар бир тамсил ўз ўрнида, ҳар бир ташбиҳ образнинг моҳиятини очишга тўлиқ йўналтирилган, ҳар бир ифода тасвир моҳиятини ёритишга хизмат қилдирилган. Бу қадар ҳаётий, бу қадар соддаваш, бунчалар батафсил ва бу чоғлиқ юксак эстетик

энергияси бор поэтик тасвирга эришмоқ учун шоир маҳоратнинг баланд чўққиларини забт этган бўлиши керак.

Азалдан руҳоний шоир бўлмиш Абдулла Ориф ижодининг дастлабки босқичида: "***Мени чорлаётир олий бир жамол***",- дея хитоб қилганди. Эҳтимол, ёш шоир ўша маҳалдаёқ Аллоҳ жамолини кўзда тутгандир. Балки, шеъриятнинг гўзал чўққиларини забт этмоқни истагандир. Қатъий бир нарса дейиш қийин. Аммо у ўз ижоди орқали ўзбек бадиий сўзининг ифода имкониятларини орттиргани, исмсиз туйғуларга ном қўя билгани, ифодалаш мумкин бўлмаган руҳий ҳолатлар манзарасини чиза олгани билан миллий шеъриятимиздаги улкан ҳодиса бўлиб қолиши шубҳасиз. Адабиётимиздаги бирон-бир замонавий шоир Абдулла Ориф ижоди таъсиридан холи бўлолмайди. Негаки, унинг ижоди миллий поэзиямиз тараққиётида ўчмас из қолдириб келмоқда.

"Ўзбекистон овози" газетаси
2001 йил 10 март

ИЗТИРОБ ЧАҚИНЛАРИ

Уруш ва уруш одамлари ҳақида ҳар бир даврда ўзига хос йўсинда ёзилади. Дунё адабиётидаги каби, ўзбек адабиётида ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тўғрисида ёзилган асарлар афғон урушига борганлар ҳақидаги битикларга мутлақо ўхшамайди. Жаҳоний муҳораба иштирокчилари урушни бу қадар улкан фожиа сифатида англамаганлар. Ва бу – табиий. Фожиани англаш учун ҳам интеллектуал-руҳий савия ўша фожиа кўлами даражасига кўтарилиши керак бўлади. Ватан уруши қатнашчилари мушоҳада кишиларидан кўра кўпроқ интизомли ижрочилар бўлиб, бу ҳолат уларнинг ўйлари, ҳиссиётларида ҳам акс этарди. Фашистлар ҳам, коммунистлар ҳам ўзлари ишонган ғояларга хизмат қилганликлари учун улар ҳақидаги асарларда изтироб тасвири камроқ, жанг манзаралари кўпроқ бўлган. Улар урушни ҳаётий зарурат ҳисоблашиб, қурол ёрдамида бир-бирларини йўқотиш йўли билан адолат ўрнатиш мумкинлигига ишонишган.

Бугунги одам – мураккаб. Бугунги ўқувчи – ўйчил. Бугунги ёзувчи – синчков. Шунинг учун ҳам бугун қонли жараённинг мураккаб табиатли қатнашчилари ҳақида жўн ёзиб бўлмай қолди. Бугун нафақат жаҳон урушлари, балки узоқ ўтмишда бўлиб ўтган маҳаллий сўғишларга ҳам адоқсиз фожиа, ўнгланмас адолатсизлик тарзида ёндашиш қарор топмоқда. Бугун урушнинг ҳар бир қатнашчиси бетакрор олам эканини, ўзигагина дахлдор дарди, бахту бахтсизлиги борлигини, унинг азоблари, изтироблари, руҳий талвасалари олдида ҳар қандай муқаддас ғоя ҳам ҳеч қандай қимматга эга эмаслиги акс эттирила бошланди. Одам ғояга таяниб яшаши мумкиндир, лекин фақат ғоя учун яшамаслиги керак. Одам дунё ичра дунёдир ва уни кимларгадир хуш келувчи, кимларнидир юксалтирувчи ғояларнинг ижрочисига ва, айниқса, қурбонига айлантириш жиноятдир.

Ҳозирги ўзбек адабиёти бажарган ишини намойиш этадиган қаҳрамонларни тасвирлашдан, ўз руҳиятини текширадиган кишиларни акс эттиришга ўта бошлади. Уруш одамининг ўй-армонлари, афсус-надоматлари, муқаррар издан чиққан турмуш тарзи туфайли пайдо бўладиган изтироб тасвири Абдурашид Нурмуроднинг **"Қон ҳиди"** романида пафос даражасига кўтарилган. Бизда инсонга асосан ижтимоий муносабатлар мажмуи

сифатида ёндашиш қарор топган. Романда эса инсоннинг ҳам ирсий, ҳам биологик, ҳам мистик ҳодиса сифатидаги қирралари жуда ишонарли тасвирланган.

"Қон ҳиди" романи қаҳрамони ўй ва кечинмаларининг самимийлиги асарнинг залворли бадиий юкка эга бўлишини таъминлаган. Роман қаҳрамонининг ўзи билмаган, истамаган, бирор жўяли асоссиз, азбаройи, урушда бўлганлиги, қўли душманнинг бўлса-да қонига булғангани учун ёвузликка майл уйғонганлиги фожиаси асарда ҳаққоний тасвирланган. Асар қаҳрамони Воҳид – эзгуликлар қилувчи, бузғун жамиятда ҳақиқатни қарор топдириш учун курашувчи валломат эмас. У – бировлар ихтиёрига кўра, негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда урушга борган, истамагани ҳолда қурол ушлаган, ўйламагани ҳолда одам ўлдирган, қон кечган ва инсон қонини тўккани туфайли ўзини бошқара олмайдиган даражада ёвузлашиб қолган ва одамлар ўртасидаги адолатсиз муносабатлар сабаб янада ваҳшийлашиб бораётган оддий бахтсиз йигит. Ана шу оддийлиги замирига оддий эмаслиги ҳам яширинган. У қўшниси бўлмиш ўрис кайвони олдига унга ҳамдард бўлиб эмас, балки қонсирагани учун "**ҳозир кампирни бурда-бурда қилиб ташлайман**" деган васваса етовида кирган. Ёвузлик ҳамиша ёвузликни туғдирганидай эзгулик ҳам деярли ҳамиша эзгулик келтириб чиқаради. Кампирнинг самимийлиги сабаб асар қаҳрамони уни ўлдириш ўрнига ўзининг қонли ўтмишини яна бир бор хаёлдан кечиради. Ўлимларга тўла уруш даври ҳаётини қайта яшагандай бўлади. Бизнинг адабиётимизда шу вақтга қадар бундай қаҳрамон тасвирланмаган эди. Шундай руҳиятдаги одам ҳам бўлиши мумкинлигини ўзбек ўқувчилари ҳануз билмас эдилар. "Қон ҳиди" романи ана шу бўшлиқни тўлдирадиган асар экани билан ҳам диққатга лойиқдир.

Қуролдошининг узилган қўлини ушлаб олган қаҳрамоннинг руҳиятидаги оний ўзгаришлар: йиғлаш ўрнига телбаларча кулиши ва "**кулгидан жағлари оғриб қолгач**", йиғлай бошлаши тасвири унинг ўша ҳолатини туймаган одам учун мутлақо тушунарсиз ва тушунарсиз бўлганлиги билан тушунарлидир. Бу ҳолатни туйган одам учун эса улкан фожиадир. Шундай пайтларда одам қандай руҳий ҳолатга тушишининг универсал таснифи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ана шу саноқсиз номаълумликлар орасидан бадиий мақсадга энг мувофиғини топа билиш адибнинг санъаткорлигидан белгидир. Чунки бахтсизликнинг қиёфаси чексиздир. А. Нур-

мурод ана шу чексиз муқобиллар орасидан тасвир мақсадига энг мувофиғини топа билган.

Романда урушнинг шафқатсиз ва жирканч ҳақиқати билан юзма-юз келган қаҳрамон ҳолати: "**Оғриқ бор эди, ўзим тирик эдим, аммо бағримни тўлдириб турган нимадир мени ташлаб кетгандай**" тарзида ғоят аниқ тасвирланади. Ҳолбуки, бу кўчирмада ҳеч қандай аниқлик йўқ. Аммо озгина бадиий фаросатга, салгина ривожланган инсоний ҳиссиётга эга одам кечагина ҳаётни абадий тириклигу ва сўнгсиз эзгуликдан иборат деб юрган бўз бола бағрини тарк этган "нимадир" яхшилик, кечирим, қаноат, шафқат, раҳмдиллик сингари туйғуларни мужассамлаштирувчи инсонийлик эканини туяди. Ва биргина кўнгилдаги ўрни тўлмас бу йўқотишнинг кўлами бутун афғон урушининг фожиасидан ортиқроқ эканлигини ҳис қилади. Асарда Сергейнинг танасидан узилиб кетиб, тошни чангаллаб қолган қўлида чиқиллаб турган соатни кўргандаги Воҳид ҳолати бутун даҳшати билан моддийлаштирилган. Бу тасвирлар ҳеч қандай қўшимча ифодаларсиз ҳам қаҳрамон руҳиятида даҳшатли инқилоб, улкан ҳиссий эврилиш бўлганлигини англатади. Ушбу ҳолатга тушган одам энди бундан салгина олдинги одам эмаслигини, бўлолмаслигини англаш, шуни англатиш, шундай сезимлар тизимини ўқувчига ўтказиш "Қон ҳиди" бадииятининг етакчи хусусиятидир.

Романда қаҳрамон билан ўрис кампир ҳолати параллел берилиши тасодифий эмас. Куч ва ожизлик, бугун билан ўтмиш, ёвузлик ҳамда эзгулик бир-бирларига таъсир ўтказмай, бир сифатдан иккинчисига ўтмай яшай олмайди. Асардаги "**...бақувватлик ўзаро жанжалларда ёрдам бермаса, қолган вақтлар унинг чақачалик қиммати йўқ**" тарзидаги жўнгина ифодалар ҳам ўрнида берилгани боис улкан бадиий аҳамият касб этган. Ҳаммадан қорувли бўлгани ҳолда йўл азобига чидамай, биринчи бўлиб йиқилган Виктор ва унинг сержантдан шапалоқ егандаги ҳолати асарда ғоят ишонарли тасвирланган: "**Бизга мўлтирабгина қараб турган Викторнинг бехос кўзларидан ўт чақнагандай бўлди, ўрнидан сапчиб турди. Кейин худди шер боласидай шиша бошлади**". Инсон руҳий ҳолати драмаларини, фожиали бурилиш онларини бу қадар синчковлик билан кўриш учун катта истеъдод лозим бўлади. Одам гарчи ҳамиша ҳам одамдай бўлиб юраверса-да, унинг асл моҳияти экстремал ҳолатлардагина тўла намоён бўла-

ди. Роман муаллифи ана шундай ҳолатларни жуда нозик илғайди ва уларни ифодалаш йўсинларини топа олади.

Романда ўлим манзараси кўп тасвирланган бўлса-да, бирор ўринда ҳам такрорга йўл қўйилмаган. Ҳамма бир хилда туғилса-да, ҳар ким ўзича ўлиши асарда ишонарли кўрсатилган. Чунончи, бедаво дард азобидан қийналган Валя, адоқсиз ёлғизликдан, ўлим келмаётганлигидан азобланаётган қўшни кампир, ҳеч бир соғ мучаси бўлмагани ҳолда яшашга интилган Коля ва фақат оёқларидан ажралгани учунгина ўзини ўлдирган Леонид, вужуди бомба зарбидан сочилиб кетган Сергей, Қодир, Аҳмад тақдирларининг тасвири ўта шахсий, бетакрор, чиндан ҳам ички ва шу боис чинакамига кишини ўз комига тортадиган маънавий-эстетик кучга эгадир.

Агар Хемингуэй ва Ремарк "йўқолган авлод" ҳақида қалам сурган бўлсалар, Абдурашид Нурмурод шу романида ўзидан ҳам, ўзгалардан ҳам ***бегоналашган авлод***нинг тимсолини яратди дейиш мумкин. Тўғри, бегоналашган авлод сон жиҳатидан жаҳон урушлари давридагидай кўп эмас. Аммо уларнинг қисмати олдингиларга қараганда фожиалироқ, оғирроқдир.

Асар қаҳрамони бир неча қадам наридан ўтиб кетаётган душманлардан яшириниб ётгандаги бир неча дақиқалик вақтни: "**...ўшанда юз йиллар яшаган бўлсам керак**",- деб ифодалайди. Ҳаётий ҳақиқатга мутлақо мос келмайдиган бу ҳиссиёт ғоят ҳаққоний ифодаланган. Бундан бошқа ҳар қандай изоҳ ортиқча ва ноаниқ бўларди. Тоғ дарёси ичида афғонлардан бўғзига қадар сувга бекиниб турган йигитнинг: "**Улар узоқлашишди. Шунда сув ичида, ҳатто муздай сув ичида пешонамдан тер қуйиларди**",- тарзидаги ҳолати тасвири жуда аниқ ва таъсирли. Кишидаги руҳий портлашлар содир бўлган онларни бу қадар аниқ бериш учун уларни туйиш лозим бўлади. Воҳиднинг: "**Шу йиллар ичида, болалигим мендан узоқлашиб бораберди. Йўқ, йўқ у узоқлашмади. Мен ундан қочиб юрдим. Оппоқ либос кийган ёшлигим, юраги оппоқ болалигим қаршисида туришга сабр-бардошим етмайди. Қилган гуноҳларим иккимизнинг орамизга қора парда бўлиб тортилди**",- тарзидаги эътирофи қаҳрамон руҳий оламининг калитидир. Бу тасвирлардаги оқ ва қора ранглар болаликдаги эзгулик ва айни пайтдаги ёвузликни акс эттириши билан таъсирлидир.

Одам айбдор бўлмагани ҳолда ҳам гуноҳкор бўлиши мумкин. Софоклнинг "Шоҳ Эдип" фожиасидаги Эдип айбдор эмасди. Лекин гуноҳкор эди ва у қилган гуноҳ бутун авлодини ҳам бадном қилишга етарли эди. Шу боис жазосиз яшаши мумкин эмасди. Урушга бориб, қўлини қонга ботирган киши ҳам ўзўзидан гуноҳлар исканжасида қолиши асарда ғоят таъсирли кўрсатилади. Даҳшати шундаки, у бировнинг олдида эмас, биринчи навбатда, ўзининг қаршисида гуноҳкордир ва шу боис ўзидан қочиб қутула олмай, адоқсиз изтироблар оғушида қолади. Бу ҳол унинг азоблари даражасини кўп марта оширади.

Уруш даҳшатлари тасвирини бермоқ учун ўткир кўз кифоя эмас, таъсирчан ва жунбушли кўнгил лозим бўлади. Абдурашид – кўнгил кўзини тасвирга йўналтиролган ёзувчи. Асар қаҳрамонининг, умуман шу дўзахий даҳшатлар орасидан ўтган кишиларнинг нормал психика эгаси бўлиши мумкин эмас. Бу ёқимсиз ҳақиқат асарда жуда нозик ифодаланган. Шифохонада даволанаётган қаҳрамоннинг навбатдаги яралорни кўргандаги ҳолати: "**Унинг қип-қизил бошидан ҳеч бир маъно сезмагандан ғашим келиб, юзидаги латта-путталарни юлиб-юлиб ташлаб, башарасини кўргим келди. Бармоқларим қон истагандай кафтларим қичишарди**" тарзида тасвирланади ва бу тасвир ҳаққонийлиги билан қўрқинчли, қўрқинчли эканлиги билан чиндир.

А. Нурмуроднинг адиблик маҳорати фақат уруш қатнашчилари руҳиятини тасвирлашда эмас, балки жанглардан йироқдаги одамлар туйғуларини беришда ҳам намоён бўлган. Ёлғизгина ўғли Жўранинг ўлимига ишонолмай, тушунарсиз ўйинлар олиб бораётган олчоқ зобитлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган Саломат опа ҳолатининг: "**Совуқ темир қутининг бир четидан жон ҳолатда тишлаб тортдим. Темир юмшоқ эди, юмшоқ. Узиб олдим, деганимда темирда қизил доғ қолди. Лабларим тирналди деган ўйда қонни туфлаб ташладим. Тобут устига тишларим тўкилди**" тарзида ифодаланиши ёзувчининг инсон руҳий ҳолатини чуқур тушуниш, уни қабариқ тасвирлаш маҳоратидан далолатдир. Одам ўзини унутган транс ҳолатда ана шундай қудрат касб этиши мумкин.

"Қон ҳиди" романида одам урушни эмас, уруш одамни бошқариши ҳаққоний кўрсатилган. Биз уруш тўғрисидаги асарларда қаҳрамонларнинг қўрқмаслиги, чаққонлиги, топқирлиги воқеа-

лар йўналишини ўзгартириб юбориши тасвирланишига ўрганганмиз. "Қон ҳиди" романидаги: "**...ўқ қай ёндан келаётганини аниқлаб, тепкини босдим. Кўрсатгич бармоғимдан бошланган бир жунбуш танамга ёйилди. Хурсанд бўлиб кетдим**" тарзидаги тасвирда уруш ўзгартириб юборган одам ҳолати ишонарли берилган. Урушнинг бутун фожиаси айни шу тасвирда олий ифодасини топган. Фақат ашаддий қотилгина қондан жунбушга тушади ва одам ўлдирганидан хурсанд бўлиб кетади. Фақат урушдагина оддий одам шу тарзда қотилга айланади. Уруш кишиси одамга жон ато этолмагани ҳолда кимнидир жонидан жудо қилишга ўзини ҳақли деб билади. Бу ҳолат маънавий таназзулнинг олий кўринишидир. Урушнинг адолатлиси бўлмайди. Қон тўкиб адолат ўрнатиш мумкин эмас. Ўлим ҳисобига келган бахт – бахт эмас. Уруш ҳамиша иложсизликдир. Романда мана шу ҳақиқат юксак маҳорат билан акс эттирилган.

Абдурашид Нурмурод қаҳрамонлар ҳолатини чуқур ҳис этади. Уларни ичдан билади ва ҳар кимни айни дамдаги руҳий ҳолатига мувофиқ тарзда тасвирлайди. Саломат опага ўғлининг жасади ўрнига нимадир бошқа нарса олиб келишга бош бўлган бўйинбоқли амалдорни жазоламоқчи бўлган Воҳиднинг ҳолати акс этган тасвир даҳшатли ҳаққонияти билан кишини қўрқувга солади: "**Ўлдиргим келарди. Қани у! У қаршимда, аммо онанинг эзилиб кетган нигоҳи қаршисида бу ишни қилолмаслигимни билиб, оломондан узоқлашдим. Қабристон оралаб кетдим. Қанча вақт юрганимни билмайман. Бехос қаршимда пайдо бўлган итни кўриб, ўзимни ушлаб туролмадим. Бир сакрашда ушлаб, бўйнидан сиқиб, бўға бошладим. Тишламоққа шайланди... Ит нафас ололмай бўғилиб, оғзини катта-катта очиб, қорайиб кетган тишлари орасидан узун тилини чиқарди. Қип-қизил тилига тикилиб, юрагим ўйнаб кетди. Вужудим роҳатбахш чарчоқдан сўнг, ором олгандай бўлди**". Одам деб аталмиш олий яратиқнинг ваҳшийлигидан пайдо бўлган ҳолат нақадар даҳшатли! Моҳиятан булардан-да ёвузроқ бўлган бўйинбоқлилар жиноятининг кўламидан туғиладиган ва киши ҳиссиётини титроққа соладиган тасаввурдаги даҳшат янада кучли! "Итдан баттар", деган сифат шундай ҳолатга тушганларга нисбатан ишлатилса жоиздир. Асарда одам табиатининг нотурғун ва ўзгарувчан, ёмонлик томонга оғиб кетишга мойил эканлиги дилларни қўрқувга соладиган тарзда қабариқ акс эттирилган. Ро-

ман алангали изтироб оғушида ёзилганлигидан ифода ночор, тил ғариб бўлган ўринларда ҳам руҳнинг юксаклиги, инсоний дарднинг кўлами тасвир таъсирчанлигини таъминлаган.

Асар қаҳрамонини руҳий қутқудан туширган гўрковнинг мулойим сўзлари тасвири кишини лол қолдиради: "**Унинг оғзидан юмалаб тушаётган сўзлар, кўм-кўк майсаларга кўмилган қабр ичига сочилиб, худди марҳумларни ҳам аллалаб-эркалаётгандай эди**". Ўзбек насрида ҳозиргача одам сўзлашининг бундай ифодаси берилмаган эди. Қаҳрамоннинг лаҳзалик руҳий ҳолати чизгиси бўлган манзара тасвири ўзбек насрий ифода йўсинига янгилик олиб кирди. Романдаги: "**Уларнинг майин тортган юзлари, кўкракка қўйилган қўллари "биз ўзимизни яхши кўрамиз, бошқалар ҳам бизни яхши кўришга маҳкумдирлар", деяётгандай бўларди**" тарзидаги ифодада ҳам адибнинг инсон руҳий ҳолатини миқёсли бера олиш салоҳияти намоён бўлган.

Асарда ёзувчи фақат тасвирлаш, акс эттириш билан эмас, балки мушоҳадалар, ўйлар оқимини ифодалаши билан ҳам юксак бадиий натижаларга эришган. Чунончи, асардаги: "**Ҳа, бундай одамлар минглаб йиллар яшайди, яшайберади. Чунки улар ҳеч қачон ўзлари биринчилардан бўлиб отилиб чиқмайди, билъакс отилиб чиқувчиларни тайёрлаб беришади. Шунинг учун улар жамиятнинг устози, устоз билан эса жамиятнинг ҳисоблашмасдан иложи йўқ**" ёки "**Бизнинг ҳар биримиз тирик жонга милтиқ ўқталганимизда ўзга одамнинг бармоқлари тепкини босарди**" тарзидаги хулосалари жуда нозик кузатув самарасидир. Бу тасвир инқилобларни тайёрловчилар, ижро этувчилар ва ҳузурини кўргувчилар ҳақидаги машҳур қарашларни эсга солади. Асарда урушдан қўлсиз қайтган Коляга тўй куни қаллиғи Ленанинг одатга кўра, узук олиб келгани ва сўнгги дақиқада куёвининг аҳволи ёдига тушгандаги ҳолати: "**У ўз хатосини тезда тушуниб, бир қалқиб кетди. Шунда шошиб бўйнидаги занжирини Колянинг бўйнига осди. Таранг тортилган асаблар бирдан бўшашиб, ўрнини қандайдир ҳорғинлик эгаллади**" тарзида жуда тасирли кўрсатилган.

"Қон ҳиди" романидаги: "**Биз ўша юрт тупроғига кирмасак мана шу қайноғага ўхшаганлар "Ватан хавф остида қолади", дея ишонтира олишган эди. Биз у вақтлар нафақат у юрт тупроғига кириш, ҳатто жонни фидо қилишга ҳар лаҳза тайёр эдик. Қайтмаган дўстларим ва ўзимнинг ҳам ҳаётим шундай кечди.**

Натижада, ўлим билан танҳо қолганларнинг ҳеч бири "ватан хавф остида" дея ишонтирганларга ҳам, ўзгасига ҳам керак эмаслиги *ошкор бўлди*. Энди бизлар ташландиқ одамлармиз" шаклидаги ғоят даҳшатли иқрор билан адиб ўзбек афғончиларига **"ташландиқ одамлар"** деган умумий ном топди. Асарнинг бошқа бир ўрнидаги: **"...ўз юртимга бегона бўлиб қолиш етти ухлаб тушимга кирибдими..."** деган ифода эса, иккинчи бир умумлаштирувчи ном – **бегона авлодни** истеъмолга киритди. Романдаги: "Биз тақдир маҳбуслари эдик" жумласидаги **"тақдир маҳбуслари"** ибораси ҳам афғончилар ҳолатини англатадиган умумлашма номга айланишга арзийди.

Асардаги: **"Гулдурос қарсаклар овози, тамаки тутунлари билан бирга осмонга кўтарилди"** тасвири бир пайтнинг ўзида икки вазифа: ҳам ҳолатни кўрсатиш, ҳам муносабатни ифодалаши билан адибнинг тасвир иқтидорини кўрсатади. Уруш қатнашчисининг руҳий ҳолати асарда: **"Маст бўлиб сўйлаганларим ҳам ғариб кўнгилнинг юпун ўйлари эди. Афғонистонда ўйлаб иш қилиш камдан-кам ҳолларда учрарди. Чунки қўлингга қурол олгандан сўнг, ўйлашни унинг зиммасига юклайсан"** тарзидаги гўзал бадиий топилма ёрдамида ифодаланган. Асардаги: **"Қоннинг чучмал ҳидидан бошим айлангандай, кўзларим тинди"** тасвири бадиий топилманинг даҳшатли равишда ҳаётий экани билан эсда қолади. Чиндан ҳам қон айнан чучмал ҳидли бўлади. Бу тарзда ёзиш учун билиш кифоя қилмайди, туйиш талаб этилади.

Романда Қўлдош тоғанинг қишлоқдаги ариқда лунгисиз чўмиладиган ўрис хотинига боғлиқ лавҳалар ҳам ўзбекона юмори, миллий руҳиятга хос хусусиятлар билгичлик билан тасвирлангани боис эсда қолади. Романдаги кўпчилик қаҳрамонлар қисматида оғир изтироблар юки, улкан фожиалар изи бор. Бундай ҳолатларда яшашдан кўра ўлмоқ афзалдай туюлади. Лекин, яхшиямки, одамда ўзи истаганда ўлиш имкони йўқ. У – яшашга маҳкум. Инсоний фожиалар силсиласидан иборат асардан чиқадиган бир қадар ишонарли умидбахш хулоса – шу. Буни асардаги: **"Юксакликда қуёш ва пастда – чархи дунда мен юзма-юз турардик..."** тарзидаги илоҳий юксакликка рўпара келган башарий тубанликнинг тузалуви ва покланувидан умид ифодаси сифатидаги ҳолат тасвиридан ҳам англаш мумкин.

Романда одамлардан "бегона"лашган, "тақдир маҳбуси"га айланган, «ташландиқ авлод» мақомига етган собиқ жангчининг фожиали қисматини, адоқсиз ва аксарият ҳолатларда, тушунарсиз изтироблари ишонарли акс эттирилган. Бугун билан яшай олмайдиган, тинчлик вазиятида рисоладагидай кун кечириш, бошқалар билан муомала-муносабатга киришиш йўлини билмайдиган, ижтимоий тартиботлардаги, ўзаро муносабатлардаги, хизмат тизимларидаги ёлғон ва адолатсизликларга тоқат қилолмайдиган Воҳид тимсоли ретроспектив йўсинда тасвирланган. Негаки, унга ўхшаганларнинг бугуни ва эртаси йўқ. Улар фақат кеча билан яшашади. Бегона авлод тирикликнинг эмас, урушнинг қонунларига, мантиқнинг эмас, қирғоғидан тошиб чиққан ваҳший ҳиссиётнинг талабига риоя қилиб яшашгагина қобил. Асарда бош қаҳрамоннинг айни шу хусусияти боис суюмли ишидан, жондай фарзандларидан, оиласидан, жигарларидан бегоналашуви жараёнининг руҳий кардиограммаси чизилган. Бутун роман давомида яратишга эмас, бузишга, ўлдиришга ўрганиб қолганидан қийналган одам руҳияти жуда ишонарли тасвир этилган. Одам шароитни яратади. Лекин ёмон шароит ҳам ёвуз одамни ярата олиши мумкинлиги шу йўсин ифодаланган.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, асардаги биронта образни ўқувчи идеалидаги, тасаввурлардаги кўникилган қаҳрамонларга ўхшатиб тасвирламайди. Роман қаҳрамонлари фақат ўз индивидуал табиатлари хусусиятига мувофиқ ҳаракат қилишади. Бу хил тасвир принципи, эҳтимол, кимларгадир ёқмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи ўзининг бошқаларга асло ўхшамайдиган қаҳрамонларини жуда яхши билади ва уларнинг айнан шундайлигига китобхонни ишонтиради. Бу жиҳат асардаги баталистик манзаралар тасвирида, айниқса, яққол кўринади. Уларда кечагина довюраклиги билан машҳур бўлган жангчининг бугун бирданига қўрқоққа айланиб қолгани, яқиндагина қўрқоқ саналгувчи аскарнинг кутилмаганда қаҳрамонга эврилиши ишонарли кўрсатилган.

Ўзбек романчилигида уруш кўрган инсонни янги, ўзига хос ракурсда кўриш ва бадиий тадқиқ этишни бошлаб берганлиги билан диққатга лойиқ асарда хира чиққан ҳиссий манзаралар, мужмал тақдирлар, ўринсиз қўлланилган сўзларнинг ҳам борлиги кишини ранжитади. Романда қаҳрамоннинг руҳий таранг ҳолати: "**Ўлдиргим келарди. Қани у? У қаршимда, аммо онанинг**

эзилиб кетган нигоҳи қаршисида бу ишни қила олмаслигимни билиб оломондан узоқлашдим" тарзида берилган. Бир ғапда "**қарши**" сўзининг икки бор такрорланиши тасвир таъсирчанлигини пасайтирган. Шунингдек, ифодада қандайдир тўмтоқлик борлиги ҳам сезилиб туради. Асарнинг бошқа ўрнидаги: "**Нақадар бахтли болалик мен бирла яшаганлигини, узоқ-узоқлардан учиб келаётган турналар овози жўр бўлиб тасдиқлаётгандай эди**" ифодасининг сунъий эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Бошқа бир ўринда ҳикоячи шундай савол беради: "**Сени тобут келтиришда бош-қош бўлганинг ростми?- дедим қалтираб**". Сўроқнинг грамматик жиҳатдан нотўғри ифодаланган, бу эса унинг бадиий таъсир даражасини туширганлиги яққол сезилади. "**Ўқтин-ўқтин тун қушини сайроғи тоғу тошларга урилиб акс-садо берар, мен эса қуёш ботиши билан муаллақ қолган хаёлларимни бир-бир терардим**". Бу болохонадор жумланинг ифодаси ғализ ва сунъий. Шуни таъкидлаш керакки, романнинг бошидан охирига қадар қаратқич ва тушум келишиклари ноўрин қўлланилади. Мен Абдурашид келишикларни билмайди деб ўйламайман, лекин уларни қўллашдаги ҳафсаласизлиги асарининг савияси янада юксак бўлишига халақит берганлигини таъкидлайман.

Романдаги "**Бизнинг батальонимизда биттаси шу усул билан командир полк билан ўзига "Қизил юлдуз" орденини сотиб олганлиги тўғрисида батальон командири союздаги бошлиқларга хат йўллаганини билиб қолишади ва бизлардан шафқатсизларча ўч олишди. Сиз аскарларни ҳеч нарсадан хабарларинг йўқ**" тасвирининг қанчалар ғариб ва таҳрирга муҳтожлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Жонсиз бу сўзлар инсон руҳиятини ифодалаш у ёқда турсин, шунчаки ахборотни аниқроқ етказишга ҳам ночорлик қилади. Тасвирга эътиборсизлик, тилнинг ғариблиги, ифоданинг омонатлиги яхшигина бадиий асарни йўққа чиқариши мумкин. Катта дард билан қўлига қалам олиб, туппа-тузук асар яратган ёзувчи бирор жойда ҳам ҳафсаласизлик қилмаслиги, бепарво бўлмаслиги керак.

Романда сўзни ўринсиз қўллаш ҳоллари анча кўп учрайди. "**Шашт ўрнимдан турдим**",- дейилади бир ўринда. Аслида ўриндан "шахт" ёки "шашт билан" турилади. Бошқа бир жойда: "**Ром деразаларини очдим**",- деб ёзилади. Ҳолбуки, "Дераза ромларини очдим" дейилса, тўғрироқ бўларди. "**Кирчимак, увададай**

булутлар орасидан ой чиқиб келди", деган чиройлигина тасвирда ҳам сўз бузиб ишлатилган. Шевада "кирлиги билинмайдиган мол" маъносида "**кирчимал**" ёки "**кирчимол**" сўзи ишлатилади. "**Шу кунгача ҳатто товуқни сўйганда юрагим палағда бўладиган мендай бўз бола...**" тасвиридаги "палағда" сўзи "**алағда**" шаклида қўлланилса, тўғри бўларди. "**Оғриқнинг тафти анча сусайган**" ифодасида ҳам сакталик сезилиб турибди. Оғриқда тафт эмас, "шашт" бўлиши мумкин. Асардаги "**Аллақайдан елкасига қимматбаҳо кўйлак кийган, мўйловлари гажак йигит пайдо бўлди**" сингари ифодалар ҳам ғашни келтиради. Ахир кўйлак жонивор фақат елкага эмас, эгинга тўлиқ кийилади. Шунингдек, "мўйловнинг гажак"лиги ҳам ҳазми қийинроқ бўлган тамсил. "**Тўйга билак шимариб хизмат қилаётганлар...**" жумласининг ғалатлиги ҳам кўриниб турибди. Одатда, билак эмас, халақит бермаслиги учун енг шимарилади.

Муҳими, ўзбек романчилигида уруш кишиси табиатига ўзгача ёндашиш, уни ўзгача ракурсларда кўриш ва кўрсатиш тамойили юзага келди. Бунинг қалдирғоч намуналаридан бўлмиш "Қон ҳиди" романи ўзининг бадиий ҳақиқати билан миллий насримизда эсда қоларли ҳодиса бўлади.

2002 йил март, 2004 йил 4 октябр

МОҲИЯТГА ИНГАН МИЛЛИЙЛИК

Бадиий асардаги миллийлик ташқи либос ҳам, мавзу йўналиши ҳам эмас, балки эстетик моҳиятдир. Асарнинг асл бадиий моҳияти, аввало, унинг оҳангида намоён бўлишини улкан адиб Ғафур Ғулом ижодида кузатиш мумкин. Шоир борлиғи ва ўзлиги билан ўзбек эди ва унинг битганларида бу хусусият бошқаларга қараганда бўртиб намоён бўларди. Улкан шоир асарларининг оҳангида ўзбекка хос миллий белгилар яққол кўзга ташланиб турарди. Буни шоир атай қилмаган бўлса керак. Негаки, Ғ. Ғулом туғма истеъдод эгаси бўлгани учун ҳам тасвир йўсинларини бадиий эффект беришига қараб танлайдиган ижодкорлардан эмасди. Шоир жуда ҳам яхши билардики, сунъий йўл билан миллий руҳни ифодалаб бўлмайди. У деярли ҳамиша фикр ва туйғулар омухталигидаги илҳом оғушида ижод қиларди. Туйғу ва фикр эса, биринчи навбатда, оҳанг кўринишида эстетик воқеликка айланади. Шунинг учун ҳам машҳур адиб битикларида ўзбекча оҳанг ифодасини тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Рус адабиётшунослари: Т. Родионова ва В. Фомин: "Адабий аралашувнинг турлари ва йўналишларини таҳлил этишда оҳанг таҳлили алоҳида мавқе тутиши керак. Зеро, бадиий оҳанг ҳамиша мазмунга эга ва қадриятларга йўналтирилган бўлиб, у муаллиф бадиий ниятидан тортиб, ўқувчининг руҳий тозаришига қадар бўлган барча эстетик коммуникация босқичларини қамраб олади[1]",- деб таъкидлайдилар. Ғафур Ғуломнинг назм ва насрдаги деярли барча асарлари оҳангининг ўзгачалиги, зарбнинг миллийлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан, айниқса, "Соғиниш" шеъри ўзига хос ўрин тутади. Шеърнинг дастлабки:

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш

мисраларидаёқ ўзбекча фикрлаш тарзи, миллий рамзлар тизими тасвиридан ташқари, сокин ва залворли бир оҳанг устуворлиги

[1] Теории, школы, концепции (критические анализы). Художественная коммуникация и семиотика (сборник статьей). –М.: "Наука", 1986. –С. 184.

сезилади. Олис йўлдан келаётган ва интизорлик билан кутилаётган зўр карвон, карвон билан кетган энг яқин кишисини кутаётган ночор, аммо умидвор киши ҳолати тасвирида одамга хос ожизлик қанчалик бўртиқ ифодаланса, "**Энг кичик заррадан Юпитергача**" ҳамма нарсани Билгувчи, ҳамма нарсани Бошқаргувчи Кучнинг тасвирида қудрат шунчалик ёрқин кўринади. Ва бу ҳолат мазмундан ҳам кўра ўзбекча оҳангда намоён бўлади.

Асардаги "**Узилган бир киприк абад йўқолмас, Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид**" мисраларида гўзал бадиий либосда берилган дунёдаги ҳеч бир нарса изсиз кетмайди, деган фикрнинг салмоғи ишонч оҳанги устуворлиги туфайли кишига янада кучли таъсир қилади. Асл шоирнинг поэтик даҳоси айтмай туриб билдириш хусусиятига эгалигида намоён бўлади. "**Хоки анжир тугаб қовун ғарқ пишган, Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим**" сатрларида Ғ. Ғулом ижодининг айни шу жиҳати кўринади. Маълумки, анжир дарахти кузда туганаклари билан кўмилади. Кўкламда ана шу туганаклар амал олиб, мевага айланади ва саратон кириб-кирмай, пишиб етилади. Асад ойига қадар анжирнинг биринчи – хок меваси ейилади. Асад ойида эса қовунлар пишиб етилади. Демак, шоирнинг ўғлини урушга жўнатиш вақти июл-август ойларига тўғри келади. Вақтнинг ой ёки кун ҳисоби билан эмас, балки мева ва полиз амалидаги босқичлар билан ўлчаниши шоирнинг халқ ҳаётини бевосита деҳқончасига ҳис этишидан далолатдир. Сатрларнинг деҳқонча қилиб айтилиши теран фикрнинг юксак бадиий жозиба касб этишига олиб келган.

Ўзбек отасининг ўзига хос жиҳати "**Не қилса отаман мерос ҳиссиёт**" мисраларида ёрқин кўринади. Ғ. Ғуломнинг отага ҳиссиёт мерослигини таъкидлашида унинг миллат хусусиятини нечоғлик теран туйиши сезилади. Чиндан ҳам фарзандини урушга жўнатган ўзбек унинг ватанпарварлик бурчи, хизматни қачон, қаерда ўташини ўйлашдан кўра, кўпроқ болам бирор хавфу хатарга йўлиқмасмикин деган хавотирли ҳисларга берилади. Шеърдаги ўзбекчилик бўртиб кўриниб турган ва соғинч туйғуси авж нуқтада акс этган:

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни – аллакимимни.
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни

сатрлари кишини руҳий мувозанатдан чиқаради. Ўзбек оиласи учун кечки овқат қорин тўйдириш тадбиригина эмас, балки бирлашиш, дардлашиш, ҳамманинг жамлиги, борлиги ва бирлигини ҳис этиш омили ҳамдир. Шунинг учун ҳам уйдаги кимнингдир йўқлиги бошқа вақтдан кўра кечқурун ош сузилганда яққол билиниб қолади. Чунки оиладаги ҳар бир аъзонинг ўз ўтирадиган ўрни бор. Шоир буни улкан маҳорат билан кўрсатолган. Айниқса, шеърнинг оҳанги бўлакча фазилатга эга. У гўё ҳали қирққа ҳам кирмаган йигитга эмас, балки камида бир аср яшаб қўйган оқсоқолга тегишлидай таассурот қолдиради. Чунки мисралардаги сўзлар шунчаки сўзлар эмас, балки айни вақтдаги руҳий ҳолатга махсус бўлган мазмунвор зарблардир.

"**Балки бир ғалат ўқ, ё хавфу хатар Хазинаи умримдан йўқотди олмос**" мисраларида Ғафур Ғуломнинг хавотири ўзига хос ўзбекона йўсинда зоҳир бўлганини кўриш мумкин. Шеърда шоир бори ўзбеклар сингари ёмон сўздан қўрқиш, уни тилга олмаслик удумига амал қилади. У фалокатни ифодаловчи сўзни айтмайди. Чунки ўзбек фалокатни ифодаловчи сўзнинг тилга олиниши фалокатнинг ўзини чақиради деб билади. Ўзбек ҳамиша совуқ сўздан, ёмон ниятдан чўчийди. Хавотирнинг ниҳоятда воситали йўсинда халқ руҳини ифодалайдиган тарзда берилиши шеърнинг таъсир даражасини орттирган. Фарзандга, айниқса, ўғилга "хазинаи умр" деб қараш халқимиз табиатидаги асл жиҳат эканини шоир яхши билади ва шеърдаги ана шу салмоқли мазмунга яраша салобатли оҳанг топади.

Шеърдаги: "**Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу...**" тасвирида ифодаланган миллий руҳ кишини мулоҳазага чорлайди. Шоир томонидан лирик қаҳрамон портретининг айнан шу тарзда чизилаётганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўриш натижасида ўқувчи дунёдаги бирор халқда бўлмаган ўзбек оқсоқоли қиёфасини кўз олдига келтиради. Яхшилик кунларида қарияларимизнинг оппоқ кийиниб, айнан шу йўсинда салмоқ билан бир-бир босиб юриши, асл соҳибкор ўзбек оқсоқоли "қутлуғ жойга қуруқ бор"маслик учун бошига шафтоли тўла сават қўндириб олгани шеърхон тасаввурида моддийлашади. Шеърдаги шафтолининг кўриниши тасвирланган:

Суйганинг лабида реза тер каби,
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди,
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам

мисраларидаги образли ифодалар ҳам дунёни ўзбекча кўз билан кўришнинг маҳсулидир. Бу банддаги тасвирларнинг миллий илдизи ҳақида мулоҳаза юритиш натижасида ҳар бир ўзбекнинг боғида экиладиган шафтоли тукидаги тонгги шабнам гўзал қиз лаби устидаги майин тукка илашган терга ўхшатилгани, меванинг мазаси эса, она сутига менгзалгани англаб етилади. Ифода йўсинидаги одмилик, жиддийлик, самимийлик ва ёлғон кўтаринкиликнинг йўқлиги шеър оҳангининг таъсир даражасини орттирган.

Шоирнинг ўғлига хаёлан: "**Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла...**" қабилидаги мурожаатида маъжозий маъно борлиги ва бу тилак бошинг омон бўлсинда, ўз боғингга ўзинг эгалик қил тарзида изоҳланиши кераклиги шеърхон томонидан англаб етилади. Ишончга тўлиқ оҳанг оддийгина "боғ" сўзини юрт мақомига, жўнгина "мева" калимасини фарзанд мартабасига кўтаради. Ўзбек пардалаб, рамз билан гапиришни хуш кўради. Шоир юқоридаги бир мисра воситасида ўғлига уруш комидан омон қайтиб, юртига эгалик қилиш, боғ яратиш, яъни оила қуриш, мева етиштириш, яъни фарзанд кўриш насиб қилсин тарзидаги ниятни ифодалаган. Шеърдаги "**Умид данагини бирга экингиз**" сатрига жо бўлган ўзбекона ният "қўша қаринг" ёки "бола-чақангиз кўпайсин" шаклида ифодаланиши ҳам мумкин эди. Лекин унда бадиий сўз ҳозирги тароватидан маҳрум бўларди, оҳанг бузиларди, эстетик таъсир даражаси ғоят тубан энган бўларди. Шу ҳолича мисранинг ифода йўсини тўкислиги билан диққатни тортади. "Соғиниш" шеъридаги:

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш,
Икковинг икки ёш *лабин – лабига*
Қўяр. Васвасамдан кулади қуёш

мисраларида "ёш" сўзини уч марта такрорлаш натижасида ҳам сирли, ҳам таъсирли оҳанг пайдо бўлган ва бу сўздаги маъно айирмалари шеърнинг жозибасини янада кучайтиради.

Ғафур Ғулом ўзбек насри тараққиётида ҳам чуқур из қолдирган ёзувчи эди. Унинг ҳикоялари тасвирнинг аниқлиги ва таъсирчанлиги, миллий руҳни тўлиқ берабилиши жиҳатидан тенгсиз эстетик ҳодисалардир. Чунончи, "Ҳасан Кайфий" асари муаллифнинг кўпчилик қисса ва ҳикоялари сингари эртакларга ўхшаб бошланиши биланоқ миллийдир: "**Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан деганларидек, осмон тоғарасининг остида, ер тарвузининг устида бир подшоҳи азим яшар экан. Ери шунчалик кўп эканки, унга қарам қишлоқлардан биттадан гувалак йиққанда ҳам бутун сарой аҳлига сағана қуришга етар экан. Унга қарам фуқаролар шунчалик кўп эканки, агар ҳар биттасидан биттадан қўноқ олинса ҳам, тўққиз хумда бўза солса бўлар экан**". Адиб подшога қарашли ерларнинг "катта"лиги ва унга тобе одамларнинг "кўп"лигига доир анъанавий болахонадор тасвир, эртакларга хос оҳанг ёрдамида "катта" мамлакатнинг аслида қандайлигини билдириб, улкан эстетик самарага эришади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у асардаги тимсолларнинг хатти-ҳаракатларини баҳоламай, тавсифламай туриб, уларни ичдан шундай кўрсатадики, персонажларнинг аслида кимлиги ўзўзидан аён бўлиб қолаверади.

Ҳасан ямоқчи табиати тасвиридаги самимий, "Хизр" портрети ва феълини кўрсатишдаги киноялик оҳангнинг ўзиёқ образлар тўғрисида ёрқин тасаввур туғилишига олиб келади. Ҳасан Кайфийнинг уйидаги аҳвол, ундаги жиҳозлар тасвирланган ўринлар қаҳрамон шахсиятини аниқлашнинг ишончли усулларидир. Улар шунчаки жиҳозлар эмас, балки шахс руҳиятининг ифодаларидир. Ҳасан Кайфийга дахлдор бу тасвирларда борига қаноат, йўғига сабр қиладиган ўзбекнинг табиати намоён бўлади. Ҳасан ямоқчининг фақирлиги унинг дангасалиги ёки шудсизлигининг эмас, балки бойликка ҳирс қўймаганлиги ва қаноат туйғусига эгалигининг натижасидир. Ҳасан Кайфий уйининг эшиги ёпилмаслиги тасвирини қаҳрамон табиатининг кўзгуси дейиш мумкин. Кайфий – бугуни билан яшайдиган, эртанги кун учун Яратганга таваккал қилган, қаноат ва сабрни давлат деб билган ўзбек сўфийси тимсоли. Унинг ўзбеклиги шундаки, ўз қарашларини бировга тиқиштирмайди, билъакс турмуш тарзидан хижолат бўлгандай, ҳамиша ҳаммадан андиша қилади. Бу ҳолат персонажнинг оҳангидан, сўзлаш тарзидан билиниб туради.

Шу ўринда Ҳасан ямоқчи ўзбекнинг типик вакили эмаслигини, адиб уни кўпчиликка мутлақо ўхшамайдиган, ниҳоятда ўзига хос шахс сифатида тасвирлаганлигини таъкидлаш керак. Кайфий – типик образ эмас, аммо тип даражасида ишланган тимсол. Ҳаётда типик одам бўлмагани сингари бадиий адабиётда ҳам типик образнинг бўлиши мумкин эмас. Типиклик шахсликдан маҳрумликни, қиёфасизликни, синфий ёки ижтимоий хосликни англатади. Ҳар қандай одам эса, аввало, алоҳида одамдир ва ундан сўнггина бирор қавм ёхуд қатламга мансубдир. Ҳасан Кайфий образида ўзига хосликнинг ундаги бошқаларникига ўхшаб кетадиган умумий жиҳатлардан кўра кучлироқ тасвирлангани асар муваффақиятини таъминлаган асосий бадиий омилдир.

Ямоқчининг кунига бир танга топгунчагина ишлаб, сўнг дўконни ёпишида унинг табиатига камсуқумлик, қаноат туйғулари хослиги ва бу хислатларнинг аждодларимиздан ўтиб келаётган эзгу сезимлар экани намоён бўлади. Соддалик либосидаги зукколик – Ҳасан табиатидаги етакчи белги. "Хизр"нинг адолатли шоҳ ҳақидаги сўроғига Кайфий подшоҳнинг Адолат исмли хотини бор, деб берган жавоби ҳам ямоқчининг бу жиҳатини яққол кўрсатади, ҳам ўқувчига шоҳнинг қанчалик "адолатли" эканини англаш имконини беради. Кайфий – камсуқум ва андишали, аммо ўз эътиқодида собит шахс. Меҳмоннинг подшоҳ ҳақида илиқ гап эшитиш учун қилган барча ҳаракатларига ямоқчи кўрган оқилона тадбирлар Кайфийнинг шахсияти нечоғлик йирик эканини англатади. Ҳасан Кайфийнинг подшога қарата айтган: "...**тақсир, соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади**",- гапи ўзини бечорагина қилиб кўрсатаётган ямоқчининг ўткир ақли, кучли мантиғи, ҳозиржавоблиги унга шоҳни бор-йўғи соя дейиш имконини берганини англатиб туради.

Ҳикоядаги барча ҳаётий вазиятларда ҳам қаҳрамон миллий асослар оғушида тасвирланади. Миллий асосларга таянилгани учун ҳам меҳмон қанчалик ёқимсиз ва совуқнафас бўлмасин, Ҳасан унинг юзига чопмайди, кўнглидан кечаётган ўйларни унга айтмайди. Лекин асар оҳанги подшоҳни тинмай таъқиб этиб боради, унинг тутумини ҳамиша инкор қилади. Киши сабру қаноат билан ақлга мувофиқ яшаса, ҳеч қачон армонда қолмаслиги ямоқчиларнинг осилиши ҳақидаги хабарни эшитган Ҳасан Кайфий кўрган тадбир тасвири мисолида ёрқин кўринади. Ўтин-

чиликнинг таъқиқланиши ҳақидаги фармонга қарши Ҳасан Кайфий кўрган чора ҳам унинг шахсига хос топқирлик ва ўзбекка хос яшовчанликни ифодалаши жиҳатидан беқиёсдир. Шу боис киши асарни ҳам саргузаштларга бой эртак билан танишгандай қизиқиб ўқийди, ҳам тўқнашувлар драматизмини, характерлар ўртасидаги зиддиятни бевосита ҳис қилади.

Ҳасан Кайфийнинг ўзига хос табиати унинг ўтинчилик қилганида бир сўмлик ишни бажаргани ҳолда ҳақига икки танга олгани, мешкобчи бўлганида бир кунлик харажатига керакли пул топгач, мешида қолган сувни сотиб ўтирмай, тўкиб ташлагани тасвирида тўла намоён бўлади. Унинг ақли нафси етовида эмас, балки нафси – ақлига қарам. Шу боис у керак эмас деб ҳисоблагани учун нақ фойдадан юз бура олади. Нафснинг занжирида бўлмаган эркин фикр яшин тезлигида ишлаб, унга ҳар қандай қийин вазиятдан чиқиб кетиш имконини беради. Чунки унинг ақли манфаатга кишанбанд қилинмаган. Шунинг учун ҳам Ҳасан Кайфийнинг: "**Ҳа, ишқилиб, ақлим билан меҳнатим саломат бўлсин**",- йўсинидаги алқови ўзига қанчалик мос келса, нафсу ҳаво исканжасидаги подшога шунчалик ўтиришмайди.

Ҳасан ямоқчи тимсолида ўзбекка хос бағрикенглик, меҳмондўстлик сингари сифатлар ёрқин намоён бўлган. Чунончи, Кайфийдай тадбиркор ва гапга чечан одамнинг кетма-кет бесаранжомликлар келтираётган совуқоғиз меҳмонга оғринмай хизмат қилиши учун у фақат ўзбек бўлиши керак. Бошқа ҳар қандай миллат вакили меҳмонга норозилигини билдирган бўларди. Бошига тушаётган барча балоларга сабр қилиш ҳам халқимизга хос эканлиги аён. Ҳасан ямоқчининг мешкоблардан "хушхабар" пули йиғиб олиши тасвирида унинг ўзбекона иш одамилиги яққол кўринади.

Ҳикояда подшоҳга хос навкар қилиб тайинланган Ҳасан Кайфийнинг отга бошқа аскарлар ёрдамида минганлиги, қиличнинг тиғини пичоқчи ўртоғига сотгани, отни эса боғдор қўшнисига ижарага берганлиги тасвирланган ўринларда бир умр меҳнати орқасидангина кун кўрган косиб, табиатан сипоҳиликдан жуда йироқ экинчи ўзбекнинг фитрати бор бўйи билан кўринади. Асарда саройдаги бемаъни тартиблар акс этган, Кайфийнинг подшоҳ иродасига қарши боргани тасвирланган ўринлар ҳаётий ва бадиий мантиғи билан ўқувчи хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолади. Асарда тоза ният, жасур қалб эгаси бўлган ақлли кишини енгиш мумкин эмаслиги, фикрловчи инсон беҳад қуд-

ратли эканлиги маҳорат билан кўрсатилган. Ҳикоянинг бетакрор ва ўзига хос тили алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбек тилининг камалак нурларидай сержило эканлиги ҳикоянинг қизиқарли бўлишини таъминлаган омиллардандир. Ёзувчи ҳикоя бадиятидаги бу ютуқларга асар моҳиятига мос оҳангни топа олгани учун эришган.

"Моҳият" газетаси 2003 йил 11 апрел

ТУЙҒУЛАРНИНГ РАНГИН ЖИЛОСИ

Одам даврни яратгани каби давр ҳам инсонни шакллантиради. Яратиқ яратганнинг меваси бўлгани учун ҳам унда яратувчининг нуқси қолади. Яъни одам ўз даврига бир қадар ўхшайди. Лекин одам ҳам, давр ҳам ўткинчидир. Уларга хос хусусиятларни тутиб олиш мушкул. Муайян даврда яшаб ўтган инсонларнинг қиёфаси, руҳий дунёси ўша вақтда дунёга келган асл бадиий асарларда намоён бўлади. Асарларида даврга хос белгиларни ташийдиган қаҳрамонларни тасвирлаш улкан ижодкорларнинг насибасидир. XX аср 20-йилларининг романтикаси, 30-йиллари талотумлари, уруш суронлари, тикланиш азоблари, турғунлик ҳавосизлигини бошидан кечирган, ошкораликнинг дарғаларидан бўлган, миллатдошлар руҳиятида мустақиллик сезимларини шакллантирган ва одамлар орасида ҳамиша ёруғ юз билан яшаётган Одил Ёқубов ана шундай адибдир.

О. Ёқубовнинг романчилиги замонавий ўзбек насрининг бадиий тасвир имкониятини, кўрку салобатини кўрсатиши билан характерлидир. **"Улуғбек хазинаси"** романида ёзувчи асар қаҳрамонлари бошдан кечирган воқеаларни кўрсатишга эмас, балки уларнинг ички дунёсини очиш асносида Улуғбек даврининг бадиий манзарасини чизишга эътибор беради. Маълумки, ҳаётга фаол аралашган кишилар ҳамиша зиддиятлар қуршовида бўлишади. Ҳукмдорлар ўз мавқеларига кўра жамият ишларига фаол аралашишга мажбурлар. Ҳар бир инсон ўз ҳаётидаги бурилиш даврларида, кучли қаршиликларга дуч келганда турли-туман ўйларни бошидан кечиради. Романда бош қаҳрамон ана шундай ўйлар оғушида кўрсатилади. Асарда Улуғбек ҳам адолат ва инсоф жиловини маҳкам ушлашга уринган подшоҳ, ҳам тенгсиз олим сифатида кўрсатилади. Ёзувчи улуғ олим ва адолатли шоҳнинг ҳаётини бошдан-охир тасвирлашни мақсад қилмайди. Улуғбек ҳаётининг оғир ва фожиали дамларга тўла сўнгги палласини кўрсатиш мобайнида у мулоқот ва фаолиятда бўлган кўплаб кишиларнинг табиатини акс эттирган.

Адиб романда ўз отасига қарши бош кўтарган Абдуллатиф руҳий оламини очишга, туйғулар тизимини кўрсатишга эътибор беради. Ёзувчи Абдуллатиф табиатидаги падаркушлик илдизини унинг мутаасиб кимсалар таъсирида тарбияланган ва Улуғбекни ислом динига қарши, деб ўйлаганида кўради. Бу ҳолат

Улуғбек Абдуллатифга: "**Менга ҳеч нарса керак эмас. Бу тожу тахт, салтанат, шон-шуҳрат – бари ўзингга буюргай, фақирга ёлғиз расадхонани инъом этсанг бас! Азмим қолган умримни "Зижи Кўрагоний"ни тугатиб, мутолаа ила кун кечирмоқдир**",- деганида, бўлажак падаркуш ўғилнинг самимий жазавага тушиб: "**Тағин расадхона! Тағин "Зижи Кўрагоний"! Мударрис дасторини ўраган муртадларни қанотингиз остига олиб, дин пешволарини оёқ ости қилмишсиз! Бул учун ҳақ таолонинг қаҳрига, пайғамбар алайҳиссаломнинг қарғишига учраб, тахту тождан, салтанатдан айрилмишсиз. Аммо истиғфор айтмоқни тиламай, тавба-тазарру қилмоқни истамай, тағин расадхонани ўйлайдирсиз!.. Эй парвардигори олам! Гуноҳи азимга ботган бу осий бандангни ўзинг авф этгайсан...**",- деганида акс этади.

Асарда Абдуллатиф тахт йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қонхўр сифатида кўрсатилмайди. Ёзувчи уни ўқимишли, синчков, истеъдодли, аммо ўзини отаси томонидан қадрланмаган ўғил деб биладиган сершубҳа шахс тарзида тасвирлайди. Бу ҳолат унинг Улуғбекка айтган: "**Балли, Сиздай падарга! Сизнинг яхшилигингизни билурмиз. Тарноб жангида жонбозлик кўрсатган ким? Мен! Аммо музаффар ёрлиғи кимнинг номига битилди? ...Ихтиёриддин қалъасидаги бобом Амир Темурдан қолган тиллаларимни тортиб олган ким? Яна сиз, валинеъмат падарим! Не чора? Муте фарзанд индамай бош эгдик ва лекин бас! Соҳибқирон олтинларини қайга яширдингиз, соябони марҳамат?**"- сўзларида яққол кўзга ташланади. Муаллиф Абдуллатифнинг хатти-ҳаракатлари сабабини англашга, унинг саъжиясидаги кўздан яширин жиҳатларни очишга эътибор қаратган.

Ёзувчи Улуғбек шахсиятини тасвирлашда ҳам ёлғиз ёрқин ранглардан фойдаланавермай, уни иккиланаётган, оғир ўйлар гирдобида қолган одам сифатида кўрсатади. Унда гоҳ тож-тахтни топшириб, илмий иш билан шуғулланиш истаги, гоҳида душманларини яксон қилиб ташлаш туйғуси ғолиб чиқаётгани ҳаққоний акс эттирилади. Али Қушчи билан суҳбатдаги: "**Мирзо Улуғбекдай коинот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир-оқибат... барча тахт соҳибларидай салтанатни деб ўз пушти камаридан бўлган фарзанди ила тахту тож талашибди-да, деган ном қолдиришдан қўрқамен**",- деган сўзларида узоқни ўйлайдиган мутафаккир сиймоси намоён бўлади. Абдуллатиф билан баҳсда эса: "...**сўнгги насиҳатимни эшит,**

хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил... Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устозларига тегмагайсен. Тегсанг, ...ота қарғишига учраб тоабад бадном бўлурсен!. Ота рози – худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил миналҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайдур! Сенга айтадурғон бошқа сўзим йўқ! Чақир ясовулингни!"- деган сўзларида ўқувчи кўз олдида бир умр фармон беришга ўрганган қўрқмас ва ёвқур темурий гавдаланади. Романда асир отанинг ҳукмрон ўғилга буйруқ оҳангида сўзлаши ифодаси персонажларнинг миллий руҳиятидан келиб чиқиб акс эттирилган. Падаркуш ўғлига ҳам бу ҳолат ҳеч эриш туюлмайди. Улуғбекнинг шоҳ сифатида ўғлидан мағлуб бўлганда ҳам, ота сифатида ўз мақомини асло йўқотмаганлиги унинг сўзлаш оҳангида, тутумларида яққол кўринади. Ёзувчи бир-бирларига бегона ота ва ўғил, фозил шоҳ ва тахтпараст шаҳзода ўртасидаги шиддатли тўқнашувларни кўрсатиш асносида уларнинг асл табиатларини намоён қилади. Романда Улуғбек ва Абдуллатиф ҳам, бошқа тимсоллар ҳам таърифу тавсиф этилмайди, балки уларнинг жонли одамлар сифатидаги сезимлари тасвирланади. Улар ҳаётдаги тирик одамлардай кўрсатилгани учун ҳам бири ачинтирса, бошқаси нафратлантиради.

Романда Али Қушчининг садоқати, Мавлоно Муҳиддиннинг сотқинлиги, шайх Низомиддин Хомушнинг инсофсизлиги, тузуккина шоир Абдуллатифнинг тахт илинжида ўзгалар қўлида қўғирчоқ бўлгани ишонарли тасвир этилган. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамон характер хусусиятлари, табиатидаги ўзгаришларни бадиий далиллашга эришади. Асарда Али Қушчи шоҳга шогирд бўлгани учунгина эмас, балки илм-фаннинг одамлар ҳаётидаги аҳамиятини тушунгани, илм дурдоналари мутаассиблар қўлида қолса, миллат ривожи орқага сурилишини билгани сабабли ҳам хатарли бўлса-да Улуғбекнинг йўлидан юриши асосли кўрсатилган.

"Улуғбек хазинаси"да садоқат ва сотқинлик, шогирдларнинг устоз элдидаги бурчи Али Қушчи ва Мавлоно Муҳиддин образлари мисолида меъёрига етказиб ифодаланган. Мавлоно Муҳиддин Улуғбекнинг меҳру мурувватидан кўп баҳраманд бўлган. Аммо шоҳ тахтдан кетгач, ундан юз буради. Адиб катта олим бўлса-да, йирик шахс бўлолмаган Мавлоно Муҳиддин феълидаги бу сифатни мантиқий ва бадиий жиҳатдан далиллай ол-

ган. Заиф шахс ҳамиша ўзгалар таъсирига тушишга мойил бўлади. Қалтис вазиятда Мавлоно ҳам отаси Салоҳиддин Заргар таъсирига берилади ва устозидан юз ўгиради. Али Қушчининг шахслиги олимлигига мувофиқлиги тасвирланган. У бу ўткинчи дунёда тирикликдан-да баландроқ турадиган собит қадриятлар борлигини теран англайди. Али Қушчи ва Мавлоно Муҳиддиннинг қамоқхонадаги баҳсларида уларнинг тамомила бошқа-бошқа одамлар эканлиги кўринади. Али Қушчи тимсоли орқали имонли киши ҳар қандай муҳитда ҳам садоқатини намоён эта олиши, жаҳолат ва зулмдан устун тура билиши кўрсатилган.

Адиб асар қаҳрамонлари қисмати мисолида сиртдан шафқатсиз ва адолатсиздай кўринган ҳаётнинг, аслида, ғоят адолатли ҳамда меҳрибон эканлигини яққол кўрсатади. Улуғбекнинг хазинаси фақат у ёзган ва йиққан илмий китобларгина эмас, у, аввало, одамлар орасидаги адолат, имон, эътиқод, олижаноблик, ҳалоллик сингари қадриятлардан иборатлиги, одамлар кўнглидаги бу бойлик ҳеч қачон йитмас хазина эканлиги романда жуда ишонарли акс эттирилади.

Одил Ёқубовнинг ҳокимият ва шахс муносабати, улкан имкониятларнинг одам феълига таъсири акс эттирилган "**Диёнат**" романида Отақўзи мураккаб табиатли киши сифатида тасвирланган. У, аслида, дилкаш, танти одам, фикрлари соғлом, уддабурон, ишлаб чарчамайди, катта ташкилотчилик қобилиятига эга. Эртаю кеч хўжалик иши билан банд Отақўзи яқинлари тақдирини ҳам кўп ўйлайди, улар учун астойдил куйинади. Аммо амал берган имкониятлар уни ўзи ҳам билмаган ва кутмаган ҳолда, ўжар, ўзбошимча, шафқатсиз, тошбағир кимсага айлантира боради. Агар манфаатига мос келмаса, у ҳақиқатнинг юзига ҳам оёқ қўя олади. Шу боис у ўз истакларига тўсиқ бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Отақўзи табиатидаги шу жиҳатлар ўғлининг ҳали тайёр бўлмаган диссертациясини тезроқ ҳимоя қилдиришга интилишида, Ҳайдар машинасида одам уриб кетганида ўғлини айбсиз кўрсатишга уринишида кўринади. Асарда ҳаёт уддабуро ва шиддатли Отақўзи бошига ҳам чигал савдолар солгани ишонарли кўрсатилади. Ҳар қандай мушкулотни ҳал қиламан деб ўйлайдиган Отақўзи, аслида, ўз яқинлари ҳаётига ҳам ёруғлик кирита олмайди. У бундан изтироб чекади, оиласи турмушини ўзи ўйлаганидай йўлга қўёлмаганидан қийналади.

Ёзувчи Отақўзи тимсолини яратишда қора бўёқларни меъёридан ортиқ ишлатмай, унинг табиатидаги ёқимли жиҳатларни ҳам кўрсатишга эришади. Отақўзининг Нормурод домла вафот этгандан кейинги фикр-ўйлари тасвири асарда табиий ва ҳаяжонли берилган: "**Илгарилари ўкситганинг етмаганидек, умрининг энг сўнги дақиқаларигача, бетгачопарлик қилмадингми бу ҳалол ва хокисор одамга? ...Ҳатто пешонанг деворга текканда ҳам ўз обрў-эътиборинг учун олишаётганинг йўқми? Бас!.. Лоақал энди, бу муқаддас қабр тепасида мунофиқлик қилма, лоақал энди, ҳаётнинг раҳмсиз ҳукми олдида ҳалолликни, диёнатни ўйла, Отақўзи!**"

Ёзувчи романда Отақўзи баробарида Нормурод домла табиатини ҳам маҳорат билан акс эттиради. Шонли ҳаёт йўлини босиб ўтган, бошига кўп кулфатлар, оғир синовлар тушган, бутун умрини фанга бағишлаб, эвазига ҳеч нарса талаб этмаган Нормурод домла тимсоли романда меҳр билан тасвирланган. Домла ҳаллолик ва диёнат йўлида ҳеч кимни, шу жумладан, ўзини ҳам аямайди. Шу боис у бир умр тубан кимсалар билан олишишга мажбур бўлади. Ва бу олишувлар Нормурод домла дилини вайрон қилади. Домланинг диёнат йўлидаги қатъийлиги чуқур меҳр, инсоф туйғулари билан уйғунлашиб кетгани учун ҳам унга инсоний жозиба бахш этади. Асарда Нормурод домланинг мураккаб ва фожиали ҳаёт йўли теран акс эттирилган: унинг ёлғиз ўғли жангда ҳалок бўлган, тенгсиз олим бўлишига қарамай, чаламуллалар томонидан сиқиб қўйилган. Олимнинг аёли вафот этгач, тамомила ёлғизланиб, йиққан китобларини олиб, қишлоғига қайтишга мажбур бўлгандаги аянчли ҳолати романда маҳорат билан тасвирланган. Нормурод домла – мусибатлар гирдобида қолган шахс. Айни пайтда, китобхон бу одам аянчли, ночор кимса эмаслигини англаб туради. Диёнатли бу одам қаршисида ҳар қандай кибор шахс довдириб қолади, уни ҳалоллик ва ҳақиқатнинг юки босгандай бўлади.

Тўғрисўз Нормурод домла жияни Отақўзининг ножоиз ишларига қарши чиқади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, асарда домла ҳалоллиги билан чиранадиган, Отақўзига қарши курашиб роҳатланадиган киши сифатида кўрсатилмайди. Олим тўғри ва аччиқ гаплари учун жиянидан кўпроқ изтироб чекади. Лекин диёнатига хиёнат қилолмайди. Аслида, Отақўзини ўғлидай яхши кўрадиган домла унинг ҳам ҳалол ва диёнатли бўлишини истай-

ди. Лекин жияни таянадиган маънавий тиргаклар ўзгача эканлигини, уни кетаётган йўлидан қайтариш мушкуллигини кўриб, янада кўпроқ қийналади. О. Ёқубов яхши бўлишнинг қанчалик оғирлигини Нормурод домла тақдири мисолида улкан самимият билан акс эттиради.

О. Ёқубовнинг олам ҳодисалари ва одамнинг моҳияти ҳақидаги залворли ўйлари, салмоқли мулоҳазалари "**Кўҳна дунё**" романида ўзгача бир йўсинда акс этган. Роман адиб ижодидаги тамомила янгича йўналишда битилган асардир. Муаллиф бу асарида инсон, унинг ҳаётдаги ўрни, ўз тақдирини белгилашдаги иштироки, адолат, ҳақиқат ва уларнинг тантанаси тўғрисидаги қарашларини турлича табиатли шахслар қисмати мисолида, кескин ва қалтис бурилишларга бой шиддатли воқеалар асносида ифода этади. Ёзувчи романда кўпроқ инсон ҳаёти маънисини англамоқчи бўлган файласуф сифатида кўринади.

Асарда ёзувчи бу кўҳна дунёнинг чигаллиги, тушунарсизлиги, режаларга бўй бермаслигидан пайдо бўлган ҳайратларини акс эттиради. Ҳаётда, кўпинча, асл қолиб сохта нарса эътибор топади. Яхши эмас, ёмон эзгу ва олижаноб деган ном чиқаради. Инсон зотики бор ўз қилган ишни эзгулик деб ўйлайди.

Дунёнинг тартиботи шундай чигалки, аслида кучли қудратлими ёки ожиз қудратлими эканини билиб бўлмайди. Жаҳонгирман деганлар ожизлар қўлида ўйинчоқ. Султон дунёга ҳукмим ўтади деб ўйлайди, аслида, оиласидагиларни ҳам бошқаролмайди. Сиртдан ожизу натовон бўлиб кўринадиган аянч кимсалар, аслида, мамлакатни ҳам, султонни ҳам идора қилаётган бўлиб чиқади. Ҳатто, чинлик ҳам ёлғон, эзгуликка ҳам ёмонлик аралашган. Дунёни зир тиратган шаҳаншоҳ Маҳмуд Ғазнавий вазирлар қўлида ўйинчоқ, султонни ўйнатаётган вазирлар эса, муттаҳам ва олчоқ Абу Шилқимнинг найрангидан зир титрашади. Дунёнинг адолати қайда, ҳақиқати қаерда билиб бўлмайди. Ўзини доно ҳисобловчи инсон эса гоҳ тасодифнинг, гоҳ кайфиятнинг, гоҳ муғамбирликнинг қули. Олам тараққиёти сабабларини изоҳлашга қодир донишманд аллома ўз тақдири не бўлишини, нимадан ибтидо олиб, қандай интиҳо топишини билолмайдиган нотавон кимса.

Ёзувчи талқинидаги дунё, одамлар бир қатламли, бир таркибли эмас. Улар ғоят мураккаб ва ўта чигал тўқималардан ибо-

рат. Шунинг учун ҳам қиличидан қон томган ёвуз султон тасвири ўқувчини ачинтира олади. Умрида бирор кишига яхшилик қилмаган ёвуз Пири Букрийга кишининг раҳми келади. Муаллиф Маҳмуд Ғазнавийдай дунёни титратган ҳукмдорни гоҳ шафқатсиз жаллод, гоҳ ожиз банда, гоҳ кўнгли бўш одам сифатида тасвирлайди ва бу тасвирга ўқувчини ишонтиради. Бу дунё – кўҳна, сирли ва тушунарсиз. Одам руҳиятидаги сирлилик янада чексиз. Уни оддий одамларгина эмас, балки Беруний ва Ибн Синодай даҳолар ҳам англайолмаган. Ҳаёт асли шундай ғалатилиги, тўла изоҳлаб бўлмаслиги билан қизиқарли.

Асардан олинган қуйидаги парча эътиборга лойиқ: "**Султон, дилида ажиб бир нур, қоқсуяк вужудида фавқулодда бир куч, ҳамон тасир-тусир от суриб борар, у билан улоқча ўртаси тобора қисқармоқда эди. Ниҳоят улоқчани қувиб етди-да, лочиндай чанг солиб кўтариб олди. Шу заҳотиёқ йироқлашиб қолган она кийик шартта тўхтади, бир зум жойида дир-дир титраб турди-да, аста-секин орқага қайта бошлади...**

...Султон ҳаяжон ичида эгилиб, дир-дир тираётган улоқчани ерга қўйиб юборди, қўйиб юбориши билан дилида ажиб бир чироғ "лоп" этиб ёнди-да, вужудида ўзгача бир ҳолат, қандайдир сирли, илоҳий бир ҳолат содир бўлди. Ҳатто ўнг биқинидаги оғриқ ҳам таппа тўхтаб, кўзига қоронғу кўринган олам бирдан ёришиб кетди. ...Тоғлар билан ўралган бу кенг сайхонлик боягидан ҳам кенг, осмон боягидан ҳам тиниқ, арчалар ҳиди боягидан ҳам хушбўй, қорли чўққилар боягидан ҳам юксак, одамлар эса бир-биридан яхши, бир-биридан меҳрибон кўриниб кетди султоннинг кўзига". Бу тасвир қанча ўлкаларни босиб олган, биргина имоси билан минглаб одамларни ўлдиришдан қийналмаган Маҳмуд Ғазнавий ҳолатининг ифодаси. Айни вазиятда шоҳ ғоят нурли, кўнгли эзгуликларга тўла қилиб тасвирланган. Энди айни кайфиятни туйган султоннинг ундан салгина кейин тушган руҳий ҳолати тасвирига диққат қаратинг: "**Навкарлар ёрдамида аравага чиққан султон бирдан ҳолсизланиб бошини ёстиққа қўйди, қўяркан, кўзи яна осмонга тушди. Лекин бояги артилган шишадай тиниқ осмон ўрнига тубсиз чоҳдай зимистон бўшлиқни кўрди**". Бу тасвирда инсоннинг тасаввури ҳам, кайфияти ҳам ўзи сингари омонат ва ўткинчи эканлиги акс этган. Султоннинг болалик жўраси Маликул шароб эса айни дақиқаларда: "**...олло таоло ўз бандасига шундай ақл-заковат ато қилибди. Бандаси**

эса... нечун ҳамиша ақлга зид ишлар қилади? Нечун фақат бошига мусибат тушган чоғларидагина яхшилик ва эзгуликни ўйлайди? Нечун ўзи чоҳ ёқасига бориб қолгандагина қилган гуноҳларини, бошқаларга ўтказган жабр-ситамларини эслайди? Нечун!",- дея хаёл сураради. Мана шу тасвирларда асар моҳияти акс этган, адибнинг инсон, унинг ҳаёти ҳақидаги ниҳоясиз ўйлари ифодаланган.

Романдаги Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий, ибн Шаҳвоний, Али Ғариб, Абул Ҳасанак, Амир Масъуд, Хатлибегим образларининг талқини ўзбек адабиётида янгилик бўлди. Асарда туркий халқлар тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдирган, қудратли империя қурган Маҳмуд Ғазнавий ҳаётининг таҳлика ва гумонларга тўла сўнгги даври акс эттирилган. Беруний ва ибн Синонинг замондоши, бедаво дардга йўлиққан шоҳ Маҳмуд Ғазнавий ҳам оғир касал бўлган ҳар қандай киши сингари мўъжиза кутиб яшайди. Одатда, касал одам етишиш мушкул бўлган нарсадан илинж қидиради. Шоҳ учун ибн Сино ўшандай илинж эди. Чунки ибн Сино шоҳ ҳукми билан бир пайтлар унинг қаламравидан ҳайдалган. Мағрур ва ўжар табиб ҳам ўшандан буён Ғазнавийдан қочиб юради, унинг чорловларига қулоқ солмайди.

Маҳоратли ёзувчи ибн Синонинг қанчалик зўр табиб эканлигини кўрсатиш сингари одатий йўлдан бормайди. Чунки унинг мақсади табибнинг тенгсизлигини эмас, балки кўҳна дунёнинг ўйинлари тушунарсизлигини тасвирлаш эди. Машҳур табибни топиш чўзилиб кетганидан қўрққан вазирлар: Али Ғариб ва Абу Ҳасанак олғир ва шуҳратпараст Шаҳвонийни шоҳга ибн Сино деб рўпара қилишади ва у Ғазнавийни "даволай" бошлайди. Подшоҳнинг касали сабабини ҳам, даволаш йўлларини ҳам билмаган Шаҳвоний унга тинмай афюн беради. Афюн таъсирида шоҳ Маҳмуд маълум муддат оғриқларни сезмай қўяди. Адиб касал шоҳ, айёр аёнлар ва мутаҳҳам табиб муносабатларини кўрсатиш орқали дунёнинг азалий тартибини ўзгартириб юборишга қодир манфаатпарастлик, фойдахўрлик, ёлғончилик, сохтакорлик сингари иллатлар инсон табиатига бу қадар чуқур ўрнашиб қолганлиги сабабларини тадқиқ қилишга уринади.

Кўҳна дунёнинг ишлари, кўпинча, кутилмаган ўйинлардан иборат. Шунинг учун ҳам шоҳнинг синглиси Хатлибегим бошчилигида чин Ибн Сино топдириб келинганда, муттаҳам Шаҳвоний ҳам, ёлғончи вазирлар ҳам, энг даҳшатлиси, буюк табиб-

дан нажот олиши керак бўлган султоннинг ўзи томонидан ҳам у тан олинмайди, товламачи сифатида саройдан чиқариб юборилади. Кўриниб турган ҳақиқатни тан олдириш мумкин эмаслиги, ўзингнинг ўзинглигини исботлашнинг имконсизлиги, товламачи ва сохтакорларнинг ҳақ, ростни сўзлаётган одамларнинг эса ёлғончи бўлиб қолиши бу эски дунёнинг адолатими ёки адолатсизлиги? Бирор марта ҳақ жойида қарор топадими ёки йўқми? Омадзод бундай ноҳақлик ва адолатсизликдан қачондир қутула оладими ёки башарият абадиян ёлғонлар исканжасида қоладими? Ёзувчи саволлар қўяр экан уларга жавоб беришни даъво қилмайди. Романнинг тасвир йўсини ўқувчиларни ҳам шулар ҳақда жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Ёзувчи бирор образни тасвирлаганда уни ҳар жиҳатдан кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Ғазнавий гоҳ шафқатсиз ҳукмдор, гоҳ одамларга яхшилик қилишга интилган ожиз бемор сифатида тасвирланади. Асарда яхшилик билан ёмонликнинг ораси қилча ҳам келмаслиги Ғазнавий хатти-ҳаракатлари орқали кўрсатилади. Маликул шароб ҳузурига ўзи бориб кечирим сўраган Маҳмуд Ғазнавий тенгдошини аччиқ ва очиқ гаплари учун зиндонга ташлатади.

"Кўҳна дунё" романида бутун инсониятнинг улуғ фарзандлари ҳисобланган Беруний ва Ибн Сино образлари ҳам катта маҳорат билан тасвирланган. Ёзувчи Беруний сиймосини ёритишда бевосита тасвир йўлидан борса, ибн Сино образини яратишда мистификация усулини қўллаб, Убайд Жузжоний хотираларидан фойдаланади. Энг муҳими, адиб бу икки даҳони ҳам ўйланадиган, изланадиган, хатолар қиладиган, қийналадиган жонли одамлар сифатида тасвирлай олган. Шунинг учун ҳам бу тимсоллар китобхонда донишмандлик, эзгулик рамзи эмас, балки биринчи навбатда, машаққат билан ўз йўлини излаётган тирик шахслар сифатида таассурот қолдиради. Уларнинг ўйлари, изтиробу қувончлари ўқувчиларга ҳам юқади.

"Кўҳна дунё" адиб ижодидаги алоҳида босқич бўлди. Ғазнавийни бирда қонхўр ва шафқатсиз шоҳ, бирда меҳрибон инсон, тадбирли сиёсатчи сифатида кўрсатар экан, ёзувчи унинг руҳий оламини теран очишга эришади. Қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари шиддатли тарзда ўзгариб турадиган бу асарда сирлилик, жумбоқ, тушунарсизлик кўп. Аслида, инсон ҳаётининг ўзи бошдан-охир жумбоқдан иборат. Шунинг учун ҳам роман

сўнгида Ибн Сино тилидан айтилган: "**Ибн Шаҳвоний тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур!**"- деган хулоса романнинг пафосини ифодалайди дейиш мумкин.

Ёзувчи романида асар ғоясини ёрқин акс эттирувчи ривоят ва ҳикоятлардан усталик билан фойдаланган. Асардаги золим шоҳ ҳақидаги ривоят ёки етти кунлик ёмғир сувидан ичиб тентак бўлган қавмини бошқариш мақсадида ўзи ҳам жиннилик сувидан ичиб, ақлдан озишга мажбур бўлган подшо тўғрисидаги ривоятлар ҳам асар моҳиятини очиш, ҳам сюжет ривожини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этган. Бунда ёзувчи, биринчидан, ўз даврида очиқ айтиш мумкин бўлмаган қарашларни ифодалаган. Иккинчидан, очиқ айтилса, унчалик эффект бермайдиган ҳақиқатларни бадиий либос билан таъминлаган. Асардаги бу ривоятлар орқали ҳар бир халқ ўз ҳукмдорига лойиқ ёки ҳар бир ҳукмдор ўз халқига ярашадир деган хулоса билдирилган. Аёнлар томонидан учирилган ақлсиз қуш бошига қўнгани учунгина мутлақо бегона юртдан келиб, подшо бўлган йигитнинг одамларга зулм қилиши ва бундай қилмасликни ўтинган ўртоғига: "**Бир аҳмоқ қушга ишониб ўзини подшо қилиб кўтарган халққа шундай муомала қилиш керак**"лигини айтиши тасвирида улкан дард ва аччиқ ҳақиқат ётади.

Романдаги подшонинг таъқиқлашига қарамай қавмнинг ёмғир сувидан ичиб ақлдан озиши ва ҳукмдорнинг уларни бошқаролмай қийналиши, ниҳоят, ўзи ҳам ёмғир сувидан ичиб телба-тескари буйруқлар бера бошлагач, унинг фармонлари фуқарога маъқул келгани тўғрисидаги ривоят муаллифнинг халқ ва унинг ҳукмдори муносабати борасида қарашларини акс эттирибгина қолмай, халқ деган дахлсиз тушунчага ёзувчининг янгича ёндашувини ҳам ифода этади. Шўроларнинг қудрати авж нуқтада бўлган бир замонларда ҳар бир халқнинг ўзига яраша ҳукмдорга эга бўлажагини тасвирлаш илҳомий башоратдан ташқари, инсоний жасорат ҳам эди.

Драматургия соҳасидаги ўттиз йиллик танаффусдан сўнг, 90-йилларга келиб, О. Ёқубов Амир Темурнинг интим ҳаёти ҳақида "Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири" номли саҳна асарини яратди. Унда драматург жаҳонгирни мутлақо кутилмаган ракурсда акс эттирди. Дунёнинг тақдирига хўжалик қила оладиган соҳибқирон, вақти келса, ўзининг шахсий ҳаётига эга бўлолмаганли-

ги, ўз бахтини таъминлай олмаганлиги чуқур инсоний ҳамдардлик ва етук бадиийлик билан акс эттирилди. 2000 йилда ёзилган **"Бир кошона сирлари"** асари эса йилнинг энг яхши драмаси сифатида "Офарин" мукофоти билан тақдирланди.

Бу драмада инсон тақдирининг ечиб бўлмас даражада чигал ва тушунарсиз эканлиги жонли тимсоллар асосида кўрсатилган. Драмадаги зиддият миллионерлар хонадонида, ташқаридан қараганда, тўкис ва муаммосиз ҳашаматли кошонада кечади. Махсус соқчилар қўриқлайдиган бу кошона эгалари беташвиш ва бахтиёр яшашаётганга ўхшайди. Асар воқеалари асносида аслида бундай эмаслиги маълум бўлади. Драмада яқиндагина оддий дўкондор бўлган, бугун ўта бойиб кетган кўркам ва шаддод Дилора билан кечагина юкчи бўлиб ишлаб юрган, бугунга келиб ҳадсиз бойликлар эгасига айланган эри Сарвар ўртасидаги чигал муносабатлар, уларнинг сиртдан қараганда тушунарсиз дарду армонлари ўта таъсирли акс эттирилган. Кошонада хотиржамлик билан бахтдан бошқа ҳамма нарса бор. Асардаги асосий тўқиниш моддий бойлик билан маънавият, ўткинчи майллар билан асл туйғулар, боқий қадриятлар орасидаги зиддиятлардир. Ушбу драмада қалб кошонасини дахлсиз сақлаш зарурлиги, инсон қалбининг мантиққа бўй беравермайдиган жунбушлари таъсирли кўрсатилган.

Драматург инсон бахти учун ҳисобсиз моддий бойлик етарли бўлмаганидай, истеъдоду ҳалолликнинг ўзи ҳам кифоя қилмаслигини кўрсатади. Асар воқеалари муҳташам кошона аъзолари ва уларга ён қўшни бўлмиш оддий зиёли оиласида параллел кечганлигидан дастлаб икки ўтбоши бир-бирига қарши қўйилаётгандай туюлади. Бироқ, драматург тасвирнинг бундай кўп юрилган жўн йўлидан бормайди. Зиёли эру хотиннинг кошонадагиларга муносабати икки хил: эр улар турмушидан ҳазар қилади, хотин эса, қўшниларини ҳам эл қатори одамлар деб билади. Асарда зиёлилар оиласининг ички зиддиятлари ҳам аён кўрсатилади. Турмуш ўртоғи Гулнозани телбаларча севадиган жарроҳ Дарвешали унга тўкис бахт ҳадя этолмайди. Улар – тирноққа зор. Шифокор Гулноза ҳам Дарвешалини эр ва устоз сифатида ҳар қанча ҳурмат қилмасин, бефарзандлик сабаб қандайдир кемтиклик, руҳий бегоналик ҳис этади. Драмада булар ҳақида ошкора айтилмайди, аммо бу нозик руҳий ҳолат асар воқеалари ривожи давомида илғаб олинади.

Узоқ давом этган чигал руҳий зўриқиш портлашга олиб келади. Сарвар учун энг оғир дамларда ҳам қўшни, ҳам шифокор сифатида унинг ёнида турган Гулноза бу бойвачча йигитнинг самимий инсонлигини туяди, кўнглида унга хайрихоҳлик уйғонади. Сарвар ва у билан ҳаж сафарига кетмоқчи бўлган Гулнозани рашк оловида жизғанак бўлган Дарвешалининг ҳақоратлаши асар ечимини ўзгартириб юборади. Тенгсиз жарроҳ Дарвешали томонидан ўлим чангалидан олиб қолинган Сарварнинг юраги айни унинг ҳақоратларига чидай олмасдан ишдан чиқади. Одамларнинг, ҳатто бир-бирини чинакамига яхши кўрадиган кишиларнинг бир-бирини тушунмаслиги, бунга уринмаслиги ўлимга сабаб бўлади. Бу ҳол Гулнозанинг қалб кошонасини ҳам вайрон этади.

О. Ёқубовнинг маҳорати шундаки, асарда бирор тимсол жўн тасвирланмайди. Жумладан, Сарвар ва Дилоранинг чигал муносабатлари оқ ёки қора тарзида талқин этилмайди. Сарварнинг ўз хотинини талоқ қилиб, Гулнозага майл кўрсатиши унинг бойваччалиги оқибати эмас. Балки, ўзини тушунишларини истаган тоза кўнгилнинг истагидир. Сарвар – бойликка ҳирс қўймаган, инсонийлигини йўқотмаган, ҳаромдан жирканадиган шахс. Йигит ўз даврининг одами, лекин андишасизликни кўтаролмайди. Шу боис эркатой ва шаддод Дилоранинг ўринсиз шўхликлари, ярашиқсиз тантиқликларига чидамай, ундан ажралади. Лекин талоқ қўйилса-да, ундан кўнгил узолмаган хотини, бегуноҳ фарзандлари борлиги бу ўйчил йигитни беҳад қийнайди. Шу тариқа, ҳадсиз бойлиги бор, узатган жойига қўли етадиган Сарвар бахтсизлигича ўлиб кетади.

Асарда тантиқ Дилора тимсоли ҳам пухта ишланган. У эрига хиёнат қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг Сарварга: **"Эркалик қилсам қилгандирман, енгиллик қилган бўлсам қилгандирман. Лекин, тепамда худо, бирор ит теккани йўқ жисмимга. Жисмим пок, виждоним ҳам"**,- деган сўзлари кишини ишонтиради. У алам, аччиқ устида эрини, фаришта аёл Гулнозани ҳақорат қилган бўлса-да, уларнинг бегуноҳлигини билади. У Сарварсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмайди; дунёга келиб кўрган энг тотли, энг гўзал, энг бахтиёр дамлари у билан ўтганини англайди. Ҳам бойлиги, ҳам чиройи, ҳам ақли ва ҳам ғайрати бор бу аёлнинг биргина бахти йўқлиги кишида ачиниш уйғотади.

Драмадаги барча етакчи персонажлар, аслида, маънавий гўзал, бахтга, эҳтиромга лойиқ одамлар. Лекин инсон тақдирининг чигал ва тушунарсизлиги сабаб уларнинг ҳаммаси ҳам бахтсиз. Асар қаҳрамонлари очиқлиги ва самимийлиги билан ўқувчи эҳтиромини уйғотади. Драма инсоннинг ўта мураккаб яратиқлигини, уни англаб етиш мушкул эканини акс эттириши билан қимматлидир.

О. Ёқубовнинг тилга олинган асарлари инсонга буюк муҳаббатнинг самараси бўлганлиги учун ҳам уларда одам теран англанган, инсон ғоят чигал ҳаётий вазиятларда ҳам чин маънавий сифатларини сақлаб қола билишга қодир ижтимоий-руҳоний куч эканлиги жуда ишонарли ва таъсирли кўрсатиб берилган.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2004 йил 16 апрел

ҲАМИША НАВҚИРОН ШЕЪРИЯТ

Ўзбекнинг эрка шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида 2004 йилнинг 26 апрелида эллик ёшга тўлган бўларди. Бадиий сўзнинг қудрати шундаки, сўзчи ҳеч қачон қаримайди. Йиллар унинг умрига ўз таъсирини ўтказа олмайди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуф шеърхонлар наздида ҳамиша дилбар ва навқирон йигит бўлиб қолаверади. Ўзбекларгагина хос сезимларни ўта халқона йўсинда самимий ифодалай олган шоир Муҳаммад Юсуф ўзининг қисқа умри мобайнида ибратли ижодий йўлни босиб ўтди. Оловли шеърий нафас, кутилмаган ташбиҳлар, ўткир ва сермаъно тимсоллар, майин оҳанг шоир битикларига хос хусусиятлардир. М. Юсуф ижодини ўрганиш ўзбекнинг кўнглини яхшироқ билиш имконини беради.

Шоирнинг шеърлари турли йўналишда, улар муаллифнинг турфа кайфиятини ифода этган. Лекин Муҳаммаднинг бутун ижоди учун меҳрга ташналик, инсонни аяшга интилиш энг етакчи белги эди десак, адашмаган бўламиз. Жумладан, унинг **"Меҳр қолур"** шеърида ўзи абадий бўлмаган инсоннинг амаллари ҳам ўткинчи эканлигини ифода этади. Одамдаги меҳру муҳаббатгина инсон умрини абадийлаштириши, уни қолганлар хотирасига ўчмайдиган қилиб жойлаши мумкин. Шеърда ана шу юксак туйғуни излаётган, шунга интилаётган инсон сезимлари акс эттирилган. Шоир яхшиликка чорламайди, эзгу маънавий фазилатларни тарғиб этмайди, балки образлар тили билан энг баланд, энг ноёб, энг қиммат бўлган инсоний туйғу бўлмиш меҳр ҳақида кўнглидаги кечинмаларни чизади.

Шеърдаги: ***"Анор, сенинг юзларинг сулув, Хумор, сенинг кўзларинг сулув, Ёдда қолмас сўзларинг сулув, Меҳр қолур, муҳаббат қолур"*** мисраларида ғоят нозик бир ички мунтазамлик сақланган. Шоир биринчи мисрада анорга, яъни сулувнинг юзига, иккинчисида хуморга, яъни кўзига, кейингисида унинг ўзига мурожаат қиларкан сулувни сулув қилган бу нарсалар қанчалар гўзал ва ёқимли бўлмасин ўткинчи эканини фақат унинг қалб ҳосиласи – меҳру муҳаббатгина доимийлигини акс эттиради. Шеърдаги сўзларнинг мусиқийлиги, образларнинг ташқи соддалиги ва ички назокати асарнинг бадиий қуватини оширадиган омиллар бўлиб хизмат қилган.

Шоирнинг **"Тузалмайди дардим менинг ўлсам керак"** мисраси билан бошланадиган шеърининг ҳар бир сатрида қандай ру-

ҳий ҳолат ифодаланаётганига эътибор қаратилса, ***"Тузалмайди дардим менинг ўлсам керак, Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак"*** мисралари замиридаги тагмаъно ҳам, шу ҳолатни келтириб чиқарган тушкун кайфият сабабини ҳам англаш мумкин бўлади. Қаҳрамон – рисоладаги ҳар қандай киши сингари ҳаётнинг маъноси ва ўлим ҳақида ўйлайдиган инсон. Ҳаётга берилган ва олинадиган неъмат деб қарагани боис унга ўлим қўрқинчли эмас. У "тупроқ билан оға-ини бўлиш"дан чўчимайди. Шоир назарида: ***"Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр"***. Бу сатрда ўлимнинг юзига тик қарайдиган лирик қаҳрамон табиати теран акс этган.

Шоирнинг: ***"Юрагимни тамом қилдим, йиғлайвериб, Ҳузуримда ажал турар, қошин кериб"*** таъкиди замирида одамзотга хос камчиликлардан озурдажонлик акс этган. Одамларнинг нокомиллигидан норозилик, уларнинг феълидаги нуқсонлар йўқолишига умид йўқлиги лирик қаҳрамонни аччиқ кўз ёшлар тўкишга мажбур қилади. Адолатсизликлардан шоир юраги адо бўлган. Шу боис ажал унинг олдида қош кериб турибди. Бу ўринда санъаткор тасаввур уфқининг кенглиги ва образли тафаккур имкониятининг катталиги ёрқин намоён бўлган. У ажални урушқоқ ва сатанг бир аёл қиёфасида кўрсатиб, ўқувчиларида ҳиссий мунасабат пайдо қила олган.

Шеърнинг лирик қаҳрамони – ўктам шахс. Шунинг учун ҳам бу нотўлиқ дунёда судралиб, оқибат кўрмай яшагандан кўра: ***"Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим, Қани менга аталган жой. Кетдик, дўстим"***,- дейишга ўзида куч топади. Ҳаётни қадрлайдиган, унда тўлиб-тошиб яшашга интиладиган, тирикликнинг моҳиятини теран англайдиган киши учун ўлим қўрқинчли эмас. Чунки унинг матлаби ўлмай кун кечириш эмас, балки чин одам каби оқибат кўриб, муҳаббат кўрсатиб ва меҳр туйиб яшашдан иборатдир.

Муҳаммад Юсуфнинг **"Юртим, адо бўлмас армонларинг бор"** шеъри миллатнинг ижтимоий дардларини, унинг табиатидаги қудратли ва ожиз жиҳатларни акс эттиришга бағишланган. Шеър тарихга қилинган экскурс билан бошланади. Шоир халққа қарата: ***"Тошларни йиғлатган достонларинг бор"***, ***"Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор"***, ***"Юлдузни йиғлатар достонларинг бор"***, ***"Меҳробидан чиққан чаёнларинг бор"***,- тарзида мурожаат қилар экан, бугунга кечанинг назари билан қараб, кечани бугуннинг ўлчови билан баҳолаб ва ундан хулоса чиқариб олиш-

га уринади. Шоир шу юртнинг бир ўғли сифатида уни ғуборсиз, бахтсизлигу армонларсиз кўргиси келади. Шеърда тарихга сергаклик билан қараш, ундан сабоқ чиқаришга ундаш ҳисси балқиб туради.

Муҳаммад Юсуфнинг **"Осмон чўкиб қолди бу оқшом"** деб бошланадиган шеъри ҳам унинг ижодида муҳим ўрин тутади. Шеър шоир ижодий қиёфасини ифода этиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Унда "бир маҳалла нигоҳ", яъни кўпчиликнинг чин инсондай ёниб яшаш, порлоқ, ёрқин туйғуларга бой ҳаёт кечиришдан моддий жиҳатдан тўкис, аммо ҳиссиётсиз, амаллаб кун кўришни афзал ҳисоблаши муаллифни безовта қилгани, руҳий мувозанатдан чиқаргани акс этган. Шоир – ишқ бандаси. Унинг учун севиб, ёниб ҳаёт кечириш яшашнинг ўзидан муҳимроқ. Садоқатга ишонмаган кимсалар, "бегона"га айланган маъшуқалар, яшашни севгидан баланд санаган каслар "осмоннинг чўкиб қолиши"га олиб келади. Шеърдаги "осмон" образи кўнгил тимсолидир. Унинг чўкиши, ишончнинг, имон-эътиқоднинг нурашидир. Шоир ана шундан безовта. Қалбларда муҳаббат бўлмаса, яшаш севишдан ортиқ бўлиб қолади. Оловли юрак эгалари учун эса севиш яшашдан тансиқроқдир. Бундайларнинг ишқдан оловланган қалблари "чирсиллаб ёниб" кетишга қодир. Шу боисдан лирик қаҳрамон: "***Севиш керак... яшаш шарт эмас!***"- дейишга ўзида маънавий ҳуқуқ туяди. Шеърда содда ифодалар ортига мураккаб ишоралар яширингани киши эътиборини тортади. Бу муаллиф мақсади ва тасвир маҳоратининг имкон қадар тўла англанишига хизмат қилади.

Шоирнинг **"Сурат"** шеърида фавқулодда ўхшатишлар, қуюқ муболағалар – жуда сероб. Унда асл одамга хос ўта баланд сезимлар куйланган. Қаҳрамон ўзи тўғрисида: ***"Мен бир галатиман, мен алоҳида***",- дейди. Аслида, ҳар қандай одам ҳам "ғалати" ва "алоҳида". Фақат кўпчилик ўз алоҳидалигини пардалашга интилади. Одам деб аталмиш мавжудотни яхши ёки ёмон, раҳмдил ёхуд шафқатсиз тарзида қатъий тавсифлаб бўлмайди. Одамзотнинг мураккаб ва тушунарсизлиги шоирни: ***"Кўзимнинг ёшини келади ичгим, Тилимни чайнагим келар гоҳида***",- тарзидаги иқрорга мажбур этади. Чунки қаҳрамон ўзгаларни тушуниб, уларнинг ғамига қўшилиб йиғлагандаги кўз ёшини ичгиси келса, бошқаларга озор берган тилини чайнаб ташлагиси келади. Жабрловчи ҳам жабрланувчи ҳам бир киши эканлиги жуда таъ-

сирли ва чин. Ўзини кузатадиган, хатти-ҳаракатларига одил баҳо бера оладиган одам – ҳақиқий инсон. Шеърнинг қаҳрамони шундай шахс.

Шоир шеърда: ***"Хаёл тушовидан чиқолмай қолган, Умримни топшириб қўйдим кўнглимга"***,- дейди. Ҳаётнинг аёвсизлигидан безиб, кир реаллик билан ҳисоблашишни хоҳламай, юксак хаёллар оғушида яшашга интилган пок дилли одам қайсарлик билан қарорга келади: "***Умримни топшириб қўйдим кўнглимга***". Кўнгил истаги билан умр кечириш эса осон бўлмайди. Лекин шоир шундай яшашга аҳд қилган. У кўнгилда Аллоҳ борлигини, кўнгил билан яшагандагина Яратган билан сирлашиш мумкинлигини билади.

Шоир бошқаларга ўхшамайди, улардай бўлишни истамайди ва бунга уринмайди ҳам. Шу сабабли унинг томирларида олов оқади. Юксак туйғулар, баланд сезимлар эгасигина: ***"Бармоғин ўпгандим суйган қизимнинг, Қўли ёниб кетди гуриллаб, мана"*** тарзида мўъжиза кўрсатишга қодир. Фақат ёмонлик эмас, эзгулик ҳам юқумли. Шу сабаб шоирнинг: ***"Чарсиллаб юраги ёнди беармон"*** тарзидаги таъкиди шеърхонда шубҳа уйғотмайди.

Бу шеърга рўзғорий реаллик ўлчовлари билан ёндашиб бўлмайди. Унинг ўқувчиси ҳам "бир ғалати" бўлмоғи лозим. Ёнмоқ – йитмоқ эмас. У тозармоқдир. Шу боис ёрнинг ***"Ярми ёниб бўлган кўйлаги бир енг Ишқнинг байроғига айланди алвон"*** сатрларида муҳаббат оловининг ҳаётбахш тафти акс эттирилган дейиш мумкин. Лирик қаҳрамон учун ёниш орзу. Шунинг учун ҳам: ***"Олов – тан, олов – жон, олов – ҳис-ҳавас"*** тасвирида афсус эмас, қониқиш туйғуси устувор. Қалб оловининг ўчиши уни: ***"Айиқ босган гулдай эзилди кўнглим, Ёввойи ўрдакка бердим севгимни!.."*** тарзидаги андуҳли ҳолатга солади. "***Қолдим кулкўрпамда тўшагим тупроқ, Юмалаб ётаман илонлар билан. Уларга ишондим бир ёрдан кўпроқ, Илон чақар, аммо гапирмас ёлғон***!" мисралари тасвирнинг залвори, эстетик юкнинг оғирлиги, инсон руҳий фожиасининг кўрсатилиши жиҳатидан тенгсиз қудратга эгадир. Ёлғон гап, ёлғон ҳис қаҳрамон учун илон заҳридан ҳам ёмон эканлиги нечоғлик ҳаққоний ва шафқатсизлик билан тасвирланганига эътибор қилиш керак. Оташин туйғулар олови ичидан ўтган қаҳрамон жуда мураккаб шахс. Чин одамни жўнлаштириб бўлмайди. Жўнлик қиёфасизликдир. Шу боис қаҳрамоннинг: ***"Кийиклар қонини келади ичгим, Чаённи чай-***

нагим келар гоҳида",- тарзидаги иқрори ўқувчида ишонч уйғотади. Ўшанда одамнинг нечоғлик мураккаб ва чигал қисмат эгаси экани ойдинлашади.

Муҳаммад Юсуфнинг **"Биз бахтли бўламиз"** деб номланган шеърида пок севгининг қудратли кучи, унинг инсон руҳиятида қиладиган ўзгаришлари ғоят оҳорли, ҳеч кимникига ўхшамайдиган тарзда тасвирланган. Шеърнинг дастлабки мисраларіёқ ўқувчини ўйлантиради. Ҳеч қандай сабабсиз баҳс-мунозарага чорлаётгандай туюлади. Айни вақтда, севмоқнинг ўзи бахт экани, акс ҳолда, бу туйғу инсонга лойиқ кўрилмаслиги жуда ўзига хос йўсинда ифодаланади. Чиндан ҳам ***"Худо хоҳламаса учрашармидик!"*** Шу мисраларга таяниб, ўқувчи ошиқ ва маъшуқа муносабатларининг ҳақиқий ҳолатини тасаввур қилишга уриниб кўради. Шеърнинг: ***"Райҳон ҳидларини йўлларимга сеп"*** сатрида ифодаланаётган фикрни аниқлашга уриниш лозим. Ҳар бир ўзбекнинг ҳовлисида ўсадиган райҳондан бирор рамз топишга ҳаракат қиладиган, унинг ёқимли ҳиди билан ошиқ ҳолати ўртасида боғлиқлик борлигини илғашга уринадиган киши шеърдаги яширин маъноларни туяди. Жиддий эътибор қилинса, ошиқ ўз кўчасидан тез-тез ўтиб туришни маъшуқадан сўраётганини англаш мумкин бўлади.

Шеърдаги ***"Кут мени ҳар оқшом кўкка ой чиққан"*** сатри грамматик нуқтаи назардан тўғри ифодаланмаган. У тўғри грамматик ҳолатга келтирилса, яъни **"Кўкка ой чиққан ҳар оқшомда мени кут"** тарзида ифодаланса, шоир айтмоқчи бўлган фикр ҳам шеър оҳанги ҳам ўзгариб кетади. Одатда, ошиқлар ойдин тунлари учрашишади. Ой учрашув рамзи ҳам. Шу боис ошиқ маъшуқасидан кўкка ой чиққан ҳар кеч ўзини кутишни ўтинади. Негаки, сабр билан кутиш висолга олиб боради.

Шеърда маъшуқага қарата: ***"Айбинг – сени онанг чиройли туққан"***,- тарзидаги "айблов" бор. Ҳали шеърият тажрибасида фазилатни айбга айлантириш тажрибаси кўрилмаганди. М. Юсуф шуни қила олди, "айблов"ни гўзал бадиий шаклга сола билди. ***"Нур томсин лабларинг соҳилларидан"*** мисрасидаги тасвир йўсини бошқа ошиқона шеърларнинг бирортасида ҳам учрамайди. Булар Муҳаммад Юсуф қилган поэтик кашфиётлардир. Учинчи бандининг сўнгги мисраси ***"Киприклари узун кокилларидан"*** тарзида ифодаланган. Бу ўриндаги фавқулоддда қуюқ муболағанинг ҳаётий асоси бор: соҳибжамол маъшуқанинг жуда узун киприклари ва ўта

калта сочи қиёси ҳам гўзал бадиий вазифани бажаришга, ҳам ошиқ туйғуларини ифодалашга хизмат қилган. Бу ўринда Муҳаммад Юсуфга хос нозик лутф, инжа қочирим ҳам бор.

Шеърда қаҳрамон ҳолати ва сифатлари: ***"Тундан сўз қарз олиб, тонгга тутгувчи", "Сенинг ёнингда ҳам сени ахтариб, Сенинг ёнингда ҳам сени кутгувчи"*** тарзидаги иқрорда акс этган. Шоир ўз фикрини сенинг ишқингда туни билан сўз излаб шеър ёзаман сингари жайдари шаклда ифодаламайди. Ошиқ қалб висолнинг ўзи билан ҳеч қачон қаноатланолмаслигини ҳам рўзғорий йўсинда айтмайди. Балки бу юксак туйғуларни уларга мос бир назокат билан акс эттириб, руҳий ҳолатни билдириши, ҳиссиётга таъсир кўрсатиши жиҳатидан тенгсиз шеър вужудга келишини таъминлайди. Шеърдаги ***"Барча фаришталар сенинг қалбингда, Ижарада турган қизлар мен учун!.."*** мисраларида ошиқнинг маъшуқага чексиз эҳтироми, ишончи авж пардаларда кўрсатилган. У севгилисини фаришталардан-да ортиқ санаши пардали бир тарзда ифодаланган.

Муҳаммад Юсуф шеърияти киши сезимларини нозиклаштиради, унда мураккаб туйғуларни туйиш кўникмасини шакллантиради.

"Тил ва адабиёт таълими" журнали 2004 йил 3-сон

ЧИН ШЕЪР ТАРОВАТИ*

Ойбек шеърияти чоғдош ижодкорлардан ўзгача таровати билан ажралиб туради. Бунинг сабаби унинг асл шеърларида туйғу самимияти яққол намоён бўлишида. У энг дастлабки шеърларидаёқ замон кишисининг туйғуларини олдиндан мавжуд бўлган поэтик қолипларга солмай, кўнгли туйганидай ифодалашга уринди. Шунинг учун ҳам Ойбекнинг шеърлари бир нафас билан ўқилмайди. Шоирнинг руҳини туймаган киши унинг шеърларини ўқиёлмайди ёки ўқиса ҳам завқлана билмайди. Шеърнинг мусиқий оҳангдорлигига, қўшиқдай куйланишига кўникиб қолган ўзбек шеърхони Ойбек шеърларини анчагина қийинчилик билан идрок этади. Ойбекнинг кўклам булутидай енгил сўзлардан ташкил топган шеърлари замиридаги тошдай зил эстетик залвор кишини ҳайратга солади.

Синчков ўқувчига Ойбек шеър ёзмайдигандай, балки ўз кўнглини баён қилиб, кайфиятини манзаралаштирадигандай туюлади. Шунинг учун ҳам унинг асл шеърлари ижтимоий даъволардан йироқдир. Таъсирчан қалбли санъаткор бўлгани учун ҳам Ойбек олам ва одамнинг турли ҳолатларидан туғилган ҳайратларини шеърга солади. Ғоят ўзига хос шахс экани сабаб унинг поэтик чизгилари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайди. Ойбек назмининг равон ва мусиқий, сайқалланган ва силлиқ бўлишига интилмайди. У инсон туйғуларини бор ёввойилиги, саркашлиги билан ифодалашга уринади. Бу ҳол унинг шеърларига ўзгача бир тароват беради:

Кун ботди...
Огочликда қизил шол
Еллар билан бир ўйнади, сўнди.
Борлиқни қоплаб олди
Сўнгра кўлкали хаёл.

Туйғу самимий ва ифода табиий бўлгани боис оддийгина табиат манзарасида инсоннинг чигал руҳий ҳолати теран акс

*Мақола ёш адабиётшунувчи Муҳайё Исмоилова билан шерикликда ёзилган.

этади. Ботаётган куннинг қип-қизил шафағини оғочлик (дарахтзор) бошига ёпилган рўмол ёпинчиқ – шолга ўхшатиш тасвирга бироз эркалик билан бирга, ўзига хос инсонийлик бахш этади. Оғоч япроқларининг елда енгилгина титраши қизил шолнинг ҳилпирашига сабаб бўлади. Бу ҳолат узоқ давом этмайди. Чунки ғуруб қисқа кечади. Маълумки, кун ботаётганда соя узаяди. Шоир учқур хаёлотига кўра, бутун борлиқни эгаллаб олган қоронғилик зулмат эмас, балки оғочларнинг узая-узая тунга айланган сояси. Қоронғиликда дарахтлар хаёлий тус касб этади. Бу дунёнинг нарсаларига ўхшамай қолади. Мана шу жиҳати туфайли ҳам тун одамнинг фантазиясига зўр озуқа беради. Кўпчилик ижодкорларнинг асосан шу вақтда ишлашида ҳам ички бир ҳикмат бор. Ойбек табиатан ёлғизликка интиладиган, одамовироқ киши ўтган бўлиши керак. Чунки шундай одамгина табиат билан астойдил тиллаша олади. Шундай одамгина атрофидаги минглаб кишилар орасида кўнглини дахлсиз сақлай билади. Уни фақат ўзи сингари чинсўз, ҳимоясиз, ёлғиз табиатга очади. Шунинг учун ҳам табиатнинг ҳар бир кўриниши уни мувозанатдан чиқаради, ҳаяжонлантиради, кутилмаган ташбеҳлар келтириб чиқаради:

Қаршимдан сув оқарди
Маъюс етим қиз каби.

Сокин оқаётган тиниқ сувнинг одам кўзига тик қарай олмайдиган, ўксиз, сиғинди қизга ўхшатилиши шеърият тажрибасида бўлмаган. Одатда, қизнинг сулувлиги, юзининг тиниқлиги сувга ўхшатиларди. Лекин сувнинг қизга ўхшатилиши айни ўринда энг муносиб, энг чин ва ҳаракатланиб турган жонли поэтик манзарани юзага келтирган.

Ойбек асл шеърларида ҳамиша ўзини, ўз кўнглини излайди. У бундай ўринларда муаммони қофияга солмайди, шеърнинг техник жиҳатларига ҳам ортиқча эътибор қаратмайди. Чунки шоир шеърнинг мусиқасини қофиядан эмас, балки туйғунинг товланишларидан чиқаради:

Ҳамдардимди кичик соз
Кездим мен ёппа-ёлғиз:
Атрофда йўқди овоз,
Борлиқ ухларди гамсиз

Шеърдаги "**ҳамдардимди**", "**йўқди**" сўзларида "**эди**" тўлиқсиз феълининг "**ди**" шаклида ўзидан олдинги сўзга қўшилиб келиши асарга синиқ, тушкун кайфият бериш билан бирга яқин кишисига кўнгил дардларини айтаётган одам ҳолатини ҳам ифода этган. Худди ўзидан катта одамга тилини чучуклантириб шикоят қилаётган бола каби.

Шоир паноҳ тортган, таскин топмоқчи бўлган таянч ҳам ночор – "кичик соз". Яъни, ушоққина, бировнинг дардини эшитишдан кўра, ўзининг дардини айтиб нола қилишни хуш кўрадиган чолғу – най. Аммо шу кўримсизгина создан чиқаётган ҳасратли ва мунгли нола одамни умидсиз ёлғизликдан қутқариб, нурли ёлғизликка дучор қилади. Най ёрдамида одам тирикчилик муаммоларини унутиши мумкин. Жонли сўзлашув тилига хос "ёппа-ёлғиз" сўзи шоирнинг ҳам жисман, ҳам руҳан кимсасиз эканини акс эттиради. Шоирнинг ғалаёнга келган кўнгли, эзгин руҳи билан ҳеч кимнинг иши йўқлигини ифодаловчи "Борлиқ ухларди ғамсиз" сатри ёлғизлик даражасини янада кучайтиради. Ойбек ўз дардкашини жамиятдан эмас, жонсиз предметлар орасидан, табиатдан излади. Қаршисидан оқаётган сувнинг маъюс етим қизга ўхшаши сабаби ҳам асли шоир кўнглида, руҳий ҳолатидадир.

Одам оламни ўз кайфиятига боғлиқ тарзда идрок этади. "Ёмон ҳаво бўлмайди, ёмон кайфият бўлади",- деганларидай сув ҳам, оғочлик ҳам, соз ҳам ўз ҳолича ачинишга лойиқ эмас, уларнинг аянч моҳият касб этишига сабаб шоир кайфиятидаги эзгинликдир. Ойбек кайфиятнинг манзараси ҳар қандай ижтимоий муаммодан кўра муҳимроқ, салмоқлироқ, абадийроқ эканини жуда эрта англаб етди. Бунда унинг Кунботиш адабиётидан яхши хабардорлиги ва символистлар таъсирида бўлганлиги муҳим ўрин тутади. Ойбек чин шеър ўз ҳолича ҳеч қандай изоҳ, оқлов, тушунтиришга муҳтож эмаслигини, у бор ва яхши бўлгани учунгина яшашга ҳамда идрок этилишига ҳақли эканлигини теран англаб етган шоир эди. Шеърнинг мақсади ҳам, вазифаси ҳам ўзидан иборатлиги унга аён ҳақиқат эди. Шунинг учун ҳам Ойбек Чўлпон ижодининг бадиий қимматини ҳаммадан кўра теранроқ англади ва уни ҳимоя қилишга ўзида куч топа билди.

Чин кўркам адабиётнинг туйғулар, сезимлар, кайфиятлар ўйини эканини эрта англаб етган Ойбек бақиришдан кўра шивирлаш,

кўрсатишдан кўра им қоқиш, айтишдан кўра ишора қилиш бадиият учун муҳим эканини яхши биларди. Бақирмаган одам ўйлаш имконига эга бўлади. Шунинг учун шоир ижодида умрнинг ўткинчи, ҳаётнинг омонат, инсоннинг ожиз экани акс этган тушкун шеърлар анча кўп учрайди. Ҳолбуки, "қасд этган қалъасини олмай қўймайдиган" коммунистлар замонида одам тушкун кайфиятда бўлиши, йиғлаши, умидсизланиши мумкин эмасди. Кўнглидан айрилган одамда руҳиятга дахлдор ҳеч нарса бўлмайди. Бинобарин, ундай кимса умидсизликка тушмайди. Ўзи, ҳаёти ҳақида ўйлайдиган чинакам одам учун тушкунлик мутлақо бегона эмас. Шу жиҳатдан Ойбекнинг қуёшга мурожаат тарзида битилган "Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен" деб бошланадиган шеъри характерлидир. Шеърда дунёга тамомила ўзга назар билан қарайдиган ҳамда ўзи кўрганларига ўзича маънолар юклай оладиган шоир иқтидори намоён бўлган:

Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен,
Табассуминг, қуёш, сўнар оҳиста.
Дала ва қирлардан тиниқлик учар.
Сувлар ойнасига шом қора суркар,
Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен.

Шеърда ихтиёри ғурубда бўлган қуёш ҳолати жуда жонли ва таъсирли манзаралаштирилган. Ғуруб – оқшом қўниш пайти. Демак, қуёш тунга таслим бўлаётир. Лекин унинг қўллари зулматга чўммаган, балки "олтин". Тасвирдаги нозик ҳақиқат шундаки, "олтин"лик ғурубнинг эмас, балки оҳиста сўниб бораётган қуёшнинг хоссаси. Дастлабки икки мисрада тасвир мавҳумроқдай. Учинчи сатрда эса у тамомила конкретлик касб этади – "**Дала ва қирлардан тиниқлик учар**". Зотан, кеч қорайиши билан атроф хиралашади. Буни шоир тўртинчи қаторда янада кучайтириброқ ифода этади: "**Сувлар ойнасига шом қора суркар**". Ойна – ёрқинлик ва ялтироқлик белгиси. "Сувлар ойнаси" эса, улкан ёруғлик ва ялтироқликдир. Аммо шом унга ҳам қора суркайди. Худди тутилган қуёшга қараш учун қорайтириб тайёрланадиган ойна каби. Шоир табиат айнан шундай, реал ҳолат мен тасвирлагандай, ҳаётий вазият шеърдагидай деб даъво қилмайди. Балки, банд охирида тасвирнинг аниқлигига шубҳаси бордай: "**Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен**",- деб

қўяди. Хаёлнинг чўли бепоён. Унда адашиб кетиш, саробга йўлиқиш ҳеч гапмас. Шоир ҳеч кимга ҳеч нарсани исботламоқчи эмас. Кўнгил дардини тўкмакда холос.

Шеърнинг иккинчи бандида шоирнинг дарди янада шахсийлашади ва мавҳумлашади. Ҳолбуки, шахсийлашган дард конкретлашиши керак эди. Лекин шахсий дарднинг илдизи очилмай, ноаниқлигича қолаверади: "**...Синади ичимда умиднинг тоси, Қалбимни йиртади унинг садоси**". Ҳушёр ўқувчи умиднинг тосини нимадан синдийкин деб ўйлай бошлайди. Шоир оламда, одамнинг ўзида рўй бераётган ва изоҳлаб бўлмайдиган нозик ҳодисаю ҳолатларни шу тариқа чизади. Шу ҳолатни туйдириш, у ҳақда ўйлатишнинг ўзи поэзиядир. Шеърнинг: "**Юрамен, оқшомга сингади изим**" тарзидаги сўнгги қатори ташийдиган мазмун ўз-ўзидан жиддий салмоқ касб этади. Уни ҳар бир ўқувчи ўз эстетик йўналганлиги даражасидан келиб чиқиб, умидидан айрилган одам ҳолати, эзгуликни қўлдан берган шахс кайфияти ва бқ. тарзида изоҳлаши мумкин. Чинакам шеърда берилган ҳадлар бир хил бўлгани ҳолда ечим кўп бўлади.

Ойбек ижодида юқорида тўхталинганлар каби ва "**Тош экан бошим, ҳеч ёрилмади – ёғилди минг тош**" сингари турлича талқин этиладиган, демакки, ўқувчиларини ўқишгагина эмас, балки ижод қилишга, яъни асар замиридаги ҳақиқатлар мағзини чақишга ундайдиган шеърлар анчагинадир. Шоирнинг сиртдан қараганда жўнгина кўринадиган:

Йўлни қир, далага сол,
Гул, лолани тақиб ол,
Баҳор чоги ўйнаб қол,
Дилга бўшлиқ тўлмасин

сатрларидаги халқ қўшиқларига ўхшовчи ўйноқи оҳанг, равон ифода, буйруқ шаклидаги "сол, ол, қол" тарзида қофияланган шеърларида ҳам кўнгил ҳолати акс этган. Дилдаги бўшлиқни қувонч эгаллаши керак, чунки дунёдаги ҳеч бир нарсанинг ўрни бўш қолмайди, ўрнига, албатта, бошқа нарса олади. Шу боис ҳасрат келмасидан бурун дилни шукроналик, қувонч билан тўлдириш керак. "**Ҳаёт шеърин сезайлик**",- дейди шоир ва шеърдан ҳаёт қидириш эмас, балки ҳаётдан шеър излаш, унинг жозибаси, та-

роватини туйиш, шундан завқланиб яшаш каби сезимларни ифода этади. Шоир нафақат ҳаётдан ва одамлардан, балки ўз кўнглидан ҳам шеър истаб ва топиб яшади. Шундан Ойбек шеърларининг ўз умри, ўз таржимаи ҳоли бор. Ана шу умрдан "шеър сез"моқ гўзалликни севгучи қалблар юмушидир.

"Миллатни уйготган адиб" тўплами.
"Университет" нашриёти 2005 йил

ОЧИЛМАГАН ЧЕЧАК ЧИРОЙИ

Шеър учун тугаллик тушунчаси ўта нисбийдир. Чунки асл шеър – ҳамиша сувратланган руҳият. Руҳиятнинг эса, маконда ҳам замонда ҳам тугалланиши мумкин эмас. Бинобарин, унинг шеърий ифодасидан тугаллик кутиш ҳам ўринсиздир. Шу сабаб тугалланмаган шеър тушунчасини "сайқал бериш учун қайта қўл урилмаган", "шоир назарида сўнгги ҳолатга келтирилмаган" тарзида англаган маъқул. Абдулла Қаҳҳор бир муносабат билан: "Ғунча гулдан ...гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт: ўз ҳаёти ва гул ҳаёти бор",- деган эди. Чиндан-да, ғунча ғунчалигининг ўзи билан ҳам чиройли, айни вақтда унда ҳали очилиш, чечак бўлиб яна чирой кўрсатиш имконияти ҳам бор. Ойбекнинг йигирма жилдли асарлар тўпламидан жой олган ўттиз саккиз тугалланмаган шеърида ҳам ғунчанинг имкониятлари яшаринганга ўхшайди.

Шоирнинг тугалланмаган шеърлари орасида чинакам поэтик кашфиёт даражасига кўтарилган тасвирлар анчагина. Улар табиийлиги, чинлиги, зеб берилмаганлиги, Ойбекнинг ўша пайтдаги лаҳзалик кайфиятини ҳамишаликка муҳрлай олганлиги билан ўз ҳолича мустақил шеър мақомидадирлар. Чунки сўзга кўчган кайфият манзараси ва руҳий ҳолат суврати ҳамиша бадиийдир.

Ойбек "Баландликда" деб аталмиш тугалланмаган бир шеърида атрофни тасвирлашга тутингандай туюлса-да, борлиқ кўринишини чизмайди, балки ўзининг руҳий ҳолатини манзаралаштириб, тўлиб кетган юрагини бўшатгандай бўлади. Шунинг учун ҳам: "***Бир-бирига ёнбошлаган Букчайган уй, айвонлар***" тарзидаги жўнгина ахборот ҳам шоир руҳиятини ифода этадиган поэтик йўсинда берилган. Бу сўзларда тасвиргина эмас, муносабат ҳам борлиги уни шеъриятга дахлдор қилади. Шеърнинг кейинги бандида шоирдаги ҳазин кайфият манзараси ва унинг сабаблари ҳам кўрингандай бўлади:

Анув ёқда ёш болалар
Том тепишиб ўйнашади.
Анув уйда дутор чалар
Тутқун келин... Бу — фарёди.

Болаликнинг кўзлари – катта ва ҳайратга тўла. Бу кўзлар ўз турмушидаги ночорлик ва етишмовчиликларни кўрмаслиги мум-

кин, аммо гулнинг ҳарир косасидаги шабнамни, капалак қанотидаги жароҳатни, сокин оқаётган сувдаги мавжларни кўради. Чунки бола учун бутун олам жавоби топилиши керак бўлган жумбоқ. Ҳаётнинг адоқсиз ташвишларини ўйламай том тепаётган болалар ёш шоирни ҳам болаликка қайтаргани шеърдаги: "Анув",- тарзидаги ифодадан сезилади. Бу – руҳга энаётган ҳаётий манзара эди. Банднинг иккинчи қисмида чалинаётган дутор келиннинг фарёди экани айтилиши эрксиз келинчак кўнглидаги ғам-алам, изтироб қанчалар теран, кучли эканлигини билдиради. Бир вақтнинг ўзида келиннинг иложсизлиги ҳам ифода этилади. Кўнглидаги туйғуларни ҳеч кимсага айта олмайдиган келиннинг ягона ҳамроҳи, ҳамсуҳбати – дутор. Тугалланмаган шеърдан дуторнинг ноласи эмас, чорасиз келиннинг фарёди эшитилгандай бўлади. Бу энди кайфиятнинг манзарага айлантирилишидир. Шу тариқа, шеърда сўзларнинг эмас, кайфияту, руҳий ҳолатларнинг тазоди берилган (том тепаётган ғамсиз болалар ва шу уй ичида унсиз фарёд чекаётган ғамбода келин).

Ойбекнинг "Ярали қуш" деб номланган бошқа бир шеърида ҳам ўксизлик, фоже ҳолат туфайли инсонда пайдо бўлган кайфият чизгилари жуда дардчил йўсинда акс эттирилган:

Қалбидан узилган каби гўзал қуш,
Кўклардан юмалаб тошга урилди.
Қон томар оғзидан, қанотларидан,
Ярали кўнгли-ла ҳар ён сурилди.

Қушнинг кўкдан омонсиз юмалаши қалбдан узилган оҳга ўхшатилади. Чиндан-да, қалб ҳам кўк каби поёнсиз, унингдай юксак. Лекин аксар ҳолда зулму ёвузлик олдида чорасиз. Кўкдан юмалаган қуш учун қалб, руҳ, латиф борлиқ бош аъмолдир. Аммо у шундан ҳам жудо бўлди. Айни вақтда, тасаввуф шеъриятида қуш жон тимсоли экани ҳам бор гап. Одамни руҳсизлиги боис жон қуши тарк этгач, у тириклигидаёқ инсон сифатида тугайди. Шунингдек, манфаат, таъма занги босган қалбга ҳам бу қуш яқин бормайди, ин қурмайди. Чунки бундай қалбда қалбакилик кучайган бўлади. Қушни бундай масканга киритиш йўлидаги барча уринишлар бесамар кетаверади. Ўзини аямагани сари қуш қаттиқроқ яраланади: "**Қон томар оғзидан, қанотларидан**". Лекин руҳ ҳалокатга осонликча бўй бермайди. Шу

боис шеърда: **"Ярали кўнгли-ла ҳар ён сурилди", "У синиқ қанотла яна талпинар"**- дейилади.

Ойбек ушбу шеърида ҳаётий реалликни аниқ акс эттиришга ортиқча эътибор қилмайди. Чунки шоир учун ҳаётий реаллик эмас, балки поэтик ҳаққонийлик муҳимроқ. Шу боис ўқувчига қуш ҳалокатининг асл сабаби ҳам, вақти ҳам, айбдори ҳам, натижаси ҳам айтилмайди. Шоирнинг назарида, буларни билдириш шарт ҳам эмас. Ижодкор ва ўқувчи учун қушнинг ҳозирги фожиали ҳолатини туйиш, бундан таъсирланиб, руҳий мувозанатдан чиқиш муҳимроқдир. Шунинг учун ҳам қуйидаги мисралар таъсирчан шеърхон руҳиятини қамраб олади, уни гизли ўйлар бағрига ташлайди:

Олов каби ёнар саҳро кимсасиз,
Узоқда булут-ла ўпишган тоғлар.
Қуш кузни сақларди аламдан...
Инграрди кўксини қайси сир, доғлар.

Бу сатрлардаги олов каби ёнаётган саҳро шунчаки саҳро, булут билан ўпишган тоғлар шунчаки тоғлармикин? XX аср бошларида жаҳон шеъриятида рўй берган ўзгаришлардан яхшигина хабардор бўлган, В. Брюсов, А. Белий, А. Блок сингари символистлар мактабидан сабоқ олган Ойбек уларга ўзгача рамз юкламаётганмикин? Эҳтимол, 1927 йилда ёш шоир айни символистлар ижоди билан танишаётган ва улар таъсирига берилган вақтда битилган бу шеърда ёвузлик ёнаётган саҳродек чексиз, зулм виқорли тоғлардай қудратли, уларга қарши қўйилаётган эзгулик ярали қуш каби ожиз эканини ифодалаётгандир.

Шеърдаги "***Қуш кузни сақларди аламдан...***" сатрлари янада мубҳам. Асл шеърият ҳамиша мавҳумлик оғушида бўлади. Аниқлик бор жойда шеърият йўқ. Чинакам поэзия аниқликнинг йўқолиш чегарасида дунёга келади. Чунки сўз билан ҳаётий аниқликни бериш санъаткорнинг эмас, журналистнинг матлаби. Бадиий сўз ҳамиша кўпмаънолидир. Шунинг учун ҳам бу шеърий сатрни истаган йўсинда талқин этиш мумкин. Эҳтимол, шоирнинг ўзи ҳам шу сатрнинг хилма-хил тушунилишини истагандир. Йўқ-йўқ! Ойбек бу шеърни тушунишлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган бўлса керак. У ўз кўнгил ҳолатини чизган, холос. Ҳар ҳолда бу

сатр кишини ўйга толдиради: кимсасиз саҳрони олов каби ёндираётган куч аёвсиз ёзнинг ҳароратимикин? Шеърдаги: "***Қушни ўраб олган қизғин, кенг саҳро***" сатри ҳам бежизга келтирилмаган бўлса керак. Шунингдек, булутлар билан ўпишган тоғлар қаҳрли қишдан далолат бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, беозор ва мўътадил кузнинг ёзу қишга ўхшаш қудрати, энг муҳими, қандайдир бузғунчилик имконига эга бўлиш истаги йўқдир. Кўриниб турибдики, куз ҳам шеърда шунчаки бир фасл эмас, балки қандайдир рамзий маъно ташийдиган тимсол. У ожиз ҳамда ҳимояга муҳтож бир яратиқ рамзи. Шу боис қуш кузни аламнинг панжасидан сақлаб қолмоқчи. Балки, шоир қуш адалатсизликка аччиғу аламдан кўнглида кузни – совуқликни сақлаб келади демоқчидир?

Шоирнинг "Якка оғоч" номли бошқа бир тугалланмаган шеъридаги:

Ўксиз боқишли, ҳой оғоч!
Юзингдаги сиринги оч

тарзидаги мисралар шеърхон эътиборини тортади. Ойбек бу шеърини куз охирлаётган, хазонрезги мавсумида ёзган, шекилли. Ёлғиз оғоч шоир назарида ўксиз, етим, кўнгли синиқ, кийими юпунлигидан совуқда дилдираб турган болакайга ўхшайди. Айни вақтда, унинг "юзи" сирли. Оғочнинг "қараши" кишига жуда ғалати туюлади. Бу ўринда шоир кўнгил изҳорини назарда тутаётгандир. Ойбек бу шеърда ҳам борлиқ кўринишларини эмас, ўз кўнгли кардиограммасини чизгани учун тугалланмаган шеърнинг иккигина мисраси ўқувчини бир дунё мулоҳазаларга чорлайди.

Тугалланмаган шеърларнинг асосий фазилати шундаки, уларда шоирнинг айни ўша пайтда акс этган кайфиятига дахл қилинмаган бўлади. Шунинг учун ҳам уларда сохталик, пардоз, ўринсиз патетика, замоннинг муаммоларини тиқиштириш йўқ даражада. Буни Ойбекнинг "Қиш кўриниши" деб аталмиш яна бир шеъри мисолида кўриш мумкин. Ҳиссиётли қалбнинг оний таъсирланишидан пайдо бўлган туйғулар ёрқин моддийлашгани учун ҳам бу шеър тугаллангандай таассурот қолдиради. Чунки бу нотугал шеърда шоирнинг ўша дамдаги сезимлари тугал берилган:

Қуёш огди
Кулиб бирдан.
Узоқларда...
Ёгди, ёгди...
Кичик кулбам
Бели қорда...
Оғочларнинг
Косов қўли
Оқ гул тақди.
Кенг тоғларнинг
Гўзал йўли
... оқди.

Бу шеър кишида зиддиятли туйғулар ҳосил қилади. Чунончи, одатий мантиққа кўра, қуёш бирдан оғмайди. У астасекин ботади. Шунингдек, қуёш кулиб турган пайтда қор ёғмайди. Аввал ҳаво тундлашиб, булут қуюқлашади, сўнг қор ёғади. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, шоир шеърнинг бирор ўрнида қор ёққанини тасвирлагани ҳам йўқ. "***Узоқларда... Ёгди, ёгди...***" мисралари орқали, эҳтимол, уфқ ортига оққан қуёшнинг ёғдуси порлаётгани ифодалангандир? Балки, қор аслида эмас, фақат шоир тасаввурида ёққани акс эттирилгандир? Нима бўлганда ҳам шоир ўз кўнглидаги манзарани ўқувчи кўз олдида ҳам гавдалантириб бера олган. Шеърдаги воқеанинг ҳаётга тўғри келиш-келмаслиги эса бошқа масала. Чунки оламда воқеалар эмас, уларнинг талқинигина мавжуд. Битта воқеа ёки ҳолатни ҳамма ўз кайфиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил кўради ва таърифлайди. Ойбек кулба белигача қорга кўмилди демайди, чунки бундай тасвир бироз хавотир, қўрқув уйғотади. Шоир кулба белини қорга теккизиб турибди дейди. Япроқлари тушиб кетган, шохлари косовдай яланғоч оғочга инган қорлар эса қўлга тақилган оқ гулга менгзалади. Ва, энг муҳими, сўнгги мисралардаги йўл тасвири қотиб қолган эмас, у ҳаракатда, чиндан ҳам сув каби "оқиб" турибди.

Тугалланмаган шеърларининг кўпчилигида Ойбек кўрганини кўрганидай эмас, туйганини кўринганидай тасвирлайди. Шу боис баъзан табиатнинг ваҳший стихиясидан ҳам гўзаллик топа олади. Бу ҳол "Чақмоқ" шеърида яққол кўринади:

Зулматлар қўйнида яшнадинг,
Ай олов чизгиси, ай чақмоқ!
Сен олов жилвалар ташладинг
Кулбамга... аяма, тунни ёқ...

Шоир учун ёруғлик берувчи чақмоқ қанчалар даҳшатли бўлмасин, зулматдан афзал. Чақмоқ тунни парчалагани, зулматда зиё беролгани учун қимматли, азиз. Шу боис шоир чақмоқнинг амалидан мамнун. Бу мисраларни табиат манзараси ифодасигина деб бўлмайди. Унда шоирнинг руҳияти, муносабати аксланиб турибди. Ойбек "олов чизгиси"ни ёқлайди, унга хайрихоҳ. Чақмоқнинг оний ёруғликлари жуда шоирона тарзда: "олов жилвалар ташладинг",- дея тасвирлангани ҳам шундан. Чунки шеърдаги тимсолларда рамз бор.

Ойбек ўзигагина хос поэтик назарга эга шоир эди. Шунинг учун ҳам унинг шеъриятида осмон – "қийматли бир тош", қуёш – "холамнинг тоси" тарзида ифодаланаверади. Тугалланмаган шеърларидан биридаги қуйидагича тасвир шоир назарининг оригиналлигини кўрсатиши жиҳатидан характерлидир:

Юмалаб кетди қуёш
Катта тоғ қиррасидан.
Осмон – қийматли бир тош
Товланди шуъласидан.

Сирдарё ойнасида
Сочи қолди бир тутам.

Қуёш ботишининг "***Юмалаб кетди қуёш Катта тоғ қиррасидан***" тарзидаги ифодаси киши шуурида михланиб қолади. Осмоннинг қуёш шуъласидан қимматли тош каби товланиши ифодаси олдинги тасвирнинг натижаси ўлароқ ҳаракатдаги ҳолатдир. Шоирнинг нигоҳи жуда ўткир ва қамровли. Шу боис қуёшнинг юмалаб кетиш асносида Сирдарё юзида қолган бир тутам зар кокилдай жилваланган нури ҳам унинг назаридан четда қолмайди. Тугалланмаган бу шеърдан қоладиган бадиий таассурот тугаллиги билан кишини ҳайратга солади.

Шоир учун воқелик эмас, кайфият муҳим эканлиги, уни ташқи олам эмас, балки туйғулар жунбуши етаклаши Ойбекнинг

“Подачи бола” шеърида ҳам яққол кўринади. Қишлоқ ва унинг доимий атрибутлари не-не шоирларга илҳом бермаган. Лекин ҳали шеърият тажрибасида ўтлаётган поданинг стихияси бу қадар ўзига хос қилиб тасвирланиши учрамайди:

Даланинг кўк сочин қиртишлаб пода,
Шамолсиз булутдек силжиди секин.

Бу шеър оламни ўзига хос тарзда кўриш ифодаси ўлароқ туғилган. Шеърдаги образлар тамомила ўзгачалиги билан киши эътиборини тортади. Майсаларни “даланинг кўк сочи”-га, пода ўтлашини “шамолсиз булут силжиши”га ўхшатилиши ҳеч кутилмаган ва мутлақо тутилмаган. Муҳими, нафақат бутун шеърда, балки келтирилган иккигина қаторда ҳам манзара чизиш билан кифояланилмай, кайфият динамикаси ҳам берилган.

Ойбек борлиқдаги нарсаларни худди одамни туйган каби туйишга, ҳис этишга интилади. Шу боис: “***Кечанинг қалин қора Сочи борлиқни ёпган Кўчалар бўш, чарчаган***” тарзидаги тасвирларни қўллайди. Унинг қалами доимий ҳаракат маскани бўлмиш кўчанигина эмас, балки тинимни англатувчи супани ҳам жонлантиради. Ҳатто унинг қимирламаслиги ҳам жони борлигидан экани: “***Супалар алёрлар айтиб чаросга Ёзги чоғларда, Учиб қолган каби ётади беҳуш***” сингари мисраларда ёддан чиқмайдиган қилиб муҳрланади. Шунинг учун ҳам шоирнинг тугалланмаган шеърларининг бадиий таровати баъзан тугалланган, сайқал топган шеърларинидан ўткирроқ, таъсирлироқ бўлиб чиқади. Шоирнинг икки қаторлик: “***Ёлгизмен, ёлгизмен, шундай ёлгизмен, Юлдузлар узоқдир, еллар бегона***” шеъри ифода маҳорати, тасвир самимияти ва таъсир кучига кўра кўплаб тугал шеърларидан тугалроқдир.

Ойбек ҳамма кўриб турадиган нарсаларни ҳамма атайдиган тилда айтишни шеърият учун жўнлик деб билади. У оламдаги ҳар бир нарсада юксаклик, баландлик кўради ва кўрганини кутилмаган поэтик воқеликка айлантира олади:

Лолалар кўтариб пиёласини
“Қуй” дейди қуёшга... Улар шўх, эрка.

Бу мисраларда тасвирланган ҳамма нарса ҳаётдагидай ва ҳеч бир нарса ҳаётнинг шунчаки нусхаси эмас. Чунки уларда Ойбекнинг тугал шахсияти, "мен"и акс этган. Шу боис улар қотиб қолган турғун манзаралар эмас, руҳий ҳолатнинг жонли чизгиларидир.

Кўринадики, асл шеър сайқалланган сабабли эмас, балки кайфиятнинг оний лаҳзасини, руҳиятнинг фавқулодда ҳолатини таъсирли ва ўзига хос йўсинда муҳрлай олганлиги билан қиммат касб этади. Ойбек ўз замондошлари орасида дунё поэтик тасвир жараёнидан яхши хабардорлиги ва чин шеъриятнинг матлаби инсоний туйғуларнинг жилваларини акс эттириш эканини чуқур англаб етганлиги учун бу хил назмий кашфиётлар қила олди. Унинг шеъриятидаги бу қадар дилбарликнинг бошқа бир жиҳати шоир шахсиятидаги ўзига хосликка бориб тақаладики, усиз кўнгил шеърияти юзага келмаган бўларди. Хуллас, Ойбекнинг тугалланмай қолган шеърлари очилмаган ғунчалар сингари табиий ва ўчмас чиройга эгадирлар.

"Миллатни уйғотган адиб" тўплами.
"Университет" нашриёти, 2005 йил

ЯНГИЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ

(2005 йилнинг 29 июлида шоир Азим Суюннинг "Эй дўст" шеърий китоби тақдимотида айтилган сўз)

Маълумки, Азим Суюн – поэтик фикри халқона, ифода йўрилиғида ҳам халқчиллик бўртиб турадиган шоир. Унинг кўпчилик шеърлари халқ айтимлари каби соддаваш, улар сингари теран, улардай юқумли. Азим Суюн битганларига халқ оғзаки поэзияси кучли таъсир кўрсатган, айни вақтда ўз ижодий қиёфасини сақлаб қола билган шоирдир. Бизнинг назаримизда, у халқ руҳини фолклор йўсинида акс эттириши жиҳатидан сўнгги поэтик могикандир. Чинакам фолклор асарлари яратилиши тўхтаган ва халқ оғзаки ижодининг таъсири тобора камайиб бораётган урбанизация замонида Азим Суюн типидаги ижодкор миллий шеърият учун топилдиқ саналади. Биз шоирнинг: "Кўнглимда қиқирлар севги" тарзидаги кашфиётларига ёки куз манзарасига ишқий маъно берувчи:

Қип-қирмизи зардолилар
Севги оловида ёнар.
Бог четида ошиқ анор
Ишқ зўридан тарс ёрилар

сингари жонли пейзаж тасвирларига ўрганган эдик.

Шоирнинг "Эй дўст" деб номланган янги китобига кирган битикларда оёғи кечаги кундан узилмаган, шунинг учун ҳам бугун қадам босиши дадил, шу икки сабабга кўра эртанги кундан катта умидлари бор киши руҳияти яққол кўриниб туради. Аслида шоир янги китобига кирган шеърларида ҳам ўзининг доимий тасвир йўсинига содиқ қолган. Яъни у халқона қуйма фикр ва самимий туйғуларни халқ тилидаги сўзлар орқали, халқчил тимсоллар воситасида акс эттиради:

Эй дўст!
Кўриб турганим бу – илон қўрқаман,
Кўриб турибман-ку омон, қўрқаман.
Ёмон билганимда қўрқмас эдим ҳеч,
Яхши билганимдан ёмон қўрқаман.

Кўринадики, шоир кузатганлари айни оммабоп тарзда, аммо чиройли тимсолларга таяниб ифода этилган.

Бутун жаҳон шеъриятидаги каби ўзбек поэзиясида ҳам шеърларнинг ҳажм жиҳатидан кичрайиш жараёни борётганини кузатиш мумкин. Ҳозир шоирлар чинакам шеър ўқиб бўлингач тугамаслиги, балки шундан сўнггина бошланишига эришиш учун ҳаракат қилишяпти. Эндиликда кўпчилик ижодкорлар шеърда ҳамма нарсани айтиб қўймаслик керак, ўқувчини эстетик истеъмолчи эмас, балки маълум даражада шоирнинг шериги мақомига кўтариш зарур деган тўхтамга келдилар. Негаки, кичик шеърда ишорага зўр берилади. Кичик ҳажм унга катта маъно юклаш имконини туғдиради. Ҳозирги кўпчилик шеърларда ҳодиса, мулоҳаза, кузатиш жараёни эмас, балки шу жараёнларнинг квитэссенцияси акс этмоқда. Турли шаклий изланишларга бепарвороқ бўлган Азим Суюндай шоир ҳам ана шу умумжаҳоний ҳодисадан четда қолмади. У фикру туйғуларини поэтик ифодалашнинг ўзи учун қулай бўлган "қайирма" деб аталмиш жанрини кашф этди.

"Қайирма" сўзи шевада обдан етилган, тобига келган нарса, иш, ҳаракат, амал маъноларини англатади. Жумладан, қайирма патирни ўзбек қишлоқларида тажрибали кайвониларгина ёпа олади. Барча қизу келинлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқавермайдилар. Дарё ҳам сувга обдон тўлгач, олдин қуруқлик бўлган ерларни ҳам босиб олиб, қайир ҳосил қилади. Қайирманинг ўзагида «қайиш»лик, яъни пишиқлик, пухталик маъноси ҳам бор. "Қайирма" жанридаги шеърларнинг Азим Суюн ижодида айнан энди пайдо бўлгани ҳам шу билан изоҳланади. Муайян ҳаётий босқичдан ўтиб, етарли турмуш тажрибаси ва керакли поэтик маҳоратга эга бўлгандан кейингина шеърда ҳам ёниқ юрак ҳароратини, ҳам фалсафий фикрчанликни уйғунлаштириш имкони пайдо бўлади. Шундагина шоирнинг шеърга кўчган туйғулари ўқувчиларига ҳам юқади, уларни ноёб сезимлар билан асарлайди.

Шоирнинг етти юз етти қайирмани ўз ичига олган "Эй дўст" номли китоби шеърий ҳикматлар тўпламига ўхшаб кетади. Лекин ўзи айтмоқчи: "***Азим Суюн муроди насиҳат эмас, Инсон қалб кўзига кўзгу тутар, бас***". Шоир ўқувчига ақл ўргатмайди, балки уни ўз кўнгли билан юзма-юз қилади. Бу шеърларда баъзан катта ҳаёт йўлини ўтаган кишининг тўхтамлари ифодаланса,

гоҳида кўрганларидан ҳайратлари муҳрланади. Бу борада шоирга салгина ортиқчаси бор тўртлик ёки тўлиқ бўлмаган бешлик тарзидаги янгича шакл жуда қўл келган.

Диққатга лойиқ жиҳати шундаки, шоир 707 қайирманинг ҳаммасида бирдай такрорланган "Эй дўст!" тарзидаги ундалманинг деярли ҳар бир шеърда ўзгача маънони ифода этишига эришган. Шоирнинг аслида тўртлик шаклидаги шеърлари икки бўғиндан иборат олти товушли шу сўзлар туфайли бешликка айланган. Лекин "Эй дўст!" ундалмаси шунчаки шаклий оригиналлик мақсадида қўлланган хитоб эмас, балки ҳар бир шеърда акс этган туйғунинг залворини, фикрнинг салмоғини оширишга йўналтирилган поэтик унсурдир. У айрим ўринларда завқни, баъзан афсусни, баъзида аламни, гоҳида Яратганга мурожаатни, гоҳо дўстга чорловни, гоҳ эса, номаълум одамга даъватни англатади. Кўпинча "Эй дўст!" ундалмаси ўтган умр туфайли кишида пайдо бўлган ўксиниш туйғусини ифодалайди. Бу хитоб аксар қайирмаларда замоний муносабат, яъни ёшлиги ўтиб кетаётган шоирдаги ачиниш туйғусини акс эттиришга хизмат қилган.

Айрим қайирмаларда кўпни кўрган шоирни ҳам ҳайратга солган поэтик ҳолат ғоят оригинал йўсинда акс эттирилган:

Эй дўст!
Оқ бўйнига қора сочи ўралган,
Бир ўрами оқ тўшида таралган.
Бир хилқатким мармар ҳовуз бўйида
Ҳовуз бўйни унга қараб буралган.

Бу сатрларда ўқувчи руҳий ҳолатнинг суратига эмас, ҳиссий жараённинг ўзига юзма-юз қилинган. Чунки тасвир жонли ва ҳаракатда. Чинакам гўзалликка лол бўлиб, қарайверганидан бўйни буралган ҳовуз ҳолатининг кутилмаган тарздаги жонли ифодаси кишини руҳий мувозанатдан чиқариб, уни айни вазиятнинг бевосита иштирокчисига айлантиради.

Маълумки, ижод учун бир хиллик, такрор фақат таназзулга элтгувчи йўл. Нафақат бошқанинг, балки ўзининг кашфиётларини такрорлаган ижодкор ҳам ютқазади. Азим Суюннинг, гарчи "қайирма" деб янгича номланган бўлса-да, бутун бошли китобдаги 707 шеърнинг бир поэтик жанрдаги асарлардан иборат эканлиги кишида: "Китоб зериктириб қўймасмикан?"- деган хавотир уй-

ғотади. Лекин шоирнинг кўзчиллиги, сўзни чинакамига "қайирма" қилиб қўллай олиш маҳорати сабаб кўриниши бир хил бўлган шеърларнинг ички қурилиши, ташиган поэтик маъносида деярли қайтариқ бўлмаслигига эришилган. Шоир ҳар бир шеърда янгидан-янги руҳий ҳолатларни юқумли тарзда сувратлантиришга эришган. У қайирманинг торгина майдонида жуда эркин ҳаракат қилиб, сезимларнинг ранг-баранг ҳолатини жилолантира билади:

Эй дўст!
Саркаш кўклам эди, мен ва ёр икков,
Бир қирда турардик елвагай, лов-лов.
Ёмғир ёғиб берди, ёрга қарадим,
Ёмғирда ёнарди гулбадан олов.

Ҳар қандай изоҳ мўъжизавий бу ҳолат тасвирини фақат хиралаштиради. Шеърда руҳий ва ҳаётий ҳолат табиий чизилгани учун ўзгаларга ҳам туйимли, англашимли ва юқумли чиққан.

Азим Суюн – некбин туйғулар эгаси. Шунинг учун ҳам у эзгуликнинг тантанасига ишонади. Шеърларида эзгулик енгиши учун яхши амалларга эҳтиёж инсон руҳига кўчиши кераклиги тасвир этилади. Унинг бу инончи қайирмаларида ҳам ўз ифодасини топади:

Эй дўст!
Бир назардан эр тузалар,
Шарроc тинар – сел тузалар.
Битта ҳикмат менга аён:
Сўз тузалса, эл тузалар.

Азим Суюн фақат фикр кишиси ва ўз менининг тафтишчисигина эмас. У – амал одами бўлгани учун ҳам қайирмаларга шунчаки дил изҳори деб қарамайди. Шу боис айрим шеърларидаги романтик умидбахшлик оҳанглари ҳиссиёт натижаси эмас, балки прагматик ақлнинг хоссаси каби янграйди:

Эй дўст!
Мен ҳикмат айтаман, арава жилар,
Деҳқон кетмонини елкага илар.
Тушиб кетар жаллод қўлидан болта,
Ҳукмдор адолат либосин кияр.

Шеърият учун аравани жойидан жилдирмоқ, деҳқонга кетмон тутқазмоқ, жаллод қўлидаги болтани туширмоқ, маънавияти яланғоч амалдорга адолат либосини кийдирмоқ анов-манов гап эмас. Бундай қувват одамнинг етмиш икки томирига етиб борадиган кўркам сўздагина бўлади.

Ноширлик нуқтаи назаридан жуда кўркам тайёрланган "Эй дўст" китобининг қурилишида эътироз уйғотадиган жиҳатлар ҳам бор. Чунончи, шеърларнинг рақамланиш ва жойлаштирилиш тартиби жиддийроқ ўйланмаган ва бирор тайинли тамойилга таянилмаган ҳолда амалга оширилган. Масалан 1- ёки 47- қайирма қайси хусусиятларига кўра айнан шу ерга жойлаштирилгани тушунарли эмас. Бизнингча, қайирмаларни ё биринчи, ёки сўнгги ҳарфига қараб алифбо тартибида жойлаштириш, ёхуд мазмунига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Эҳтимол, шоирнинг қайирмалар устидаги иши ҳали тўхтатмагани учун уларнинг жойлаштирилишига унчалик эътибор бермагандир.

Бундан ташқари, айрим қайирмаларда тобига етмаган мисралар, хирароқ ифодалар, маромига келтирилмаган тимсоллар ҳам учрайди. Лекин кўпчилик қайирмаларнинг мағзи тўқ, тотими ширин, бичими жойида. Шу боис ўзини ўзи янгилашга интилаётган шоиримизнинг умидлари ишончга, ишончи амалга айланишини тилаймиз.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2005 йил 5 август

ИНЖА ТУЙҒУЛАР ЖИЛОСИ

Бугунги ўзбек шеърияти ўз тараққиётининг муҳим ҳаётий ҳодисаларни тасвирлаш ва долзарб муаммоларни акс эттиришдан кўнгил манзараларини чизиш ва руҳий ҳолатларни моддийлаштириш босқичига ўсиб ўтди. Тўғри, бугун ҳам долзарб кундалик ҳодисаларга бағишланган, муҳим сиёсий воқеалар ёки одам кўнглининг ижтимоий моҳияти ифодаланган тизмалар яратилаётир. Лекин аксар ҳолларда чин шеърият кўнгил ҳолатини манзаралаштириш, сезимлар чигаллиги ва изтироблар рангини чизиш, рангларнинг товушини беришга тутинган. Ўзбек шеъриятида Рауф Парфи бошлаб берган бу тасвир йўналиши, ифода йўсини бугунги кунда асосий йўналишга айланди дейиш мумкин.

Оламни янгича ҳис этиш самараси бўлмиш ҳозирги ўзбек шеъриятида турғунлик эмас, доимий ўзгаришлар анъанага айланди. Яъни ўзгаришларнинг тинимсизлиги анъанаси пайдо бўлди, бировни такрорламасликнинг такрорланиши қарор топди ва бугунга келиб ҳар битта чинакам шоир нафақат бировни, ҳатто ўзини ҳам қайтармасликка ҳаракат қилаётир. Бу ҳолат бугунги шеъриятнинг етакчи белгисига айланди. Кунимизнинг йирик шоирларидан бири Фахриёрнинг ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тириклик савдога қўйилган, умр бозорга чиқарилган, энг муқаддас туйғулардан оддий ашёларгача олиб-сотилаётган бир шароитда одамни атрофга эмас, ўз шахсига қаратадиган, ўзига бўлгандаям сиртига эмас, кўкрак қафасини ёриб, ичкарига киришга ундайдиган шеъриятга кучли эҳтиёж сезилади. Жамият аъзоларининг асл одамий сезимлардан айрилиб қолмаган қисми ана шу эҳтиёжмандларни ташкил этади. Бундайлар унчалик кўп бўлмайди. Аммо бу эҳтиёжмандлар жамоасининг борлиги жамиятнинг имкониятини билдирса, бундай қатламнинг кўпайиб бораётганлиги ижтимоий соғломлашувдан далолатдир.

Асл шеър одамнинг ичида бўлаётган талотумлар, савдолар, омонсиз жангларни кўрсатиш орқали унинг кўнглини туйғусизлик зангидан тозалайди. Юракка тоза эпкин олиб киради. Бу билан ҳам қаноатланмай, ўша эпкинни булутга, булутни ёмғирга айлантиради. Ва юрак деб аталмиш чексиз ҳамда ҳимоясизлиги туфайли кирланиши, яраланиши осон бўлган мамлакатни муҳаббат ёмғирлари билан ювмоққа,

ундаги манфаат кирларини, лоқайдлик музларини севги оташи билан эритмоққа тутинади. Лекин самара ҳамиша ҳам кутилганидай бўлмайди. Маълумки, бахт ўткинчи, ўксизлик доимийдир:

Юрак инграр чорасиз
Чатнаб ётар музлиги,
На адоқ бор, на хулоса
Азоб узлуксизлиги.

Бу шеър ҳар бир ўйчил шеърхонга ўз юрагидаги музликни ва унинг даҳшатини туйиш имконини беради. Туймоқ билмоққа, билмоқ эса, ёмонликдан қутулмоққа олиб келади. Шоир юрак ҳолатидан шунчаки ахборот бермагани каби, чақириқ ҳам ташламайди. Одамни ўз кўнгли хусусида ўйга толдиради. Бундай самарага эришиш учун шоир ғоятда чигал, ўта мавҳум туйғуларни туйимли тарзда моддийлаштиради. Инграётган чорасиз юракда чатнаб ётган музлик тасвири ўқирманга ўз кўнгил ҳолатини туйишгина эмас, балки кўриш имконини туғдиради. Эзгу ўйли одам учун юракда музлик билан яшамоқ азобдир. Бу шеър кишига азобланиш жараёнининг қанчалик давомийлигини аниқ ҳис эттиради.

Фахриёрнинг шеърларини ўқиш ҳам, уқиш ҳам, таъсирланиш ҳам унчалик осон эмас. Лекин унинг асарлари миллий шеъриятимиз тараққиётининг шундай даражасидирки, уни билмаслик киши эстетик ва маънавий тафаккурининг кемтиклигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги ойдин ўзбек Фахриёр асарларини ўқиши, ўрганиши, таҳлил қилиши зарур. Уларни ёқтириш-ёқтирмаслик эса, дидга доир муаммодирки, бу ҳақда қатъий бир нарса дейиш қийин.

Фахриёр руҳий ҳолатлар мураккаблигини ўта нозик ҳис қилади ва жуда ингичка тасвирлайди. Шоирнинг "Суйгулим, суй, гулим, суйгу лим" тарзида бошланадиган шеърида сўз ўйинлари воситасида унга дуч келиб, дардланган киши дунёсини остин-устун қилиб юборишга қодир севги деб аталмиш муқаддас туйғунинг кутилмаган қирралари акс эттирилган. Ўқувчи шеърдаги сўзларгагина эмас, балки ҳар бир товуш ва тиниш белгиларига ҳам эътибор бериб, уларнинг миссиясини англасагина шеърнинг жозибасини ҳис этиши, ундан таъсирланиши мумкин. Шундагина у шеърнинг: "***Суйгулим, суй, гу-***

лим, суйгу лим" мисраси билан бошланиши тасодифий эмаслигини пайқаб, бир сўзнинг шу тарзда турли шаклларга солиниши турли бадиий маъноларни юзага келтираётганига эътибор қилади. Сўзларнинг маъносини англаш ва улар орқали ифодаланаётган фикрни тушуниш бадиий сўзни идрок этиш сари ташланган қадамдир.

Юракнинг ҳосиласи бўлган муҳаббат одамнинг, аввало, кўзида зоҳир бўлади. Ўқувчи "***юракларим кўзимдан тошар***" ифодасини англашга уриниш асносида шундай тўхтамга келади. Кўнгил ҳолатини мабдага билдиролмаган ошиқнинг афтода аҳволи шеърда: "***Мени енгиб бормоқда ўлим, сени эса қийнайди яшаш***" тарзида тасвир этилган. Шоир андуҳининг иккиланган ва зидланган сабабини англашга уриниш ўқувчи сезимларини ингичкалаштиради, унинг туйғулари юксалишига омил бўлади. "Мен"нинг ўлимга енгилиб бораётганидан ёзғириши осон тушунилади, лекин "сен"нинг яшашдан қийналиши сабабини илғаш учун фикр учқурлигидан ташқари, ҳиссиёт тозалиги ҳам керак бўлади.

Шеърхон: "***Куймоқ бўлди менинг насибам, бахтиёрлик – сенинг қисматинг***" сатрлари англатган ҳолатни олдинги мисралардан келиб чиқадиган мазмунга боғлай олса, қаҳрамон ҳолатини теран ҳис этади. Фахриёрнинг сўз ва унинг ёрдамида ифодаланаётган туйғуни жилолантириш борасидаги маҳорати шундаки, у сўзлар ташийдиган одатий маъноларни тубдан ўзгартириб юборади. Уларга тамомила янги маъно ва сезимлар юклайди. Одатда, "насиба" сўзи ижобий маъно ташиб, ўз-ўзидан насибадор одамнинг мамнунлигини ҳам ифода этарди. Шоир бу сўзга ўзгача маъно оттенкаси юклаб, куйиш ҳолати билан боғлайди. "Қисмат" сўзига эса, табиий равишда, чорасизлик маъноси қўшимча бўлиб келарди. Фахриёрнинг шеърида қисмат бахтиёрлик билан боғланиб, ифодага ўзгача бир рангинлик беради. Муҳими, бунда ифодагина ўзгариб қолмай, бадиий мазмун теранлашади.

Шеърдан: "***Сен-чи ётсан. Бахтнинг аёли***" тарзида телеграф йўсинида чиқарилган хулоса ўқувчини ҳаётий вазият ва инсоний муносабатларнинг нақадар чигал экани ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Шеърнинг сўнгги бандидаги мисраларга оғир инсоний изтироб яширинганини пайқаган киши туйғулари юксалади:

Юракларим кўзимдан тошар,
қисмат бўлди кўзлар қароси.
Қошлар аро айрилиқ яшар.

Лекин бу ўринда сатрлардан чиқадиган мазмунни англашгина ўқувчи руҳияти учун етарли эмас. Чунки бу шеърда асл моҳият айнан ифодадаги инжалик сабаб теранлашган. "***Қисмат бўлди кўзлар қароси***" сатри орқали "менинг қисматим сенинг кўзингдай қора бўлди", тарзидаги ҳасрат ифодаланиш билан бирга ёр кўзининг қора экани ҳам чиройли таъкидланган. Лекин энг муҳими бу эмас. Негаки, бу мисрада ҳали оқибат ҳақидаги ахборотгина айтилган. Сабабнинг кутилмаган сеҳрли ифодаси "Қошлар аро айрилиқ яшар" сатрида бўлиб, у: "Бизнинг қисматимизда абадий айрилиқ бор, икки қош бир-бирига қўшилолмагани сингари биз ҳам айрилиққа маҳкуммиз" йўсинидаги андуҳни акс эттиради.

Фахриёрнинг "Бўғзимдан сирқирар товуш – қон" қатори билан бошланадиган шеърида ишқ йўлида юраги лахта қонга айланган ошиқ изтироблари кўрсатилган. Лекин шоир шеърда туйғуларнинг жўн тасвирини бериш йўлидан бормайди. Шунинг учун ҳам у илкинчи мисрадаёқ ўз ҳолатини фавқулодда йўсинда ифодалайди. Бундай муқаддима ўқувчини беихтиёр ҳушёр тортгириб, товушнинг қонлиги, овознинг "ҳирқираш" ўрнига "сирқираш"и сабаби ҳақида ўйлашга мажбур этади. Шеърда шунчаки ахборот йўқ, унда дардли юрак зарблари ифодаланган. Ишққа мубтало ошиқ вужудининг барча мучалари юракка айланган. Ҳижрон азоби зўридан юрак қонга тўла. Маълумки, юрак ичкарида. Ташқарига эса йўл – битта. Бўғиз орқали. Шу сабаб бўғиздан товуш эмас қон чиқади ва у худди юрак каби "сирқирайди". Чигал руҳий ҳолатнинг инжа тасвири ўқирманни кучли мушоҳадага чорлайди.

Шеърдаги: "***Гул – менинг энг сўнгги сўзимдир***" тасвири замиридаги маънони изоҳлаш ўқувчи бадиий заковатини оширади. Маълумки, гул фақат чечаккина эмас, ёр ҳам. Демак, ошиқнинг бўғзидан чиқадиган сўнгги сўзи ҳам "ёр" бўлади. Шоир шеърнинг иккинчи бандида: "***Юрагим товондир – ёрилар***",- деб нола қилса, сўнгги бандда ўз иродасини: "***Юрагим товондир – тўлайман***" тарзида ифода этган. Шаклдош сўзларнинг усталик билан ўйнатилиши натижасида шоир яратган бадиий эффект шеърхонни лол қолдириши мумкин. Бунинг учун ўқирман "товон" сўзи-

нинг икки маъноси борлигини билишдан ташқари, маъшуқа ситами туфайли юраги товондай ёрилган ва ҳар дақиқада ишқи учун юраги билан товон тўлашга шай ошиқ ҳолатини туйиши керак бўлади. Шундагина шеърдаги: "***Суярман, куярман, бошимга Етар ишқ, мен сенга етмасман***" шаклидаги умидсиз тўхтам сабаби англаб етилади. Кутилмаган изланишларга бой ўзбек адабиётида ҳам зидлик маъноси бутун бир асарнинг бошидан охирига қадар бу қадар изчиллик билан ва сездирмай ифода этилган шеърлар жуда кам учрайдики, бу ҳол Фахриёр поэзиясидаги бетакрорликдан белгидир.

"Осмон яратганнинг..." сўзлари билан бошланадиган шеърда шоирнинг ҳаёт тартиботи, Яратганнинг интизом ва адолати ҳақидаги фалсафий ўйлари ўзига хос йўсинда ифода этилган. Шеърнинг биринчи ва иккинчи бандларида Аллоҳнинг қудрати, унинг одамзотга қилган чексиз марҳаматлар тизими тасвир эътилади. Шоир ўқувчини шеърдан келиб чиқиши мумкин бўлган кутилмаган маънога Яратганнинг иродаси натижаларини холис тасвирлаш йўли билан киши билмас тарзда тайёрлаб боради. Одамга берилган неъматлар орасида шеърнинг учинчи бандидаги: "***Кўнгилга доғ берди, дийдаларга – ёш***" мисраси мазмунини чақиш, "ёш" ва "доғ" тамсиллари нима эканини ўйлаш ўқувчини ташқи ҳайрат оламидан ички дардкашлик очунига олиб киради. Қудрат эгаси томонидан одамга дардли кўнгил ва ёшли кўз берганлигининг ўзи саодат экани ҳазрат Навоий битикларидан маълум. Шоир ўқирманни ана шу тўхтам сари руҳан тайёрлаб боради.

Шеърнинг "***Куймоққа дил берди, суймоққа – аёл. Чўкмоққа тиз берди, эгмоқ учун – бош***" сатрлари замиридаги теран маъноларни юзага чиқаришга уриниш шеърхонга кутилмаган ҳаётий ва бадиий ҳақиқатларни кашф қилиш имконини беради. "***Жон берди аёлга этгудай нисор, Уни деб ёнмоққа – шам каби ҳаёт***" мисраларида эр кишига тегишли қандай юксак туйғулар куйланаётганини англаш ўқувчи сезимларини ингичкалаштиришдан ташқари, унинг шахсияти юксалишига ҳам туртки беради. Шоир Яратган томонидан инъом қилинган нарсаларда фақат кўнгил ва севгига доир неъматларнигина кўради. У ўз борлиғини ёлғиз ишқ оғушида, муҳаббат қучоғидагина тасаввур этади.

Шеърнинг сўнгига етиб келинганда шоир ўқувчи учун кучли ҳаётий ва бадиий зарбани асраб қўйгани маълум бўлади. Бу

зарба "***Яралмай қолгани биргина висол***" тарзидаги сиртдан қараганда, бамайлихотир, жўнгина айтилгандай туюладиган тўхтамда жамланган. Демак, ошиқ чин висол қиёматда эканига имон келтирмоғи, шунга кўникмоғи лозим. Аммо бу ҳолат унинг севгиси даражасини бир мисқолга бўлсин пасайтирмайди. Ишқдан натижа кутиш таъмага ўхшаб қолади ва шоир қутулиш ҳам, воз кечиб кетиш ҳам мумкин бўлмаган севги домидаги замондошимизнинг ўта нозик туйғуларини, ингичка сезимларини таъсирли ифода этади.

Шоирнинг "Муҳаббат -- кўксингга қамалган ҳаво" сатри билан бошланган шеърида севгининг қисмат экани изтиробли тарзда, ҳазин оҳангда куйланган. Шеърнинг биринчи қаториёқ ўқувчини ўйлашга мажбур этади. Нега "***Муҳаббат – кўксингга қамалган ҳаво***" бўларкан? Одам ҳавосиз ҳаёт кечиролмагани сингари муҳаббатсиз ҳам яшайолмайди. Шеърда ҳавонинг кўкракдан "***чиқиб кетолмайди кабутар бўлиб***" тарзида ифодаланишининг тагмаъноси ҳақида мулоҳаза юритиш бир дунё мушоҳадаларга озиқ бўлади. Одам кўкрагидаги ҳаво кабутардай чиқиб кетолмагани сингари, инсон кўксидаги муҳаббат ҳам уни тарк этиши қийин. Муҳаббатга йўлиқиш ихтиёрсиз бўлгани каби, бировга дуч келиш борасида муҳаббат ҳам ўз ихтиёрига эга эмас. Шунда мисрадаги жонлантириш берган бадиий самарани англаш мумкин бўлади. Қаҳрамоннинг "***Менинг вужудимда ямалган юрак***" шаклидаги тўхтамини англашга уриниш мисралар қатига чуқурроқ кириш имконини беради. Ўқирман юракнинг "ямалган"и-ю, ҳасратларнинг "зангли" экани сабабини ўзича изоҳлашга уринади.

Шеърнинг: "***Сен кимни севарсан ҳаволар билан?***" сатрида шоирнинг қандай ўю сезимлари ифодаланганини англаб етиш кишини янги маънавий босқичга олиб ўтади. Бу ўринда "ҳаволар" сўзи "кибр" маъносини ҳам ифодалаши эсга олинса, шоир ниятини англаш бир қадар енгиллашгандай бўлади. Бу мисра сўроққина эмас, балки ошиқнинг забун ҳолати изҳори ҳам. Шоирнинг: "***Мен сенга ёмғирлар бўлиб эландим***" ифодасини туйиш катта эстетик самара беради. Қаҳрамон нега ёмғир бўлиб эланади? Эҳтимол, ошиқ кўзёшлар билан эланганини айтаётгандир. Унда ёмғир, яъни кўзёш қаердан пайдо бўлди? Кўздан-ми ёки кўнгилдан? Бундай саволнинг пайдо бўлишига шеърдаги "***юлдуздай пойингга сачради кўнгул***" ифодаси асос беради.

Аслида, юлдуз кўкда бўлмасмиди? Шундай-куя, аммо сўнган юлдуз ерга тушади. Демак, ошиқ тўкилаётган ёшнигина эмас, балки кўнглининг ўлими ҳақида ҳам бўзлаётганга ўхшайди...

Шунингдек, шеърдаги "***Ужмоҳ богларидан учмас кабутар***" сатрига ҳам сирли бир ҳиссий маъно шифрланган. "Ужмоҳ" ва "учмас" сўзлари ёнма-ён келишининг ўзиёқ мисрада ўзига хос поэтик оҳанг пайдо бўлишига олиб келган. Агар "кабутар" парирухсор маъшуқа қиз, "ужмоҳ" ошиқ йигитнинг кўнгли тарзида тимсоллаштирилса, шеърдаги адоқсиз андуҳ ва унинг сабаби бутун кўлами билан сезилади. Шеърнинг сўнгида чиқарилган: "***Муҳаббат ҳаётнинг интиқомидир***",- тарзидаги тўхтам севгининг инсон ҳаётидаги ўрнини янада сезимли ва залворли қилади.

Фахриёрнинг қофияга унчалик эътибор қилинмаган "Мен ҳам севган эдим куйгин ва далли" сатри билан бошланган шеъри ғоят оҳангдорлиги ва бу поэтик мусиқа замирига чуқур маъно яширинганлиги билан ажралиб туради. Маъшуқаси йўлида "***кўз эмас, кўнгилнинг ёшлари билан***" эмранган қаҳрамон ҳолати, унинг тушкун руҳиятини туйган ўқувчи ўзини бир қадар тозаргандай сезади. Шоирнинг: "***Ёшлар кор қилмади, муҳаббат – ганим***" тарзидаги хулосаси сабабини англаш кишини шеърга боғлаб қўяди. Бу ҳол: "***кўнгилни синдирди тошлари билан***",- тарзидаги ифодада нималар кўзда тутилганини турфа йўсинда англаш имконини беради. Фахриёрнинг "***Ойналари синган дераза – кўнгил, ...Тиндингми, кўз ёшим, сўндингми, эй дил?***" тарзидаги андуҳларида ҳақиқий ишқ изтироблари баланд таъсирчанлик билан ифодаланган. Шу шеърнинг сўнгги бандининг: "***Муҳаббат қайтади, бу кўнгил қайтмас, Парчин ойналарда ажал рақси бор. Ўйнайди. У – тилсиз. Келдим, деб айтмас***" тўхтамини ҳис этиш ўқувчи маънавиятининг янги ва юқори даражаси бўлади.

Фахриёрнинг "Сенсизлик" туркумидаги шеърларидан биридаги "***Сочларингда адашди сўзлар. Не сўз эди, қорайди туйқус, Сочларингга қўшилиб куйди***" мисралари маъносини англаш сўзнинг ифода имкониятларини очиш нуқтаи назаридан катта самара беради. Бизда маъшуқанинг сочи қора бўлиши маълум. Ёрга айтилган сўз асли қора эмасди, лекин туйқус қорайиб кетди. Демак, бу сўзга ошиқнинг истагига терс мазмундаги жавоб қайтган. Куймоқ янада қораймоқдир. Сўзнинг қоралиги сочнинг қоралигига қўшилиб кетди ва уни кучайтирди. Бундан

келиб чиқадиган бадиий маънони топмоқ учун астойдил ўйланмоқ даркор. Эҳтимол, бу маъно "***Не қисматки, сўз ва соч уйқаш***" мисраси замиридадир. Унда ё хусусиятига ва ёки вазифасига кўра "соч"га уйқаш бўлган сўз ҳақида ўйлаш шеърхонни истеъмолчидан ижодкорга айлантиради. Бу уйқашлик "қора соч"га "бора қоч" каби шаклда намоён бўлармикин ёхуд "бахти қора" сингари моҳиятда? Шеърдаги: "***Не бахт, мени ҳижронинг суйди?***" мисраси ошиқ учун топиш ёки йўқотишнинг ифодаси эканини аниқлаш, қаҳрамоннинг чиндан ҳам бахтли ёхуд бахтсизлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш ўқирманни бир баҳяга ўстиради.

Шеърдаги "***Юрак кетди, қолавердим мен***" ифодаси замиридаги улкан андуҳни тушуниш ўқувчини ҳам маънавий, ҳам эстетик жиҳатдан юксалтириши, шубҳасиз. У "***Менда энди ҳеч ким яшамас***" тарзидаги таъкид "юрак кетди" ифодасининг оқибати эканлигини англаб етади. Шоирнинг:

Сенга кетмоқ бахтиёрлиги,
Менга қолмоқ азоби насиб.
Кетмаслигингга зорлигим
Қолмогингга эмас муносиб

тарзидаги изҳорлари сабабини англаш ва шарҳлаш учун кўнгил ҳолати нозиклигини илғайдиган тийрак назар зарур бўлади. "***Ўзни сенда олгандим тилаб, Энди ўзни кимдан кутарман?***" мисралари замиридаги бадиий ва ҳаётий маънони изоҳлашга уриниш сезимларни теранлаштиради. Шеърдаги "***Муҳаббат – армонли тенгсизлик***" ҳукм-мисрасини, "***Мен сени йўқларман, борларман***" сатри маъносини, "***Хавфсиз кўнгил бадбахт ва бўм-бўш?***" таъкидини англаш кишига эстетик лаззат беришдан ташқари, унда шахслик сифатларини қарор топдиришга ҳам хизмат қилади.

Фахриёрнинг "Бир кеча..." деб бошланадиган шеърида ҳижрон азобида ўртанаётган ошиқ ҳолати жуда нозик ва замзамали акс эттирилган. Ўқувчини шеър бошидаги "***Бир кеча минг кеча бўлган бу кеча***" мисрасида аллитерация фақат товушларга эмас, балки сўзларнинг маъносига ҳам кўчиб, тасвир инжалиги ва маъно серқатламлигини юзага келтирган. Аслида, ҳижроннинг азобли ва узоқ туни ифоданинг ўзгачалиги туфайли ўта енгил оҳанг билан берилган. Шеърдаги ташқи "беозор" оҳанг

туфайли туғилган кайфият оғушидаги шеърхон шоирнинг: "***Юрак – қаршилиги бўлмаган узв***" тарзидаги хулосасига беихтиёр қўшилади. Негаки, одамга дахлдор неки яхши-ёмон бор ҳаммаси юракка кириб келаверади. Юрак уларнинг биронтасига ҳам эшигини ёпиб ололмайди. Юракнинг муҳаббатга ҳам, нафратга ҳам, азобу қувончга ҳам қаршилик қилолмайдиган муча экани ҳақидаги ҳаққоний ва дардчил таъкиднинг қандайдир ўта мулойим оҳангда берилиши ўқувчи шуурига кучли таъсир кўрсатади.

Шеърдаги: "***Дил оғриб соғинар, соғиниб оғрир***" мисрасини сабаб ва оқибат муносабати нуқтаи назаридан изоҳлаш ўқувчини ўзига хос поэтик кашфиётга ундайди. Одам ўйлаб қолади: дил оғриқдан соғинадими ёки соғинчдан оғрийдими? Шунингдек, "***Тушларим сўллими, ўнгим ўнглими?***" саволидаги сўзларнинг кўпқатламлиги ҳамда маъно ўйини тагига етишга уриниш ҳам киши фикрини чархлаганидек, унинг сезимларини нозиклаштиради. Эркакларнинг туши тескарисидан келади деган қараш бор. Лекин ошиқнинг туши эмас, ўнги ҳам тескарисидан келмасмикин, ишқилиб? Ўнгнинг ўнг эмаслиги шеърхонни ҳам хавотирга солади, уни шоирга туйғудош қилади. Шу боис шоирнинг: "***Ўнглар азобидан тушга қочаман***" шаклидаги иқрори ўқувчиники ҳам.

Шуниси қизиққи, Фахриёрнинг аксар битиклари миллий шеърият учун ўзлашма жанр бўлмиш сонет шаклида битилган. Маълумки, сонет қатъий шаклий талабларга мувофиқ ёзилиб, кўпинча ижодкор имкониятларини чеклаб қўяди. Чинакам истеъдоднинг қудрати шундаки, у чекланган шароитда ўзининг чекланмаган ифода имкониятларига эгалигини кўрсата олади. Фахриёр шундай истеъдод эгаси бўлгани учун ҳам инсон руҳиятининг энг яширин пучмоқларинида шеърий ифода билан ғоят лазиз ва қабариқ тарзда нурлантира олди.

Фахриёрнинг янги китоби "Геометрик баҳор"даги кўпчилик шеърлар мусиқий оҳангдорликка қурилган эмас. Уларда руҳий ҳолат мусиқага айлантирилмайди. Бу шеърлар қулоққа атаб битилмаган. Улар ёлғизликда кўз билан, ундан ҳам кўра, кўнгил билан ичда ўқилиб, теран идрок этилиб, руҳий ҳолатнинг ички мусиқасини топиб олишга йўналтирилган. Шоирнинг қофиясиз шеърларида ҳам умумий ички оҳанг, яширин гармония бўладики, айни шу хислатлар уларнинг ўзгачалигини таъминлайди. Китобдаги шеърларни ўқиган киши Фахриёр нафақат бировга,

ҳатто ўзига-да ўхшамасликка интилаётганини сезади. Унинг баъзи шеърлари мутлақо қофиясиз бўлса, бошқасининг бир мисраси ўн, иккинчи қатори уч бўғинли ҳам бўлаверади. Лекин ўша битикларда ички бир мунг, ҳазинлик, дард худди устун сингари бошдан охиригача яхлит ҳолда тутиб туради. Фахриёрнинг айрим шеърлари якпора эмас, худди қадим ғазаллар сингари ҳар байти ўзгача маъно ташийди. Лекин тасвирдаги мозаика туйғулар ифодасидан кўламли ижтимоий маъно келиб чиқишига тўсқинлик қилмайди:

"Бутламоқ" калимаси бутга айланар,
сигиниб ўтирар кечаю кундуз
унга бир этак бола
қорин сигинчини эсдан чиқариб.
Эҳтиёж маъбудага айланар секин,
Оммалашиб борар халқнинг ичида,
Эҳтиёжга бўйинсиниб яшар раият...

Унчалик ўйланмасдан ўйнаб айтилгандай туюлгувчи бу пардозсиз сўзлар замиридаги ҳаётий-эстетик маънони туйиш киши этини жунжиктириб юборади. Уларда нафснинг истакларини бутламоқ илинжидан бут (санам), ҳеч туганмас эҳтиёждан эса маъбуд (илоҳа) ясаб олган инсоннинг фожиавий ҳолати бутун даҳшати билан акс этган. Лекин бу ҳолатга маиший аниқлик, маконий мансублик талаби билан ёндашиш самара бермайди. Иллатларнинг илдизи чуқур, уларнинг тарқалиш жуғрофияси чегарасиз, у кўнгил мамлакатини эгаллаб олган. Менимча, шеърда ташқи жозибанинг кўзга ташланмаслиги, мазмуннинг ўзгача йўсинда ифода этилганлиги ушбу мисраларнинг ҳиссий қудратини оширган.

Фахриёр битикларининг ўзига хослиги шундаки, уларни туйиш, таъсирланиш шеър ўқиб тугатилгандан кейин бошланади. Ундаги яширин маъноларни ҳар ким ўз ҳолига яраша аниқлайди, чоғи келар даражада англайди, юраги имкон берган миқёсда таъсирланади. Айрим шеърларнинг силлиқ эмаслиги, унда на қофия, на вазн, на байт мавжудлиги бир суҳбатида Фахриёрнинг ўзи айтганидай: "Шеърнинг фақат қоғозда мавжудлиги, овоз чиқариб ўқилмаслиги унинг анъанавий унсурлари бўлмиш қофия, туроқ, бўғин, банд, байт, радиф синга-

ри... "рудиментлар"и йўқолиб боришига сабаб бўлиши, экспериментлар оҳангдан шаклга – визуал ҳолатга кўчиб ўтиши ҳам мумкин"лигини кўрсатмоқда.

Айтиш керакки, шеърда шакл иккиламчи ҳодиса эмас. Битикнинг қиммати унинг айнан айни тарзда ёзилганидадир. Бу ҳол ўқувчининг фикригагина эмас, сезим ва кечинмаларига ҳам ранг-баранглик бағишлайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Э. Воҳидов ва А. Ориповларнинг самимий шеърияти қуруқшаган қалбларга туйғу олиб кириб, завқлантирган бўлса, Рауф Парфининг созланган тор каби жаранглагувчи мумтоз назми ўқувчиларни ўйлаб ўқиш ва ўқиб ўйлашга ўргатганди. Фахриёрнинг туйғуни фикрдан, фикрни сўздан, сўзни унинг ўйноқи жилваларидан айирмайдиган поэтик истеъдоди ўқувчини ўқиган шеърининг чин ижодкорига айлантиради. Чунки у ўқувчига сўз дарёсидан тутилган балиқни бермайди, балки унга фикр ва туйғу қармоғини совға қилади. Бу ҳол шеърхоннинг ўзини ишлашга, ифодадаги сирли ва жумбоқли ўринларни кашф қилишга ундайди.

Менимча, Фахриёр сўз, маъно, оҳанг ва поэтик воситалар билан алоҳида-алоҳида ишламайди. Истеъдод қудрати шоирга назмнинг барча унсурларини бирдай туйиш, қўллаш ва бирваракайига бадиий эффектга эришиш имконини беради. Шоир қирқ олти шаклдан фойдаланиб яратган "Геометрик баҳор" отлиғ "шакл симфонияси"да ҳам айни бир вақтда товушни кўриш, рангни эшитиш, шаклни туйиш, барчасидан баравар лаззатланиш ва ўқувчинида бу лаззатдан баҳраманд эта олиш салоҳиятини кўрсатади. Фахриёрнинг на сўзлашув ва на илмий тилга ўгириш мумкин бўлган жумбоқсимон бу шеърларида шоир ўзбек фикрининг қиличдай ўткирлиги-ю, ўзбек тилининг ифода имконияти чексиз эканлигини намойиш қилди. Айни вақтда, ахборотлар замонида давридан ортдан қолмасликка интилаётган замондошимиз руҳиятининг аниқ чизгисини бера олди.

Кунларимизда миллат аҳли ўз тафаккур ва руҳият тараққиётининг пахталар чаман бўлиб очилгани, қандайдир режа бажарилгани ёки гузарга дўкон қурилгани учун ёппасига бахтиёр бўлолмайдиган босқичига кирди. Одамнинг тафаккури юксалгани сари унинг туйғулари ҳам нозиклашиб боради. Акс ҳолда, бу номутаносиблик кишини маънавий таназзулга олиб келиши мумкин. Бугунги одам ҳеч қачон тўла бахтли бўлолмаслигини,

бўлмаслиги кераклигини яхши англаб бораётир. Зеро, яшаш ўзўзидан янгидан-янги гуноҳлар қилиш ва шу сабаб мабдадан борган сари узоқлашишга маҳкумликдир.

Ҳазрати Ғаззолий айтадиларки, ўзини билган одам учун узоқ умр кўриш, катта давлат ва мустаҳкам соғлиққа эга бўлиш бахтсизликдир. Чунки одам ҳаётига лаззат бахш этадиган бу уч ҳолат уни Яратгандан йироқлаштиради. Ҳолбуки, ҳар биримиз айни шу неъматларга эришмоқни орзулаймиз. Чиндан-да, соғлом одам Худони камроқ эслайди. Давлатли киши эса Аллоҳга кўп ҳам муҳтож бўлавермайди. Узоқ умр кўрган кимса ўзида Яратганга ёқадиган нимадир борлигидан кибрланади. Ўзини танимоққа тутинган инсон Яратгандан умидвор бўлиш баробарида хотиржамликдан қўрқади, доимий хавотир қучоғида бўлади. Синчиклаб қараган киши Фахриёрнинг шеърларда ана шу хавотир ифодасини кўради. Чунки у инсоннинг комилликка эришиши мушкуллигини яхши биладиган ва бундан ҳақли тарзда хавотирга тушадиган ижодкор. Хавотир исканжасидаги замондошнинг мураккаб ва инжа руҳий ҳолатлари шоир шеърларида улкан маҳорат билан кўрсатилади.

2005 йил 8 август-26 октябр

ТИРИЛГАН СЎЗ

Икром Отамурод – нозик руҳий ҳолатлар, латиф ҳиссиётлар, инжа туйғуларни замзамали тасвир этишга моҳир, ҳаёт ҳодисаларидан кўра, унинг инсон кўнгилдаги жилваларини ифодалашга мойил шоир. У инсон кўнгли мавжларининг гулдан-да нозик, шудрингдан-да омонат, булутдан-да беқарорлигини билади ва ҳар бир шеърида руҳиятнинг ана шу бетакрор товланишларини муҳрлашга интилади.

Икром оламга жўн назар билан қарамагани боис нарса-ҳодисаларнинг ташини эмас, ичини, моҳиятини кўради ва тасвирлайди. Моҳиятни илғаш ҳамиша қийин, уни бошқаларга билдириш ундан-да мушкул. Шунинг учун ҳам Икромнинг шеърлари ҳаммабоп эмас. Уларни туйиш ва улардан таъсирланиш учун маълум даражада ҳозирлик керак бўлади. Мана бу сатрларда ифода этилаётган туйғуларни англаш осон кечмаслиги табиий: "*Уйларда югуриб ҳориган шовқин Ширин бир оромни туш кўрар*". Маълумки, бандаси ҳамиша ўзида бўлмаган нарсага интилади. Шу боис тиним билмас шовқиннинг тушига ором киришини тушуниш мумкин. Ана шу ингичка ҳолатни бу қадар таъсирли қилиб тасвирлаш учун шоирда кўнгил кўзи ҳам бўлиши талаб этилади. Айни шеърнинг қуйироғидаги икки мисра янада интим, янада мураккаб: "*Тун бўйи чайналган ёлғонлар чангин Тўшаклар хўрсиниб ютади*",- дейди шоир. Бир ёстиққа бош қўйган одамлар орасидаги адоқсиз ёлғонларни ютишга маҳкум бўлган тўшакнинг ҳолати киши этини жунжиктириб юборади. Қаранг: шовқин чарчайди, тўшак хўрсинади, лекин одамлар бетаъсирлигича қолаверади.

Шоир одамга хос сифат-хусусиятларни усталик билан нарсаларга кўчиради. Натижада, мутлақо кутилмаган ва кишининг ёдида михланиб қоладиган поэтик тимсол яратилади:

Кўчага қараган дераза
Эрталаб чиқади кўчага.
Юзларин ювади резалаб
Шудринглар чечаги.

Поэтик вазият чиройли топилган, ифода ҳам шоирона ингичка. "Эрталаб кўчага чиққан", яъни тонгги ҳаво кирсин деб ташқарига очилган дераза юзини – ойнасини шудрингларнинг резалаб, терлатгандай майдалаб ювиши ҳам ҳаётий. Шеърий тасвир

шу ҳолича чиройли. Ўқувчи шеър айни шу чиройли ҳолат ифодаси учунгина ёзилишига ҳам рози. Лекин шоир шу ерда тўхтаб қолмайди. Шеърнинг кейинги бандларида кўчага чиқиб олган деразанинг "намхуш чанглар"ни, "гесуларин ўраётган дарахт"ларни кўриши, "яйраши", "ўтганга, қайтганга "термулиши", "алдоқчи елларга кун бўйи қалбини оч"иши, бундан ўзи "тўйиши" тасвирланади. Сиртдан қараганда, ҳеч бир жиҳати билан эътиборга лойиқ бўлолмайдиган ҳолат усталик билан киши диққатини ўзига қаратадиган қилиб ифода этилган.

Кўринадики, шеър шу ҳолича ҳам чакки эмас. Лекин уни ўқиш асносида нимадир етишмаётгандай, шоир ҳали ўзининг асосий гапини айтмагандай туюлаверади. Чиндан ҳам ўзи ўйлаб топган поэтик ҳолатни завқ билан ўйнаб тасвирлаган маҳоратли шоир шеърнинг охирроғида саккиз сўздан иборат иккигина мисрага кутилмаган маъно юклайди:

Кўча завқин олган дераза,
Оқшом уйга киргиси келмас.

Бу сўзлар шунчаки ҳолат тасвири эмас, балки ҳаракатдаги руҳият ифодасидир. Кўп маъноларни ифодалайдиган бу сўзларни ҳар бир ўқувчи ўз хаёлоти кенглигига қараб истаганча талқин қилиши мумкин. Чунки олдинги беш банддаги тасвир кишини ана шу хилма-хилликка тайёрлаган эди. Ўқувчи ўзининг ҳиссиёт даражасига қараб, бу шеърий қаторларни истаса, озодлик ва эркка ташналик ҳақида, тиласа, қадр-қиммат тўғрисида дея тушуниши ва изоҳлаши мумкин. Чиндан-да, "кўча завқин олган", яъни озодликдан баҳраманд бўлган жонлиқнинг "уйга" тутқунликка қайтгиси келмайди. Енгилгина сатрлар қатига зилдай маъноларни жойлай олиш чинакам шоирнинг ишидир.

Икром – ҳикматлар шоири. Лекин у ҳикматларни шунчаки айтиб қўйиш билан кифоялангиси келмайди. Шоир фикрини имкон қадар сирлар пардасига ўраб, бир қараганда кўринмайдиган қилиб ифодалашни хуш кўради. Чунки унинг ўзи сингари ўқувчилари ҳам анов-манов одамлар эмас. Улар шеърий жозибанинг асар сиртида турмаслигини яхши билишади. Шеърнинг гўзаллигини мисралар замиридан кашф этишни исташади. Шоирдан ҳар сафар сирли янгиликлар кутишади. Шу боис Икром жўн ифодалардан қочади: "***Ваъдалар – ёлғондан битил-***

ган, ёлгон эса югурик келар" сатрларида инсон умри давомида ҳаётдан чиқарган чуқур ҳикмат ўзига хос ифодаланган.

Икром қадимдан илму адабиёт юксак ривож топган Касбидан. Эътибор қилган киши касбиликларнинг сўзлашув тарзида китобийлик борлигини, улар араб ва форсий сўзларни кундалик турмушда ҳам бемалол қўллайверишларини сезади. Икром ҳам ўз шеърларида чин ўзбекча руҳий ҳолатни бериш учун арабий-форсий сўзлардан кўп ва усталик билан фойдаланади. Икромнинг битганларида бошқа тиллардан кириб келган сўзлар худди бировникига узатилган келинчак каби андишали ва тортинчоқдир. Улар ўзлари хоҳлаган маънини эмас, балки қўллаётганида шоир юклаган маънони ифода қилишади. Икром баъзан ҳам ўзбек ёки тамомила ўзбекчалашиб кетган сўзларни ҳам арабийроқ йўсинда бураброқ қўллашга уринади. Худди мумтоз шеърият тажрибасида бўлгани каби "устун"ни "сутун" ёки "сутум" тарзида, тупроқни эса, "туфроқ" ёхуд "турпоқ" шаклида қўллай билади. Икромнинг санъатпардозлигида, сўзларни бураброқ, ўз билигича қўллашида сунъийлик, зўракилик бордай кўринса-да, аслида сўзга, шеърга зугум ўтказилмайди, тасвирнинг табиийлигига заха етмайди. Чунки шоир ўзи ишлатган ҳар бир сўзга ҳиссиёт ортади, сезим юклайди.

Қора қиш кунлари – беаёв ёзуқ:
юпун дарахтларнинг музлар дардлари.
Иссиқда бошига кўтариб, қизиқ,
Совуқда пойига тўшар баргларин.

Бу мисралар шу ҳолича ҳам ҳикмат. Лекин у ҳикматгина эмаслиги, унда ҳаётнинг ажиб бир ҳолати сувратлангани билан қимматлидир. Қора қиш кунлари (ёмон кунларда деб ҳам ўқийверинг) оғочнинг дардлари музлайди. Чиндан-да, унинг ичини куртак бўлиб ёриб чиққан, олдин япроққа, сўнг гулу мевага айланган нарсалар дардлардир. Қишда улар музлаган. Оғоч иссиқда (яхши кунларда деб ўқинг) уларни бошига кўтаради, совуқ тушгач, пойига ташлайди. Чунки оғир кунларда эзгулик қадрсизланади.

И. Отамурод шеърларида гап айтишни эмас, ҳолатга ишора қилишни яхши кўради. Уддаланмаган бурч туйғуси Икромда

қуйидагича ифода этилади:

Уйлардан отилган қоронғу
дарахтларга қўнади секин.
Юрагимда зирқирар қайғу –
ярим йўлда қолган кун юки.

Астойдил диққат қилмаган одам бу мисраларда афсус ифодасини кўрмайди. Куннинг олдидаги бурч ўталмай, кун давомида қилиниши лозим ишлар ярим йўлда қолиб кетди. Шоир тунга куннинг юкисиз ўтмоқчийди, ўтолмади. Шу боис унинг юрагида "қайғу зирқирай"ди. Инсон умрига масъуллик билан қараш асарда шу тариқа ифода этилади.

Шеърдаги тасвирда асосий эътибор "қоронғу"нинг "уйлардан отилган"ига йўналтирилган. Одатда, қоронғулик ташқаридан бостириб киради. Икромда эса, у уйдан отилиб чиқиб, борлиқни эгаллайди. Шоирнинг ўзига хослиги ҳам, оригиналлиги ҳам, назарининг ўзгачалиги ҳам шунда намоён бўлади. Инсоф билан айтганда, бу тасвирда сунъийлик, атайинлик йўқ. Негаки, кундуз куни уйнинг ичи ташқаридан кўра қоронғироқ бўлади. Шу боис кечга бориб атрофни қоплаган қоронғиликни уйдан чиқиб, оламни эгаллаган дейишда ҳақиқат бордир.

Чинакам ўйчил одам ҳамиша ёлғиздир. Зеро, кўплашиб ўйлаб, жамоа тарзида қувониб ёки қайғуриб бўлмайди. Одам асл инсоний туйғулар билан фақат ёлғизликдагина юзлашиши мумкин. Шу боис ўйлайдиган одамлар бир умр ёлғиздирлар. Уларнинг бошқаларга ўхшамасликлари, ўхшай олмасликлари, ўхшашни истамасликлари сабаби ҳам шунда. Шоир ёзади:

Ёлғизга юкиндим, ёлғизнинг жабрин
кўзларимга суртдим, дилга бойладим.
Согиндим, сигиндим руҳимнинг сабрин
ёлғизнинг пойига туфроқ айладим...

Бу ердаги ёлғиз нима ёки ким? Эҳтимол Яратгандир, балки маъшуқадир? Ҳар ким ўз ҳолига қараб шоирни шу ҳолга солган Ёлғиз ҳақида ўйга ботади.

Чин шоир ҳамма кўриб турган ҳолатни тамомила ўзгача тасаввур қила билади. И. Отамурод маъшуқасидан хабар кутаёт-

ган интиқ ошиқ ҳолатини телефонга кўчириб: "***Кун бўйи телефон бир сасга гадо, бир сукутга султон бўлди кун бўйи***",- дейди. Одамда ҳам, ҳолатда ҳам ҳамиша икки қарама-қарши қутб мавжуддир. Сукутга султон бўлган кимса сасга гадо, агар овозга султон бўлганида, сукутга зор бўлиши мумкин эди. Шоир лирик қаҳрамоннинг айни дамдаги инжа руҳий ҳолатини энг зарур бўёқларда акс эттира олади.

Шоир одамнигина эмас, жонлиқнинг туйғуларини ҳам борича туйиш ва тасвирлашни уддалай олади. Унинг бир умр кўпкарида юриб, қариган улоқчи от тўғрисидаги шеърида бир вақтлар шону шуҳратларга кўмилиб яшаган кекса жониворнинг ҳолати тасвири таъсирли чизилади:

Шовурлар элас-элас
тикон янглиғ санчилар.
Юрагида қотган сас
кўзларини қамчилар.

Қариликдан ғам чекаётган бу от от эмас, одамга ўхшайди. Шонли кунларнинг юракда "қотган сас"и имконсизлик ёши бўлиб оқиб чиқиши шеърда "кўзларини қамчилар" тарзида ғоят юқумли берилади.

Икром Отамуроднинг "Тавр" тўпламига кирган кўпчилик шеърлари тўртлик бандлардан иборат. Лекин тўртликларнинг шакллантирилишида икки хиллик бор: айрим тўртликларнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан ёзилган бўлса, баъзиларининг жуфт қаторлари кичик ҳарфда битилган. Бу ҳолат, бизнингча, шоирнинг шунчаки инжиқлиги натижаси эмас. Унинг тагида теран маъно ва жиддий бадиий зарурият бор. Шоир шеърда ифодаланаётган туйғунинг тугаллигини аниқ ҳисобга олади. Агар биринчи мисрада туйғу ифодаси тугалланса, кейинги сатр катта ҳарф билан бошланади. Мабодо, туйғу тасвири биринчи сатрда тугалланмай, иккинчи мисрага кўчиб ўтса, бу қатор кичик ҳарф билан бошланган. Шу тариқа ҳам туйғунинг тугалланганлиги ёки давомийлиги билдирилган, ҳам ифоданинг мантиққа мувофиқ бўлишига эришилган.

Икром сўзларни шунчаки шартли белгилар эмас, балки юракнинг *инъикоси, туйғуларнинг ифодаси деб билади.* Шу боис ҳар

битта сўзга унинг ўзи ташийдиган маънодан ташқари, ўзининг шоирона сезимларини ҳам юклайди. Кимдандир қачондир кўнгли қолган одамда юз бераётган кечириш ҳолатини у шундай чизади:

Нимадир титранди кўксимнинг бирров
армонлар гуллаган ерида,
Эриди дилимда қирлаган қиров,
пўст ташлаб гиналар эриди.

Бу банддаги ҳар бир сўз сўзгина эмас, ҳолат ҳам, муносабат ҳам. Улар хабар бериш билангина кифояланмай, муносабат уйғотади, шоирнинг руҳий ҳолатини сездирмайгина изоҳлайди ҳам. Армонлар "бирров" гуллаган кўкракда "нимадир титран"ганч гина "муз"ининг эрий бошлаганидан, дилдаги "қирлаган қиров"нинг кетаётганидан далолат. Шоир бирор ўринда кўнгил, хафалик, кечирим тўғрисида гапирмайди. Аммо ўқувчи гап шу ҳақда эканини билиб туради. Асл шоирнинг шоирлиги ҳам гапирмай туриб кўрсатишда, айтмай туриб, ишора эта билишдадир.

Икромнинг "Тавр" тўпламига шеърлардан ташқари "Ичкари... Ташқари...", "Ёбондаги ёлғиз дарахт", "Анинг умиди" сингари уч достон ҳам кирган. Айтиш керакки, шоирнинг достонларида эпиклик унсурлари деярли йўқ. Уларнинг бирортасида ҳам бирор бир ҳаётий воқеа тасвирланмаган. Бизнингча, бу достонлар таъсирчан шоир туйғулари даврий жунбушининг узлуксиз ифодаларидир. Бу жиҳатдан шоирнинг "Ичкари... Ташқари..." достони, айниқса, характерлидир. Асарда инсоннинг кўнгли билан ташқариси муносабати ғоят ички ва таъсирли қилиб акс эттирилган. Бу ҳол асар бошидаги зиддиятли тасвирларданоқ кўзга ташланади:

Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
истаюр ташқарида моҳни.
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
истаюр ичкарида Оллоҳни.

Шоирнинг ўткир назари одам ичкариси – кўнгли билан ташқариси ўртасидаги муносабатни шу тарзда ғоят қалтис, ички драматизмга тўла ҳолда кўради ва ғоят мусиқий ифода этади. Қаршилантириш усулидан усталик билан фойдаланиб, одам-

нинг асл моҳияти, руҳонияти – ичкари билан унинг моддийлиги, нафси – ташқари ўртасидаги кескин зиддият кўрсатилади.

Достонда одамзод интилишлари, уринишларининг асл баҳоси бутун оғриқли жиҳатлари, кескин қирралари билан ифодаланади:

Одамзод дунёга сочган уругдир висол,
Одамзод дунёдан йиққан ҳосилдир ҳижрон.

Одамзод дунёга сочган уругдир ният,
Одамзод дунёдан йиққан ҳосилдир ўлим.

Одамзод дунёга сочган уругдир бешик,
Одамзод дунёдан йиққан ҳосилдир тобут.

Икром ишора билан англатишнинг ҳадисини олган шоир сифатида одамзоднинг бу ёлғон дунёдаги чигал тақдири ҳақида юқоридаги каби ҳикматлардан йигирма бир байтни келтиргач, улардан ҳосил бўладиган тўхтамни қуйидаги йўсинда ғоят таъсирли, ўта оригинал ифода этади:

Одамзод дунёга сочган...
Одамзод дунёдан йиққан...

Одамзод дунёга...
Одамзод дунёдан...

Одамзод...
Одам...

О... дам...
О...

Миқдори мунтазам равишда камайиб бораётган сўзлар луғавий маъноларидан йироқлашгани сари салмоқли мазмун касб этиш имкониятлари ошиб, инсоннинг даҳшатли ёзуғини акс эттира боради. Айниқса, сўнгги "О" товуши одамнинг ҳаёт юзасидан чиқарган аламли тўхтами, умидсиз бир нидоси янглиғ эшитилади.

Бизнинг шеъриятимизда Икром достонларидагина сўзга бўй бермайдиган, шаклга эга бўлмаган руҳий ҳолатларни кўп нуқ-

талар билан бериш тажрибаси бор. Шоир қаҳрамоннинг ўта ичкин ва серқирра кўнгил жилваларини икки, уч, тўрт қаторлик кўп нуқталар билан беради. Ҳар бир ўқувчи ўз табиатига мувофиқ ана шу кўп нуқталар ўрнига ўз ҳиссиётини ўзи учун сувратлантиради. Икром ўқувчини ҳам ижодкорга шерик бўлишга ундайди.

И. Отамурод сўзни товлантиришни ёқтирадиган ва бу ишнинг уддасидан чиқадиган шоир. Баъзан бу ҳолат айримларга сўзни зўрлаш, унга зуғум қилишдай туюлиши мумкин. Лекин шоир сўзни жуда нозик ҳис қилибгина қолмай, унинг маъно қатламларидаги айирмалар ва тадрижий ўзгаришларни ҳам яхши билади. Икром шеърий сўзга дахлсиз хилқат деб қарамайди. Уни иш қуроли санайди. Сўзларни ўзига хос тарзда, тасвир талабига кўра истаганидай ишлатади: "**ёшинган**" дейди у, "**яшинган**" дейиш ўрнига. Шоир ўрни билан "**тупроқ**"ни "**туфроқ**" ёки "**турпоқ**" дея беради. Икром ҳамма одатлангани каби "**атроф**" демайди, балки "**гирд**" дейишни хуш кўради. Китобнинг номига чиқарилган "**тавр**" сўзи ҳам арабчада «**сурати ҳол**», «**йўсин**» шевада эса "**кўриниш**", "**ҳолат**", "**қиёфа**" каби маъноларда келади. "**Тани**" дейди касбичасига Икром "**сира ҳам**", "**асло**" сўзлари ўрнига. Шоир шеърларида шева сўзларини бемалол қўллайди, уни изоҳлаб ўтирмайди. Шу боис "**қавақ эшик**" бирикмасини ёпиқ эшик маъносида ишлатаверади. "**Қашқадайро**" деб бўзлайди шоир. "Қатъият", "интилиш" сўзлари ўрнига шоир соф ўзбекча "**ғужур**"ни қўллай билади. Шу тариқа, Икром қўлламаслигимиз боис унутилган сўзларни тирилтиради, уларга поэтик жон бахш этади.

Айни вақтда, "Тавр" тўпламида "тавр", "картмай", "сунут", "чилиб", "қўғинг", "сирор", "изтирор", "сафиҳ", каби ўнлаб фаол қўлланилган сўзлар борки, улар қандайдир тарзда изоҳланиши, тушунтирилиши маъқул эди. Тўғри, шеърият учун туймоқ муҳим. Лекин шеърий сўз сабабли руҳий мувозанатдан чиқиб, қандайдир сезимларни туймоқ учун ҳам ўша кечинмалар ифодасига тушунмоқ керак бўлади.

"Маърифат" газетаси
2005 йил 10 сентябр

ЧИЗГИЛАР

УСМОН НОСИР

Ўзбек шеърияти осмонида ёрқин юлдуздек, кўзни қамаштирувчи чақмоқдек пайдо бўлган Усмон Носир оташин шеърлар яратган шоирдир. Наманган шаҳрининг оддий оилаларидан бирида дунёга келган Усмоннинг вужуди кичкинагина кулбасига сиғсада, унинг руҳи кенг жаҳонга сиғмайдиган даражада юксак эди.

Оловдай шўх, яшиндай шиддатли ва тиниб-тинчимас Усмон маҳалласидаги бошланғич мактабда ўртоқларидан яхши ўқиди. Оиласи Қўқон шаҳрига кўчиб келгач, уни ётоқмактаб (интернат)га беришади. Бу ерда бўлажак шоир ҳамма қатори ўқишдан ташқари, рус тилини пухта ўзлаштиради. Бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган Усмон қисқа вақтда рус тилини шунчалар пухта ўргандики, ушбу тил орқали Оврупа адабиётининг сара асарлари билан деярли тўлиқ танишиб чиқиш имконига эга бўлади. Мазкур ҳолат унинг ижодий қиёфаси шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Бу даврда жаҳон адабиёти намуналарини шу қадар пухта биладиган бошқа ўзбек адибини топиш мумкин эмасди.

Туйғулари алангаланиб турувчи, чарос кўзлари оламга ҳайрат билан боқувчи Усмон Носир илк битикларидаёқ кўп асрлик ўзбек шеърияти учун мутлақо янгилик бўлган хусусиятларга эга ижодкор эканлигини намоён қила бошлади. У шеърга айланаётган туйғуларини жиловламас, дилида рўй бераётган ҳислар пўртанасини сусайтиришга уринмас, руҳий ҳолатни бутун мураккабликлари-ю, кескинликлари билан тасвирлашга интиларди: "***Тингла, эркам, ўртоғим, кўнглимни очай, Қоним шеър бўлиб оқсин-да, мен қайта ичай***".

Чинакам шоир башоратчи бўлади. Шундай хусусиятга эга Усмон Носир фурсат кутмай "селдай келувчи", шоирнинг ҳимоясиз қалбини "жаллоддек тилувчи" илҳомнинг зарби ўзини қачондир хароб қилишини билади. Билади-ю, ўзини сақлашга урин-

майди. Чунки катта истеъдод катта муҳаббатни, катта муҳаббат эса катта жасоратни талаб этади. Башоратчи шоир дейди: "***Илҳомимнинг вақти йўқ селдай келади, Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади. Аёндир бир куни айлайди хароб...***"

Шоир яшаб ижод қилган даврда одамлардан ўзларининг хатти-ҳаракатларинигина эмас, ўйлари-ю, туйғуларини ҳам қолипда тутиш талаб этилар эди. Ижодкорлар ана шу қолипга мослашган туйғуларни куйлашлари керак эди. Аслида, чинакам шахс қолипга мослашолмайди. Ҳақиқий шоир эса табиатан ҳар қандай қолипни парчалашга интилади. Инсон руҳининг ҳурлигини, туйғулари озодлигини куйлаган У. Носир ўз шахси табиатига кўра, ўз-ўзидан сиёсат бобида социалистик тузум томонидан ва бадиий ижод борасида соцреализм методи томонидан белгиланган қолипларни бузишга мойил эди. Шунинг учун у мавжуд тузумнинг душманига айланди. Гарчи, шоир шўро тузумига қарши курашмаган, бу тузумни кўпчиликка фаровонлик келтиради деб астойдил ишонган эса-да, ёлқинли шеърлари, бўйсунмас табиати билан ўзи билмаган ҳолда жамиятнинг, тузумнинг ашаддий душманига айланди. Бундайларнинг шўролар томонидан кечирилмагани ва жазосиз қолмагани тарихдан яхши маълум. 1937 йилнинг 14 июлида У. Носирни қамоққа олиб кетишди. Шу тариқа ўзбек шеърияти осмонидаги ёрқин бир юлдуз сўндирилди.

Уни, аввал, Тошкент, сўнг Магадан, Кемерово қамоқларида инсон тасаввурига сиғмас усуллар билан қийнашди. Шунда ҳам шоир ўзлигига содиқ қолди. Адоқсиз қийноқлар, одам зоти чидаб бўлмайдиган шароит, тутқинлик азоби уни ўттиз икки ёшида ҳаётдан олиб кетди.

Ватан ва ватандошларини чинакамига суйган шоир бегона юртда бегона кишилар орасида ўлди ва бегона қабрга қўйилди. Айтилганидай, ҳақиқий шоир башоратчи бўлади:

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим,
Шеърларим янграб қолур,
Бир умрга ўлмайман.

Башоратчи шоирнинг жисмини миллат душманлари қора ерга тиққан бўлсалар-да, унинг жарангдор шеъриятини, озод-

ликка чорловчи эркин инсоний руҳини йўқота олмадилар. Токи дунёда ҳақиқатга ташна, гўзал сўзга интиқ, эркка чанқоқ ўзбек бор экан У. Носир шеъриятининг умри боқийдир.

Усмон Носир 1937 йилгача, бор-йўғи йигирма беш ёшигача ижод қилди. Лекин у шу қисқа давр ичида кишини ҳайратга тушрадиган даражада кўп иш қилишга улгурди. Бу даврда у беш шеърий тўплам, икки достон, бир драма ёзди. Пушкиннинг "Боғчасарой фонтани", Лермонтовнинг "Иблис" поэмаларини ўзбек тилига беқиёс гўзал тарзда таржима қилди. Айни вақтда, Самарқанд педагогика академиясида ҳам ўқиди. Бир неча марта Россия ва Кавказ бўйлаб сафарларга чиқди.

Усмон Носирнинг фавқулодда кучли истеъдоди, ўзидан кечиш даражасига етган меҳнаткашлиги, буюк хотира кучи ёшгина йигитга қисқа вақт ичида шу қадар кўп иш қилиш имконини берди. Усмон Носир фавқулодда кучли хотирага эга бўлган. Ўзининг барча шеърларини ёд билишдан ташқари, таржима қилган асарларини ҳам сўзма-сўз хотирида сақлаган. Усмон Носир "Иблис" поэмасининг таржимасини тугатиб, таҳририятга олиб бораётганда, нимадир бўлиб, йўлда қўлёзма йўқолади. Таҳририятга келгач, Лермонтовнинг каттагина достонини бошдан-оёқ ёддан айтиб туради. Машинкачи қиз эса, шоша-пиша ёзиб олади.

Шахсиятига хос мағрурлик, қайсарлик, айни пайтда, мислсиз меҳнаткашлик, бўйсунмаслик, тенгсиз кучли хотира тинимсиз ўқиб ўрганиш стихияси, ростгўйлик сингари жиҳатлар шоир ижодининг ўзига хослигини белгилайди. Усмон Носиргача бўлган ўзбек шеъриятида сокинлик, андиша, энг пўртанали руҳий ҳолатларни ҳам имкон қадар вазминлик билан ифода этишга уриниш устувор эди. Ёш шоир бу анъаналар ёнига Оврупо адабиётидаги очиқликни, шиддатни, туйғулар силсиласи, ҳиссиётлар долғасини тизгинламасликни олиб кирди.

Усмон Носир шеърияти — образли шеърият. Унинг шеърларини англамоқ, улардаги гўзаллик туйғуларидан баҳраманд бўлмоқ, шоирнинг ҳолату кайфиятини тушунмоқ учун у яратган тимсоллар оламига яқинлаша билмоқ керак. Шоирнинг "Юрак" шеърини маиший газ билан ўлчаб бўлмайди. Уни шу вақтга қадар одатланганимиз усул билан таҳлил этиш асло мумкин эмас. "***Юрак, сенсан менинг созим, Тилимни найга жўр этдинг. Кўзимга ойни беркитдинг, Юрак, сенсан ишқибозим***". Ўз юрагини соз деб таърифлашнинг ўзи кутилмаган образ яратиш

йўлидаги биринчи қадам. Шоирнинг юраги — сози унинг тилини найга жўр этди. Нега? Ахир юракнинг ўзи соз эди-ку? Нега "тилимни найга жўр этдинг" тарзида яна унга хитоб қилинмоқда? Нима учун айнан найга жўр этилди экан тил?

Шеърхонни бу хилдаги фавқулодда образлар занжири шошириб қўяди, уни қўлланаётган ташбиҳларнинг тагига етишга ундайди. Киши ўзида халқининг бадиий тафаккури тажрибасига мурожаат қилиш, ундаги тушунчалар тарихи билан шуғулланиш эҳтиёжини сезади. Шарқ шеъриятида най дард тимсоли. Дард эса чинакам шоирга ҳамиша хос сифат. Китобхон икки мисрага бўлинган еттитагина сўзга яширинган ана шу маънолардан ва бу маънолар замиридаги гўзалликдан хабардор бўлиш учун ақлини ҳам, туйғуларини ҳам бирмунча зўриқтиради. Натижада, ниманидир илғайди. Бу йўл билан эришилган эстетик самара эса, унутилмайди.

Келтирилган шеърий парчанинг учинчи "**Кўзимга ойни беркитдинг**" мисраси мутлақо тушунарсизга ўхшайди. Уни қандай талқин этиш мумкин? Ойни ҳам кўзга яшириб бўладими ҳеч замонда? Рўзғорбоп тўпори мантиқ шундай тўхтамга келади ва ўзича ҳақ бўлади. Аммо шоирнинг чинакам шеъри тўпори мантиқ даражасига тушмайди. Атрофга бепарво қарай олмагани учун ҳам шоирнинг ҳамиша уйғоқ кўзлари бутун коинотга ҳайрат билан тикилади. Унинг бу ҳолатга тушувига созга айланган юраги сабабчи. Шоирнинг қорачиқларига етти қават ер, олти қават осмон жо бўлган. Шулар қатори осмондаги Ой ҳам ўрнашган. Нега энди ой шоирнинг кўзига беркинган? Чунки Чиқиш шеърияти учун ой — гўзаллик тимсоли. Ўз қаърига ойни жойлай олган кўз олам гўзалликларига бепарво бўла олмайди. Уни кўради, ундан ҳайратга тушади, лаззат олади. Шоирнинг асаб толалари яланғоч, туйғулари селдай оқиб келадиган, қалби ўз бағрига бутун олам ташвишу қувончини жойлай оладиган даражада нотинч, аммо шундай юрак сиғиши керак бўлган кўкраги оддий инсонларники сингари. Шу боис шоирнинг ўз юрагига қарата қилган хитобида мантиқ бор:

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Шоирона юрак туядиган ҳислар шу қадар мўл, шоирона кўз кўрадиган нарсалар шунчалар кўпки, уларни шеъриятнинг тилига таржима қилавериб, уларга назм либосини кийдираверіб, гўзаллигини бор овозда куйлайвериб, лирик қаҳрамоннинг тили чарчаб қолади.

Шоир ўз юрагининг безовталигидан, тиним билмаслигидан, таъсирчанлигидан норози эмас. Унинг вужуди тинимсиз ҳаракатни истайди. Чунки у ҳаракат ҳаёт эканлигини, безовталик тирикликдан нишона эканлигини яхши англайди. Шу боис юрагига "***Сен, эй, сен — ўйноқи дилбар...***" дея мурожаат этади ва унга: "***Тўлиб, қайна, тошиб ўйна, Тирикман, куйла боринги***нни",— тарзида изн беради.

"Юрак" шеърининг учинчи бандидаги "ўйноқи дилбар" образли ифодаси шеърхоннинг эътиборини тортади. Безовталаниб, ҳаётдаги ҳар бир ўзгаришга муносабат билдирадиган, фақат эзгуликни истайдиган, асло тек турмайдиган юракни одамзот деб аталмиш қавмнинг қайси бирига ўхшатган маъқул? Шоирнинг доҳиёна хаёлоти жуда асосли тарзда юракни ўйноқи дилбарга қиёслаш кераклигини айтади. Юракнинг эзгу туйғуларга ёрлиги, гўзаллиги дилбарга ўхшатилса, безовталиги унинг ўйноқилигига қиёсланади. Қуйилиб келаётган илҳом маҳсули бўлмиш мисралардаги поэтик унсурларнинг бу қадар мантиқли экани кишини ҳайратга солади.

Шоир ўз шеърларининг ҳақиқий баҳосини билади. "Яна шеъримга" асарида яратиқларининг камолидан кўнгли хотиржам, етуклигидан ғурурга тўлган ижодкорнинг сезимлари, кечинмалари ифода этилади. Шоирнинг шеърларида куйланган туйғулар энг сара боғлардаги энг сара гуллардан ҳам гўзалроқдир. Шу боис агар бу битикларда ифодаланган қутлуғ туйғулар гўзаллик маскани бўлган гулбоққа киргудай бўлса, чечаклар шармандаликка маҳкумдир. Шоир ўз шеърлари покиза ва нафис туйғуларнинг ифодаси эканини жуда яхши билади.

Шоир назарида, шеър унинг хусусий иши эмас. Ҳақиқий шеърнинг ўз мустақил умри бор. Яратилган шеър шоирнинг ихтиёридан ташқарида ҳаракат қилади, ҳаёт кечиради, таъсир кўрсатади. Шу боис у ўзига хос "ҳаёт шахси"! Шеърсиз умр шоир учун жонсиз танага эга бўлишдай гап. Шу сабабли ҳам Усмон Носир "***Жоним каби яшайсан манда***" сатрларини ёзганда, асло маҳобат қилмаган.

Мазкур шеърнинг иккинчи банди шоир ижоди учун ғоят характерли ҳолатни акс эттирган. Шоир шеърига қарата: "***Юрагимнинг дарди — нақшисан, Қилолмайман сени ҳеч канда***" дейди! У шеър ёзмасликнинг иложини қилолмаётир. Ҳамма замонда ҳам чин шеърни ёзиш жонни қийноққа қўйишдир. Лекин тўлиқиб кетган юракни бўшатмасликнинг, шоирона туйғуларни қоғозга туширмасликнинг ҳам имкони йўқ. Нафас олмасликнинг иложи йўқлиги каби. Ўйламаслик имконсиз бўлгани сингари.

Усмон Носир шеърлари шунчаки қофияли тизмалар эмас, балки юрагининг чин дардлари. Бу дард шоир қалбига нақшдай ўйилган. Унинг вужудини ишқ ўти қамраб олган. Эрк ишқи, Ватан ишқи, Ҳақиқат ишқи шоир қалбини куйдирмоқда. Шеърлари ана шу куйган қалб дардларининг қоғозга тушган нақшлари — ифодалари. Уларнинг яхшилиги ҳам дард ифодаси эканлигида: "***Дардимсанки, шеърим яхшисан***". Ўзини Ишққа бахшида қилган, умрини борича Ҳақиқат йўлига тиккан шоиргина: "***бутун умрим сенинг бўйингда***",- дея хитоб қила олади. Шоир шеърига — дардининг чин ифодасига Лайлисига содиқ Мажнундай вафодор. Шунинг учун ҳам бу йўлда чекилган ҳар қандай азиятга тайёр: "***Саҳарда қон тупирсам, майли. Мен — Мажнунман шеърим, сен — Лайли***". Ҳақиқий ишқ аҳлигина шундай журъатга қобил бўлади.

Усмон Носирнинг "Насимага деганим" шеърида ҳам шоир шахсияти яққол бўй кўрсатиб турибди. Унинг ҳаётини даврнинг ўзи гаровга қўйган. У ё дардини куйлаши керак-да, ҳаётидан ажралиши керак, ёки юрак дардини эмас, топшириқларни шеърга солиши керак-да, умргузаронлик қилиши лозим эди. У ғайри ихтиёрий тарзда биринчи йўлни танлаган ижодкор эди. "Насимага деганим" шеъридаги хавотир-ҳадик ҳам, жон фидо қилиб, қурбон бўлишга ҳозирлик ҳам бежизга эмас. Шоир 1935 йилда ёзган бир шеърида ўзининг силлигидан хавфсирайди. Қалбини қийноқларга солавериш хайрли тугамаслигидан чўчийди. Лекин қайсар руҳли ижодкорга умидсизлик бегона, у "*борини кўришга*" тайёр. Лирик қаҳрамон бедаво дардга мубтало, лекин ҳали "*ҳаммаси ўтганмас*" дейди олдинда нурли манзиллар борлигига ишонади.

"Насимага деганим" шеърининг иккинчи банди: "***Олдимда кутадир имтиҳон***",- деб бошланади. Лирик қаҳрамон ўзини оғир

жанглар кутаётганини билади. Эътиқод учун, одамийлик учун топшириладиган имтиҳонларда "Бу кунга иссиқ қон ... тўкилур", эҳтимол. Лекин у бу имтиҳондан шараф билан ўтишига ишонади.

Шеърнинг сўнгги, учинчи бандидаги "***Ўйланиб кўзингга қарасам, Иккита денгиздай кўринур...***" образидаги бадиий жозиба китобхонни порлоқ хаёлларга чорлайди. Насиманинг қоп-қора кўзлари шоирга тубсиз денгиздай бўлиб туюлади. Денгизнинг тубига етиб бўлмаганидек, порлаб турган қора кўзларнинг ҳам тубини билиб бўлмайди. Ўзбек шеъриятида кўзнинг тубсиз денгизга ўхшатилиши Усмон Носиргача ўта сийрак учрайдиган, балки учрамайдиган ўхшатиш эди. Лекин дили "оловдек ловуллаб" ёнаётган шоир томонидан маҳбубасининг кўзига нисбатан ишлатилаётган мазкур ўхшатиш жуда ҳам миллий ва жуда ҳам тушунарли тасвир воситаси сифатида қўлланган.

Уч банддан иборат мазкур шеърнинг ҳар банди беш мисрадан ташкил топган. Биринчи ва иккинчи бандларнинг биринчи мисралари банд сўнггида, яъни бешинчи мисрада такрор бўлиб келади. Шу ҳолат устида бош қотириш, нима учун шу хилдаги такрорга йўл қўйилганлигини илғашга уриниш шоирни англаш йўлидир. Ахир Усмон Носирдай тили бой шоир учун бешинчи мисрани ҳам янги сўзлар ёрдамида ифодалаш у қадар мушкул эмасди. Бу ерда ижодкорнинг бадиий нияти ўзига хос кашфиётни талаб этган. Чунки биринчи банд учун: "***Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас***" тарзидаги хулоса асосий фикр эди. Шоир ана шу асосий фикрни жуда катта маҳорат билан банднинг боши ва охирига жойлаган. Бу ўринда шеърдаги тасвирнинг табиийлиги, умумий мароми бузилмаган. Иккинчи банддаги асосий фикр: "***Олдимда кутадир имтиҳон***" жумласи билан ифодаланган эдики, соҳир ижодкор юксак санъат билан бош фикрни банднинг ҳам боши, ҳам хотимасига жо қила билган. Сўнгги бандда муаммо қўйилмайди, балки иш ечим сари боради. Шу боис бу банднинг ўзига махсус бўлган руҳи алоҳида ажратиб кўрсатилмайди. Учинчи банд бутун шеърнинг умумий хулосасини бериши керак ва бу фикр энг сўнгги мисралар ёрдамида гўзал тарзда таъсирчан ифода этилган.

Шоирнинг "Монолог", "Нил ва Рим", "Ёшлик" сингари шеърлари ҳам бадиий баркамоллиги, асримиз одамининг туйғула-

рини ифода этиши билан туркий шеъриятнинг қадри йўқолмас бойликларидан ҳисобланади.

"Нил ва Рим" шеъридаги ***"Яраланган қанотдай оғир. Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир"*** ташбиҳи натижасида эришилган бадиий натижа ҳақида фикр юритиш киши руҳиятини юксалтиради. Ўқувчи ўз тасаввурида ушбу шеърий парчадаги биринчи нуқтани олиб ташласа, тамомила ўзгача бадиий эффект ҳосил бўлиши мумкинлигини сезади. Нуқталардан биттасини олиб ташлаб, уч гапни ***"Яраланган қанотдай оғир ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир"*** шаклида иккитага келтириш мумкинлиги реципиентни истеъмолчидан ижодкорга кўтаради. Шоир XX асрнинг олис 30- йилларидаёқ бадиий асарга ижодий муносабат зарурлигини ҳисобга ола билган. Шеърдаги: ***"Чирогимга парвонадек урилар йиллар. Тўрт атрофим тўлиб кетар куйган қанотга..."*** сатрлари шеърхонга асар моҳиятини теранроқ туйиш имконини беради. Ўтган йилларни парвонанинг чироққа урилиб куйган ва чироқ атрофида тахланиб ётган қаноти тарзида тасаввур қилиш киши ҳиссий идрокини жўшдириб юборади. Истеъдод қудрати тасаввур қилиш мумкин бўлмаган ўта мавҳум тушунчани киши кўз олдида ўта моддий тарзда гавдалантиришни уддалайди. Шеърнинг: ***"Сариқ қумлар орасидан қон рангли қуёш Кўтарилар. Нил оқадир - қуллар тўккан ёш"*** мисраларида ранглар жилосининг тасвири ўқувчида кузатувчанлик пайдо қилади ва кишига бадиий сўз товланишларини нозик сезиш кўникмаси шаклланишига сабаб бўлади. Қум рангининг сариқлиги, қуёш тусининг қизиллигига зид қўйилиши ва қуллар тўккан ёш дарё бўлиб оқишининг уларга ёндош берилиши ўқувчи бадиий тафаккурини юксалтиради. Биринчи сатр охирида келиши керак бўлган сўзнинг иккинчи мисра бошидан ўрин олганлиги натижасида поэтик инверсиянинг имконияти ва шеърнинг таъсир кучи ошади. Кишининг этини жунжиктирадиган: ***"Эрки қулфдир ҳаёти қулф, бор худолар қулф"*** ёки ***"Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайҳот!"*** сатрлари асарнинг бадиий таъсир қудратини янада юксалтиради. Шеърда қулларга нисбатан ишлатилган: ***"Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ"*** ўхшатиши шеърхонни сескантиради ва тасвирланаётган образга эпик кўлам бахш этади.

Асл шоирнинг маҳорати ўз ҳолича кўзга ташланмайдиган, илғаш мушкул бўлган ҳолатларни кўринарли қилиб беришда-

дир. Чунончи, иккинчи банднинг иккинчи қаторида ***"Нил оқадир - қуллар тўккан ёш"*** дейилган бўлса, шу банднинг сўнгги мисраси эса ***"Миср бўйлаб Нил оқадир - қуллар тўккан қон!"*** тарзида ифодаланганлиги бадиий тасвир ва таъсир даражасининг кескин ошишига олиб келади. Бор-йўғи учтагина сўз қўшиб такрорланган мисранинг бадиий ифода қудрати бир неча баробарга ортиб кетади. ***"Кўз ёшидан, дил тошидан қурилган ҳайкал"*** ифодаси ҳам айтилмай кўрсатилган тасвир замиридаги бадиий ҳақиқатнинг кучайтириб берилишига хизмат қилган. "Кўз ёши"ни қуллар тўккани маълум, лекин "дил тоши" нима эканини ўйлаб кўриш у қулларнинг кўнглидаги адоқсиз нафрат эканини илғаш шеърхон поэтик тафаккури уфқини кенгайтиришга олиб келади. Эҳромлар оддий тошдан эмас, қулларнинг дилидаги нафрат тошидан тикланган, у тошларни бир-бирига сув воситасида эмас, балки одамларнинг кўз ёшлари билан қорилган. Англанган бадиий ҳақиқат қудрати шеърхонни улғайтиради. Шоирнинг: ***"Оталаримнинг бошларидан пойдевор уйиб, Озодлигим обидасин қурган инсонман!"*** тарзидаги иқрори озодлик осонлик билан эришилмайдиган неъмат эканини англатишга хизмат қилади.

Шеърдаги: ***"Аввал баҳор осмонидек йиглар гадо Рим"*** мисрасидаги гўзал бадиий ифода замирига даҳшатли ҳаётий манзара муҳрланганлигини англаш учун ҳиссий ва фикрий зўриқиш лозим бўлади. "Аввал баҳор"ни эрта кўклам деб тушуниш ва бу пайтда тинмай ёмғир ёғишини қулларнинг кўз ёшлари тийилмаслигига мувозий (параллел) тасвирлангани асарнинг таъсир кучини оширган. Шеърдаги: ***"Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса? Наҳот чақмоқ ёндирмайди бутун очунни! "Кул гардидай умр тоғдай кулфат учунми?"*** сатрлари замиридаги ҳаётий ва фалсафий мазмунни илғаш кишини юксалтиради. Баланд эзгу туйғулар чакиллаб томиб турган бу сатрларда тупроққа қорилган инсон шаъни учун қайғуриш яққол кўриниб туради. Умрнинг қисқалиги ва аҳамиятсизлиги оламдаги энг даҳшатли ўхшамишини топган: вазнсиз, қувватсиз, қадрсиз кулга менгзалган! Айни вақтда, шу қисқа умрда бошга тушадиган кулфатнинг миқёси эса, нақ "тоғдай". ***"Рим устида шамсиядек туманли осмон"*** сатри қатидаги бадиий назокат ҳамда ундан сўнг тасвирланган манзаранинг даҳшати ўртасидаги зиддиятга эътибор қилиш бадиий дидни юксалтиришдан ташқари, ўқувчида эзгу сифатларни ҳам шакллантиради.

Гладиатор тилидан айтилган: ***"Рим - ўйиндан ўлим кутган жинни театр"*** тўхтамининг ҳаётий асоси ва бадиий вазифасини аниқлашга уриниш сара йигитларни йўлбарсларга ёки бирбирига ем қилиб кўнгил очадиган, шундан лаззат оладиган миллат руҳиятини англаш имконини беради. Шеърдаги: ***"Ки тун қанча қора бўлса, ой шунча ёрур!"*** ҳикматининг ҳам ҳаётий, ҳам эстетик моҳияти тўғрисида ўйлаб кўриш асарни ўқишдан олинадиган завқни кучайтиради. "Нил ва Рим"нинг эстетик жозибаси, сўзларнинг ҳиссий имкониятлари, бадиий шаклнинг ўзига хослиги ва таъсир қудрати билан миллий поэзиямиздаги бетакрор ҳодисадир.

Усмон Носирнинг **"Монолог"** шеъри ҳам ифода қудрати ва бадиий таъсир даражаси билан ўзига хос эстетик ҳодисадир. Шеърнинг ***"Севги! Сенинг ширин тилингдан Ким ўпмаган, ким тишламаган"*** мисралари аслида "Севги ҳамманинг ҳам бошидан ўтган", деганга ўхшаш жўнгина мазмун ифодалайди. Бундай хулосага ***"Дардинг ёйдай тилиб кўксидан"*** тасвири ҳам бир даражада асос беради. Шу ўринда ўқувчи севги деган муқаддас тушунча билан ёй ўқи орасидаги боғлиқлик ҳақида ўйлаб кўриши керак бўлади. Маълумки, синчков шеърхон ёй ўқи билан тешилган юрак тасвири севги рамзидир. ***"Агар хиёнатни билмаса, Эзмаса фожиа юрагин"*** сатрларида инсоннинг мураккаб туйғулари акс этган. Шоирнинг: ***"Отелло ҳақлими?"***- тарзида қўйган саволи шеърхонни боши берк кўчага олиб киргандай бўлади. Киши одамлараро муносабатларнинг бу қадар тушуниксизлигини англагандай бўлади.

"Уфқдан ботар қуёшни Шарт кесилган бошга ўхшатдим. Парча-парча куйган шафақлар Тирқираган қонни эслатди" сатрларидаги ўхшатишларнинг кутилмаган ва порлоқлигида шоир хаёлоти парвозининг нечоғлик юксаклиги намоён бўлади. Бу сатрлар шеърхонни севгининг кўпинча фожиа билан ёнма-ён юриши сабаби ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Шунда муҳаббатдай юксак туйғу деярли ҳамиша қабоҳат, разолат ва зўравонлик каби тубан амаллар билан йўлдошлиги кўзга ташланиб қолади. Шоирнинг: ***"Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан! Ақлидан озганми муҳаббат?"*** тарзидаги норозилиги бирор шеърхонни ҳам бефарқ қолдирмайди. Инсонга бахт бериши лозим бўлган юксак туйғу кўпинча кишига бахтсизлик келтириши шеърхонни ўйга толдиради. ***"Ки одамнинг ўзигинамас, Ҳиссини ҳам хароб қилса давр"***

сатрларида шоирнинг инсон туйғулари, руҳияти ҳурлиги ҳақидаги қарашлари равшан ифода этилган. Бу мисраларда шоирнинг ўзи яшаган даврдан норозилиги акс этган. Шеър қаҳрамонининг: ***"Бу - қаршилик! Йўқ! Гина эмас"***,- тарзидаги таъкиди "Монолог-"нинг муҳаббат бобидаги бахтсизликлардан ёзғириб, шикоятланиб ёзилмаганидан далолатдир. Қаҳрамон муҳаббатдан гина қилаётгани йўқ, балки чин севгига тўғаноқ бўладиган иллатларнинг кучи, уларнинг ёйилишидан норози. У норозигина эмас, балки шу ҳолга қаршилик кўрсатмоқчи. Шоирнинг: ***"Ўз зиммамга катта иш олдим: Эҳтимолки, тамом қилмасдан Умрим тугар"*** тарзидаги иқрорида шу жиҳат намоён бўлади.

Усмон Носир йирик поэтик жанрларда ҳам маҳоратнинг баланд даражаларига чиқа олган шоирдир. 1933 йилда яратилган "Норбўта" достонида йирик поэтик характер яратишга илк бор уринди. Шу вақтга қадар лирик кайфиятларни, кучли руҳий тўлғонишларни куйлаган ва ҳиссиётни ифодалашда чегара билмай, ҳеч қандай қолипни тан олмаган шоирга энди туйғуларини муайян даражада жиловлаши, эътиборни қаҳрамон ҳолатининг ҳаётий асосини тасвирлашга қаратиши зарур бўлди. Шоир холис тасвир усулидан фойдаланишга, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини бевосита эмас, манзара воситасида беришга уринади: "***Қиш. Изғирик елар беқарор, Туннинг сочи тўзиган, бесар***". Шу тариқа Норбўта ва Сарварнинг иложсиз вазият туфайли тушган ҳолатлари холислик билан ғоят ишонарли кўрсатилади. Мураккаб вазият туфайли Норбўта табиатида рўй берган ўзгаришлар, Сарварнинг тортинчоқ ва мунислиги сингари жиҳатлар У. Носирнинг моҳир достоннавис ҳам эканлигини кўрсатади:

Не хил яшаш, қандай жон бериш,
Ҳаёт шарти! Билмакка тириш!
Ўлим гоҳо зафар келтирар

каби мисраларда фикри уйғонган, кўнгли буюрганини бажаришга тутинган қаҳрамон ҳолати ёрқин акс эттирилган.

Шоирнинг "Нахшон" достони воқеалари ўзбек ҳаётидан олинмаган. Бу асарда эпик кўлам лирик мусиқаворлик билан аралаш келади. У. Носир достонда тасвир воситаларидан жуда ўринли фойдалана билади. Чунончи, бир ўринда ғоят қуюқ ташбиҳ келтирадики, у бевосита асар қаҳрамони Нахшоннинг не-

чоғлик гўзаллигини англатиш воситаси ҳам бўлиб келади: "***Арзирди фалакни этсам ҳадя, афсус... Фазо ҳали менга қул эмас...***" Бутун асар мобайнида муаллиф ўқувчи билан бевосита сўзлашишга, ҳиссиёту ўйлари билан ўртоқлашишга интилади. Бу ҳол достоннинг таъсирчанлигини оширади, унга лирик ширадорлик бахш этади.

Усмон Носир ижоди XX аср туркий халқлар адабиётидаги ўзига хос ҳодиса бўлиб, у туркий маънавиятнинг юксалишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ўзбек миллатининг руҳини уйғотиш, уни бефарқлик, лоқайдлик ҳолатидан чиқаришдай фахрли вазифани бажаришга ўз ҳиссасини қўшди.

1998

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

Замонавий ўзбек насрининг забардаст вакили Шукур Холмирзаев адабиёт майдонига эллигинчи йилларнинг адоғида кириб келди. Ёш ёзувчи ижодининг дастлабки давриданоқ ҳаётнинг ўзига яқин ва таниш жиҳатларини қаламга олди, тасвирда самимийликка интилди, қаҳрамонлар руҳий олами таҳлилига айрича эътибор қаратди.

Ш. Холмирзаев 1940 йилнинг 24 мартида Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги Шаҳидлар гузарида дунёга келди. Отаси Файзулла Холмирза ўғли асли булунғурлик, ўзбекнинг туёқли уруғидан бўлиб, ташкилотчилик қобилиятига эгалиги сабаб шўролар тузумининг дастлабки даврида юқори лавозимларда турган. Миллатнинг асл фарзандлари қатағон қилинган йиллар (1937-1938)да Усмон Юсуповнинг маслаҳати билан Бойсунга қочади. Тоғли юртда бўлажак адибнинг онасига уйланади. Ўша ерда туман газетасига муҳаррирлик қилади. Лекин қанчалик уринмасин, қонсираган шўро ҳукумати чангалидан қутула олмайди. 1940 йилнинг ўрталарида қамоққа олинган Файзулла Холмирза ўғли совуғи қаҳрли Магадан ўрмонларида оғир меҳнатдан силласи қуриб, 1944 йилда вафот этади. Бўлажак ёзувчининг онаси ҳам ғайратли, ишчан ва бирмунча маълумотли аёл эди. Шу боис у узоқ йиллар туман миқёсидаги турли катта-кичик лавозимларда ишлаб келди.

Шукур Холмирзаев Бойсундаги ўрта мактабни тугатгач, 1958 йилда Тошкент давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1963 йилда битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги бир қатор нашриётлар ва газета-журналлар таҳририятларида меҳнат қилди. Замонавий ўзбек насрининг етук вакили Ш. Холмирзаев 2005 йилнинг 29 сентябрида вафот этди.

Яратган томонидан ато этилган истеъдод, ҳаддан ташқари кузатувчанлик, жаҳон адабиётининг энг сара намуналари билан яхши танишлик, жонли ҳаётга яқинлик ва уни бадиий идрок этиш салоҳияти Шукур Холмирзаевни жуда эрта ижод қилишга ундади. Унинг дастлабки китоблари университет талабаси эканлигида чоп этилди. Адиб "Оқ отли" деб аталувчи биринчи қиссаси биланоқ, ўқувчиларнинг эътиборини қозонди. Унинг "Тўлқинлар" қиссаси эса XX асрнинг машҳур носирларидан Абдулла Қаҳҳор таҳсинига сазовор бўлди. Ш. Холмирзаев илк қадамла-

ри биланоқ адабиётга ўзига хос овоз, ўзгача тасвир усули ва алоҳида бадиий идрокка эга ёзувчи сифатида кириб келди. Вақт ўтгани сайин адиб ижодининг ана шу жиҳатлари теранлик ва тиниқлик касб этиб борди.

Ш. Холмирзаев — сермаҳсул ижодкор. Ўндан ортиқ тўпламлардаги юзлаб бадиий баркамол ҳикояларнинг муаллифи ҳақли равишда замонавий ўзбек новеллистикасининг етук вакили саналади. Унинг "Оқ отли" (1962), "Тўлқинлар" (1963), "Ўн саккизга кирмаган ким бор" (1964), "Тақдир башорати" (1968), "Йўллар, йўлдошлар" (1973), "Юр, тоғларга кетамиз" (1976), "Чўлоқ турна" (1978), "Тупроқ кўчалар" (1978), "Қуш тили" (1982), "Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари" (1984), "Тоғларга қор тушди" (1986), "Абдулла Наби ўғлининг сўнгги кунлари" (1983), "Эсиз, Эшниёз!" (1988), "Булут тўсган ой" (1997) қиссалари ўқувчилар эътиборини қозонган.

Адибнинг "Сўнгги бекат" (1976), "Қил кўприк" (1984), "Йўловчи" (1987), "Олабўжи" (1993), "Динозавр" (1996) асарлари ўзбек романчилиги таррақиётида ўзига хос ўрин тутади. Дастлабки ҳикояларидаёқ диалоглар орқали қаҳрамонлар руҳиятидаги таранглиқни беришга моҳир эканлигини кўрсатган ёзувчи 1988 йилда ўзининг биринчи — "Қора камар" драмасини ёзди. Илк саҳна асари билан миллий драматургия ривожида янги даврни бошлаб берди. Юксак бадиий маҳорат ва шафқатсиз ҳаётий ҳақиқат самараси ўлароқ вужудга келган бу асар Ҳамза номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. 1991 йилда адибга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди.

Ш. Холмирзаев, биринчи навбатда, ҳикоянавис сифатида тан олинган ёзувчидир. Адибнинг ҳикоялари ўзбек новеллистикаси тараққиётининг ўзига хос даврини ташкил этади дейиш мумкин. Ёзувчи насрнинг бу мўжаз жанрида инсон табиатига хос турфа жиҳатларни, руҳий изтироблару туйғулар товланишини бутун мураккаблиги билан кўрсата олади. Унинг "Ёввойи гул", "Баҳор ўтди", "Битиктош", "Яшил "Нива", "Озодлик", "Ўзбеклар" ("Ўзбек характери"), "Табассум", "Шудринг тушган бедазор", "Хумор" сингари ўнлаб бадиий баркамол ҳикоялари бу кичик адабий жанр имкониятлари нечоғлик катта эканлигини амалда кўрсатди. Мазкур ҳикоялар адибнинг шахс ва унинг туйғулари, тақдири, қисмати ҳақидаги ўйлари, изтироблари ҳамда мулоҳазаларининг моддийлашган кўринишидир. Бир қарашда, Ш. Хол-

мирзаев ҳикоялари соддагина: пардозлардан, жимжимадор бадиий безаклардан, руҳийнамо изоҳлару сунъий мураккабликлардан холи, бирмунча қуруқ ва эҳтиросиздай туюлади.

"Яшил "Нива" ҳикояси қаҳрамони бошқалардан фарқ қилмайдиган, кўпчилик қатори бир одам. Ҳикоядан келиб чиқадиган бадиий маъно ҳам қаҳрамоннинг "шунчаки ҳамма қатори" одамлиги, яъни **шахс** бўлолмаганлиги сабаб янада салмоқли.

Ҳикоя қаҳрамони — институт домласи ўз машинасида замонининг зўрларидан бири директор бўлган совхоз ерларидан ўтиб бормоқда. У – совхозга ҳам, машҳур директорга ҳам қилча алоқаси бўлмаган бир йўловчи. "Диктатор директор" эса бундай одамнинг дунёда борлигини ҳам билмайди. Лекин тақдирлар сайёраси, бир орбитада ҳаракатланар экан, ўзаро тўқнаш келмай иложи йўқ. "Тўқнаш келади" калимасини бу ўринда шартли равишда қўллаш мумкин. Негаки, ҳикоя қаҳрамонлари бевосита юзма-юз келишмайди.

Ҳикоя қаҳрамони, ўз назарида қадрини биладиган одам. Аммо унинг табиатида мўминлик, мутеълик, ички қўрқув кучли. Шу боис йўлида тасодифан пайдо бўлиб қолган яшил "Нива"ни қувиб ўтолмайди. Чунки унда миллионер совхознинг қамчисидан қон томган машҳур директори ўтирганлигини билади. Машҳур директор машинасини ўз иши билан секинлатса, бу ҳам секинлайди, тўхтатса, тўхтайди. Асоси номаълум қўрқоқлик туйғуси туфайли ўғлининг йиғиси, қизининг хархашаси ва хотининг норозилигига қарамай, директорнинг машинасини қувиб ўтишга ботина олмайди. Икки соатлик азобли "имтиҳон"дан сўнг, "Нива" бошқа йўлга бурилиб кетади ва домла директорнинг йўл назоратчисига айтган: "**... жуда одобли бола экан**",— деган мақтовига сазовор бўлади.

Адиб воқеаларга аралашмайди. Уларни изоҳлашга уринмайди, балки конкрет ҳаётий вазиятда қатнашган одамларнинг маънавий оламини эҳтиросиз кузатувчидай холис кўрсатди: катта қилиб, яқиндан, қисмларга ажратиб. Ҳикоя қаҳрамони ўзининг шахс эмас, "винт"лигига кўниккан, айби бўлмаса-да, бировлардан қўрқишни табиий ҳол деб биладиган одам. Ёзувчи ҳикояда қаҳрамон характер-хусусиятининг ижтимоий-руҳий илдизини асослаб ўтирмайди. Қаҳрамоннинг ҳозиринигина тадқиқ этган бу асар ўқувчини мутеълик ва қўрқоқликнинг ил-

дизига назар ташлашга, тарихини эслашга, бир одамни кўкларга кўтариб, бошқа одамларнинг шахсликларини топташга имкон яратган мустабид жамиятнинг оддий бир киши тақдирида қандай фожиали из қолдиргани ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Инсоний ғурурдан маҳрумлиги ва адоқсиз андиша туфайли чаладумбул нодонни донога, ундан зўравонга, ҳатто жаллодга айлантирган, қўрқоқлиги боис инсонийлиги тупоққа қорилганлар ҳақидаги бу ҳикояда ёзувчи хулоса чиқармайди, тўхтамга келишни ўқувчининг ўзига қолдиради.

Адиб — шафқатсиз даражада холис. Ўзини ғурурли зиёли деб ҳисобловчи қаҳрамон бола-чақаси олдида мулзам бўлганлиги камлик қилгандай, ҳикоя адоғида аввалгидан ҳам шармандали ҳолатга тушади: икки кундан сўнг шу йўлдан ортига қайтаётиб, зўравон директорнинг ишдан олинганлигини билса-да, олдидан чиқиб қолган яшил "Нива"ни қувиб ўтишдан қўрқиб, унга қўйдай эргашиб келаверади. Кейинчалик маълум бўладики, бу "Нива" шунчаки бошқа бир йўловчиники экан. Ҳикоя ўқувчини одам табиатидаги қуллик туйғусининг илдизи не сабаб бунчалик чуқур эканлиги ҳақида ўйлаб кўришга мажбур қилади. У эркнинг ҳаётбахш эпкини, инсоний ғурур, ўзликни англаш туйғуси бўронлари қуллик замбуруғларини учириб кета олармикан, деган ўйга толади. Тобелик ва мўминлик миллий хусусиятимизми, маълум ижтимоий шароит маҳсулими ёки уларнинг илдизлари бўлак жойдами? Ҳикояни ўқиган киши шуларни хаёлдан кечиради. Ўқувчида одамнинг тўла маънода шахс бўлишига йўл бермайдиган, уни ўксик ва қўймижоз мавжудотга айлантириб қўядиган вазиятдан норозилик туйғуларини уйғотади.

"Устоз" ҳикоясининг қаҳрамони — замонабоп адабий маҳсулот етиштириб берадиган, шу боис ҳамиша пичоғи мой устида ўйнайдиган адабий косиб. У бевосита ижод жараёнида ёки бошқалар билан тўқнашувлар асносида кўрсатилмайди. Ҳикоя бошдан оёқ устознинг ўзи ва атрофидагилар ҳақидаги фикрларидангина иборат. "Бургани тақалайдиган" даражада қув устоз ўзининг олижаноблигини, талантпарварлигини кўз-кўз қилиш жараёнида аслида ким эканлигини ошкор этади.

Устоз — ўз ўйича, ёш талантларга йўл берадиган, вақти келса, уларнинг бошини силайдиган одам. Аммо у ёшларнинг бошини шундай силайдики, силанган бош ё учиб кетади ёки пўла бўлади.

Талантли ёш ёзувчининг журналда босилай деб турган ҳикоялари устознинг бир оғиз писандаси билан қайтиб берилади. Ҳолбуки, уларни журналга устознинг ўзи тавсия қилганди. Устоз яна тинчимайди. Энди у ёш талантни нашриётга судрайди. Нашриёт директорини шогирдининг ҳикоялар тўпламини чиқаришга кўндиради-да, қўлёзмада қалтис жойлар борлигини киши билмас тарзда эслатиб, тўпламнинг рад этилишини таъминлайди. Омадсизликлардан қийналган шогирдига устоз ҳамон "меҳрибончилик" қилишда давом этади. Жигар хасталиги билан оғриган ёш ёзувчи чекка касалхонада дори тополмай абгор бўлиб, мадад сўраганида, устоз ёрдамга шошилади: у райздравга, облздравга, горздравга, ундан замонавий касалхонага чопади. Шогирдини нобоп касалхонадан яхшисига ўтказмоқчи бўлади. Диққат қилинг: нобоп касалхонадаги врачларга учрамайди, топилмаётган камёб дориларни изламайди, балки аввал турли ташкилотларга, сўнг замонавий касалхонага чопади. Айни вақтда, виждон тинчлиги учун тўрт-беш кунга шамоллаб қолади. Бу орада ёш ёзувчи вафот этади.

Нега устоз бундай йўл тутади? Шогирдининг асарларини кўкларга кўтариб мақтайди-ю, чоп этишга келганда, ноширларга ниманидир шипшитиб, йўққа чиқаради. Мантиқ қаерда? Мантиқ устоз характерида, унинг одамлар табиатидаги ожизликдан фойдалана билиш санъатини пухта эгаллаганида. У ёш ёзувчига ёрдам берган киши бўлиб, аслида йўқ виждонини тинчитади, ноширларни огоҳлантирган киши бўлиб, адабий майдонга чиқса, шуъласи унинг "машҳур"лигини хиралаштириши мумкин бўлган талантдан қутулади, боз устига ўзи учун: "**Уни ким ўлдирди?.. Одамлар мана шунақа. Қўрқоқ, ваҳимачи, виждонсиз!**"- деб хитоб қилишга маънавий ҳуқуқ ҳам яратади.

"Хумор" ҳикоясидаги асосий персонажнинг нафасини бевосита ҳис қилиш, хатти-ҳаракатларини яққол кўриш, кечинмаларини туйиш мумкин. Ҳикоя қаҳрамони — романтик табиатли, меҳнатсевар, ҳаётдан фақат эзгулик қидирадиган ва уни топа биладиган, ўз манфаатини деярли ўйламайдиган дўлвор йигит. У ўзининг ночордан-ночор турмушидан мамнун, бошқача тузукроқ ҳаёт бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди. Йигит ёш боши билан тузалмас касалга мубтало бўлган, ранги заҳилки, одам қўрққулик, соч тўкилган, тиш қолмаган, пушти куйиб кетгани боис фарзанд кўра олмайди. Бу шўришларнинг барига са-

баб ўзининг токсикоманияга йўлиққани, яъни пахтага ишлатиладиган дорилардан заҳарлангани ва эндиликда усиз туролмаслигини ҳам билади. Бутифос ҳидисиз унинг учун бутун олам ўз тароватини йўқотади. У ўзининг бу аҳволини ижтимоий жиҳатдан асослайди ҳам: "**...пахта давлатимизнинг тиргакларидан, устунларидан! Биз уни етиштиришимиз керак экан, сал зиён кўрсак нима қипти?**"

Ҳикоя қаҳрамони — лавозимдор шоввозлар вужудга келтирган носоғлом вазият қурбони. У "**...дори менинг таржимаи ҳолимга сингиб кетган ахир! Тушуняпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси, Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам... ўша билан боғлиқ. Усиз ўтмишим йўқ**", — деб бежиз айтмайди. Бу — эътиқод. Алоҳида бир киши учун ҳам, бутун бир миллат учун ҳам янглиш эътиқоддан хавфлироқ нарса йўқ. Бу қаҳрамонда ўзбекнинг тантилиги, ўзини ўйламаслиги, адоқсиз сабру тоқати намоён бўлади. Ҳикояда у орқали халқ тимсоли яратилган, дейиш мумкин.

"Битиктош" ҳикоясида софдил, олижаноб, покиза эътиқодга эга шахснинг жамиятда кенг илдиз отган ҳиссизлик, бефаросатлик каби сифатлар қошида қанчалик ночор, ҳимоясиз, ожиз ҳолга тушиши мумкинлиги тасвирланади. Ҳамиша ҳам адолатсизликдан, аввало, шундай олижаноб кишилар кўпроқ жафо чекадилар. Ҳиссиз, тўқимтабиат, манфаатпараст, аммо ўта "ҳушёр", ўта "фаол", ўта "тўғри" кимсалар туфайли улар жамиятдан четлатиладилар, атрофдагиларга бегона бўлиб, мададни кўкдан излашга мажбур бўладилар. Уларнинг таъсирчан қалблари манфаат бандаларининг, дили сўқир кимсаларнинг чиройли шиорлар билан асосланган, "юқоридаги"лар томонидан қувватлаб турилган хуружларига бардош бера олмайди. Аммо зада юрак таскин излайди. Ўзлари сингари бўлмагунча, тик турганни йиқитишга, йиқилганни тепкилашга тайёр "фаол"лар бировга таскин беролмайдилар. Ўшандайлар зўр келган жойда ажойиб одамлар "Битиктош"даги сингари нотавонга айланаверадилар.

Шукур Холмирзаев ўз ҳикояларида персонажни ғоянинг оддий ифодачисига айлантирмайди. Ёзувчи сифатида уни, аввало, одам, унинг турфа табиати, ҳиссиётидаги товланишлар, хатти-ҳаракатлар силсиласи ва уларнинг ҳаётий-руҳий асослари қизиқтиради. Инсоннинг дахлсизлиги ва тақдири учун куюнчаклик туйғулари ишонарли акс этганлиги туфайли Ш. Холмир-

заевнинг қатор ҳикоялардаги образларни бемалол бадиий тип деб айтиш мумкин.

Адиб қиссаларида инсон руҳияти манзараларини ҳикояларига қараганда кўламлироқ ҳаётий вазиятлар асносида тасвирлайди. Ёзувчи аксар қиссалари қаҳрамонлари руҳий дунёсини очишда кўзга ташланавермайдиган маиший деталлардан усталик билан фойдаланади. Қиссаларидаги асосий персонажларнинг деярли ҳаммаси ўзига хос одамлар. Ш. Холмирзаев қиссаларининг қаҳрамонлари ўзларини излаган ва изланиш йўлида бот-бот азоблар чекишга маҳкум бўлган бесаранжом шахслар. Шуниси диққатга сазоворки, бу қаҳрамонларнинг бирортаси бошқасига ўхшамайди, ҳар бирининг ўз қиёфаси, ўз йўли, ўз тутуми бор.

Адибнинг "Булут тўсган ой" қиссаси қаҳрамонлари ўзбек деган ижтимоий-этник ва ахлоқий ҳодисага фавқулодда янгича муносабат, ёндашув маҳсули. Ҳикоядаги исми феълига мос Таваккал ҳам, қандай одамлигини нафақат қиссахон, балки ўзи ҳам англай олмайдиган соҳибжамол Гулсара ҳам бадиий асар қаҳрамонлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни ўзгартириб юборади. Улар адабий қаҳрамонларни хаёлдаги қолипларга мослаштиришдан воз кечиб, тасаввурни адабий персонажлар моҳиятига мувофиқлаштириш кераклигини тақозо этади. Шундай қилингандагина танти, қудратли жисмоний кучга эга, киришимли, таптортмас, орият учун ўз ҳаётини ҳам писта пўчоғича кўрмайдиган чапани, айни вақтда суюклиси Гулсара қошида ғалати даражада иложсиз Таваккални тушуниш, унинг довюраклиги қаерда тугаб, фожиаси қаердан бошланишини англаш мумкин бўлади.

Гулсара — ўзбек адабиёти учун тамомила янгилик ҳисобланадиган образ. Унда авомга тушунарсиз, ақл билан изоҳлаш мушкул бўлган зиддиятли покизалик туйғуси ва ғурур бор. Замонанинг зўрлари, узатган жойга қўли етадиганлар олдида Гулсара шаънини юксак тутади, кибрли, мағрур аёлга айланади, уларнинг йўлига юрмайди. Айни вақтда, тирикчилик кўйида пасткаш фоҳишалардай танини сотади. Ғоят соҳибжамол, фаросатли, талантли, номусли, айни вақтда, беномус бу аёл руҳиятининг ҳаққоний тасвири китобхонни ларзага солади, уни бефарқлик ҳолатидан чиқариб, муносабат билдиришга мажбур этади. Ўқувчи руҳиятини мувозанатдан чиқариш, уни бадиий тасвирга лоқайд қолмайдиган ҳолатга солиш ҳар қандай адибнинг ютуғидир.

Йўлдан адашган аёллар ҳақида кўп ёзилган. Бу мавзуда, айниқса, Ботиш адабиётида қатор баркамол асарлар яратилган. Ш. Холмирзаев қаламига мансуб қисса ана шу хилдаги битиклар орасида йўқолиб кетмайди. Чунки асар қаҳрамонининг ғарбона фикрлаш тарзи ҳам, унинг табиатидаги ўзбекка хос сезимларни кечиришга мажбур этадиган покиза туйғулар олами ҳам жонли тасвирланган. Гулсара тимсоли ёзувчи хаёлининг маҳсулигина эмас, ўз тақдирига, ўзига хос тийнатга эга реал одам мақомида акс эттирилган. Унинг фоҳишаликка келишига табиатидаги иллатларгина эмас, балки миллат тарихининг муайян давридаги ижтимоий шароит ва янглиш ахлоқий ўрнаклар ҳам сабаб эканлиги қиссада маҳорат билан кўрсатилган. Ўрисча тарбия кўргани боис ўзбекона ахлоқий талабларга енгилроқ қарайдиган, тўкис яшаш борасидаги истакларини жиловлашга уринмайдиган ўзбек қизининг аянчли қисмати жуда ишонарли ва таъсирчан тасвирланган.

Гулсара ўзининг кимлигини, асл баҳосини, қилган гуноҳларига яраша ажр бўлиши лозимлигини билади. У номусига доғ тексанлиги, зарур вақтда ўзини тия билмагани учун ҳам ҳалол ва мард эркак — Таваккал билан тақдирини боғлашни истамайди. Уни астойдил суйган ва унга интилган йигитга ўзини нолойиқ ҳисоблайди. Йўлидан адашган бу аёл фидойилиги ёки олижаноблиги учун эмас, балки руҳиятининг қайбир пучмоқларида ўзбеклик сақланиб қолгани сабабли шундай ўйлайди. Асли кўнгли тоза бўлгани ҳолда нопок турмуш тарзини кечиришга мажбур аёл руҳиятининг фожиали тасвири ўқувчига кучли таъсир қилади. Адиб образлар инкишофи асносида туйғулар самимиятини кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

Ш. Холмирзаев катта насрий жанрда ҳам ўз ижодий услубига содиқ қолди. Яъни у романга хос кўламни ҳаётий ҳодисалар миқёсидан, акс эттирилган воқеалар давомийлигидан эмас, балки персонажлар ҳиссиёти қамровидан қидиради. У романларида одам деган сирли яратиқни ҳар жиҳатдан, турли ҳаётий вазиятлар қўйнида синчковлик билан тадқиқ этади. Ёзувчининг "Қил кўприк" ва "Олабўжи" романлари, ифодалар аниқлиги ва тасвирнинг тиниқлиги билан китобхонлар меҳрини қозонди.

"Қил кўприк" романида ўзбек миллати тарихидаги энг мураккаб ва чалкаш давр бўлмиш "босмачи"лик ҳаракати акс эттирилган. Босмачилик зарарли ижтимоий ҳаракат сифатида

қораланаётган, босмачиларни қонхўр ва ваҳший оломон сифатидагина кўрсатиш кенг ёйилган 1982 йилда бу улкан миллий ҳаракат иштирокчиларини ижтимоий қатлам сифатида эмас, балки ҳар бири алоҳида жонли одамлар тарзида кўрсатиш ёзувчидан бадиий маҳоратдан ташқари инсоний жасорат ҳам талаб этарди. Адиб шўро адабиётида кенг ёйилган тайёр адабий қолиплардан фойдаланмайди, асар қаҳрамонларини қарама-қарши қутбларга ажратиб ташламайди. У ҳар бир персонажга, аввало, одам сифатида ёндашади. Унинг инсоний қирраларини муайян ҳаётий ҳодисага муносабати асносида табиий йўсинда кўрсатади. Роман қаҳрамонлари фикр ва туйғу кишилари. Атрофда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодиса уларнинг тафаккурида ҳам, туйғулар оламида ҳам маълум муносабат пайдо қилади. Бирлари ана шу муносабатга монанд ҳаракат қилиб ўзининг шахс эканлигини намоён этади. Бошқаси эса англагани ва туйганига терс йўл тутиб, инсонийлик мартабасига етмоқ мушкул эканлигини кўрсатади.

Романдаги Қурбон, Ойпарча, эшони Судур, Иброҳимбек, Анвар пошшо, Тўқайсари сингари қаҳрамонлар тасвирдаги самимият, туйғулар ва ўйларнинг кўламдорлиги билан бошқа образлардан ажралиб туради. Уларнинг талқинида фожиавий руҳ етакчи. Адиб романда одамни ғоят мураккаб, тушуниксиз ва кўп номаълумли тенглама сифатида акс эттиради. Шу боис шўролар хизматига ўтган, ҳаётини инсонлар ўртасида тенглик ўрнатиш ва жаҳон инқилоби ғалабасини таъминлашдай асоссиз ғояга бахшида қилган Қурбон билан унинг устози ва айни вақтда, синфий душмани эшони Судур ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг тасвири инсоннинг руҳияти, кўнгли, туйғулари унинг ижтимоий мансублигидан устун туражагини намоён қилади.

Романдаги диққатга сазовор яна бир жиҳат асосий қаҳрамонларнинг деярли ҳамиша ёлғизлик исканжасида кўрсатилишидир. Ҳатто, атрофларини тўда-тўда одамлар ўраб турганда ҳам, улар ёлғизлигича қолаверадилар. Асли, бу дунёда ўйлашга, изтироб чекишга, ҳаяжонланишга қодир шахски бор ёлғиздир. Яшаш ҳамиша ҳам ана шундайларга қийин. Чунки улар нафақат ўзлари, балки ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари учун ҳам жавобгарликни ҳис этадилар. Адиб асл инсонлардаги айни шу жиҳатларни жуда моҳирона тасвирлай олган.

Ёзувчининг "Олабўжи" романи ҳам инсонни тадқиқ этиш концепциясининг ўзгачалиги билан миллий романчиликда алоҳида воқеа бўлган асарлардан. Унда қарашлари, тутумлари билан жамиятдан, атрофдагилардан илгарилаб кетган, маънавияти юксак, имони бутун одамга яшаш нечоғлик қийин бўлиши, у нафақат бегоналар, балки яқинларига ҳам олабўжи бўлиб қолиши Ултоннинг мураккаб, машаққатли, рўзғорий ўлчовларга бўй бермайдиган ҳаёти ва қисмати орқали ғоят таъсирчан акс эттирилган.

Ултон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Ҳаммани имонига, виждонига қулоқ осиб яшаши керак деб билади. Ўз фойдасини ўйламай, ҳеч кимни алдамай, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам беришга интилади. Лекин айни шу эзгулиги, имони ва виждони бутунлиги сабабли кўпчиликка ёв саналиб, ундан ёмонлик кўради. Ултонни ҳар қадамда шафқатсиз даражада алдайдилар: яқинлари ҳам, устози ҳам, суйгани ҳам. Ўзбек романчилигида "Олабўжи"гача шахс ва жамият муаммоси бу қадар кескин қўйилган ҳамда бу қадар кутилмаган йўсинда ҳал этилган бадиий асар яратилмаганди. Асарнинг фазилати муаммонинг долзарблиги-ю ечимнинг фавқулоддалигидагина эмас. Асар ютуғини қаҳрамонларнинг туйғулари самимийлиги, хатти-ҳаракатларнинг ишонарлилиги, тасвир мароминиг собитлиги, тилнинг ифодалилиги, қамровнинг кенглиги ҳамда романга мос кўлам мавжудлиги таъминлаган.

Ш. Холмирзаевнинг "Қора камар" драмаси мавзу нуқтаи назаридан "Қил кўприк" романига ёвуқ турса-да, инсон тақдирини бутун фожиавий миқиёси билан акс эттириш маҳорати жиҳатидан олдинга ташланган катта қадам бўлди. "Қора камар"нинг лойи адибнинг драма ёзилгунча бўлган ижоди мобайнида анча вақт қорилган дейиш мумкин. Ёзувчининг "Табассум" ҳикояси, "Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари" ва "Абдулла Наби ўғлининг сўнгги кунлари" қиссалари "Қора камар"га муайян даражада тайёргарлик бўлганди. Асарда ёлғон эътиқод инсонларни қай кунларга солиши ва эътиқодсизлик миллатни қанчалар тубанлаштириши мумкинлиги ёрқин ишланган бир қатор образлар мисолида ҳаққоний акс эттирилади.

Драманинг бош қаҳрамони Хуррамбек миллат озодлиги учун бош тиккан, лекин миллатнинг эътиқодсиз қисми унинг ҳаракатларига томошабин бўлиб турса, Абдулла Набига ўхшаб ёлғон эътиқодга алданганлар унга қарши курашади. Хуррамбек ва-

тан мустақиллиги учун жангга кирган, лекин ватандошлар уни босмачи деб билади. У дини ислом учун жиҳодга тутунган, лекин Аллоҳдан эмас, бандалардан қўрқадиган диндошлари хиёнат қилишади. Хуррамбек — фикр кишиси, йирик ва ёрқин шахсият эгаси. У эзгу ниятлар қилган, ўз олдига улкан мақсадлар қўйган. Аммо бошвоқсиз давр ва маънавиятсиз миллатдош уни қонхўрга айлантиради. Қўрбошининг Абдулла Набига: "**...сенинг сафдошларинг бир кун келиб йиғлайдилар! Ўша ўрис йиғлатади... Босқинчи ҳеч қачон босиб олган фуқароси бошини силамайди! Силаса, алдаш учун силайди! ...Лекин ёмон алдангансан, жигар**",— дея қилган аламли нидоси кишининг вужудига титроқ солади. Кўнглидаги чин туйғуларини нафақат атрофидагилар, яқинлари, сафдошлари, ҳатто ўз фарзанди ҳам тушунмаган ёвқур ва ориятли Хуррамбекнинг инсоний изтироблари юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган.

Шахс руҳиятини тасвирлаш Шукур Холмирзаев ижодига хос муҳим белги дейиш мумкин. Шўролар даврида энг яхши адабиёт — муаммолар адабиёти эди: ўша шароитда бирор долзарб ҳаётий масалани кўтариб чиқиш, уни бадиий тадқиқ қилишга уринишнинг ўзи жасорат ҳисобланар ва адабиёт учун ҳам маълум аҳамиятга эга эди. Мафкура исканжасидаги коммунистик эстетика бадиий адабиётдан одамга унинг оддий "винт-мурват" эканлигини эслатиб туришни киши билмас тарзда талаб қиларди. Гарчи, ўша пайтда ҳам оғизда инсонни тасвирлаш асосий мақсад дейилса-да, амалда одамга эмас, унинг меҳнатига эътибор қаратиларди. Одамга, асосан ишчи кучи деб қаралар ва у шу нуқтадан туриб тасвир этиларди. Инсон томонидан амалга оширилган улкан ишларга мадҳиялар айтилса-да, унинг ***шахси***га, *кўнгли*га эътибор қилинмасди. Ҳар бир одамнинг олам ичра олам эканини ҳисобга олиш, унинг руҳияти ва кечинмаларини тадқиқ этиш бадиий ижод учун муҳим саналмасди.

Ш. Холмирзаев сермаҳсул ижоди билан расмий давлат адабиётшунослиги талабларини инкор этди ва истиқлол ғоялари-ни миллатдошлар тафаккури ҳамда руҳиятига сингдирди.

1998

ХАЛҚОНА РУҲИЯТ МУСАВВИРИ

Дунёнинг буюк адибларидан бири Эрнест Хэмингуэйда: "**Ёзувчи бўлиш учун истеъдод билан бахтсиз болалик кифоя қилади**",- деган ҳазиломуз гап бор. Шу маънода Тўра Сулаймон ёзувчиликка ҳар жиҳатдан муносиб, ҳеч мини йўқ кишидир. Ҳужжатларга кўра, 1934 йилнинг 15 февралида гўзал Бахмал тоғлари қўйнидаги Алдашмон қишлоғида туғилган бўлажак шоирнинг армонларга тўла болалиги шўролар тузумининг авжи қатағон даврига тўғри келди. Отасини ёт унсур сифатида қаматишиб, уйларидаги кўрпа-тўшаккача инқилобий ҳукуматга ўтказишди. Қулоқнинг болаларини эса, ҳар йўл билан турткилаб, камситишга уринишди. Бу машъум воқеа туфайли хаёлпараст, таъсирчан ва ориятли Тўра синиқиброқ, ўйчанроқ бўлиб ўсди. Бу ҳолат унинг хотирасида чуқур из қолдирди ва бутун ёзганларида ана шу синиқлик, кўнгли яримлик нуқси сезилиб туради. Шеърларининг бирида шоир:

Отамнинг аламли пок сийнасида
Ушалиб, ушалмай
Қолган армонман,-

деб ёзганида болаликнинг ана шу аччиқ изтиробларини кўзда тутганди. 1939 йилда, отаси қамоқдан чиққач, Тўралар оиласи Мирзачўлдаги "Малик" хўжалигига кўчиб келишди. Шу тариқа у тоғда дунёга келиб, чўлда дунё таний бошлади. Болаликда оиланинг бошига тушган шўришлар ёш Тўрани анча эрта улғайтирди. Унда ўзгаларни англаш, бировнинг дардини ҳис қилиш сифатлари тенгдошларидан олдинроқ шаклланди ва бир умрга қолди. Тийнатидаги айни шу сифатлар шеъриятга ошно қилди. Чунки у оламга, одамларга, дунёнинг шеваларига шунчаки бир томошабин сифатида қарай олмасди. У сўзга эътиборли эди, кўп ўқирди, бутун-бутун достонларни ёд биларди. Болалигиданоқ нималарнидир айтгиси келаётганини, бошқаларга таъсир этмаган нарсадан ҳаяжонга тушиб, терга ботаётганини билиб турарди. Бу туйғулар шеърга кўчди. Лекин узоқ вақт ёзганини бировга кўрсатмай юрди. Биринчи шеъри эълон қилинганида йигирма олти ёшда эди. Ўша вақтлар ёзган бир шеърида у ўзини шеърият дунёсида умид билан йўлга чиққан карвонга ўхшатади:

Мен ҳам умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан
Кичик карвонман.

Шеър – истеъдод маҳсули, кўнгил мулки. Оламни шоирона идрок этолмайдиган, унинг бошқаларга номаълум жиҳатларини кўра олмайдиган киши шоир бўлолмайди. Ўқиб шоир бўлиш мумкин эмас. Шоирлик – қисмат. Шоир бўлмасликнинг уддасидан чиқа олмайдиганлар қисмати. У ҳамиша нимадандир норози, нимадандир ҳаяжонда. Оламни боридан гўзалроқ, одамларни ҳозиргисидан комилроқ кўриш истаги шоирни доим безовта қилади. Шу боис у тинимсиз тўлғанади, изланади:

Сувлар ҳам тиниди сунбула келиб,
Тиниб-тинчимади бу кўнглим, ҳайҳот.
На баҳор, на ёздан, на тўкин куздан
Ҳечам қониқмади, бу кўнглим, ҳайҳот!

Шоир бир умр ўзини излаб, ўзини текшириб, ўзини кашф қилмоққа интилиб яшайди. Т. Сулаймон – ана шундай изланишнинг узоқ йўлини малолланмай босиб келаётган ижодкор. У ҳар не топса, ўзидан топиши мумкинлигини билади. У қалбини тўхтовсиз тафтиш қилади. Чунки излагани ташқарида эмас, ўзининг юрагида. Ўз юрагини англамаган одам ўзгани тушунолмайди. Ўзгани тушунолмаган кимса, Ҳақ билан сирлашолмайди. Ҳақ билан сирлашишнинг энг бехато йўли унга беғараз муҳаббатдир, уни адоқсиз севишдир. Тўра Сулаймон шеърияти – ишқ ҳақидаги битиклар. У муҳаббат туфайли қалам тутди, муҳаббатни куйга солди ва ҳануз севги изтиробларини айтиб адо қилолмайди:

Мен сени суйдим, Қоракўз,
Суйдим, суйдиролмадим.
Ишқингда куйдим, Қоракўз,
Куйдим, куйдиролмадим.

Чинакамига шундай ҳолатга тушган одам шеър ёзмай, шоир бўлмай иложи йўқ.

Шоир ҳамиша дард билан яшайди. Т. Сулаймон бежизга бир шеърида: "Дардсиз яшамоқлик – дардмандлик асли",- деб айтмаган. Оламда қанчаики асл шоир бор ҳаммаси дардманд. Улар гўзаллик ва эзгулик дарди билан оғриган беморлардир. Барча чинакам асарлар ғамнинг мевалари ўлароқ дунёга келган. Асримизнинг буюк ижодкорларидан бири А.Орипов: "***Шоир дилига қилма ҳавас бут эса багринг, Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман***",- дея нола қилганида ҳам, иккинчи бир буюк шоир Р.Парфи: "***Дилу жон ўртанар, дил ором истар, Илҳомнинг пичоғи санчилар буткул***",- деб озорланганида ҳам тўла ҳақ эдилар. Айтадиларки, Одамнинг лойини қоришга сув бўлсин деб ёғдирилган қирқ кунлик ёмғирнинг ўттиз тўққиз куни ғам, бир куни шодлик ёмғири эди. Навоий ҳазратлари: "***Кўнгилда гам йўқлиги ўзи гамдур, Алам йўқлиги асру аламдур***",- деганларида барча ижодкорларнинг кўнглидагини ифода этгандилар. Шундан бўлса керак, Тўра Сулаймон аламангиз шеърларни кўп ёзади. Шундай шеърлари ўқувчилар қалбини тўлиқроқ эгаллайди, хотираларида ҳамишаликка қолади:

Излай-излай ҳориб бўлдим, сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим,
Энди босган изларингни тўрт томондан тополмасман.

Йўқотганларининг топилмаслиги ва кетганларининг қайтмаслигини билган кишининг адоқсиз армонлари ифодаси қуйидаги йўсинда ифода этилган:

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар – кимларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар йил кўкламда келар қавму қариндошлари,
Баҳор, кетма, менинг богимдан.

Шоирнинг адолат топталганини кўргандаги кўнгил ҳолати ҳам ғамли оҳангга эга мисраларда манзаралаштирилади:

Бемаврид хешларимнинг кўзларида ёш кўрсам,
Бир мард билан нопокнинг йўлини туташ кўрсам,
Қайси бир бегуноҳни кенг йўлда адаш кўрсам,
Бир бетайин кимсанинг оёгида бош кўрсам...
Кўнглимда армон ётар терскайдаги қор мисол.

Инсоннинг сўнгги макони ҳақида ўйга толган шоир қисмат олдидаги ўз ожизлигидан изтироб чекмоқда бўлган киши руҳияти товланишларини ўзига хос андуҳ билан тасвирлайди:

Бу маскан қопқасиздир, бу қўрғон ҳоқонсиздир,
Бориш бору келиш йўқ, бу гўша омонсиздир,

Т. Сулаймон шеърда руҳиятнинг таъсирчан манзарасигина эмас, ижтимоий юк, салмоқли инсонпарварлик миссияси бўлишини истайди. Шу боис унинг назарида шеър бир кўнгилнинг розигина эмас, балки ҳар қандай одамнинг кимлигини аниқлайдиган мезон, маънавиятини тайин этадиган ўлчовдир:

Ўлан билмас эр аста айний бошлар,
Қайдан билсин ўланни багри тошлар.

Тўра Сулаймон шеърияти таъсирли ҳиссий тимсоллар воситасида ифодаланган ёмби ва залворли фикрлар шеъриятидир. Пайғамбаримизнинг: "Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат",- деган ҳадисларидаги икки жиҳатни ҳам шоир ўз ижодида намоён қилишга тиришади. Руҳиятнинг тушунтириш мушкул бўлган қатламларини тадқиқ этиш, ҳиссиётдаги энг мураккаб жараёнларни бор чигалликлари билан тасвирлашга эътибор ўта кучайган ҳозирги шароитда Т. Сулаймон ғоят миқёсли, қамровли фикрларни, гўзал бадиий топилдиқларни содда йўсинда, чигаллаштирмай, мураккаблаштирмай тасвирлаш йўлидан боради. Кўпинча, шеъриятдаги соддалик жўнликка олиб боради. Т. Сулаймон ижодида эса, соддалик теранликка хизмат қилган. Шоирнинг эл оғзидан олиб яратган ва эларо машҳур бўлиб кетган шеъри – "Тебратар"нинг мазмун ва оҳанги эътиборга лойиқ:

Шамол шамолни тебратар.
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмғирни тебратар.
Ёмғир майсани тебратар.
Майса бияни тебратар.
Бия қимизни тебратар.
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулувни тебратар.

Сулув бешикни тебратар.
Бешик болани тебратар.
Бола дунёни тебратар.

Шоир тасвир маҳоратини кўрсатиш учун чигал ташбиҳлар, болохонадор ўхшатишлар, замзамали образлар яратишга атай уринмайди. У соддагина мисралар бағрига қадимий дунё тартиботидаги энг муҳим бўғинларнинг бўртиқ шеърий манзарасини усталик билан жойлайди. Чинакам шоирлик томчида уммонни, қатим нурда қуёшни, атак-чечак бир ниҳолда улкан оғочнигина эмас, бутун бошли ўрмонни кўра олиш демакдир. Йўқ! Кўра олиш кифоя эмас, балки шеърхонга ҳам кўрсата билишдир. Кўрсатганда ҳам шунчаки эмас, балки ўқувчининг ҳиссиётини қўзғайдиган, туйғуларини безовта қиладиган тарзда:

Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай,
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай,
Турон Қуръонни асрагай,
Қуръон имонни асрагай,
Имон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Ўзи асрагай.

Тақадан бошланган гап оламни Яратган асраши билан тугади. Нарса-ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишларни, очун алоқадорлигини бу қадар гўзал ва ўзбекона идрок эта билмоқ ҳамда содда йўсинда таъсирчан ифода қилмоқ учун Тўра Сулаймон истеъдоди керак.

Асл ижод бузилган мувозанатдир. Дунёдаги бирорта шоир руҳий мувозанатдан чиқмай туриб, ҳали бирорта тузукроқ шеър ёзолган эмас. Мувозанатдан, яъни рисоладаги одамларда бўладиган руҳий ҳолатдан чиқиш ҳар бир ижодкорда ўзгача кечади. Лекин деярли барча ижодкорларнинг ҳам қалби яланғоч, ҳимоясиз, рўй берган ҳодисаки бор ундан таъсирланадиган бўлади.

Бир ҳақиқат аёнки, кўп ижодкорлар бир умр ўз болалигини тасвирлаш билан банд бўладилар. Қишлоқда нари борса, ўн

етти-ўн саккиз ёшигача яшаган адиблар умри бўйи шу ҳақда ёзишади. Негаки, ижодий ҳолат қай бир даражада болаликдир. Адиблар ҳар доим ҳам шоир ёки ёзувчи эмаслар. Улар фақат ижод қилаётганларида, илҳомнинг юлдузли онларидагина адиблардир. Қолган вақтларда ҳаммамиздай одамлар. Шунинг учун ҳам Тўра Сулаймоннинг:

Телбанамо эдим ёшликда
Телбаликнинг ҳали акси бор

мисраларини фақат ҳазилкашлик ёки камтарликнинг ифодаси эмас, балки илҳомий ҳолатнинг суврати дейиш мумкин. Ўзига шахсан дахлдор бўлмаган нарсадан кучли таъсирланиш, қаттиқ хурсанд бўлиш ёки қайғуриш, шу ҳолатини қоғозга кўчирмасликнинг иложини тополмаслик рўзғорий мезонлар билан ўлчанганда телбаликнинг ўзгинаси. Лекин шоир маиший ўлчовлар билан эмас, жаҳоний миқёслар билан иш кўради, маънавий тарозилар билан тортади.

Шоир девонафеъл бўлганлиги, дарвешваш яшаганлиги учун, ахлоқий ва ҳуқуқий қолипларга кўпда риоя қилавермайдиган зот бўлганлиги боис ҳам, ташқаридан қараганда, анча эркин ҳаёт кечирадиганга ўхшаб кўринади. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, унинг эрки қулнинг эркидан чекланганроқ бўлса борки, ортиқ эмас. Нега? Чунки шоир ижодидан эркин бўлолмайди. Аслан ижод эркинлиги тушунчаси ижодкорнинг эмас, айнан **ижоднинг эркинлигини** англатади. Чунки шоир ўз туйғуларига, ҳиссиётига хўжайин бўлолмайди. Ҳиссиётини бошқара олган одам ижодкор эмас. Одам илҳомига ҳам бийлик қилолмайди. Билъакс, шоир ўз илҳомининг қулидир. Унда фақат жунбушда бўлган туйғуни, қуйилиб келаётган фикрни гўзал шаклда ифодалай олиш эрки бор холос. Илҳомни зўрлаб бўлмайди. Талантли шоирлар исталган вақтда эмас, кўнгиллари тусагандагина шеър ўқий оладилар. Истеъдоди бундайроқ шоирларга илтимос қилинса, бас шеър ўқийверишади. Негаки, чинакам истеъдод эгалари илҳом билан иш кўрадилар. Истеъдодсиз тизмачилар эса ижрочилар, уларга тинглагучи бўлса бас. Чин илҳомни зўрлаб бўлмайди. Илҳом зўрланса чала насл беради. Тўра Сулаймоннинг бутун туйғуга, бутун юракка эгалиги ҳақида фахр билан ёзиши шундан:

Менга бутун кўнгил керак, кун керак,
Менга туташ юлдуз тўла тун керак.
Мен ёртилаб муҳаббатни олмайман,
Мен ёрти дўст хонасида қолмайман

У чала суймайди, чала яшамайди, чала довлашмайди, чала ёвлашмайди, чала дўстлашмайди. Ўз сўзига, ўз туйғусига эга бўлганлигидан ғурурланади. Туйғулар ўзиники бўлгани боис "юқумли". Бировдан туйғу олиб, бировнинг овози билан куйлаб, бировнинг сўзи-ла тасвирлаб, эътироф қозониш мумкин эмас. Шоир шунинг учун Яратгандан: "Ўзга созни чалгулик қилма",- дея илтижо этади. Т. Сулаймон бутун ижодий умри мобайнида ўз созини чалишга уриниб келди. Қуйидаги мисраларга эътибор беринг. Ҳар уч кишидан бири шоир бўлган бизникидай юртда ҳам бошқа бировникига ўхшатиб бўладими қуйидаги сатрларни?

Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичида бир шу эгма қош танҳо,
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,
Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

ёки "***Осмон ўртасинда нозланадир ой***" ташбиҳи бошқа бирор шоирни эсга соладими. Бу мисралар кишини беихтиёр шоир тасаввурига мос руҳий ҳолатга туширади. Сўзнинг қудрати шунда!

Тўра Сулаймон сўзнинг жилосини теран ҳис этади. Сўзнинг кўпчилик хотирасидан кўтарилган халқона оҳангдор шаклларини, унут бўлаёзган қадимий маъноларини топади. Шоир қуруқ қофиядош сўз изламайди, балки чигал руҳий ҳолатга муносиб ном топмоқчи бўлади. Унинг туйғулари – халқона. Бинобарин, ифода ҳам шунга мос. Ҳолатга ярашиқли сўз топа билиш шоир учун саодат. "Тўлғаной" достонида: "**Уни чечан демаким таъбири ярашмаса...**",- дейди шоир ва ўз асарларида, имкон борича, ярашиқли таъбирлар топишга, таъсирли тасвир қилишга уринади.

Ҳар қандай ижодкорнинг асл қиёфасини унинг тили белгилайди. Шу маънода Тўра Сулаймон тамомила ўзига хос шоирдир. Тўғри, у ҳам бошқалар фойдаланиб юрган сўзларни ишлатади. Лекин у бу сўзларни китобдан олмайди. Китобдан олинган

сўз образга ёпишмайди. Бадиий матнда ҳам бегоналиги билиниб туради. Т. Сулаймон сўзга айрича бир эркинлик билан ёндашади. У ҳар қандай асов сўзни ҳам юввош торттиради. Сўзни руҳга бўйсундира билади. Ўзи сўзнинг эмас, шоирона руҳ стихиясининг етовида юриб, оддийгина сўзлардан фақат Тўра Сулаймонга хос тасвир услубини вужудга келтира олади. Қуйидаги тасвирларга эътибор қилинг:

Кўкда сузган булут момиқдан ҳам оқ,
Кошкийди бошланса ёмғир ёғалоқ.

Булутни пахтага ўхшатиш кимлардан қолмаган, лекин момиққа ўхшатилиши тасвир услубига жозиба бахш этган. Шеърнинг оҳанги бир қадар миртемирона. Аммо устоз Миртемир булутни "паға", "оқ" дея сифатларди. Чўлда, чўнг пахта хирмонлари орасида улғайган Т. Сулаймон унинг момиққа ўхшашлигини кўра билди. "Соғиниш" шеърида: "**Яйловларда майса қимтир қўйқўзи**" тарзидаги тасвирда "қимтир" сўзи бағоят ўрнида ишлатилган, бу сўздаги маъно нозиклигини ҳаммаям илғайвермайди. Ҳодисаларни "тўрачаси"га кўриш намунаси: "**Тоғлар тўши ёришди, демак тонг отаётир**". Қуёш ҳақида бир сўз демай, уни кўрсатиш мумкин экан. Ғоят мавҳум, моддийлаштириб бўлмайдиган ҳолатни аниқ тасвирлай олиш маҳорати намоён бўлган тасвир: "Келинларнинг лабида Бўсанинг иси қолди".

Шоир шеърларида ҳиссиётини изоҳламайди. Уни шундай бир ифода билан берадики, шу ифода қатида руҳий ҳолатни туғдирган сабабга муносабат ҳам яширинган бўлади: "**Кўнглимда армон ётар терскайдаги қор мисол**",- дейди бир шеърида. Қуёшга терс тараф бўлмиш терскай (шимол)даги қор узоқ вақт эримаганидан кирланиб кетганидай, лирик қаҳрамон кўнглидаги эски армон ҳам эриб кетадиган эмас, ўшандоқ бўлса, унга шоирнинг муносабати тайин, албатта, ва у ўз-ўзидан шеърхонга ҳам юқади.

Тўра Сулаймон бадиий тажрибалар ўтказишга ўч эмас. У қачонлардир пайдо бўлган муқим эстетик тажрибалардан усталик билан фойдаланиб, кашфиётлар қила олади. Эски шаклнинг янгича талқинларини топа билади. Шоир сўзнинг бирламчи маъноларига мурожаат этишни хуш кўради: "**бўй қиз**" дейди бўйга етган қиз ҳақида, "**бўзалам**" дейди биз чимзор деб юрган тушунчани, "**узангидош**" деб атайди хўп ўзбеки тарзда, таъсирчан қилиб, дўст, тен-

гдош, жўра, сафдош сингари бир қанча сўзларни исроф қилиб ҳам тўлиқ ифодалаб бўлмайдиган яна бир тушунчани. Тилимизда эскидан бўлган, лекин эндиликда айрим кексаларгина қўллайдиган ҳушёр маъносидаги "**соқ**" сўзини жойида ишлатгани боис шеърнинг ифода қудрати неча баробар ошиб кетади.

Тўра Сулаймон сўзга авайлаб, қизғаниб ёндашади. Сўзнинг бемаврид истеъмолдан қолиб, йўқолиб кетишига йўл қўймасликка уринади. "Тўлғаной" достонида "**тўрлаб садрга тушганда**" деган жумла бор. Тоғлик қипчоқларда ҳаётдан ёш кетган йигитнинг кийимларини от устига ташлаб, от билан садр тушиш одати бўлган. Юқоридаги жумлада ана шу ҳолат ифодасини топган. Беш яшар отнинг йилқичилар тилида "**тўлан**" эканини ҳамма ҳам билавермайди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, у бу хилдаги сўзларни, маълумотларни шунчаки экзотика учун, этнографик далил сифатида эмас, жуда ўринли ва табиий тасвир воситаси тарзида ишлатади.

Т. Сулаймоннинг сўзга алоҳида бир эҳтиётқорлик билан ёндашуви, эҳтироми, фикрларини ҳикмат йўсинида ифодалаганида яққолроқ кўринади. Шоир асарлари синчиклаб кўриб чиқилса, унинг "**Сутсиз сигир сузоғон келар**", "**Тоқатлига тоғлар эгар бошини**", "**Қувиб ўлган – мангулик, Қочиб ўлган – кўмгулик**" сингари қатор мақолу ҳикматлар яратганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Эл орасида: "**Юздан югурик, мингдан тулпор**",- деган гап бор. Миллатимизаро кенг тарқалган ўнлаб қўшиқларнинг, ўз ўқувчиларига эга бўлган ўн тўққиз китобнинг муаллифи Тўра Сулаймон ўзбек бадиий тафаккурининг камёб сиймоларидан бири. У ҳамон қизғин ижодий фаолият билан банд. "***Ўлмасликка ишора ўланга ошиқлигим***",— дея умидланган шоирга ижодий омадлар ёр бўлишини тилмаймиз.

"Ўзбекистон овози" газетаси
1999 йил 31 июл

Қачондир қўйилган нуқтадан сўнг. Ўзбекнинг орли шоири Тўра Сулаймон "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига эга бўлди (1999), "Сайҳон" тўпламини чиқариб, китоблари сонини йигирматага етказди (2003), анчагина ҳикоя, шеъру мақолалар ёзди. 2005 йилнинг 8 сентябрида узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

РАУФ ПАРФИ

Замонавий ўзбек адабиёти, айниқса, шеъриятининг хилма-хил йўналишда ривожланаётганлиги унинг ёрқин истиқболидан далолатдир. Модернизм бугунги ўзбек шеъриятидаги жиддий услубий йўналишлардан бўлиб, миллий поэзиямизнинг янада тароватли ва таъсирчан бўлишини таъминлаётир. Бугунги ўзбек шеъриятида ўзига хос йўналиш яратган шоир Рауф Парфи миллий модерн шеъриятининг асосчиларидан бири ва энг йирик вакилидир.

Рауф Парфи 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Шўралисой қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Отаси — Парфи Муҳаммадамин ўғли анчагина ўқимишли киши бўлиб, шўролар қувғини даврида Фарғонанинг Водил қишлоғидан Шўралисойга келиб қолган. Онаси – Сакинахоним Исабек қизи ҳам завқи баланд, китоб кўрган, мумтоз адабиётни биладиган аёл бўлиб, у киши ҳам асли фарғоналик эди.

Рауф Парфи 1950 йилда Шўралисойдаги етти йиллик мактабга ўқишга боради ва у ерда 1956 йилгача сабоқ олади. Сўнг қўшни қишлоқдаги мактабга ўтиб, бу ерда 1958 йилгача таҳсилни давом эттиради. Саккизинчи синфни тугатгач, ўқишни Янгийўл шаҳридаги кечки мактабга ўтқазиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. У дастлаб Янгийўл туман газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлайди. Ўрта маълумот олгач, 1960 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факултетига ўқишга киради. У ердаги сабоқлар 1965 йилда битган бўлса-да, шоир "Марксча-ленинча фалсафа" деб аталмиш фандан ўтолмагани ва қайта имтиҳон топширишни истамагани учун университет дипломини ололмайди.

Рауф Парфи 1966-1967 йилларда Янгийўлда чиқадиган "Колхоз ҳақиқати" газетасида мухбирлик қилади. 1967 йилда Тошкентга келиб, Кинематография давлат қўмитасида муҳаррир бўлиб ишлади. 1971-1977 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди. Сўнг "Ойдин" газетасида, 1987 йилгача яна Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида меҳнат қилди. 1987-1989 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, 1989 йилдан 1997 йилгача уюшма Тарғибот

марказида катта муҳаррир, 1997-1999 йилларда "Жаҳон адабиёти" журнали бўлим мудири вазифаларида ишлади. Улкан ўзбек шоири Рауф Парфи Ўзтурк 2005 йилнинг 28 мартида юрак хасталигидан вафот этди.

Оламга ўзига хос кўз билан қарайдиган, унинг бошқалардан яширин гўзаллиги ва қабоҳатини пайқай биладиган Рауф Парфи болалигидан китобга ўч эди. Ўз даврининг таниқли кишиларидан бири Ҳамроқул Турсунқуловнинг қариндоши бўлгани учун унинг уйидаги жуда бой кутубхонадан бемалол фойдаланар, кечаю кундуз у ердан чиқмай, китоб ўқирди. Унинг китобсеварлиги шунчалик эдики, деярли тушунмаса-да, рус тилидаги китобларни ҳам қаторлаштириб ўқиб ташлайверарди.

Рауф Парфининг дунёқараши ва бадиий диди шаклланишида отасининг яқин ўртоғи, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик билимдони, таниқли ғазалнавис шоир Абдураҳмон Водилийнинг таъсири катта бўлди. Водилий ҳассос қалбли таъсирчан ўсмирга чинакам шеърият, унинг бадиий жозиба қудрати тўғрисида гапириб берар, саноқсиз мисраларни мисол тариқасида ёддан келтириб, Рауфни ҳайратга соларди.

Рауф Парфининг биринчи шеъри 1953 йилнинг 5 мартида ўн ёшида Сталин вафотига бағишлаб ёзилган марсия бўлди. У мактабнинг деворий газетасида босилган. Тақдирни қарангки, ижодини инсоният тарихидаги энг ёвуз жаллоднинг ўлимига марсия шеър ёзишдан бошлаган болакай улғайгач, инсон эрки ва ҳуқуқлари учун курашувчи ижодкор бўлиб етишди. Сал ўтиб, истеъдодли ўсмирнинг шеърлари туман газетасида чоп этила бошлади. Университетнинг биринчи босқич талабаси эканида унинг қаламига мансуб "Лайло" шеъри миллат ёшларининг энг севимли қўшиғи сифатида куйланарди.

Шоирнинг биринчи шеърлар китоби — "Карвон йўли" 1968 йилда босилди. Шундан кейин турли йилларда унинг "Акс садо" (1970), "Тасвир" (1973), "Хотирот" (1975), "Кўзлар" (1977), "Қайтиш" (1978), "Сабр дарахти" (1986), "Сукунат" (1989), "Тавба" (2000), «Сўнгги видо» (2005) каби шеърий китоблари чоп этилди. Ўзбек адабиёти ривожи ва миллий маънавият шакллантиришидаги улкан хизматлари учун 1999 йилда Рауф Парфига "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчиларини жаҳон шеъриятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш мақсадида дунё

адабиётидаги бир қатор машҳур асарларни она тилимизга таржима қилган. Чунончи, Байроннинг "Манфред", Нозим Ҳикматнинг "Инсон манзаралари", Маҳмуд Ҳодийнинг "Озодлик лавҳалари" ("Алвоҳи интибоҳ"), Карло Каладзенинг "Денгиз хаёли", А. Дюманинг "Уч сарбоз" ва бошқа кўплаб нодир асарлар Рауф Парфи қалами туфайли ўзбек китобхонларига етиб борган.

Рауф Парфи лирикаси. Ҳар қандай адиб ижодининг моҳиятини унинг шахсиятидан қидирган маъқул. Негаки, ижодкор ҳамиша ўз шахсияти доирасида ва унинг даражасида мавжуд бўлади. Чунки ижод жараёни ва унинг натижасида ҳам асосан яратувчи шахснинг қирралари намоён бўлади. Рауф Парфи шеърлари синчиклаб ўқилса, шоирнинг ҳамишалик норозилик руҳи сезилиб туради. У, биринчи навбатда, ўзидан норози. Негаки, шоир ўзининг нуқсонсиз одам эмаслигини билади, эзгуликлар қилгиси келади, аммо бунга имкон тополмайди. Дунё ҳодисаларидан мазмун талаб этади, лекин ўз шахсий ҳаётига ҳам тузукроқ мазмун беролмаётганини англайди. Шоир ўз норозилигининг сабаблари ҳақида ҳам ўйлайди, бу тўғрида хаёлга толади ва шундай бадиий тўхтамга келади: "***Мен куйиниб севаман, нетай, Мен куйиниб сўзлайман, холос***". Бу ҳақда таниқли шоир Асқад Мухтор: "Рауф Парфи – яралари очиқ шоир. Унда ҳазинлик кўп, ора-чора шунчаки марсия ҳам ёзиб ташлайди, тушкунлик аломатлари ҳам учрайди. Мен буни шоирнинг айбига йўймасдим. Шоир инсоний дардлардан холи бўлолмайди. Рауф Парфи эса, шоир сифатида ўзлигини тўлароқ ифодалашга интилади", — деганида тамомила ҳақ эди.

Рауф Парфи кўпчилик катта истеъдод эгалари сингари энг баланд идеалларга, энг юксак натижаларга интилади. Унинг қаламига мансуб: "***Ярим дунё унга керакмас фақат, Бутун Коинотни забт этмаги шарт***" мисраларида шоирларнинг шахсиятига хос шу жиҳатлар кўрсатилади.

Р. Парфи оламни бирор камчиликсиз кўргиси келади. Атрофдаги ноҳақлик, дунёнинг бир дунё кирликка тўлалиги, қирғинлар, зўравонлик, адолатсизлик, зулм шоирни норози қилади. Унинг шеъриятидаги муросасизликнинг илдизи айни шу ерда. Шоирнинг: "***Агар юрак ютиб қилсам ошкор, Сўзларим зулмга отилган ўқдир***" тарзидаги иқрори ҳам шахсиятининг, ҳам ижодининг моҳиятини акс эттиради. У муайян бир тузум ёки тизимга

эмас, умуман, дунёнинг кирлигига, ноҳақликка мухолифатда туради. Инсон кўнглидаги кирлик, алдов ва нопокликларга қарши боришга уринади. Шоир эркин руҳ эгаси бўлгани учун ҳам ҳар қандай қолипга, тартибга, интизомга ўз-ўзидан қарши бўлаверади. Ижтимоий интизом ва тартиб билан шоир гўё ўт билан сувдай бир-бирига терс. Шоир муросасизлиги шундан. Унингча, ижодкор учун мурosa, қониқиш ўлим демакдир.

Рауф Парфи алоҳида олинган бир инсоннинг ички оламини тасвирлашга интилади. У ўзини танимоққа уринаётган, ўзлигини топишга интилаётган кишилар руҳиятини чизади. Шоир олам ҳам, одам ҳам жўн эмаслигини яхши билганидан уларни жўн тушунгиси, изоҳлагиси, тасвирлагиси келмайди. Р. Парфи — ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатишдан кўра, кўнгил ҳақиқатларини, руҳият чинликларини ифодалашга мойил. Ҳеч ким кўрмаган ҳолатни ҳеч кимга ўхшамайдиган тарзда кўрсатиш унинг қисмати. Бу ҳол "Дилоромнинг кўзлари" шеърида яққол кўзга ташланади:

Маъюс эди сенинг кўзларинг гоят,
Гўё йўлсиз ўрмон баргларин тўкиб,
Қора ёрқинликда шивирлар оят,
Кўзларингни тинглаяпман энтикиб.

Шоир шеърда кўзнинг маъюслигини "йўлсиз ўрмон", рангини "қора ёрқинлик" дея суратлайди. У кўзни кўрибгина қолмайди, балки тинглайди. Негаки, яқин одамлар кўз орқали "сўйлаша" оладилар. Шу боис ошиқ маъшуқанинг кўзлари "айтган" сўзларни "энтикиб" тинглайди. Кўзлардаги ғуссанинг йўлсиз ўрмонга, нигоҳ нурланишининг "қора ёрқинлик"ка ўхшатилиши шеърга адоқсиз ҳазинлик ва тароват бағишлайди. Р. Парфи шеърларида руҳий ҳолат турғун эмас, балки тинимсиз ҳаракату ўзгаришда тасвирланади. Шунинг учун ҳам бир лаҳзалик ҳиссиёт кейинги кучли руҳий тўлғанишларга сабаб бўла олади:

Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,
Балким, қафас ичра уйгонган наво?
Балким, тошлоқларда қон ютган лола,
Йўқ, ҳавоси сўриб олинган ҳаво...

Ўқувчини ҳаёт ҳақиқати эмас, балки вазият ҳақиқати, ҳиссиёт жилвалари ром этади. Кўзларнинг қаъридан *"синиқ бир нола"*нинг таралаётгани, унинг *"қафас ичра уйғонган наво"* ёки шунчаки лола эмас, *"тошлоқларда қон ютган лола"* бўлиши мумкинлиги эҳтимоли кишини ўзига ром этади. Лекин бир неча босқичли ва мураккаб тасвир ҳали тугамайди. Инсоннинг иложсизлиги, чорасизлиги шеърда *"...ҳавоси сўриб олинган ҳаво..."* тарзида ифода этилади.

Р. Парфи ўзининг ўта шахсий ва интим туйғуларини ижтимоий ҳаёт билан аралаш, ёнма-ён ифода этади. Чунки у жамиятни ўзидан айри, ўзини эса жамиятдан ташқарида кўрмайди. Шунинг учун ҳам суюкли қизнинг қора ва маъюс кўзлари тасвири қуйидаги тарзда ижтимоий юкка эга нидолар билан уйғунлашиб кетган:

Туркистон, Туркистон, энди кулмасми,
Маломат, тутқунлик энди ўлмасми?
Бир совуқ мозорларми йўлларинда,
Эркинликнинг порлоқ нури инмасми?

Маъшуқанинг маъюс қора нигоҳи қаҳрамонни ҳам ҳаётдан бездиради, ҳам ҳаётга боғлаб туради. Шоир ана шу ғалати ва тушунарсиз мубҳам ҳолатни маҳорат билан ифода этади:

Кошки сувга чўксам. Чўкмасман. Сен бор.
Кошки ўтда куйсам. Куймасман. Сен бор.
Сен борсан. Сен борсан. Офтобим, порла,
Кўзларингда ёниб битай, севгилим.

Лирик қаҳрамон учун ёрнинг кўзлари шунчаки кўзлар эмас. Чунки уларда эзгулик ва қабоҳат, бахт ва бахтсизлик акс этади. Бу нигоҳлар ошиқни ҳамиша таъқиб этади, ўз ҳолига қўймайди. Шоир маъшуқасини ҳаётдаги оқликларни кўришга, улардан завқланиб, "наъша сочиб" яшашга ундайди. Шеърнинг сўнгги мисрасида шоир хаёлининг чегарасиз юксаклиги намоён бўлади: *"Мангулик осмони – бу теран кўзлар"*. Рауф Парфи шеърлари бир бора эшитиш ёки ўқиш билан англаниладиган битиклар эмас. Унинг битганларини қайта-қайта ўқиб, устида жиддий ўйга толиш, улардаги фикр ва туйғунинг илдизи қаердалиги хусусида

мушоҳада юритиш лозим бўлади. Шундагина нимадир илғанади, нимадир юқади.

Р. Парфининг "Ёшлик зангор фасл..." деб бошланувчи шеъри шоир ифода имкониятларининг ўзгача тарзда намоён бўлганлиги билан диққатга сазовордир. Ижодкор бу асарда телеграф усулига ўхшаш ифода йўлидан моҳирлик билан фойдаланиб, бадиий сўзнинг залворини орттиради:

Ёшлик. Зангор фасл. Кечди. Сарғарди.
Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.
Қора совуқларга отиб юборди.
Шамоллар пойида синмоқда хазон.

Шоир шеърнинг биринчи, иккинчи мисраларида ҳар бир сўз ёки бирикмани бир гапга айлантиради. "Сарғайди" сўзини атай "сарғарди" тарзида ва бир гап ҳолида қўллайди. Ҳамма қатори "сарғайди" шаклида ишлатганида, оҳанг мулойимлашган, мисралар замиридан келиб чиқадиган фожиа салмоғи сусайган бўларди. Негаки, "сарғайган"дан кўра "сарғар"ган япроқнинг синиши оғриқлироқ кечадигандай туюлади. Покиза хаёллар, юксак ва беғараз орзуларга ҳамдам ёшликнинг ўтиши *"Қора совуқларга отиб юборди"* тарзида образли ифода этилган. Узилган япроқни шамоллар чирпирак қилиб ўйнаганидек, хазон бўлган ёшлик ҳам ҳаёт шамолининг оёқлари остида синади. Тушунтириш мумкин бўлмаган руҳий ҳолат шу тариқа жуда ҳам моддий қилиб манзаралаштирилган.

Шеърнинг кейинги бандида дастлабки руҳий изтироб тасвири янада кучайган ҳолда давом эттирилади. "Сарғар"ган ва "тўкилган" фақат ёшлик оғочининг япроғи эмас, балки икки қалбни боғлаб турган туйғулар ҳам эди. Шоир парчаланган, ўлдирилган туйғуларни тирилтириб бўлмаслигини ***"Қанча фарёд қилмай қайтариб бўлмас"*** тарзида ифода этади. Аммо икки қалбга таскин берадиган бир нарса бор: ***"Ҳар қалай олдинда бордир сўнгги йўл, Токи етгунингча хотирот ўлмас"***. Сўнгги йўл – ўлим. Севгининг ўлими – қалбнинг ўлими. Инсон юрагининг ўлими эса, унинг тириклигига тириклигида қўйилган нуқтадир.

Р. Парфи шу шеърнинг адоғида ёшлигини сўнгги йўлга узатаётган кишининг бир лаҳзалик руҳияти манзарасини суратлантирган:

Видо табассумли олам, ёшлигим,
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,
Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,
Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,
Видо табассумли олам, ёшлигим.

Шеърнинг бандлари орасидаги боғлиқлик кўзга яққол ташланиб турмайди. Гўё улар бошқа-бошқа пароканда руҳий ҳолатлар тасвирига бағишлангандай туюлади. Аслида бу шеърда чигал бир туйғунинг уч босқичли манзараси акс эттирилган. Буни шеърнинг "ёшлик" сўзи билан бошланиб, шу сўз билан тугалланганидан ҳам билса бўлади.

Р. Парфининг инсон руҳиятидаги ўта чигал, мураккаб ҳолатларни тасвирлаган шеърларидан бири "Хато қилдим..." деб бошланадиган асардир. Шеър куюнчак ошиқнинг самимий иқроридан ибтидо олади: *"**Хато қилдим, севгилим, Хато қилдим беомон...**"* Шеърда тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйган қаҳрамон ҳиссиёти бутун чигаллиги ва барча товланишлари билан берилади. Муҳаббат йўлида қилинган хатони тузатишнинг биргина йўли бор эди, аммо ошиқ буни ҳам қилолмаётгани ғоят таъсирли акс этади:

Хато қилдим, севгилим,
Хато қилдим билмасдан.
Қани ютилса тилим,
Қалтираб турар қўлим,
Жигаримни юлмасдан.

Шеърнинг ҳар бандида *"**Хато қилдим, севгилим, Хато қилдим билмасдан**"* сўзларининг такрорланиб келиши қаҳрамон изтироблари миқёсини билдириб туради. Қилган хатоси ёр билан муносабатларини чигаллаштирганидан жизғанак бўлган шоир хатони тузатиш йўлини топгандай бўлади:

Хато қилдим, севгилим,
Хато қилдим билмасдан.
Мен суйиб хато қилдим,
Мен куйиб хато қилдим,
Ўлиб хато қилмасман...

Ишқ йўлида ҳамма нарсадан кечишга тайёр ошиқ ҳолати жамики мураккаблиги, имконсиз имкони билан бир бутунликда ифода этилгани шеърнинг таъсирчанлигини таъминлаган.

Р. Парфи шеърларида ижтимоий муаммоларни акс эттиришдан қочишга уринади. Лекин у асарларида ўз-ўзидан кескин ижтимоий хулосаларга бориб қолаверади. Чунки унинг шеърларидаги ҳиссиёт-у ўйлар чиндир. Чин фикр, асл туйғу эса ҳамиша ижтимоий моҳиятга эгадир. Буни шоирнинг "Оғриқ" шеъри мисолида яққол кўриш мумкин.

Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб,
Ёрилган ярадан чечаклар ўсди.
Юрагингнинг йиртиқ кўйлагин ечиб,
Багрингга босарсан: "Бормисан, дўстим?"

Дунёни нуқсонсиз кўрмоқчи бўлган ҳассос одамнинг талабчан нигоҳи "ёрилган ярадан чечаклар ўс"ганлигини пайқайди. Албатта, бундай ҳолатда шоир "дардни ичиб тугатиб бўлмай"диган кайфиятга тушади. Фақат шоирона хаёлгина оғриқлардан пора бўлган юракни "йиртиқ кўйлак" тарзида тасаввур этиши мумкин. Ва бу тасвир ўта мавҳум тушунчани аниқ бериш қудратига эга. Бу ҳолат шоирда *"Истироб уруғин экар ичингга"* тарзида таассурот қолдириши табиийдир. Чунки озурдажон шоирни *"гариб бахтиёрлик энди юпатар"*. Бахтиёрликнинг ғариблиги сабаби нимада экан? Чунки унинг вужудида *"Дунёвий аламнинг тошлари ётар"*. Шоир юрагида дарднинг борлиги – бахт. Лекин бахт бахтсизликдан, яъни дарднинг борлигидан эмас, бахтиёрлик, қувонч туфайли келиб чиқса, қанийди. Одам на ўз қалбига, на ўз ерига хўжа бўлолган вазиятда бахтиёрлик ҳам инсоннинг ўзи сингари ғариб бўлиши мумкинда. Шу боис ҳам шоир ўз қалбининг буйруғига кўра ватан тушунчасига қайтиб келади. Шеърда бу ҳолат унчалик ҳам кўзга ташланавермайдиган тарзда ифода этилган:

Ҳар ким ўз қалбига ўзидир хоқон,
Барибир мен сени севиб сизларман.
Эҳтимол ноҳақман, эҳтимол ҳақман —
Муқаддас Туркистон сўзин изларман.

"Туркистон" сўзи, ватан тушунчаси эрксевар шоирни руҳий турғунликдан чиқариб, унга жасорат беради, ҳаёт нафасидан баҳраманд этади, имонини собит қилади. Чунки ватан инсон ҳаётига мазмун бағишлайди:

Сўз менинг кўксимга санчилар ҳайҳот,
Шовулла, гуркира, ҳаёт нафаси.
Руҳга имон бергил, эй қодир ҳаёт...
Юрак деб аталган оғриқ бу – нажот,
Кўкрак қафасимиз – нажот қалъаси.

"Туркистон"нинг, яъни ватанни англатувчи сўзнинг, сўзга айланган ватаннинг шоир кўксига санчилиши табиий. Чунки асл ватан ташқарида ётган тупроқ эмас, балки шу тупроққа нисбатан кишининг кўксида пайдо бўлган муносабатдир, муҳаббатдир. Ватан тушунчаси одамнинг ташқарисидаги тупроқдан унинг руҳияти унсурига айлангандагина ҳақиқий қиммат касб этади. Шундагина одам ватан нималигини чиндан туяди. Покланмоқчи бўлган, ҳақиқатга интилаётган инсон нажотни жамиятдан, қудрат эгаларидан эмас, ўзидан, юрагидан қидириши лозимлиги, ҳар кимнинг ҳимоялай оладиган қўрғони ўзида эканлиги шеърда гўзал йўсинда, мутлақо ўзига хос шаклда тасвирланган.

Рауф Парфи шеърларида ўқувчига йўл кўрсатмайди, ақл ўргатмайди, ҳақиқат қаерда эканини таъкидламайди, балки ўз руҳиятини акс эттиради, ифодалайди. Алоҳида одамдаги асл юракда ўз дардидан ташқари, ўзгаларнинг ғамлари ҳам бўлгани учун, албатта, "оғриқ"ли. Шу сабаб қалбни ҳимоясиз қолдириб бўлмайди. Уни сақлаб турган қўрғон — кўкрак қафаси юракни ташқаридаги хуружлардан сақлайдиган қалъа. Айни вақтда, юракнинг ўзи кишидаги инсонийликни сақлаб қоладиган моҳиятдир. Киши юраги буюрганидай яшаса, эзгулик тантана қилиши табиий. Шоир шеърда ўзликни асраш ҳақиқатга олиб борадиган йўл эканини ишонч билан ифода этади. Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг: *"Аё сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни, Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз"*,- деган таъкидларида ҳам инсон кўнглининг қудрати кўзда тутилган. Замонамизнинг оташнафас шоири юксак эътиқодни, пок имонни намоён этишда узоқ аждоди қарашларига таянади.

Р. Парфи камолотга эришмаган шахсда илоҳийлик сифати бўлмаслигини билгани боис ҳам шеърда имонга, эътиқодда собитлик мақомига етказадиган даражадаги маънавий юксалиш шоирнинг қисмати эканини куйлайди.

Р. Парфи лирикасида ўзини тинимсиз излаётган, хатти-ҳаракатларини аёвсиз тафтиш қилаётган шахснинг руҳий ҳолатлари акс этган "Тавба" шеъри алоҳида ўрин тутади. Бу шеър ҳур туғилган ва бир умр эркка талпиниб яшаган шахснинг бу йўлдаги яхши-ёмон, қилган-қилолмаган амаллари учун яратганга муножотидир. Шеър: ***"Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим, Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман"***,- йўсинидаги очиқ илтижо билан бошланади. Биз сўфий шоирларнинг Аллоҳ жамолига интилиб ёзган ғазалларини ўқиганмиз. Уларда кўпинча Яратган маъшуқа сиймосида тасвирланар, шоир ошиқ саналарди. Р. Парфи айрим сўфий салафларигагина ўхшаб: "ошиқ ҳам сен",- дейди. Негаки, шоир ўзининг ҳам Яратганга тегишли, У туфайли эканини билади. Шу боис, ўзини ҳатто ошиқлик даъво қилишга ҳам ҳақсиз ҳисоблайди.

Шеърнинг қаҳрамони – комиллик йўлига кирган йўлчи. У қай тарафга қандай юрса, Ҳақиқатга етиш мумкинлигини билмоқ истайди. Шунинг учун ҳам унинг Аллоҳга муножотида том бир самимийлик сезилади:

Имон бер руҳимга, жисмимга жон бер,
Лойимни қориштир, поклаб бер менга.
Ожиз томиримга покиза қон бер,
Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга...

Ҳаётнинг адолати шундаки, ҳақиқат йўли ҳеч қачон яқин ҳам, осон ҳам бўлмаган. Шу боис қаҳрамоннинг муножотига берилган хаёлий жавобда:

Уммонлар йўлингда, жанглар йўлингда,
Номаълум ҳар жойда қурилган доринг.
Оламнинг калити сенинг қўлингда,
Жафо ҳабибингдир, хиёнат – ёринг

тарзидаги очиқ ҳақиқатлар қайд этилади. Шоир ўзини дунёнинг тузалиши, инсонларнинг бахтли бўлиши учун масъул деб

билади. Шунинг учун ҳам оламнинг шўришлари, ҳар қандай адолатсизлик, зўравонлик, ноҳақлик унга бевосита дахлдор туюлади. Бу қабоҳатлардан қутулиш йўлини излайди:

Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,
Инсон фарёдига тўлди коинот.
Набийлар, доҳийлар, шоирлар турди,
Чора, чора, дея сўрдилар нажот...

Шоир ўзининг буюк халоскорлик миссияси борлигини билади. Чунки оламни ҳақ сўзгина қутқариши, гўзаллаштириши мумкин. Шоир ҳақиқатга етиш учун тариқатнинг "етти водий-"сини босиб ўтишгада шай. Бу йўлда шоир ўлимигада рози. Зеро, ҳақиқат йўлида ўлмоқ ҳаққа етмоқдир:

Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим, ...мен ўлдим. ...Мен сенга етдим...

Шоирнинг: *"**Аллоҳим, лаҳза — мен, сен эрса мангу...**"*, - тарзидаги илтижоси ўзининг кимлиги ва Ҳақнинг нелигини билишини кўрсатиб турибди. Ҳақ йўлидаги ўлим лаҳзанинг мангуга қўшилишидир. Бу касратнинг Бир билан бирикишидир.

Рауф Парфи поэзиясига хос хусусиятларни ўзида ёрқин акс эттирган лирик асарлардан бири "Сенсиз" шеъридир. Агар шеър синчиклаб ўқилмаса, "сенсиз" дейилганда нима кўзда тутилганлигини англаш ҳам мушкул. Шеърнинг биргина ўрнида: *"**...Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг, Оҳ, қандай яшайман сенсиз – севгисиз?!**"*- тарзида қилинган мурожаат асар сарлавҳасида нима кўзда тутилганини англаш имконини беради. Бу шеърда ҳам имон, эътиқод, ҳалоллик йўлига тушган солиҳ инсон руҳий ҳолати акс этган. Лирик қаҳрамон атрофидан эзгулик нишоналарини излайди ва тополмагани учун унга олам кир, совуқ, вайрона ҳолида кўринади: *"**Совуқ. Атроф темир. Қўлимни очдим, Елкамда чатнади қайноқ қўргошин... Вайрона қаъридан кўкларга қочдим...**"* Покиза кўнгил вайрон дунёга сиғмайди, унга кўкдагина жой бўлиши мумкин. Бундай шароитда ишқ беқадр, тушунарсиз. Бу ҳолат шеърда "***Арзонга олдилар Мажнуннинг бошин***" тарзида ифода этилган.

Дунё қабоҳат, одамлар севгисиз бўлгани учун ҳам атрофда кўзни қувонтирадиган ҳеч нима йўқ: осмоннинг **"ранги ўчган"** ва **"хунук гулдирайди"**, бундан қийналган жон қуши **"аччиқ чирқирайди"**, шоир ёнида **"қонли булоқ чулдирайди"**, эзгулик, гўзаллик тимсоли бўлмиш **"атиргуллар беҳуш"**. Бу ҳолат шоирни мувозанатдан чиқаради, умидсизлантиради. У олам тартиботининг асоси, мавжудликнинг моҳияти ҳақида оғир ва хавотирли ўйларга ботади:

...Фурсат ўтмакдадир. Вақт бу — беомон,
Омонат дунёда омонат одам.
Виждон шеваси бор, меҳроби — имон,
Асл одамларни чорлайди бу дам.
Фалакка санчилиб қолган кўзим бор,
Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор.

Кўп бўлмаса ҳам безовта "асл одамлар" бор экан, омонат дунёда эзгулик бўлишидан умидланиш мумкин. Чунки олам ҳамиша яхшилар елкасидагина туради. "Чаманлар", яъни эзгулик масканлари ичра "оловлар", яъни ёнган юраклар борлиги шоирда ишонч туғдиради. У дунёнинг ҳам, ўзининг ҳам омонатлигини билади ва имонга топиниб, виждонига қулоқ тутиб яшашга интилади. Шоир кўкка, юксакликка кўз тикади, Тангридан нажот кутади.

"Шоир" шеъри Р. Парфининг ижодий йўналишини, санъаткорлик моҳиятини англатадиган асарлардандир. Унда шоир ижодкорнинг ижтимоий вазифаси, масъуллиги ҳақидаги ўй-хаёлларини акс эттиради. Чин шеър ҳаяжон демакдир. Ўзгани ҳаяжонга солган, руҳий мувозанатдан чиқарган шоиргина ҳақиқий ижодкордир. Чунки у ҳаяжондан яралади ва ҳаяжон яратади. Шеърдаги: ***"Охири ўлдирар мени ҳаяжон..."*** сатри айни шу ҳолатнинг ифодаси. Шеърда чин шоир замон билан, замоннинг зўрлари билан келишмаслиги, уларнинг йўлига юрмаслиги кераклиги ўз ифодасини топган. Ўзини жамиятнинг эгаси деб ҳисоблайдиган, ўзгалар тақдирига хўжалик даъво қиладиган "зўрлар" ***"Кибор чўққиларда музлаган баҳор..."*** тамсили орқали берилади. Чўққилар ёзда ҳам қордан қутулмаганидек, "зўрлар"нинг виқорида, кибрида ҳамишалик совуқлик, жонсизлик бор.

Кўнгилдаги музликларни эритиб, юракларга баҳорий илиқлик олиб кириш – чин шоирнинг вазифаси. Асл шоир ўзи учун ёзади, аммо ёзганлари қалбига доир бўлгани боис ўзгаларга таъсир қилади, уларни безовта этади ва ўзгартиради: *"Мункайиб қироат қилаётган чол Умрини бошқатдан бошлади яна"*. Шеърда шоирнинг дунё ва инсоният олдидаги миссиясини аниқлаш учун жиддий ва изтиробли саволлар қўяди:

...Йўқса, бу паришон тизмалар нечун?
Кимни шоир дея тан олар жаҳон,
Биз кимни шоир деб атаймиз бугун?

Шеърда шоирни қийнаган, шоирлик нималигини билишга қаратилган саволлар занжири узилмай давом этади:

Кимдир ул, эрмак деб куйларми, наҳот?
Сохта эҳтиролар чулғарми уни?

Шоирни бахт ҳақида, қувноқ ҳаёт тўғрисида шеър битаётган назмчилар ҳайратга солади. Чунки у кўриб турибди: ҳали яхши замонлар келгани йўқ, ҳали одамзоднинг бахти бекам эмас:

Йўқ!.. Йўқ, яралмади у билган ҳаёт,
Ҳали тугилмади шоирнинг куни.

Чинакам шоир одамни, унинг кўнглини бир четга қўйиб, табиатнинг гўзаллиги ҳақида шеър бита олмайди. Табиат одамнинг кўнгли, унинг мураккаб туйғулари сари олиб борадиган бир йўлгина, холос. Зеро, шеърда таъкидланганидек: *"Шоирни куйлатган табиат эмас, Шоирни куйлатган ҳазрати Инсон"*. Ҳазрати инсон эса ҳали мукаммал эмас. Ҳали унинг ёвузликлари эзгуликларидан кўра кўпроқ. Демак, шоирнинг хотиржам бўлишга, маддоҳлик қилишга, курашлардан чекинишга ҳаққи йўқ.

Дунё тартиботи жойига тушгунча, одамзод комилликка эришгунча *"Шоир юрагида собит интиқом..."* туйғуси ҳоким бўлиши керак. Чин шоирнинг сўзлари қалбига доир, аммо унинг ҳаёти ўзига доир эмас. Унинг омонатгина жони ватанига тикилган. Унга истеъдод шунинг учун берилган. Токи дунёда зулм бор экан, токи ҳаётда зўравонлик, адолатсизлик мавжуд

экан, шоир давр билан, жамият билан келишиши, қарсакбоз бўлиши мумкин эмас. Чунки у мавжуд ҳолат билан **"гўё ўт ва сув"**:

Тиккандир жонини Ватанига у,
Бу сўз қаршисида титрама, эй жон!
Юзма-юз келгандек, гўё ўт ва сув,
Юзма-юз келадир шоир ва замон.

Кўринадики, Р. Парфи ҳақиқий шоир замонасоз бўлмаслиги, унинг югурдагига айланмаслиги кераклигини XX асрнинг узоқ 70- йилларида гўзал ва таъсирли йўсинда ифодалаган.

Рауф Парфининг ижтимоий оҳанги яққол сезилиб турадиган асарларидан бири "Ассалому алайкум, дорнинг оғочи" шеъридир. Шеър ғоят эзгин ижтимоий-руҳий манзара тасвири билан бошланади:

Кўнглим қоронгудир, теварак тутун,
Ёлғиз бошим узра увуллар шамол.
Кўзларимни гажир аллақандай тун,
Сен кимсан, нимасан, сен кимнинг божи?
Ақлимни гижимлар ялангоч савол,
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Шеърнинг кейинги бандларида шоирнинг бу ҳазин ҳолати сабаблари ойдинлашгандай бўлади. Бунинг учун шоир савол қўйиш усулидан фойдаланади: *"**Туркийлар, айтингиз, бизда нима бор?**"* Ўз-ўзидан келадиган жавоб кўнгилни чўктирадиган: *"**Бизда бор мутелик, қуллик, озорлар, Бизда бор қўллардан кетган ихтиёр...**"* Кейинги банд ҳам шоир сўроғи билан бошланади: *"**Туркийлар, айтингиз, бизда нима йўқ?**"* Жавоб олдингисиданда аянчли: *"**Бизда йўқ – иттифоқ, бизда йўқ — бирлик**"*.

Шеърнинг кейинги бандларида шоирнинг изтироби авжланиб бораверади. У қадим Туркистон ва туркий халққа қарата шундай дейди:

Нон сўраб келганга жонингни бердинг,
Сендадир матонат, сендадир тоқат.
Қон сўраб келганга шонингни бердинг,
Юртингни бердинг сен, қаттол хирожи,
Ўлдирсанг, ўзингни ўлдирдинг фақат,
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Тоқатнинг ҳаддан ортиқлиги, андишанинг керагидан мўллиги ватанни ўлимга, халқни йитимга олиб келганлиги шеърда ўта таъсирли ифода этилади. Ўзгаларни аяб, ўзини ўйламайдиган, тарқоқ халққа қарата шеърда: *"**Ваҳки, отангни от, онангни ўлдир... Бўгизла толесиз болаларингни**"* тарзида иддао қилинади. Бу шоир исёни, норозилигининг авж нуқтасидир. Шеърнинг ҳар бир бандида такрорланиб келадиган "Ассалому алайкум, дорнинг оғочи" сатри дор ёқасига келтириб қўйилган халққа уйғоқ ва эркин руҳнинг чақириғи бўлиб янграйди.

Том лирик шоир Рауф Парфи қалам тебратган шеърий жанрлар унчалик турли-туман эмас. Унинг биргина йирик асари 1991 йилда ёзилиб, тўла тугалланмай қолган "Адашган руҳ" лирик достонидир. Асар охирига етмаган бўлишига қарамай, ўзбек шеъриятида ўзига хос бадиий тажриба бўлгани ва ёзилган қисмида муайян ички тугаллик борлиги учун ҳам у ҳақда тўхталиш мумкин. Достон анъанавий поэмалар сингари бирор сюжет асосига қурилмаган. Унда шоирнинг халқ ва ватан тарихига ҳиссий назари намоён бўлган, миллат ва унинг қисмати тўғрисидаги ўйлари сабаб туғилган долғали туйғулари акс этган.

Достон тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар қисм беш тўртликдан ташкил топган. Ушбу достон қисмларининг тузилишидаги ўзига хослик шундан иборатки, ундаги дастлабки тўртликнинг иккинчи мисраси иккинчи банднинг, учинчи мисраси учинчи банднинг, тўртинчи мисраси тўртинчи банднинг, биринчи мисраси эса бешинчи банднинг дастлабки сатри сифатида келади. Ўз навбатида, иккинчи тўртлик достоннинг иккинчи қисмида айни шу вазифани бажариб келади. Бу шаклий мураккаблик, оҳанг ўйини достон бандлари ва қисмлари орасида мустаҳкам боғланиш ва яхлит мусиқий оҳангдорлик бўлишини таъминлайди. Айни вақтда, адашган руҳнинг турфа ҳолати манзараларини чизиш имконини яратади. Шу тариқа, тасвирдаги таранглик достоннинг бошидан охирига қадар ушлаб турилади. Достоннинг биринчи қисми қуйидаги тўртлик билан бошланади:

Қуёшнинг ёгдуси қорадир,
Юлдузлар музлардир тўкилган,
Бу дарё узанган ярадир,
Дарахтлар – эгилган, букилган.

Миллий адабиётимизда шу кунга қадар бу йўсиндаги достон яратилмаган эди. Дунё достончилиги тажрибасида ҳам бундай асар кўп учрайди, деб бўлмайди. Асарда шоир адашган руҳнинг нигоҳини акс эттиришга, руҳидан айрилган шахснинг, миллатнинг ҳиссиётини ифодалашга уринган. Асар тасвиридаги фавқулоддалик ва ғайритабиийлик шу билан изоҳланади. Қуёшнинг қора ёғду таратиши, юлдузларнинг тўкилган музлар экани, дарёнинг узанган яралиги, дарахтларнинг тик эмаслиги шундан. Достон биринчи қисмининг иккинчи тўртлиги

Юлдузлар музлардир тўкилган,
Тошлардек қотмишдир тумонлар.
Ерларга тиконлар экилган,
Экилган ёлғонлар, гумонлар

шаклида. Эътибор қилинса, асарда инсон руҳига зуғум қилувчи, тазйиқ ўтказувчи ҳолат тасвири борган сари кучайиб бораётгани сезилади. Эркин руҳдан маҳрум, имондан адашган кишилар сабаб ватан шу ҳолатга туширилган. Биринчи қисмнинг учинчи банди:

Бу дарё узанган ярадир,
Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон.
Жимирлаб қайларга борадир,
Борадир безабон, бемакон

тарзида ифода этилган. Гарчи тўртликда халқ, ватан ҳақида ҳеч гап айтилмаган бўлса-да, тасвир шуларнинг аччиқ қисмати хусусида эканлиги ўз-ўзидан англашилиб туради. Кейинги бандда ифода янада қуюқлашади. Ниҳоят, биринчи қисмнинг бешинчи тўртлиги қуйидагича ифода этилган:

Қуёшнинг ёғдуси қорадир,
Мен унинг сочини ўргайман.
Наҳотки, энг сўнгги чорадир,
Адашган руҳни мен кўргайман.

Лирик қаҳрамоннинг ҳар онда ўзгариб, янгиланиб, алмашиб турадиган руҳий ҳолати, ҳиссиётлари унга адашган руҳни кўриш имконини беради.

Достоннинг иккинчи қисмидаги тўртликларда Туроннинг гизли ва ғариб ўтмиши тасвири биринчи қисмдаги сингари "энг гўзал, энг доно, энг ғариб" тарзида силсилали йўсинда ғоят оҳангдор ва таъсирчан усулда берилади. Асарнинг учинчи қисмида адашган руҳ Туркистоннинг шонли ўтмиши билан юзма-юз келади. Шунинг учун ҳам бу қисмдаги беш тўртликда бир қадар кўтаринкилик, шиддат акс этган. Ватанни, демакки, имонни йўқотмасликка интилган миллат кечмиши сабрдан иборат эканлиги жуда гўзал ифодасини топган:

Тошларга, харсангга санчилар
Чеки йўқ йўқликнинг ноласи.
Дийдалар, томчилар, қамчилар
Сабрнинг – Инсоннинг боласи.

Бу мисраларда инсон қисматидаги шўришлар бутун аёвсизлиги билан акс этган. Муаллифнинг сеҳрли қалами йўқликнинг чеки йўқлигини кўрсата билади. Дийдалардан томган томчи ҳам, уни томдирган қамчи ҳам инсон деб аталмиш сабрнинг боласи эканлиги тасвири мутлақо кутилмаган ва ўта таъсирли амалга оширилган. Муаллифда, адашган руҳда биргина ишонч, таянч – Ватан бор. Ана шу ишонч достонга некбинлик бахш этади:

Туркистон туғлари тикилган,
Ватансиз зотларнинг йўли берк.
Зорланган, зўрланган, тўкилган,
Эркидан айрилган қутлуғ эрк.

Ватан фақат бугун ёки эртанги кундангина иборат эмас. У – ўтмиш ҳам. Ўз ватанининг илдизини, кечмишини билган одамгина уни чинакамига сева олади. Шундай одамгина уни ичига сиғдира билади. Лирик қаҳрамон — ана шундай шахс. Шунинг учун ҳам у «эркидан айрилган қутлуғ эрк»ни туяди, уни қўмсайди. Унинг "Зорланган, зўрланган, тўкилган"лигидан озорланади.

Асарнинг тўртинчи қисмида ҳам тасвир баланд пардаларда давом этади. Чунки адашган руҳ "Тарихнинг темирдан девори" оша бўйлайди ва ўтмишни яқинроқдан кўришга эришади. Шунинг учун ҳам бу қисмда қаҳрамон туйғулари имо-ишоралар

орқали эмас, очиқроқ ифода этилади. Қаҳрамон ифтихорини бекитмагани сингари нафратини ҳам пардалаб ўтирмайди:

Билингиз бу – Турон диёри,
Қонлари дунёга сочилган.
Йўқ эрки, йўқ дўсти, йўқ ёри,
Дарчаси барчага очилган.

Ифода самимияти туфайли кечаги кун ҳақидаги тасвир бугуннинг руҳини акс эттиради. Кечаги реаллик бугуннинг армонига айланди. Дарчанинг барчага очилгани Туркистон халқларини бир-бирига ёвуқлаштириш ўрнига узоқлаштирди, унинг ёвларини эса, ватанга эга қилди. Бу ҳол достонда:

Экилган ёлғонлар, гумонлар,
Бергайдир, албатта, мевасин.
Бу тунлар, бу кунлар, бу тонглар,
Мен ва Сен, Мен ва Сен, Мен ва Сен

тарзида ифода этилган. Чиндан ҳам ёлғон ва гумонлар берган мева – "мен" ва "сен"нинг аччиқ қисматидан иборат бўлди. Достон ниҳоясига етмаган. Юқоридаги тўртлик унинг сўнгги бандидир. Асарда ватанга беқиёс меҳр қўйган улкан шахснинг самимий туйғулари маҳорат билан ифодаланган.

Рауф Парфи маҳорат ханжари билан қуролланган ва ҳар бир шеърини энг сўнгги имконга қадар сайқаллаш, такомилга етказишдан эринмайдиган шоирдир. У кўнгил розлари бўлган шеърларини ўзига эмас, балки миллати ва ватанига хизмат қилдирган ижодкордир. Шунинг учун ҳам бундай шоир шеърларининг умри муаллиф умридан узоқ бўлади. Р. Парфининг: ***"Даврлар қаърида инграйдир башар, Айтадир: "Шоир йўқ, шеърият яшар!"*** мисралари унинг ижодий қиёфасини акс эттиради.

Чин шоир эзгулик манзили сари ёлғиз кетиб бораётган йўловчидир. Йўл — машаққатли, манзил – олис, сафар — хатарли. Руҳнинг бардамлиги бу сафардан кўзланган манзилга етиш имконини беради. Рауф Парфи шундай руҳга эга ижодкордир.

2004

ФРАНС КАФКА

XX аср адабиёти тараққиётини янги йўналишга солиб юборган, бадиий адабиётда инсон ва унинг умри тасвирига тамомила ўзгача ёндашувни қарор топтирган Франс Кафка дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган ижодкордир дейиш мумкин. Туғилган ва яшаш жойига кўра прагалик чех, тилига кўра немис, таянган маданий анъаналарига кўра австриялик, миллатига кўра жуҳуд бўлган ёзувчи ўзида мутлақо келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, чигалликларни жамлаган одам эди. Кафканинг асарлари инсон тафаккурини ўзгартириб юборди, унинг адабиёт ҳақидаги тасаввурини янгилади, одам ва очунга ўзгача эстетик нуқтаи назардан қараш мумкин эканлигини кўсатди. Унинг асарлари кишиларга кунботишдан офтоб чиққандай таъсир қилади. Қизиғи шундаки, Ф. Кафканинг ижодий тақдири ҳам шахсий ҳаётига ўхшаш чигал эди. Ундан уч роман қолган бўлиб, учаласи ҳам тугалланмаган эди, учови ҳам адибнинг ўлимидан кейин чоп этилди.

Шахсияти, ҳаёти ва ижодий қисмати ҳанузга қадар кўпчилик учун жумбоқ бўлиб келаётган Франс Кафка 1883 йилнинг 3 июлида ўша пайтлар Австро-Венгрия империяси таркибида бўлган Прага шаҳрида туғилди. Отаси, қишлоқдаги қашшоқ ёғоч ўймакорининг ўғли — соғлом, меҳнаткаш, тиришқоқ ва бақувват киши шаҳарга келиб, интилувчан ва тадбиркорлиги орқасидан ўзига тўқ одамга айланди, кичикроқ фабриканинг эгаси бўлди. Уч қизи ва ўғли Франснинг камчилик кўрмай ўсишлари учун ҳамма нарсани қилди. Уларга меҳр кўрсатди, келажагини таъмин этмоқчи бўлди. Лекин ўзига тамомила терс руҳият эгаси бўлган ёлғиз ўғли билан бир умр келишолмай ўтди. Франснинг онаси руҳонийлар оиласидан эди. Эрининг қош-қовоғига қараган бу хокисор аёлнинг оилада бор-йўқлиги унчалик ҳам билинмасди.

Франснинг болалиги ғалати ўтди. У ғоят ичимдан топ, бошқаларга қўшилмайдиган, тенгдошларига ўхшаб шовқин-сурон қилмайдиган, ҳатто шўхликларни ёқтирмайдиган бола эди. Кафка Прагадаги немис гимназиясини тугатиб, 1901-1905 йилларда машҳур Прага университетида ҳуқуқшуносликни ўрганди. Шунингдек, санъат тарихи ва олмоншунослик бўйича ҳам маърузалар тинглади. 1906-1907 йилларда Прага шаҳар судининг адвокатлар идорасида амалиёт ўтади. 1907 йилнинг

октябридан бошлаб, хусусий суғурта жамиятига хизматга кирди. 1908 йилда Прага тижорат академиясида шу ихтисослик бўйича малакасини оширди. Шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш жароҳатлари билан шуғулланадиган яримдавлат суғурта идорасига ишга кирди. У докторлик илмий даражасини эгаллаганига ҳамда ўзи қилаётган ишни ғоят яхши билганига қарамай, бир умр кам ҳақ тўланадиган кичик лавозимларда ишлади. 1917 йилда сил касалига дучор бўлди. Шу йилдан эътиборан хизматга мунтазам қатнамайдиган, тез-тез таътил оладиган бўлди. 1922 йилда эса саломатлигига кўра нафақага чиқди. Шундан сўнг, 1923 йилда Берлинга кетди. У ерда бироз даволаниб, адабий юмушлар билан шуғулланмоқчи бўлди. Лекин соғлиғининг кескин ёмонлашиб кетганлиги туфайли адиб Прагага қайтишга мажбур бўлди. Франс Кафка 1924 йилнинг 3 июнида Вена шаҳри атрофидаги Кирлинг санаториясида вафот этди.

Шуниси қизиқки, Франс Кафка ижодини муайян босқичларга бўлиб ўрганишнинг, унинг қайси асари қачон ёзилиб, қачон чоп этилганини аниқлаб, унинг маҳорати қандай ўсиб борганлигини аниқ тайин қилишнинг имкони йўқ. Негаки, у кўпроқ ўзи учун ёзадиган адиб эди. Шу боис битганларини энг яқин кишиларига, шунда ҳам унчалик хушламай кўрсатар, тириклигида чоп этилган бир неча асарини эса, дўстларининг зўрловлари билан нашриётга топширган эди. Кўпинча, унинг ёзганлари столи тортмасида қолар эди. Шунинг учун ҳам дунё ёзувчининг адабий мероси миқёсидан унинг ўлимидан сўнггина хабардор бўлди. Кафка ўз асарларини яхши кўрмас, уларни чоп эттиришга деярли қизиқмас, ҳатто ўлими олдидан дўсти Макс Бродга ўзининг чоп этилмаган барча қўлёзмаларини тезда ёқиб ташлашни васият қилган эди. ***"Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман"***,- деганди Ф. Кафка дўстларидан бирига. У ўз асарлари ҳақида: ***"Мен уларни яратган лаҳзаларнигина ҳурмат қиламан, холос"***,- дерди. Шунга қараганда, Франс Кафка асарларини шуҳрат орттириш ёки қалам ҳақи учун эмас, балки ёзмасликнинг иложини топмагани учунгина ёзган дейиш мумкин.

Адабиётшунослар Кафканинг биринчи асари "Бир кураш тарихи" ҳикояси бўлиб, тахминан 1902-1903 йилларда ёзилган, сўнгги асари эса, адибнинг касали авж олган 1923 йилда яратилган "Қурилиш" ҳикояси, деб ҳисоблашади. Бошқа ҳикояларининг ёзилган йиллари маълум эмас. Адабиётшунослар ёзувчининг

романлари яратилган йилларни бир қадар аниқлашган. Мутахассислар адибнинг биринчи романи "Америка" 1911-1916 йилларда, иккинчи романи "Жараён" 1915-1918 йилларда, сўнгги романи "Қўрғон" эса 1921-1922 йилларда яратилганини айтишади. Ёзувчининг "Эврилиш", "Ҳукм", "Жазо колониясида", "Очлик устаси" ҳикоялари, "Отамга хат" эссеси ҳозирда жуда машҳурдир.

Кафка типидаги ёзувчининг асарларига илк бора дуч келган одам унинг битганларини ўқиб, дастлаб ҳеч нарса тушунмаслиги мумкин. Кафканинг асарларидаги чигаллик, тушунарсизликнинг сабабини билиш учун унинг шахсиятига хос хусусиятлар оламни идрок этиш тарзидан ҳам хабардор бўлиш талаб этилади. Негаки, у оламни, одамни, ҳодисаларни бошқалар сингари эмас, балки ўзича кўради ва оламни ҳам борича эмас, айнан ўзи кўрганича акс эттиради. Унинг ёзувчи сифатидаги нигоҳи одам сифатидаги қарашлари ўзгачалигининг инъикоси эди.

Айтилганидек, Кафка ўта ғалати шахсият эгаси бўлган. Ғоят қобилиятли Франс болалигидан ҳеч кимга ўхшамайдиган ўзига хос табиатга эга эди. Жисмонан ожиз, касалмандроқ бола жуда таъсирчан ва асабий бўлиб ўсди. У ҳамма нарсадан кўра озодликни, эркни севар, лекин ҳеч қачон эрксеварлигини очиқ намоён этмас, озодликдан қувониб кетмасди. Адиб ёлғизликни яхши кўриб, интилар ва айни вақтда, танҳоликдан ўтдан қўрққандай қўрқарди. Франс онасини яхши кўрар, лекин сира тушунолмасди. Отасини ўзича аямоқчи, кўнглини олмоқчи бўлар, аммо ундан жуда чўчирди. Яратиб берган барча имкониятлар учун у отаси олдида ўзини қарздор ҳис қилар, шу билан бирга, ўзидаги тортинчоқлик, иккиланувчанлик ва кучига ишонмасликнинг сабабчиси сифатида уни жуда ёмон кўрарди. Кафка шахсияти қарама-қарши туйғулар, хислатлар, қарашларнинг уюми бўлган, дейиш мумкин.

Кафка алоҳида ҳар бир одамни яхши кўриб, аягани, унинг бахтиёр бўлишини истагани ҳолда одамлардан имкон қадар четда туришга, ўз ҳолича яшашга интиларди. Ёзувчи: ***"Уйланиш, оила қуриш, менимча, одам қилиши мумкин бўлган ишнинг энг юксаги"***,- дея эътироф этади. Унинг назарида қандайдир аёл билан тил топишиш, унинг масъулиятини бўйнига олиб, биргаликда яшаш ўта мушкул вазифа эди. Шу боис Юлия Вохршэк деган қизга бир марта, Фелисия Бауэр деган қизга икки марта

унаштирилганига қарамай, оила қурмай ўтди. Яқин одамлари кўп бўлса-да, уни тушунадиган чин дўсти йўқ эди. Ўзини бошқалардан тортиб юриши сабаб интизомли ва билимдон ходим бўлишига қарамай, хизмат вазифасида кўтарилмади. Ўзини "адабиётман" дегани ҳолда, бор кучини сарфлаб ижод қилмади. Лекин унинг фақат ўзи учун, сиртдан қараганда, эрмакка қилган ижоди одам ва уни тасвирлашнинг моҳияти ҳақидаги неча асрлик эстетик қарашларни остин-устун қилиб юборди. Чунки Кафка оламни ҳам, одамни ҳам тамомила ўзига хос кўрарди ва ўзига хос тасвирлашдан қўрқмасди.

У ўзидан ташқаридаги борлиқдан таъсирланса-да, асарларида ундан нусха кўчирмас, воқеликни акс эттирмас эди. Ёзган асарлари воситасида адиб ўз ички дунёсидаги руҳий талотумларни ташқарига чиқариб, уларнинг зуғумидан қутулишга ҳаракат қиларди. Шу сабабли ҳам Кафканинг битиклари тамомила кутилмаган ва ўзига хосдир.

Ҳикояда одам руҳияти

Шуни айтиш керакки, фақат одатдаги асарларни ўқишга ўрганган одам Ф. Кафка ҳикоялари билан танишгач, дастлаб ҳеч нарса тушунмайди. Бунинг устига, бу ҳикоялар кишида қўрқув, ҳатто айрим ўринларда жирканиш туйғуларини уйғотиши ҳам мумкин. Фақат жиддий эътибор қилиб, ўзини Кафканинг ўрнига қўйиб кўрган ўқувчигина ниманидир англагандай бўлади ва унинг ҳикоялари биз севган ва яшаётган реал ҳаётдан қўрқинчлироқ эмаслигини тушунади. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари негадир ўзларини доим гуноҳкор ҳис этишади, аммо гуноҳи ва қўрқуви сабабини ўзлари ҳам билишмайди, ўқувчига ҳам англатишмайди. Кафка Аллоҳга ишонишни истаган, аммо унинг борлигини ақлига сиғдиролмайдиган даҳрий эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг энг мукаррам яратиғи бўлмиш одамларни астойдил севолмас, улардан эзгулик келишига ишонмасди. Адиб алоҳида олинган одамни суйгани ва аягани ҳолда бутун инсониятга ҳам, инсонлар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ҳам ишончсизлик ва нафрат билан қарар, улардан фақат ёмонлик келади деб ҳисоблар эди. У шу ҳолатдан умр бўйи азоб чеккан ва тортаётган азобларини адабий қаҳрамонларига ҳам ўтказган ёзувчидир.

Кафка ижодида ҳам, XX аср адабиёти тараққиётида ҳам унинг "Эврилиш" ҳикояси жуда катта ўрин тутади. Ҳикоя қаҳрамони савдо корхонасининг тиришқоқ хизматчиси, яқинларига жуда меҳрибон Грегор Замза кунларнинг бирида уйқудан қандайдир жирканч ҳашаротга айланган ҳолда уйғонади. Адиб бу воқеа қандай бўлганини, нима учун бўлганини тушунтириб ҳам, изоҳлаб ҳам, ўқувчини ишонтиришга уриниб ҳам ўтирмайди. Кафка учун муҳими, унинг нима учун ва қандай қилиб қирқоёққа айлангани эмас, балки унинг ҳашаротга айлангандан кейинги сезимлари, туйғуларини кўрсатиш эди. Ёзувчи кечагина ҳам ота-онасининг, ҳам синглисининг ёлғиз тиргаги бўлган йигитнинг бедаво ҳашаротга айлангач, ҳеч кимга керак бўлмай қолгани, бора-бора оиласидагиларга ортиқчалик қилиб, олдинига эътибордан қолгани, кейинчалик яқинларининг ундан қутулишга ҳаракат қилишгани, меҳру муҳаббат кўрсатиш ўрнига ҳимоясиз ва нотавон йигитни ўз ҳолига ташлаб қўйишгани тасвирини беради.

Кафка одамлардаги оқибатсизлик, бемеҳрликни кўрсатиш учун рамздан фойдаланади. Лекин у бошқа ижодкорлар минглаб йиллардан бери ишлатиб келган, қайси бир жиҳатлари билан ҳаётий асосларга эга бўлган рамзларни қўлламайди. Балки ҳеч кимникига ўхшамаган, одамнинг ақли бовар қилмайдиган рамзни ўзи яратади. Ёзувчи инсоннинг мутлақ беҳудуд ва интиҳосиз ёлғизлигини тасвирламоқчи, унинг аянч аҳволини бутун даҳшати билан кўрсатмоқчи бўлса, одамни қирқоёққа эврилтириб қўяқолади. У одамни бирор тўнка ёки ўз вужудининг бир бўлагига ҳам айлантириб қўйиши мумкин эди ва бу билан деярли ҳеч нарса ўзгармасди.

Ҳикояда Ф. Кафка одамлар орасидаги муносабатлар фақат манфаат учунгина эканлигини бутун яланғочлиги билан шафқатсиз тарзда акс эттиради. Ҳатто Грегорнинг онаси қирқоёққа айланиб қолган ёлғиз ўғлини кўргиси келмаслигини тасвирлар экан, адиб инсондаги оқибатсизлик чегара билмаслигини акс эттиради. Йигитнинг отаси эса, ўғли ҳақида қайғуриш у ёқда турсин, қирқоёқни уриб ҳайдайди, кўзига кўринишини истамайди. Неча ойлар давомида бирор марта эслаб ҳам қўймайди. Дастлабки вақтларда меҳрибонликлар кўрсатган, акасининг бошига тушган даҳшатли фожиани енгиллатишга уринган синглиси Грэта ҳам бора-бора унинг хонасини тозаламайдиган бўлади, акасининг овқат еган-емагани билан қизиқмай қўяди. Хуллас,

бошига мушкулот тушган ожиз одам ўзининг энг яқинлари томонидан унутилишга, ёлғизликка, ўлимга маҳкум этилади. Ҳолбуки, Грегор соғломлигида яқинлари ҳисобланмиш шу одамлар учун тиним билмас, ўшаларнинг ҳаловати учун ўзини ўтга-чўққа урарди. Ҳикоя сўнгида қирқоёққа айланган бахтсиз йигит одамларнинг оқибатсизлиги туфайли ўлгани тасвирланади. Даҳшатлиси шундаки, унинг ўлими яқинларини қайғуга солмайди, балки қувонтиради. Ҳатто улар шу ҳодисани нишонлаш учун шаҳар ташқарисига чиқиб, тоза ҳавода байрам қилишади.

Ҳикоядаги воқеалар тасвири, айниқса, ҳашаротга эврилган йигит ўйлари, изтироблари, умидлари, илтижолари ва ниҳоят ўлими тасвирини тушунган ўқувчи ларзага тушади. Кафка одамни ҳеч ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳолатга солади-да, унинг асл моҳиятини кафтдагидай кўрсатади. Ҳатто айтиш мумкинки, ёзувчи қаҳрамонни эмас, ўз ҳолатини тасвирлаётгандай бўлади. Шунинг учун ҳам рўй бермаганлиги, ҳатто рўй бериши мумкин ҳам эмаслиги шундоққина кўриниб турган воқеалар тасвири кишини ўзига жалб қилади, ўйга толдиради, муносабат пайдо қилади.

Франс Кафканинг машҳур ҳикояларидан яна бири "Жазо колониясида" деб аталади. Ёзувчи бир умр ҳар қандай жамият алоҳида инсоннинг эркини бўғади, уни ҳамиша ўзи истамаган ишни қилишга, ўзи хоҳламаганидай яшашга мажбур этади деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам унинг деярли барча асарларида жамиятнинг ёвуз, ғайриинсоний моҳиятини кўрсатиш асосий ўрин тутади. "Жазо колониясида" ҳикоясида бу ҳол янада бўртиброқ намоён бўлган. Ҳикояда қаҳрамон деб аташ мумкин бўлган тимсолнинг ўзи йўқ. Шунчаки персонажларгина иштирок этишади. Ҳатто бу персонажларга исм ҳам берилмаган. Бири саёҳатчи, иккинчиси офицер, учинчиси маҳкум, тўртинчиси соқчи ва бқ.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, у асардаги тимсолларга ном бермаганлигининг ўзи билан уларнинг умумлаштирувчилик кучини бўрттириб кўрсатишга эришган. Аввало, асарда жазо колонияси мисолида жамият тасвирлангани учун ҳам қатнашчиларга ном берилмаган, балки фақат уларнинг ижтимоий мавқеигина кўрсатилган. Чунки ҳар қандай жамият учун муайян одам эмас, у эгаллаган мавқе муҳимроқ. Иккинчидан, адиб-

нинг фикрича, жамиятнинг моҳияти шундан иборатки, у ўзига тарафдор бўладими ёки унга қарши турадими, барибир, ҳар қандай шахсни қиёфасиз кимсага айлантириб ташлайди.

Кафканинг асарлари синчиклаб ўқилса, ёзувчининг туш кўриш қонуниятига мувофиқ ижод қилишини сезиш мумкин. Яъни туш ҳеч қандай тартибга, қонуниятга, мантиқий асосга таянмагани каби Кафканинг асарлари ҳам ҳеч қандай қоидага риоя қилинмаган ҳолда яратилади. Адиб учун ўтмиш ҳам, келажак ҳам мавжуд эмас, унинг учун биргина бугун, ҳозир бор, холос. Шунинг учун ҳам у қаҳрамонларининг айни ҳолатга нима сабабдан қандай қилиб тушиб қолганини изоҳлаб, асослаб ўтирмайди. Кафканинг асарларида бошқа адибларники сингари чинакам бошланиш ҳам, чинакам тугалланиш ҳам йўқ. Шу сабабли ҳам ўқувчидан адиб асарларида рўй бераётган ҳодисаларнинг тасвирланаётган тарзда бўлаётганидан ҳам, унинг ҳеч қандай сабабсиз вужудга келаётганидан ҳам шубҳаланмаслик керак бўлади. Кафканинг асарларида ҳамиша ҳам ниманинг нима учун содир бўлганини изоҳлаш эмас, унинг қандай юз берганини тасвирлаш муҳим ҳисобланади.

"Жазо колониясида" ҳикоясида маҳбуслар жазо ўтайдиган колония – инсон яшайдиган жамият рамзи. Бу ерда шундай тартиб ўрнатилганки, маҳбусларни бир кишининг ўзи суд қилади, улар устидан ўзи ҳукм чиқаради, ҳукмни ўзи ижро этади ва энг даҳшатлиси шундаки, маҳкум бу жараёнда мутлақо иштирок этмайди, тақдири қандай ҳал бўлганидан бехабар қолаверади. Ҳам даъвогар, ҳам суд, ҳам ижрочи мартабасида бўлган, жазо машинасининг тинимсиз ишлаб туришинигина орзу қиладиган офицер маҳкумни ҳукмдан хабардор қилишни тамомила ортиқча деб ҳисоблайди. Унга ўзини оқлаш имконини яратишку хаёлига ҳам келмайди. Кафканинг талқинида жамият одамни худди шу колониядаги маҳбус сингари ожиз, ночор, ҳуқуқсиз қилади ва эркини топтайди.

Офицер – жаллодлик ва ёвузликдан иборат жазо машинасини қўллашнинг астойдил тарафдори. Шуниси ғалатики, бу машина ўз қурбонларининг танасига "**Адолатли бўл!**", "**Бошлиғингни ҳурмат қил!**" сингари шиорларни тиғ билан ўйиб ёзишга мўлжалланган ва бу иш офицер назарида одил суд намунаси ҳисобланади. Офицернинг фикрига кўра, суд жараёнида ҳар қандай одамга нисбатан "Айбдорлигига шубҳа йўқ"

қоидасига амал қилиш яхши самара беради. Унинг қарашича, ҳар қандай одам борлигининг ўзи билан ўз-ўзидан айбдор ва жазога лойиқдир.

Офицер – жамият тартибларининг тўғрилигига мутаассибларча ишонган кимса. Шунинг учун ҳам ўзи айбдор деб ҳисоблаган кишиларни азоблаб ўлдириб, роҳатланадиган бу шахс саёҳатчи унинг ғояларини қўлламаётгани, колониянинг янги коменданти у ўрнатган тартибларни ўзгартирмоқчи бўлаётганини кўриб, ўзини ўзи жазо машинасига солиб, тилкапора қилиб ўлдиради. Шу билан машинасининг ниҳоятда яхши ишлашини, бу хилдаги жазо энг адолатли эканлигини исботламоқчи бўлади. Мазкур ҳикояда жамиятнинг алоҳида одам устидан ўрнатган чексиз ҳокимиятидан норозилик уфуриб туради, ижтимоий тартибларнинг ғайриинсоний қиёфаси ҳеч қандай бўёқсиз кўрсатилади.

Кафка ҳикояларида инсон, кўпинча, иложсиз, маҳкум, эзилган, чеклаб ва қисиб қўйилган ҳолда акс эттирилади. Бу адибнинг жамият ва инсон, одам ва унинг ҳаёти мазмуни ҳақидаги қарашларининг оқибати эди.

Романларда инсон изтироби

Ижодий умри давомида Франс Кафка уч роман яратган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам адиб томонидан тўлиқ тугалланган эмас, бинобарин, тириклигида эълон қилинмаган. Унинг биринчи романи "Америка" деб аталиб, 1911-1916 йилларда яратилган. Асарнинг бош қаҳрамони — ўн олти ёшли ўспирин Карл Россман. Ўта содда, ишонувчан, камтар ва олийжаноб бу йигитча ахлоқсиз хизматкор аёл томонидан йўлдан урилади. Отаси эса, ўзини тийгани учун жазо сифатида уни Америкага жўнатиб юборади.

Кафканинг барча асарларида одам муҳитнинг қурбони ҳисобланади. Чунки ижтимоий муҳит, адибнинг назарида, ҳамиша одамга бегона. Американинг тамомила ёт муҳити эса ёш йигитчага икки карра бегонадир. Ёзувчи покиза инсоний туйғуларга эга инсон жамият томонидан қандай янчиб ташланишини Карл тимсолида таъсирли қилиб кўрсатиб беради. Россман ҳалок бўлади. Унинг алдов, зўрлик, ёвузлик асосига қурилган бу аёвсиз муҳитда тирик қолиши мумкин ҳам эмасди.

1921-1922 йиллар орасида ёзувчининг "Қўрғон" романи яратилди. Ф. Кафка ижодига, айниқса, унинг романчилигига синчиклаб қараган киши қизиқ бир ҳолнинг гувоҳи бўлади: унинг биринчи романи қаҳрамони Карл Россман деб аталса, иккинчи романи қаҳрамонининг исми Йозеф деб аталади-ю, фамилияси биргина К. ҳарфи билан белгиланади. Учинчи "Қўрғон" романи қаҳрамонида на исм ва на фамилия бор. У фақат К. тарзида аталади, холос. Албатта, бу шунчаки тасодиф ёки ёзувчининг ўз қаҳрамонларига от тополмай қолганидан эмас. Балки бу ҳолат тагида ҳам жиддий ижтимоий-эстетик маъно бор. Чунончи, Кафканинг фикрига кўра, жамият шахсни эзади, эрку ихтиёридан айиради, синдиради, уни ўз қиёфасидан маҳрум қилади. Эрку қиёфасиз одам эса қандай аталгани билан қиёфасизлигича қолаверади. Шу боис ёзувчи қаҳрамонига ном бермаслик орқали унинг шахссизлигини, қиёфасизлигини бўрттириб кўрсатишга эришади. Шу ўринда, Кафка романлари бош қаҳрамонларининг номлари ёки фамилиясида ҳамиша "К" товуши борлигига эътибор қилиш керак. Бу ҳол адиб қаҳрамонлари сиймосида ўз туйғулари ва қисматини кўрганига далолатдир.

"Қўрғон"нинг қаҳрамони К. ҳаётидаги энг катта мақсад — граф Вэствэст тасарруфидаги қишлоқда қолиб яшаш учун унинг идораси жойлашган қўрғонга кириб олишдан иборат. У туну кун ҳаракат қилиб, турли найранглар ишлатиб ҳам шу мақсадига эришолмайди. Романда муаллиф қўрғонни жамият тимсоли сифатида талқин этади. Алоҳида одам жамиятни тушуниши, унинг тартибларини англаши, унга мослашиши ва унинг бағрида яхши яшаши мумкин эмас. Романда ҳаётнинг маънисиз, инсон умрининг қадрсиз ва нурсиз эканлиги акс эттирилган. Қўрғонга кириш учун уринавериб, ҳолдан тойган К. ўлим тўшагида ётганида қўрғондан қишлоқда яшаш ва ишлашга рухсат берилгани ҳақда қарор чиққани маълум бўлади. Афсуски, ўлик на яшай ва на ишлай олади.

Франс Кафканинг номини бутун дунёга ёйган ва бадиий адабиётда одамга ўзга бир бадиий назар билан қараб, уни бошқача ракурсда тасвирлаш мумкинлигини кўрсатган асари "Жараён" романидир. Тўққиз бобдан иборат бу роман 1915-1918 йиллар давомида яратилган. Асарнинг ўзига хослиги шунчаликки, унинг боблари мавжуд ва уларга муаллиф ном қўйган бўлса-да, ёзувчи томонидан уларнинг тартиби аниқ белгилаб берилмаган. Яъни,

аслида, қайси бири биринчи боб, қайсиниси иккинчи, қай бири тўққизинчи эканлиги аниқ эмас. Кафка ижодий меросига васий бўлиб қолган М. Брод асарнинг ички мантиғидан келиб чиқиб, бобларни ўзича жойлаштирган. Биз буни бежиз таъкидлаётганимиз йўқ. Романнинг ҳар бир боби ўз ҳолича мустақил маънога эга бўлиб, кейингисига мантиқий боғлиқ эмас. Бу билан адиб жамиятда изчиллик, мантиқийлик, давомийлик йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Кафканинг барча асарлари сингари "Жараён" романини тушуниш учун ҳам ёзувчининг дунёқарашини яхши билиш талаб этилади. Адиб инсоният ҳаётида мантиқ ва тартиб борлигини тан олмайди. У бутун мавжудликни инсонга душман, унинг эркини, истакларини бўғадиган ёвуз куч ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи насрининг ҳар бир сатри жамиятда бирор-бир эзгу, одамга фойда келтирадиган нарсанинг йўқлигини кўрсатишга қаратилган. Улар инсон умрида маъно бўлишига ишонмаслик, абсурд, яъни англамсизлик ғояси билан суғорилган. Кафка асарларидаги асосий фикр одам ҳам, унинг умри ҳам, нарсалар ҳам, мавқе ҳам, ғоя ҳам, сўзлар ҳам қумга қурилган иморат ёки қўл билан ушлашга уринилган сув сингари омонат, ўткинчидир, фақат ҳаётнинг бу хил ўткинчи, тушунарсиз ва адолатсизлигидан қоладиган чалкаш ҳамда адоқсиз англамсизликкина доимийдир, деган қарашдир. Шунинг учун ҳам Ф. Кафканинг барча асарларида инсон фақат жамият ва вазиятнинг қурбони сифатида тасвирланади.

"Жараён" романи бош қаҳрамони соғлом, бақувват, ишчан, билимдон, ҳаётда яхшигина мавқега эга Йозеф К. муҳитнинг ана шундай кутилмаган ва тушунарсиз зарбасига дуч келади. Ҳеч бир сабабсиз гуноҳ қилганликда айбланиб, устидан жиноий иш қўзғатилади. Ёзувчи Йозефнинг қандай жиноят қилганлигини айтмайди, буни ҳатто имо-ишора билан бўлсин, билдирмайди. Қаҳрамон томонидан жиноят қилинган-қилинмаганлигининг суд учун ҳам, турли-туман тушунарсиз ва сирли идоралар учун ҳам, ёзувчи учун ҳам мутлақо аҳамияти йўқдай. Чунки жамиятда истаган одам устидан, исталган вақтда иш қўзғатилиши, суриштирув ва суд жараёни бошланиши мумкин. Инсон қонундан ҳимоя кутади, аммо аслида, айнан ана шу қонуннинг ўзи одамни энг кўп даражада жабрлайди. Ёзувчи Йозеф К. тақдири мисолида бу ҳолат бутун шафқатсизлиги, даҳшати, мантиқсизлиги, ёвуз-

лиги билан кўрсатиб берилади. Ғалатилиги шундаки, хавфли жиноятчи сифатида устидан иш қўзғатилган К. қамаб қўйилмайди, балки олдингидай ишга боради, доимгидай ҳаёт кечиради, нимадандир қувонади, кимдандир хафа бўлади. Адиб шу тариқа, қамоқ билан озодликнинг фарқи йўқлигига ишора қилади.

Романдаги тасвир бошдан оёқ кишида қўрқув, иложсизлик туйғуларини пайдо қилади. Қаҳрамонни ҳеч қандай асосу изоҳларсиз жиноятчига чиқарадилар, устидан иш қўзғайдилар, яъни суд жараёни бошлайдилар. У атрофдагилардан, қонун ҳимоячиларидан ёрдам кутади. Ҳамма ёрдам бермоқчи бўлади ва айни дамда ҳамма барча уринишлар бефойда эканига, иш бой берилишига ишора қилади. Қаҳрамон ишга кетаётиб ёки ундан қайтаётиб, ўз-ўзидан сирли ва ихтиёрсиз равишда турли даражадаги ҳуқуқ маҳкамаларида пайдо бўлиб қолаверади. Маҳкамаларнинг ҳаммаси қоронғи, ифлос, ҳавоси йўқ хоналарга жойлашган. У ердаги мижозлар ҳам хизматчилар ҳам, иложсизлик исканжасида. Улар қонун, инсоф ёки ўз иродаю истаклари билан эмас, балки вазиятнинг талаби, муҳитнинг йўриғи билан иш тутишга маҳкумлар.

Одамнинг ақли, топқирлиги, интилиши, уриниши ҳеч нарсани ўзгартиролмайди, ҳаёт худди тақдир сингари шафқатсиз ва беомон. Одам – фақат қурбон, мазлум, жабрдийда. ***"Сен бошқалардан ҳаддан ортиқча ёрдам кутасан, — дейди руҳоний К. га.- ...Наҳотки, сен бу ерда ёрдам ҳеч қачон астойдил бўлмаслигини сезмаган бўлсанг?"*** Мана шу ҳолат, яъни бирор ишнинг астойдил қилинмаслиги, ҳеч нарсага ишонч бўлиши мумкин эмаслиги кишини ваҳимага солади.

Асарда мавжуд ҳолатни ўзгартиришнинг иложи йўқлиги, дунёнинг тартиби инсон хоҳишларига қарши белгиланганлиги акс этади. Қамоқхона руҳонийси асар қаҳрамони Йозеф К. билан қонун ва унинг мантиғи ҳақида баҳслашар экан: ***"...қонун дарвозаси олдида эшик огаси туради. Ва қатагонга учраган бирон-бир киши келиб, ундан қонун қасрига ўтказиб юборишини илтимос қилади. Аммо эшик огаси айни пайтда уни ичкарига ўтказиб юбориш мумкин эмаслигини айтади. Арзгўй бироз ўйга ботиб қолади ва яна илтимос қилиб сўрайди: у бу ерга кейинчалик кирса бўладими? "Мумкин,— жавоб қилади эшик огаси,- аммо ҳозир кириш мумкин эмас". ...Эшик огаси унга курсича келтириб бериб, кириш томонига ўтириб туришига рухсат беради. Арзгўй унда***

кунлаб ўтиради, йиллаб кутади. ...Йиллар ўтса-да, арзгўйнинг эшик оғасидан имдод кутиш илинжи ўзгармайди. У яна бошқа дарбонлар борлиги, бу фақат шуларнинг биринчиси, бошқалар ҳам ҳали қонун қасрига киришга тўсқинлик қилиши турган гаплигини бутунлай унутади. ...эшик оғасининг қонун қасрига кириш бўйича иккита жуда муҳим тушунтириши бор. Биринчиси бўйича, айни пайтда эшик оғаси уни ичкарига киришга рухсат бериши мумкин эмас, иккинчисига кўра бу кириш жойи фақат унга белгилаб қўйилган",- дейди. Руҳонийнинг анча тушунарсиз бу гаплари ҳам ёзувчининг жамиятда ўрнатилган тартибларга ишончсизлигини, ҳам романда акс этган адоқсиз андуҳнинг сабабини ифодалайди дейиш мумкин. Яъни ҳар қандай одам қачондир қонун қасрига шу жойдан кириши мумкинлиги билан умидвор қилинади, лекин унинг айнан ҳозир бу қасрга кириши мумкин эмас. "Ҳозир" деган фурсат эса кунлар, ойлар ва йилларга чўзилиб, инсон ўлимига қадар давом этади. Энг муҳими, одам бу қасрнинг ичида нима борлигини билмайди, лекин унга айнан шу ерда адолат қарор топишини сингдиришган. Айни вақтда, унга кириш йўллари маҳкам беркитилган. Демак, қонун гўё одамга хизмат қилиб, унинг манфаатини ҳимоя этадигандай кўринса-да, лекин амалда бутунлай бунинг тескариси бўлади.

Кафканинг бу романида биз одатланиб қолгандай, изчиллик билан ривожланадиган, бири бошқасидан келиб чиқадиган ёки бири ўзгасини келтириб чиқарадиган воқеалар тасвири йўқ. Чунки ёзувчини воқеа ҳам, унинг ҳаётий ва ишонарли ёки уйдирма ва ишонарсиз эканлиги ҳам қизиқтирмайди. Адиб учун муайян шароитга тушиб қолган одамнинг ўша дамдаги ҳолати, руҳий изтиробларини кўрсатиш муҳим. Кафканинг асарларида қаҳрамонларнинг изтироблари тасвирланмайди, балки уларга қўшилиб, муаллифнинг ўзи чеккан изтироблар акс этади, дейиш мумкин.

Адиб фақат ўзи кўриб, туйиб ва тушуниб турган, лекин оддий одамларга кўринмайдиган, туйиб ва тушуниб бўлмайдиган мураккаб ҳамда чигал руҳий жараёнларни қаламга олади. Бу руҳий ҳолатлар, кўпинча, қаҳрамоннинг эртанги кунига умидсизлик уйғотади. Ёзувчининг ҳам, қаҳрамонларнинг ҳам умидсизлиги воқелик билан эмас, балки ўз-ўзи билан, ўзининг "мен"и билан аёвсиз тўқнашувнинг натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Муаллиф бутун эътиборини ўзи ва қаҳрамонининг "мен"ига қара-

тади. Бу худбинлик туфайли эмас, балки инсоннинг ҳаёт марказига чиқишни хоҳлаш, яъни одамнинг мартабасини баланд, тақдирини нурлироқ кўриш истаги туфайлидир.

"Жараён" романи қаҳрамони К. нинг терговчиларга қарата: "***...ҳаммаларингиз сотилган, занжири бир-бирига боғлиқ тўдасиз... сизлар ҳидлаб-искаб топмоқ, ўз кўзларингиз билан кўриб, ўз қулоқларингиз билан эшитмоқ учун бу ерга ёпирилиб келгансиз ва кўзни шамғалат қилиб, чалғитиш учунгина икки гуруҳга бўлиниб, мени олқишлаб турган экансиз; бу билан менинг мисолимдаги бегуноҳ бир кишини қандай қилиб қийнаб-азоблашни тажрибада синаб кўрмоқчи бўлгансизлар***",- деган гапларида инсонга ёт, уни қийнаб роҳатланадиган ижтимоий тартиблар тизимидан нафрат яққол намоён бўлади. Бу гаплар инсон тақдирига бепарво, уни овора қилиб, қийнаб, чалғитиб ва қандай қилиб бўлса-да, унинг бўйнига айб қўйишдан бошқа нарсани ўйламайдиган ижтимоий қатламларнинг асл ниятини фош этади.

Гап бу ерда фақат суд ҳақида эмас, адибнинг тасаввури ва асаридаги тасвирига кўра, инсон ҳаётининг ўзи суд жараёнига ўхшайди. Эътибор қилинса, К. ўзини нима учун суд қилишаётгани билан унчалик қизиқмагандай туюлади. У ўзини айбсиз деб билади, лекин айни вақтда, жазо белгиланишидан қўрқади. Демак, одам жамиятдаги ҳуқуқий идоралар томонидан айбдор саналиши учун айб қилиши, қонун бузиши шарт эмас. Чунки жамиятнинг қонунлари ўз моҳиятига кўра ёвуз, одамларга қаршидир.

Йозеф К. турли маҳкамаларда турлича кўринишли, турлича лавозимларни эгаллаган, аммо тақдири қўлларида бўлган одамларга бепарволик билан қарашда бир хил бўлган кимсалар билан кўп учрашади. Шу аснода у бу амалдорларнинг мақсади ҳам, миссияси ҳам одамга ёрдам бериш эмас, балки аксинча, уни ҳаётдан бездириб, хароб қилиш эканлигини англаб етади. Шунинг учун ҳам уларга қарши ўзига хос исён қилади. Лекин бу исён, биз кутгандай эмас, чинакамига ўзига хос: кетиб қолиш, гаплашмаслик, келмай қўйиш, қулоқ солмаслик шаклида ифода этилади.

Асарда ҳаётнинг, инсоний муносабатларнинг мутлақо чигал ва тушунарсиз эканлигига урғу берилади. Тириклик ҳодисалари шундай чалкашки, баъзан айбланаётган одам айбловчига қараганда эркинроқ бўлиб кўринади. Бу, кўп жиҳатдан, масалага қайси нуқтаи назар билан қарашга боғлиқ. Романда К. билан

қамоқхона руҳонийси ўртасидаги суҳбат тасвирида шу ҳолатга муносабат билдирилади: *"Моҳиятан олиб қарасак, арзгўй (айбдор) эркин киши. У истаса боши оққан томонга кетиши мумкин, фақат унга қонун қасрининг ичкарисига кириш таъқиқланади, эшик оғаси унга бор-йўғи шуни таъқиқлай олади. Арзгўй дарвоза тарафдаги ўриндиқчага ўтириб, шу ерда бутун умрини ўтказиб юборса ҳам, буни ўз ихтиёри билан қилади... Эшик оғаси эса, ўз вазифасига кўра, мана шу жойни қўриқлаб туришга маҳкум, у бу жойни — постни ташлаб ҳеч қаёққа кетиши мумкин эмас... "*,- дейди руҳоний. Чиндан ҳам, унинг бу гапларида мантиқ бор. Лекин бу мантиқ инсонга эрк бериш учун эмас, унинг ҳурлигини бўғиб, уни боши-кети йўқ чигалликлар занжирига маҳкамроқ боғлаб ташлашга хизмат қилади. Кўринадики, жамиятда ўрнатилган тартибларни англаш, унинг моҳиятига етиббориш мумкин эмас. негаки, қонун қасрининг ичкарисига кириб бўлмайди.

Ёзувчи асарида айнан шунга қарши исён қилади. У барча нарса, ҳатто, қонун ҳам одам учун бўлишини, унинг манфаатини ифода этишини хоҳлайди. Адиб инсонни ҳамма нарсадан, ҳатто қонундан ҳам баланд, ундан ҳам озод кўришни истайди. лекин ҳаётда ҳамиша бунинг аксига дуч келади. Шунинг учун ҳам роман қаҳрамони К. нинг: *"Бутун жамиятни ёлғон забт этажак "*,- деган гапи асар моҳиятини акс эттиради дейиш мумкин. Чунки адибнинг фикрича, ёруғ оламнинг мақсади бўлмиш инсоннинг эркига дахл қиладиган мантиқ ёлғон ва ёвуз мантиқдир. Кафка романда шахс ҳамма нарсадан ҳур ва юқори туриши керак деган фикрни илгари суради. Кўринадики, ҳаётнинг тартиблари ёзувчининг бош ғоясига мутлақо тескаридир. Шунинг учун ҳам нималиги маълум бўлмаган айби учун ҳукм қилинган қаҳрамоннинг ўлдирилаётган пайтдаги: *"Худди ит каби*",- деган сўнгги сўзлари одам умрига берилган ўзига хос баҳо ва инсоннинг жамият томонидан нечоғлик хор қилинганлигининг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Кафка инсон ҳаёти маънисизлиги асосини одам интилишларининг чексизлиги ва имкониятларининг чекланганлиги ўртасидаги туганмас қарама-қаршиликда деб билади. Одам жуда кўп нарсага эришмоқчи бўлади, ўшаларга тиним билмай интилади, ўзидан кечади, лекин кўпинча ҳеч нарсага эришолмайди. Кафка асарларида инсон зотининг мана шу ожизлиги бутун фожиаси билан акс эттирилган.

"Жараён" романидаги тимсоллардан бири савдогар Блокнинг: *"...гўё айбланувчининг тақдири унинг қиёфасида, айниқса, унинг лабларида шундоқ кўриниб турармиш. Ҳа, ҳакам сизнинг лабларингизга қараб ҳукм чиқаради..."*,- деган гапи ижтимоий тартибларнинг нечоғлик мантиқсизлигини кўрсатиши жиҳатидан муҳимдир. Кўринадики, инсон ҳаёти, унинг умри судлар (жамият деб ўқинг) учун сариқ чақачалик қимматга эга эмас, судловчилар жавобгарнинг лаб бичимига ёки қошининг жойлашувига қараб туриб ҳукм чиқараверишн мумкин. Адолат, қонун деган тушунчалар умумжаҳон ёвузлиги олдида ҳеч нарсага арзимайди. Бу қадриятлар ҳеч кимга керак эмас.

Инсон — ожиз, иложсиз, маҳкум. Одамнинг бу ҳолати Блок тилидан айтилган: *"Билганингиздек, мен савдогарман, биринчи навбатда, ҳозиргига қараганда ҳам кўпроқ савдо ишлари билан шуғуллансам дердим, бунинг учун эса иш охиригача етиб бориши ёки ҳеч бўлмаганда, қандайдир даражада равнақ олиши керак эди. Бунинг ўрнига, маъно мазмуни бир хил бўлган адоқсиз терговлар олиб бориларди, мен улардаги жавобларни, худди ибодатдаги оятлар каби ёддан, ҳеч нарсани ўйламасдан айтиб бера оламан, ҳар ҳафтада бир неча марта суддан идорамга ёки уйимга... тинимсиз чақирув қоғози юборилади, ...аммо яқин кунларда, ҳеч бўлмаса, ишни илк бор кўриш ҳақида бирон-бир аломат кўринай демасди"*,- тарзидаги гаплар ижтимоий муҳит ва инсон муносабатлари моҳиятини очиши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир.

Романда боши-кети йўқ суд жараёнига тортилган қаҳрамонлардан бирининг: *"...ишни кўриб чиқишни ҳеч ким тезлаштириши мумкин эмас, арз қилиб, ишни бир ёқлик қилишни талаб қилиб, қаттиқ туриб олишим беҳуда, бу уларга етиб ҳам бормайди..."*,- тарзидаги иқрорида шафқат билмай, совуққонлик билан юраётган ёвузлик машинаси қаршисида одам иложсиз, интилишлари самарасиз, фойдаси йўқ эканлиги бутун даҳшати билан кўрсатилган. Жараённинг ғайри инсонийлиги шунчаликки, вазифаси жавобгарларга кўмак бериш бўлган оқловчилар ҳам уларни қийнаш, одамни қонунга емиш қилиш билан шуғулланадилар. Шунинг учун ҳам бош қаҳрамон К.: *"Демак, оқловчининг иш услуби ўзи шунақа: Мижозини бутунлай ёруғ оламдаги ҳамма нарсани унутиб қўйиш даражасигача олиб бориш, уни ёлғон бир йўл билан ҳукм ўқилгунча умид узмасликка мажбур қилиб ту-*

ришдан иборат",- деган хулосага келади. Бу унинг жамият моҳиятни англаб етгани ифодасидир.

Ф. Кафканинг асарлари оғир ўқилади. Уларни дам олиш, лаззатланиш учун ўқиш мумкин эмас. Аввало, уларни тушуниш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини туйиш жуда оғир кечади. Чунки бу қаҳрамонларни яратган ёзувчининг ўзи бошқа одамларга мутлақо ўхшамайди. У оламни ўзигагина хос кўз билан кўради. Иккинчидан, Кафка ҳаётдан нусха олмайди, ундан ўрганмайди, балки асарларида ўз билганича ҳаёт яратади. Унинг асарлари қаҳрамонлари ҳам адиб яратган ана шу ҳаётнинг қонунларига мувофиқ умр кечиришади, мавжуд бўлишади. Учинчидан, ижтимоий тузумнинг ҳар қандай механизмида фақат инсонга зуғум қилувчи, зулм ўтказувчи воситани кўрган адиб, инсонни қора ранглар қуршовида, адоқсиз бахтсизликлар оғушида тасвирлайдики, бу китобхонни руҳан толиқтиради, мувозанатдан чиқаради, унда умидсизлик пайдо қилиши ҳам мумкин. Лекин инсонни ўзгача бир ҳолатда кўрмоқчи, одам ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблигини англамоқчи бўлган киши Кафканинг асарларидан хабардор бўлиши керак. Чунки Франс Кафка тасвирлаган одамлар фақат унинг асарларидагина мавжуд. Лекин уларнинг туйғулари, ҳиссиёти ҳамманики қаторидир. Шунинг учун ҳам биз уларни англашимиз, туйишимиз мумкин.

Шуни айтиш керакки, ёзувчи сифатида ҳеч бир адабий мактабга аъзо бўлмаган Франс Кафка ҳеч қандай ёзувчини, ҳеч қайси жиҳатдан такрорламайди. Худди шунингдек, унинг адабий мактаби бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу мактабдан бўлиш учун Кафка сингари ёзиш талаб этилади. Кафка каби ёзиш учун эса Кафка каби яшаш, туйиш, таъсирланиш керак бўладики, бунинг асло иложи йўқ. Чунки инсон тақдири бетакрор ва вариантсиздир. Кафканинг асарлари такрорланмас ва ўхшашсиз инсонларнинг қайтарилмас ҳамда ғаройиб ҳаёти тасвиридан иборат бўлгани учун ҳам қимматлидир. ***"Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман"***,- деганди Ф. Кафка дўстларидан бирига. Унинг бу гапи чин эканини вақт исботлади. Бетакрор адибнинг ижодий умри узоқ бўлади.

2004 йил сентябр

КЕЧАДАН БУГУННИ ИСТАГАН АДИБ

Кунчиқиш юртларида туғилган кунни нишонлаш, юбилейлар ўтказиш азалдан урф бўлмаган. Чунки Чиқишда ҳақли равишда бирор кунда туғилиш у ёки бу кишининг хизмати эмас деб қаралган. Бинобарин, одамнинг ўзи томонидан тайин этилмаган кунни нишонлашда у қадар чуқур мантиқ кўрилмаган. Балоғатга етган одамнинг қандай яшаши унинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун ҳам умрнинг муайян босқичларида ортга бир назар ташлаб, босиб ўтилган йўл тўғрисида ўйлаб кўриш, янги марраларни белгилаш мақсадида юбилейлар ўтказиш ортиқчалик қилмайди. Шоир, драматург, носир, таржимон ва арбоб Эркин Самандарнинг етмиш ёшга киришини шу маънода эътиборга лойиқ ҳодиса дейиш мумкин. Чунки бу ёшдаги одам, айниқса, ижодкор энди фақат ўзигагина тегишли бўлолмайди. Бу ёшдаги оддий одам қайсидир жамиятда яшагани, бола-чақаси борлиги, қаердадир ишлагани учун ўз-ўзидан ижтимоий ҳодиса, бу ёшдаги ёзувчи эса, табиий равишда, социал-эстетик феномендирки, унинг ижодий йўлини ўрганиш, аслида, миллат ижтимоий-эстетик тафаккури тараққиёти тарихини варақлашдир.

Ўзбекнинг катта бир шоири: "Фақат ўтмиш билан яшамас инсон Гарчи бўлолмайди ундан ҳеч озод",- деб ёзганидек, алоҳида бир одам ҳам, бутун одамият ҳам фақат ўтмишга боғланиб қолмаганидек, унингсиз ҳам мавжуд бўлолмайди. Чунки бугун кечадан, эрта бугундан туғилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллий адабиётнинг юксаклик даражаси унинг ўз миллий ўтмишини қанчалик теран акс эттирганлигида намоён бўлади.

Эркин Самандар асосан тарихий мавзуда қалам тебратадиган, миллатнинг ўтмишидан унинг бугунги маънавий қиёфаси илдизларини қидирадиган ижодкор. Шуниси диққатга моликки, адиб миллат тарихида қачондир бўлиб ўтган воқеани эмас, балки ўша воқеани содир этган, унинг айни тарзда кечишини таъминлаган одамларнинг руҳий ҳолатини акс эттиришга кўпроқ эътибор беради. Бу жиҳатдан унинг машҳур тарихий шахсиятларнинг инсоний қирралари акс эттирилган "Аждодлар қиличи", "Ёт ҳужра", "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" каби драмалари, "Тангри қудуғи", "Жалолиддин Хоразмшоҳ" сингари романлари диққатга сазовордир. Адиб ўз ижоди орқали ҳамиша ўзи туғилиб-ўсган Хоразм деб аталмиш сеҳрли маъво тари-

хининг гоҳ шонга, гоҳида қонга эш бўлган сирли саҳифаларини варақлашга уринади.

Таниқли шоир, қатор йирик эпик полотноларнинг муаллифи, бир қанча саҳна асарлари билан тилга тушган драматург Эркин Самандар деярли бутун ижодини ўтмишни бадиий тадқиқ этишга, аждодлар руҳиятидаги ҳиссий тўлғамларни акс эттиришга бағишлади. Адиб учун мозийни тасвирлашнинг ўзи мақсад эмас. У ўтмишнинг пучмоқларидан халқимиз табиатидаги улуғлик ва майдаликнинг илдизларини қидиради, кечадан бугунни топишга, ҳозирни ўтмиш орқали изоҳлашга уринади. Ҳатто Э. Самандарнинг лирик асарлари ҳам кечанинг руҳи билан тўйинтирилгандай туюлади.

Юракларга солинган йўл

Кўпчилик адиблар сингари Э. Самандар ҳам ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Унинг шеърлари худди шахсияти сингари сокинлиги, равонлиги, кутилмаган долғалардан холи эканлиги билан ажралиб туради. Шоир ифода йўсинида шаклий бетакрорликка, ифодавий тажрибалар қилишга интилмайди. Лекин унинг кўпчилик шеърларига самимийлик, туйғулар ҳаққонийлиги, сезимлар бетакрорлиги хосдир. Уларда энг ичкин ҳиссиётлар назокат билан майин ифода этилади. Буни шоирнинг "Юракка йўл" шеъридан олинган қуйидаги сатрлар мисолида ҳам кўриш мумкин:

Энди йўл қураман ўзим Сиз томон
Тамомий йўллардан бўлакча бўлур.
Ингичка бир сўқмоқ кўзлардан пинҳон
У тўғри юракдан юракка бўлур.

Шоир симобдай ўзгарувчан руҳий ҳолатларни, инсоннинг муқим бўлмаган ижтимоий-ҳиссий рутбасини тасвир этганда ҳам ўз ифода йўсинига содиқ қолади. Шунинг учун ҳам кечагина суйгулисининг энг яқин маҳрами бўлиб, бугун унинг меҳридан маҳрум бўлган кишининг ҳолати ортиқча эмоционал долғаларсиз тасвир қилинади. Ифода сиртдан сокин, шеърда ўтли оҳ-воҳлар, кескин хулосалар йўқ, лекин шоир руҳий ҳолати пўртанали:

Кечагина Сиз-ла сарафроз
Ишқ боғида мен адҳам бўлдим.
Кеча эдим Сиз ила ҳамроз
Бугун эса номаҳрам бўлдим.

Шоир ўқувчини ҳаётий вазият, руҳий манзара билан юзма-юз қилади. Ундан таъсирланиш, муносабат билдириш ва хулоса чиқаришни шеърхоннинг ўзига қолдиради. Лирикада холис тасвир шеърнинг таъсир кучини, ҳиссиётлар ҳароратини пасайтириши мумкин. Фақат туйғулар чинлиги, ҳолатнинг самимийлиги, кечинмалар табиийлиги мисраларга жозиба бахш этади:

Бугун мен йўлларда паришон,
Кимсасиз кўчанинг маҳрами.
Кечаги ҳамхона қадрдон,
Кечаги кунларнинг адҳами.

Шоир ўқувчига ўз ҳиссиётини тиқиштириб, уни туйғудошликка, ҳамдардликка чорламайди. У битганларида гўё ўз руҳиятини ўзи ташқаридан кузатаётгандай бўлади. Бу ҳол ўқувчига шеърдан ўзига ўртоқ сезимларни туйиш имконини беради.

Э. Самандар лирикасида кўпинча инсонга, жамиятга хос хусусиятлар табиат ҳодисаларига кўчирилади. Бу ҳол тасвирнинг таъсирчанлигини ошириб, туйғулар универсаллиги, сезимлар умумийлигини таъминлайди:

Оёқлар остига тўкилар хазон
Дарахтлар йўлларга сочишар гамни.

Шеърда тасвирланаётган ҳолатга инсоний муносабат, баҳолаш сезилиб турган бу мисралардаги ҳазинлик, тушуниксиз мунг куз манзарасининг ўзи туфайли эмас, балки унинг шоир кўнглидан ўтиши сабабли пайдо бўлган. Ўқувчи кузги оғочлардан тўкилаётган япроқлар билан ўз умри ўртасида қандайдир мувозийлик топади ва бу ҳолат унда ҳасрат пайдо қилади.

Э. Самандар туйғуларини кўз-кўз қилмайди, ҳиссиётнинг ўзини ифодалашдан кўра, уни келтириб чиқарган ҳолатни тасвирлашга кўпроқ диққат қаратади. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари замиридаги маънолар, мисралар қатига беркитилган туйғулар

дарров кўзга ташлана қолмайди. Таъби нозик, синчков ўқувчигина уларни пайқаши мумкин. Э. Самандарнинг "Ноябр далалари" тарзида қуруққина номланган бир шеъри бор. Унда шоир кеч кузги ўзбек даласини тасвирлайди. Бундан йигирма йиллар олдин яратилган бу шеърда ҳосилдан бўшаган пахта даласининг тароватсиз манзараси ёддан қоладиган йўсинда чизилади:

Кечаги бодроқдай чаноқлар бўм-бўш,
Қуруқ ва қўнғирдир гўзапоялар.
Униққан аёлдай отизлар ўйчан,
Юзи-кўзларини изғирин ялар.

Очилиб ётган бўм-бўш чаноқли қуруқ қўнғир ғўзапоялар, экинзорларнинг чарчаган, рангпар, ғамбода аёлдай ўйчанлиги ва юзу кўзларини кузги изғиридан ҳимоя қилолмаслиги тасвири кишида аниқ, лекин ёқимсиз таассурот уйғотади. Шоир тасвирни пахтазордан шотутга, ундан одамга кўчириш асносида ифоданинг кучини босқичма-босқич орттириб боришга эришади:

Шотутнинг уч-тўртта қуруқ япроғи
Шохига ёпишиб турар омонат.
Чўгирма кийган чол юзин иситар
Бир чимдим шуълага айлаб қаноат.

Бир чимдимгина қуёшга юзини тоблаётган чолнинг қаноати таъкидланиши бежизга эмас. Биргина шу образда сабру бардоши чегара билмайдиган миллатнинг руҳияти ўз ифодасини топган. Ҳеч қаердан илиқлик тополмаганидан бир чимдим қуёшга исинишга мажбур чол тимсоли ўқувчи эътиборини табиатдан одамга кўчиради. Тасвирнинг кейинги босқичида манзара бутун жамият ҳолатини ифодалашга йўналтирилгандай бўлади. Унда ҳамиша уйқуда бўлгани учун атрофида не бўлаётгани билан иши йўқ, тараққиётнинг суръатидан, ҳаётнинг шиддатидан хабарсиз одам тимсоли чизилади.

Инқиллаб ўтади четан арава,
Устида эгаси ухлаб боради.
Кўприкнинг остида Ўзбекёп тўнғиб
Феруза сувлари яхлаб боради.

Четанарааванинг инқиллаши, устидаги одамнинг уйқуда экани кеч куз манзарасининг нохушлиги тасвири пайдо бўлган таассуротни янада куяайтиради. Сўнгги икки қаторда одамнинг, одамларнинг бепарволиги, совуққонлиги гўё Ўзбекёп – Ўзбекариқнинг музлашига сабабдай тасвирланади. Шеърда ариқнинг Ўзбекёп экани таъкидланишида ўқувчига миллатга, халққа ишора яширингандай туюлади.

Биз ушбу мақоланинг бошида Э. Самандарнинг шаклий тажрибаларга ўч эмаслигини, янги лирик манзилларга эски йўллар билан боришни кўпроқ маъқул кўришини алоҳида таъкидлаган эдик. Лекин шоир шеъриятидаги бу етакчи жиҳат унинг ижодида бадиий экспериментлар мутлақо йўқлигини англатмайди. Жумладан, шоирнинг "Узоқдаги оқ елкан", "Дўстлик" шеърлари кейинги бадиий тажрибаларнинг намуналаридир. "Узоқдаги оқ елкан" шеърида оқ елканли кема – болалигига қайтмоқчи бўлган киши кечинмалари ўзгача бир йўсинда тасвир этилади:

Фақатгина елканни эмас,
Мен кемани ҳамда ундаги
Болакайни – ўзни кўрмоқлик
Истагида типирчилайман.

Эътибор қилинган бўлса, бу мисраларда Э. Самандар шеъриятига ҳамиша хос бўлган анъанавий унсурлар кўзга ташланмайди. Шоир шеърларга оҳанг бағишлашга, унинг қаторларини ўзаро қофиялашга эътибор ҳам қилмайди. Лекин унда лирик қаҳрамон туйғулари долғасини, ҳислари бебошлигини табиий акс эттиришга эришади. Инсон умрининг тозалик, беғуборлик, эзгулик босқичи болаликнинг тимсоли бўлмиш оқ елканли кемани қайтариш мумкин эмаслиги, ундан ажралиш, уни тополмаслик шоир учун маънавий ҳалокат. Шу боис шоирнинг қуйидаги ҳолати тасвири чин ва ишонарли:

Ваҳм босар дилимни бирдан
Ажралгандай Болалигимдан.
Кўзларимдан ёшлар тирқирар
Ва у ювар қорачугдаги
Катта-кичик догларни аста.

Шоир йўқотилган эзгулик, бой берилган беғуборлик учун тўкилган кўзёш киши қалбини поклашини ўзига хос йўсинда таъсирли акс эттиради.

Эркин Самандар шеърияти шоирона юракдан ўзга юракларга солинган кўз илғамас йўл эканлиги унга хос ана шу жиҳатларда ёрқин намоён бўлади.

Эпик кенгликлар имконияти

Э. Самандар бир шеърида: "***Менинг юрагимда бордир сувратлар Аксари чизилган шуълалар билан***",- деб ёзади. Ёзувчининг ўтмишни акс эттиришга бағишланган асарларида ҳам ана шу шуъла ёлқинланиб туради. Тарихнинг энг фожиали, қонларга ғарқ бўлган ҳолатлари тасвирланганида ҳам адиб одам табиатидаги ёруғ жиҳатларни, уни улуғлайдиган эзгу сифатларни кўра ва акс эттира билади. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, у буни атай асарига ёруғлик киритиш учун қилмайди, балки тасвирга олинган инсон феълидан келиб чиққан ҳолда табиий ифода этади.

Ёзувчининг 1989-1994 йилларда ёзилган "Тангри қудуғи" романида Хива ҳукмдори Арабмуҳаммадхон билан унинг отабезор ўғиллари: Ҳабаш ва Элбарслар ўртасидаги шафқатсиз тўқнашув фожиаси акс эттирилган. 2001 йилда Э. Самандар айни шу воқеаларни "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" трагедиясида ҳам тасвирлайди. Бир тарихий ҳодисанинг бир адиб қаламидан чиққан икки адабий турга мансуб асарда акс эттирилишини текшириш ёзувчининг бадиий маҳоратини, унинг инсонга ёндашув йўсинидаги ички тадрижни, айни ижодкорнинг турли адабий турлардаги асосий ифода тамойилларини кўрсатиш имконини беради. Шунингдек, бу ҳол адабий тур талабидан келиб чиқиб, муайян тарихий воқелик ва унинг иштирокчиларига ёндашув йўсинидаги ўзгаришлар кечимини ҳам яққол кўрсатади.

Э. Самандар "Тангри қудуғи" романида катта эпик жанрнинг имкониятларидан анча усталик билан фойдаланган ҳолда Арабмуҳаммадхон, унинг ўғиллари: Исфандиёр, Абулғози, Ҳабаш, Элбарс ҳамда уларнинг атрофидаги тарихий шахсларни турли ракурсларда тасвирлайди. Ушбу романда адибнинг маҳорати сюжет қуриш ва унинг қисмларини ўринлаштиришда тўла намоён бўлган дейиш мумкин. Асардаги ўнлаб қаҳрамонларнинг

бирортаси ёзувчи назаридан, яъни сюжет чизиғидан четда қолмаган. Уларнинг ҳаёт йўли тасвири асарнинг сюжети ривожида ўзига хос ўрин тутади. Кўплаган тарихий шахслар ва тўқима образлардан бирортасининг тақдири ҳам муаллиф назаридан қочмаганидан ташқари, уларнинг ҳар бири, албатта, сюжет ривожида муайян даражада иштирок қилади. Ёзувчи уларнинг ҳар бирини ўзига яраша бадиий вазифа билан таъминлай билган. Романда "б" товушини "п", "ж"ни "ч" тарзида айтадиган қовунчи, унинг Толиб тужжорнинг бахтсиз қизи Муҳайёга ошиқ ўғли Нурулла, асарда икки боргина кўринадиган кекса меъмор ва ўрта яшар созанда каби персонажлар ўзининг қисматига эга тимсоллар тарзида кўрсатилибгина қолмай, уларнинг асар қаҳрамони Абулғози шахсияти шаклланишида тутган муайян ўрни ҳам ишонарли акс эттирилади.

Асарда эпизодик образлар бош қаҳрамонлар табиатини кўрсатиш учун иллюстрация эмас, балки ўз ҳаёт йўсинига эга шахслар сифатида акс эттирилгани эътиборга лойиқдир. Романдаги бирорта қаҳрамоннинг тақдири ўз ниҳоясига етмай, ора йўлда қолмаган. Йирик бадиий полотнодаги неча ўнлаб тимсоллар тасвирида тизгинни усталик билан ушлаб тура олиш ёзувчининг маҳоратидан далолатдир. Романдаги ҳар бир лавҳа ва ҳар бир тимсолнинг муайян ибтидо ҳамда мантиқий интиҳога эгалиги асарнинг ёзувчи кўнгли қаъридан чиққанлигини, у битикнинг ҳар бир унсури устида астойдил ўйланганини англатади.

Романдаги асосий тимсоллардан бири Арабмуҳаммадга хос жиҳатлар асарда таъсирли тасвирланган. У хон бўлишига қарамай, ҳаёти давомида кўпинча манфаат ва амалиёт киши эмас, балки кўнгил одами сифатида йўл тутиши ишонарли кўрсатилади. Кўнглининг нозиклиги, одамга, айниқса, ўз яқинларига чексиз ишонч кўпинча уни шафқатсиз ҳаракатлардан, ҳукмдорга хос қатъиятдан тийиб туради. Хон ўзини, аввало, ота деб билгани учун ҳам отабезор ўғилларига қарши шафқатсиз чора кўрмайди. Унинг суюкли ўғли Абулғозига қарата: "***Абулғози, фикр қил, улар ҳам худди сенингдек ўғлимдур, пушти камаримдан бўлган фарзандимдир. Қандоқ қилиб сенга уларни ўлдир деюрмен***",- тарзидаги иқрорида Арабмуҳаммадхон шахсига доир етакчи сифатлар намоён бўлади. У ношуд ва тадбирсиз ҳам, кўнгли бўш ҳам эмас. Лекин хон тақдирнинг ҳар қандай синовига тайёр бўлсада, ўз ўғилларининг ёвузликларига қарши туришга ҳозир эмас. У ўғиллари исёнини босиш йўлларидан ҳам кўра, Ҳабаш

билан Элбарсни бундай қабоҳатга ундаган омилларни топмоққа уринади. У болаларининг ёвузликлари учун аввало ўзини айбдор деб билади. Бу ҳол хоннинг: "***Сенлар вужудимдан сизиб чиққан бир томчи нутфа – йиринглардан яралгансанлар. Менинг кўзларимни кўр қилган сенларнинг милларинг эмас, ўз йирингларимдур. Мен ўз тахтида ўз йирингларига беланиб жон бераётган ҳукмдормен***",- тарзидаги сўзларида яққол кўринади. У бировлардан айб қидирмайди, ўзини тафтиш этади, ўзгаларнинг жиноятида ҳам ўз хатосини кўради.

Ёзувчининг тасвир маҳорати шундаки, у ҳар бир тимсол руҳиятининг турли ҳаётий вазиятларда турлича намоён бўлганлигини тўғри акс эттира билган. Имкон борида ўзига қарши бош кўтарган Ҳабаш ва Элбарсга чора кўришни истамаган Арабмуҳаммадхон улар томонидан қатл этилаётган пайтда: "***Ихтиёримда битта имконим қолибдур, яъниким сенларни оқ қилмоқ ҳуқуқи. Илгимдаги энг сўнгги бу ўқ шундай қудратга эгадурким, онинг захмидин жон берган фарзанд абадул-абад дўзах ўтларида ёнур, йиллар ўтур, замонлар ўтур, авлодлар кетидан авлодлар келур, аммоким бу ўқ товушлари қулоқлардин қулоқларга етиб, одамларни ҳушёрликка, оталарни уйғоқликка, фарзандларни инсофга, меҳру шафқатга даъват этур. Сенларнинг номларингни эшитганларида одамлар жирканурлар, сенларнинг руҳларингга отиладиган нафрат тошларининг адоги бўлмас!***"- тарзида қатъият кўрсатади. Бу сўзларда зўракилик, персонаж табиатига номувофиқлик йўқ. Чунки хон ожизликка, ён беришга, душманидан чўчишга одатланмаган ўктам шахс. Шунинг учун ҳам сўнгги дамда қўлларини ота қони билан бўяган фарзандларини қарғамасдан туролмайди. Лекин салгина нари бориб, ўлими олдидан Яратганга қарата: "***Парвардигоро, ношукур ўғилларим гуноҳидин ўтгайсен, разолат ботқоғидин чиқариб, диёнат йўлига бошлагайсен, ота кечира олмаган ул икки ношуд ўғулни ўзинг кечиргайсен...***",- тарзида қилган илтижосида ота руҳиятининг ўзгача яна бир қирраси намоён бўлади. Ҳаётининг сўнгги дамида ўз ўлимига сабаб бўлаётган болалари гуноҳидан ўтишни Аллоҳдан сўрай олиш тасвири хон шахсияти баландлигини акс эттириши жиҳатидан тенгсиз аҳамиятга эга. Бу тасвирлар айни бир одам табиатига хос жиҳатларнинг турли вазиятларда турли йўсинда намоён бўлишини кўрсатганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

"Тангри қудуғи" романида Э. Самандар ҳаётий параллеллардан ўринли фойдаланган. Жумладан, қотил ўғилларни кечира олган Арабмуҳаммадхон тимсоли азбаройи пойгада ўрнатилган тартибни бузгани учунгина ўз ўғлини ўлдиртириб юборган Эрон шоҳи Аббосга мувозий тасвирланганлиги ҳар икки тимсолга хос маънавий сифатларнинг тўлароқ очилишига хизмат қилган. Хоннинг сўзлаш тарзидаги бир қадар кўтаринкилик, тантанаворлик ҳам тимсолнинг табиатига мувофиқ келади. Аслан кўнгил киши бўлган нозиктаъб Арабмуҳаммадни хонлик мартабаси янада олижаноблаштиради, юксалтиради. Лекин айни шу ҳукмдорлик рутбаси шоҳ Аббос билан Исфандиёрни шафқатсиз ва ёвуз кимсаларга айлантиради. Романда мартабаси шахсидан баланд турган кимсалар билан шахсияти рутбасидан юксак инсон ўртасидаги фарқ шу йўсин кўрсатилади. Бир хил сабаб турлича оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, бу айни одамнинг феълидан эканлиги асарда жонли персонажлар ҳаёти мисолида ишонарли акс эттирилган.

Ёзувчи саҳро йиртқичларининг қудратли ҳукмдори бўлмиш бўри Йилдирим билан ундан тараган ва уни ўлдирган ит Бўризод қисматини Арабмуҳаммадхон билан Ҳабаш, Элбарс тақдирига мувозий қилибгина қўймай, балки бу қисматларга дахлдор ҳам этиб тасвирлаш билан катта эстетик самарага эришган. У шу йўл билан ҳам Ҳабашнинг қутуриши сабабини кўрсатган, ҳам палаги тоза бўлмаган жонлиқнинг айнан яратувчисига чанг солишини, бунга унинг қонидаги бетайинлик сабаб эканини ифода этган.

Адиб романда рамзий ишоралар тасвиридан ҳам ўринли фойдаланган. Асардаги тангри қудуғи, Биби Нур эна, ҳазрати Султон Увайс, хожа Шамсиддин тимсолига боғлиқ ҳаяжонли тасвирлар теран рамзий маънога ҳам эгадир. Тангри қудуғининг турлича ҳолати қарор топган адолат ёки топталган ҳақиқатни акс эттирса, Биби Нур эна тимсоли келишмаслик ва ўзаро жанжаллар туфайли оёқ-қўлига кишан солинган Ватан ҳамда миллатни ифодалайди. Пайғамбаримиз азият чеккани туфайли ўзини аямай жазолаган ва бутун ҳаётини Яратгандан расулнинг умматлари гуноҳини сўраб олишга бағишлаган Султон Увайс ҳазратлари тимсоли раҳмдиллик, кечиримлилик ва қилинган гуноҳ учун тўловнинг шартлиги ифодаси тарзида илғанади.

Романдаги бир жиҳат синчков ўқувчининг эътиборидан четда қолмайди ва уни бир қадар безовта қилади. Чунончи, асарнинг

кўп ўринларида элу юрт тарихидаги даҳшатли давр ўтиб унинг ўрнига адолат қарор топадиган кунлар келишига ишора сезилиб туради. Муаллиф атай ўқувчига ҳамма умид Абулғозихондан эканини билдиришга уринаётгандай туюлади. Шунинг учун ҳам асарда эсда қоладиган, эътибор тортадиган бирор иш қилгани кўрсатилмаганига қарамай, муаллиф Абулғозига хайрихоҳ эканлиги сезилиб турадики, бу романнинг тасвир маромини бир қадар бузади. Негаки, ўқувчининг бадиий персонажлар мақомини илғаб олиш йўсинига зуғум қилингандай бўлади. Шу боис романнинг номи унинг моҳиятига тўла мос эмасдай таассурот қолдиради. Ёзувчи романни сюжет ривожини таъминлаган кишилар ёки уларнинг хатти-ҳаракатлари номи билан аташни истамаган. Айни вақтда, муаллиф асар номи даражасига чиқаришни хоҳлаган тимсол (Абулғози)нинг табиати ва фаолият қамрови етарлича тасвирланмаган. Шунинг учун ҳам айни воқеаларни трагедия жанридаги асарига мавзу қилиб олганда, адибнинг унга "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" деб ном қўйиши тўғри бўлган.

Драматик тўқинишлар кескинлиги

"Арабмуҳаммад Баҳодирхон" фожиасида муаллиф ўз истакларини жиловлаб, Абулғозини саҳнанинг орқасига олади ва характерлараро тўқинишлар марказига нобакор ўғиллари томонидан кўр қилинган Арабмуҳаммадхонни чиқаради. Асл маъносида кўзидан ёш эмас қон оққан ота руҳиятидаги ҳиссий тўлғанишлар асарнинг фожиавий руҳини оширган. Муаллиф асарда трагедия жанри имкониятларини тўғри ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам шеърий йўлда ёзилган трагедия тилининг жозибадорлиги, персонажлар характерининг тўлақонли эканлиги билан эътиборни тортади. Муаллиф тарихда бўлиб ўтган қонли воқеликни акс эттирган асар ҳаёт ҳақиқатининг нусхасигина бўлиб қолмаслигига эришган. Саҳна асарида тарихда бўлиб ўтган барча воқеаларни кўрсатиш имконининг йўқлиги драматургдан асосий эътиборни қаҳрамонлар табиатининг бўртиқроқ жиҳатлари тасвирланишига қаратишни тақозо этган. Шунинг учун муаллиф фожиадаги тимсолларнинг ҳар бирини ўзига хос табиат, феъл-хўй билан таъминлаган. Фожиада тимсолларнинг ўзаро тўқнашувлари залворли ҳаётий асосга эга қилиб кўрсатилганлиги асардаги ҳар бир тимсолнинг ўз қиёфаси бўлишига олиб келган.

Драматург Арабмуҳаммад ҳукмдорлигининг сўнгги даврида қандай воқеалар бўлганини эмас, балки ўша ҳодисалар хон руҳиятида қандай из қолдириб, қандай сезимлар уйғотганини тасвирлашга кўпроқ эътибор қилади. Асарда хоннинг нобоп ўғиллар дастидан чеккан изтироблари тасвирига урғу берилганлиги бош қаҳрамонга хос инсоний сифатларни теранроқ акс эттиришга хизмат қилган. Шу боис асарда жанг манзараларини кўрсатишга эмас, характерлар орасидаги тўқинишлар ифодасига кўпроқ ўрин ажратилган.

Ҳар ишда инсонийлик ўлчовлари билан йўл тутадиган Арабмуҳаммадхон Ҳабаш ва Элбарс каби ёвуз ўғилларига қарши жанг қилиши мумкинлигини ақлига сиғдиролмайди. Уни саросимага солган, шаштини қайтариб, жанговарликдан маҳрум этган ҳолат асарда шундай берилади:

Шарманда уруш бу. Ў, қандай даҳшат,
Майдонга от солиб ота-ўғуллар
Қонини тўксалар бири-бирининг!!!

Асарда Арабмуҳаммадхон учун тахтдан айрилганидан кўра, Гулсимбонуга яхши эр, ўғилларига ҳурматли ота бўлолмагани қаттиқроқ таъсир этгани ишонарли кўрсатилган. Шунинг учун ҳам фожиада яшагиси келмай қолган, дунёга қўл силтаган хоннинг руҳий ҳолати ғоят таъсирли чиққан:

Бошимни олмоқчи бўлган ўғлимдин
Бош олиб кетмоқлик ўлимдин ёмон.

Ўзида адолат, инсоф, эзгулик каби инсоний фазилатларни мужассамлаган ва яқинларидан ҳам фақат ишончу садоқат кутадиган хоннинг ўз хотини ва фарзандлари хиёнатидан ғоят қаттиқ таъсирланиши ўқувчини ишонтиради ва унга тўла юқади.

Арабмуҳаммад – табиатан иродали, қатъиятли шахс. У душманларга нисбатан аёвсиз, жанг сирларини эгаллаган моҳир саркарда. Лекин у ўз фарзандлари билан олишмоққа тайёр эмас ва ҳеч қачон тайёр бўлолмайди. Унинг учун ўз хотини билан мавқе талашиш кераклиги, унинг эътиборидан қолганлиги ўлимдан ҳам оғирроқ, тахтдан айрилгандан кўра ҳам номуслироқ ҳолат. Драматург персонажлар ўртасидаги тўқинишлар кучини ошириш, бош қаҳрамон табиатига хос маънавий сифатларни

яққолроқ акс эттиришга эришиш мақсадида романдагидан фарқли равишда фожиага отабезор ўғилларнинг онаси Гулсимбону тимсолини олиб киради. Баланд мартабага эга эрнинг эл олдидаги бурчини, юрт тараққиётидаги ўрнини тушунишга қобил бўлмаган калтабин, ўжар ва димоғдор аёлнинг ўзича юритган калтабин сиёсати фақат оиланинг эмас, балки юртнинг, хонликнинг парокандалигига сабаб бўлганлиги асарда бутун даҳшати билан акс эттирилган. Оламга инсоф ва кўнгил кўзи билан қарайдиган Арабмуҳаммадхон учун ўз қўйнидаги хотини ҳам кўнглини англамаслиги барча фожиалардан кўра фожиалироқ эканлиги жуда нозик тасвирланган.

Умрининг қалтис пайтида ўғиллари: Ҳабаш билан Элбарсга кўнглидагиларини айтмоқчи бўлган отанинг сўзларини фарзандлар эшитишни ҳам истамасликлари хон юрагини вайрон қилиши асарда ишонарли акс эттирилган. Ўз оталари билан ёлғиз қолишни хоҳламай, унинг кўнглидаги дардларини эшитгилари келмаган ўғилларга ҳар қандай самимий гап ортиқча эканлигини чуқур туйиши тасвири асарда хон фожиаси даражасини янада оширади:

Демак, дилимдаги дардли гапларим
Юрагим тубида қолурлар пинҳон.
Мен хон можаросин қўйиб бир четга
Оддий ота бўлиб оддий ўғулга
Айтайин деб эдим бир-икки калом...

"Тангри қудуғи" романида Арабмуҳаммадхон сиймосининг ҳукмдор сифатидаги жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, фожиада унинг хотини, ўғиллари ва яқин деб юрганларининг кутилмаган хиёнатидан даҳшатга тушган тўғри кўнгил одам эканига алоҳида урғу берилган. Муаллиф хоннинг тахтни, ўз жонини асраб қолишга астойдил уринмаслигини хотинидан, ўғилларидан, яқинларим деб, бағрида асраб юрган кишиларидан сотқинлик кўрган оддий одамнинг дунёга исёни, унинг ташвишларига қўл силташи, умидсизликка тушиши эканига нозик ишора қилади.

Асарда хоннинг ҳар қандай вазиятда ўзини муносиб тарзда, ўзбек оиласидаги отадай тутиши, ўлим олдида ҳам қадрини ерга урмаслиги, иродасизлик қилмаслиги таъсирли кўрсатилган. У жасоратли инсон бўлгани учун ҳам ўз шаънини баланд тутади. Бош қаҳрамон табиатининг бундай кўрсатилиши асардаги ўзга тимсолларни

унинг юксак маънавий даражасидан туриб баҳолаш имконини беради. Муаллиф Элбарс билан Ҳабашнинг ўз оталарига тиғ тортадиган даражага тушиб қолганлари сабабини кўрсатишга эмас, балки улардаги ана шу тубанликнинг ота кўнглидаги инъикосини тасвирлашга кўпроқ эътибор қаратади. Ўз ўғилларининг ўзига ёв бўлиши мумкинлигини на ақли ва на қалби билан ҳазм қилолган хон туйғулари фожиада жуда таъсирли тасвирланган:

Сен ила рўбарў тургандин кўра
Ажалга рўбарў бўлган яхшироқ.
Аммо яширмаймен, сўнгги онимда
Багримни тиг каби кесар бир армон.
Сенинг ва сенларнинг бадбахтликларинг
Юкини кўтариб кетмоқ армони.
Сенлар туғилганда нечун қувондим,
Нечун қувондим мен бўйларинг кўриб?
Шулар кўзларимни ўярлар дебми?
Жаллодга топширар дебми бир куни?!

Отанинг бу хитобларида заррача сунъийлик, атайинлик йўқлиги, ҳаёти тангкўчага кириб қолган йирик шахс туйғулари самимий берилгани бу тасвирларнинг таъсир даражасини оширган.

Фожиада Арабмуҳаммад шахсияти турли нуқталардан туриб ёритилган. Шунинг учун ҳам драматург унинг барча гаплари, хатти-ҳаракати ишончли бўлишига эришган. Ҳукмдорнинг Элбарсга айтган: "***Хонлик – ўт тентакка бериб бўлмайди!***"- деган гапи хон таянадиган маънавий мезонлар қанчалар баланд эканини, у салтанатга шунчаки фарзанд бўлгани учун мерос қолдириладиган мулк деб эмас, балки ҳукмдорликка маънавий ҳуқуқи бор кишиларгина кўтара оладиган масъулият деб қарашини англатади. Оз сўз билан кўп маъно ифодалай олиш фожиа муаллифининг ютуғидир.

Фожиада эга бўлган қонуний ҳокимиятидан кутилмаганда айрилиб қолган одам табиати жуда билгичлик билан акс эттирилган. Чиндан-да, кечагина бир оғиз гапи билан минглаб кишиларнинг тақдирини ҳал қила олган ҳукмдорнинг бугун ҳеч кимга сўзи ўтмайдиган ва энг тубан кимсалар иродасига бўйинсинишга мажбур ожиз одамга айланиб қолиши ўта оғриқли кечадиган мураккаб руҳий жараёндир. Айни шу ҳолат асарда кескин қирралари билан кўрсатилган:

Сиз хон дединғизми мени? Эй хожа,
Мен хон эмасман. Йўқ, мен бахти қаро,
Бечора бир одам. Ҳали халойиқ,
Бегуноҳ одамлар отилган чогда
Не кўйга тушганим билдим бир ўзим
Ва бир худо билди. Разолатни мен
Тўхтата олишга ожизлигимдин.
Товоним ялашга кеча шай турган
Ясовулбошига "Тўхта!"- демоқлик
Қурбидин маҳрумлик заҳрини ютиб,
Минг игна санчилди жисму жонимга.
Худога ёлбордим жонимни ол, деб.

Кечагина ҳодисаларга сабаб бўлиб юрган кишининг бирданига ҳеч ким бўлмай қолиши даҳшати юқоридаги мисраларда жуда самимий ва ишонарли акс эттирилган. Бундай ҳолатда йирик шахслар учун ўлим эмас, балки тириклик фожиа саналиши асарда катта маҳорат билан кўрсатилган:

Ёрилса эди ер, кошки мени ул
Қаърига олсайди, ютақолсайди!
Бироқ ютмади ер, ёрилмади ер,
Бегуноҳ одамлар ўлди, мен қолдим!

Ушбу парчадаги бирор гап, ҳолат шунчаки ахборот учун берилмаган. Уларда улкан инсоний фожиа бутун салобати ва маҳв этувчи қудрати, изтиробларнинг алангали оғриқлари билан намоён бўлган.

Асарда чинакамига қудратли бўлган шахсни енгиб бўлмаслиги, бундай одам ҳар қандай вазиятда адолатсизликка, зўрликка қарши тура олиши мумкинлиги ишонарли кўрсатилган. Жумладан, ўз оталарига ҳам тил, ҳам тиғ ўқталган ўғилларидан енгилиб, кўзларига мил тортилган Арабмуҳаммадхоннинг қотил болаларига айтган сўнгги сўзлари унинг улуғвор сиймосига хос қатъиятни ёрқин акс эттиради:

Сенларни қаргамоқ, оқ қилмоқликдин
Бўлак имкон йўқтур ихтиёримда
Сўнгги ўқимдур бу илгимда қолган.
Бу ўқнинг захмидан жон берган фарзанд
Тоабад ёнгайдур дўзах ўтида.

Бу мисраларда ҳам қаҳр, ҳам хавотир, ҳам афсуснинг қоришиқ оҳанглари акс этиб турибди. У болаларини шафқатсиз қарғади, лекин хон ўғилларини жазолай олганидан хурсанд эмас. Хоннинг сўзлари унинг шундан ўзга чораси йўқлигини ҳам, айни вақтда, кўрнамак ўғилларни жазосиз қолдириб бўлмаслигини ҳам англатади. Оқпадар ўғилларни дуойибад қилишга мажбур бўлган сўнгги дамда ҳам хон ўз аҳволини, чекаётган изтироблари, тортаётган азобларини эмас, балки оқ қилинган ўғиллар охиратининг куйиб кетишини ўйлайди. Падаркуш бўлсалар-да, ўз фарзандларига ёмонлик қилишга мажбурлигидан қийналади.

Агар романда Ҳабаш ва Элбарс қиёфалари деярли бир хил фақат қора рангда чизилган бўлса, фожиада Элбарс табиатида муайян эврилишлар содир бўлгани, у ўзининг қилмишлари ёвузликка асосланганини англай бошлагани ва бу жараён ғоят оғриқли кечаётгани кўрсатилган. Бу ҳол тимсолнинг ҳаётийлигини оширган. Уни қиёфасизликдан қутқариб, ўзига хослик бахш этган.

Тасвирга тортилган катта-кичик ҳар бир персонажнинг ўз табиати мантиғига мувофиқ ҳаракат қилиши, сўз айтиши фожианинг муваффақиятини таъминлаган. Ҳаётнинг усиз ҳам адоғи йўқ мушкулотларини кўпайтираётган, кўнгли тоза кишиларнинг беадад руҳий долғаларига сабаб бўлаётган одамларнинг туйғулари ҳаққоний ва ўта таъсирли кўрсатилган бу асар миллий драматургиямизнинг муносиб ютуғидир.

Шеърий йўл билан ёзилганлиги, кўплаб ҳаётий тафсилотлардан воз кечилиб, персонажларнинг табиати ёрқин намоён бўладиган қирралар акс эттирилгани, бадиий тадқиқ бир шахсга йўналтирилгани натижасида "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" трагедияси ўзгача эстетик қиммат касб этган.

Муҳими шундаки, муаллиф ўтмишнинг фожиали саҳифалари акс эттирилган бу хил асарларда қадимда шундай бўлганини кўрсатиш билангина кифояланмайди, балки кечанинг замиридан бугуннинг илдизу белгиларини қидиради ва топа билади. Эркин Самандар асарларига алоҳида таъсирчанлик бахш этадиган асосий жиҳат шундан иборатдир.

2005 йил 9-12 июл

ЙЎЛДА ЙЎЛДОШЛАР

ҚИСМАТИ БИРИНЧИЛИК ЭДИ

Каттабеков домлани илк бор 1966 йилнинг 1 сентябрида кўрганман. Ўша йили Тошкентда машъум зилзила бўлган, олий мактабда ўқиш илинжида республиканинг турли бурчакларидан бошкентимизга борадиган ёшларнинг оқимини бир оз бўлса-да камайтириш учун Сирдарё вилоятининг Сирдарё деган кичик қасабачасидаги икки қаватли интернат биносида педагогика институти ташкил этилганди. Биз, янги ташкил этилган пединститут филология факултетининг биринчи талабалари – олтмиш нафардан ортиқроқ киши икки гуруҳга бўлинган эдик. Бизнинг гуруҳга, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни шу йили битирган Акрам Каттабеков мураббий этиб тайинланди. Нариги гуруҳдагилар бизга ҳавас билан қарашарди, чунки бизнинг мураббийимиз Акрам ака эди-да! Ўша йилларда биз ёшлар ёппасига Акрам аканинг мухлиси эдик. Негаки, домла жуда билимли эдилар, шеър ёзардилар, рубоб чалардилар, волейбол-футбол ўйнардилар, рус тилида силлиқ гапирардилар ва ёза олардилар, айтишларича, немисчаси ҳам тузуккина экан, техникани бинойидай тушунардилар, ўткир мақолалар ёзардилар, дарсни зўр ўтардилар. Хуллас, талабаларнинг «кумири» эди!

Тез орада пахтага чиқиб кетдик. Домла бизнинг пахтадаги ташвишларимизга ҳам шерик бўлди ва биз эса, ҳам бир-биримизни, ҳам домлаларимизни яқинроқдан билиб олиш имконига эга бўлдик. Акрам ака инсон ўз ҳаётини маънилироқ, чиройлироқ, фойдалироқ қила олишига ишонадиган ва шунга интиладиган одам эдилар. Шу боис пахтада “Лирик кечалар” деб аталмиш кўнгилли тадбирнинг ташаббускори бўлдилар. Бу хил кечалар биздан кейин ҳам неча йиллар мобайнида яшаб келди. Биз, домлалар-ку домлалар, бир-биримиздан, қўйиб берса, ўзимиздан ҳам тортинаверадиган қишлоқи лавзанбойлар, даврага чиқишга уялардик. Шунда домла ўзлари шеър айтиб, рубоб чалиб

кўрсатгандилар. Шу сабаб бизнинг ҳар йили пахтада кечадиган уч ойимиз файзлироқ бўлиб қолган, бир-биримизнинг ўқишдан бошқа иқтидоримизни ҳам чуқурроқ билиш имкони туғилган эди. Яна бир муҳим жиҳат – домла биз билан икки йил пахтага чиққан бўлсалар, бирор марта ҳам талабаларни ташийдиган юк машинасининг кабинасига ўтирмаганлар. Доим биз билан машина устида кетардилар.

Мен Каттабеков домла билан талабаликдан яқин эдим деёлмайман. Биз пахта териминиг дастлабки пайтларда бир қадар келишолмадик, ҳатто бир-биримизга маъқул бўлмадик дейиш ҳам мумкин. Сабаби, мен пахтани яхши теролмасдим. Рости гап, дангаса эмасдим, бошқалардан кам тер тўкмасдим-у нимагадир ишим унавермас, натижа яхши бўлмасди. Акрам ака бизнинг раҳбаримиз, белгиланган топшириқнинг бажарилишига мутасадди эдилар ва мени штаб деб аталмиш мўътабар даргоҳга чақириб, бот-бот "тузлаб" турардиларки, бу ҳол менга жуда ҳузур бағишларди деб айтолмайман. Домла деярли ҳар тун терим топшириғини бажармаганлигим учун мени ўқишдан ҳайдашга астойдил "қарор" қилар, у кишининг ёнида бўладиган Омон Сувонов домла ҳар сафар менинг "бир қошиқ қоним"ни сўраб олардилар. Шу боис Акрам акадан жуда чўчирдим, бироз ёмон кўрардим ҳам, шекилли. Айни вақтда, машҳур домлада ношуд, дангаса талаба деган таассурот қолдиришни ҳам истамасдим. Кўпчилик талабалар, айниқса, сигарет чекадиган болалар кимсан Каттабеков домла билан "тутатиб" турганликларини кўриб, уларга ҳавасим келарди. Уларнинг домла билан қўл олишиб сўрашишлари, сигарет олди-берди қила олишлари менинг тасаввуримга сиғмасди.

Ўқиш жараёнида Акрам аканинг билимдон, ҳалол домла эканлигига амин бўлдик. У киши маърузаларни жуда гўзал ўқирдилар. Ўзиям ўша вақтлар домлалар камчилроқ бўлганми домланинг ўқитмаган курси йўқ эди ҳисоб. Акрам ака талабалар билимини адолат билан баҳоларди. Ўрни келса, ҳамкасбларига қарши бориб бўлса-да, болаларни ҳимоя қиларди. Бир форс тили ўқитувчимиз бўларди. Ўзи қишлоқдан чиққанди. Аммо негадир форс тили дарсини рус тилида ўтишни хуш кўрарди. У кишининг рус тилиси ҳам ўзбекчани янги ўрганаётган японнинг гапиришидан кўп фарқ қилмасди. Биз форсигўй домлага дарсингизни ўзбекча ўтинг деб кўп таваллолар қилдик, бироқ нати-

жа бўлмади. Домламизнинг рус тилига садоқати предметини ўзлаштириш заруратидан ҳам ортиқроқ эди. Ниҳоят, деканга шикоят қилдик. У киши шикоятимизни текширишни Акрам акага юкладилар шекилли, форс тили дарсларимизда Каттабеков домла иштирок этадиган бўлдилар. Акрам ака форс тилидан ҳам тузуккина хабардор эканлар, русчаси ҳақида-ку аввал айтгандим. Форс тили домламиз билан бизнинг олдимизда "гуфтигў" қилиб, бизни у кишининг ўрисча-форсча зуғумидан халос этгандилар.

Акрам ака бизнинг гуруҳга икки йил мураббийлик қилиб, Москвага аспирантурага кетганлар. У киши билан хайрлашув онларини курсдошлар ҳали-ҳали эслаб юрамиз. Хайрлашув гуруҳимиз талабалари, айниқса, қизларимиз учун чинакам видолашувга айланиб кетганди. Худди бошқа кўришмайдигандай қизларнинг ҳаммаси йиғлашган, йигитлар ҳам сиртдан билдирмасалар-да, ичлари идраб турарди. Акрам ака ҳам жуда таъсирланганлар, албатта. Ўзи курсимиз мураббийдан ялчиган экан шекилли, домланинг ўрнига у кишининг бир умрлик дўстлари Умрзоқ Ўлжабоев раҳбар бўлгандилар. Ўқишни битирганимиздан кейинги йиллар мобайнида ҳам собиқ курсдошлар неча бор йиғилишиб, Акрам ака, Умрзоқ ака, Омон ака, Босим ака сингари севимли домлаларимизни кўриб кетардик. Ўзаро учрашиб қолсак-ку суҳбатимиз мавзуи асосан талабалик йиллари-ю севимли домлаларимиз бўларди.

Мен кейинчалик илмий иш билан шуғулланганим туфайли ўзимни ўқитган домлалар, хусусан, Акрам ака билан яқин бўлиб қолдим. Гулистон университетида улар билан анча йил бирга ишладик ҳам. Акрам ака менинг тақдиримга жиддий таъсир кўрсатган одам. 1982 йил бўлса керак, Гулистон туманининг "Ўзбекистон" колхози боғида қишлоқ "меҳнаткашлари"нинг ёзувчилар билан учрашуви ўтказиладиган бўлди. Мени ўша пайтлар қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшмаси Гулистон райкомининг раиси эдим. Туман раҳбарлари сафининг энг охирида бўлса-да, адибларни кутиб олишда иштирок этяпман. Ёзувчилар орасида Акрам Каттабеков билан Умрзоқ Ўлжабоев домлалар ҳам бор экан. Чини, буни ҳеч кутмагандим. Уларнинг кўзларига кўринишдан уялдим. Чунки домлаларим мени филологликка ўқитишганди ахир. Уларнинг олдиларига бориб сўрашмасликнинг ҳам иложи йўқ. Мен ўша вақтнинг урфига

кўра, қишлоқ хўжалик ходимларига муносиб кийингандим. Умрзоқ домла индамадилар-у Акрам ака турқи-тароватимга қараб туриб: "Ў, сиз бригадир бўлиб кетган экансиз-да?!"- дедилар. Қўрққаним – айни шу нарса эди! Чунки сиртқи бўлса-да аспирантурани ўтагандим, шуғулланаётган илмий ишим юзасидан домланинг олдига неча борганман, вилоят газетасида мақолаларим чиқиб туради. Аммо ҳимоядан дарак йўқ, диссертантнинг аҳволи эса – бу. Хуллас, бўларим бўлди. Ўзимча, диссертация билан астойдил шуғулланишга аҳд қилиб қўйдим.

Мен номзодлик ишим юзасидан Акрам ака билан кўп маслаҳатлашганман, домла маслаҳатни аямаганлар-у, лекин диссертацияга мавзу тавсия этишдан бош тортгандилар. Ўзингизни қизиқтирган муаммони ўзингиз топинг дегандилар. Вақти келиб, номзодлик ҳимоясига чиқадиган бўлганимда, мен бепарволик қилиб, диссертация автореферати собиқ Иттифоқдаги илмий муассасаларга жўнатиш лозимлигини унутган эканман. Ҳимоя кенгаши ходимлари докторлик диссертацияси ташвишлари билан Тошкентга келиб қолган Акрам акадан бу ҳақда мени хабардор қилишни сўрашибди. Маълумки, автореферат ҳимоядан камида бир ой олдин жўнатилган бўлиши керак. Гулистондан мени топиб, бу гапни айтгунча ва мен Тошкентга келиб, авторефератларни жўнатгунимча белгиланган муддат ўтиб кетишидан хавотирланган домла уларни ўзлари жўната қолибдилар.

Қайта қуриш ва ошкоралик даври берган сўз эркинлигидан сархушланиб, дадил гап айта олаётганимиздан ғурурланиб, ўзимизни салкам қаҳрамон санаб юрганимизда, домла менга ўткинчи шов-шувларга алаҳсимай, докторлик диссертациясини ёзиш керак дегандилар. У киши адабиёт ўқитиш методикаси бўйича докторлик қилмоқчилигимни унчалик хушламагандилар, ишнинг соф адабиётшунослик дан бўлишини истагандилар. Насиб экан, докторлик диссертацияси методика бўйича ёзилди. Акрам акани хафа қилиб қўйишдан чўчиб, анча вақт тайёр диссертацияни муҳокамага қўя олмай юрганман. Ниҳоят, Босим Тўйчибоев домлани воситачи қилиб, ишни Каттабеков домлага кўрсатишга журъат қилганман.

Домлада образли тафаккур кучли эди. Шунинг учун у кишининг илмий ишлари жуда ўқишли бўларди. Домлада ўта мураккаб фикрларни ҳам тушунарли қилиб ифодалай олиш истеъдоди бор эди.

Акрам ака илҳом билан қаттиқ ишлардилар. Кўплар чираниб қиладиган юмушларни домла қийналмай бажара олардилар. Акрам акани ишлаб дам оларди деса ҳам бўлади. Мен бунга жуда кўп гувоҳ бўлганман. Тақдирнинг тақозоси билан 90-йиллар бошида домла билан ўрта мактаблар "Адабиёт" дастур ва дарсликларини ёзишда бирга қатнашиш насиб этди. Домладаги ички интизом, гапига эгалик қилиш, самарали ишлай олиш сингари жиҳатларни ўшанда билганман. Акрам ака ўзлари қилишлари керак бўлган ишни доим айтилган вақтида бажарардилар. Домла "ўйнаб" ишлагандай кўринсалар-да, қисқагина умрлари давомида жуда кўп ва катта нарсаларга эришдилар. Аммо уларнинг ҳаётлари асло силлиқ кечмаган.

Акрам ака бир ярим яшарида отасиз қолиб, болалиги кемтик ўтган. Урушдан кейинги тирикчилик тошдан қаттиқ бўлган йилларда сал оёққа туриши биланоқ тиним нималигини билмайдиган онасининг ёнига киришга уринди. Она ёпиб берган нонни саҳар туриб, ўқиш бошлангунча сотиб келарди, ун билан ноннинг ўртасидаги фарқ уларнинг амаллаб очин-тўқин яшашини таъминларди. Уддабурролиги туфайли юқори синфда ўқиб юрганидаёқ киномеханик бўлиб ишлади. Табиатан некбин одам ҳеч ғамга ботмас, қовоғини осилтирмас, қийинчиликларни енгиб ўтишдан бошқа нарсани ўйламас, мушкулликлар ҳам у кишини ҳеч тарк этгиси келмасди.

Қизиғи шундаки, А. Каттабеков ўша вақтда ҳам мактабнинг энг фаол ўқувчиси, деярли барча жамоат ишларининг қатнашчиси: шеър ёзарди, мактаб деворий газетасини чиқарарди, расм чизарди, рубобни сайратарди, драмалардан саҳналар қўйиб, уларда рол ижро этарди. Боз устига аълочи ўқувчи эди. Ғаллаороллдаги машҳур 25-мактабни олтин медал билан битирган биринчи ўзбек ўқувчиси эди. Домла университетни ҳам имтиёзли диплом билан битирганлар. Булар одамдан катта истеъдоддан ташқари қаттиқ меҳнат ва кучли иродани ҳам талаб қиларди. Домлада айни шу хислатлар бор эди.

Акрам акага оналарининг таъсири катта бўлган. Узун қиш кечалари ғарибгина кулбаларида куни билан нон ёпиб, ўзгаларнинг ишини қилиб чарчаган оналари ухлаш ўрнига Акрам акага "Алпомиш"ни қайта-қайта ўқиб берганликларини у киши кўп хотирлардилар. Домла "Алпомиш"ни деярли ёд билардилар, бунга бирор ўқитувчи, адиб ёки олим эмас, оналари сабабчи экан-

ликларини бот-бот айтардилар. Сўзга муҳаббат, ундан таъсирланиш Акрам акага оналаридан ўтган бўлса ажаб эмас.

Домланинг истеъдоди, меҳнаткашлиги, омадёрлиги кимлар-гадир ёқмасди, шекилли. У кишини ҳеч тинч қўйишмасди. Жумладан, докторлик диссертациясини ёқлаганларидан кейин, устларидан имзосиз хат тушиб, тасдиқни олиш йилларга чўзилиб кетди. Бу азобларни-да енгиб, тасдиқни олиб, профессорлик илмий унвонига эришгач, у кишини факултетнинг декани билан тўқнаштириб қўйдилар. Жанжаллашиб чарчамайдиган декан оғамиз ҳам Акрам аканинг асабларини издан чиқаришда астойдил "тер тўкдилар".

Акрам ака эллик ёшга тўлганларида, биз яқинлари республикага таниқли профессорнинг юбилейини ўтказмоқчи бўлдик. Домла бундан норози бўлдилар. Умрзоқ аканинг раҳбарлигида биз ҳам бўш келмадик. Акрам аканинг юбилей ўтказишга қаршилик қилганининг сабаби кейин маълум бўлди. Биз, нодонлар, яқинимизга яхшилик қиламиз деб, у кишининг кўнглини қаттиқ оғритиб қўйдик. Юбилей домлага хушнудлик эмас кўп озор келтирди. Университетнинг ўша вақтдаги маъмурияти, негадир, домланинг юибилейини ўтказишни хоҳламай қолди. Ректорат тўртта одамни бир жойга тўплаб, республикага машҳур адабиётшуносни, олий ва ўрта мактаб дарсликларини яратишда иштирок этган ягона сирдарёлик профессорни юбилейи билан табриклашни лозим кўрмади. Бир умр шу даргоҳда ишлаган одамга илиқ гап айтиш жуда мушкул иш экан, шекилли, ҳатто тантана куни уйга таклиф этганларида ҳам раҳбарият кечикиб, малолланиб борди.

"Маърифат" газетаси таҳририяти домла ҳақида Умрзоқ ака билан бирга январ ойида берган мақоламизни юбилей ўтган июнгача: "Ана чиқарамиз, мана чиқарамиз",- деб юриб, йўқ қилиб юборди. Бу хил муносабатларга Акрам ака ҳеч нарса демаган бўлсалар-да, ғурури баланд, кўнгли нозик одамнинг қанчалар изтироб чекканини энди тахмин қиламиз. Ўша воқеалардан кейин беш йил ҳам яшамаган одам ҳақида мана энди конференциялар ўтказиляпти, йиғинлар қилиняпти, мақолаю китоблар чиқариляпти. Омонат умрда бир-биримизга вақтида меҳр кўрсатишни қачондир ўрганармиканмиз-а?!

Каттабеков домла жуда моҳир воиз эдилар. У киши аудиторияни нозик ҳис этар, ҳаммага ва ҳар кимга муносиб гап топа

оларди. Домланинг дарсларида илмий маълумотлар ҳам, чуқур таҳлил ҳам, ўринли ҳазил ҳам керакли миқдорда бўлар ва бу ҳол у кишининг маърузалари савиясини юксалтирган омиллардан эди. Кўпчилик у кишининг лутфларига ишқибоз эди. Домлада юмор туйғуси ниҳоятда кучли эди. Энг оғир, кутилмаган вазиятларда ҳам керакли фикрни, худди олдиндан тайёрлаб тургандай, айта билардилар. Ўлжабоев домланикидаги йиғинлардан бирида қачонлардир Умрзоқ акани ўқитган кексароқ муаллим кайф қилиб олиб: "Мен сенинг ҳаммангни тарбиялаганман, одам қилганман",- деяверибди, кўпчиликни безор қилди. Ниҳоят Акрам ака у кишига: "Тўғри, домла, Сиз ўзингиздан бошқа ҳаммани тарбиялаб одам қилгансиз!"- дегач, бирданига ҳушёр тортиб қолди. Факултетимизда фикрларини вазиятга қараб ўзгартираверадиган бир домла бўлиб, у киши икки гапининг бирида: "Тўғрисини айтганда",- деб турарди. Акрам ака ўша киши ҳақида: "Доим тўғрисини айтганда" дейдию, сира тўғрисини айтмайди",- дердилар. Каттабековнинг дўсти журналист Муҳаммаджон ака доим: "Гап айтишни Акрамжонга чиқарганда!"- деб фахрланадилар.

Акрам ака табиатан курашчан бўлмасалар ҳам, имонга зид келадиган иш қилмасликка ўзида куч топа оларди. У ҳамиша ҳақ гапни ўрнида айта оларди. Ўзим икки ҳодиса ҳақида тонуғлиқ қилишим мумкин. 1989 йилнинг феврал ойларида бўлса керак, Жиззахда ўша вақтдаги вилоят партия қўмитасида тил масаласида йиғин уюштирилди. У пайтлар давлат тили масаласи чирсиллаб турар, ўзбекман деган ҳар бир одамдан ўзбек тилининг тақдири қандай бўлишини белгилашда ўз сўзини айтиш талаб этилаётган давр эди. Ўша йиғинга Акрам ака билан мен ҳам таклиф этилган эканмиз. Оближроқўм раисининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари – Светлана Ғуломова ўтказаётган шу йиғинда катталарнинг ишораси билан ҳар қандай фикрни ёқлаши ҳам, инкор этиши ҳам мумкин бўлган фахрийлар, ёшлар ва бошқа қўлбола жамоат ташкилотлари вакиллари Ўзбекистонда давлат тили эмас, балки давлат тиллари бўлиши, яъни рус тилига ҳам давлат мақоми берилиши керак деган фикрни ўтказмоқчи бўлдилар.

Раҳбар опаларимизнинг муддаолари ҳам айни шу бўлганидан бу қарашни маъқуллаб турдилар ва фикрларини далиллаш учун ўзбек тили давлат тилига айланса, ҳарбий хизматга борган йигитларимиз у ерда қандай сўзлашадилар деган хавфни дастак қилиб

кўрсатдилар. Чунки партия функционерлари Ўзбекистоннинг қачондир мустақил бўлиши, ўз қўшинини тузиши, ўзбек йигитлари ўз юртида хизмат қилиб, ўз тилларида сўзлашишлари мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Ўша вақтда вилоятда рус тилида чиқадиган газетанинг бош муҳаррири бўлган бир рус йигити ўзича чиройли ўхшатиш қилган бўлиб: "Бир оёқлаб сакраб қаергача етиш мумкин, икки оёқлаб эса анча узоққа борса бўлади",- деди. Яъни икки тил: рус ва ўзбек тилларига давлат мақоми берилса, қўш қанот билан узоқроққа учиш мумкин деб лутф қилгандай бўлди. Албатта, бу гаплар рус тилида айтилди. Шунда Акрам домла сўз олдилар-да, бир миллатнинг ҳаёт-мамот масаласи бўлмиш тил ҳақида гап бораётганда, ўртоқ Орловнинг (муҳаррирнинг фамилияси, янглишмасам, шундай эди) бу масалани оёқ ўйинига айлантираётгани менга ғалати кўринди. Оёқ билан тилнинг фарқига бориш керак. Ҳа, оёқнинг иккита бўлгани тузук. Лекин бир одамда битта тил бўлганидай, битта давлатда ҳам фақат битта тил бўлиши мумкин. Ё миллат ўзининг биттагина тилига давлат мақомини беради, ё у миллат сифатида тамом бўлади. Ўзбекистон республикасидаги вилоят газетасининг бош муҳаррири ўзбек тили ҳақидаги йиғинда нега ўзбек тилида бир оғиз гапирмаётганлигининг ўзи давлат тили қанчалик зарур эканлигини кўрсатадиган энг ишончли асос. Ахир биз ўзбек тили Россияда ҳам давлат тили бўлсин деётганимиз йўқ-ку, дедилар. Бу гапни домла русчалаб айтдилар. Гап Орловнинг жон-жонидан ўтиб кетган экан шекилли, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг Каттабековдаги миллатчиликдан вилоят аҳлини огоҳлантирадиган таҳдидли мақоласи чиқди. Унга домла иккаламиз рус тилида раддия ёздик. Ўрни келганда айтиб қўяй: ўша йиғинда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши керак деган фикрни биз билан бирга вилоят милицияси бошлиғининг ўринбосари полковник Абдусамад Ҳасановгина ёқлаб чиқишга журъат этганди.

Бошқа бир мисол: 1992 йилнинг октябр ёки ноябр ойлари. Гулистон университетининг ўша пайтдаги ректори домлаларнинг бир қисми билан келишмай қолди. Ўшанда ректорнинг қаҳрига нишон бўлганлардан бири – бир сўзли ва принципиал одам Умрзоқ Ўлжабоев домла эди. Ректор илмий Кенгаш таркибида ўз тарафдорлари кўпроқ, унга қарши фикр айтадиганлар камроқ бўлишини истаб, Ўлжабоевни кенгаш аъзолигидан чиқартирди. Аслида кенгашга аъзо бўлиш алоҳида бир имтиёз ҳам, шараф

ҳам эмас. Лекин Умрзоқ акадай таниқли олимнинг кенгашдан чиқариб юборилиши бориб турган адолатсизлик эди. Бунинг устига, бу ҳақсизлик Ўлжабоевни кўпдан бери биладиган, бирга ишлашаётган домлаларнинг қўли билан амалга оширилмоқдайди. Умрзоқ ака бир умр фақат Гулистон университетида меҳнат қилган. Бу маскандаги каттадан-кичик барчани билади, бошқалар ҳам у кишини таниб, ҳурмат қилишади. Шунга қарамай, зарур пайтда ҳеч ким у кишининг ёнини олишга ботинмади.

А. Каттабеков домла ўша мажлисда сўз олиб: "Сафларидан Умрзоқ Ўлжабоевдай олим ва одамни чиқариб юбориб, адолатнинг очиқчасига топталишга йўл қўйган, ўзларининг ўттиз йиллик сафдошларини ҳимоя қилишга журъат этолмаган кишилардан иборат кенгашда аъзо бўлиб туришдан уяламан. Ҳозирдан эътиборан мен ҳам университет илмий кенгаши таркибидан чиққанлигимни билдираман",- дедилар. Бу вақтда домла илмий ишлар бўйича ректорнинг ўринбосари эдилар. Кенгашдан чиқиш амалда проректорлик лавозимидан воз кечиш эди. Бундай йўл тутмоқ учун виждонли одам бўлишдан ташқари чинакамига инсоний жасорат ҳам лозим эди.

Каттабеков домла илмда ҳам жасоратли эдилар. У киши табиатан таваккал қилишни ёмон кўрардилар. Аммо адолатга ташналик, ҳақ гапни айтишга ҳозирлик домлани Жалолиддин Мангуберди, Темур образлари шўро замонидаги илмий ва бадиий асарларда, кўпинча нохолис талқин этилгани, айниқса, бу ҳолат гуржи, арман, рус адабиётларида кучли эканлиги ҳақида Москва нашрларида ёзишга ундади. Акрам аканинг шу хилдаги қарашлари акс этган китоб 80-йиллар бошида ватанпарварлик тарбияси атамасини паноҳ қилиб дунё юзини кўрганидан хабардорман.

Учинчи мисол: Ўзбекистон мустақиллиги арафасида янгилана бошлаган адабиёт дарсликлари яратишга эскича фикрлайдиган мутахассисларни жалб этишга республика олимлари орасида биргина Акрам ака дадил қарши турганликларини кўрганман. У киши проф. А. Зуннунов иштирокидаги бир мажлисда: "Бу домла иштирокида тузилган дастур ва дарсликларнинг янги бўлиши мумкин эмас. Ахир Асқар ака йиллар мобайнида эски йўсиндаги дастур-дарсликларни яратиб келди. Адабиётни мафкуранинг югурдагига айлантиришнинг бошида турди. Энди янги дарсликлар тақдирини ҳам азбаройи ёшининг ҳурмати юзасидан шу кишининг қўлига бериб туриб, адабий таълимнинг янгилани-

шидан умид қилиш кулгили",- деб очиқ айтдилар. Эҳтимол, узоқ йиллар мобайнида мактаб адабиёти билан шуғулланиб келган оқсоқол домлага бу гаплар оғир ботгандир. Аммо начора, ҳақ гап доим ҳам ёқимли бўлавермайди-да!

Албатта, бу хилдаги хатти-ҳаракатлар изсиз ўтмасди. Зимдан қилинадиган зуғумлар, майда-чуйда чақувлар, тинимсиз хархашалар домлага таъсир кўрсатмай қолмасди. У киши баъзан ҳазиллашиб: "Қандай бир қарғиш теккан одам эканманки, ўзим билмаган ва истамаган ҳолда ҳамиша раҳбарларга мухолифатда бўлаверараман",- деб ёзғириб қўярдилар. Акрам ака табиатан катта ташкилотчи эди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Яратганнинг иноъми бўлган ана шу қобилияти домлага обрў-эътибор эмас, кўп азоблар олиб келган. Ҳеч бир мансабдор "катта" у кишидаги ана шу имкониятлардан тўғри фойдаланишга астойдил уринмаган. Каттабеков домла одамларни бошқаришга, етаклашга интилмасдилар, уларни тушунишга, ҳар бир одамга қўлидан келадиган ишларни қилиш юзасидан маслаҳат бериб, йўл кўрсатишга ҳаракат қилардилар. Шу туфайли кўпчилик унга интиларди, доим атрофида одам бўларди, астойдил ҳурмат қилишарди. Айни шу сабаб амалдор зотики бор, ҳамиша ундан хавфсираб, ўрнини қизғаниб яшарди.

Домла умр бўйи фақат бир жойда – Гулистон университетида ишлаб, ҳар хил бошлиқларни кўрдилар. Домланинг салоҳиятидан, имкониятидан салгина хабардор бўлган ҳар бир кишида университетга шу одам раҳбар бўлиши керак деган ҳақли фикр туғилган. Ҳатто кўпчилик ректорларнинг ўзлари ҳам шундай ўйлашган бўлсалар керак. Натижада, Акрам ака ўзи билмаган ҳолда, кимларгадир халақит бериб, уларнинг зуғуму фитналарига нишон бўлаверган. Шу туфайли домлани ўзларига душман билишди, қийнашди. У бечора эса, ректорликка асло даъвогар эмасди. Чунки домла табиатан мансабпараст эмас, ҳаётпараст одам эди. Тўлиб-тошиб, завқ билан яшарди. Амални эса, завқ билан яшашга ҳалал берадиган ортиқча юк деб биларди. Шу боис мансабга интилмасди.

Каттабеков домла, сиртдан қараганда, олдига йўлаб бўлмайдиган одамдай салобатли кўринсалар-да, аслида жуда нозик, ҳимоясиз, осон яраланадиган таъсирчан қалб эгаси эдилар. У киши шеърни теран тушунардилар, қаттиқ таъсирланардилар, минглаб сатрларни ёд билардилар. Айниқса, Навоий, Э. Воҳи-

дов, А. Орипов, Р. Бёрнс, С. Есенин, Лермонтов, Пушкин, Р. Парфи, Ҳ. Худойбердиева шеърларининг астойдил ишқибози эдилар. Роберт Бёрнснинг Муҳаммад Али таржимасидаги ўзбекчасидан ташқари, русчасини ҳам, қозоқчасини ҳам ёд билардилар, солиштириб ўқишни хуш кўрардилар. Ҳар қандай асардаги асл бадиий кашфиёт бўладиган ўринларни бехато пайқай олардилар. Акрам ака жаҳон адабиётининг, айниқса, тарихий романчилигининг катта билимдони эдилар.

Акрам ака баъзан ғалати романтик ҳолатга ҳам тушиб қолардилар. Эҳтимол, ана шу ҳолат домланинг чин қиёфаларидир. Ҳали айтганимдай, домла туфайли мен ҳам 1991 йилда ўрта мактаблар учун "Адабиёт" дарсликларини яратиш ишига жалб этилдим. Устозу шогирд домланинг машинасида Гулистондан Тошкентга жуда кўп бор бирга қатнаганмиз. Йўл-йўлакай қилинадиган узоқ суҳбатларимиз мавзуси адабиёт дарсликларини тубдан янгилаш, уни миллат болаларининг қалбини шакллантиришга хизмат қилдиришга эришиш бўларди. Бу гўё домла учун ҳаёт-мамот масаласи эди. Энг сара бадиий матнларни дарсликларга киритиш, уларнинг гўзал бадиий таҳлилини бериш, миллат ўқувчиларини таъсирчан, диди баланд, назокатли, чинсўз қилиб тарбиялаш ҳақида тўлиб-тошиб гапирардилар. Дарсликларга киритмоқчи бўлганимиз шеърларни ёддан айтардилар, домла насрий асарлардаги таъсирли ўринларни ҳам хотирлай олардилар. Домланинг таниқли адабиётшунос ва усулиётчи В. Раҳмонов билан биргаликда 8-синф учун яратган дарсликлари ўқувчилар ва ўқитувчиларга жуда манзур бўлди. Ўлимларидан сўнг Акрам акани бош муаллиф қилиб, проф. Ҳ. Болтабоев билан шерикликда яратилган 8- синф «Адабиёт» дарслиги олти марта чоп этилди. Домла "Адабиёт" дастур ва дарсликларининг «Кадрлар тайёрлаш» Миллий дастури қабул қилингандан кейин янгиланган иккинчи авлодини яратишда ҳам фаол иштирок этдилар.

Акрам ака табиатан етакчи одам эдилар. Пешқадамлик у кишининг қисмати эди, шекилли. Шу боис ҳар соҳада ўз-ўзидан олдинги ўринга чиқиб қолаверардилар. Не кўргуликки, домла ҳатто ўлим борасида ҳам биринчилардан бўлдилар.

"Куй авжида узилган тор" тўплами
Гулистон. 2004 йил

УЙҒОҚ РУҲ

Биз у бу деймиз-у, аслида, қўрқув – гўзал ва юксак туйғу. Бетайин, қўрқоқ, ёлғончи, юзсиз ёки сотқин деган ном олишдан юрагида қўрқув туймайдиган одам жуда қўрқинчли. Шу маънода, профессор Бегали Қосимов – жуда қўрқоқ одам. У "ном номусга эга"лигини яхши билади ва шаънига доғ тегишидан, тоза номи булғанишидан ўтдан қўрққандай қўрқади. Икки йилча олдин қайсидир идорадаги айрим "ҳушёрлар" Фитратнинг нашр қилинаётган асарларида «жадид» сўзини қўлламай, уни «маърифатпарвар» тарзида беришни талаб қилдилар. "Эҳтиёткор"лар бир замонлар ўзи қатағон қилинган адибнинг уларга қалтисроқ кўринган сўзини "сайқал"ламоқчи бўлишди. Китобнинг тайёрловчиларидан бири бўлган Бегали домла, аввало, бу нашрнинг шу ҳолда чиқишига қарши бўлди. Фикри ўтмагач, унда номининг кўрсатилишига рози бўлмади. Олим қилган шунча меҳнатининг беҳуда кетишидан эмас, балки асл сўзга хиёнат қилишдан **қўрқди**. Шу қўрқув боис номи тоза қолди.

Қўрқув одамни жасоратга, фаолиятга ундаши ҳам мумкин. Сабаби киши қўрқувдан қутулиш учун ё унинг сабабини йўқотиши ёки ундан нарироқ кетиши лозим бўлади. Бегали болалигида ўлимдан қўрқарди. Уни даҳшатли адолатсизлик деб биларди. Табиатан ҳақпараст бўлган болакай ана шу адолатсизликни бартараф этмоқчи, тирик жоннинг ўлмаслиги чорасини топмоқчи эди. Шу боис болаликдан шифокор бўлишни орзу қиларди. Аммо мактабни тугаллаш арафасида билдики, ўлимни енгадиган шифокор бўлиш учун ўликлар билан иш кўриши керак бўларкан. Ўйлаб қараса, ўлимдан ҳам кўра ўлик қўрқинчлироқ экан. Ана шу қўрқув ўзбек адабиётшунослигига улкан бир олимни берди.

Вужуднинг саломатлиги қанча аҳамиятли бўлса, кўнгилнинг соғломлиги, туйғуларнинг тириклиги ўшанчалик муҳим эканлигини ўзича англаб етган йигитча филолог бўлишга қарор қилди. Бу қарор ўн беш ёшида мактабни медал билан битирган ўспиринни Миллий университетнинг филология факултетига етаклаб келди. Узоқ Қашқадарёдан келган жимитдай йигитча кириш имтиҳонларидан аъло баҳолар олди. Мақсад сари оғишмай интилиш унга олий мактабда ҳам омад келтирди. Университетни имтиёзли тугатди, аспирантурага тавсия этилди. Донишманд адабиёт-

чи Ғ. Каримов раҳбарлигида олдин номзодлик, кейин докторлик диссертациясини ёқлади, профессор бўлди.

Одам ўзгалардан ҳурмат кўриши учун, аввало, ўзини ўзи ҳурмат қилиши керак. Бегали азалдан ўзини ҳурмат қиладиган, нафақат хатти-ҳаракатлари, балки ҳар бир гапининг ҳисобини оладиган жиддий бола эди. Ёшлигидан ўзининг гап-сўзлари-ю қилиқларини қаттиқ назорат қиларди. Шунинг учун ўзгалар ҳам ўз имкониятларини, қадрини биладиган бу болага эътибор билан қарашарди. Бошланғич синфдалигида оҳангга солиб достон ўқирди. Фавқулодда хотираси сабаб бир ўқигани ёд бўлиб қоларди. Ўқиганини ўзиникидай қилиб айтиб бера оладиган "қуймақулоқ" болакайга нафақат катталар, балки тенгдошлари ҳам ҳурмат билан қарашарди. Одатда, болалар ўз тенгдошларидаги алоҳидаликни, фавқулоддаликни пайқашмайди. Алоҳидалик жуда кўзга ташланарли бўлганда, пайқамасликнинг иложи қолмагандагина болалар ўртоқларига эътибор қилишади. Бегалининг ўзгачалиги ўсмирлигидаёқ тан олинганди.

Олимнинг фавқулодда қобилияти унга миллатнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ва адабий ҳаётига доир саноқсиз фактлар, номлар, шеърларни хотирасида сақлаш имконини беради. Аналитик тафаккур сабаб билганларини ўзаро солиштириб, улардаги қонуниятни топа олади. Шу боис унинг хулосалари салмоқли, тош босадиган бўлади. Б. Қосимов "Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик" номли фундаментал тадқиқотида жадидчиликни шундай изоҳлайди: "**Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир офатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди**". Олим учгина жумлага миллат тарихидаги бутун бир даврнинг жавҳарини жойлай билган. Дунё олимларининг проф. Б. Қосимов фикрлари билан ҳисоблашишлари шундан. Қатор асарларининг АҚШ, Англия, Франция, Туркия, Татаристон, Қрим, Бошқирдистон сингари юртларда таржима қилиниб, чоп этилаётгани, ўзини турли чет университетларга ваъз ўқишга чақиришларига ҳам сабаб шу.

Б. Қосимов илмда биринчи дуч келган оғочни эмас, балки унинг ортидаги ўрмонни кўра биладиган олим бўлгани учун ҳам

ҳодиса замиридаги қонуниятни нозик илғайди. Шу боис Туркистон жадидлари ҳақида гапирар экан XIX асрнинг бошларидан эътиборан бутун инсоният, хусусан, араб, эрон, ҳинд, турк халқларидаги фикрий уйғониш жараёнлари занжир сингари бир-бирига мустаҳкам боғлиқ эканини изоҳлаб берди. Унинг жадидчилик ҳаракати гносиологияси, тарихи, фалсафаси ва эстетикаси борасидаги қарашлари Туркияда кенг ёйилиб, эътибор топганидан олим бу мамлакатдаги академияларнинг бирига ҳақиқий, иккинчисига эса мухбир аъзо қилиб сайланган. Бегали ака Туркияда эътироф қозонган "Билга", Қозоғистонда чиқадиган "Туркология" журналларининг таҳририят аъзоси ҳамдир.

Қаҳрамонимиздаги бу хислатларнинг илдизи ҳақида ўйлаб қолади киши. Олимнинг отаси – Абулқосим полвон елкаси ер искамаган курашчи эди. Бунинг устига, эски мактаб кўрган, ҳар жиҳатдан фаросатли, ҳунарманд, қўли гул одам эди. Шўронинг давридаги турли қисқа курсларни битириб, қишлоғида мавжуд бўлган деярли барча касбларни эгаллаган, шу боис ҳамма вақт ҳаммага керак бўлган обрўли одам эди. Абулқосим бобо чорвани ветеринар даражасида билар, азалдан молчилик билан шуғулланиб келган қишлоқдошларининг дўхтири эди. У ўз колхозида раис, узоқ йиллар агроном бўлиб ишлади. Кели йўниш, эгар чопиш сингари юмушларда ҳам олдига тушадиган одам кам бўларди. Энг муҳими, таъби назми бор эди ва ундан болаларига икки дафтар шеър мерос қолган. Мусиқани англаш даражаси шундай бўлганки, дуторни ўзи ясаб, куйлар ижро этган. Лекин жуда чўрткесар, эътиқодли, сўзидан қайтмайдиган одам эди. Унинг отаси – Муҳаммадмурод анча бой одам бўлган эди. Бойнинг боласи сифатида икки марта турли муддатларга қамалган мулла Абулқосим ўша жойлардан қаҳри қаттиқликни орттириб қайтган.

Бегали Қосимовнинг онаси ҳамма ўзбек аёллари сингари муштипар уй бекаси эди. Лекин у сўзни билган, уни туйган, суйган ва ундан қўрққан одам эди. Эртагу қўшиқларни, Бегалининг бола юрагига адоқсиз андуҳ солгувчи маҳзун аллаларни кўп ва келтириб айтадиган аёл эди.

Одам фаоллашиб, ижтимоий ўзгаришларнинг кузатувчисидан уларнинг сабабчисига айлана боргани сари яратилган санъат ҳодисаларини текширишга социологик нуқтаи назар билан ёндашиш зарурияти туғилади. Ўзбек адабиётшунослигида чина-

кам социологик тадқиқотчилик Бегали Қосимовдан бошланди дейиш мумкин. Тўғри, шўро замонида фанда узоқ йиллар вулгар социологизм ҳукмронлик қилиб келган. Лекин бадиий адабиётга социологик ёндашув билан вулгар социологик ёндашув тамомила ўзгача ҳодисалардир. Негаки, социологик ёндашув эстетик ҳодисанинг ижтимоий асосини топишни тақозо этса, вулгар социологик ёндашув бадиий ҳодисани фикрий стериотипга мослаштиришга йўналтирилган бўлади.

Олим жадид адабиёти тараққиётини илк бор миллатнинг фалсафий, тарихий, мафкуравий, иқтисодий, сиёсий, эстетик қарашлари билан боғлиқликда яхлит текширишга эришди. Бу алоқадорликнинг қонуниятларини топишга уринди. Санъат алоҳида одамнинг руҳиятини, турмушини тасвирлаб, унинг шахсий ҳаётига аралаша бошлагандан кейин, санъат ҳодисаси ҳам бошқачароқ изоҳланиши лозим бўлди. Лекин бунда бадиий ижодга ижтимоий турмушнинг нуқси, унинг иллюстрациясигина деб қарамаслик керак бўларди. Бегали Қосимов ана шу заруриятни нозик ҳис этадиган йирик адабиётшуносдир.

Азалдан бадиий сўзга фавқулодда эътибор берилган, шеър ва шоирликнинг рутбаси баланд тутилган, бадиий сўз илоҳийлаштирилган, шоҳидан гадосига қадар шеър айтишга ишқибоз юртда янги давр, ўзига хос ижтимоий турмуш сабаб адабиёт зиммасига тушган социал вазифанинг бадиий инъикосини тадқиқ этиш анча мушкул кечади. Бадиий адабиётни ижтимоий кўзқараш билан текширган тадқиқотчи олдида ҳамиша ё бадиий асардан фақат социал маъно қидириш ёхуд ижтимоий аҳамиятга эга ҳар қандай битикни санъат асари сифатида қабул этиш сингари хатар туради. Бегали Қосимов, имкон қадар, бундай бирёқламаликдан ўзини сақлай билди. У ҳам бадиий сўзни нозик ҳис этадиган, ҳам ижтимоий мазмуни салмоқли асарлардаги санъатни бехато пайқайдиган кўзчил мутахассисдир. Олим бадиий сўзнинг ингичка жиҳатларини, сеҳрини, ўйноқилигини, айни вақтда, ижтимоий залворини яхши билади. Сўзни танлаб, ўринли ишлатади. Ўйлаб айтади, ўлчаб ёзади. Сўзга зеб бермайди, лекин зебона сўзлайди.

Бегали Қосимов ўз юртини, миллатини севгани, уни ҳар жиҳатдан мутараққий халқлар қаторида кўришни истагани учун ҳам дунё билан бўйлашиш, олам билан сўйлашиш лозим деб би-

лади. Дунёни билмоқ учун унга қўшилмоқ, дунёга қўшилмоқ учун уни билмоқ керак бўлади. Домла дунёни билишга интилиб яшайди. Шу боис унга бемалол қўшила олади. Ётсирамаслик, қўшилиш эса, уни янада чуқурроқ билиш имконини беради. Олимнинг тадқиқотлари миқёси кенглигининг, уларда антик давр адибларидан тортиб, бугунги адабий жараёнгача диққатга молик, салмоқли фикрлар билдирилиши сабаби шунда. "Турк дунёси адабиёти" ўттиз жилдлик мажмуасининг яратилишига, унда турк халқларининг бош бўғини бўлмиш ўзбекларнинг адабиёти тарғиб этилишида проф. Бегали Қосимов қўшган ҳиссанинг илмий ва тарихий аҳамияти ҳали авлодлар томонидан алоҳида ўрганилажак.

Бегали домла алоҳида одам уйғонмай, миллат уйғонмаслигини, миллатнинг мустақиллиги ҳар бир одамнинг мустақиллигидан бошланишини яхши билади. Шу боис миллий уйғониш ҳақида уйғоқ одамлар мисолида ёзади. Руҳ ва фикр уйғоқлигини миллатнинг хусусияти сифатида кўрмоқ истайди. Б. Қосимовда халқидан ифтихор туйғуси, ғурурланиш ҳисси кучли. У миллат ҳаётидаги ёруғ нуқталарни кўра ва кўрсата билади. Айни вақтда, ватанни севиш кўр-кўрона маҳлиёликдан иборат эмаслигини Б. Қосимов шундай қайд этади: "**Ватанни шунчаки севиб бўлмайди. Унинг дарди билан яшамоқ унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Бу ҳам кифоя эмас. Чинакам муҳаббат уни яна ҳам гўзалроқ, яна ҳам мукаммалроқ, яна ҳам улуғворроқ қилишга ундаши керак. Бу эса кураш демакдир**".

Олим миллатга хос одатлар, кундалик амаллардан унинг ўзак хусусиятларини излаб топади. Унинг қиёфасини белгилайдиган жиҳатларни кўрсата билади. Шу туфайли Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Авлоний, Тавалло, Сидқий-Ажзий, Сидқий-Хондайлиқий ва бошқа кўплаб маърифатчиларнинг халқ тарихи ва маданияти ривожидаги ўрнини тўғри белгилай олди. Шу туйғу "Истиқлол фидойилари" туркуми ва шу номда чоп этилаётган қатор асарларнинг юзага келишига, адабиётшунослик фани учун муҳим ҳисобланган "Миллий уйғониш даври" "Янги ўзбек адабиёти" атамаларининг қарор топишига сабаб бўлди.

Олим улкан миллатсевар бўлгани билан илмда торлик қилмайди. Миллатга адоқсиз муҳаббат ва туркий илдизнинг бирлиги туйғуси ўзбек олимини Исмоилбек Ғаспиралига яқинлаштирди. Туркий жадидчиликнинг отаси ҳақида бирор олим Бегали

Қосимовчалик мунтазам, қамровли, миқёсли тадқиқот олиб берган эмас. Олим бу ишни улкан муҳаббат ва баланд ойдинлик бурчи ила бажарди. Шу боис Ғаспирали ҳазратлари ҳақида қатор мақолалар битган, махсус рисола ёзган, унинг "Хотинлар ўлкаси" фантастик романи, бир қанча мақоласини таржима қилган. Чунки у И. Ғаспиралида туркий тафаккурнинг улкан миқёсларини кўради, туркий тараққиётнинг кечаги кунинигина эмас истиқбол куртакларини ҳам ҳис этади. Туркий тарих ва руҳиятни тўғри идрок қилиш учун уни пухта билиш шартлигини туяди.

Бегали Қосимовнинг адабиёттаниш борасидаги хизматлари қанчалик катта бўлса, унинг адабиёт ўқитиш илми ва амалиёти ривожига қўшган улуши ҳам шунчалар улкандир. Миллат ижтимоий тафаккурида янгиланиш уч берган дастлабки йиллардаёқ у адабий таълимни янгилаш зарурлигини англаб етган ойдинлар сафида бўлди. Олим янги дастур ва дарсликлар яратишда фаол қатнашди. Б. Қосимов иштирокида яратилган еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи синфлар учун "Адабиёт" дарсликлари бугунги кунда миллионлаб ўқувчилар томонидан ўрганилмоқда. Олим гўзал мумтоз асарлар ва адабиёт тарихининг мураккаб муаммоларини ўқувчиларга имкон қадар тушунарли, қизиқарли тарзда етказиб беришга астойдил уринмоқда.

Олим Миллий университетда ўзи ташкил этган "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" кафедрасини бошқариш билан биргаликда миллат аҳлини жадид адиблари мероси билан таништириш ишига етакчилик қилмоқда. Кафедра олимлари иштирокида жадид ёзувчиларнинг беш юз босма тобоқдан кўпроқ ҳажмдаги асарлари элликдан ортиқ китоб ҳолида нашр этилди. Олимнинг йигирма беш босма тобоқдан иборат "Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик" китоби чоп этилди. Бегали ака ҳар қандай ишни чиндан, астойдил қилади. Ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босади. Кўп фикрлаб, сўнг тадбир кўради. Шу боис кам хато қилади. Олим ўзини ҳамиша сўнгги марта сўзлаб, сўнгги марта ёзаётгандай тутади. Махсус тайёргарликсиз бирор ишга қўл урмайди. Ҳозирлик кўрмаган бўлса, оддий йиғинларда ҳам сўзга чиқмасликка уринади. Сўзга чиққанда эса масаланинг моҳиятини акс эттирадиган оҳорли гап айтади. Натижада, унинг ҳар бир чиқиши одамлар хотирасида чуқур из қолдиради.

Кишининг мутахассис сифатидаги фазилатлари унинг шахс сифатидаги хусусиятларига мутаносиб бўлсагина эътибор то-

пади. Шунинг учун ҳам проф. Бегали Қосимов Миллий университетнинг энг машҳур педагогларидан саналади. Уни талабаларнинг севимли домласи дейиш қийинроқ. Шуғулланадиган ишини ҳурмат қиладиган ва унга астойдил ёндашишни талаб этадиган бу домла талабаларга ўринсиз юмшоқлик қилмайди. Бировнинг юзу кўзи деб, эътиқодига хиёнат этмайди. Шу боис ўйинқароқ талабаларнинг домладан баҳо олишлари осон кечмайди. Лекин чинакам истеъдодларни қадрлайди, ундайларга қўлидан келганча ёрдам қилишга уринади.

Қанчалар тўсиқлар қўйилишига қарамай чинакам истеъдод ҳамиша ўзига йўл топиб олади. Бегали домланинг миллат равнақи, филологик илм тараққиётидаги заҳматлари қадр топмоқда. 1999 йилда профессор Бегали Қосимов "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвонига сазовор бўлди. Эътиқодига содиқ олим, билимдон мутахассис, жиддий тадқиқотчи Бегали Қосимов олтмиш ёшга тўлибди. Олтмиш ёш йигитлик эмас-у, аммо ақл қаймоқ боғлайдиган давр. Алломага умрининг кейинги босқичларида ҳам соғлиқ, омад ва илҳом ёр бўлсин!

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2002 йил 23 август

Қачондир қўйилган нуқтадан сўнг. Юқоридаги мақоладаги фикрлар 2002 йилнинг 23 декабр куни Ўзбекистон Миллий университетида Бегали Қосимовнинг 60 ёши муносабати билан ўтказилган тантанада қилинган маърузанинг асоси ҳам эди. Қарангки, орадан икки йил ҳам ўтмай, у киши ҳақда яна бир мақола ёзишга тўғри келди. Лекин буниси бошқа йўналишда бўлди. Қуйида ўша мақола матни берилади.

КЎНГИЛ ЁЛҚИНИ

2004 йилнинг 25 сентябри тонгида ўзбекнинг машҳур олими Бегали Қосим вафот этди. Дунё таниган ва тан олган адабиётшунос, яқинлари яхши кўрадиган ва интиладиган дўст, рақиблари ҳисоблашадиган ва чўчиб турадиган тўғрисўз бир одам дунёни тарк этди. Инсонга ёнида юрган одамнинг омонат эканини туймаслик хусусияти хосдир. Акс ҳолда, азалдан саломатлиги унчалик яхши бўлмаган Бегали аканинг, ҳатто оғир хасталаниб ётиб қолгандан, операция қилингандан кейин ҳам, тузалмаслиги мумкинлигига ҳеч ишонган эмасман. Бўлмаса, айтишувди: давоси оғирроқ дардга йўлиқибди, боз устига, касалнинг вақти ўтиброқ ҳам кетган деб. Лекин хаста домланинг ўзини тутиши, гаплари касалликка бўй берган, дунёдан кетадиган одамники эмасди. Унинг фикрлари ҳамишагиданда тиниқ, салмоқли, нишонга бориб тегадиган эди. Гап-сўзларида касалликдан қўрқув мутлақо сезилмасди.

Бегали ака ўзига хос шахс эди. Энди бу одам ҳақида фақатгина ўтган замонда гапириш мумкинлиги кишини ўртайди. Чиндан ҳам у, биринчи навбатда, кучли шахс эди ва унинг катта олимлиги ана шу шахслигининг натижаси эди. Унинг шахсиятидаги ўзига хослик ўзини тутишида, билдирган фикрларида, айтган ва айтмаган гапларида яққол сезилиб турарди.

Бегали ака ўзини ҳурмат қиларди. Шу боис ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини қаттиқ назорат этарди. Чунки хато қилишни истамасди. У сўзини ҳурмат қиларди. Шу сабаб кераксиз гапни айтмаслик бобида беназир эди. Айни вақтда, ўрни келганда, ҳақ гапни эсда қоладиган, таъсир этадиган қилиб айта билишда ҳам ўхшаши кам эди.

Бегали акага Яратган катта истеъдод ва нозик кўнгил берганди. Дунёни англамоқ ва Ҳақни танимоқ истеъдоди бадиий сўзнинг энг яширин жиҳатларига қадар илғай оладиган сезгир юрак билан бирлашиб, олимнинг қарашларига ўзгача салмоқ бағишларди. Унинг ёзганларида ҳамиша янгича фактлар, аввал ҳеч учрамаган далиллар бўларди. Лекин, муҳими, бу факту далилардан чиқариладиган илмий хулосаларга ўзгача бир ҳарорат, ёлқин эш эди. Бу ҳарорат сиртдан унчалик кўринавермасди. У ботиний илдизга эга эди, шекилли. Чунки бу оташ олим шахсиятининг қаъридан келиб чиқарди ва шу боис давомли, туганмас, тафти

баланд эди. Домла илмий ҳақиқатларининг чегара билмаслиги, нафақат ўзимизда, бутун туркий дунёда, балки жаҳон илмида тан олиниши ҳам ана шу кўнгил ҳароратидандир.

Бегали Қосимнинг эътибори фақат ўзига қаратилмаган, шахси билангина чекланиб қолмаганди. Унинг муҳаббати гизли эди, руҳий шиддат билан қўшилганди. Шу боис у халқ қаддини тиклашга, Ватан озодлигига эришишга умрини бахшида этган миллат ўғлонлари ҳақида улкан муҳаббат, ёлқинли ҳарорат ва билгичлик билан таъсирли қилиб ёзарди. Вафотидан бир кунгина олдин у билан "Жаҳон адабиёти" журналида чиққан шундай бир мақоласи ҳақида гаплашгандик. Улуғбек Долимовдан "Миллий уйғониш даври адабиёти" дарслиги нима бўлаётганини сўраганди. Сафдошига расмлар тагига ёзиладиган изоҳлар уларнинг моҳиятини очадиган тарзда таъсирли бўлиши лозимлигини тайинлаганди. Октябр ойида Қозоғистонда бўладиган дунё туркологларининг йиғинига маъруза тайёрлаб қўйганини айтганди.

Бегали ака туркий дунёнинг ардоқли олими, ўзбекнинг шаънини юксалтирадиган, обрўсини кўтарадиган шахс ва мутахассис эди. Шунинг учун ҳам уни гоҳ Қозоғистон, гоҳ Туркия, гоҳ Олмония, гоҳ Татаристонга таклиф этишар, фикрини тинглашар, айтганларига қулоқ осишар эди. Домла жаҳоний кўламда фикрлайдиган олим эди. Шунинг учун ҳам илм ўз инига биқиниб олмаслиги керак деб ҳисобларди. Олимнинг турк адабиётини турк олимларидан, қирим тарихи ва адабиётини қирим мутахассисларидан, татар адабиёти тарихини татарлардан пухтароқ билишини бир қатор анжуманларда, шахсий мулоқотларда бевосита кузатиб, гувоҳ бўлганман.

Бегали Қосим ўзига талабчан одам эди. Шу боис ўзгалардан ҳам масъулиятли бўлишни кутарди. У инсон ҳаётидаги ҳеч бир нарсага бепарволик билан қарамасди. Домла учун майда нарсанинг ўзи йўқ эди. Ҳар бир ишни бутун кучини сарфлаб қиларди, ҳар бир гапни ўта жиддият билан айтарди. Ҳатто тагдор ҳазиллари ҳам жиддий бўларди. Шунинг учун ҳам унинг олдида ҳар қандай одам аслидагидан бир қадар жиддийроқ бўлиб қоларди.

Бегали Қосимнинг ёзганларида муаллиф шахсияти яққол кўриниб, нафаси сезилиб туради. Чин инсоннинг қиёфаси унинг илмий ишларида ҳам тўла намоён бўлади. Бегали аканинг битганлари ҳам домла шахсиятидан таралиб турган ёлқин билан нурланган.

Бегали ака бир оз тортингандай, бир оз иймангандай кўринсада, тўлиб ҳаёт кечирди. Ортига қараса, уялмайдиган тарзда яшади. Эҳтимол, шу боис ўлимни ҳам мардона хотиржамлик билан кутиб олгандир. Зеро, у кишидан солиҳ фарзандлар, нодир илмий асарлар, миннатдор шогирдлар, уни ҳеч қачон эсдан чиқармайдиган дўстлар қолди.

Начора, ўлим ҳақ. Қисматга қарши бориб, унга исён қилиб бўлмайди. Ўзбек илми ўрни қопланмайдиган навбатдаги йўқотишга кўникмай иложи йўқ. Яратган эгам буюк Бегали Қосимнинг руҳини раҳматига олсин. Охиратингиз обод бўлсин, домла!

"Туркистон" газетаси
2004 йил 9 октябр

МАНЗИЛ ЗАЛВОРИ

Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво
Ҳақиқатнинг йўли билурман.
Муҳаммад Али

Тарихдан ўзи ҳақли бўлган ўринни топиш ҳар бир миллатнинг миллатлигини кўрсатганидек, ўз ҳаққини талаб этиш ва уни ажратиб ола билиш ҳам ҳар бир одамнинг одамлигини кўрсатадиган белгидир. Чинакам зиёли, асл ижодкор ойдин бутун истеъдодини миллатининг ҳақини ажратиб олишга йўналтиради. Шу ҳолат унинг ижодига ижтимоий салмоқ беради.

Бугун олтмиш ёшини қаршилаган таниқли ижодкор Муҳаммад Алининг болаликда ёзган дастлабки шеърларидан тортиб «Улуғ салтанат» романига қадар ўз ҳаққини, бинобарин, халқи ҳаққини "даъво" қилишга бағишланган дейиш мумкин. Шу боис Муҳаммад Алининг ижоди миллатдошларимиз руҳияти, сезимлари ва тафаккур тарзига муайян таъсир кўрсатган.

Муҳаммад Али (Муҳаммадали Аҳмедов) замонавий ўзбек адабиётида ўзига хос мавқега эга бўлган истеъдодли ижодкордир. У 1942 йилнинг 1 мартида Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманига қарашли Бешкал қишлоғида туғилди. Шўролар замонидаги оғир ижтимоий шароит ва ночор турмуш туфайли бўлажак шоир ўрта мактабни тугатгунча, уларнинг оиласи Тошкент вилоятининг Бекобод тумани билан Шаҳрихондаги Бешкал қишлоғига уч марта кўчиб бориб, қайтиб келишган.

Муҳаммад Али ёшлигида жуда кўп китоб ўқийдиган хаёлпараст болакай эди. У оламга ҳайрат билан боқарди, ундан бошқа тенгдошларига сезилмайдиган диққатга лойиқ жиҳатлар топар ва шулар таъсирида яшарди. Шоирнинг болалигини эслаб кейинчалик ёзган бир шеъридаги: "***Мен излаб топишни яхши кўрардим***" мисралари унинг табиатига хос бош хусусиятни акс эттириши жиҳатидан қимматлидир. Муҳаммад Али биринчи шеърини учинчи синфда ўқиётганида ёзди. Албатта, бу битик ўн яшар болакай ҳайратининг нўноқ ва жўн ифодаси эди. Аммо ўша "асари"даёқ бошқаларга ўхшамаган, тиришқоқ ва изланувчан бола шахсияти намоён бўлганди.

Тинимсиз оилавий кўчишлар оралиғида Бекободда ўрта мактабни битирган Муҳаммад Али ўзини меҳнатда чиниқтирмоқчи бўлиб, шағал тайёрлаб берадиган корхонага ишчи бўлиб ёлланди. Оғир жисмоний меҳнат ҳам ёш йигитни ўқиб-ўрганишдан чалғита олмаганидек, унинг ҳайратини ҳам пасайтирмади. Йигитдаги истеъдод учқунларини пайқаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Муҳаммад Алини Москвага — Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга йўллайди. У ўн саккиз ёшида Москвага ўқишга жўнайди.

Ўқишни битириб, Тошкентга қайтгач, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда оддий муҳаррирликдан Бош муҳаррирликкача бўлган босқичларни босиб ўтди. Республика телевидениесида муҳаррир лавозимида ишлади. Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да дарс берди, кафедрага мудирлик қилди. Ҳозирда Амир Темур халқаро жамғармаси бошқаруви раиси.

Муҳаммад Али учун шеърият, умуман, бадиий ижод шунчаки кўнгил эрмаги эмас. У ўз истеъдодини Ватан равнақига хизмат қилдирган ижодкордир. Шу боис адибнинг битганларида Ватан шунчаки тимсол эмас, асл инсоний туйғу, залворли бадиий юк бўлиб туради. Шеърларидан бирида: ***"Битта тушунчадир уй ила Ватан!"*** тарзида кашфиёт қилса, бошқа бир асарида Спитамен тилидан: ***"Ватанни севишга топингиз бардош, "Севаман!" деб сотиб юрманг гап"***,- дейди. ***"Шеърият бир олтин сарой, Ватан — сарой бекаси"***,- мисралари эса шоир ижодий ўрнагини янада очиқроқ ифода этади. Муҳаммад Алининг ижоди Ватан ишқидан туғилган, Ватан руҳига йўғрилган ва бошдан-оёқ ватансеварлик туйғуси қирраларини куйлашга бағишланган. Демак, Муҳаммад Али – ватанпарвар ижодкор. Лекин шоирнинг ватанпарварлиги чақириғу ундовлардан иборат ялтироқ ва қуруқ эмас. Унинг ватансеварлиги, миллатпарварлиги Ватан ва миллат тарихини билишдан, миллий хотирага эгаликдан келиб чиқади. Севмоқ билмоқни, билмоқ изланмоқни тақозо этади. Муҳаммад Али, ўзи болалигида айтиб қўйганидай, изланишдан чарчамайдиган ижодкордир.

Хотира илдиздир. Илдизнинг мустаҳкамлиги оғочнинг миқёсини, савлату салобатини, маҳкамлигу ҳосилдорлигини таъминлайди. Шу боис шоир тарихга кўп мурожаат қилади. Тарихнинг

қоронғи саҳифаларини бадиият нури билан ёритади. Шоир миллий хотиранинг йўқолишидан чўчийди. Шу сабабдан ҳам: "***Вайрон бўлган хотира — ўлим!***" - деб ёзади. Адиб Ватанга бўлган бугунги муҳаббатнинг илдизини кечаги кундан излаш лозим деб билади. Шонли ўтмишни улкан ва ҳароратли муҳаббат билан тасвирлайди.

Муҳаммад Али бугунни кеча орқали кўра оладиган ижодкор бўлгани учун ҳам кечаги кунни бугундай эъзозлайди. Шоир юртини ардоқловчи фарзанд сифатида билади: миллатнинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан айри бўлолмайди. Шу боис ҳар бир битигида озодлик учун омонсиз кураш руҳи ёлқинланиб турган "Спитамен" шеърий туркуми яралди. Шу туйғулар сабаб "Машраб" достони, "Боқий дунё" шеърий романи дунёга келди. Муҳаммад Алининг тарихий мавзуларни қаламга олиши ва тадқиқ этишида диққатга молик бир жиҳат бор. У ўтмишдаги **воқеаларни эмас**, балки биринчи навбатда, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танти **руҳий оламини, маънавий дунёсини** кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам адиб қаламидан чиққан кечаги киши ҳиссиёти бугунги ва эртанги ўзбекка ҳам англашимли бўлаверади.

Аждодлардан мерос гўзал инсоний туйғуларни тасвирлаш, улар ёрдамида бугуннинг одамини шакллантиришга уриниш адибнинг "Сарбадорлар" дилогияси, "Улуғ салтанат" тетралогиясига ҳам хосдир. Гарчи бу асарларда тасвирланган воқеалар бундан етти юз йилча олдин рўй берган эса-да, мардлик ўшанда ҳам эзгулик экани, хиёнат ўшанда ҳам жирканчлиги, севги ўшанда ҳам ҳаётбахшлиги акслантирилган. Бу асарларнинг қаҳрамонлари бўлмиш тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар, аксар ҳолларда, китобхон томонидан фақат билиб қўя қолинмайди, балки уларнинг кўнгил сезимлари ҳис этиладики, бу адибнинг ижодий ютуғидир.

Шоир Муҳаммад Али дунёни ўзича кўради, ўзигагина хос йўсинда тасвирлайди. Шу боис унинг битганларида: "***Тугилган мушт каби Кўкка ўқталиб, Барг ёзмоқ пайида Каллакланган тут***", "***Канал ёқасида шовуллар магрур, Осмонга санчилган мирзатераклар***", "***Томларда "лов" этди лолақизғалдоқ***", "***Ғазабдан гижирлар йўлларнинг тоши***", "***Аламимни жарликларга солгандим тўкиб, Жарлик баттар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб***", "***Шеър яралди дунёда илк бор, Илк бор оҳанг шаклга кирди***"

тарзидаги кутилмаган ташбиҳлар, ёрқин тимсоллар кўплаб учрайди. Айни шу сифатлар унинг шеъриятига тароват бағишлайди, уларни ўқишли қилади.

Табиий истеъдодини ички интизом билан омухта қила билган адиб шу вақтга қадар йигирмадан ортиқ китоб чоп эттирди. Унинг шўровий мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда ёзилган "**Ўз-ўзингни англаб ет**" эссеси миллий тарихшунослигимиз тараққиётини, миллатимиз аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди деб бемалол айтиш мумкин. Адибнинг "Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас" китоби (1992) халқимизга ўзликни англашда муҳим бир илмий-маърифий восита бўлди. Ёзувчининг "Мен кўрган Америка" саёҳатномаси (2002) тасвирнинг оҳори, бегона юрт ва ўзгача турмуш тарзи берган имкониятлардан ҳайратнинг вазминлиги билан ажралиб туради.

Тарихнинг сабоқ бўларли ҳодисаларини қаламга олиш ва уни ўқувчи ҳиссиёти ҳамда тафаккурига таъсир этадиган тарзда тасвирлаш жиҳатидан Муҳаммад Алининг "Гумбаздаги нур" достони алоҳида ажралиб туради. Достон 1967 йилда яратилган. Шу йили дунё тарихини боши-кети йўқ ғавғолар сари бошлаган 1917 йилги Октябр тўнтаришига роса эллик йил тўлганди. Бу ҳақда ўша даврда юзлаб бадиий асарлар яратилганди. Айни шундай бир дамда миллий тарихга мурожаат этиш, бунинг устига, Темур шахси тўғрисида ҳайрат ва эҳтиром билан қалам суриш ўз-ўзидан ҳукмрон сиёсатга қарши қўйилган қадам эди. Муаллиф бошида миллатчи, тарихни бузиб кўрсатувчи, чиркин ўтмишни қўмсайдиган киши сифатида маломатга қолиш хавфи турарди. Адибнинг юртга муҳаббати, миллий хотирага эҳтироми шахсий хотиржамликдан устун келди. Жасоратли шоир "Гумбаздаги нур" достонида тарих ҳақиқатига хиёнат қилмасликка ўзида куч топа олди. Миллатимиз, Ватанимиз тарихининг шонли манзараларини таъсирчан акс эттира билди.

Муҳаммад Али "Гумбаздаги нур" достонида халқимиз босиб ўтган йўлнинг шонли босқичларини меҳр билан тасвирлайди. Ҳолбуки, асар яратилган 1967 йилда ўтмишга шонли деб қараш, унинг ёруғ нуқталарини тасвирлаш рағбатлантирилмасди. Достон жонли ҳаётий лавҳа билан бошланади: Гўри Амир қаршисида турган хаёлчан болакай бинонинг муаззамлигини кўриб, ҳайратга тушади.

„Во-о-оҳ! Қандоқ курганлар!
Жуда ҳам катта-ку!
Бўлганми кранлар
Аввали ҳам, а?“
Домламиз дер эди:
„...Ўтмишда, ҳаттоки,
Арпа нон ер эди.
Қари-ёш... Ҳамма!“
...Тушади эсига
Яна кўп гаплар,
Илашар кўзига
Гумбаздаги нур.

Болакайни ўтмишда боболарнинг бу биноларни қандай қуришгани ўйлантиради. Негаки, ўқитувчиси аждодларимиз чориқ кийиб, қўш судраб, арпа нон еб умр ўтказган, улар хорзор ҳаёт кечиришган деб ўргатган. Боланинг кўнглида ҳақли равишда шубҳа пайдо бўлади: боболаримиз саводсиз бўлишса, арпа нон еб, қўш судраб, аранг кун кўришса, бу ҳашаматли гумбазларни ким ва қандай қурган? Достон ана шу саволга берилган бадиий жавоб сифатида юзага келади.

Шоир ўқувчини Темурбек салтанатининг пойтахти Самарқанднинг гуллаган даври, жаҳонгир бобомиз ҳукмронлиги йилларидаги камолини кўришга чорлайди. “***Зафарларнинг огушида маст***” яшаётган бошкентнинг рангин тасвирини чизади. Миноралари кўкдан ҳам баланд, аҳолиси “***Фарогатнинг тўшагида маст***”, мадрасалари дуо ўқишга ҳозир, олам зўрларининг юрагига титроқ солган ҳукмдорининг шахти ҳар недан юксак бўлган шаҳарнинг манзараси жонли кўрсатилади:

Самарқанд – мана!..
Эртакдан ҳам қадимлиги рост.
Салобату шукуҳ, тантана —
Фақат буюк пойтахтларга хос.
Теграсида парвона бўлган
Зарафшон ҳам бетин югурар.
Миноралар кўк баланд деган
Лофчиларнинг оғзига урар.
Мадрасалар мўйсафидсимон

Рўпарангда ўқишар дуо...
Буюк пойтахт яшарди гўё
Фарогатнинг тўшагида маст.
Лекин жангу жадаллар аро
Етмас эди нафасга нафас...

Асарнинг силлиқ кетаётган тасвир мароми валиаҳд Муҳаммад Султон вафоти тасвири туфайли бирдан ўзгаради. Шу воқеа тасвири асносида шоир Амир Темурнинг инсонлик сифатларини самимий акс эттиради. Дунё подшоларини зир титратган соҳибқирон ҳам тақдир ҳукми олдида оддий бандалар сингари ожиз. У суюкли набиранинг вафотидан қаттиқ қайғурибгина қўймайди. Муҳаммад Султонни қайтариш учун энг улкан маҳрумиятларга тайёр. Шоир асардаги бу тасвирларда Темурбекнинг инсоний сифатлари жуда ишонарли ва табиий акс эттирган:

Ўлим асли қисмати азал,
Ҳамманинг ҳам бошида бор гап.
Амир билар ва лекин бу гал
Тан олгиси келмайди, ажаб.
Энг суюкли набира қани?
Қирқилдими лочин парвози?
Нечун энди унинг ватани
Валиаҳдсиз қолмоги лозим?
Шак келтириб бўлмас бир орзу
Бўлган эса наҳотки рўё?
Манглайига тарс уради у
Ва инграйди: „Бевафо дунё!..“
О, чораси бўлсайди агар,
Агар келса тирилиб ўғлон,
Ростланса гар тақдири хато,
Амир Темур, фотиҳ, ўшал он
Тахтидан ҳам кечарди ҳатто!

Амир Темур дунёни қонга ботирган каллакесар тарзидагина кўрсатилиши лозим бўлган шўролар замонида унга инсонларга хос меҳр, соғинч туйғулари ҳам хослиги, фарзандни тожу тахтдан афзал кўрадиган танти ҳукмдор эканлиги тасвири ўз даври учун катта жасорат бўлган. Асарнинг бу ўринларида ҳаз-

рати Темур шахсиятининг нурли жиҳатлари намоён этилган. Ёзувчи асарда соҳибқироннинг истаги ҳамиша бажо бўлиб, қиличи тошнида кесиб юрган одам эканини тасвирлашга эътибор беради. Шу сабабдан ҳам у Муҳаммад Султонни тахт эгаси қилиш борасидаги орзуси амалга ошмай қолганидан жуда қаттиқ оғринади. Неварани йўқотиш ҳар кимга ҳам оғир. Лекин дунёнинг кўплаб подшоларига ҳукмини ўтказиб ўрганган Темурнинг оддий бир истаги амалга ошмай қолиши унинг учун жуда ҳам оғир кечгани достонда маҳорат билан акс эттирилган. Қисматнинг қудрати шундайки, Темурбекдай жаҳонгир ҳам унинг исканжасида. Оддий ва ожиз бир одамдаги каби унинг кўзларида ҳам алам ёшлари айланади. Достонда соҳибқироннинг, ҳатто кўз ёшларни артиб олишга ҳам қодир бўлмай қолган ночор ҳолати таъсирли акс эттирилган:

Йиғи олар кўнгил дардини,
Гарчи битмас, нимаки синди.
Оламгирнинг кўзёшларини
Артиб қўяр ўзгалар энди.

Достондаги кейинги тасвирларда бола ақлини лол этган мақбара қай тариқа пайдо бўлгани асосланади: шавкатли Темур набирасининг ҳаётини сақлаб қололмаган бўлса ҳам Муҳаммад Султонга мақбара қурдириб, номини абадийлаштиришга қарор қилади. Шу йўсинда бетакрор ва ҳалол меҳнатлари билан ўзларига ҳайкал қурган ўн икки меъмор ҳақидаги достоннинг ҳаётий асоси қандай юзага келгани акс эттирилади. Мўъжизакор санъатлари билан гўзал обидалар яратган меъморларнинг турмуши аччиқ. Қурувчи ҳукмдорга гўзал бино қуради, лекин унинг жўнгина тандирга ҳам ёлчимаган хотини нонни қўшнисиникида ёпади. Улар ўзгаларга кошоналар тиклашади, аммо ўзлари вайрона кулбаларда ҳаёт кечиришади. Шоир кутилмаган нотенглик ва аччиқ-чучуклардан иборат ҳаёт мураккаблигини асарда жуда нозик ифодалайди:

Йигитларнинг қараши кескир,
Қайтаради қилич дамин ҳам.
Фақатгина собит ва эски:
Лабда кулгу, кўзда қотган нам...

Асарда кутилмаган бадиий топилдиқлар, оҳорли ташбиҳлар жуда кўп ва ўринли қўлланилган. Достоннинг қийматини оширадиган жиҳат шўро замонида Темур сиймоси тасвирланганидагина эмас, балки бу сиймонинг жуда катта маҳорат билан эсда қоладиган қилиб акс эттирилганидадир. Юқоридаги сатрларда йигитлар нигоҳидаги ёвқурликнинг қиличдан ўткирлиги катта маҳорат билан ифодаланган бўлса, инсон ҳаётида ғам билан қувончнинг ёнма-ён юриши лабдаги кулги билан кўздаги ёшга жуда чиройли менгзалган. Ана шу тасвирлар асарнинг ўқишлилигини кескин оширган. Чунончи шоирнинг:

Чопар зоти — худди замона!
Чақмоқдай тез у минган тулпор!

каби тасвирий топилмалари киши эътиборини ўзига тортади. Замон бу -вақт дегани. У асло тиним билмайди ва нурнинг тезлиги билан ўтади. Темурнинг қудратини ифодаловчи чопарлар югуриклигининг вақтга ўхшатилиши тасвирнинг таъсирчанлигини кескин оширган. Ҳолбуки, бу тасвир ҳаётий мантиқ нуқтаи назаридан у қадар ишонарли ва тўғри эмасдай. Негаки, аниқ нарса кўриб бўлмайдиган мавҳум тушунчага ўхшатилган. Лекин бадиият қоидасига кўра шу ўринда айни шундай тасвир талаб этилган ва шоир буни бера олган.

Қаранг, гумбаз қобирғалари,
Бир-бирига вазмин нур ташир.
Қодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб бирлашур

сатрларида Самарқанд иморатларининг кўрку салобатини кўз илғамас бир маҳорат билан акс эттирилади. Муҳими шундаки, достонда тасвир ахборот вазифасини бажармайди. Шоир нима ҳақдадир хабар бериш билан кифояланмайди. Асарда поэтик динамика, тўхтовсиз ички ҳаракат сезилиб туради. Юқорида келтирилган парчада ёғдуланган гумбаз қобирғалари ўқувчи кўз ўнгида шундоққина гавдаланади, уларнинг пастдан юқорига қараб бирлашиб бориши, уларда нурларнинг сеҳрли жилваланиши кўзга кўрингандай бўлади.

Уларнинг қодир қисмат йўлига ўхшатилиши ҳам улкан ҳаётий ва бадиий эффект берган. Зеро, одамнинг билиб-билмай қўйган ҳар бир қадами уни қисмати сари элтаверади. Чинакам маҳорат билан битилган асардагина тасвир шундай самара беради.

Тарихнинг ҳам нурли, ҳам қоронғи бурчакларини акс эттириш – шоирнинг матлаби. Муҳаммад Али достонда Оврупо ва Россияни босқиндан асраб қолган ҳазрат Темурнинг хизматларини меҳр билан акс эттиради. Ҳаётнинг, инсоннинг мураккаблиги шоирни ҳайратга солади. Дунёни бошқариш истагидаги қаҳҳор соҳибқирон юрагида нозик гўзаллик ва буюк бунёдкорлик туйғуси ҳам мавжудлиги уни ҳайратга солади:

Наҳот қаҳру гумонлар аро
Гулдан нозик кўнгил яшайдир?
Ки, юрт аро, майдонлар аро
Нафосатни кўрмакка шайдир?

Чиндан ҳам Темурдай жангари зотнинг, тарихий миссияси сабаб қанча қонлар тўкишга мажбур бўлган жаҳонгирнинг гўзалликни шу қадар нозик ҳис этиши, пойтахтини ақлни лол қолдирадиган иморатлар билан безаши унинг шахсиятидаги ажиб бир мукаммалликдан нишона эканини англатади. Шоир юрт ва унинг майдонларида нафосатни кўришга шай бўлган жаҳонгирнинг одам сифатидаги туйғуларини билгичлик билан тасвирлайди.

Муҳаммад Али достонда ҳикматлар билан фикрлашга интилади. Шунинг учун ҳам унинг битганлари ўқувчини ром этади. Жумладан, жаҳонгирнинг тарих олдидаги хизматлари ва тарихнинг Темур олдидаги қарзларини бадиий кашфиёт даражасида ғоят лўнда акс эттиради:

Ҳар нарсада бор икки тараф,
Таёқнинг ҳам икки томони...

Мана шу иккигина қатор Темур шахсиятидаги барча қирраларни ўзида акс эттирган дейиш мумкин. Ўқитувчи буюк жаҳонгирнинг амал кишиси эканини, фаолият одами эса, албатта, та-

ёқнинг икки томони бўлгани каби яхши ва ёмон ишлар қилиши мумкин эканлигини акс эттиради. Шоир тарихда ўтган ва ёнгинамизда яшаётган кишиларга уларнинг одамлар эканини ҳисобга олиб ёндашиш зарурлигини билдиради. Одамдан фариштa ясаш номаъқул бўлганидек, уни иблис қиёфасидагина кўришга ҳам уринмаслик лозим. Шундагина одам деб аталмиш яратиқни бутун мураккаблиги билан қабул қилиш мумкин бўлади.

Шоир достонда тасвирнинг ширадорлигини таъминлаш, ифоданинг ҳиссийлигига эришиш учун бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. У жонсиз нарсалар тасвири орқали одамга хос руҳий ҳолатни бера олади. Чунончи, достонда Бибихоним қурдирган масжиднинг шўро давридаги ғариб кўриниши шундай тасвирланади:

"Бибихоним" гумбази турар
Бекасидай кўнгли яримта...

бу тасвирда ахборотгина берилмаган, балки қанчалар суюкли бўлмасин, фарзандсизлиги сабаб кўнгли ярим аёлнинг кечинмалари ҳам чизилган. Ёки достондаги:

Ажаб, кўм-кўк турибди гумбаз
Аза тутган аёл сингари

сатрлари ҳам кучли ҳиссий маъно ташиши билан ажралиб туради. Бундай тасвирлар достонни ўқувчига яқинлаштиради, уни юқумли қилади. Асарни воқеалар баённомасига эмас, балки кўнгил тебранишлари ифодасига айлантиради. Айни вақтда, тасвир аниқлик, моддийлик касб этади. Қаламга олинган тимсол ўқувчи кўнглида ҳам, кўз ўнгида ҳам яққол гавдаланади.

Достонда жаҳонгирнинг амри билан мақбара бунёд қилган меъморлар фақат Темурга эмас, балки ўзларига ҳам ёдгорлик тиклаганлари ифода этилади. Чунки бу бино "***...амирнинг сағанасимас, "Ўн иккилар" ҳайкали эрур!***" Гарчи бунёдкор меъморлар номи тарих саҳифаларига битилмаган бўлса-да, уларнинг савобли ишлари, гўзал асарлари абадиятга қолди! Инсонни яхши иш, эзгу фазилат мукаррам этади:

Ошкоралар ичида пинҳон
Ўн икки жон, ўн икки меъмор-
Булутларга кўмилган осмон...
Ёмғирларга зориққан баҳор...
Насибангиз – гаройиб қисмат,
Қисматингиз – аччиқ насиба...

Шоирнинг сўзни нозик ҳис этиши, уни тасвир талабига мувофиқ тарзда маҳорат билан қўллай олиши асарнинг жозиба кучини оширган. Достоннинг бу хусусиятлари кимлигини билишга тарих ҳам ожиз қолган ўн икки меъмор тасвирига бағишланган сатрларда янада яққол кўринади:

Тик боқар-у тарихдай хилқат,
„Ожизман..." - деб турар беибо.
Сиздан на бир қолибди хабар,
Сиздан на бир қолибди исм.
Ўн икки жон — йўқолган гавҳар,
Ўн икки жон — очилмас тилсим...

Мазкур тасвирда шоирнинг маҳорати тўлиқ бўй кўрсатади. Отлари ошкоралар аро яширин қолган, аммо ишлари абадиятдан ошкор ўрин олган шахсларнинг ҳам фожиали, ҳам ибратли тақдири ифодаси ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ўн иккиларнинг йўқликка кетмаслиги, кейинги авлодлари улардан мерос қолган яратувчилик иштиёқи туфайли қатор эзгуликлар бунёд этганлиги асарда ёрқин кўрсатилади.

Айтиш керакки, достон осмонўпар гумбазнинг яратилиши ва Темурнинг тарихдаги ўрнига инсоф билан баҳо бериш ниятидагина ёзилмаган. Асарда оддий инсон ва кўҳна тарих муаммоси бадиий йўсинда ҳал этилган. Унда оддий одам тарих олдида қандай қимматга эга? У унутилишгагина маҳкумми? Авлодлар эслаши учун оддий одам қандай яшаши керак каби саволларга жавоб қидирилган.

Темур каби буюкларнинг абадиятини таъминлаган "ўн икки"ларнинг номи тарихда қолмаса-да, ишлари барҳаёт. Яратувчилик, эзгулик – авлодларига улардан мерос. Ота мерос шу туйғу боис қирқ беш кунда катта Фарғона канали қурилди. Яратувчилик туйғуси туфайли урушда ғолиб келинди. Шу туй-

ғу сабаб урушнинг қонли бозори қизиган дамларда Фарҳод ГЭСини бунёд этишга куч топилди. Муборак туйғу кишиларни гўзаллик сари етаклайди, акс ҳолда егали бурда нон топиш маҳол бўлган дамда Навоий номидаги муҳташам театр қурилармиди? Қалбида эзгулик бор эканки, ўн икки меъморнинг авлодлари зилзила вайрон этган шаҳарни қайтадан бунёд эта олдилар.

Шоир "Гумбаздаги нур" достонини яратишда биографик методдан ҳам ўринли фойдаланган. Муҳаммад Алининг 2004 йилда нашр этилган "Абадий соғинчлар" китобида қайд этилишига қараганда, шоирнинг отаси Аҳмадқул полвон Катта Фарғона каналини қазишда қатнашганларнинг энг илғорларидан бири бўлган. Шунингдек, дунёга машҳур санъаткор Тамарахоним у кишининг ҳалол меҳнатига қойил қолиб, рўмолини бериб кетган. Маълумки, ўша даврларда томошалар очиқ майдонда ўтказилар, санъаткорларни доира бўлиб ўраб олган томошачи эркакларнинг ҳар бири ўша давр бадиий этикетига кўра, ўз олдига белбоғини ёзиб қўйган ҳолда ўтирар, раққоса ўйини давомида кимнинг белбоғига тиззалаб муқом қилса, бу ўша томошабин учун энг олий мукофот бўлар эди. Айтишларича, Аҳмад Бекназар ўғли қурилишда шундай обрўга эга бўлган эканки, Тамарахоним ялла айтиб рақс туша туриб, нафақат унинг белбоғига тиззалайди, балки ўз бошидаги рўмолни Аҳмадполвонга совға қилади. Бу ҳаётий ҳодиса достонда гўзал бадиий ифодасини топган:

Водий аро кезарди байрам...
Шу водийда қишлоқ бор — Бешкал.
„Мен — шу ёқдан!"- деб чиқди отам —
Бекназарнинг ўғли Аҳмадқул.
Ўзбекнинг шўх, чапдаст ўғлони.
Ўттиздаги тинмас бир йигит.
Билагида кучи тўлғанур,
Иштиёқи синмас бир йигит...
Бир дуррани асрайди доим,
Гарчи шунча йиллар ўтибди.
„Яша, мард!"— деб Тамарахоним
Дуррасини бериб кетибди!

Бу дуррани тангиб олган-да,
„Ҳай-ё, ҳуйт!"- деб ишлай берган у.
Қирқ беш кеча-кундуз деганда
Канал ичра чаппар урди сув!
О, кўзларга қўнди табассум,
Кўз ёш ювди юздаги чангни.
Тингла, Тарих, тингла ушбу зум
Қаҳ-қаҳ уриб келган оҳангни...

Бу тасвир асарни китобхонга яқинлаштиради. Чунки достонда девкор ва содда чапани йигитнинг табиати жуда жонли тасвирланган. Бу тимсолнинг нафасини туйиб, ҳаракатларини кўриб тургандай бўласиз. Чунки ифода – сохтакорлик, зўракилик, атайинликдан бутунлай холи самимий ва табиий.

Асарда омма руҳиятининг поэтик манзараси маҳорат билан яратилган. Юздаги чангини қувонч ёшлари билан ювган, қулникидан-да каналдан қаҳ-қаҳ уриб келган сувнинг оҳангида оғир меҳнат самарасини кўролган омманинг феъли енгил чизиқлар ёрдамида эсда қоладиган қилиб тасвир этилган. Тўғри, бу тасвирларда муайян қиёфа чизиб берилмаган. Аммо муайянликнинг йўқлиги, ҳар бир ўқувчига ўз тасаввуридаги кишиларни келтириб олиш имконини беради. Чунки омманинг портрети бўлмагани билан унинг ҳаракат динамикаси достон ритмикасидан яққол сезилиб туради.

Муҳаммад Али асарда фақат Темур тимсоли тасвирига эътибор қаратиб, ўн икки меъморни эътибордан соқит қилиб қўймайди. Номаълумлиги сабаб маълумлашиб, ўқувчининг қалбидан жой олган меъморларнинг аниқ қиёфасини чизолмаганидан, уларнинг кимлар эканлигини айтолмаганидан шоир ўртанади. Қуйидаги мисралар ана шу ҳолатнинг моддий ифодасидир:

Бунда бордир бир дунё илм,
Ғиштлар аро яширинган роз.
Ҳамма бордир, ҳамма ва лекин
Ўн икки жон бунда йўқ, холос!..

Муаллифни ҳаёт тартиботининг адолатсизлиги ўйлантиради. Ёдгорликларнинг ўзи тарих, ундаги ҳар бир белги, ҳар бир ғишт тарихнинг сиридан гап очади. Унинг қурилиши-ю,

жойлаштирилишидан тортиб, безакларига қадар англаш, билиш мумкин. Лекин, афсуски, шу сирларни вужудга келтирганлар истеъдодлар кимлигини билиш мумкин эмас.

Шоир тарих учун ўтадиган кунлар, ойлар, йиллар, асрлар катта муддат эмаслигини, ҳаётдаги ҳар қандай ҳодиса сингари одам ҳам унутилишга маҳкумлигини, аммо тан олинса-олинмаса, эзгу ишларгина яшаб қолиши, тарихнинг хотирасида вақти-вақти билан кўриниши мумкинлигини жуда таъсирли акс эттиради:

Рост гап, дўппи айланар бир бор
Юз йил, минг йил деганларида.
Собит турган ўн икки меъмор
Ўзбекистон чаманларида.

Шу сабабли шоирда умидбахшлик, некбинлик кучли. Заҳматкашларни тарих эсламаслиги мумкин, обидалар ҳам, эҳтимол, унутилар. Зеро, чинакам одам учун у қилган эзгу амалларнинг эслаб турилиши эмас, балки бу амалнинг эзгуликка хизмат қилиши муҳимдир. Шу боис кимлиги номаълум ўн икки меъмор "Ўзбекистон чаманларида" яшайверади. Эзгу ишлари сабаб халқнинг хотираси уларни ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги асарда таъсирли ифода этилади:

Ўшанда ҳам Тарих энтикиб,
Эслолмаса ёшлигин, инон,
Менинг каби бир шоир чиқиб
Ўшанда ҳам ёзгуси достон!

Шоир миллий тарихга, қадриятларга, туйғуларга бегона кимсалар гумбаздаги нур, яъни эзгуликни пайқамайдиган, қалби сўқир кимсалар эканлигини достоннинг "Чекиниш" бобида жуда таъсирли тарзда кўрсатади. Навоий театридаги гўзал безакларга маҳлиё бўлган мўйсафид уларнинг чиройидан ҳайратга тушса, ёнидаги ўспирин шу безакларга анча пул кетганидан гапиради. Ўзбек деб аталмиш миллатнинг ўтмиши ва бугунининг мажозий ифодаси бўлмиш бу икки образ достоннинг ютуқларидан ҳисобланади. Асар жуда гўзал истиора орқали ифода этилган умидбахшлик ила тугайди:

Гумбазда ўйнайди
Ўша нур, ўша нур,
Уфқ аста ямлайди
Офтобни, қара!
Заволлар..
Саволлар...
Юр, укам, қани, юр!
Олдинда хаёллар...
Ортда мақбара...

Ўқувчи асарнинг номи нима учун "Гумбаздаги нур" эканига эътибор қилади. Киши гумбаз қандай маъни ташиётгани-ю, нур қандай кўчма маънога эгалигини тушунишга интилса, асардаги гўзалликни ҳис қилади. Зеро, адабий асарнинг гўзаллигини ҳис этиш ундаги сўзларнинг сеҳрига калит топишни ўрганиш демакдир.

Ўқувчи: "Олдинда хаёллар... Ортда мақбара" сатрларининг мазмуни хусусида ўйга толади: нега хаёл олдинда-ю, мақбара ортда? Хаёл нима? Мақбара-чи? Хаёл – тараққиёт воситаси. Хаёл парвозисиз ўсиш, ривожланиш бўлмайди. Демак, хаёл – келажак рамзи. Мақбара эса ўтмиш. Ўтмиши буюк бўлганнинг келажаги порлоқ бўлади. Яратувчи ўзбекнинг рамзи – хаёлчан бола шонли ўтмишга ҳам, учқур хаёлга ҳам эга. Демак, халқ келажагининг баланд парвозларига умид қилса бўлади.

"Гумбаздаги нур" достони ватанни муқаддас қилган халқ ва халқи қиёфасини сақлаб қолабилган ватан ҳақидаги самимий битикдир. Асарда шоирнинг халққа чексиз эҳтироми оташин мисраларда баён этилган. Чунончи, у қуйидаги сатрларда ватан ва халқ ҳақида гап сотиш эмас, унга хизмат қилишни бурч деб биладиган оташин фарзандлар кераклигини кескин ифода этади:

Халқим! Нокас эрур ул фарзанд,
Гар сени деб бўлмаса фидо!

Муҳаммад Али ўгириш назариясини теран биладиган олим ва моҳир таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара асарлари билан ўзбек ўқувчиларини ошно қилишга астойдил ҳаракат қилиб келаётган ижодкордир. Унинг таржимасидаги "Рамаяна" эпоси эндиликда фақат ҳиндларнинг эмас, ўзбекларнинг ҳам бадиий мулкига айланди. Қорақалпоқ шоири Бердақнинг

асарлари, шу халқнинг "Маспошшо" ва "Шаҳриёр" достонлари адиб қалами туфайли ўзбек хонадонларига кириб борди. Инглиз шоири Роберт Бёрнсдан Муҳаммад Али қилган таржималар худди асли ўзбекчада ёзилгандай таассурот қолдиради.

Муҳаммад Али бадиий ижодни илмий тадқиқот ва педагогик фаолият билан қўшиб олиб бора олган ёзувчилар сирасига киради. У – филология фанлари номзоди, Вашингтон университети профессори, Ўзбекистон Миллий университетида қатор йиллар маъруза ўқиган, кафедрага мудирлик қилган таниқли домла.

Асарлари дунёдаги йигирма бешдан ортиқ тилга таржима қилинган адибнинг ўзбек адабиёти ривожи ҳамда миллат маънавияти юксалишига қўшган ҳиссалари ҳисобга олиниб, унга 1992 йилда "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвони берилди.

Муҳаммад Али бугун олтмиш ёшда. Киши умрининг салмоғи унинг қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан белгиланади. Ҳар ҳолда, олтмиш йил – инсон умрининг табаррук бир манзили. Бунга шунчаки, яшаётгани учунгина етиб келиш фазилат эмас. Олтмиш йиллик умр салмоғини теран ҳис этган таниқли адиб ҳаётининг навбатдаги манзилига залворли ижодий юк билан ўтганлиги мухлисларини қувонтиради.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2003 йил 14 март

МОҲИР СИНЧИ

Бадиий асарнинг ўқувчи томонидан қабул қилиниши жараёнида жўнгина **ахборот алмашиш** эмас, балки **бадиий мулоқот** содир бўлади. Негаки, бу жараёнда муаллиф бадиий матн воситасида реципиент – истеъмолчи ўқувчига таъсир кўрсатиб қолмайди, бу орада акс таъсир ҳам амалга ошади, тескари жараён содир бўлади. Ўқувчининг матнни идрок этиши, ундаги яширин жиҳатларни топа олиши матнга кўрсатилган ижодий таъсирнинг намоён бўлишидир. Шу тариқа, реципиент бадиий маҳсулотнинг истеъмолчисигина бўлиб қолмай, унинг яратувчисига ҳам айланади.

Бадиий асарнинг эстетик мартабаси ва ижтимоий самарадорлиги муаллиф томонидан яратилган матнгагина эмас, балки реципиентнинг савияси, унинг тайёрлик даражасига ҳам боғлиқдир. Ўқувчининг ижтимоий, тарихий ва шахсий тажрибаси бадиий матн билан шундай фаол алоқага киришадики, бу муносабат бир томонлама коммуникацияга эмас, балки икки ёқлама мулоқотга, матн ва ўқувчининг диалогига айланади. Реципиентнинг бадиий асарга маъно юклай олиш даражаси унинг матндан эстетик таъсирланиши даражасига тенг бўлади. Демак, бадиий матннинг теранроқ англашилиши ҳамда жамият қатламларига таъсирининг ортишида танқидчи ва адабиётшуносларнинг ўрни каттадир.

Узоқ йиллар мобайнида ана шу жараёнга фаол таъсир кўрсатиб келаётган адабиётшунослардан бири академик Матёқуб Қўшжоновдир. Севимли адибимиз Одил Ёқубов олим ҳақида: "Танқидчи сифатида Матёқуб... санъат асарида инсон характерининг моҳиятини жуда чуқур ҳис қилади",- деган эди. Оқсоқол адабиётшунос бадиий асарнинг моҳиятини аниқлабгина қолмай, унинг ўзгалар томонидан ҳам англаниши йўлида катта ишларни амалга оширган ижодкордир.

Ғоятда ўзига хос шахсият эгаси бўлган Қўшжонов домла қатъияти, иродаси ва ички интизоми билан ўзга олимлардан яққол ажралиб туради. Бу хислатлар унинг оддий маиший турмуш ўрнакларида ҳам, илмий фаолият йўсинида ҳам кўзга ташланиб туради. Айни шу сифатлар олимга улкан ёшда экани, уруш деб аталмиш алангали жаҳаннамдан ўтиб келгани, оғир хасталикларни бошидан кечирганига қарамай, ҳозиргача самарали ил-

мий фаолият кўрсатиш имконини бермоқда. Матёқуб ака оламнинг қиёфасини, одамнинг тафаккур йўсинини тубдан ўзгартириб юборган уч эврилишни, уч талотумни ўз бошидан кечирган. Болалиги ҳаётнинг мавжуд тартиблари йўқотилиб, шўролар тузумининг ўрнатилишига, йигитлиги иккинчи жаҳон урушига, кексалиги мустақиллик даврига тўғри келди. Олим ҳамиша давр ҳодисаларининг қайноқ қучоғида бўлди, уларни холис идрок этиш, моҳиятини англаш ва билганларини ўзгаларга тушунтиришга ҳаракат қилди. Домла умр бўйи виждонига, илмга, инсофга хиёнат қилмай яшашга уринди.

Мўлжал аниқлиги

Матёқуб Қўшжоновнинг ёшликда кўзлари жуда ўткир эди. У кундузи ҳам осмондаги юлдузларни бемалол кўрарди. Шу боисдан ҳам урушга борганида, уни мерган (снайпер)ликка олишди. Қизиқки, кўрар кўзнинг ўткирлиги М. Қўшжоновнинг ақл кўзига ҳам, кўнгил кўзига ҳам кўчган экан. Бадиий асарларни текширишида олимнинг ўта кузатувчанлиги, синчковлиги сезилиб туради. Таҳлил этилаётган асардаги кичик бир номувофиқлик ҳам танқидчининг назаридан четда қолмайди. У бошқа танқидчилар илғамаган ғоят нозик, сезилар-сезилмас нарсаларни пайқайди ва инсон табиати аслида ўшандай майда кўринган нарсалардан иборат эканлигини кўрсатади. Бошқа кўпчилик адабиётшунослар бадиий матнга ўз фикрларини асослаш воситаси, назарий хулосаларга мисол берадиган материал деб қарайдиган маҳалларда М. Қўшжонов бадиий матн ва унга хос хусусиятларни чинакамига ўрганган, асарни хулосага мосламай, тўхтамни матндан келтириб чиқарган биринчи олимлардан бўлди.

Кўзнинг ўткирлиги ва мўлжалнинг аниқлиги олимга адабий ҳодисалар замиридаги қонуниятни топиш, бадиий тафаккур тенденцияларини тўғри аниқлаш, бадиияти заиф битикларни асл асарлардан бехато айириш имконини берди. Қўшжонов домла 1973 йилда ёзган "Маъно – маҳоратнинг бош масаласи" мақоласида миллий насримизда пайдо бўлаётган соғлом тамойилларни тўғри кўрсатиб берди. Унда ижтимоий аҳамияти катта мавзулар билан биргаликда одамнинг руҳий ҳолати, кўнгил изтироблари ҳам баланд савияли асарларга мавзу бўлиши мумкинлиги ҳали унчалик танилмаган ёш ёзувчилар ижоди мисолида асослаб бе-

рилди. Орадан ўтган ўттиз йил олимнинг ҳақ эканлигини кўрсатди. М. Қўшжоновнинг "Давр талаби ва ижод масъулияти", "Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа" сингари жуда кескин танқидий руҳдаги асарларида қатъият, принципиаллик бадиий адабиётга хайрихоҳлик билан қўшилган ҳолда намоён бўлган. Бу мақолаларда танқид қилинган асарлар ўқувчиларнинг ёдидан кўтарилган бўлса-да, олимнинг жўшқин қарашлари, унинг баҳсдаги самимияти ва, энг муҳими, бу мақолаларнинг аҳамияти бугун ҳам йўқолган эмас.

Матёқуб домла оламни яхлит кўради. Дунё ҳодисалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини теран ҳис этади. Шу боис ўзбек адабиётини ҳамиша жаҳон эстетикаси фонида текширишга уринади. Олим "Абдулла Қаҳҳор маҳорати" китобида: "***Абдулла Қаҳҳорда О. Генрига нисбатан бир қадам олга бўладиган бирон белги бормикин? У ...мазмун жиҳатидан мукаммал асарлар яратган бўлса ҳам, шакл жиҳатидан, бадиий приёмлар нуқтаи назаридан О. Генри савиясида қолдимикин? Бизнинг назаримизда, Абдулла Қаҳҳор ижоди бу жиҳатдан ҳам олга қўйилган бир қадамдир. О. Генрининг ҳикояларида кутилмаган ечим билан акс эттирилаётган ҳаёт ҳақиқати орасида бир оз узилиш сезиларди. Абдулла Қаҳҳорда эса ...кутилмаган ечим фақат бадиий баҳона эмас, балки ҳикояда бевосита акс эттирилаётган мазмуннинг узвий қисми бўлиб, улар орқали мазмун синтезлашади***". Кўринадики, олим Абдулла Қаҳҳор ижодини дунё ўлчамларига мувофиқ текширган. Жаҳондаги етук ҳикоячилардан бирининг асарлари билан солиштирганда, Қаҳҳор битикларининг бадиий қуввати ортиқ эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Фикр самоғи

Академик М. Қўшжонов ҳамиша хулосаларининг илмий жиҳатдан асосли бўлишига ҳаракат қилади. Бу хислат унинг табиатидаги синчковликдан, жиддиятдан, жавобгарлик ҳиссининг юқорилигидан келиб чиқади. Айниқса, синчковлик фазилати олимни бутун ижодий фаолияти давомида тарк этмади. У турли ижодкорлар орасидан ўз овозига эга адибларни бехато таниб олди. Аммо олим асл бадиий асарларни адашмай таниш даражасига осонгина эришгани йўқ. Матёқуб акага буюк меҳнаткашлик хос. Олим бирор бадиий асар тўғрисида мақола ёзмоқчи бўлса, уни ёдлаб олар даражада кўп ўқийди ва хаёлан қайтадан яратишга

уринади. Бу ҳол олимга муаллиф ниятини тўла туйиш, қаҳрамонларнинг ўй-фикр ва ҳис-туйғуларини бошдан кечириш имконини беради. Бировнинг асарини фикр элагидан ўтказгани учун ҳам олим бадиий асарнинг кучли ва ожиз жиҳатларини бехато кўра олади, қарашларини матнга таяниб, асослай билади. Чунки у матнни ўзлаштириб олган бўлади. Ҳолбуки, айрим синчилар асар билан чала-чулпа танишибоқ у ҳақда фикр айтишдан тортинишмайди.

Кўзчил олим дарахт ортида ўрмон, ҳодиса ортида қонуният борлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам бирор асарни текширар экан, унинг замирига беркитилган эстетик ҳақиқатни топишга уринади ва бунга кўпинча муваффақ бўлади. Домла А. Қаҳҳорнинг "Бошсиз одам" ҳикоясини таҳлил қилар экан шундай хулосага келади: "***Бошсиз одам Меҳри мажруҳ туққан ...бола эмас, балки ўз хотинини, боласини мажруҳ қилган ...жасаддангина иборат Фахриддиндир***". Олим ўз китобида асар матнига таяниб, бу қарашларини атрофлича асослаб берган. Ҳолбуки, бу фикрлар ёзилган пайтда бу ҳикояни ҳуқуқий очерк тарзида тушунадиган танқидчилар ҳам йўқ эмасди.

М. Қўшжонов таянадиган эстетик тамойиллардан бири ўқувчининг савиясига ишониш, уни бадиий асарнинг истеъмолчисигина эмас, балки матннинг яратувчиларидан бири сифатида қабул қилишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам олим "Ҳаёт ва маҳорат" мақоласида: "***Санъаткор ёзувчиларнинг асарларини ўқиганда, кўпинча, нималардир айтилмай қолиб кетганга ўхшайди. Бироқ шу айтилмаган нарсаларни китобхоннинг ўзи топиб олади***",- деб ёзади. Адабиётшуноснинг фикрича, ўқувчига ҳамма нарсани айтиб берган ёзувчи "***...китобхон олдида пайдо бўлган муаммони ечиб беради. Китобхонни ...фикр қилишдан, ўйлаб кўришдан, мулоҳаза юритишдан маҳрум қилади***". Чиндан ҳам ўқувчи асар матнига яқиндан фаол муносабатда бўлганда, уни ўзининг сезимларидан ўтказгандагина унга бевосита ёндашиб, яратувчи мақомига кўтарилади. Чунки у матндан ниманидир излаб топади, сиртдан кўзга ташланавермайдиган қандайдир бир жиҳатларни кашф этадики, бу ҳол уни матн ижодкорларидан бирига айлантиради.

Олим бадиий асарларни таҳлил қилар экан, унинг кўзга ташланмайдиганроқ жиҳатларини ҳам пайқайди ва бадиий ҳодиса сифатида асослайди. Чунончи, унинг "Абдулла Қаҳҳор маҳора-

ти" китобидаги: "***Бу ҳикоя ("Анор")да ўлим йўқ. Бироқ ўлимдан ҳам ёмонроқ, даҳшатлироқ бир нарса бор. Бу – йигитнинг севикли хотини истагини бажо келтира олмасдан изтироб чекиши, оқибатда ўгирлик қилишга мажбур бўлиши***" тарзидаги хулосасида текширилган матнда айтилмаган, аммо соғлом ақл билан илғаб олиш мумкин бўлган фикр ўринли топилган.

Қўшжонов "Фарҳод ва Ширин" достони билан "Ўтган кунлар" романидаги севги-муҳаббат тасвирини солиштирар экан: "***Алишер Навоийда фожиа романтикани улугласа, Абдулла Қодирийда романтика фожиадан келиб чиқадиган маънони улуглайди***",- деган хулосага келади. Олим даҳо шоир ва улкан адиб ижодий принципларидаги етакчи хусусиятларни жуда нозик фарқлайди. Тажрибали адабиётшунос бадиий асарнинг муваффақиятли чиқишида эстетик унсурлардан ўринли фойдаланиш юзасидан фикр билдириб ёзади: "***Диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечинмасини кўрсатибгина қолмай, характерини ҳам очиб бериши лозим***". Аммо олим ўз фикрини персонаж орқали айттирмоқчи бўлган ёзувчини огоҳлантиради: "***...Автор айтиши лозим бўлган гапни қаҳрамонлардан биронтасига топшириш ярамайди. Шундай қилинган тақдирда қаҳрамонлар авторнинг жарчисига айланади***". "Ҳаёт ва маҳорат" мақоласида билдирилган шу каби хулосалар назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, ижодкорлар учун маълум даражада, амалий йўриқ вазифасини ҳам бажаради.

Ўлчов холислиги

Услуб чинакам ижодкорнинг қиёфаси бўлиб, услуб йўқлиги қиёфасизлик демакдир. Адабиётшуносликда ҳам ҳар бир чин олимнинг ўзига хос услуби мавжуд. Матёқуб домланинг услубидаги етакчи жиҳат ҳар қандай илмий хулосанинг асар матнидан келтириб чиқарилишидан иборат. Олим: "***...адабиётда битта қонун бор: ҳар бир воқеанинг шу хилда рўй беришига китобхон заррача шубҳаланмаслиги керак. ...Бадиий асарда ҳар бир шахс айта оладиган гапини айтса, қила оладиган ишини қилса яхши***",- деб ёзади. Қўшжонов домла ўзи тадқиқ этмоқчи бўлган асарни "***...асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган***" даражада ўрганади.

Домла бадиий асарга тепадан туриб қарамайди, унга авайлаб муносабатда бўлади. Матнни қайта-қайта ўқиш асносида ундаги энг яширин маъноларни, нозик ишораларни, тиниш белгилари бажариши лозим бўлган вазифаларгача бехато пайқайдиган даражага етади. Шунинг учун ҳам олим А. Қаҳҳор ҳикоялари, "Ўтган кунлар", "Қутлуғ қон" романлари ҳақида ёзганида бадиий вазифа юкланган бирорта детални эстетик таҳлилдан ташқарида қолдирмайди. Бадиий асарни текширганида ундан чиқариб олинадиган ғояни эмас, балки одамнинг жонли тасвирини қидиргани учун ҳам олимнинг асарлари қизиқиб ўқилади, кишига билимгина эмас, маънавий озиқ ҳам беради.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, олим барча ижодкорларга бирдай талабчанлик қилади. Шу сабаб ижодига эстетик эталон деб қарайдиган адибларнинг асарларида учраб турадиган нуқсонлар ҳақида ҳам мантиқий ва далилланган фикр айта олади. Олимнинг: "***Бизнинг назаримизда, "Меҳробдан чаён" ўзининг баъзи бир томонлари билан "Ўтган кунлар"га нисбатан бир қадам олга кетиш бўлса ҳам, масаланинг ҳал қилиниши жиҳатидан олга силжиш деб бўлмайди. Назаримизда, Абдулла Қодирий бу романида ўз талант йўналишидан бир оз чекинган. ...Романда конфликтнинг енгил ҳал бўлиши унинг таъсир кучини ҳам заифлаштирган. Инсоний хислатларга эга бўлган Мирза Анвар ва Раънолар бошига тушган кулфатлар "Ўтган кунлар"дагидек, реаллигича ...якунланганда, романнинг таъсир кучи ва эстетик қиммати, реалистик оҳанги ҳам бақувват бўлар эди***",- деган фикри илмий холислик намунасидир. Матёқуб домла бадиий асарларда персонажлар ғоянинг рупори сифатида эмас, тирик одам тарзида тасвирланиши кераклигини таъкидлайди. Тасвирланаётган қаҳрамонлар ўз шахсига, ўзи мансуб ижтимоий-этник қатламга мувофиқ тутумга эга бўлишлари лозимлигини кўрсатади: "***Бошқоронғи хотин олдида ўзини айбдор ҳис қилиш кўпроқ бизнинг ҳаётимизга хос бир нарса бўлган бўлса, бутун умрини ичкиликбозлик ва хотин уриш билан ўтказиб, охири пушаймон бўлиш Чехов тасвирлаган объектга хос бир хусусиятдир***",- дейди бир мақоласида.

М. Қўшжоновнинг ижодида шеърий асарлар таҳлилига бағишланган ишлар ҳам бўлишига қарамай, домланинг адабиётшунос сифатидаги салмоқли тадқиқотлари, асосан, наср ривожи муаммоларига бағишланган. Олим ўзбек насрининг кўзга таш-

ланмаган жиҳатларини тадқиқ этишга эътибор қаратади: "***...проза да вазнга риоя қилиш ва вазнни сезиб олиш поэзиядагига нисбатан анча қийиндир. Прозада поэзиядагидек вазнни белгиловчи аниқ ва очиқ омиллар йўқ. Унда вазн асарнинг ички тўқимасида, мазмун моҳиятида яширинган бўлади. Мана шу мазмунда яширинган вазнга риоя қилган ёзувчигина ҳақиқий бадиий асар ярата олади***",- деб ёзади "Ҳаёт ва бадиият" мақоласида. Олим ўзбек насрини ана шу холис ўлчамларга мувофиқ текширгани учун ҳам унинг битганлари аҳамиятини йўқотмай келяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек адабиётшуносларининг оқсоқоли бўлмиш Матёқуб ака бугунги адабий жараёнда кечаётган энг сўнгги ўзгаришларни ҳам синчиклаб кузатиб боради. Ҳолбуки, бутун миллат дунёқарашида эврилиш содир бўлган, ўзбек адабиётшунослиги кеча таянган тамойилларидан воз кечиб, янгича фалсафий асосларга суяна бошлаган ҳозирги кунларда адабий жараённи англаш, ундаги етакчи йўналишларни тайин этиш, бирор асар ҳақида фикр билдириш ёш синчилар учун ҳам анча оғир бўлмоқда. Аммо домла бадиий фикрлар дарёсида бемалол қулоч уриб, Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат", Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат", Омон Мухторнинг "Ишқ аҳли" романлари хусусида жуда жўяли фикрлар билдирди. Бу фикрлар, эҳтимол, бугунги эстетик тафаккурнинг энг баланд даражаси эмасдир. Лекин улар катта олимнинг чин бадиий асар билан ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни осонлаштириш, реципиентни матннинг бадиий жозибасини илғайдиган даражага келтиришга қаратилган уринишлари экани билан қимматлидир.

* * *

Матёқуб домланинг ҳаётини бир қадар ўрганган одам у кишининг вақтдан кечикиброқ яшаганлигини кўради. Домланинг ёшлиги ўтган замонларда, одатда, жуда шошиб, вақтдан ўзиб яшалган. У маҳаллар одамнинг ўн беш ёшида қўмондон, йигирмасида раҳбар арбоб бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмасди. Аммо Матёқуб ака, бошқалардан фарқли ўлароқ, вақтга, воқеаларнинг табиий ривожига зуғум қилмади. Ўқимишли одамларнинг боласи бўлишига қарамай 7-8 ёшларида эски мактабга, 9-10 ёшларида шўро мактабига борди. Домланинг ўзи ёзади: "1938 йилда (бу пайтда домла йигирма ёшдан ошганди – Қ. Й.) тўлиқ-

сиз ўрта мактабни ҳам охирига етказмасдан, Чоржўй шаҳридаги ўзбек билим юртига ўқишга кирдим... Билим юртини ҳам тўла тугатмасдан, 1940 йили Тошкентдаги ...ўқитувчилар тайёрлаш институтига қабул қилиндим. ...Белгиланган 800 сўмни тўлаш имкониятим бўлмаганидан ўқишни Самарқанд ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимига ўтказиб, юртимга қайтдим. 1946 йилда уруш тугагач, жангдан қайтиб, филология факултетига ўқишга кирдим. ...1956 йилдан матбуот саҳифаларида кўрина бошладим[1]".

Олим салкам қирқ ёшида илк мақолаларини ёзган. Қўшжоновнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам у киши шахс сифатида тўлиқ шаклланиб, қатъий эътиқодга эга бўлгандан кейин ёқланган. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор деганларидай, эҳтимол, домланинг битганлари эскирмаётганига у кишининг шошмай ижод қилиши сабабдир. Домла ўзларининг саксон беш йиллик умрлари мобайнида эллик китоб, беш юздан ортиқ мақола эълон қилганлар. Ўнлаб шогирд тайёрлаб, минглаб ўқувчилар орттирганлар. Қутлуғ саксон беш ёшда бўлишига қарамай, илмий изланишлардан тўхтамаган, бадиий маҳоратнинг моҳир синчисига: "Одатингизга кўра, кексаликка ҳам кечикиброқ, шошилмай бораверинг",- деб тилак билдирамиз.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси 2003 йил 23 май

Қачондир қўйилган нуқтадан сўнг. Ўзбекнинг чўнг адабиётшуноси, академик Матёқуб Қўшжонов 2005 йилнинг августида 87 ёшида оламдан ўтди.

---

[1] Қўшжонов М. XX аср менинг тақдиримда. "Жаҳон адабиёти" журнали. 2001 йил 1-сон, 13-бет.

КЎРКАМЛИК ОЧҚИЧЛАРИ

КАЙФИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Бадиий сўз мафкурага хизматкорликдан қутулиб, ёлғон айтиш заруратидан халос бўлгач, санъаткор ўзини тадқиқ этиш, ўз руҳий дунёсини ўрганиш ва тасвирлаш имконига эга бўлади. Бу ҳол адабиётда хилма-хил, баъзан тушуниш мушкул бўлган бадиий ҳодисаларни юзага келтиради. Негаки, дунёдаги бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган миллиардлаб одамлар руҳиятини англашнинг ягона ва ўзгармас йўли бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, асосий сифати ўзгага ўхшамаслик ва бировни такрорламаслик бўлган бадиий сўз эркин бўлгач, унинг турфалиги, серқиёфалиги янада кучаяди.

Ўзбек миллати эстетик тафаккур тараққиётининг шундай босқичига келдики, эндиликда оммавийлик бадиий адабиётнинг савиясини белгилайдиган асосий ўлчов бўлмай қолди. Бундай шароит хилма-хил адабий оқимларни юзага келтирди, айни хилма-хил ва ўзига хос адабиётнинг мавжудлиги эса эстетик плюрализмга сабаб бўлди. Бутун дунё адабиётида бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам инсоннинг руҳий оламини тадқиқ этишга уриниш кучайиб бормоқда. Олмон авангард шеъриятининг тадқиқотчиси Казимир Эдшмид "Поэзияда экспрессионизм" асарида: "...дунё фақат руҳонийдир ва уни ҳодисалар орқали англаш мумкин эмас",- деб ёзади.

Экспериментал поэзия ёрлиғи билан дунёга келаётган шеърият аслида шоирларнинг руҳоният борасидаги изланишлари мевасидир. Олам титроқлари ва руҳият инжаликларини тамомила ўзига хос тарзда акс эттирадиган кўплаб шеърлар ва ифодада оригиналликка астойдил ҳавасманд шоирлар пайдо бўлди. "Туйғулар ранги" шеърлар китоби – айни шу тоифадаги шоир қаламига мансуб. Унинг муаллифи Турсун Али учун шоирлик касб эмас, кўнгил ҳолатидир. У – озурда кўнглининг турфа ҳолатларини, кайфияти манзараларини ўзгаларга-да юқадиган йўсинда сувратлантиришга уринадиган ижодкор.

Боғ-роғларга бурканган, сўлим Қувада туғилиб ўсган Турсун Али анчадан буён шеър ёзади. Унинг биринчи шеъри – "Юлдузча" иккинчи синф ўқувчиси эканлигида республика болалар газетасида босилган. Бўлажак шоирнинг илк ўқувчиси ва маслаҳатчиси онаси Қундузхон опа эди. Опа гарчи адабиётга доир махсус билимга эга бўлмаса-да, ўзбекнинг таъсирчан ва мунгли бир аёли сифатида нималарнидир пичирлаб юрадиган тўнғичига шеърда

уйқашлик, оҳангдошлик, мусиқа бўлиши лозимлиги ҳақида ибтидоий сабоқни берганди. Турсун Али шеърият деб аталмиш сеҳргалва оламга Абдулла Орифнинг фатвоси билан кириб келган. Машҳур шоир роса чорак аср олдин ёш қисматдошига битган "оқ йўлида": "Турсуналининг шеъриятдаги ростгўйлиги, самимийлиги ва тинимсиз изланаётганлиги кўриниб турибди",- деб ёзганди. Шундан бери ўтган йигирма беш йил борлиққа ўзига хос нигоҳ билан қарайдиган шоир учун, чиндан ҳам, "тинимсиз изланишлар" даври бўлди. Еттита шеърий тўплам чиқарди, битта драматик достон ёзди, қатор таржималар қилди. Энг муҳими, унинг шеърий нигоҳи ўткирлашиб, қалами қайралиб, туйғулари қуюқлашиб борди.

Турсун Али – манзара чизишга моҳир ижодкор. Унинг шеърларида манзара шундай рангларда акс эттириладики, манзаралигининг ўзи билан поэзияга айланади. Турсун Али сувратлантирган манзаралар табиатнинг қотиб қолган кўринишлари эмас, ҳаракатдаги руҳий ҳолатлардир. Ҳолат эса ҳар қачон поэзиядир. Чунки унинг замирида қалб бор. Турсун Али шеърлари – кичик, аммо яхлит поэтик манзаралар. Шу қадар яхлитки, уларга дахл қилиш: парча олиш ёки мисол келтиришнинг имкони йўқ. Бу хил шеърларда энг яхши парча ҳам асарни бўлаклайди, бутуннинг тасаввурини беролмайди. Шоирнинг тилаги ҳам, эҳтимол, парчалаб бўлмас яхлит инсоний кайфиятни суратлантирмоқдир.

Турсун Али донолик даъво қилмайди, ўқувчига руҳият ва абадиятдан сабоқ бермайди, уни юксаклардаги нурли манзилларга чорламайди. Шеърларида ўз кўнглини тафтиш қилишга уринади, юрагида кечаётган ҳолатлар манзарасини чизади. Шоир борлиқни яқиндан кўради ва ичдан туяди. Унинг назарида шудгорланган ер, бепоён саҳро, куртаклар, ғунчалар, майсалар, денгизлар, сойлар – ҳаммаси жонли ва ҳаммаси куйлайди. Турсун Али учун табиат отадай, онадай, фарзанддай, ёрдай, суҳбатдошдай, баъзан уларданда яқин ва ростгўй дилдошлардир. Ҳамма гап уларни кўра, эшита олиш ва тушуна билишда:

Куйлар заминни ёриб,
тилиб,
қуёшга интилган майсалар.
Афсус, бизлар
уларни баъзида англай олмасмиз,
тинглай олмасмиз.

"Эй, бепоён саҳро" деб бошланадиган шеъри Турсун Али ижодининг манбалари ҳақида энг тўғри тасаввур уйғотадиган битик дейиш мумкин. Чунки унда шоирни мувозанатдан чиқарган, қўлига қалам тутқазган омиллар ҳақидаги чин сўз жуда таъсирчан йўсинда айтилади:

Эй бепоён саҳро,
севаман сенинг
бешик-бешик барханларингни.
Кўзларимни қуюнларга тўлдирган
довулларингни...
Зотан багрингда
қофияга,
вазнга,
оҳангга солинмаган
сирли қўшиқлар бор
ҳофизини кутган.

Қуйидаги шеърда эса киши танини жунжиктирувчи куз манзараси ҳеч қандай зўриқишларсиз, сокинлик билан руҳиятни ифодалашга хизмат қилдирилган:

Куз кечаси
мени уйготиб юборди
деразам ортидаги
ёлғиз дарахтнинг
синиқ товуши.

Кимсасиз оғочнинг ёлғизлигини, унинг товушидаги синиқликни шунчалар чуқур англаган қалб одамни янада теран англашга қодирдир. Оғочнинг сингандаги товушини эмас, балки ***синиқ*** овозини тинглаш ва ўзгаларга эшиттириш ўзига хос истеъдодни талаб қилади. Шеърдаги манзаралар ташқи дунёники эмас, шоир ички оламиники, руҳиники. Табиат Турсун Али учун восита эмас, балки ўзликдир. Тасвирнинг манбаидир. Бу ҳолат қуйидаги мисраларда ёрқин акс этган:

Мусофирлик кўчасида
менинг ҳам багрим
анорзор каби
гуллади қип-қизил

Турсун Али шеърларида табиат ва воқеалар манзараси, кўпинча, қалб, туйғу ҳамда руҳият манзарасига дўнгани акс этади. Қалб – боғ, аммо у озорлар оғушида, ҳижрон исканжасида бўлгани боис унда ўсган дарахтлар афтодаҳол:

Дарахтлар ястаниб қалбим боғида
сарғайиб, сўлишиб ўсишар озғин.

Дарахтларнинг сарғайган, сўлғин ва, айнан, "озғин" эканлиги қалб фожиасининг даражасини англатади. Турсун Али оғочга нисбатан "озғин"дан кўра, "нимжон" ёки "жонсиз" ташбиҳи кўпроқ мос келишини билади. Аммо айнан, "озғин" сўзи оғочни кўпроқ шахслантиришини ҳисобга олиб шу ифодани қўллайди.

Шоир ўз руҳини шунчалар ўрганганки, у вужудини руҳидан айириб, сиртдан кузата билади:

Мен ёняпман
заминни куйдирар товоним.
Куйдирар қўлларим тутган нарсани.
Мен ёняпман
Вужудим ичинда ловиллаб.

Шеърдаги ёнаётган "мен" вужуд эмас. У кўнгилдир. Инсон руҳиятидаги товланишлар камалак нурларидан сержилороқдир. Турсун Али – ана шу жилвалар илдизини қидирадиган, топадиган ва келтириб тасвирлайдиган ижодкор. Табиатнинг ҳар бир ҳолати – ўткинчи. Аммо лаҳзалик ўткинчи ҳолатни абадиятга муҳрлаш чинакам ижодкоргагина берилган имконият. Баъзан бундай ўткинчи ҳолатлар таъсирчан тасаввурларда ўчмас излар қолдиради. Шоир буни жуда чиройли беради:

Кеча кун бўйи йиғлаган осмон
бугун
табассум қилар.
Кеча отин қамчилаган
асов шамол
бугун ҳолдан тойган.
Олам бугун
ҳеч гам кўрмаган

келинчакдай масрур.
Менинг юрагимда эса
кечаги булутли,
шамолли,
ёмғирли кун
чизиб кетди ўз сувратин.

Бу мисраларда ўзини ўрганаётган одамнинг чигал ҳиссиёти нақадар рангин ифода этилган. Олам ва унинг ҳодисалари – муваққат, ўзгарувчан. Руҳият хотираси – эса жуда мустаҳкам. Эҳтимол, бу яхшидир, эҳтимол – ёмон. Лекин одам ўз туйғуларининг жилваларинида кузатиш босқичига етиб келди. Рости гап, бу битикларни биз ўзимиз кўниккан маънодаги "баланд" поэзия намуналаридан санай олмаймиз. Уларда юксак ва бетакрор фикр, туйғулар пўртанаси, майин оҳанг йўқ. Аммо гоҳ ёрқин, гоҳ тунд ҳиссий манзара тасвири бор. Ва у оғриқли руҳий ҳолат пайдо қилади. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш шоир руҳиятида чуқур из қолдиради. "***Момоқалдироқ садосида чақмоқ шуъласи – югурик қиличда қолди менинг кўнглим***",- дейди шоир. Момоқалдироқнинг садоси ҳам, чақмоқнинг қиличдай югурик шуъласи ҳам оний эди. Ўтди-кетди, лекин шоир туфайли унинг кўнгилларидаги суврати қолди. Бу суврат ўзга кўнгилларга ҳам кўчди.

Турсун Али қаламга олган туйғулар – самимияти, оҳори, табиийлиги билан диққатга молик. Шоир, одатда, сўзни зўрламайди, образни ясамайди, туйғуларнинг табиий оқимини яхши кўради. Шунинг учун ҳам шеърларида тутилмаган ташбиҳлар, ялт этиб шеърхон шуурини банд этишга қодир образлар кўп учрайди: "***Юрагимда портлар сукунат***", "***...далага сингаман нурдай бетовуш***", "***Ўйноқлар атрбўй саболар***", "***Кўнглим тогларига суялиб***", "***...оқ яктакли кундуз***", "***Осмонга ўрлайди оппоқ ҳайқириқ***", "***Товушимни ейди оч совуқ***", "***...эй олисдаги, яқиним***", "***Тушда кўриб оёқларнинг бўсасин, Ётишар чўзилиб йўлаклар***" **"*Бутоқларда барглар ёнгини*"** сингари образлар шоирнинг ўзгача нигоҳи, оригинал ифода тарзини кўрсатади.

Турсун Али сўзга зўғум ўтказишни истамаган, ифодаларни қофияга мослаштиргиси, шеърга мусиқани ташқаридан зўрлаб киритгиси келмаган ўринларда ***шеърга ўхшаган насрда*** ёзишга уринади. Лекин у сўз ташийдиган маънодан ҳам кўра унда ифодалаётган кайфиятга кўпроқ эътибор қаратгани, оламни ҳаяжонли

идрок этгани боис, аслида, ***насрга ўхшаш шеърда*** ёзаётган бўлиб чиқади. Унинг сочмаларида ҳам ички мусиқийлик, сўзларнинг бир-бирини тақозо этиши, туйғу суратланиши сингари жиҳатлар устуворки, булар чин шеъриятдан далолатдир. Шоир туйғулар кўламини бериш мақсадида баъзан шеърдан насрга ўтади, қофияни, мусиқийликни ўйламайди. Лекин барибир бундай шеърларида ҳам ички бир оҳанг сақланиб қолаверади. Фақат бу оҳангда ранг ҳам бордай таассурот уйғонади. Бу хил битикларда на назм ва на имло қоидаларига риоя қилинади. Шеърнинг композицияси фақат ижодкор белгилаган тартибларга бўйсунади. Шоир мувозанатдан чиққан руҳиятини сувратлантиришнигина муҳим ҳисоблайди:

Ой мунча нурсиз? Ёниб турган оловнинг юзин
кул босган янглиг хира. Бир сўзнинг ишқида
вужудим ёнмоқдадир чирсиллаб. Ой бўлса сўник
кўзларини қайгадир тиккан. Ҳей ой, кел, ёлвораман. Ёнаётган вужудимдан олгин аланга. Сўнг ёрит дунёнинг зулмат кечаларини.

Турсун Али шеърларида инсон руҳияти чексиз зиддиятлар, адоқсиз эврилишлар оғушида акслантирилади. Шоир тасвирида юрак қуёшдан баландроқ тафтга эга:

Қуёшга қарайману
ёнаётган қуёш қаршисида
жунжикиб кетаман.
...Қуёш бўлса ёнмоқда
оқ аланга сочиб дунёга.
Руҳим кенгликларига эса
қор ёғмоқда.

Шеърдаги бу тасвирлар ҳаётий чинлик маъносида тўқима, лекин туйғулар реаллиги маъносида айни ҳақиқатдир. Шоир сезгиларданда баланд сезимлар ҳақида ёзишни хуш кўради. "***Санчилар қулоғимга сил япроқлар видоси***" мисраси – шоирнинг оламни образли кўриш иқтидори баландлигидан далолат.

Дунёни боридай кўриш ва ҳамма кўргандай тасвирлаш шоирлик эмас. Турсун Али ҳаммага кўриниб турган нарсаларнинг

бошқалардан яширин жиҳатини очишга интилади. "***Қариган япроқлар чўмилар юлдузлар кўз ёши – шабнамда***", "***Қишлоқ қоровули – итлар сукунатни қопар асабий***", "***Куз оқшоми. Мени гам дарёсига итқитиб юборди Узоқларга кетаётган қадрдон турналарнинг тилидан тўкилган мунглар***" каби сатрлардаги руҳий ҳолат, эҳтимол, кўпчилигимизнинг кўнглимиздан кечгандир, лекин уларни шеърга айлантириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса, шоирнинг ўзгача қараши:

Йўл олис.
Елиб бораётган автода
ёнма-ён ўтирсакда,
орамиз йўлданда олис

шеърида ёрқин намоён бўлган. Қофиясиз, оҳангу мусиқасиз шу ўн сўздан иборат тўртгина қатор – тугал бир шеър. Чунки унда тугал руҳий ҳолат, инсоний кечинманинг яхлит манзараси, сезимлар чигаллигининг аниқ суврати бор.

Турсун Али – дунёни рамзли кўришга мойил шоир. Унинг кузу қишни ёқтирмаганлиги, ҳатто ёмон кўрганлиги ифодаланган шеърларида ҳам шундай рамз бор. Аслида, шоир бу фасллардан эмас, балки кузу қишнинг кўнгилларга киришидан, у ерда ҳукмрон бўлишидан ёзғиради. Шоир назарида куз ва қиш инсоний фожиаларни эсга соладиган, ифодалайдиган воситалар:

Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
ёлғиз ўғли ташлаб кетган онани.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
бошига туҳмат тоши ёғилган отани.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
эри хиёнат кўчасига кириб кетган жувонни.
Кеч куз, дарахтларга боқиб кўраман:
тўшакка михланган бемор инсонни.
Кеч куз. Дарахтларга тикилмоқ бунчалар
оғир...

Ҳамиша кўриб юрганимиз ҳодиса замиридан шунчалар фожеий маъно топиш ва уни ҳеч қандай даъвату насиҳатларсиз та-

бийий ҳамда таъсирчан тасвирлаш учун чинакам иқтидор зарур. Бу хил асарлар Турсун Али ижодида, хусусан, ушбу китобда анчагина. Айни шу хилдаги битиклар унинг ижодий қиёфасини тайин этади дейиш муболаға бўлмас.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидай, Турсун Алининг бутун ижодида ҳам, "Туйғулар ранги" китобида ҳам меъёрига етмаган ифодалар, бир қадар зуғум ўтказилган сўзлар, етилмайроқ қолган шеърлар учрайди. Айниқса, ижтимоий йўналишдаги шеърларларида бу хил нуқсонлар хийла кўп. "Учинчи хона" драматик достонида ҳам етарлича пишитилмаган ўринлар анчагина. Лекин шоир доимий изланишда. Муҳими, бу изланишлар китоблар саҳифасида, ҳадсиз-ҳисобсиз ахборотлар орасидагина эмас, балки қалб кенгликларида бормоқдаки, бу ҳол кайфият сувратларининг тоза ва ёрқин чизилишига имкон беради деб умид қиламиз.

Шоир Турсун Алининг "Туйғулар ранги"
китобига ёзилган сўзбоши
Тошкент. "Ёзувчи", 2001 йил

ЁНАР СЎЗ АЛАНГАСИ

Бир вақтлари шундай бир шеърни ўқиган эдим:

Қоқ тушда туш кўрар аёл.
Ўтлоқзор. Қучоқ очган тун.
Қучоқ очган...
Қучоқ оч...
Қучоқ...
Қуч...
Уйғотиб юборар аёлни
Лабларида эриган қуёш.
Қарар. Туш. Сокинлик.
Шошиб кўзларини юмади аёл.

Аёл кишининг ҳеч кимга, ҳеч қачон айтилмас ҳолатининг нодир ифодаси бўмиш ушбу шеър, унинг бутун жозибасини ўзида мужассам қилган учгина сўздан иборат битта гап – "Қучоқ очган тун" нинг беш хил оҳангга солиниши, жумладаги сўзлар сони камайган сари тасвир кучининг таъсири ортиб бориши хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолди. Фавқулодда гўзал бу шеър шоир Азиз Саид қаламига мансуб эди. Мени шеърда акс этган туйғулар оҳангдорлиги ва салмоғи, сезимларнинг янгилиги, ҳиссиётнинг қуюқлиги танг қолдирди.

Одамларнинг фикри ва хатти–ҳаракатларида умумийлик камроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг туйғуларида, кечинмаларида ўзаро ўхшаш жиҳатлар жуда кўп бўлади. Шу боисдан ҳам чинакам инсоний ҳиссиётни маҳорат билан акс эттирган бадиий асарлар эскирмайди. Ҳатто, уларни тўлиқ тушунмаган киши ҳам қандайдир нурли туйғуни ҳис этади.

Асл бадиий асар туйғулар тасвири асосига қурилади, одамнинг сезимларини кашф этишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир ижодкор одамнинг ҳақиқий бепоён олами – унинг ўзи. Бу чексиз олам ҳақида айтиб адо қилиш мумкин эмас, лекин безовта қалбли истеъдод эгаларининг бу борада айтадиганлари жуда кўп.

Ижодкор сифатида ўзига хос нигоҳ ва ифода тарзида эга бўлган Азиз Саид шеърларига сиғмаган қарашларини, қофияга бўй бермаган, оҳангга тушмаган фикрларини, мантиқий мезон-

лар билан ўлчаниши лозим бўлган кузатишларини адабий мақолалар тарзида баён қилишга жазм этибди. Шоирнинг танқидчилиги худди бастакорнинг қўшиқ айтгани ёки қўшиқчининг куй басталагани каби ҳамиша киши диққатини тортади.

Азиз бадиий адабиёт ҳақида ягона хулосани, мутлақ ҳақиқатни айтиш мумкин эмаслигини билгани боис адабий мақолалардан иборат "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" китобини суҳбат шаклида битган. Негаки, суҳбат гурунг қатнашчиларининг шахсий мулоҳазалари, фараз ва тахминлари ифодаси бўлади. Чинакам бадиий асар мавжудлигининг ўзи билан муносабатдир. Чунки аввалбошдан муносабатнинг ифодаси сифатида туғилади. Шу боис бадиий адабиёт ҳақидаги ҳар қандай тўғри фикрнинг ҳам камида икки жиҳати, терс қирраси мавжуд бўлаверади.

Маълумки, асл адабиёт кайфиятни ифодалайди. Кайфият эса – ўзгарувчан. Ҳатто бир кишининг ўзи айни бир асар ҳақида ўрни билан бир неча хил, ҳатто, бир-бирига зид фикрлар айтиши мумкин ва буни бетайинлик деб қарамаслик керак. Чунки илмий ҳақиқатлардан фарқ қиларок бадиий ҳақиқатлар кўп қиёфалидир, саноқсиздир. Инсофли одам ўз фикри ва сезимлиларининг раддига ҳам бир қадар асос топа олади. Азиз Саид қаламига мансуб адабий мақолалар айни шу ҳолатнинг ифодаси тарзида вужудга келган, ўз-ўзи билан, ўз кўнгли, туйғулари, қарашлари билан очиқ суҳбат асносида туғилган.

Ғойибдан дўст, менинг назаримда, муаллифга мухолиф ҳам, рақиб ҳам, мубоҳис ҳам эмас. У, гарчи, фикрларида кескинлик, баъзан муросасизлик оҳанглари сезилса-да, аслида ҳалол ва ройишли суҳбатдош. Ҳатто уни муаллифнинг ўзи, тўғрироғи, кўнгли дейиш ҳам мумкин. Шу сабаб "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" китоби шоирнинг ўз кўнгли билан дардлашувидир. Айнан ўтлиғ кўнгил билан тиллашгани боис китобчага киритилган кўпчилик мақолалар ёниқ сўз алангасидан тафт олиб туради.

Илмдаги асосий масала саволни тўғри қўя билишдир. Шу вақтгача бизда илмда саволга жавоб бериш муҳим деб келинди. Ва жавоб битта бўлиши лозим деб ўйланилди. Ҳолбуки, савол тўғри қўйилса, ечим қачондир, албатта топилади. Ва у биттадан кўп бўлиши ҳам мумкин. Азизнинг мақолаларидаги кишига хуш келадиган, миллий эстетик тафаккуримиздаги илғор қарашларни акс эттирадиган жиҳат санъат ҳодисасидан, бирин-

чи навбатда санъат қидирилганидир. У мақолаларида бадиий матннинг ўзи билан иш кўришни ёқтиради, асардан келтириб чиқариладиган ижтимоий хулосаларни, сиёсий мулоҳазаларни эмас, балки бадиий кашфиётларни топишга қизиқади. Муаллифнинг: "***Ҳеч қайси шоир ҳеч қачон халқнинг дилини қаламга олмайди, шоир ўзини қоғозга туширади***",- тарзидаги бир қадар кескин қаноати бугунги яшараётган бадиий тафаккурнинг меваси бўлган фикрдир.

"Халқнинг дили акс эттириш" деган сунъий тушунчадан қутилиш фурсати келганга ўхшайди. Дил ҳар битта одамда алоҳида бўлгани учун ҳам дил саналади. Одамларни қиёфасизлантириб, оломонга айлантиришнинг йўли ҳам уларни ўз юрагидан маҳрум қилиб, ўрнига халқ қалби деган ёлғон тушунчани сингдиришдан бошланади. Бадиий сўзга халқнинг эмас, айнан алоҳида одамнинг кўнглини акс эттириш нуқтаи назаридан ёндашилса, бадиий асар мавзусига эмас, балки ифода тарзига кўра баҳоланилса, эстетик ҳодисаларнинг қийматини аниқлашда хатоликлардан, жўнликлардан сақланиш мумкин бўлади.

Адабиётшунослик анча вақт мобайнида бадиий асардан ўткир фикр қидириб келди, китобхон ҳам шу ҳолатга кўниктирилди. Ҳатто ижодкорлар ҳам бадиий матнда ижтимоий салмоққа эга ғоя бўлиши лозимлигига одатлантирилди. Миллий адабиётшунослигимиз бадиий ҳодисадан ёрқин фикр эмас, биринчи навбатда, ёрқин образ қидириш лозимлигига секинлик билан бўлса-да ўрганиб бораётир. "***Афсуски, ҳозирга қадар ўзбек шеърхонлари туйғу эмас, фикр қабул қилишга ўргатилди, диди эса гўзалликка эмас, тароватсизликка мослаштирилди. У ялангоч гаплардан завқланадиган бўлиб қолди***",- деб ёзади муаллиф. Бу шунчаки кескин ташбиҳ эмас, балки миллий шеъриятимиз, дидимиз соғломлигига билимдонлик билан қўйилган илмий ташхисдир.

Азизнинг қаламига мансуб мақолалар аксар ана шундай қарашларнинг ифодаси ўлароқ туғилган. Шу хил фикрлар туфайли нафосатшунос олимларимиз ҳам қизғалдоқнинг дириллаб турган майин гулкосаси, булбулнинг нафис сайроғи, дарахтларнинг ғалати чайқалиши, тоғларнинг сокин виқори, қорларнинг беғараз оқлиги, булоқнинг мақсадсиз жилдираши ўз ҳолича гўзал ва гўзал бўлганлигининг ўзи гўзал эканлигига қийналиброқ бўлса-да кўникиб бормоқдалар. Бадиий асар ҳам ижодкор шууридан, руҳиятидан ана шу гўзалликлар янглиғ табиий равишда,

ўз-ўзидан ситилиб чиқадики, адабиётшунослик илмининг вазифаси ана шу гўзалликлар қонуниятларини кашф этишдан иборатдир.

Вужуд ва руҳ ўртасидаги беаёв зиддиятни ҳамиша ҳис этадиган Азиз Саид ушбу китобида бадиий асарга руҳ товланишлари теранлигига қараб баҳо бериш лозимлигига эътибор қаратади. Ижод муаллиф шахсиятининг намоён бўлиш тарзи эканлигини Абдували Қутбиддиндай ўзига хос ва англами оғир шоирнинг қатор асарлари таҳлили орқали асослайди. Шунинг учун ҳам шеърият таҳлилида "лирик қаҳрамон" деб аталувчи чучмал ва ножинс тушунчадан фойдаланишни ўринсиз ҳисоблайди. Юрак қони билан шеър битган дилпора ижодкор қандайдир лирик қаҳрамоннинг эмас, фақат ўзининг дардларини достон қилади деб билади.

Азиз Саид таниқли шоир Муҳаммад Юсуф асарлари баҳонасида замонавий ўзбек шеъриятининг кучли ва ожиз жиҳатлари борасида ғоят асосли ва холис фикр юритади. Муҳими, бу фикрлар шунчаки бир шоирнинг инжиқ истаклари эмас, балки шеършунослик билан профессионал тарзда шуғулланган мутахассиснинг асосли қарашлари эканлиги сезилиб туради. Унинг фикрлари ўқувчига бирданига маъқул келақолмайди. Уни ўйлаб кўришга, далилларни чоғиштиришга, ўзича бир қарорга келишга ундайди ва айни шу жиҳатлари билан қимматлидир.

"Қайдадир мени ҳам тушунган дил бор" мақоласида: "***...халқ муҳаббати.. нисбий мезон. Шеърнинг даражаси, шоирнинг қудрати фақат шулар билан ўлчанмайди. Санъатнинг, юксак адабиётнинг шеърни баҳолайдиган мезонлари бор***",- деб ёзади муаллиф. Чинданда, узоқ йиллар мобайнида санъат асарлари масъулияти ҳам мутахассислар қолиб, халқ зиммасига юклаб келинди. Халққа ёки тўғрироғи кўпчиликка ёққани учунгина айрим битиклар санъат дурдонаси ҳисобланилди. Азиз Саиднинг Чўлпон қаламига мансуб "Ёрқиной" драмаси хусусидаги бир қадар кескин фикрлари ҳам салмоқдорлиги, қарашларининг оҳорли эканли билан эътибор тортади. У асарга ким ёзганига эмас, балки қандай ёзилганлигига қараб баҳо бериш лозим деб билади. "Ёрқиной"нинг заиф ўринларини билимдонлик билан асослаб беради.

Ички эҳтиёж билан, дард билан битилмаган асарни долзарб мавзу ҳам, ўткир фикр ҳам, адабиёт назарияси талабларига оғишмай риоя этиш ҳам ўқишли қилолмаслигини жуда ишонар-

ли далиллайди. Шунинг учун ҳам: "***...бадиий асар ҳеч қандай қонуниятга, тартиботга бўйсунмайди. Бирор қонуниятга амал қилиб яратилган асар – ўлик асар***",- деб хулоса чиқаради. Дарҳақиқат, ҳар қандай асл бадиий асар мавжуд тартиботларни бузароқ майдонга келади ва шуниси билан диққатни жалб этади. Одатдаги қолипларга мувофиқ яратилган асарлар киши эътиборини тортолмайди. Бундай асарлар ўзига хосликдан маҳрум бўлади. Чунки у саноат асосида ишлаб чиқариш мумкин бўлган минглаб нусхадаги бир товарга айланади.

Азизнинг "Адабиёт – шафқатсизлик" мақоласи санъаткор билан давр ўртасидаги муносабат тадқиқига бағишланган. Муаллиф бу масалада ҳам ўзига хос йўлдан боради. У ижодкорга даврнинг ҳосиласи сифатида қарамайди. Даврни сабаб, ижодкорни оқибат санамайди. Балки санъаткор даврнинг руҳини яратувчилардан бўлиши керак деб ҳисоблайди. Азиз Саид ёлғон пафосни, сунъий умидбахшликни севмайди. Ёқимсиз бўлса-да, рост демакликни афзал билади. Шу боис: "***Жамият қалб билан эмас, қорин билан яшай бошлаяпти***",- деб ёзғиради. Келажакда ҳам осмондан чалпак ёғилмаслигини, ишлар ўз-ўзидан ўнгланиб кетмаслигини яхши билади. Санъат ҳамиша катта қурбон талаб этишини таъкидлайди: "***Ҳақиқий санъат – санъатнинг фаҳмига етиладиган жамиятдагина тараққий этади, қадр топади***",- деб ёзади у. Ҳақиқатан, санъат ўзига нисбатан шафқатсиз, лекин ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож бўлган ҳодисадир. Шу боис уни ўз ҳолига ташлаб қўйган миллат охир-оқибат маънавий таназзулга юз тутиши тайин.

"Фикрлаётган суратлар" туркуми Азиз Саиднинг мусаввир назарига ҳам эгалигидан далолатдир. У Бахтиёр Тўраев расмларига хос жиҳатларни унинг ижодидаги бир қанча асарларни тадқиқ этиш асносида жуда ишонарли ва билимдонлик билан очиб беради.

Азиз Саид китобидаги бирор сўзни шунчаки ёзмаган ва ҳеч бир ўринда ўзига хиёнат қилмаган. У шеърларининг бирида: "***...бўғзимда бир сўз ёнмоқда***",- деб ёзганди. Ушбу китобчадаги кўпчилик битиклар кўнгилдан чиққан ёниқ сўзларнинг алангаси билан мунаввар бўлган порлоқ фикрлар ифодасидир.

Азиз Саиднинг "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" китобига сўнгсўз. Тошкент. "Янги аср авлоди", 2002 йил

КУЗДАГИ КЎКЛАМ ЧЕЧАКЛАРИ

Одам ҳамиша ижтимоий муносабатлар оғушида яшайди. Ҳақиқий ёзувчи фаол инсон ва ҳақгўй ижодкор бўлгани учун ҳам ана шу муносабатларни ўз битикларида акс эттиришга маҳкум. Шунинг учун адибларнинг фикрлари, қарашлари ҳамиша эътиборга молик, маърифий ва ижтимоий юки салмоқли бўлади. Истеъдодли шоир, тажрибали журналист ва таниқли публицист Абдухолиқ Абдураззоқовнинг "Кузлаги кўклам" китобида шу жиҳатлар ёрқин намоён бўлган. Китобда шоирнинг публицистикаси публицистнинг шеърлари билан аралаш келган ва бир ўзбек зиёлисининг ҳаёт йўли мисолида ўзбекнинг узоқ ўтмиши, кечаги куни, бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги кузатишлар, ўйлар, сезимлар баён этилган. Муаллиф китобга ўзи, юрти, юртдошлари, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ўрни ҳақида ўйлайдиган одамнинг ўзига хос бир ҳисоботи, босиб ўтилган тириклик йўли ҳақидаги ўйлари тарзида тартиб беради. Китобнинг архитектоникаси ҳам шунга мувофиқ қурилган. Бу ҳол унинг ўқимишлилигини оширган.

Китоб истиқлолда яшаётган ва у ҳақда тинимсиз ўйлаётган кишининг дил изҳорларидир. Муаллиф бугунга қуруқ маддоҳлик қилмагани каби, кечаги кунни ҳам ёппасига инкор қилиш йўлини тутмайди. У эгаманлик туйғусининг бир киши, бир авлод, бир миллат қалбида қандай пайдо бўлиб, улғайгани ва қай тарзда реалликка айлаганини ўз ҳаёти мисолида кўрсатишга ҳаракат қилган. Айтиш керакки, китоб муаллифи бу ишнинг уддасидан чиққан. Унинг Ўзбекистоннинг учинчи уйғониши ёки бастакор Анор Назаров ҳақидаги мақолалари тасвир самимияти ҳамда мантиқий изчиллиги билан хотирага михланиб қоладиган битиклардир. Қўлёзмада муаллифнинг болалик, талабалик, йигитлик чоғларида кечирганлари борасидаги кузатишлари бугуннинг фонида жонли ифодалангани учун кўпчилликка қизиқ ҳамда ўқишли чиққан.

Одатда, публицистик асарларда фикр етакчилик қилиб, муаллифнинг ҳиссиётлари унчалик очиқ баён этилмайди ва ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир кўрсатишга етарлича эътибор берилмайди. Абдухолиқ Абдураззоқовнинг китобида эса бошқача манзара намоён бўлади. Муаллиф публицистик мақолаларига шеърни усталик билан сингдириб юборган. Чунки унинг шеърлари шунчаки кўнгил розлари бўлмай, ҳамиша ижтимоий му-

носабатдир. Бу ҳол ўқувчини худди халқ достонларини ўқиётгандагидай ҳолатга солади ва унинг ҳам тафаккурига, ҳам ҳиссиётига бирваракайига таъсир кўрсатади. "***Тоғ қуламас сербар қирлар тиргак бўлиб тиралса***" сингари ҳам ҳикматли, ҳам товушларнинг гўзал аллитерациясига қурилган тасвирлар асарга ўзгача тароват бахш этган. Ёки бошқа бир мақолада ишлатилган: "***Қаровсиз богда бойқушлар қишлайди, ишланмаган далада юмронлар яйрайди***" йўсиндаги ифодалар муаллифнинг халқ ижодидан нечоғлик асарланганлигини кўрсатиш жиҳатидан ҳам, ҳаётни бадиий акс эттириш маҳоратига эгалиги томонидан ҳам эътиборга лойиқдир. Бу унсурлар асарнинг ўқишлилиги, таъсирчанлигини сезиларли оширган. Муаллифнинг фикрлари асосли, туйғулари чин бўлгани учун ҳам битганлари ортиқча зўриқишларсиз равон ўқилади.

Бизга, бир ўқувчи сифатида, китобдан ўрин олган шеърлар айниқса маъқул бўлганини таъкидлашимиз жоиз. Китобда муаллифнинг поэтик иқтидори ёрқин намоён бўлган дейиш мумкин. Китобдаги "***Қалбинг яшнатмаса райҳоннинг иси, Дардкашлик келмайди сенинг қўлингдан***", "***Паришон ҳаётга исёнми чора?! Оловли вужудга чорами гаврон?!***" сингари мисралар Абдухолиқ Абдураззоқовнинг оламни шеърий идрок этиш салоҳияти нечоғлик баланд эканидан далолатдир. Муаллиф шеърларидан бирида: "***Юрагимда соғинч отлиг дарё оқар***",- дейди. Соғинчдай мавҳум туйғуни шу қадар маҳорат билан моддийлаштира олиш учун кишида тийрак поэтик назар бўлиши зарур. Муаллифнинг шеърий иқтидори, айниқса, "***Ҳавас қилиб ой тутарди жом, Тўкиларди ундан нур – бода***", "***Ойнинг ипак нурларидан Сенга сиртмоқ ясарман. Саодатли бир кунингда шу сиртмоққа осарман***", "***Опажоним, айрилиқнинг айрисига осилай***", "***Қуллик тирик қолса, Мен ўлдим***" сингари поэтик кашфиётларида тўлиқ намоён бўлган.

Муаллиф бир шеърида : "***Йилларга йўл билан қайта билмадим, Фақат хотиралар унга қайтарди***",- дейди. Чиндан ҳам одамзот кечаги куни ва аждодлари билан фақат хотиралар орқалигина боғлана олади. Хотирасиз киши инсонлик қиёфасидан маҳрум бўлгани каби кечаги куни ҳақида ўйламаган кимса эртанги куни қандай бўлиши тўғрисида бош қотиришга ҳам қодир эмас. Шу маънода Абдухолиқ Абдураззоқовнинг китоби кечаги кунга қайтиб туриб, унинг юксакликларидан эртанинг маънавий кон-

турларини белгилаш йўлидаги дадил ва фойдали қадамдир, дейиш мумкин.

Қўлингиздаги китоб "Куздаги кўклам" тарзида рамзий номланган. Маълумки, миллий шеъриятимизда инсон умрини фаслларга ажратиб аташ тажрибаси бор. Шундан улги олиб бўлса керак, Абдухолиқ Абдураззоқов ҳам ўз умрининг эллигинчи довонини, шоирона тарзда, кузга, унинг истиқлолдан кейинги йилларини эса, кузда пайдо бўлган кўкламга қиёс қилади. Ўз тириклигини миллат ҳаётидан айри кўрмаган шахснинг тазарру ва бадиий иқрорлари миллатнинг ҳар бир вакили учун қизиқарлидир. Ушбу китобга кирган битиклар чиндан ҳам умрининг кузида кўкламга дуч келган одам бўстонида очилган бадиий чечаклардир. Умид қиламизки, бу чечаклар ифори Сизни узоқ вақт тарк этмагай.

Абдухолиқ Абдураззоқовнинг
"Куздаги кўклам" китобига сўзбоши.
"Шарқ" НМАК, 2002 йил

УМИДНИНГ УЛҒАЙИШИ

Саломат шу вақтга қадар, асосан, ҳикоячи сифатида танилган ижодкор эди. Унинг "Қайтиш", "Элат" сингари ҳикоялари тасвирнинг залвори, сўзларга ортилган ҳиссий юкнинг босими жиҳатидан эътиборни тортадиган асарлардир. Адибанинг саккиз ҳикоядан иборат "Элат" деб аталмиш насрий мозаикаси тасвир услуби, тил хусусиятлари, инсон кўнгли ва амалига ёндашув тарзига кўра алоҳида ажралиб туради. Бизнинг адабиётимизда шу вақтга қадар мозаика ҳикоя яратилгани йўқ эди. Саломат Вафо шундай тажрибага қўл уришдан чўчимади ва муваффақиятга эришди.

Адиба сўзнинг залворини яхши билади. Уни тўдага от қўшган чавандоздай аямай ва жойида ишлатолади. "Элат" ҳикоясида: "***Кўрпача, супа, гужумлар... ҳаммаси мавжуд... онам йўқ***",- деб ёзади Саломат. Солиштирилаётган нарсаларнинг умрзоқлиги, аҳамияти ва қиммати ўртасидаги фарқ эндигина онасидан айрилган одам назари билан ғоят моддий ҳамда ишонарли манзаралантирилган. Туғилган қишлоғига анчадан буён бормаган одамнинг бегоналашув ҳолати ҳам ҳикояда жуда аниқ ва ўйчиллик билан: "***Элатнинг файзи кетган, тенгдошларим қариган, ҳамма ёқни гугурт қутисидай бир хил уйлар босиб кетганди. Ичимдаги ётлик билан ташқаридаги ётлик учрашар, умидсизликка туширар, ўзимни жуда бир азиз инсондан айрилганимни ҳис этардим. Мен у олис шаҳарда ким бўлсам-да, ўзим туғилиб ўсган Моноқда ҳеч ким эмас эдим***",- дея тасвирланади. Шу кичиккина парчада туғилган маконига, демакки, ўзи ва ўзлигига бегона одам, унинг нелардандир хижил кўнгил ҳолати ёрқин акс этган.

Ҳикояда қаҳрамон туйғулари фақат унинг ўйлари тарзидагина берилмаган, балки бу ўйларнинг туғилишига сабаб бўлган муҳит тасвири билан уйғунлаштириб юборилган. Асарда онаси кўмилган қабрни излаётган фарзанд ҳолати: "***Чор-атрофни тўзғоқлар қоплаган, бор-будидан айрилган кул рангидаги қамишлар, юлғундан тортиб, катта-кичик қабрларгача бир рангга — ўлик сукунат рангига қўшилиб кетган эди. Атрофга оғир жимлик чўккан, бу ер дунёдан айириб, бўлиб, мажбурлаб босиб олинган, мангу ўлим салтанатига ўхшарди. Мен тобора ичкариларканман, ўлимнинг мангу хўрсиниқ ва ичикишларини равшанроқ эшитар, аллақандай ҳадик билан одим ташлардим***",- тарзида ифода-

ланади. Бу тасвир асносида қаҳрамоннинг кейинги чигал ўйлари, мубҳам изтироблари, адоқсиз иштибоҳларига руҳий асос яратилган. Онасидан айрилган киши кўзига оламнинг "**ўлик сукунат ранги**"да кўриниши ўқувчини ишонтиради. Маҳорат билан қилинган тасвир ҳолатни рангга айлантира билади.

"Элат" ҳикоялар туркумида фақат ичгандагина тили ечилиб кетадиган Пирим бува, никоҳ тўйи куни ҳалокатга учраган Отаназар, тириклигида ҳамманинг меҳри, эътибори ва эътирофида бўлган, кутилмаганда вафот этгач, тамомила унутилган Оводон, бевақт вафот этган болачаларнинг мунғайган, кичик қабрчалари, тириклигида инсонларга эмас, балки итларга меҳр кўргазган ва ўлгач қабри ҳам шу махлуқларга макон бўлган Нойила тотор, оти кимлиги номаълум раис, ёши қирқдан ошганда сурнай чалишни ўрганиб, гўрида "масза қилиб сурнай чалиб ётган" Шариф сурнайчи сингариларнинг қабрлари шунчаки гўристондаги қўйиндилар эмас. Уларнинг бадиий ва маънавий миссияси каттароқ. Улар онасининг таъзиясига, яъни асл инсоний бурчини бажаришга кечиккан қаҳрамоннинг одамликка етиб боргунча, босиб ўтиши зарур бўлган синов манзилларидир.

Бу қабрларда ётган одамларга хос барча яхши-ёмон сифатлар ҳикоячида ҳам у ёки бу даражада бор эдики, бу манзилларни босиб ўтмай туриб, она вужуди билан муборак этилган муқаддас масканга етиб бўлмасди. Бизнингча, шу сабаби ҳам ҳикояда она қабрини топиш атай қийинлаштириб тасвирланган бўлса керак. "Элат" насрий мозаикасининг "11868. 14478" тарзида номланган қисмидаги: "***Бешикларни нега ташлаб кетишди, ул бағри куюк ота-она шу тахлит – фарзанд догини унутмоқчи бўлганми? ...Не бўлганда ҳам бешик ва қабрнинг ёнма-ён ётувида, инсон умрининг ибтидоси ва интиҳоси акс этмиш совуқ фалсафа бор эди. Ҳақиқат ўзининг узун умри мобайнида биринчи марта шу ерда, қабристонда рўй-рост, юз фойиз ҳақиқат мақомида акс этмиш эди. Фақат ўлимгина ҳақиқат эди***" сингари тасвирлар ҳикоядан пайдо бўладиган бадиий маънонинг салмоғини орттиради, қаҳрамон ҳолатини туйиш имконини беради.

Адиба ҳикоя мобайнида сўзни жуда моҳирлик билан ишлата олишини кўрсатади. Чунончи, бир ўринда: "***Унинг эшигидаги ҳар бир нарсага, ҳатто қари толга ҳам ҳавасим келарди***", бошқа жойда эса: "***Мени бу расм ёмон этди...***" тарзидаги жумла-

ларнинг ўзи билан қўшимча изоҳлар бериб ўтирмай, ҳам хабар бериш, ҳам туйғуларни ифодалашнинг уддасидан чиқади.

Аёл зотики бор ҳамиша унутилишдан, назарга олинмасликдан, эътибордан қолишдан қўрқиб яшайди. Саломат Вафонинг "Унутилган аёл" ҳикояси қаҳрамони ҳам айни шу қўрқув туфайли Яратган томонидан унга юкланган асосий миссия – бола кўришдан бўйин товлаган, чиройли қоматини сақлаш, бировларнинг эътиборини қозониш, бола боқиш ташвишларига ўралашиб қолмаслик учун танасию руҳига пайваста бўлиб кетган янги вужуддан ўзини холи қилган аёл. Ҳикояда бу жараённи кечираётган аёл фожиаси жуда таъсирли акс эттирилган. Миллий адабиётимизда аборт потологияси ҳақида ёзилса, эҳтимол, ёзилгандир, аммо унинг психологияси ҳалигача эстетик объектга айланганича йўқ эди. Бўйидаги юкини олдирган, кўнгли ҳам қурсоғидай бўм-бўш бўлиб қолган аёл ҳолати: "***Назаримда, куз тушган чўлнинг ўртасида ётардим, осмонда юлдузлар чаман бўлиб очилган, вужудим шу чўл каби, дунё каби қадимий ва бўш эди, қонга ботган кўйлакларим ҳилпирар, мангу шамоллар ҳукмрон эди бу ерда. Олис-олислардан шамоллар уйғониб келар, қулоғимга аллақандай қадимий саслар урилар, назаримда чўлми, осмонми оҳ чекиб, теграмда айланар, чапак чалар, садр тушарди***" тарзида тасвирланади. Бу тасвирнинг айнан шу хилдалиги сабабини англамоқ учун ўқувчи ўз хаёлотини салгина зўриқтириши, қаҳрамон ҳолатига киришга жиллагина уриниб кўриши кифоя қилади. Шу ҳикояда: "***Гўдакнинг тана бўлаклари менинг қонимга чўмилган, тоғораниng қай бурчидадир қон қусиб ётарди***" тарзидаги тасвир учрайди. Қотил ва мақтул ҳақида бизнинг адабиётимизда ҳозирча бундан ўтказиб ҳеч ким айтолган эмас.

Саломатнинг ҳикоялари, деярли ҳамиша, фавқулодда хусусиятларга эга одамлар ҳақида ёки оддий кишиларнинг фавқулодда жиҳатлари тўғрисида бўлади. Қизиғи шундаки, ҳатто бу ҳикоя қаҳрамонларининг оддий, элқатори эканликлари ҳам фавқулодда даражададир. Жинниси роса жинни, шаллақиси жуда шаллақи, ландавури ўта бўшанг ва бқ. Лекин уларда муаллифнинг тийрак ва безовта нигоҳи, одам кўнглининг нозик товланишларини куюнчаклик билан илғаш ҳамда берабилиш маҳорати сезилиб туради. Бу ҳол ўқувчиларда адиба ижодининг баланд парвозига умид уйғотади.

Саломат Вафонинг ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб, роман яратганлиги ана шу умиднинг улғайганидан далолатдир. Адибанинг бу романида биздан неча минг йил олдин яшаган одамлар ҳамда ўша замонлардаёқ тубанлик ва юксаклик, гўзаллик ва хунуклик, яхшилик ва ёмонлик сингари сифатлар уларнинг ҳам қарама-қарши, ҳам бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлари бўлганлиги акс этган. Асарда Саломат шахсиятига, унинг тасвир йўсинига хос белгилар яққол кўриниб турганлиги киши эътиборини тортади.

Ўзбекларнинг андиша, парда, имо-ишоралар асосида таркиб топган бадиий дидига Саломат Вафонинг романи бир қадар очиқлиги, нозикроқ ишқий-ҳирсий тафсилотларнинг пардасиз акс этганлиги, айрим тасвирларнинг ўрганмаган одамнинг ғашига тегар даражадаги яланғочлиги билан авжи саратонда гулдираган момоқалдироқдай таъсир қилади. Бундай асарнинг қиз бола томонидан яратилгани ўқувчини янада ғижинтириши мумкин. Саломат буларни атай ҳисобга олмаган. Чунки унинг учун китобхоннинг кўнглини топишдан кўра, тасвир ҳақиқатига, тимсоллар табиатига хиёнат қилмаслик муҳимроқ эди.

Романда қадим аждодларнинг ҳам ўзимиздай бир одам, бизлар каби орзу-ўйлари, армону андуҳлари бор кишилар эканлиги ғоят таъсирли кўрсатилган. Асарда дунё, шон-шуҳрат, ҳокимият, бойлик, ҳукмфармолик учун барча ўлиб-тирилишлар, куйиб-ёнишлар, охир-оқибат, беҳуда эканини бошидан ўтказгачгина англаган кишилар тимсоли жуда ишонарли ва юқумли қилиб тасвирланган. Қарангки, айни бадхоҳликлар, минг йилларни ўтказиб, бугун ҳам давом этмоқда...

Адиба тасвиридаги қудратли ва ожиз Самиранда Йилдирим, шафқатсиз малика Фаластрийа, дуркун Йўлсултон, жодугар Оқбош, ҳал қилувчи вақтда унга ишонганларга хиёнат қилган Сафо Бургутли, меҳрибон Бейбарсхон, жўмард Страк, ваҳший тўбалилар, маккора Кунсулув сингари образлар кишининг шуурига бутун даҳшати, қабариқлиги, тушунуксиз фожиалари билан ўрнашиб қоладики, бу ёзувчининг тасвир услубидаги самимият ва ифоданинг бўртиқлиги натижасида содир бўлади. Агар Саломат ҳам миллий адабиётимизда анъана бўлган йўлдан бориб, тасвирни силлиқлаганда, фавқулодда ҳолатларни андавалаб кўрсатганда, ҳозиргидай қабариқ ва қай бир ери биландир китобхонга тегиб кетадиган, уни ҳоли-жонига қўймай руҳиятини

безовта этадиган қуйма образлар ўрнига силлиқ ва эсда қолмайдиган қиёфасиз тимсоллар юзага келган бўларди. Ёзувчи қаҳрамонларининг ҳар бирини алоҳида тирик инсон, ўз ёндашуви, қиёфаси, жасурлиги ёки хиёнат тарзига эга одам сифатида кўради ва шу ҳолатни ўқувчига ҳам кўчиради.

Асар сюжетининг биздан замон ва тамойиллар йўсинига кўра ҳаддан ташқари узоқ ва фавқулодда воқеалар тизимидан иборатлиги, асл мақсадларини, чин туйғуларини пардалашни ҳали унчалик билмайдиган, бировларга ўзининг ёқимли жиҳатларинигина кўрсатиш лозимлигини керагича уддалай олмагани учун бизга асло ўхшамайдиган одамларнинг қаҳрамон қилиб олингани ҳам уларнинг, аслида, йигирма биринчи асрда яшаётган кишилар сингари инсонлар эканини инкор этмайди. Эрларсиз жамиятда, ўзлари ўрнатган ойинлар билан яшаб, ҳеч кимга бўйин эгишни истамаган мағрур амазўнларнинг вужуд истаги, кўнгил туғёнлари, руҳ пўртаналари туфайли жунбушга келган ҳолатлари, шодлик ва қувончлари, афсус ва надоматлари, айниқса, Йўлсултон, Самиранда, малика Фаластрийа. Оқбош тимсолларида жуда ишонарли кўрсатилган. Асарда бу образларнинг руҳий ҳолатлари ифодаси мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ойдай чиройли, лекин қаҳратондай совуқ, мағрур, аёвсиз, маккор, қаҳрли ва иродали маликанинг шунчаки бир эркак қулнинг жисми илинжида, вужуднинг оддий бир талаби олдида чўк тушиши, айни вақтда, ниятига эришгач, ҳеч иккиланмай, ҳозиргина қовушган маҳбубини ўлимга йўллай олиши тасвири китобхон шуурига ўйилиб қолиши билан эътиборга лойиқдир.

Романда Саломат Вафо амазўнларни фақат ватанни, озодликни, шону шуҳратни, ўрнатилган одатларга амал қилишнигина ўйлайдиган кўк фаришталари тарзида эмас, балки оддийгина одам, баъзан нафснинг, баъзан вужуднинг, баъзан кўнгилнинг истаги билан иш тутадиган, ҳамиша баланд туйғулар, юксак мақсадлар учун эмас, балки жисмнинг оддий ва оний лаззатлари йўлида ҳам қадам босадиган бандалар сифатида кўрсатадики, бу адибанинг бадиий жасорати ва тасвир маҳоратидан далолатдир. Романнинг сюжет ривожи ёзувчи томонидан майда чизиқларига қадар олдиндан пухта ўйлаб олинмагани, режага солинмагани асарнинг табиийлигини, бинобарин, таъсир кучини оширган. Негаки, инсон ҳаёти, тақдири ҳеч қачон у режалагандай, интилгандай, мўлжаллагандай бўлмайди. Балки инсон ҳаётида-

ги тақдир ўйинлари, кутилмаган бурилишлар, хаёлга келмаган таҳрирлар билан мутлақо ўзгача йўсинда кечадики, асардаги Самиранда тақдири айни шу жиҳати билан ўқувчига ардоқли ва диққатга моликдир.

Одамда ҳамма замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам ё эзгулик ёхуд ёвузлик қилиш имконияти мавжуд бўлади. Одам айни шу айрилишда қай бир йўлни танлашига қараб, Яратганнинг олдида, ўзгалар назарида муайян баҳога эга бўлади. Шунинг учун ҳам асардаги малика, Оқбош, Кунсулув, тўбалар сардори, Сафо, Табғоч сингари тимсоллар тасвирланган ўринлар кишининг вужудини музлатиб юборар даражада таъсир кўрсатиш қудратига эга. Айни вақтда, жамият ҳеч қачон эзгу ўйли, эзгу сўзли ва эзгу амалли кишиларсиз қолмаганлигини кўрсатувчи ўринлар романнинг ўқувчиларида бундан-буён ҳам яхшилик ва яхшилар қирилиб битмаслигига ишонч уйғотиши билан қимматлидир. Асарда шундай фавқулодда тасвирлар берилганки, кимдир ожизлиги билан кучли, кимдир эса қудрати билан ожиз эканлиги ўқувчини танг қолдиради, унинг маънавий оламини, руҳият дунёсини, сезимлар тизимини остин-устун қилиб юборади.

Романнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати унинг тилидир. Саломат Вафо сўзни унчалар авайламайдиган, тасвирга олинадиган одамни пуфлаб, чангу ғуборлардан тозалаб ўтирмайдиган ёзувчилардан. Шунинг учун ҳам унинг қаламидан чиққан тимсоллар бир қадар совуқроқ, бир мунча ёқимсизроқ бўлса-да, (эҳтимол, айнан шунинг учундир) кишининг эсида узоқ сақланиб қолади. Ўзбек аёли томонидан яратилган бу роман биз асоссиз унутиб юборган юзларча туркий сўзлар тирилтирилгани билан ҳам кишида илиқ таассурот уйғотади. Ифоданинг туркийлиги, тасвирнинг ўша даврга мувофиқ берилиши, кийимлар, анжомлар, буюмлар шунчаки ташқи бадиий безак эмас, балки ўша давр кишилари руҳиятига жуда таъсирли ва ишонарли тарзда дўнганлиги асарнинг қимматини оширган. Одамхўр итлар, қанотли от, Довондан келтирилган туллор, қашқирлар, буғролар ҳамласи каби фавқулодда ва реаллигини туйиш қийин ҳолатлар тасвири ҳам табиий даҳшати билан киши баданини жунжиктириб юборади.

Рости гап, бу асарни маза қилиб ўқиб, дам олиш мумкин эмас. Аслида, Саломатнинг бирор бир асари ётиб олиб, роҳатланиб ўқилмаган. Янги роман ҳам ўқувчининг туйғуларини, унинг

олам, одам, аёл ҳақидаги тасаввуру ўйларини остин-устун қиладиган тарзда битилганки, шубҳасиз, булар ёзувчининг ютуғидир. Ёзувчи сўзни саралаб, сайқаллаб, танлаб ўтирмайди, балки бетийиқ туйғуларни, руҳий пўртаналарни, тошиб кетган асов дарё каби қирғоқларини аёвсиз ювиб бораётган ҳиссий жунбушларни ўзи туйганидай тасвирлашдан чўчимайдики, бу ҳол Саломат Вафо услубидаги ўзига хосликни кўрсатади.

Ушбу романда бир қатор камчиликлар ҳам борки, уларни ҳисобга олиш романнинг таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади. Адиба бевосита асар матни ичида қайсидир тарихий воқеа ҳақида қаердадир ўқиган ёки эшитган маълумотларини келтириб, бу ахборотни тасвирга қўшиб кетадики, бу ҳол бадиият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, бу йўл ўқувчини қизиқарли ва фавқулодда бадиий хаёлот очунидан жўнгина ахборот оламига, реаллик дунёсига олиб тушади. Бадиий асар учун у ёки бу ҳодисанинг қачондир содир бўлгани ва унинг кимлар томонидандир тасдиқланганидан кўра, балки воқеани хаёлида яратиб, бадииятга эвирган, унинг чинлигига ўқувчиларни ишонтирган адибанинг тасвири қимматлироқдир. Чинакам адабиёт учун ҳаётда бўлганлик ёхуд воқеликка ўхшаб кетиш асосий кўрсаткич ҳисобланмайди.

Романда фақат аёллардан иборат амазўнларнинг эркаклар-сиз қаердан пайдо бўлиб қолгани йўл-йўлакай бўлсада изоҳлаб кетилса, тасвир ютган бўларди. Шунингдек, амазўнлар айни ҳаёт тарзига қандай зарурият туфайли келганликлари баёни ҳам асарнинг таъсир даражасини оширган бўларди. Бирон-бир росмана озод эркак йўқ жойда маликанинг иниси Табғочнинг эмин-эркин юриши ва унга амазўнлар муносабати кўрсатилмаганлиги ҳам унчалик ўринли эмас.

Адиба асар бадийяти учун деярли ҳеч нарса бермайдиган пардасиз натуралистик тасвирлар (ойбоши кўриш, амазўнларнинг кўкраклари битта эканлиги борасидаги ортиқча қайтариқлар, Табғочнинг ҳаммомдаги қизларни томоша қилиши, унинг ечинаётган қирққизларни кузатиши лавҳалари, "эмчак", "хотинлар иштонининг ичи", "нозик жойи ачишди", "нозик жойи қичишди" сингари пардасиз ифодалар ҳамда ишрат саҳналари ботишчасига очиқ тасвирланган ўринлар)дан воз кечганда ҳам роман бадийяти унчалик зарар кўрмасди.

Нима бўлганда ҳам ўзбекнинг қизи ўз ижодкор жинсдошлари орасида биринчилардан бўлиб ғоятда қизиқарли сюжетга, жуда ўзига хос тилга эга чин маънодаги роман яратиб, ўқувчиларнинг ҳукмига ҳавола қилди. У билан танишиб, адибанинг кўнгил ройишларидан хабардор бўлиш ўқувчи руҳиятининг бойишига хизмат қилади. "Тилсим салтанати" романи Саломатнинг тароватли бадиий чечакзоридаги сара гуллардан бўлади деб умид қиламиз.

Саломат Вафонинг "Тилсим салтанати" китобига ёзилган сўнгсўз. Тошкент. "Шарқ" НМАК, 2004 йил

КИНОЯ БАҒРИДАГИ УМИД

Биз яшаётган кунлар миллатлар ҳаётида яқинлашув, давлатлараро сиёсатда глобаллашув, илм ва эстетикада универсаллашув жараёни бораётганлиги билан характерланади. Олам торайиб, одамнинг мулоқот имкониятлари кенгайиши дунё аҳлини бир-бирига яқинлаштирди. Бу ҳол очуннинг турли бурчакларида ҳаёт кечираётган, яшаш шароити бир-биридан тамомила фарқ қилувчи кишиларнинг ўй ва сезимларида умумийликнинг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги адабиётда воқеликни тасвирлашга қараганда, инсон руҳиятини тафтиш қилишга кўпроқ эътибор берилаётир. Бугунги адиблар учун ҳаётий реаллик бирламчи аҳамият касб этмайди. Унга бадиий реалликни таъминлаш воситаси дебгина қаралади. Бугун бадиий асар рўй берган қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнгли тўлғамларининг микротаҳлилидан иборатдир. Ҳар бир инсон олам ва одамиятни ўзини англар даражадагина англай олади. Шунинг учун бугунги адабиётда одамдан ташқаридаги воқеаларга эмас, инсон руҳиятида содир бўлаётган жараёнларга кўпроқ эътибор қаратилаётир.

Қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқирманлар эътиборини қозонган ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг "**Жазирамадаги одамлар**" романи ана шу йўналишда битилган асардир. Ёзувчининг илк романида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечинмаю сезимларини тасвирлаш етакчилик қилади. Адиб ушбу асарида ўзи яратган бадиий воқеликни ўқувчига туйдиришга, уни англамли қилишга уринади. Дунё замонавий эстетик тафаккурининг йирик вакили Ортега-и-Гассет: "***Санъат санъаткор бўлишдан ортиқроқ нарсани орзу қилган ҳар қандай кишидан шафқатсиз ўч олади***",- деган эди. Луқмон асосий эътиборини романининг санъат асари бўлишига қаратади.

Ёзувчи романда қаҳрамонлар руҳиятидаги яширин жиҳатларни бадиий тадқиқ этишга алоҳида эътибор беради. Унинг бу тасвир йўсини айримларда: "***...қалб кечинмаларини тадқиқ этишга йўналтирилган асарлар кишиларни буюк ишлар сари руҳлантириш ўрнига, ўз ички оламига чекиниб яшашга даъват қилмаяпти-***

микан?[1]"- тарзида эътироз уйғотиши мумкин. Муаллиф одамларни адабий қаҳрамонлардан таъсирланиб, "буюк ишлар сари руҳ"-ланадиган даражада жўн деб билмайди. У ўқувчиларига бошқарилиши, етакланиши лозим бўлган гўл тўда дея қарамайди. Одам айнан "ўз ички оламига чекиниб яша"гандагина Ҳаққа яқинроқ бўлишини билади. Луқмон ёзувчининг жамият аъзоларига устозлик даъво қилишини одамларга нисбатан нописандлик деб билади. Луқмон Бўрихоннинг кулиб-кулиб ўқиладиган, осонгина ёзилгандай тасаввур қолдирадиган романи миллий адабиётшуносликда шўро даврида шаклланган фикрий қолипларни синдириши жиҳатидан тенгсиз бир эстетик ҳодисадир.

Асарда моҳиятга қилинган ҳар қандай зуғум акс таъсирсиз қолмаслигини чўл ва унда яшаётган инсонлар ҳаёти мисолида таъсирли акс эттиради. Бир миллат аҳлини бошқаларни эргаштирадиганлар ва кимларгадир эргашадиганларга, жонини фидо этгувчилар ва фидойиларни бошқариб, уларга таҳсин айтгувчиларга ажратиш ҳар бир алоҳида инсон ҳаётида чуқур оғриқли излар қолдириши романда алоҳида кишилар тақдири орқали ишонарли кўрсатилади. Кимларнингдир истаги, қандайдир сиёсий ёхуд мафкуравий манфаатлар учун одамлардан қаҳрамонлар ясаш, инсонни ўз табиатига монанд, истагига мувофиқ яшашга қўймаслик, унинг турмуш тарзига тазйиқ ўтказиш изсиз кетмаслиги "Жазирамадаги одамлар"да катта самимият билан тасвир этилган.

Луқмон Бўрихон романида инсон ва унинг ҳаёти кўпроқ киноявий-пародик йўсинда идрок этилган. Ижодкор универсал фикрлай бошлаганда, одам ва оламга киноявий ёндашув устуворлик қилади. Одам ёки миллат дунёга чиқиб, ўзгаларга яқинлашаётганда, киноявий тасвир адабий ифоданинг асосий воситасига айланади. Негаки, бундай вақтда эстетик тафаккур воз кечилаётган миллий қадриятлардан бир қадар зада, ўзлаштирилаётган бегона қадриятларга эса бир мунча ёт бўлади. Инсон ҳам, миллат ҳам бир сифатдан бошқасига оғриқсиз, осонгина ўтиб кетолмайди. Шунда ижодкор шахс ўзи ва олам ҳолатига киноявий назар билан қарашга, камчиликларга муросасиз бўлиб, ошириброқ тасвирлашга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам: "Киноя метанутқнинг ўйини, баённинг квадратидир[2]",- дейди янги романчилик назариётчиси италялик ёзувчи Умберто Эко.

---

[1] "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2004 йил 4-сон.

[2] В кнгие "Называть вещи своими именами". –М.: 1986. с. 228.

Инсон эркин бўлса, ҳазилга мойиллик ортади, унинг доимо амал қилиб юрган қадриятлари тизимида кескин ўзгаришлар рўй берса, киноя ва пичинг кучаяди. Шу боис олдинлари Муроd Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам сингари айрим адиблар ижодида етакчилик қилган киноявий усул эндиликда А. Йўлдошев, Т. Рустамов, Л. Бўри, С. Ўнар сингари кўплаб ёзарманларнинг ижодий қиёфасини белгилайдиган жиҳатга айланди.

"Жазирамадаги одамлар" романи бошдан-оёқ киноя қурилган, ифодада пичинг етакчилик қилади. Бу ҳолни асарнинг барча қаҳрамонлари ифодасида ҳам кўриш мумкин: "***Ашир икки шериги билан чорпоя томондан даврага тушди! Тана ҳароратининг ошиши касалликни билдиргандай, Аширнинг даврага оёқ қўюви ҳам тўй базмининг тинч, "маданий" қисми хотима топганидан дарак берарди***". Ёзувчи шу ифоданинг ўзи билан ортиқча таърифу тавсифларсиз ҳеч кимдан тап тортмайдиган безори йигитнинг жангари табиатини очабилган. Асарда тасвирнинг шу йўсини етакчилик қилади.

Романда табиат ҳам, одам ҳам ўз моҳиятига мувофиқ мавжуд бўлиши лозимлигини, уларга қилинган зўрлик, зуғум, албатта, қандайдир даражадаги фожиага олиб келиши бир қур қаҳрамонлар тақдири мисолида акс эттирилган. Роман воқеалари бўлиб ўтадиган 41-ширкат хўжалигининг ерлари, аслида, чўл эди. Унга сув келтириб, экин экиш даштнинг табиатига қилинган зуғумдир. Шу боис ўзлаштирилган ерки бор маълум вақт ўтгандан сўнг унга қилинган зўрликка қаршилик кўрсата бошлайди. Чўлнинг одамга қилган исёни асарда хўжалик етакчиси Чинор тилидан: "***Шўрлаб кетаяпмиз... Эргаш, чўл қаршилик кўрсатаяпти... тағин, уч-тўрт йилдан сўнг ҳосил олиш нари турсин, уруғ ҳам унмай қолади...***" тарзида ифода этилган. Унинг жўраси ва суҳбатдоши Эргашнинг бу борадаги фикри янада кескинроқ: "***...ҳа, чўл қаршилик кўрсатаяпти, — деб гапида давом этди отам ичкиликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадаб.— Чўлнинг бўстон бўлгиси келмаяпти, тамом. Уни ҳеч қачон енголмаймиз. У... барибир, қачонлардир, ясама богу чаманларни ямлаб ютади, чўл... барибир аслига — чўллигига қайтади***". Романнинг бош бадиий концепцияси қаҳрамонларнинг шу сўзларига жо бўлган. Яъни одам ўз табиатига мувофиқ яшаши лозим. Инсон ёлғиз ғоялар билан ёки ғоялар учунгина ҳаёт кечира олмайди. Одамда тан ва руҳ борлиги, унинг ҳаёти ўшаларнинг истакларига муво-

фиқ кечиши лозимлиги романда ўзига хос тимсоллар ҳаёти тасвири асносида таъсирчан акс эттирилган.

Асарда билвосита тасвир усулидан жуда маҳорат билан фойдаланилган. Деярли барча ўринларда бир тимсолнинг бирор амали ёки гапи бошқа бир тимсолнинг табиатини очишга хизмат қилдирилган. Романда бевосита тасвир йўқ даражада. Чунки киноявий ёндашув ҳамиша ёт назарни талаб этади. Асар бош қаҳрамони Лолахон ҳам фақат ўзгалар назари орқали кўрсатилади. У кўпроқ ҳикоячи бола, гоҳ романнинг бошқа персонажлари кўзи билан кўрилади. Бу услубий йўл Лолахонда ўз ҳаёти билан яшаш, ўз сезимларини билдириш имкони бўлмагани, у ўзгалар назари учун, ўзгалар хоҳлаганидай яшашга маҳкум этилганлигини бадиий ифода этишда қўл келган.

Роман қаҳрамони Лолахон — гўзаллиги ва мулойимлигини ҳисобга олмаганда, оддийгина одам. Унинг жисми ва руҳида ҳам ўзгалардаги сингари хоҳиш-истаклар бор. Лекин шахсий ҳаётнинг атай ижтимоий мақомга эга қилинганлиги, инсонлар орасидаги муносабатларнинг сунъий ва мантиққа зидлиги, бева қолган ёшгина аёлнинг табиий эҳтиёжлари ҳисобга олинмай, ўзгалар томонидан зўрлик билан садоқат тимсолига айлантирилгани уни ҳалокатга олиб боради. Кўнгли ҳаёт ишқи ва яшаш завқига, жисми ёшига муносиб лаззатларга ташна бўлган гўзал бир жувон нодонларча қарор топдирилган сохта қадриятларнинг қурбонига айланиши асарда таъсирли кўрсатилган. Лолахон мақтанчоқ ва ёлғон обрўга ўч Ашир томонидан ўлдирилмаганда ҳам, у барибир бундай сохта ҳаётда, мунофиқ қиёфада узоқ яшай олмаслиги, фожиа ўзгача бир тарзда рўй бериши романда сезилиб туради. Асарда зўрлаб маъбудага айлантирилган ёш аёл қисмати мунгли бир қўшиқдай куйланган.

Асар билан танишиш жараёнида ўқувчи Лолахонни қишлоқнинг эркагу аёлига муҳтарам қилган омил нимада эканлиги ҳақида бош қотиради. Келинчакнинг одоби, самимияти асарда жуда нозик тасвир этилган. У бирорта фавқулодда иш кўрсатмайди. Фақат ҳар кимни борича қабул қилади, тўғри муносабатда бўлади. Келинчакдаги майин самимият, ҳатто, бировга осонликча тишининг оқини кўрсатмайдиган Абдулла бадқовоқни ҳам ром этиши асарда жуда ишонарли кўрсатилади: "***Абдулла бадқовоқ... гўё устки кийимларини йўлакда қолдирадиган жанобдек, бутун кибру ҳавосию тунд башарасини бўсағадаёқ сиди-***

риб ташлаб, узоқ жим юрганидан дағал тортган товушда саломаликни ҳам нася қилиб, "Бизнинг эрка келин қани?", "Қани, энажоним",- дея илжаярди". Шу ўринларда муаллиф одам кўнглини руҳшуносларга хос синчковлик билан нозик кўра олиш салоҳиятини намойиш этган.

Лолахоннинг хатти-ҳаракати, қилиқлари романда ғоят эсда қоларли ва ўзига хос йўсинда тасвир этилган. Чунончи, келинчакнинг Ўроқ ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни эшитгандаги ҳолати таъсирли ифодаланган: "*Шу орада Лолахон янгамга кўзим тушиб қолди! У совуқ шамол учириб кетган хас каби титраб-қақшаб ошхона бўсағасида ўтирар, қоп-қора кўзларидаги жиққа-жиққа ёш қоп-қора косада қайнаб-тошаётган симобдай ёноқларига чилп-чилп оқиб тушарди*".

Ҳикоячи Лолахоннинг ҳам одам эканлигини, унинг ҳам эл қатори ўйнаб-кулгиси, одамларнинг гапига қўшилгиси келишини сезиб туради. Буни асардаги: "*Назаримда, мен ҳалигина Ҳасан-Ҳусанларнинг қийқиришиб ўйнашаётганларидан ичим қизиб, уйдан отилиб чиққанимдай, Лолахон келин ҳам хотинларнинг шўх-шодон ҳангомалари қулоғига чалиниб, икки-уч оғиз чув-чувлашиш учун кириб келгандек эди*" тарзидаги тасвирдан билиш мумкин. Лекин атрофдаги одамлар ёш беванинг ўзлари сингари одам эканлигини тан олмай, уни вафодор бева учун китобларда ишлаб чиқилган ахлоқий мезонлар билан яшашга мажбур этиши, бу иш улкан эҳтиром ва муҳаббат билан қилингани учун ҳам Лолахоннинг бўйсунишдан ўзга иложи қолмаслиги асарда таъсирли кўрсатилади.

Муллиф эл қатори жўнгина яшашни ўзларининггина ҳақи билиб, бошқага кўтариш мумкин бўлмаган юк ортишдан хижолат чекмайдиган кимсалар қиёфасини маҳорат билан тасвир этади. Одамга тилда қилинадиган ёлғон меҳрибонлик эмас, чинакам дардкашлик, кўнгил ва тан маҳрамлиги зарурлигини англамаслик келтирган андуҳ азоби роман замирига жойлагани қуйидаги тасвирдан яққол англашилади: "*Лолахон янгам қош-қабоқлари алланечук ясама қайгудан уюлиб, ўзига чинакам иззат-икромлар кўрсатганча тек қотган хотинларга ҳурка-ҳурка кўз ташлаб оларкан, гўё ана шу қош-қабоқлар уюмини ҳатлаб ўтолмаётгандай, калишини ечиб тўшамчига чиқишга ботинолмай турарди*". Одамларнинг керагидан ортиқ, жонга тегадиган, яшашга қўймайдиган меҳрибончилиги туфайли Лолахон

тортган улкан руҳий азоблар асарда ғоят усталик билан кўрсатилган.

Ҳеч бир иложсиз қолган Лолахоннинг эндигина товуши дўриллаб бораётган ўспирин туйғуларига жавоб қилиши, унинг инжиқлигу эркаликларини кўтариб, ўзини чалғитишга уриниши романда жуда таъсирли тасвир этилади. Ёшгина бева аёлнинг ўспирингга: "***Сиз аразчисиз, ёлғончи, номардсиз...***" тарзидаги иддаоси туфайли унинг руҳиятида юз берган ғалаён романда: "***Мен унинг нозу тантигликка лиммо-лим шикоятларини ажиб бир мусиқа тинглаётган шинавандадек жону дилим билан ютоқиб-ютоқиб, ҳузурланиб-ҳузурланиб эшитардим***" тарзида ифода этилади. Лоланинг бу қилиқлари ўспирин Самадни шунчаки эркалашдан кўра, ўз вужудидаги сарфланмай ётган туйғулар жунбушини сиртга чиқаришга ўхшайди. Шу боис бу тасвирларни ўспириннинг болалик хаёллари эмас, буюк ва тенг бўлмаган муҳаббат чизгилари дейиш маъқулроқдир. Ботишда бу йўлда кўп ёзилади. Чунки уларда инсон ҳаёти ва руҳиятининг ҳар бир қирраси бадиий тадқиқ этилиши мумкин ҳамда зарур деб ҳисобланади. Бизда эса, худди шу романда тасвирлангани каби ёлғон одоб сақланиши зарурлиги боис, инсон кўкайини ўртаб юборадиган, уни бир умр тарк этмайдиган, ўзгаларнингда тақдирига таъсир кўрсатган ҳолатлар ҳақида атай ёзилмайди. Шу тариқа инсон умрининг энг муҳим ва ҳал қилувчи босқичидаги бетакрор кўнгил жилвалари, юксалишу вайронликлар бадиий тадқиқ этилмайди.

Асарнинг диққатга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, у кўпчиликда қишлоқ аҳли, айниқса, унинг меҳнаткаш қатлами ёппасига ғоят содда ва самимий бўлади деган янглиш хаёлий-экзотик тасаввурга таҳрир киритади. Луқмон Бўрихон овлоқ қишлоқ одамларининг дунёдаги барча одамлар сингари хилма-хил: бирда қув, бирда довдир, бирда мунофиқ, бирда олижаноб кишилар эканлиги, уларни ёппасига содда ва самимий одамлар, деб қараш янглиш эканлигини асардаги тимсоллар тасвири асносида жуда ишонарли кўрсатади. Асарда оддий қишлоқ одамларининг ҳам мураккаб ва чигал табиатли шахслар эканлиги, ҳатто, Сафармурод чавандоз, Улаш агроном, Ашир, Тоғай тоға каби довдирроқ тимсолларнинг ҳам, ўрни келса, шайтонга дарс бера оладиган шумликлари ғоят билгичлик билан кўрсатилган. Аширнинг чоғи келса, зўрлигини ишга солиши, чоғи келмайдиган пай-

тларда, ҳалок бўлган қаҳрамон акасини ўйлайвериб адои тамом бўлган жигар қиёфасига кириши, ўз ютқизиғини ҳам ғалабага айлантирадиган даражадаги қувлиги, ҳатто мағлубиятидан ҳам шуҳратини ошириш йўлида фойдалана олиши, меҳмон қизларга ўзини кўрсатиш учун бор пулини сарфлаши, айни вақтда, ўғирлик қилишдан ҳам ҳазар қилмаслиги, унинг ҳар битта хатти-ҳаракати хўжакўрсинга, ўзгаларни қойил қолдиришга қаратилганлиги асарда ишонарли кўрсатиб берилган.

Асарда Ашир тимсолига катта эътибор берилгани, романнинг у ҳақдаги хабар билан бошланиб, ўша тўғридаги ахборот билан тугагани бежиз эмас. Чунки унда миллатга хос анчагина номатлуб белгилар намоён бўлади. Унинг хўжакўрсин ҳаёт тарзи, ёлғон фидойиликлари, бировлар учун қилинган сохта жасоратлар, ўзгалар назари учун ўз шахслигини ўзгартириб юборишгада тайёрлиги ана шундай жиҳатлардир. Романнинг қуйидаги ўринларида бу персонаж моҳияти тўла кўринади: "***Ашир... нақшинкор ханжарни боши узра аввал азот кўтарибди, сўнг эҳтиром билан лабларига босибди. Ҳовлидагилар аллақачон йиғи-сиғини бас қилиб, гамбода аскар томон бақрайиб қолишган экан!***

- Эй, қавми қориндош!— дебди Ашир бўғиқ ва титроқли товушда.— Мен қасам ичдим! Эртами-кечми акажонимнинг қонини тўкканлар шу ханжардан ўлим топади. Акажонимнинг руҳи покини хўрлаганлар ҳам мендан омонлик кутмасин! Йигитлик қасамим шу!.." Ҳамма нарсани намойиш учун қиладиган, томоша кўрсатиб яшаган, кўрсатган томошаси ўзига ҳам, ўзгалар тақдирига ҳам тузалмас жароҳатлар етказган, аммо айни шу намойишкорлиги, сохталиги боис одамлар эҳтиромига сазовор бўлган бахтсиз ва шахсий қиёфадан маҳрум йигит тимсоли маҳорат билан кўрсатилган. Романнинг бошқа бир ўрнида осон шон-шуҳратга ўч Ашир ўзидан кучлироқ рақиб билан олишиб ундан йиқилганда, ўзини акасини ўйлаб ҳушидан кетган қилиб кўрсатиши ҳолати асарда шундай акс эттирилади: "***Мен беихтиёр дўстларимдан кўзимни олиб қочдим. Қароқларим қоп-қора осмонга қадалди. Назаримда, қоп-қора осмонда гуж-гуж юлдузлармас, бир силтовда тиззалаб қолган Аширнинг кўзларидан сачраб кетган учқунлар айёрона жимирларди***".

Аширнинг адиб томонидан турли ракурсларда тасвирланган хўжакўрсин ва сохталикка асосланган ҳаёт тарзи, ғалати шахсияти унинг қанчалар "содда ва самимий" эканлигини ор-

тиқча изоҳларсиз ҳам кўрсатиб туради. Ёзувчи роман тимсоллари тасвирида одамнинг ўта мураккаб яратиқ эканлигини ҳамиша назарда тутади. Жумладан, қишлоқнинг "содда ва самимий" қизларидан бири Шабнам олдин Ўроқ, кейин Шербек билан висол лаззатларидан баҳраманд бўлади. Қизнинг ғалати табиати унинг мактубларини эгаларига етказиб турадиган Самад томонидан: "***Шербекнинг галдаги оташин мактубини чапдастлик билан Шабнамга етказгандим. Шу сабаб бўлса керак, у бутун томоша давомида, гўё, чўнтагига хат эмас, нақ Шербекнинг ўзини жойлаб олгандай, хотиржам сақич чайнаб, кунма-кун етилиб келаётган қад-қоматидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истаётган каби экран ёругига атай ўзини солиб, ўриндиққа ўтирмай тик турганди***" тарзида акс эттирилади.

Вақти келиб, Шабнамнинг Шербекни ҳам қўйиб, учинчи бир нотаниш йигитга турмушга чиқиб кетиши, шу ҳолига кайвонилик қилиб, яқиндагина ўзи искалашиб юрган Ўроқнинг беваси Лолага севги ва садоқат тимсоли сифатида топиниш одатини бошлаб бериши тоза кўнгилли ҳикоячи бола қалбида иштибоҳ уйғотади. Чинакамига яхши бўлиш эмас, балки бошқаларга яхши бўлиб кўриниш ғамини ейдиган, самимий бўлолмайдиган, бутун кучини одамларда яхши таассурот қолдиришга сарфлайдиган мунофиқ кишиларга хос бу қадамларнинг бола кўнглидаги излари романда ишонарли акс эттирилган. Шабнам эр қилиб кетгач, Шербекнинг ҳеч қайғуриб ўтирмай, унинг сингляси Шабада билан "чин севги"ни давом эттиравергани боланинг тоза муҳаббат ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилади. Романда қишлоқ қизларининг китобларда тасвирланганидай содда ва алданган ожизалар тарзида эмас, балки севгини сақичдай алиштирувчи Шабнам тимсолида кўрсатилгани ҳаёт ҳақиқати нуқтаи назаридан ҳам, бадиий чинлик маъносида ҳам ўзини оқлаган.

Яратганнинг қудрати шундаки, ҳар бир одамни фақат ўзига тегишли мижозу феъл билан тақдирлаган. Шу боис бир хил ҳолат ҳаммада ҳар хил муносабат уйғотади. Ёш адиб бу ҳолни романда жуда катта маҳорат билан акс эттирган. Айни бир ҳолат ёки ҳодисага турли одамларнинг турлича муносабат билдиришилари, уларга кўрсатган таъсир ўзига хос бўлиши сабаблари жуда асосли ифода этилган. Асарда Сафармурод чавандоз билан Улаш аграномнинг қилмишларига аёллари муносабатининг: "***Эрининг***

саёқ юришлари тўғрисида эшитган Тошбиби янга хаёлчан, бўшанг қиёфаси баттар паришонлашиб, гўё, қизиқ бир чўпчак тинглагандай, шунчаки илжайиб қўйиб, қўни-қўшниларининг ҳафсаласини пир қилди. Бироқ шаддодгина Зумрад опа эса эри — аграном-шоирнинг ўрнига ҳам, икки ҳисса уят оловида қоврилиб: "Вой... ўлай, вой... шўрим қурсин",- дея кўз ёшга зўр берди" тарзида тасвирланиши улар табиатидаги ўзига хос жиҳатларини яққол намоён этган. Мана шу хилдаги тасвирлар туфайли роман бир зарб билан, бир оҳангда ёзилгандай таассурот уйғотади. Тўғри танланган киноявий оҳанг асарнинг кўповозли (полифоник) бўлишига монелик қилмаган. Яъни асардаги қаҳрамонлар бир қиёфали эмас, уларнинг ҳар бири ҳам кутилмаган жиҳатлар, башорат қилиб бўлмайдиган тутумларга эгадир. Муаллиф персонажларини гўё бир мусиқа билан турли рақсларга ўйнатгандай, уларни киноявий йўсинда, кулгили ҳолатларда тасвирлагани ҳолда табиатларидаги фожиали қирраларини ҳам, жиддий ўйларини ҳам тўкис бера билган.

Романда тортинчоқ, бўшанг ўзбек аёлининг баланд инсоний сифатлари маҳорат билан тасвирланган: "***...ўша кеч Сафармурод ака ҳам уйига дағдаға билан кириб борган экан! "Кетаман,— дебди у ҳам аллақачон бир уйқуни урган Тошбиби янгани аранг уйғотиб.— Шаҳарга кетаман... У ёқда эпподиром деган жойда чавандозлик қиламан, еганим олдимда, емаганим кетимда бўлади... Не-не бойваччаларнинг болалари мендай устозга зориқиб ўтирибди...". Эрининг дийдиёларини уйқусираб эшитган Тошбиби янга, "Ҳозир жўнайсизми?",- дея сўрабди хаёлчан бўшашиб. Чавандоз хотинининг муқаррар дод-вой солиб, "кетманг"лаб оёқлари остига йиқилишини кутган, шекилли, кутилмаган сўров анча-мунча гулдиратиб қўйибди: "Йў-ўқ... ҳа... йўқ... умуман". Эридан аниқ-тиниқ жавоб ололмаса-да Тошбиби янга тагин ўсмоқчилаб сўрабди: "Қайси кийимларингизни тайёрлай?..***". Мана шу суҳбатда ювош ва айни вақтда, мағрур ўзбек аёлининг қиёфаси яққол кўринади. Лекин у – ортидан кимларнидир эргаштирувчи, ҳаммани ўзи сингари бўлишга ундовчи замона қаҳрамони эмас, балки аждодларнинг қадимий туйғуларини ўзида сақлай олган бетакрор шахс.

Тошбиби янгаларга айнан ожизлик ярашади. Айни шу жиҳат уларни қудратли қилади. Бундай аёллар хўжаси билан масала талашмайди, балки итоатининг чексизлиги билан эрлар-

ни итоат қилдиради: "***–Ахир, бизни ташлаб шаҳарга кетаяпсизку?! Довруғи достон бир чавандоз эрим бор эди, охири куни шаҳарлик байталларни минишга қолиб, ўзини шарманда қилди, бизни уятга қўйди, улоқиб шаҳарга кетиб қолди, деб эслаб юраман-да.***

–Тишлаб-тишлаб олаяпсан-а, Биби?!

–Йўқ, байтал тишлаган жойга туз сепаяпман..." Ҳеч қачон аччиқланмайдиган, мулойим табиатли Тошбибининг нишонга хатосиз урадиган бу гаплари ўзбек аёлининг дунёдаги ҳеч бир миллат аёлига ўхшамайдиган феълини кўрсатиши жиҳатидан ҳам, тилимизнинг ифода имкониятларини намойиш этиши жиҳатидан ҳам тенгсиздир.

Одам турли вазиятларда ўз менлигининг турли қирраларини кўрсатади. Романдаги асосий ҳикоячи Самад ҳам ўрнига қараб, ўқувчи кўз ўнгида гоҳ содда ва ишонувчан, гоҳ муғамбир ва қув ўсмир тарзида намоён бўлади. Боланинг янги келинчак Лолахонга ихтиёридан ташқарида, ўз-ўзидан тийиқсиз меҳр қўйгандаги ҳолати асарда ишонарли тасвирланади: "***Янгам бир қўли билан сочларимни силаганча юзимдан енгилгина ўпиб қўйди. Кўз олдим бир мастона чайқалиб кетди. Ҳовли... уй... ёнимдагилар бир лаҳза узо-о-оқ–узоқларга чекинди, Ўроқнинг ...жаврашлари олис-олислардан гўнгиллаб эшитилгандай бўлди***". Эртаклардагидай сирли ҳаётни орзу қиладиган ёшдаги Самаднинг юрагига тушган сеҳрли туйғунинг айни шу хилдаги тасвирланиши ўқувчини ишонтиради. Асарда кўнгли гўзалликка ташна, аммо тароватсиз шароитда яшашга маҳкум ўсмирнинг руҳий ҳолати ҳаққоний берилган. Лола келин Самаднинг эзгулик, муҳаббат ҳақидаги бола тасаввурининг моддийлашган кўриниши эди. Оламни қутқариши мумкин бўлган гўзалликнинг юқумлилиги, унинг ҳамиша индивидуал табиатга эгалиги асарда ишонарли тасвир этилган. Бола шаҳарлик янгасини нега севиб қолгани сабабини билмайди. Бундай ҳолларда сабаб йўқлигининг ўзи ҳам сабабдир.

Самад Лолахон янгасини Ўроқнинг борида қанчалар яхши кўрган ва уни куёвидан қизғанган бўлса, эри ҳалок бўлгач ҳам шундай суйиши, ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган бу сирли туйғу сабаб тортган азоблар ўспирингга роҳат бериши романда жуда ишонарли кўрсатилган. Лолахон бева қолгач, янгасини ўз отасидан, қариндоши шоир Шунқор Ҳобилдан қизғаниши, бева аёлнинг уларга мойиллигини туйганда ўртаниб-

лар кетиши ғоят таъсирли ифода этилган. Товонидан ўт чақнайдиган, тиниб-тинчимас, топқир болакайнинг умидсиз ва истиқболсиз севгиси кишида ғаройиб таассурот қолдиради. Лола Самад учун шунчаки гўзал бир аёл эмас, балки муҳаббатнинг, эзгуликнинг, олижаноблигининг тимсоли эди. Бола бу аёл тимсолида тенгсиз бир маънавий идеалини кўрди дейиш мумкин. Унинг Лолахон ўлдирилгач ҳам бунга ишонмай, унинг қайлардадир тирик юрганига умид боғлаши шундан далолатдир. Чунки умиднинг ўлиши, эзгуликнинг хазон бўлиши мумкин эмас.

Муаллифнинг маҳорати шундаки, у ҳикоячини фақат олижаноб, ўзгаларга яхшиликлар қилгувчи бола сифатида тасвирламайди: "***Ўша баҳорнинг адоқларида Ўроқ, Шербек ва яна уч нафар тақирбош бирин-кетин жўнаб кетишган, ўринлари ҳувуллаб, не-не юракларга оғир бир гашлик чўккан ўша дилгир кунлар, негадир менинг димоғим чоғ, вақтим хуш эди!***" Бу тасвирда Самаднинг, ҳали англаб-англамай, ўзганинг бахтсизлигидан бахт топишга уриниши ҳаққоний акс эттирилган. Манфаати ўзганикига зид келган одамнинг чигал ҳолати жуда ишонарли тасвирланган. Ёзувчи Самаддаги ўзганинг қайғусидан ўзига қувонч топиш илинжи анча чуқур илдизга эгалигини таъкидлаброқ баён этади. Бу ҳол ҳикоячи тимсолининг ҳаётийлигини оширишга, унинг бир томонлама чучмал, нуқул ижобий чиқиб қолмаслигига омил бўлади: "***...менинг кўнглимга қувонч қалдиргочи анча илгари... Ўроқ бир дунё ғам-ғуссага андармон турган пайт, сездирмай учиб кирган экан!***".

Тасвир ҳақиқати қаҳрамон табиати ҳақиқатини юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам ўсмирликдан ўспиринликка ўтаётган Самаднинг ҳолати ўқувчига тушунарли ва юқумлидир. Йигитчанинг Лолахон уни ўпгандаги ҳолати тасвири ҳаққоний ва таъсирли экани билан эсда қолади: "***Мен ўтли ўпичданми, ё, ўпиш учун эгилган вужуднинг алланечук ширин ҳидиданми, ҳарқалай, маст эдим! Бутун борлиғимга ҳали менга нотаниш бир тотли титроқ инди.***

Негадир, тобора торайиб бораётгандай туюлаётган шимимнинг почасини, кўйлагимнинг этагини, зимдан тортқилаб-тортқилаб қўйдим. Назаримда, хона, мен ўтирган стул оҳиста-оҳиста чайқалар эди.

Ҳа, ҳа, мен ҳаддимдан ошдим! Ўша ёзнинг ўша илк қайноқ кунларида илк марта қайноқ аёл кўлларидан ўпич олдим. Ҳа, ҳа, Ло-

лахон янгамнинг лўппи, силлиқ кафтларига юз-кўзимни суртиб, лабларимни босдим. Йўқ, йўқ, мен бир парча оловга лаб қўйган эканман ўшанда. Ўшанда бир парча олов юз-кўзларимни куйдириб ўтди, бир парча олов бутун вужудимга қоришиб кетди. Шушу ўша ёз беаёв ёнишлар ичида қолдим". Бизнинг адабиётимизда ўсмир ё ўспиринниng бу хилдаги ҳолати тасвирланган асар шу кунгача йўқ эди. Чунки бизда шаклланган қарашларга кўра, бу хилдаги туйғуларни тасвирлашни маъқул эмасди. Лекин инсон ҳаётининг энг мураккаб босқичи бўлмиш бу даврда бундай туйғуга йўлиқмаган, унинг тотли изтиробларини чекмаган одам кам бўлади. Буни бадиий тадқиқ этиш, унинг сирли ва тушунуксиз қирраларини тасвирлаш ҳам муҳим, ҳам ўта мушкул эди. Луқмон Бўрихон бунинг уддасидан чиқа олди.

Романнинг тасвир йўсинига доир асосий хусусият шундан иборатки, ҳар бир қаҳрамон ўз табиатига мос ўй ўйлайди, гап гапиради, иш қилади. Асарда қаҳрамонлар табиатига зарра қадар зуғум ўтказилмайди. Киноялi оҳанг персонажлар характери табиийлигини таъминлашда қўл келган. Адиб Ўроқ образи тасвирида ҳам тасвир маромини бузмайди. Романнинг бирор бир ўрнида Ўроқда алоҳидалик, фавқулоддалик, борлигига ишора қилинмайди. Ўроқнинг ўқишга ҳаваси зўр эмас: ҳеч иккиланиб ўтирмай, кундузгидан сиртқи бўлимга ўтиб кетади. Билими ҳам кучли эмас: Чинор директорнинг шўрга қарши дори ҳақидаги саволига эплаб жавоб қилолмайди. Агрономликка ҳам астойдил меҳр қўймаган: ишига боришдан кўра, аёли ва ўғилчаси билан бўлишни яхшироқ кўради. Ҳарбийга бориб, қаҳрамонлик кўрсатиш хаёлида ҳам йўқ: хизматга бормаслик учун барча чораларни қилиб кўради. Ҳатто, аскарликка юбормасликларини ўтиниб кўзёши тўккани сабаб туман ҳарбий комиссари уни жазолаб, атай нотинч жойга хизматга жўнатади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Ўроқ айни шу қўрқоқлиги сабаб қалтис жойга тушганидан қаҳрамонга айланади. Муаллиф қўрқоқдан қандай қилиб қаҳрамон чиққанини алоҳида тасвирламайди. Чунки инсоннинг ёзуғи унинг ўзига боғлиқ эмаслигини яхши англайди. Романда Ўроқнинг қай ҳолатда, нима учун ҳалок бўлгани ҳам аниқ кўрсатилмайди. Чунки асар учун Ўроқнинг қандай ҳалок бўлганлиги эмас, балки йигит ҳалокати тирик қолганлар тақдирига қандай таъсир кўрсатганлиги муҳим эди.

"Жазирамадаги одамлар" романи доим куюнчаклик қилиб юрадиган олимларимиздан бири ҳозирги адабиёт олдига: "***Эл-юрт учун жонини фидо қиладиган, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойи қаҳрамонлар образи бугунги кунда яратилмаяпти ҳисоб... Ҳозир "айни вақтида яратилган" асарлар, "замонамиз қаҳрамони" образи етишмаяпти. Бугунги кунда кишиларга ибрат бўладиган, одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар жуда-жуда зарур***[1]",- деб қўйган талабларга ўзига хос жавоб бўлди. XX асрнинг бошларида пролетариатнинг "доҳийси" В. Ленин ёзувчи М. Горькийнинг "Она" романини "айни вақтида яратилган асар",- дея алқаганди. "Жазирамадаги одамлар" асари тўлиғича "одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар" ва қаҳрамонларга эргашишга шай турган оломон қисматини кўрсатишга бағишланган. Шу маънода, бу роман адабиётшунослар учун тадқиқ материалигина бўлиб қолмай, ўзига хос эстетик ёндашув улгиси ҳам дейиш мумкин.

Луқмон одамларнинг қандайдир адабий қаҳрамон ортидан қайсидир бир манзилгача эргашиб боришлари мумкинлигини тасаввур ҳам этолмайди. Одамларга бу хилда беписанд қараш инсонга мафкура ҳукмронлик қиладиган авторитар тузумлардагина мумкин эди. Бугунги кунда "замонамиз қаҳрамони" ҳақида гапириш анча ноқулай. Чунки бирор асардаги адабий қаҳрамоннинг ўз фикрига эга жонли одамга йўлбошчи бўлиши мумкинлигини тасаввур этиб бўлмайди.

Дидактик йўналишдаги асарларнинг прагматик мақсадларга хизмат қилиши мумкин эканини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, ҳеч қайси замонда ҳам чин бадиий адабиёт инсонга қандай яшашни ўргатиш учун ёзилмайди. Замонамиз қаҳрамони тушунчасини илк бор қўллаган М. Лермонтов бизнинг замона шундайки, фақат ўзини ўйлайдиган, кўнгли тилаган нарсага эришиш учунгина яшайдиган худбин ва мақсадсиз «ошиқча» кимсаларни қаҳрамон деб билади тарзида бу атамага киноявий маъно юклаганди. Ёзувчи замона қаҳрамони — Печориннинг ёлғиз ва бемақсадлигига алоҳида урғу берганди. Унинг на бир издоши, на бир дўсти бор эди. Уни хушламас ва унга эргашмас эдилар. Эргашгандада, ёвузлигию эзгулиги билан бетакрор бу шахсга етиб бўлмасди. Аслида, ҳам қандайдир бир

[1] Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 2004 йил, 4-сон.

адабий персонажнинг замона қаҳрамони бўлиши мумкин эмас. Аввало, ҳар қандай образ – бадиий тўқима. Иккинчидан, одамлар кимга эргашсак тузук экан деб, шайланиб туришгани ҳам йўқ. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти, кўзлаган марралари бор. Бинобарин, ҳеч бир одам бадиий персонажга эргашмайди. Кимгадир эргашиш юксалишнинг йўли бўлолмаслигини одамлар яхши билишади.

Асардаги асосий тимсоллардан бири – ҳикоячининг отаси Эргаш, роман персонажларидан бири айтмоқчи, "бутун одам". Унинг қандай одамлиги талабалигида домласининг ахлоқсизлигига исён сифатида ўқишни ташлаб келишиданоқ маълум бўлади. Эргаш дунёга очиқ кўз ва теран ўй билан қарайди. Шунинг учун ҳам бева қолган Лоланинг, аввало, одам эканлигини, ундан садоқат маъбудаси ясаш ўрнига, кечиктирмай турмушга бериш тўғрироқ бўлишини англайди. Одам кўнглини, унинг орзу ўйларини илғашга уринган боис бева аёлни қаҳрамон жангчининг садоқатли ёри тимсоли сифатида асрашдан кўра, Лолахон қалбидаги оддий туйғуларни ҳисобга олиш лозим деб билади.

Айни вақтда, ёзувчи сунъий равишда ундан одамийликнинг нуқсонсиз тимсолини ясашга уринмайди. Эргашни фазилату камчиликлари билан рўй-рост кўрсатишга интилади. Шу боис унинг директорни кўндириш эвазига ферма мудиридан қўчқор олиши, яширинча ерёнғоқ экиб, фойда кўриши, аёлларга муносабати, ичкиликка яқинлиги сингари жиҳатлар шу шахс табиатига хос қирралар экани кўрсатилган. Эргаш — ўз қарашларига эга шахс. У соғлом ва аниқ фикрлагани сабаб кам янглишади. Унинг бу хусусияти музей очишдан, мактабга Ўроқнинг номини бердириб, унга ҳайкал ўрнаттиришдан хўжалик етакчиси Чинор қандай мақсадни кўзлаганлигини аниқ билишида, бева Лолахоннинг истаги нимадалигини туйишида, Чинорнинг Қундуз муаллимага муносабатига берган баҳосида, чўлнинг келажаги борасидаги гапларида яққол намоён бўлади.

Асарда меҳнаткаш, тўғри, лекин бир қадар довдир, лақма Сафармурод чавандоз тимсоли ҳам ўта жонли ва таъсирчан ишланган. Чавандознинг ҳамиша жўралар кулгисига сабаб бўладиган ҳовлиқмалиги, доим чув тушиб юриши, айни вақтда, ўзини дўстлари: Эргаш мироб билан Чинор директордан асло кам санамаслиги, вақти келса, уларга дашном беришга урини-

ши романда бу персонажнинг тийнатини намоён этувчи хусусият сифатида ишонарли тасвир этилган. Романда отсиз чавандознинг ўзига кераксиз қамчисини музейга беришни истамаслиги, не бир қистовлар билан бергандан кейин яна қайтариб олиши каби ўринларда Сафармурод чавандоз табиати яхши очилган. Чунки ўзбек эркаги бош кийим, қурол-аслаҳа ва от абзални бировга бергиси келмайди.

Асарнинг киноявий йўналиши худди тақдирнинг пичинги сингари оқсоқ директорнинг Чинор деб аталиши, оғзидан от тушмайдиган, номига "чавандоз" сўзи қўшиб айтиладиган Сафамуродда отнинг йўқлиги, хўжаликдаги имони бутун ёлғизгина шахс Абдулла бадқавоқнинг ҳеч кимга ёқмаслиги, орсиз ва сохтакор Аширнинг қишлоқ ор-номуси ҳисобланиши, уч йигитнинг ўртасида эрмак бўлган Шабнамнинг эл-юрт олдида, олдинги "севгилиси" Ўроқ ҳайкали қошида садоқатли аёл бўлиш ҳақида унинг бахтсиз беваси Лолахонга қасам ичиши каби лавҳалар тасвирида тўла намоён бўлади.

Луқмон асарда устомон ва доғули сохтакор кимсаларнинг эл-юрт "виждони"га айланиши билан Абдулла бадқавоқ сингари асл кишиларнинг қадр топмаслиги, кўпчилик унинг шахсини баҳолай оладиган даражага етмаганлигини улкан бир маҳзунлик билан акс эттиради. Чунки Абдулла ҳеч нарсани киши кўрсин учун қилмайди. Ҳар бир айтган гапи ва босган қадами ички мантиққа, соғлом фикрга, имону инсофга таянган бўлади. Ишнинг кўзини билгани, тиниб-тинчимагани учун тўқ яшайди. Тўқ яшагани, бировга қарам бўлмагани учун ўзини ҳурмат қилади. Ўзини ҳурмат қилган ва ҳаммага ўхшамаганларни эса, ўша "ҳамма" уни ёқтирмайди.

Адиб қаёққадир кетгани боис Ўроқни кўмиш маросимига кечикиб келган Абдуллага қишлоқ аҳлининг муносабати тасвири орқали "ҳамма"нинг руҳиятини усталик билан ифодалаган: ***"Барча унинг қиёфасида удумларга нописанд калондимогни, меҳр-оқибатсиз қариндошни кўрар, бундан беҳад газабланишар, тажанглашар эди. Ҳамманинг назарида Абдулла бадқовоқ, ўша машъум кунда, атайин, кечикиб келганди, кечиккани гўргаку-я, атайин ўз жигарини бўзлаб йўқламаганди, бўзламагани гўргаку-я, атайин пиёзнинг даромадини санаш дардида уйига чопқиллаганди, чопқиллагани гўргаку-я, қариндошларнинг қистовидан жаҳли чиқиб, машинасини атайин туман марказига елдириб кет-***

ганди, елдириб кетгани гўргаку-я, атайин ҳарбий комиссариат Аширни чақириш илтимосини рад этди, дея ўзича баҳона тўқиб келганди. Хуллас ҳамманинг назарида Абдулла ака ичи қора, манман, турқи совуқ нусха эди!" Мана шу ўринларда кўпчиликнинг фикри одам ҳақидаги ҳақиқатни ифода этолмасиги тўла-тўкис намоён бўлади. Бу одамнинг ўзгаларга ўхшамайдиган самимий инсонлиги қуйидаги тасвирдан кўринади: "*...ўшанда Абдулла ака дарвоза ёнида гўё бировникига киришга чўчиётган бегона каби хийла вақт саросималаниб қолган, жиққа-жиққа ёш айланаётган кўзлари чала эриган муз парчаларидай хира ва совуқ йилтиллаганча оёқлари остига қадалганди*". Адиб жигарининг ўлими маросимига кириб келаётган Абдулла руҳиятини усталик билан ифодалаган. Асарда ёзувчининг одам психологиясини яхши билиши кўриниб туради. У ким қайси жиҳати билан кўрсатилса, табиати тўла намоён бўлишини аниқ тасаввур қилади. Абдулла ака сингари кўнгил ва ақл кишиси аза ва тўй каби стандартга туширилган маросимларда қийналади. Чунки у стандартга тушолмайди, бирор ҳаракатни хўжакўрсин учун қилолмайди. Бир умр ўзгалар кўзи учун яшаб юрган кишиларга қолипга тушиб қолган ишларни қилиш осон, носатандарт тутумли кишиларнинг ҳолати эса тушунарсиз. Абдулла бадқовоқ одам бировлар назари учун яшамаслиги керак деб ҳисоблайди. Аммо ўзбекнинг маиший ахлоқи ва турмуш тарзи ҳар бир одамдан унга ҳеч қачон қаноту қуйруқ бўлмайдиган кимсалар кўзи учун яшашни талаб қилади.

Романда Абдулланинг ўғли ҳалок бўлган акаси Файзулла билан кўришуви саҳнаси билгичлик билан ёзилган. Абдулланинг ўкириб йиғламаганида, ўкиролмаганида бировга ўхшамаган шахснинг ўкириги яшириниб ётибди: "*У ниҳоят кўрдай пайпасланиб ичкари кирди ва довдирай-довдирай чорпоя томон, қорасатин тўни устидан қўш белбоғ боғлаб, бир неча яқинлари қуршовида таёқ суянганча турган огаси ёққа юринди. Файзулла ака эртадан бери бўзлай-бўзлай чарчаб қолганиданми, ё укасининг урф-одатларни ошкора бузганидан хафа бўлдими, ишқилиб шилқ-шилқ бурун тортганича, истамайгина ўзини жигарининг багрига берди. Абдулла бадқовоқ эса уни минг йиллар кўрмай согинган сингари маҳкам қучоқлаб олди, шундагина гўё қаттиқ сиқувдан жон жойи жазиллагандай Файзулла ака, чинакамига бўғиқ товушда ҳўнграб юборди. Абдулла бадқовоқ акасини багрига бат-*

тар босган кўйи шафтоли данагидай бўртиб чиққан кекирдагини гилт-гилт ўйноқлатиб, қачондан бери нақ бўғзигача бостириб келган, теваракдагилар қачондан бери отилиб чиқишини илҳақ-илҳақ кутиб ётган ўкирикни, негадир зўр базўр, изига қайтарарди". Бир қараганда, жўнгина бу тасвир катта бадиий юк ташиб, ўта салмоқли эстетик вазифа бажарган. У Абдулла шахсиятига хос жиҳатларни кўрсатиш билан бир вақтда унинг атрофидаги томошаталаблар табиатини ҳам намоён қилган.

Асарда катта-кичик ҳар бир тимсол ўзига яраша бадиий юк ташийди. Ўроқнинг онаси Хосият опанинг турли вазиятлардаги ҳолати тасвири кишида кучли қизиқиш уйғотади. Қишлоқнинг соддагина аёли фарзандларининг бахти кулган кунлари гулдай очилиб, яшариб кетганлиги, шаҳарча шевада гапира бошлагани, ўғли ҳалок бўлган кунларда эсидан айрилгандай бўлиб қолиши ҳолатлари жуда ишонарли ва таъсирли тасвир этилган.

Ҳеч бир жиҳати билан ўзгалардан ажралиб турмайдиган, имкон қадар кўзга ташланмасликка интиладиган Файзулла ака руҳиятидаги ботиний ва зоҳирий эврилишлар романда жуда моддий қилиб кўрсатилган. Омадёрлик, хотиржамлик, ўзига ишонч кишини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлиги асарда ўзининг гўзал ифодасини топган. Бўшашибгина юрадиган Файзулла аканинг вақти келиб, маъшуқа орттирадиган даражада ўзгариши романда киноя пичинг билан жуда таъсирли акс эттирилган.

Ажабланарлиси шундаки, ўзгаларнинг ҳолатини тушунишга ожиз одамлар ўзлари ҳақида астойдил қайғуришади. Шунинг учун ҳам ёш Лолахонни турмушга бериш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамаган Файзулла ака Хосият опанинг ўлимидан сўнг ҳеч бир хижолат чекмай уйланиши тасвири унинг характер хусусиятига мосдир. Романда шу тахлит фақат ўзига қулай бўлишинигина ўйлайдиган, ўзгалар ҳолатини туя олмайдиган кимсалар руҳияти яхши тасвирланган. Ёзувчининг ютуғи шундаки, у бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатига баҳо бермайди, улардан ёзғирмайди ёки маломат қилмайди. Бу орқали ўз қарашларини ўқувчиларга тиқиштирмайди.

Одатда, жабр тортган кишилар тасвирида майин ранглардан кўп фойдаланиларди. Чунки ҳар бир одам тортаётган жабрининг ўзи биланоқ бошқаларни ҳамдардига айлантиради. Мил-

лий адабиётимизда чуқур илдиз отган шу анъанани Луқмон илк бор бузишга журъат этади. У улкан бахтсизлик комига тушган Хосият опани ҳам, Файзулла акани ҳам табиатига мос тарздагина кўрсатиш йўлидан боради. Тақдирнинг кутилмаган сийловига ҳам, ногоҳ синовига ҳам дуч келган бу кишиларнинг Лолахон ҳолатини тушунадиган даражада сезгир, унинг табиий истакларига майл билдира оладиган даражада инсофли эмасликлари асарда борича кўрсатилади.

Файзулла аканинг одамни тушунмаслиги ва танимаслиги романда бир-икки лавҳада маҳорат билан чизилади. Файзулла аканинг одам танимаслиги Лолахоннинг "***...қориндор, сергўшт қошу қабоғи орасида кўмилиб кетган кўзлари туссиз, оппоқ, сийрак сочли хум калласига омонатгина дўппи илган, олтмиш ёшлар атрофидаги***" ўгай отасига муносабатида яққол кўринади: "***Ўшанда Файзулла ака, энг яқин, энг сирдош биродарига ҳасрат қилгандай негадир қудасининг қучогига ҳўнграб отилганди. У ҳатто ўз тугишган иниси Абдулла бадқовоқнингда багрига бунчалар жонсараклик билан ташланмаганди***". Мана шу парча билвосита тасвир усулининг энг самарли кўринишларидандир. Ўгай отанинг қандай одам экани ўқувчига Лолахонга онаси ёзган хат орқали маълум эди. Ёмони шундаки, шундайлар кўпчиликнинг меҳрини осон қозонишади. Ўкириб "йиғлагани" сабаб кўпчилик бу туссиз кимсани Абдулла бадқовоқдан афзал кўради. Ёзувчи жуда кичик бир детал ёрдамида "одамгарчилиги зўр" ўгай отанинг асл қиёфасини очолган. У шундай қиёмат бир шароитда уйидан ёнига қора чой ва шоколад солиб олишни унутмаган. Демак, куёвининг ўлими уни мутлақо безовта қилмаган.

Бадиий ҳақиқат кўпинча ҳаёт ҳақиқатидан кучлироқ бўлади. Қандолатлар ғоят камёб муҳитда ўсган қишлоқ боласи Самад Лолахоннинг ўгай отаси берган конфетни еёлмагани тасвирида рамзий маъно бор. Чунки шундай хабарни эшитгандан сўнг чой, конфет сингари кўнгил эрмаклари бўлмиш кераксиз нарсаларни ғамлашни ўйлай олган одам берган нарсани еса, ўқувчининг Самад ҳақидаги тасаввури хиралашган бўларди. Аммо бола сифатида ҳикоячи шоколаддан юз ўгиролмасди ҳам. Ёзувчи бу ҳолатдан чиқишнинг энг тўғри йўлини топган: ҳикоячининг Лола билан онаси суҳбатини яширинча тинглаётиб шоколадни эритиб қўйиши уни ўқувчининг номарғуб муносабатидан қутқариб қолади.

Асарнинг бош концепцияси романдан олинган қуйидаги парчада акс этган дейиш мумкин. "*— Нега ўйинни буздинг? Сен қаҳрамонларча ўлишинг керак эди-ку?!— дея алам билан қичқирдим мен.*

— Ўлишни хоҳламайман,— деб тўнғиллади Тўлқин хаёлчан хас чайнаркан.— Қаҳрамон бўлиб, орден-медаллар тақиб уйга қайтишни истайман...

Алам ўтида қоврилаётган Ҳужжатуллахон ҳам киноялиҳирингладиҳ:

— Ай... ай... Яна нимани хоҳлайдилар?

— Яна... мени қаноргаҳтиқиб ўзларингҳтушликниҳпоққосҳтуширишларингниҳхоҳламайман...

— Қаҳрамонҳбўлгандан кейинҳчидайсан-да,— дея чинқирдиҳДурбек.

Тўлқинҳҳамонҳхаёлчанҳхасҳчайнаганҳкуйиҳтўнғиллади:

— Менгаҳунақаҳқаҳрамонлик керакмас.

— Яна нима хоҳлайдилар?— деб тағинҳкиноялиҳҳирингладиҳҲужжатуллохон.

Тўлқинҳўтирганҳжойигаҳчалқанчаҳётди-да,ҳгўёҳилиқҳҳавониҳқучаётгандайҳқулочларинииҳкенгҳёйибҳҳайқирди:

— Абдулла акадай бой, зўр одам бўлмоқчиман!"

Тўлқиннинг болаларча иқрорида романнинг мағзи акс этган. Ҳа, чиндан ҳам чинакам одам қаҳрамонларча ўлишга эмас, қаҳрамонларча яшашга, яшаганда ҳам оёқни зўрға судраб хору зор бўлиб эмас, балки Абдулладай тўлиб-тошиб, зорликни билмай, инсонларча ҳаёт кечиришга лойиқ.

Адабиётдан ҳам, адибдан ҳам одамни фидо бўлувчи, қурбон тарзида кўрсатишни талаб қилавермай, бу дунёда яйраб яшай оладиган кишиларни тасвирлаш имконини бериш керак. Бирор бир одамдан юксак идеаллар учун фидо бўлишни талаб этиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Ватан шу ватанда яшаётган кишилардан азиз бўлмаслиги, бу икки тушунча бир-бирига қарши қўйилмаслиги, қаҳрамонлик фидо бўлиш билан ёндош тасаввур этилмаслиги лозим. Ватан ўғлонлари унинг учун ўлиш эмас, балки яшашлари зарурлигини тасвирлаш пайти етди.

Олдинлари алоҳида бир одамнинг кўпчиликка муносиб бўлиши кераклигига урғу берилар ва ҳамиша кўпчилик қандайдир юксакликда тасаввур этиларди. "Жазирамадаги одамлар" романида миллий адабиётимизда илк бор кўпчилик ҳам алоҳида бир инсонни тушунишга уриниши лозимлиги тасвирланган.

Бу ҳол одатий ёндашув тарзини бузиб, руҳий қадриятлар тизимига ўзгаришлар киритган. Одам ва унинг қадри ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган қуйидаги лавҳада кўпчиликнинг руҳияти ва моҳияти яхши акс этган дейиш мумкин: "***Базм дастурхонига қараб бўлмасди. Ивирсиб ётган бўш шишалар, идиш-товоқлар, томган-тўкилган овқат қолдиқларию мева-чева пўчоқлари кўнгилларни беҳузур қиларди. Кимдир папирос қолдигини чайқала-чайқала ҳозиргина емак еган идиши ичига босиб ўчирар, тагин аллаким носвой юқи теккан лаб-лунжини энгашганча дастурхонга ишқалаб артар, ҳувв, томошалар бошида ўйинчи қизга "бир ойлик насибаси"ни қистириб юборган ўша йўғон нусха стол тагига энгашганча қусиб ётарди***". Бу шафқатсиз тасвирда кўпчиликнинг ҳолати, унинг маънавий тубанлашуви қай даражага етиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўпчиликнинг ҳақ ёки ноҳақликни баҳолашга ожизлиги роман якунида яққол акс этган. Омма учун моҳият эмас, балки ташқи жиҳат муҳимлиги Аширнинг қилмиши ва Лолахон ҳалокатига муносабатда аниқ кўзга ташланади. Умрини томоша кўрсатишга, сохта обрў орттиришга, намойишкорона яшашга бағишлаган, бадмаст чиранчоқлиги туфайли бегуноҳ Лоланинг ўлимига сабаб бўлган Ашир қишлоқдошлари назарида оила номусининг фидойи қўриқчисига айланади. Бутун бошли қишлоқ аҳли Аширнинг муғамбирлигини, сохтакорлигини пайқамайди. Ўз томошаларининг қурбонига айланган йигит кўпчилик деб аталмиш тўданинг истакларига қул бўлиб ҳам ўз умрини, ҳам айбсиз Лолахон ҳаётини хазон қилади. Асарда мана шу ҳолат тагида улкан андуҳ яширинган киноя билан ифода этилади: "***Ўша тун Аширнинг қўлига кишан солинса-да, бироқ довруғи, шон-шуҳрати озод ва эркин қолган экан! Эл-улус ҳануз-ҳануз уни ор-номус ҳимоячиси тимсолида улуғлашар, оила шаъни учун, марҳум акасининг пок хотираси учун ўзини балоларга магрур ва мардона йўлиқтиргани ҳақида мутаассир бўлиб гапиришаркан***".

Кўпчиликнинг оломонлиги шундаки, кечагина соясига салом бериб, олдида кулиб гапириш ноқулай деб ҳисоблаганлари бегуноҳ Лолахонни бемалол бузуққа чиқаришади: "***Улар олис шаҳардан пайт пойлаб келган аллақандай ўйнаши билан Лолахон хашак гарами устида айни ялаб-юлқашаётган пайт қўққис Ашир полвон сезиб қолгани ҳақида, номард эркакнинг девор оша қочганию қасоскор қўл орқасидан отган паншаха хиёнаткор ургочига***

санчилгани ҳақида... теша тегмаган миш-мишларни тўқиб чиқаришган экан. "Ҳақ рост, ҳақ рост,— дермиш улар бир-бирига гап маъқуллатиб.— Осмонда паришталар бор. Ана шу паришталарнинг каромати билан бошқа бировга отилган паншаха бурилиб-гина анови ер юткурнинг қорнига қадалган-да! Худойжоннинг ўзи қилмишига яраша жазолаган-да, қора босгурни..."

Романда асл билан сохтанинг фарқига бормагани ҳолда қозилик қилишни хуш кўрадиган оломон қиёфаси кинояли йўсинда беқиёс улкан изтироб билан тасвирланган. Оломоннинг беқарор ва бетайинлиги асар сўнгида қамоқдан қайтган Аширнинг айнан уни бир замонлар кўтар-кўтар қилиб, қишлоқнинг "виждони" даражасига чиқарган Сафармурод чавандозга йўлиққани ва унинг ўз "кумир"ини танимаслиги тасвирида яна бир марта кўрсатилган.

Асарда инсон руҳияти маҳорат билан акс эттирилган. Ўроқнинг тобути келтирилган вақтда "***Файзулла ака ва Хосият холаларнинг ўққа учган мусичалардек илкис чайқалиб темир тобут устига қулаш***"лари, Файзулла аканинг ***"...ич-ичини қўпориб келаётган ўкирикни қувиб чиқаролмаётгандек юз-кўзлари тириша-буриша ўзини отиб ерга ур***"иши, "***...унинг каппа-каппа очилаётган оғзидан на ингроқ, на қичқириққа ўхшаш "А-а... у-у-увв... а-а...!***",- деган товуш чиқиши, умрида бировнинг юзига тик қарамаган Хосият опанинг: "***А-а-ай,— дея ўкирди у масъул ходимнинг оппоқ ёқаларига беаёв чанг соларкан.— Сен боламни топиб бер! Мунча Ватанлаб қолдинг, нега ўзинг ўлмайсан Ватан учун... Нималар деб валдираяпсан-а?! Болажоним ҳали ўзининг уйини ҳам тузук танимасди, а, қанақа Ватан?! Сенлар бошига етдилари-и-инг...***",- дейиши инсон руҳиятидаги кутилмаган бурилишларни акс эттириши жиҳатидан тенгсиз чизгилардир.

Фарзанди ўлганига ҳануз ишонмай юрган Хосият опанинг мактаб ҳовлисига Ўроқнинг бюсти ўрнатилганини кўриб: "***Аxx, сизла-ар,— деб пичирлади у қуруқшоқ лабларини қимтиб-қимтиб.— Охири... боламнинг бошини опкелдингиз-а-а...***",- дейишида она руҳиятидаги энг нозик сезимлар маҳорат билан ифодаланган кўринади. Романда онанинг ўғли ҳалокатига ишонмаслиги жуда ишонарли тасвирланган. Умидвор она шундай ўйлайди. Унга ўғлининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганидан қочоқ бўлса-да, тирик юриши афзалдир.

Романда пейзаждан ғоят усталик билан фойдаланилган. Ф. Ницшенинг: "***Дунёда нарсалар ҳақидаги тасаввурлардан бошқа ҳеч нарса йўқ***",- деган фикри ҳақ эканлиги ушбу романда яққол намоён бўлган. Айни бир ҳолат ҳикоячи шахснинг кайфиятига қараб тамомила қарама-қарши таассурот уйғотади. Ҳикоячи Самадга аммаси бир лавҳанинг ўзида гоҳ олижаноб ва ёқимли, гоҳ ялмоғиз ва ёсуман бўлиб кўринади. Дунёда тасаввурлардан бўлак нарса йўқлиги Лолахоннинг буқа таҳдидидан чўчиб, ўзини беихтиёр Эргашнинг бағрига отгани ва бундан роҳатланганини кўрган ҳикоячи ҳолати мисолида ҳам кўриш мумкин: "***Муздек шамол қўл-оёқларимдан силтаб-силтаб тортқилаб ўзи билан тентишга ундагандай бўларди. Тунд, бадқовоқ осмонга, баҳайбат буқалардек судраклanaётган булутларга қараб, узо-о-оқ–узоқ увуллагим келарди***" тарзида ифода этилади.

Иложсиз ўспиринга осмон бадқовоқ, булутлар ҳозиргина Лолахонни отаси бағрига отилишга мажбур этган буқалардек баҳайбат ва бадбашара кўриниши, унинг ожизликдан увлашга тайёрлиги асарда жуда ишонарли кўрсатилган. Муаллиф табиатни катта маҳорат билан тасвирлар экан, ундан персонажлар руҳий ҳолатини ифодалашда усталик билан фойдаланади: "***Жазирама тобора забтига оларди. Қуюқ япроқлари қоратмир тусга кирган дов-дарахтлар ҳам лоҳас мудраётгандек эди. Аллақайдадир зериккан мусича "ку-ку-ку"лаб ўз жуфтини чорларди***". Мусичанинг оддий эмас, балки "зериккан" экани, "жуфтини чорлаши" ёлғизлик, ёлғонлар, зуғумлар, тушунмасликлардан зериккан бева аёл ҳолатига уйғун келади. Кичкинагина бир тамсил тимсолнинг моҳиятини очишга катта хизмат қилади.

Пейзаждан ўринли фойдаланиш асарнинг ўқишлилигини оширган. Асосан, тафсилотларга, воқеалар ривожидаги ички шиддатга таянадиган романга бу хил тасвир тоза руҳ, енгил ҳаётий эпкин олиб киради. Айни вақтда, кейинги тасвирларга сабаб, олдингиларига оқибат вазифасини бажаради. Луқмон тимсоллар ҳолатини табиат манзараси билан уйғун беришни хуш кўради. У одам хуш кайфиятда бўлса, олам унга гўзал кўринишини, нохуш бўлса, қизғалдоқ ҳам тикандай туюлишини жуда ишонарли тасвирлайди: "***Ўша йили қиш анчайин совуқ ва серёгин келди. Посёлкамиз кулранг бир туман ичида ҳорғин ва ўйчан бўзарганди***".

Луқмон Бўрихон романда шевадаги сўзлардан ҳам ўринли фойдаланган. Бу асар туфайли адабий тил юртимизнинг айрим минтақаларида қадимдан ишлатилиб келинган "**яшовраб**", "**сирри**", "**зарилман**", "**ҳовор**", "**қўшхона**", "**тизинглаш**", "**қашшанг**" "**сўнариб**", "**кўлик**", «**боди**», "**бодичилик**", "**кайпанг**", "**гурри**", "**гапчиноз**", "**қашқатаёқ**", "**ўр**" каби сўзлар билан бойиди. Асарда улар персонажларнинг айни ҳолатдаги руҳиятини аниқ ифода этишга хизмат қилган.

Ҳар қандай катта ишда бўлгани каби завқ билан ёзилган ушбу романда ҳам айрим камчиликлар учрайди. Чунончи, ёзувчи ўзи хуш кўрган "яшовраган", "туйқус" каби сўзларни ўринли-ўринсиз қўллайверади. Айрим муваффақиятли ташбиҳлар ҳам қайта-қайта ишлатилаверади. Шунингдек, "айвон" маъносида "**тераска**", "лат еган" маъносида "**латланган**" сўзларини қўллаш ҳам унчалик ўринли бўлмаган. Сафармурод чавандознинг довдирлиги тасвирида ҳам мантиқ бузилиши ҳоллари учрайди.

Фақат жисмигина эмас, балки кўнгли ва фикри ҳам жазирамада қолиб жизғанак бўлган бир қишлоқ кишилари мисолида миллат турмуш тарзи ва миллий руҳиятдаги камчиликлар киноявий йўсинда акс эттирилган романнинг: "***Ишқилиб шу тонг, шу оппоқ, бокира тонг чин бўлсин...***" тарзида тугалланишида эзгуликка умид, инсон табиатининг тозарувига ишонч бор. Нурсиз ва заволли ҳаёт ҳақида ички бир қаноат билан ёзилган бу ёруғ асарда эртанги кунга умид сезилиб туради. Чунки ундаги киноя масхаралашга эмас, балки тозартиришга йўналтирилгандир.

Луқмон Бўрихоннинг "Жазирамадаги одамлар" романига сўнгсўз. Ғафур Ғулом номидаги НМУ, 2005 йил

ДАРДЧИЛ ТУЙҒУ ВА БЕЗОВТА РУҲ

Улуғбек Ҳамдам ёлқинли шеърияти, ўйчил ҳикоя, қисса ва романлари ҳамда теран адабий-танқидий мақолалари билан адабий жамоатчиликка яхши маълум. Лекин ҳам шоир, ҳам носир, ҳам адабиётшунос сифатида фаолият кўрсатаётган Улуғбек Ҳамдам аталмиш илмий-эстетик ҳодиса бизда тўлиқ идрок этилган деб бўлмайди. Адабиётшуносликда, кўпинча, сабаб эмас, оқибат изоҳланади. Негаки, у юзароқда бўлади. Шунинг учун ҳам биз "Атиргул" деб аталмиш ушбу шеърий китоб муносабати билан Улуғбек Ҳамдам ижодининг моҳияти ҳақида бир неча оғиз тўхталиш ортиқча бўлмас, деган ўйга келдик.

Улуғбекнинг "Ёлғизлик" қиссаси қаҳрамонлар руҳий оламини тадқиқ этиш йўсини жиҳатидан миллий адабиётимиз учун тамомила янгилик бўлди. Унда баён, ифодалаш, кўрсатиш, тасвирлаш сингари бадиий усуллар ўз ўринларини эстетик тадқиққа тўлиқ бўшатиб берган. Ёзувчи қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини кўрсатишга эмас, балки уларнинг сезим ва ўйларидаги товланишларни акс эттиришга эътибор қилган. Арасту замонларидан буён адабиётнинг моҳияти ҳаётдаги хаосни бадиятнинг космосига айлантиришдан иборат деб тушуниб келинарди. Яъни воқеликдаги бирор қолипга тушмайдиган "тартибсизлик"лар муайян мунтазамлик касб этиши, эстетик тартибга туширилиши билан бадиий асар юзага келади деб қараларди. "Ёлғизлик" қиссасида эса айнан тартибсизлик, бўлганда ҳам, воқеликдаги эмас, инсон хаёлотидаги, кечинмаларидаги тартибсизликнинг ўзи тасвирга олинган. Қиссада муаллиф қаҳрамон ўю хаёлларини унинг характерини очиш воситасига айлантирмайди. Билъакс, ўй-хаёлларнинг тартибсиз ва ноизчил оқимини беришнинг ўзига бадиий мақсад деб қарайди. Маълумки, хаёлотда изчиллик, мунтазамлик бўлмайди. Шунинг учун одам хаёлни эмас, хаёл одамни етаклаб юради.

"Ёлғизлик" миллий адабиётимизда, сиртдан қараганда, бадиий мақсадга бўйсунмагандай кўринса-да, аслида, ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти манзараларини ёрқин намоён этадиган илкинчи асар бўлди. Қисса қаҳрамонининг ўйларида тизгин йўқ, муаллиф ҳам гўё бу хаёлларни сараламай тасвирлайди. Ўйдан ўйга, хаёлдан хаёлга кўчиш жараёни тасвирининг ўзи қаҳрамон табиатига хос хусусиятларни сараланган бадиий мунтазамликдан

кўра тўлароқ очади. Бу асар муаллифнинг тажриба истаги туфайли эмас, балки кучли бадиий зарурият сабабли пайдо бўлган. Негаки, одамнинг ўйлари оқимидагина намоён бўладиган инсоний моҳиятни бошқача йўл билан кўрсатиб бўлмайди. Одамда ичи билан сирти, тили билан дили бир бўлган ҳолатлар ниҳоятда камёб. У фақат ўйларидагина ўзи бўла олади. Одам тизгинсиз ўй оқимлари билан ёлғиз қолгандагина ўзига, ўзлигига қайтади. Шундай ҳолатни акс эттириш йўли билангина одам руҳиятини тўлароқ кўрсатиш мумкин бўлади. Бу қисса миллий насримизда одам ўзгача тушунилган ва унинг психологияси шу йўсинда чуқур тадқиқ этилган дастлабки асар бўлди.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" ҳамда "Исён ва итоат" романлари эса адабиётимиздаги улкан бир кемтикликни тўлдирди. Унгача миллий романларимизда инсон, асосан, меҳнат ва фаолият бағрида кўрсатиларди. Ёш ёзувчи адабиётда мураккаб ва чигал ўйлар оғушидаги ўзбекни тасвирлашни бошлаб берди. Натижада, адабиётимизда ўзи, умри, одам ва олам ҳақида теран фалсафий ўйлар сурадиган миллат вакиллари қиёфаси яратилди.

Кўпчилик китобхонлар Улуғбек Ҳамдамнинг "Тангрига элтувчи исён" отлиғ шеърий тўпламидан ҳам хабардорлар, албатта. Юпқагина бу китобдан залвори тошни ёрадиган инсоний дардлар ифода этилган шеърлар жой олганди. Шоирнинг ўзи бир сабаб билан: "***Шеър – бошқача йўлда изҳор қилиб бўлмайдиган дардчил туйғу. У ижтимоий ҳою ҳаваслар дахл қилмайдиган ҳаводан нафас олади. Ҳақиқий адабиёт дарддан яралган, дардни куйлаган, бироқ гўзалликка айланган олам***",- дейди. Чиндан ҳам асл шеър ҳамиша туйғулари безовта, сезимлари нозик шоирнинг нокомил дунё билан келишолмаслиги сабабли пайдо бўлган дарддан туғилади. Улуғбек "Руҳим" шеърида руҳни: "***Нигоҳсиз кўзлардан қўридим***",- дейди. Ифоданинг нозиклигига, ишоранинг маънодорлигига эътибор бериш лозим. Кўнгли сўқир кимсада кўз бор эса-да, нигоҳ бўлмайди. Покиза руҳни ўшаларнинг таҳдидидан асраш ҳаёт-мамот масаласидир.

Улуғбек шеърларида донолик даъво қилмайди. Бировларга йўл кўрсатишга, уларга қандай яшашни ўргатишга уринмайди. У ўзини излайди, ўзини тушунмоқ бўлади. Ўз кўнгли ва руҳияти билан юзлашмоқ истайди. Шоирнинг барча ёзганлари изланаётган ўзлик хариталаридир. Шу боис ўзининг шоирлик қисмати чигалдан-чигал эканини очиқ тан олади:

Оғриқларни унутмоқ учун куйладим.
Кейин эса...
Оғриқларни унутдим буткул –
Бўшлиқларга дуч келдим бирдан...

Бу сатрларга астойдил эътибор қилмаган одам улар замирида арзирли мазмун кўрмаслиги мумкин. Лекин уларда инсон ихтиёрининг ихтиёрсизлиги сирли бир йўсинда ифодасини топган. Кўнгилдаги оғриқлар шеър бўлиб оққан шоир шеър ёрдамида бу оғриқларни унутмоқ бўлганди. Кейинроқ оғриқнинг унутилиши оғриқдан оғриқлироқ экани маълум бўлди. Шоирнинг таскинсиз ва тиниб-тинчимас руҳияти қуйидаги мисраларда яққол намоён бўлади:

Оғриқларни соғиндим шунда
Жаннатларга талпинмай қулдай...

Ориф илоҳий висол умидида, қул эса жаннат илинжида. Шоир жаннатларгагина талпиниб, оғриқсиз яшай олмайди. Шу боис соғинилмайдиган нарсани соғинади.

Улуғбек – безовта руҳга эга ижодкор. У биладики, руҳий ҳолат олдин ҳис этилади, сўнгтина мантиғи англаниши мумкин. Шу боис нафрату муҳаббатнинг сабабини ҳамиша ҳам мантиқ билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳар қандай кучли мантиқ ҳам жуда омонат, уни ясаш ҳам, мослаш ҳам, мослашиш ҳам мумкин:

Мантиғи бемантиқ ушбу дунёда
Топиб олгим келар ўзга бир мантиқ...

Топиб олиниши орзуланаётган ўзга мантиқ шеъриятнинг, демакки, кўнгилнинг мантиғи бўлади ва у туйғудан озиқланади.

Улуғбекнинг асарлари унинг туйғулари, ўйлари, изтиробларини манзараларидир. Бу манзаралар эса ёлғизлик, мувозанат, исён ва итоат аталмиш руҳият манзилларида ёрқинроқ намоён бўлади.

Ёлғизлик истаги

Биз одамнинг асл қиёфаси унинг хатти-ҳаракатларида яққол кўринади деган тўхтамни ҳақиқат деб ҳисоблашга ўрганганмиз. Аслида, одамнинг асл қиёфаси ҳаракат қилаётган, фаолият кўрсатаётганда эмас, балки ўзи, кўнгли, хаёллари билан ёлғиз қолганда ёрқинроқ кўринади. Лекин бу қиёфа сиртни ифода этмаганидек, сиртда намоён бўлмайди ҳам. Уни билмоқ учун одамнинг ботинини туймоқ лозим бўлади. ҳар бир одамда ботинга етиб бормоқ, уни туймоқнинг биргина йўли бор: ўз-ўзини аёвсиз тафтиш этиш. Улуғбек Ҳамдамнинг деярли барча шеърлари ўз-ўзини текшириш маҳсулидир. Унинг битганларида ўзи ва ўзлиги бўлишини астойдил истайдиган ҳамда шунга чин дилдан интилаётган киши сийрати ёрқин акс этади.

Шоир дунёни билишдан кўра ўзини билиш оғирроқ эканлигини туяди. Шунинг учун ҳам ўзи бўлгиси, ўзини билгиси келаётгани шеърларида кўзга ташланиб туради. Улуғбекнинг аксар шеърларида фарзанд, ота, эр сингари "ёрлиқ"ларсиз, қандайдир бурч орқали боғланмаган, шунчаки кўнглини тушунадиган яқин одамга муштоқ, унга интилган киши руҳияти акс этади:

бахтли бўлгим келар менинг ҳам гоҳо
барча ёрлиқларни ечиб итқитиб
қафасдан қутилган озод қуш мисол.
Тушунмайсан фақат кўнглимни...

Ўзига қондошлик бурчи ёки "ижтимоий шартнома" билан эмас, фақат тоза кўнгил билан боғланган инсонни қўмсаб, уни тополмаган шоир одам ва оламдан норозиланади. Унинг ёлғизлиги яққол билиниб, оламга сиғмай қолгани ҳолати шундай тасвирланади:

Шунда ичдан фарёдлар ўсар,
Ўсиб мени оламдан тўсар.

Ўзгаларнинг англамаслиги сабаб шоир оламдан тўсилгани каби олам ҳам шоирдан тўсиб қўйилади. Негаки, англамаганларни англаб бўлмайди. Дунёда англашдан улкан саодат бўлмаганидай, англамаслик ва англанмасликдан катта бахтсизлик ҳам

йўқ. Англамаганликлари учун ёлғизланган руҳ кишисининг мубҳам ҳолати шоирнинг "Кайфият" шеърида шундай ифодаланади:

Шу пайт ёлғизлик – эски юпанчим
Миямга игнадек санчилди.
Мудом ҳимоясиз қувончим
Яна ва яна янчилди...

Чиндан-да, ёлғизлик кишининг энг эски ва доимий шериги, юпанчи. Ўй кишиси ҳамиша ёлғиз. Унинг учун ёлғизлик бир вақтнинг ўзида ҳам саодат, ҳам фожиадир. Шу боис уни: "Миямга игнадек санчилди",- дейди шоир.

Кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, руҳиятнинг симобдай беқарорлиги, кўпинча, сабабсиздай туюладиган сезимлар манзарасини юзага келтиради. Бундай ҳолат "Танҳолик" шеърида тубандагича ифода этилади:

Севинчим ичимга сиғмайди,
Ташқарини эса хуш кўрмас.
Ноилож қамайман мен уни
Нақ бўғзимда ясаб бир қафас.

Шеърда инсон руҳий ҳолатининг чигаллиги ғоят ичкин ва сиртдан кўзга ташланмайдиган маҳорат билан акс эттирилган. Севинчнинг ичга сиғмаслиги одатдаги ҳолат. Лекин шоир бу ҳолат тадрижини ўзгача йўсинда беради. Одамнинг ичига сиғмаган севинч ташқарига чиқиши керак. Лекин у ташқарини ёқтирмайди, чиққиси келмайди. Бинобарин, севинч нақ бўғизда ясалган қафасга қамалишга маҳкум. Бу шеърда шоир сўз қўллаш маҳоратини намойиш этмаган, балки руҳий ҳолатнинг беадад чексиз ва мураккаб манзарасини чизган.

Улуғбекнинг шеърларида шоир қўлига қалам тутқазган куч ҳақида кўп тўхталинади. Шоир учун шеър ёзилишининг сабабини билмоқ ўзининг мавжудлиги моҳиятини англамоқ демакдир. Шу боис ҳам қуйидаги сатрларни ўзини излаётган ва ўзини англамоқ истаётган ёлғиз одамнинг таваллоси деб қабул этиш жоиздир:

- У нимадир — ич-ичимни ер?
Қулатармн дарахтдай бир кун?
- У минг йилдир ёзилмаган шеър,
Руҳим ичра топгандир сукун!

Шоирлик одамнинг ихтиёридаги ҳолат эмас. Ижод неча вақтдан буён (балки кунлар, балки йиллардир) борлиғини тўлдириб юрган дарддан ўзини халос этиш, бўшалиш эҳтиёжидир. Руҳига туғилмасидан олдин уруғи ташланган илоҳий туйғуни сўзга кўчириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзилар умрининг охиригача буни эплай олмай ўтиб кетади. Айримлари эса туйғунинг залворини кўтаролмай, азобларда қолади. Истеъдод эгаларидаги ўзидан қониқмаслик ҳиссининг илдизи ана шу ерда. Асл ижодкорга ҳамиша ёзилганидан мукаммалроқ, гўзалроқ ва нозикроқ битиши мумкиндай, қўллаган сўзлари туйган туйғусига қараганда рангсиздай кўринаверади. Шунинг учун шеър ва шоир ўртасида муросасиз кураш абадий давом этади. Буни Улуғбек ғоят таъсирли ифода этади:

Ёзарманми — қутуларми жон?
Ёки мен ҳам галдаги қурбон!..

Шоир ё кўнглидагисини кўнгилдагидай ёзиб жонини туганмас азобдан қутқаради, ёки юрак қонларидан иборат бадиият денгизига чўкиб кетади. Шоир зафарни ёлғиз қозонгани каби ҳалокат сари ҳам бир ўзи кетишга маҳкум. Бизнинг шоир шундай қисматни ихтиёрсиз ихтиёр этган.

Улуғбек – дунёни ташқарида эмас, балки юрагида деб биладиган шоир. Шунинг учун ҳам унинг олам ҳақидаги аламлари чин кўнгилдан чиққан. Шоир "Яна акам хотирасига..." отли шеърида бутун бир оламда ёлғиз эканлигини шундай акс эттиради:

Сиздан кейин бу кабир олам
Майдалашиб кетди наздимда.
Сирлашгани қолмади одам
На бегона ва на наслимда...

Яқинлардан узоқ бегоналар ва бегоналардан-да йироқ яқинлар даврасида кечирилиши лозим ҳаётга қарши шоир исён қил-

гандай бўлади. Чунки бундай муҳитда яшаб бўлмайди, бундай ҳавосиз иқлимда бўғилмасдан тирик юриш мушкул. Бундай руҳият эгаси нажотни ҳеч кутилмаган жойдан излайди:

Қор ёгади. Гуллайди бодом...
Йиллар ўтар – ўлим силтайди.
Фақат ўша беради ором,
Чунки ўша... сизга элтади!..

Ўлимга маҳлиёлик, унга интилиш тирикликка ва Яратганга исён эмас, балки ўйчил кишини, чин туйғулар, безовта руҳ эгасини ёлғизлатиб қўйган нокомил дунёдан ёзғириш ифодасидир. Чунки атрофинг лоқайд томошачиларга тўлган, миллионлаган одамлар орасида кўнглингга йўлдош бўлгулик бирор инсонни топмаганинг ҳолда яшаш азоб ва гуноҳдир. Улуғбекнинг битганларида ана шу азобга қаршилик ва ўша гуноҳлардан қўрқиш туфайли келиб чиқадиган дард силқиб туради:

сенсизликка кўникдим
бироқ
ҳар бахтли кунимда сенинг ёдинг бор...

Суйган ва куйган одам учун айрилиқда ҳам висол имкони бўлаверади. Кўнглидан жой олган одамнинг йўқлигига кўникқан, лекин ҳар бир яхши онида уни эслайдиган мураккаб туйғули кишининг юқоридагидай дил изҳори самимий ва таъсирли.

Кўнгил киши бир умр ёлғизлик истаб, унга интилиб, уни қўмсаб ва ундан қўрқиб яшайди. Туйғу кишисининг дилини англаш ва овлаш ўта қийин юмуш. Бинобарин, бундай кишида атрофдагилардан ёзғириш имкони ҳамиша бўлаверади. Лекин Улуғбекнинг шеърларида туйғулари эзгу ва теран кишининг ёниқ руҳий ҳолати ифода этилади:

Уйғонгандек оғир уйқудан
Уйғонмоқда дунёдан дилим...

Уйқудан уйғонган одамни бедор, уйғоқ, уйқусиз дейиш мумкин. Дунёдан уйғонган, ундан этак силкиб турган кишини-чи? Унда дунёсиз қолиб кетиш хавфи йўқми? Эҳтимол, шоирнинг

хавотири ҳам шундандир: «*Энди ёлғиз қолмасманми мен?!..*» Бу биргина мисрада ҳадик ҳам, қувонч ҳам, ишонч ва ишончсизлик ҳам ажиб бир тарзда уйғунлашган. Бу хил руҳий ҳолат кишини беихтиёр мувозанат сари йўллайди.

Мувозанат соғинчи

Одам ҳам, олам ҳам мувозанатсиз яшай олмайди. Мувозанатнинг бузилиши таназзулга қараб қўйилган биринчи қадамдир. Шунинг учун ҳам асл матлаби кишини руҳий ва фикрий мувозанатдан чиқариш бўлган шеъриятда ҳам маънавий қадриятлар мувозанати сақланишига жиддий эътибор берилади. Лекин эстетик мувозанат миқдорий кўрсаткичлар билан ўрнатилмайди. Унда руҳий қувватларнинг энергияси муҳим ҳисобланади. Улуғбек Ҳамдамнинг шеърлари орасида инсон сезимларидаги эзгу ва ёқимсиз сифатларга бардошлироқ қараш, ёқмаган маънавий хусусиятларни инкор этибгина қолмай, уларни тадқиқ қилиш ва тушунишга уриниш акс этганлари ҳам анчагина.

У. Ҳамдам: "***Чинакам шоир шеър ёзайин деб эмас, балки багридаги олов шаштини пасайтирайин деб, чорасизликдан қўл уради бу ишга. Қувончнинг йўриги бошқа. Киши ҳар қандай қувончни кўтара олиши мумкин, лекин гамни ким биландир бўлашгиси келади. Шеър – қисиб-бостириб келаётган дард зарбаларидан қочишнинг энг шахсий йўли***",- деганида сокинлигини йўқотган руҳият эгаси кўнглидаги мувозанат соғинчини кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Унинг қатор шеърларида ана шу ҳолат кўзга ташланиб тургандай бўлади:

олиб кетолмадим сени осмонга
шеърлар битдим фақат титроқ ва юксак.

Осмон – юксаклик, улуғлик маскани. Шоир ҳар бир одамни тушунгиси келади, барчани аяйди, яқинларини юксалтирмоқ ва юксак кўрмоқ истайди. Лекин ҳаммани баландроқ қилишнинг уддасидан чиқолмайди. Бу ҳол "титроқ ва юксак" шеърлар битилишига сабаб бўлади.

Бошқа бир шеърида ўзгани тушунишга ҳаётини бағишлаган ижод кишиси руҳияти бутун мураккаблиги ва ўзига хослиги би-

лан намоён бўлади. Унда олам, одам ва ижод ҳақида тинимсиз ўйлайдиган шахснинг сезимлари акс эттирилган:

санъат ўйин дединг
фақат ўйинмас
кулаётган кишининг аччиқ кўз ёши-ю
ўлаётган кишининг табассумидай
сирлидир санъатнинг юраги билсанг.

Жўнгина туюладиган бу мисраларда ҳаётнинг аёвсизлиги, фалакнинг ғаддорлиги, тирикликнинг мураккаблиги, унинг кулгисида йиғи, йиғисида табассум кўриниши табиийлиги ва буларнинг бари санъатда намоён этилиши кераклигини англаб етган киши кечинмалари теран ифода этилган.

Эътибор қилинса, Улуғбекнинг бу китобига кирган аксар шеърларда мусиқийлик қулоққа унчалик ҳам равшан эшитилавермайди. Негаки, бу шеърлар қулоқ билан эшитиладиган эмас, балки кўнгил билан симирилиб, руҳ орқали идрок этиладиган битиклардир. Бу шеърлардаги оҳанг синиқлиги, шеърий мусиқанинг равон, қофияларнинг тўқ эмаслиги, вазн талабларига ҳам риоя этилавермаганлиги тасвир маҳорати етишмаслиги ёки бепарволикдан эмас, балки шоирнинг сўздан кўра туйғунинг оҳангини беришга кўпроқ эътибор қилиши оқибатидир. Шоир дардчил оламни бор мураккаблиги ва қарама-қаршилиги билан қабул этишга маҳкум:

Ширин-ширин тушлар кўриб, орзу қилсам,
Ҳасратларга айланмоқда, ҳасратларга...

Орзулари қуёш кўрмай армонга, ширин-ширин тушлари ҳасратларга дўнган бўлса-да, шоир ғавғо кўтармайди, жунунга тушмайди. У янада теранроқ ўйга чўмади, ўйлатадиган туйғуларни сувратлайди:

Таслим бўлиш билан бўлмаслик аро
Елкаларим оғ(р)ир ўтмиш юкидан.

Ҳаётнинг мураккаблиги, инсон қисматининг чигаллиги бутун салмоғи билан акс этган бундай шеърлар киши туйғуларини но-

зиклаштиради, одамни мушоҳадага чорлайди. Қавсга олинган биргина товуш шеърни ўзгача жилолантириб, нурсизликнинг ифодасини нурлантириб юборган. Мажҳул кайфият, беқарор қарор одамни шундай ҳолатга солиши мумкин. Бундай ҳолатни туймоқ учун ўзни текширмоқ ва англамоқ керакдир. Шоирнинг "Тонг" шеърида юқоридаги мажҳулликнинг сабаби ҳам кўрсатилгандай бўлади:

атроф ёришиб бораркан
кўзинг ҳисобсиз қўшин тортиб
турган улкан Ахриманга тушади
гўё бошингнинг косаси очилиб
юрагинг капалак янглиг
учиб кетгандек сезасан ўзни

Астойдил ўйлайдиган ва ўзгаларни туймоққа интилган одамнинг қандай кашфиётларга қодирлиги шу мисраларда яққол намоён бўлган. Бизнинг шеъриятимизда тонг, ёруғлик ҳамиша ва деярли ҳамма ижодкорда умид, нажот рамзи бўлиб келган. "Ёруғлик" деган сўзнинг ўзидаёқ қандайдир эзгулик борлигига кўникканмиз. Лекин Улуғбек тонгнинг ҳеч ким кутмаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, лекин чин белгисини кўрсата билган. Чиндан-да, барча разолат тонгда уйғонади ва ишга киришади. Тонг отиши билан ёмонликнинг ҳисобсиз қўшини жангга киради ва одам беихтиёр эзгулик манбаи юракни бир четга қўйиб, Ахриман чериклaридан бирига айлангандай бўлади. Шунинг учун ҳам ҳолатни мувозанатга туширишни истаган шоирнинг кейинги туйғулари ифодаси кишига тушунарли ва татимли туюлади:

мана шу тариқа
дунёнинг асл ҳолини
асл рангини
қора рўмоли билан тўсиб турғувчи
тунни соғина бошлайсан.

Исён иштиёқи

Инсон туғилишдан олдин илоҳий висолга ноил эди, у бир томчидан яралган, жинси ва тақдири белгиланган эди. Бу фоний дунёга келмасдан аввал бегуноҳ, беғубор эди. Фоний дунё висолига эришиш билан ҳижрон бошланди. Шу боис эндигина дунёга келган чақалоқ чинқириб йиғлайди, то тана тирик экан давом этадиган бу узоқ айрилиқни истамай, исён қилади. Шунинг учун ҳам кўнгил одами бетартиб тартибларни бузароқ, Аллоҳга етказгувчи йўлни излайди. Излагани сайин фақат Угина чин эканлигини англаб боради:

Ҳижрон туни чўкиб бораётган пайт
руҳ кўзини тўсди икки қорачуғ
мени алдов билан юпатдилар сўнг
билдимки
барча нарса Ёлғон
сенинг мавжудлигинг Рост эрур фақат.

Дунё — Яратганнинг жилвасигина, холос. Ундаги ҳеч нарса ҳақиқий эмас, ойнадаги аксни ушлаб бўлмаганидек, бу дунёда ҳам аслга етиб бўлмайди. Инсон туғилиш билан фанога тегишли бўлди, унинг жисми кўра, эшита, нафас ола бошлади. Ойнада акс этган жисмсиз борлиқ рўё эканига руҳ кўзларини жисм қорачиқлари беркитгани сабабдир. Кўринадики, кўриши керак бўлган нарса кўрмасликка сабаб бўлади. Шоирни Яратгандан бошқаси ёлғон экани жунбушга келтиради, унинг руҳи тийиқсиз бир иштиёқ билан исён кўтарадики, бу уни Тангри сарига элтиши мумкин бўлади.

Руҳ ва жисм, нафс ва кўнгил ҳар қандай фикр кишиси сингари Улуғбекни ҳам ўйлатади. Уларнинг муносабати унида ҳайратларга солади:

Руҳим денгиз янглиг мавжланур,
мавжланур,
Жисмим соҳил каби йўл тўсур,
йўл тўсур...

Руҳнинг эзгуликка интилишлари чегара билмайди, лекин жисм қирғоғи унинг мавжларини тўсади, ҳаракатларини чеклайди.

Шунинг учун шоир ҳамиша жисмнинг зуғумидан халос бўлиш учун чирпиниб исён қилади.

Болалик билан катталикнинг чегараси эзгулик билан ёмонлик ўртасидан ўтганидек, жисм билан руҳнинг чегараси ҳам шу ердан ўтади. Шоир қалтис чегарадан нари ўтиб кетишни истамайди. Шу боис юракнинг ҳамиша огоҳ бўлишини хоҳлайди:

Эсингдами,
Йўқ, тўхта юрак!
Чегарага етиб келдик, жим!
У томони: болалик – эртак,
Бу томони: согинч ва ўлим...

Улуғбекнинг шеърлари одам бўлиш мушкул ва адоқсиз синовлар силсиласидан иборат эканлигини эслатиб туради. Одамни ўша синовларга тайёрлайди, улардан огоҳлантиради.

Чинакам одам дунёга келибоқ, дунёга масъул бўлади. Ўзини барча нарса учун жавобгар, бурчли сезади. Ҳаммадан қарздорлик туйғуси комил одамнинг илк белгиларидандир. Улуғбекнинг шеърларида ҳам шундай ҳолатга тушган одам туйғулари ифода этилган сатрлар бот-бот учраб туради:

Ичим куйиб кетди, Парвардигоро,
Нечун тўрт томоннинг ичинда манман.

Шуниси диққатга лойиқки, Улуғбек Ҳамдамнинг кўпчилик шеърларининг ёлқинланган ўт эмас, яллиғланган чўғ борлигини туйиш мумкин. Шунинг учун ҳам улар оловланмай куйдиради. Чунки шоир чақириқлар, ҳайқириғу даъватларнинг очиқ йўлидан бормайди. Жони бўғзига келиб титраб турган одамнинг чигал руҳий ҳолати ҳам ортиқча оҳ-воҳларсиз тасвир этилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърларининг тафтига исинмоқ учун сўз куллари тагидаги чўғланган туйғуларни топиш лозим бўлади. Шоирнинг бир шеърида ўта нозик кайфият манзаралаштирилган:

лабларидан симираркан жим
бахтсизлигим ёдимга тушди
чақмоқ урган дарахтдек ёндим

Висол ҳам бахт бермай қўйган одам ҳолатини бундан-да аниқроқ тасвирлаб бўлмас. Шеърнинг оҳанги ғоятда сокин. Лекин бу сокинликда зилзилалар қилиши мумкин бўлган магманинг муваққат хотиржамлиги яширингандай... Фақат кичик ҳарфларда битилган уч қатор шеърнинг айнан шу тарзда бир мисра ташлаб ёзилишида ҳам маъни бор. Негаки, ўрни ташлаб кетилган сатр кишига нафас ростлаш, ўйлаб кўриш, кейинги мисрадаги кутилмаган руҳий портлашга тайёрланиш имконини беради. У ўқувчини сўнгги – учинчи мисрада акс этган фавқуллодда руҳий ҳолатни тиниқ ҳис этишга ҳозирлайди. Шу ҳолат ҳис этилгандагина одамнинг нақадар тушунуксиз, унинг сезимлари қанчалар мураккаб ва чигал, руҳий тўлғанишлари нечоғлик чексиз эканлиги англаб етилади.

Киши туйғулари қолипга тушмайди, чегара билмайди. Шу боис инсоннинг орзуларида ҳад йўқ. Инсон камолоти қирғоқсизлиги ҳам шундан:

Дунё гўзал бўлгани сайин
изтиробим шиддат-ла ўсар...

Одамга хос қаноатсизлик ҳисси юқоридаги икки мисрада гўзал ифодасини топган. Одамзодни юксалтирган, уни илоҳий марҳаматга сазовор этган жиҳат ҳам оламни янада гўзал кўришга бўлган чегарасиз иштиёқдир, камолотнинг чексизлигидир. Банданинг моҳиятини ташкил этувчи жисмоний, ижтимоий жиҳатлардан кўра руҳий белгилар ҳамиша устундир. Руҳнинг юксалиш ё тубанлашуви жисмнинг ўсишига терс келиши ҳам мумкин. Олмон файласуфи И. Кант: "Гўзаллик — барчага бирдек ёқувчи ҳолат",- деган экан. Демак, гўзаллик ҳамманинг кўнглига қувонч бағишлаши лозим, аммо нега шоирни изтиробга солмоқда? Ҳатто, изтиробининг шиддат-ла ўсишига сабаб бўлмоқда? Бу саволга жавоб шеърнинг давомидан топилгандай бўлади:

... Ахир менда нима айб, дўстим,
агар гўзалликнинг томири
мусибатнинг сувини ичса?!

Дунёдаги барча нарса нисбий, ундаги ҳеч нарса мутлақ ва ҳал қилувчи эмас. Фақат талқинларгина уларга маъно бағиш-

лайди. Аммо талқиннинг ўзи ҳам неча хил. Кимгадир гўзал туюлган ҳолат бошқанинг ғашини келтириши, бир киши кўнглини вайрон қилган ҳодиса иккинчи одамнинг самимий қувончига сабаб бўлиши, ҳатто бир бандanинг ўлими кимларгадир нажот бўлиши мумкин. Шу каби шоир ҳам бошқалар завқланган гўзалликдан баҳра ололмаслиги, аксинча, маъюсланиши мумкин. Чунки унинг тийрак нигоҳи дарднинг гўзаллигини илғайди, мусибат эзгулигини кўради. Шулар кўнгилни тоблаши мумкинлигини билади, дард чекаётганидан инжимайди, дардкашлик ҳаёт моҳиятини англатишини тушунади. Шу боис: "Билганим — сим-сим азобман...",- дейди. Тушунган одамга қийин, чунки дард чекиш учун, аввало, унинг дардлигини англаб етиш лозим. Шу боис ҳар бир маърифатли одам қийноқлар ичида яшашга, азобдан ҳузурланишга маҳкум. Бусиз руҳ ҳалок бўлиши мумкин:

Кўнгил кирланмоқда орқага йўл йўқ!
Битмоқда руҳимнинг нафас йўллари.
Сени кўргим келди дафъатан
Борлигимни нимталаб, тилиб...
Сени кўргим келару аммо
Ўтолмайман — қаршимда дунё...

Бу каби шеърларда Яратганнинг висолига эришмоқ бўлаётган, аммо кирли дунё ва унинг ташвишлари сабаб унга етолмаётган соликнинг адоқсиз дардлари самимий акс этган.

Шоир ўзга дунёни, ўзга ҳаётни, ўзгача одамларни орзулаган эди. Орзулар сароб бўлиб чиқди. Аммо эзгуликка интиқ шоирона кўнгил ҳамон ўша-ўша. Бу кўнгил мутлақ эзгуликни, мутлақ Ҳақни севишга куч топа олади. Шунинг учун кирлаган нафс дунёсига исён қилади, ундан кечмоқ истайди:

дунё бошқа дунёдир ахир
лекин кўнгил... кўнгил ўшадир
севмоқ истар дунёдан кечиб.

Итоат манзили

Улуғбек шеърларида ориф инсоннинг исёни ҳамиша итоатга олиб келиши ўзининг гўзал ифодасини топган. "***Атиргул – кўкрак қафасимда кишанланган гул***",- дейди шоир. Кўнгилдан жой олган гул, гарчи кишанланган бўлса-да, банди эмас. Чунки бу кишанлар меҳрдан, муҳаббатдан ясалган. Улуғбек Ҳамдамнинг шеърлари ҳаёт мазмуни ҳақида астойдил ўй сурган кўнгил кишисининг кечинмаларидир. Дунёни гўзал кўрмоқ, уни янада эзгуроқ қилмоқ истагида бўлган, лекин тилагига етолмаган йўлчининг армонлари дейиш ҳам мумкин уларни:

Ўтиб бормоқдаман узун йўллардан,
қалбларга ҳасратнинг расмини солиб.
Дарёлардан кечдим, ўтдим чўллардан,
Барибир мен маглуб, қисматдир голиб.
Исён кўтармоққа йўқ
энди тоқат,
Борига шукр айтиб бош эгдим майли.
Фақат бир ниятим бўлса ижобат –
Босган изларимдан гуллар унсайди.

Ўз имкониятини англаган, ўзини қисматга қарши қўймаган банда енгилган бўлса-да, музаффардир. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони айни шундай одам. Исёндан итоат босқичига кела олган ва мағлублиги билан зафар қучган руҳ эгасигина: "***Босган изларимдан гуллар унсайди***",- дея орзуланади.

Мўминнинг итоати қуллик эмас. Қуллик бўлса-да, Яратганнинг ўзига. Бу ҳолни шоир "***Бу дунёда шоирнинг энг тургун кайфияти***" тарзида беш сўз билан номланган ва тўрт сўздангина иборат шеърида шундай ифода этади:

титрак
юрагимда
хавотир
малол...

Безовта руҳ, жўшқин туйғулар эгаси шоир оламни эзгуликка, гўзалликка буркамоқчи бўлди. Бунга эришолмади, лекин қис-

матнинг қудратини туйиши, ўз истакларининг чексизлиги билан имкониятларининг чекланганлигини англаши уни яна кучлантирди, янги қувват берди. Шу боис "титрак юрак" ҳолати ҳам умидсизлик нишони эмас. Агар умидсизлик бўлганда, бу кайфият "энг турғун" бўлмас эди.

Шоирни ишонч туйғуси ҳеч қачон тарк этмайди. Чунки мўмин учун ҳамиша олдинда умид бор. Ҳаётнинг кир манзаралари, дунёнинг чиркинлиги уни қанчалар изтиробга солмасин, шоир умидсизликка тушмайди. Чунки ҳамиша у билан бўладиган кўнгил ҳурлиги шоирни асл мабдага элтади. Бу ҳол Улуғбекнинг "Дилимга..." шеърида яққол кўринади:

Яна зўр қафасга айланди умрим,
Яна мўлтирайман таниш туйнукдан.
Минг лаънат!!!
Фақат сен тинма, эй Қумрим,
Фақат сен воз кечма буюк Ҳурликдан!

Юрак уриб турар экан, у Яратганнинг қуллигига интилишдай ҳурликдан воз кечмас экан, шоирнинг: "***Яна узоқ йиллар йиғламоқ керак Сўнгида шарақлаб кулмоқлик учун...***" тарзидаги қаноати қатъий иноч бўлиб қолаверади. Демакки, яшамоқдан маъни бўлаверади.

Ҳар бир сатридан нозик сезимлар, безовта ҳислар, эзгу туйғулар эгасининг озод руҳи уфуриб турган "Атиргул" ўқувчининг яқин суҳбатдошига айланади ва унида эзгулик манзиллари сари чорлайди.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Атиргул" тўпламига сўзбоши. Тошкент. "Янги аср авлоди", 2005 йил

ИСЁНКОР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

(«Эй Назар, яшаб қол, ўлиш қочмайди!» Ёки Сўзи ўлимга бўй бермаган шоир)

Ўзбек шеърияти кенгликлари шундай ҳудудсизки, ҳушёр бўлмаган одам унинг пучмоқларида содир бўлаётган айрим ҳодисалардан хабарсиз қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Қанчалар аччиқ ва ёқимсиз бўлмасин чин гап шуки, ўзини миллий шеъриятдаги катта-кичик ҳодисаларни мунтазам кузатиб юради деб ҳисоблайдиган одам, Назар Шукур деган шоирнинг шеъриятимизга кириб келганини ҳам, энг ачинарлиси, унинг ҳаётдан кетиб қолганини ҳам билмай қолибман. Водариғ!

Назарнинг миллий шеъриятда ўз ўрнига эга шоир эканини илк бор ёзувчи Абдурашид Нурмурод қаламига мансуб "Қон ҳиди" романининг иккинчи китоби қўлёзмасини ўқиганда билдим. Романда Назар тимсоли шундай тасвирланганки, киши беихтиёр шоир шахсини ёқтириб, унинг шеъриятига қизиқиб қолади. Маълумки, одатда, ижодкорга муҳаббат ва қизиқиш, унинг ижодига муҳаббат ва қизиқишни пайдо қилади. Роман қўлёзмаси билан танишгач, онда-сонда марҳум шоир меросидан матбуотда берилган намуналарни қидириб ўқийдиган бўлдим. Лекин ҳануз унинг бирор шеърий китобини кўрмаган ва унинг ижодини яхлит кузатмаган эдим. Назарнинг оқибатли жўраси бўлган Абдурашид бир кўришиб қолганимизда марҳум шоир ҳақида телефилм қилмоқчи эканини айтиб, унинг шеърлари тўғрисида фикр билдиришимни сўради. Табиийки, ҳаёти ва шахсиятини мутлақо, асарларини етарлича яхши билмайдиган ижодкор ҳақида фикр айтолмасдим. Абдурашид шоирнинг иниси Ўроз Ҳайдар томонидан тайёрлаб чоп этилган "Мени кечир, муҳаббат" ва "Видо" китобларини топиб берди. Кейинчалик таниқли шоир Баҳром Рўзимуҳаммад Назар Шукур шеърларидан тайёрланган йириккина тўплам қўлёзмасини жўнатди. Хуллас, мен ўзим учун ўзбекнинг ўттиз бир ёшида тирикликни тарк этган Назар Шукур деган битганлари чин ва ёлқинли саҳройи шоирини кашф қилдим. Бу кашфиётимнинг севинчу изтиробларини сизларгада илиндим, шеърсуяр жигарларим...

Ёзувчи, шоир ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам: "...шоирлик – тинимсиз равишда табиатга қайтишлик",- дейди. Чунки

табиат қаршисида одамнинг кўнгли борича намоён бўлади. Табиатнинг олдида одам турланиш, аслидагидан яхшироқ кўринишга уриниш заруриятини сезмайди. Аслнинг олдида аслидагидай бўлгиси келади. Назар Шукурнинг шеърий меросида табиатнинг турфа ҳолатларини кўрсатиш асносида инсон кўнгли жилваларини моддийлаштириш, унинг энг қоронғу пучмоқларини ҳам муҳаббат ёғдуси билан нурлантириш устувор туради. Шоир "Кенгликлар қўшиғи" шеърида туғилиб ўсган отамаконнинг манзарасини чизиш орқали унга бўлган чексиз муҳаббатини изҳор этади. Назар манзарани нафақат жонлантира билгани, балки унга руҳ ҳам бера олгани учун шеърнинг ҳар бир сатридан улкан севги ва соғинч балқиб туради:

Қуёш ўпар - бола тани кийимсиз,
Дарахтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,
Деҳқонининг кетмонидан кун анқир,
Жўякларда шилдираган ун анқир.

Шоир болалиги ўтган маконга муҳаббат ва уни қўмсаш туйғусини чучмал оҳ-воҳларсиз, у ерлар учун табиий бўлган ҳолатни манзаралаштириш орқали таъсирли акс эттиради. Шоир қуёшнинг бола танини куйдирувчи иссиғида ўпични, доимо эсгувчи шиддатли қуюнларда дарахтлар овунчоғини, чўл қушлари ўйинида эркинликни, деҳқоннинг залворли кетмонида қуёшни, жўякларда оқаётган сувда ўзбекнинг ризқи бўлмиш унни кўра олади. Қисм орқали бутунни ифодалашнинг яхши намунаси бўлган бу тасвирлар ҳам акс эттирилаётган ҳодисалар моҳиятига мос келади, ҳам муаллифнинг кайфиятини кўрсатади.

Асл шоир тилсиз нарсаларга забон бахш эта, кўз илғамайдиган нарсаларни кўрсата билади. Назар шундай шоир бўлгани учун ҳам унинг шеъридаги кенглик образи инсонга хос белгилар билан зийнатланади ва бу ҳол кишига нотабиий туюлмайди:

Кўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар,
Қучоғида қават-қават жимликлар...

Жимликнинг кўпликда ишлатилиши ва унинг кенгликлар қучоғига сингиб кетган қават-қават ҳолатда тасаввур қилинишини

таъминлаган бу иккигина қаторда шоирнинг катта истеъдоди намоён бўлган. Бу мисралар ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган реаллик экани ва шоирнинг кўтаринки кайфиятини энг муносиб йўсинда акс эттира олиши билан диққатга моликдир. Назарнинг шеърияти учун табиатни тасвирлаш пировард мақсад эмас. Гарчи у деярли ҳар бир шеърида табиатнинг бирор бир ҳолатини "теша тегмаган" йўсинда ифода этган бўлса-да, у битганларида кўпроқ инсоннинг кўнгил ҳолатларини муҳрлашга интилади. Фақат бунга бевосита тасвирдан кўра, табиатни кўрсатиш йўли билан бориш кўпроқ самара беради, деб ҳисоблайди. Шоир "Хонсулув холанинг қўшиғи" шеърида бефарзанд аёлнинг чексиз фожиаси, ададсиз изтиробларини кўрсатишда одамлар ўртасидаги муносабатларни тасвирлашдан табиат манзарасини кўрсатиш сари боради ва аёлнинг дардларини бутун кўлами билан ифодалашга эришади:

Бахт сўрар аёл жим ўтган боладан,
Серямоқ устига солмасдан назар.
Не қилсин, безурёд ўша холадан
Бўй етган қизлар ҳам қилади ҳазар.

Маълумки, бахтсиз одамдан ҳамма четланади. Ғайрати ичига сиғмагани ва юпунлигидан "серямоқ" уст-бош кийган боланинг ҳам Хонсулув хола олдидан жим ўтиши, аёлнинг шу болакайданда бахт тиланиши тасвири ғоят таъсирли. Ўзбекнинг бўй қизлари бефарзанд аёлга яқинлашмайди, бундай аёлларнинг тўйларига аралашуви хосиятсиз ҳисобланади. Одамларнинг ундан ўзларини тортиб юришлари Хонсулувни қандай руҳий ҳолатга солгани юқоридаги мисралардан аён бўлади. Шеърнинг кейинги бандида шоир тасвирни одамлардан табиатга кўчиради. Бутун оламга шодлик олиб келган кўклам, унинг илк элчилари турналар, ҳатто дуч келган ерга бош уриб юргувчи еллар ҳам Хонсулувдан ҳазар қилгандай унга яқинлашмаслиги шеърда ўта таъсирли акс эттирилган:

Турналар келади кўкламни куйлаб,
Осмонга бир маржон мисрани ёзар.
Холанинг деворин ўтару бўйлаб
Еллар ҳам киришдан қилади ҳазар.

Сиртдан қараганда, беозор, аммо моҳиятан аёвсиз бу мисраларда ўз бахтсизлиги билан ёлғиз қолган одамга олам қанчалар қоронғи ва файзсиз кўриниши ёдда қоладиган тарзда акс эттирилган.

"Шеърият бу... эътироф ё исён, ё тарсаки, ё ўпичдир",- дейди Расул Ҳамзатов. Шоирнинг туйғулари қандай руҳий ҳолатга дуч келишига қараб тинимсиз ўзгариб туради. Айни бир нарса-ҳодиса айни бир ижодкорга ҳаётининг турли дамларида тамомила турлича таъсир қилиши мумкин. Чунки ижодкор олам ва унинг ҳодисаларини, биринчи навбатда, сезимлари орқали идрок этади. Инсоннинг ҳиссиётига эса ўзгарувчанлик хосдир. Шунинг учун ҳам одамнинг бир замонлар жондан кечиб талпинган нарсасидан, кўп вақт ўтмай зада бўлиши мумкинлиги табиий ҳолдир. Шу маънода, Назар Шукурнинг "Кенглик" деб аталмиш шеъридаги:

Кенглик!
Багринг тўрт девордай тор,
Вужудимга боряпсан ботиб.
Сиғмаяпман мен сенга зинҳор
Тол тагида ёрни йўқотиб

мисраларини мантиқсизлик, ўзини инкор этиш деб эмас, балки "Тол тагида ёрни йўқот"гач, нафақат кенглик, балки бутун дунёга сиғмай кетаётган ошиқ йигит ҳолатининг теран ифодаси сифатида қабул қилиш тўғри бўлади.

"Кенгликлар қўшиғи"да "қават-қават жимликлар"дан завқланган шоир "Манзара" шеърида ҳаётсевар бир йигит сифатида сукунат ва унинг юракларни ёриб юборар даражадаги бир оҳанглилигини ёқтирмаслигини тасвирлайди. Ва, қизиғи шундаки, туйғуларининг чинлигига ўқувчини ишонтиради. Шундан бўлса керак, шеърдаги "***Ташланади менга ногаҳон Сукунатнинг ваҳший шарпаси***" мисраларини ўқиган шеърхон, ҳеч бир оғринмай, Назарга туйғудош бўлиб қолади.

Назар Шукурнинг қўлингиздаги битиклари унинг қолипга тушмайдиган, қирғоқларни ювиб кетишга қодир қудратли туйғулар эгаси бўлганлигини кўрсатади. Чинакам шеър ҳамиша кучли туйғулар пўртанаси, ёниқ ҳислар оловидан туғилади. Бу ҳақда: "...шеъриятнинг мағзи маъно эмас, фикр... эмас, балки

гўзалликка айлана билган туйғудир. Кўпинча, шеърнинг сўзларини ёқтириб ёдлашади. Аслида-чи? Аслида, шеърнинг ҳақиқий олови, кучу қудрати – унинг замиридаги туйғуда. Кечинма ва поэтик фикр эса мазкур туйғунинг кейинги умри. Назаримда, аввало, туйғуни ёдлаш керак. Чунки у шеърни тутиб турган тутқич асосу пойдевордир....ҳақиқий шеър – бу ўлмас туйғу",- дейди Улуғбек Ҳамдам. Туйғулари ўзига хос шоирнинг битганлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайди. Чунки асл сезимлар шахснинг зот сифатларини намоён этгани учун бетакрор бўлади. Назар Шукур шеърлари муаллифнинг туйғулари йирик, сезимлари баланд шахс эканлигини англатиб туради. Шунинг учун ҳам марҳум шоирнинг: "***Бўлдим пок, исёнкор ҳисларга асир, Қогозга бергайман багримнинг ўтин***" тарзидаги иқрори чинакам ижодий йўриқнинг ифодаси сифатида кишида ўчмас таассурот қолдиради. Унинг: "***Тилмоч тополмадим сизга, ҳисларим, Азиз туйғуларим бугун алвидо!***" йўсинидаги ўкинчида покиза туйғулар жилвасини илғаб олиш ва унга тилмочлик қилишни орзулаган шоирнинг андуҳли дил изҳори самимий ифода этилган.

Менимча, Назар Шукур ғоят қисқа умри давомида тўлиб яшаган. Бундай дейишга унинг ҳаёт ҳодисаларидан кучли таъсирланиш маҳсули экани кўриниб турган ва шоирона сезимлар ҳеч бир жиловланмай акс эттирилган шеърлари асос беради. Шоир умрнинг мазмуни бўлишга арзигулик ҳар бир ишга ўзини аямай бахшида этади. У борлиғини қамраган туйғулардан ташқарида бўлолмайди. Шоир юксак сезимларни куйлабгина қолмайди, балки ўзидан кечиб, уларга айланиблар кетади. Шунинг учун ҳам "***Ўтган завқ, висолдан омонсиз тониб, Ёт багир ҳидидан... маст***" тебранаётган ёрга қарата айтилган:

Кўксимда инграйди увол бўлган ишқ,
Мен ўзим эмасман. Мен – увол севги,-

сўзларида улкан ёниш, алангали андуҳ бор, лекин зўриқиш, сохталик йўқ. Чин туйғулар, оташин сезимлар орасида қалбакилик ва нотабиийликка ўрин бўлмайди.

Шоирнинг назари жуда ҳам ўткир. Шунинг учун у битганларида ҳамиша тасвир аниқлигига эришади. Назарнинг «Осмон ташбеҳлари" шеъри гўзал табиат қўйнида ўсган, унинг тозалигини бир он бўлсин унутмай, доим кўнглида сақлаган одам туйғу-

сининг туғёнлари ифода қилинган. Чегара билмас хаёлот, руҳиятни эзиб, кишини майда ҳислар комига отгувчи ташвишлардан йироқлик шоирга болаликда осмонни силкитиб, юлдузларни тўкадиган даражада қудрат бахш этади:

Қаттиқ силкитаман. Қўзғалар осмон,
Юлдузлар тўкилар, йўқ, чўғлар эмас.

Шоир осмонга доир ҳолатларни ўзгаларнинг хаёлига ҳам келмайдиган тарзда тасаввур этади. Бу ҳол Назарга чақмоқни жинлар томонидан оловдан ясалган илон тарзида тасвирлаш имконини беради:

Қоқ ёрай дерди-я момоқалдироқ,
Илонни оловдан ясарди жинлар.
Наъралар тортардинг. Ўша кун бироқ
Ерлардан унарди қўзиқоринлар!

Назар Шукур ҳолатлар мунтазамлиги ва кетма-кетлигини нозик ҳис қилади. Шу боис шеърда оқибат сабабдан кейин тасвирланади. Осмон ташбеҳлари беғубор ва беташвиш боланинг назаридан қилинаётгани учун ҳам унинг ҳар бир сатридан қувонч, шодумонлик барқ уриб туради. Шеърнинг оёғидан ўт чақнайдиган лирик қаҳрамони осмонни "ичади", "кечади", "топтайди". Бу ҳол у ва тенгдошларининг кўксини осмондай юксак ҳамда кенг қилади:

Дув-дув тўкилардинг. Ичардик сени,
Кечардик сачратиб. Топтардик осон.
Ҳовучлаб ичганда мовий меҳрингни
Кўксимиз кенг тортиб, бўларди осмон.

Шеърда осмоннинг сифатлари шу йўсин хотирга михланиб қоладиган тарзда ва қувноқ оҳангларда анча тасвир этилади. Ўқирманда бу шеър табиат манзарасини тасвирлашга бағишланган эканда деганга ўхшаш таассурот шаклланиб боради. Лекин у кутилмаганда бу шодон сатрлар бор-йўғи прелюда эканлигини, аслида у бой берилган севги, топталган юксак туйғулари сабаб кўнгил осмони вайрон бўлган ошиқ йигит туйғула-

ри ифодасилигини пайқаб қолади. Осмон гўзаллиги тасвиридан одам туйғулари осмонининг вайроналарига ҳеч бир тайёргарликсиз кўчиш шеърхонга лирик қаҳрамон руҳиятидаги фожиавий ҳолатни бутун кўлами билан туйиш имконини беради:

...Мамлакат, Рашиднинг осмонин қайтар!..
Муҳаббат унутган оқшомларини
Кўз ёши овозсиз қўшиқлар айтар.

Шеърнинг бошидаги бирор тасвир шунчаки келтирилмагани унинг охирроғига бориб маълум бўлади. Бир пайтлар осмонни силкитиб, унинг юлдузларини қоқиб олган йигит севги олдида ожиз. Осмондан ёмғир ёғиларди ва у майсаларни ўсдириб, қўзиқоринларни ундириб, шодлик келтирарди. Болаликда осмоннинг қаҳри бўлмиш қорни кураб ташлаш, ундан қорбобо ясаб, масхаралаш ҳам мумкин эди. Энди эса, муҳаббат кўнгил осмонини вайрон этди, кўзёш ёмғирларини ёғдирди. Бундан шодланиб бўлмайди, чунки бу ёмғир фақат ўкинч чечакларини ундиради. Болалигида осмонга ҳукмини ўтказолган йигит энди иложсизлик оташида жизғанак. Назар Шукур шеърида эзгин руҳий ҳолатни юксак самимият билан акс эттира олган.

Назарнинг лирик шеърларида ҳамиша қандайдир воқеа-ҳодисанинг излари, сюжетнинг кўз илғамас чизгилари борлиги кузатилади. Шунинг учун ҳам унинг қатор манзумаларида воқеабандликка ўхшаш ҳолат кўзга ташланади. Жумладан, шоирнинг "Хунук қиз тиловати" шеърида "ёниқ ҳисларга эга" бўлса-да, хунуклиги боис ёлғиз қолаётган қизнинг аламли туйғулари унинг назари орқали акс эттирилади. Сезимлар самимий ифодаланган сабаб қизнинг қуйидаги муножоти кишига унчалар ботиб кетмайди:

Мен ёмон кўраман гўзал қизларни,
Йиллар ҳам саргайтмас уларнинг тусин.
Камситма, мендаги ёниқ ҳисларни,
Эй тангрим, қизганма, қарзга бер ҳусн!

Шоир хунук қизни жуда олижаноб, юксак маънавият ва тенгсиз руҳият эгаси деб тасвирламайди. Унинг орзуси ҳам хаёлий шаҳзодани қўлга киритиш эмас, энг оддий бир аёлнинг жўнгина

тилаги холос – "керак битта эр!" Ана шу жўнгина орзуга ҳам етишолмаслик уни: "***Кўзимда қор каби қотади тонглар***",- дея нидо қилишга олиб келади. Шоир қаҳрамон сезимларини ўта нозик ва ичдан ҳис этади. Шунинг учун кўкда чопаётган тўлин ой ҳам, ёмғир келтиргувчи момиқ булутлар ҳам қизга хунук кўринишини ишонарли тасвирлайди:

Ялангоч қиз каби кўкда чопар ой,
Лозимсиз булутлар гоҳ шаррос қўяр.
Энг тўлин умримни беряпманку бой,
Қайноқ кўз ёшлардан юзларим куяр.

Маяковскийдан эътиборан шеъриятда булутни "чалвор"ли, "лозим"ли санаш ва тасвирлаш расм бўлганди. Назар бу поэтик анъанани бузиш орқали хунук қиз туйғуларининг энг яширин жиҳатларига қадар кўрсатиш имконига эга бўлди. Чиндан ҳам ўз хунуклигидан зада бўлган қиз учун осмондаги тўлин ойнинг ялангоч гўзалга, кўклам булутлари тўккан кўз ёшлар лозимсиз санамларнинг "шаррос қўйи"шига ўхшашида нотабиийлик йўқ. Кўз ёшларнинг юзни ювишига одатланган шеърхонни "Қайноқ кўз ёшлардан юзлари куя"ётган қиз ҳолати тўла ишонтиради ва у қаҳрамоннинг ҳамдардига айланиб қолади.

Назар Шукур оригинал поэтик назарга эга шоир эди. Шунинг учун ҳам у олам ҳодисаларини мутлақо бетакрор йўсинда идрок этади ва тасвирлай билади. Шоирнинг "Сенга..." шеъридаги поэтик тимсоллар этни жимирлатар даражада совуқ ва ёқимсиз. Лекин у айриликдан юраги ёнаётган ошиқнинг ҳолатини тўла ифодалаши жиҳатидан тенгсиздир:

Сенга очдим қалбимдан қабр,
Ичида йўқ аммо жасадинг.
...Вужуд деган тобутда энди
Армонларим ётибди жонсиз.

Шеърнинг турли бандларидан олинган юқоридаги парчада руҳий ҳолатнинг манзараси чизилибгина қолинмай, кечинмаларнинг тадрижий йўли ҳам намоён бўлади. Назар "Эшик очиқ турсин!.." шеърида ҳар биримиз ҳар куни неча марталаб дуч келадиган эшик тамсилини қўллаб таъсирли поэтик тимсол яратади:

Эшик очиқ турсин!..
Эшик – айрилиқ,
Қамалиб ётмасин уйда ичкари.
Ташқари қошида жилмайсин илиқ,
Ташқари қолмасин эшикдан нари.

Чинданда эшик ичкарини ташқаридан, ташқарини ичкаридан айиради. Жўнгина маиший ҳолат замирида шундай гўзал шеърий чўғ мавжудлигини туймоқ ва буни ўзгаларга-да эсда ҳоладиган йўсинда туйдирмоқ учун бетакрор шоирона нигоҳ лозим бўлади. Эътибор беринг: шоир мавжуд ҳолатни шунчаки қайд этаётгани йўқ, балки уни ҳаракатлантириб, ташқари билан ичкари ўртасида уйғунлик, ўзаро тушуниш бўлиши учун интилиш лозимлигини ҳам сатрларга жо қилган. Назарнинг: "***Бугдойзорлар – она тупроқ битган шеър...***" ташбеҳи ҳам топилма даражасидадир.

Чинакам истеъдод ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатидан гўзаллик топиши, турмушдаги ҳар қандай жўн нарса замирида ҳикматни кўриши мумкин. Назарнинг шеърларидаги адоқсиз бадиий топилмалар фикримизга исбот бўлади. Шоир «Кетаяпман...» шеърида бахтидан масрур йигит ҳолатини ифодалаб ёзади:

Шаҳар узра қўнолмай Кеча,
Учиб юрар осмонда қушдай.
Вужуди тош, қоп-қора кўча
Чўзилади энг узун тушдай.

Бахтли одам учун қоронғилик ҳам ёруғ кўринади. Шунинг учун ҳам шоирга кеча (тун) шаҳарга қўнолмаётгандай, унинг ёруғлигига дахл қилолмаётгандай туюлади. Тош йўлнинг вужуди тошлигини ҳаммамиз биламиз, лекин уни шу тарзда аташ билан поэтик образ яратиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Юрар йўли бор, бахтиёр одамга йўлнинг "энг узун тушдай» чўзилиши мутлақо табиийдирки, буларнинг бари Назарнинг ўткир нигоҳи ва тасвир маҳоратидан далолатдир. Шоир "Силкинади қирлар елкаси" шеърида: "***Йўртиб-йўртиб чопади йўлим, Йўртиб ўтар яшилсоч дала***" мисраларида ҳам аллитерация, ҳам жонлантиришни қўллаб эсда қоладиган тимсол яратишга эришган.

Назар Шукур достонларида ҳам тасвир воситаларини оригинал қўллаш орқали эпик кўламли туйғуларнинг ишонарли тасвирини беролган. У, жумладан, "Най" достонида шундай ёзади:

Най инграр. Солдатлар жўнайди жангга,
Қўзғалур най каби узун эшелон.

Чин истеъдод қисмга бутуннинг белгисини маҳорат билан жойлай олади. Бу ўринда ҳам шу ҳол намоён бўлган. Маълумки, най бир қадар узун соз. Лекин эшелоннинг узунлигига қиёслаш мумкин бўладиган даражада эмас. Сезгир ўқувчи шоир най орқали унинг ингроқ куйларини назарда тутганини пайқайди. Чиндан-да найнинг айрилиқни ифодаловчи куйлари узундан узун... Достондаги: "***Жангчилар – вагонлар кўзидаги ёш...***" тасвири замирига ҳам бир дунё ҳаётий ва бадиий маъно яширилган. Асардаги "***Чарчоқдан киртайган вагон кўзлари***" ифодаси ўша кунлар ҳақиқатини, ўша давр кишилари руҳиятини ифода этиши жиҳатидан тенгсиздир.

Назар Шукур шеърларида шоирнинг мавҳум ва мураккаб туйғуларни ўта моддийлаштириб бера олиш салоҳияти кўзга ташланади. "Кўзёшларим қўнар..." деб бошланадиган шеърнинг қуйидаги мисралари фикримизга далил бўла олади:

Ичаман гамларни! Қалбимдир қадаҳ,
Вужудим – энг аччиқ шароб тўла хум.

Шоирнинг: "***Кулгингга тақлидлар қилмоқ бўлар ой...***" тарзидаги ташбеҳи ўқувчининг кўз олдига ойдай балқиб, қиқирлаб кулаётган санамни келтиради. Назарнинг бу кашфиёти тасвирдаги самимият кўп асрлик поэтик анъанани ҳам янгартиб юборишга қодирлигини кўрсатади.

Миллий шеъриятимизда «ҳижрон денгизи» ифодаси кўп қўлланади. Лекин Назарнинг шеърларидаги ичкинлик оҳори кетгандай туюлгувчи бу ташбеҳ орқали ҳам кучли шеърий эффект яратиш мумкинлигини кўрсатади. Шоир "Кўзёшларим кўлми бугун?" мисраси билан бошланадиган шеърида ёзади:

Чўкаётир Назар Шукур
Денгизига ҳижроннинг,
У ҳақиқий арвоҳидир
Саваланган виждоннинг!

Бундай ҳолатга тушган шахс руҳиятини сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Лекин бу шеър кишини ҳамдардликка ундайди, ўзганинг ҳолатини туйишга даъват этгандай бўлади. Назар бошқа бир шеърида: «***Чўкиб ётар кўзимда Дунё...***»,- дер экан ўзининг буюк дардкаш эканини аён этади.

Ўзини тинимсиз текширадиган, босган қадамини назорат қиладиган одам учун яшаш ҳеч қачон осон кечмаган. Ўзида йўқ фазилатларга маҳлиё бўлиб, оламга шишинган димоғ билан қарайдиган кимсаларгина ўзининг ҳар бир ишида тенгсиз фазилат, ҳар бир айтганида улкан ҳикмат кўради. Ўзига талабчан одам ёки маъшуқаси қаҳрига йўлиққан ошиқ назарида қилган эзгуликлари қилча, йўл қўйган нуқсонлари тоғча туюлаверади. Буни шоир "Қирлар сенга..." шеърида шундай ифода этади:

Булутлар ҳам бир қора япроқ,
Ер коптокча келмас, албатта.
Бари кичик! Дунёда бироқ –
Жиндай айбим баридан катта!

Шеърда тушунчаларнинг маҳорат билан қаршилантириши ўзидан кўнгли тўлмаётган инсон туйғуларининг ишонарли ва юқумли тасвирланишини таъминлаган. "Бир бошда битта..." деб бошланадиган шеърида сабабсиз озор чекаётган ошиқ сезимларининг аянчли манзарасини шундай чизади:

Ўйганман юрагимга
Исмингни мен беханжар.
Нигоҳинг кўкрагимга
Аммо тигларин санчар.

Жавобсиз севги ёки нисор этилган туйғуларнинг қадр топмаслиги кўнгил киши учун улкан мусибат. Лекин ғаразсиз муҳаббат эвазига нафрат тиғларидан азоб чекишга маҳкум киши фо-

жиаси ундан-да катта. Ўйноқи оҳангда битилган бу қисқа сатрлар қатида чексиз инсоний дард яширин.

Назар Шукур юрагини дунёнинг дардларига катта очган, оламни ва одам кўнгли пучмоқларини кирлардан тозалашга астойдил бел боғлаган, бу йўлда унга ҳузур-ҳаловат эмас, адоқсиз машаққат шерик эканини билган шоир эди. Шоирнинг "Биламан келмайсан..." шеърида айтилган:

Дунёнинг беминнат ҳузури эмас,
Қийноқлар берармиш шеърга ортиқ зеб...

тарзидаги қаноат унинг ижодий дастуриламали эди. Назар қисқагина умри давомида руҳий қийноқларнинг сон-саноқсиз манзараларини чизишдан қўрқмаганлиги билан ўзига сўз ва туйғудан ҳайкал тиклади. У бир шеърида ёзганди: "***Эй Назар, яшаб қол, ўлиш қочмайди!***"

Чин бадиий сўз ўлим билмайди. Кўнгил манзараларини сезгувчи, сўзнинг бетакрор таъмини туйгувчи кишилар бор экан асл шеър, бинобарин, унинг яраттувчиси бўлмиш шоир яшайверади. Чинакам шоирнинг туйғулари ҳамиша шеърхоннинг сезимларига ҳамоҳанг бўлади. Бу китобни ўқиган киши Назар Шукурнинг кўнгил ойнасида ўзини кўради. Сўзи ўлимга бўй бермаган шоирнинг салтанатига қиладиган сайрингиз қутлуғ бўлишига ишонамиз, азиз ўқувчи!

2006 йил 9 апрел Назар Шукурнинг «Сен қайтмасанг...» шеърлар тўпламига сўзбоши. «Зарқайнар» нашриёти. 2006 йил

УЛКАН ТУЙҒУЛАРНИНГ МЎЪЖАЗ СУВРАТЛАРИ

Шеъриятга чақмоқдек чақнаб эмас, балки келинчакдай ийманибгина кириб келган Фарида Афрўз барча эсли келинлар каби келган уйига туп қўйиб палак ёзди. Қатор-қатор шеърий фарзандларни дунёга келтириб, сездирмайгина бу уйни ўзиники қилиб олди. Бир пайтлар чақнаган адабий чақмоқларнинг қанчаси сўниб кетди, Фарида эса бугунги кунда улкан шеърий ўтбошимизга файз берадиган бекалардан бирига айланди. Шаклий-мундарижавий изланишлар шоира шеъриятига хос доимий хусусият бўлгани учун ҳам унинг ижодий парвози тинимсиз юксалиб бораётир. Фарида ижодда нафақат бировни, ҳатто, ўзини ҳам такрорламасликка уринади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир навбатдаги китобидан ўқувчилар қандайдир бир янгилик кутишга ўрганиб қолишган.

Фарида Афрўз бу гал ҳам ўзбек шеърсуярларини қувонтирди. Уларга етти шодага тизилган икки юз ўттиз бир тасбиҳ ҳамда тўқсон тўққиз фиқрани ўз ичига олган янги шеърий китобини тортиқ қилди. Бу шеърлар бугуннинг ўзида туғилиб қолгани йўқ. Улар шоиранинг анчадан бери банд этилган хаёли, безовта бўлган руҳияти маҳсулларидир. Фариданинг илкинчи тасбиҳлари бундан уч-тўрт йил олдин пайдо бўлган ва мутахассислар эътиборини тортган эди. Маълумки, "тасбиҳ" жанри мумтоз миллий шеъриятимиз тажрибасида ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам учрамайди. Тўғри, ўзбек поэзиясида учлик бандлардан ташкил топган шеърлар бор эди. Шунингдек, япон хойкуларидан таъсирланиб ёзилган учликлар ҳам бўлган. Лекин мустақил учлик тасбиҳлардан иборат бутун бир китоб тартиб берилиши ва ҳар ўттиз уч тасбиҳ бир шодага тизилиб, етти шеърий маржон ҳосил қилиниши миллий поэтик тажрибамизда бўлмаган эди.

Эътибор қилган киши замонавий ўзбек шеъриятида шиддат билан қисқаликка интилиш жараёни бораётганини кўради. Анвар Обиджон уччаноқлар яратди, Азим Суюн тўрт қатордан ортиқроғу беш қатордан камроқ бўлган қайирма жанрига асос солди. Тоҳир Қаҳҳор, Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам, Турсун Али каби шоирлар иккилик ҳатто бирлик шеърлар ёзишяпди. Бу ҳол шунчаки тасодиф ёки бадиий мода кетидан қувиш бўлмай, чуқур ички мантиққа эга бўлиб, миллий шеъриятда маъно тиғизла-

шиб, шакл мукаммаллашиб бораётганини кўрсатади. Чунки, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, кичик ҳажмли шеърда руҳиятни чизиш ва фикр айтиш имкони катта бўлади. Шеър қанча қисқа бўлса, унда тагмаъно ва ишорага шунча кўп жой қолади. Бунда шеърхонга матндан турли-туман кашфиётлар қилиш имконияти берилади. Қисқа шеър ўқувчига ишончнинг ифодаси бўлиб, уни бадиий сўзнинг истеъмолчисидан поэтик ҳолатни туйиш, бадиий манзарани жонлантириш жараёнининг иштирокчиси мартабасига кўтаришга уриниш натижасидир.

Фарида Афрўз ҳам ана шу ҳайрли жараёнга қўшилиб, ўзининг "тасбиҳ" жанридаги битикларини дунёга келтирди. "Тасбиҳ" арабчада "поклаш", "мақташ" маъноларини англатиб, илоҳий истилоҳда Аллоҳни поклаш, унинг ҳар қандай камчиликлардан холи, энг буюк, энг қудратли, энг меҳрибонлигини мадҳ этишни билдиради. Теологик маънодаги бу абстракт сўз кейинчалик дуоларни такрорлаш асносида саналадиган маржонлар шодасини англатадиган бўлиб конкретлашганди, аммо ҳеч қачон поэтик атама сифатида қўлланилмаган. Фарида аёлларга хос назокат билан одатдаги тасбиҳнинг доналари каби ҳар ўттиз уч "тасбиҳ"дан тўқсон тўққиз мисрали бир маржон ясаб, Яратганни поклашга, бандаси руҳиятидаги чигалдан-чигал туйғуларни ифода этишга уриниши маҳсулларини махсус шеърий жанрга айлантириб, тасбиҳни бадиийлаштирди.

Фарида Афрўз ўз тасбиҳларида кам сўзли мисралар ёрдамида чуқур маънони ифодалашга эришади. Қизиғи шундаки, барча тасбиҳлар уч сатрдан иборат бўлса ҳам уларнинг ички қурилиши, жойлашув йўсини ва бўғинлар миқдорида қатъий бир хиллик йўқ. Чунончи, айрим тасбиҳлар бир хилдаги тўққиз бўғинли учликлардан ташкил топган бўлса, баъзиларининг биринчи мисраси тўққиз, иккинчиси ўн ёки саккиз, учинчи сатри бор-йўғи уч бўғинли бўлаверади. Маълумки, япон хойкулари ўн етти бўғиндан иборат бўлиб, ҳар бир мисрада келадиган унлилар сонигача қатъий белгилаб қўйилади. Фарида Афрўз учун жанрнинг сиртқи атрибутларини тайин этиш ва унга амал қилиш эмас, балки тасбиҳнинг муножотдан иборат моҳиятини намоён этиш муҳимроқ. Шунинг учун ҳам айрим тасбиҳларнинг биринчи мисрасида хулоса айтилади-да, кейинги сатрлар шоиранинг ўша тўхтамини изоҳлашга йўналтирилади. Баъзан эса, биринчи-иккинчи қаторларда изоҳ келтири-

либ, учинчи сатрда улардан хулоса чиқарилади. Шоира тасбиҳлар учун қофия, туроқ, вазн сингари ташқи жиҳатларни муҳим деб билмайди. Шунинг учун ҳам у шеърнинг оҳангдорлигини аудиал йўл билан эмас, балки асарнинг ички ритми ва руҳий тўқинишлар тасвири шиддатини бериш орқали таъминлашга интилади.

Фариданинг бир қатор тасбиҳлари ифоданинг таъсирчанлиги, тимсолларнинг ёрқинлиги, поэтик тўхтамнинг кутилмаганлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Чунончи, шоира бир учликда:

Мен чивинга ҳеч ким эмасман,
Қоним ичди ўзи, не илож?
Қондошингни ўлдириб бўлмас,-

деб ёзади. Сиртдан беозоргина кўринган бу сатрлар замиридаги қонингни ичиб, қондошга айланган бегона золимга қаршилик қилиш имконсизлиги туфайли туғилган дардчил киноянинг ғоят ўзига хос ифодасини пайқашга уриниш шеърхоннинг тафаккур миқиёсини муайян даражада юксалтиради. Тасбиҳда ҳаётий ҳолат чизилиб, изоҳлангани ҳолда унга муносабат билдирилмаганлиги ўқувчи хаёлотига эркинлик беради. Ҳар бир ўқирман ўзининг интеллектуал-руҳий даражасига қараб шеърнинг тагмаъносини ўзи чиқаради. Тўғри, бу хил имо-ишорани барча ўқувчи ҳам англайвермайди. Шоира ҳам ички армонлари, дарду ҳасратларини ҳаммага дастурхон қилмоқчи эмас. У бу шеърни, аввало, ўз юраги, қолаверса, хослар кўнгил изҳори сифатида яратган.

Расулуллоҳнинг: «Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор",- тарзидаги марҳаматлари маълум. Шунинг учун ҳам Кунчиқиш поэзияси ҳамиша ҳикматлар шеърияти бўлиб келган. Бунинг устига, қисқалик ўз-ўзидан ҳикматни тақозо этади. Лекин Фарида ўз тасбиҳларида ҳикмат айтишга эмас, балки кўнглидаги туғёнлар тўғрисида муножот қилиб, Яратганнинг нечоғлик қудратли ва пок эканини улуғлаш орқали қисмат олдида ожиз, аммо ҳамиша эзгулик ёки ёмонликдан бирини танлаш эркига эга инсоннинг ҳаёт ҳақидаги қарашларини билдиришга интилади. Шунинг учун ҳам тасбиҳлар киши руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Тасбиҳларнинг бирида ўзини оламнинг хўжаси санайдиган одам, аслида, Яратган олдида қандай мартабага муносиблигини ҳам би-

лолмай ўтиб кетавериши, бу ҳол фикр кишисини ўйга толдириб, тавбага ундаши жуда таъсирли йўсинда ифодаланади:

Йигласам гар сен учун эмас
Ўзимчун ҳам йигламадим, йўқ
Пешонамни ўқидим холос.

Пешонасидаги ёзмишлари кўзёш тўкишга лойиқ кишининг туйғулари ҳақида бундай таъсирли ва қисқа ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай ҳолатга тушган ёки уни туйган одам инкорга ҳам, исёнга ҳам эмас, мушоҳадага мойил бўладики, шоиранинг нияти ҳам айни шу, яъни ўқувини ўйлатишдир, балки?

Фарида Афрўзнинг тасбиҳлари кишини фикрга толдиради, уни қилган амаллари ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Самимий кишининг адоқсиз ўйлари, руҳиятнинг доимий безовталиклари ифодаси бўлгани боис баъзи кимсалар борасида ёқимсиз бўлсада, рост хулосалар юзага келади:

Сен менга ҳеч дўст бўлолмайсан,
Айтчи, қачон, қандай чумоли,
Кўтаролган филнинг юкини?

Шоира ҳеч кимга ҳеч нарсани исботламоқчи, тушунтирмоқчи эмас. У бировга иддао қилаётгани, кимдандир ҳиммат талаб этаётгани йўқ. Ушбу тасбиҳдаги "сен"нинг айби нимадан иборатлигини кўрсатмоқчи ҳам эмас. Фақат биринчи мисрада келтирилган тўхтам залворига "сен"нинг эътиборини тортаётир, холос: чумоли филнинг юкини кўтаролмайди-ку? Бу шеърдан яна қандай маънолар чиқариб олиш ўқирманнинг ихтиёрида...

Фариданинг бир туркум тасбиҳларида одатда тасвирнинг сабабини англатишга хизмат қиладиган хулоса умуман берилмайди. Бундай шеърларда шоира тамсилнинг холис тасвирини келтириб, руҳий ҳолатнинг ўзини манзаралаштириш орқали бетакрор бадиий вазият яратади:

Телефоннинг дастаги ботди
Ёниб кетди қулоғим лов-лов
Синиб тушди тилла балдоғим.

Ҳолатнинг ифода йўсини телефон орқали қанчалар таъсирли ва оғир гап айтилганини ҳар бир ўқирманга ўз хаёлоти даражасида тахмин қилиш ҳамда бирор тўхтамга келиш имконини беради. Муҳими шундаки, ўқувчи шунчаки тахмин қилибгина қўя қолмайди, балки телефон дастагини оғир қилган, қулоқни ловлов ёндира оладиган, тилла балдоқни синдирадиган даражадаги хабарнинг қудратини бевосита ўзи туйгандай бўладики, чин шеърнинг кучи шундадир.

Қуйидаги тасбиҳ ҳам муайян хулосага эга бўлмаса-да, ўқувчи руҳиятига кучли таъсир кўрсатади:

Қирқ бешга жимгина, ёлғиз, бенаво,
Хотиржам киряпман, лоқайд, бепарво
Кирган каби худди қабрга...

Руҳий манзара тасвирида оҳангнинг ўта хотиржамлиги, шоиранинг ўз туйғуларини билдирмас даражадаги совуққонлиги ўқувчига тасбиҳ замиридаги дарднинг кўламини тўла ҳис қилиш имконини беради. Қабрга кирадиган жасадгина ёлғиз, бенаво, лоқайд, бепарво бўлади. Қирқ бешга кираётган одамнинг шундай хусусиятларга эгалиги улкан умр фожиасидан далолатдирки, уни тасаввур қилиш ва бу ҳақда бирор тўхтамга келиш ўқирман шахсининг қанчалик баландлигига боғлиқ.

Айрим тасбиҳларда шоира бадиий мақсадга билвосита тасвир йўсинидан фойдаланиб, эришади. У кўзда тутилаётган, тасвир марказида туриши лозим бўлган нарсани атай панага олади ва унга қандайдир даражада тегишли бошқа нарсалар тимсолини чизиш орқали ўқувчига яширилган образ ҳақида тўхтамга келиш имконини беради:

Меҳмонлар кетди,
Ҳориган дастурхон устида,
Анор пўчоғи ва гийбатлар қолди.

Тасбиҳда меҳмонларнинг ким ва қандай одамлар эканлиги айтилмаган. Бунинг устига, хулоса ҳам берилмаган. Лекин дастурхоннинг ҳориганлиги, унинг устида анор пўчоқлари-ю ғийбатлар қолгани тасвири шу қадар тагдор ва сермаъноки, улар

шеърда кўзда тутилган кишилар тўғрисида маълум хулосага келиш имконини беради.

"Фиқра" сўзи, гарчи мумтоз адабиётимиз тарихида "фиқраи рангин" йўсинида бирикмали қўлланган бўлса-да, у адабий жанрни эмас, балки асарлардан олинган гўзал парчаларни англатган. Фарида Афрўз фиқрани жанр мақомига чиқариб, бу ном остидаги битикларида ўз руҳиятининг парчаларини ифодалашга уринган. Шоира фиқранинг шаклий хусусиятларини қатъийлаштиришга, ундаги сўзлар миқдори ва битик композициясини тайин этишни мақсад қилмаган. Лекин фиқраларда фикр билан биргаликда сувратланган руҳий ҳолатнинг ҳаракати сезилиб туришини таъминлашга эришган. Уларда ҳаракат динамикаси, айтилганларни хаёлан давом эттириш имкони бор. Бир қарашда, Фариданинг фиқралари "қийқим фикрлар" ёки "дафтар ҳошиясидаги фикрлар" тарзида номланадиган мўжаз битикларга ўхшаб кетади. Лекин бу фақат бир қарашда, холос. Аслида, Афрўзнинг фиқраларида руҳият чизгилари, сезимлар манзараси, ҳаракатдан тўхтамаган фикр динамикаси мавжуд. Чунончи, "***Кўнгли чўккан одамнинг елкасида тоғ ухлайди***" фиқрасини шунчаки ҳаётий кузатиш ёки фикрий тўхтам деб бўлмайди. Чўккан кўнгил ҳақидаги ўй ўқувчига ҳам ўтиб, уни безовта қилади. Ёхуд "***Уммони бор одам томчисини қизғанмайди***" фиқрасида ҳам ҳаракатдан тўхтамаган руҳий ҳолат сувратланган. "***Бойнинг аҳмоқлиги эриш туюлар экан, одамга, қашшоқнинг донолиги каби...***" фиқраси хусусида кўп ўйлаш, узоқ мулоҳаза юритиш ва турли хулосаларга келиш мумкин.

Умуман, Фарида Афрўзнинг янги китобига кирган янги жанрдаги ўзига хос асарлар ҳақида анча гапиришим мумкин ва лозим эди. Аммо Фаридаки, қиз боланинг табиатига тамомила зид равишда фикру туйғуларини тасбиҳ ва фиқраларда шунчалар қисқа ифодалашга кучи етибди, энди мен ҳам сўзбошини калта қила қолай. Ушбу китоб билан учрашувингиз ёқимли бўлишини тилайман, азиз шеърсуяр!

2006 йил 11 апрел. Фарида Афрўзнинг
«Тасбиҳ» китобига сўзбоши.
«Шарқ Принт» нашриёти, 2006 йил

МУНДАРИЖА

О.Ёқубов. Ёниқ сўз ёғдуси 3

АНГЛАШ ЙЎЛИ

Таҳлил машаққатлари 6
Истиқлол адабиёти 15
Тешик қалқон 25
Кўнгил мулки 29
Ўзбек насри уфқлари 35
Янги адабиётшунослик нима 48
Ҳозирги романчилик муаммолари 68
Дастлабки довон белгилари 74
Истиқлол адабиётшунослигининг ўн йили 88
Истиқлол шеъриятидан шеърий истиқлолга 102
Янгиланишлар мунтазамлиги 107
Сифат ўзгаришлари йўлида 139
Тишинг ўтмаса, тош чайнама... 143
Англашнинг азобли йўли 151
Янги ўзбек адабиёти: илдизлар, белгилар, босқичлар
ва атама 171
Истиқлол насри белгилари 196

КЎРКАМЛИК ЧЕЧАКЛАРИ

Ҳурлик оҳанглари 202
Кўнгил мулкига сайр 207
Вақтни тизгинлаган шоир 213
Ўзбек шеъриятининг чўнг қояси 220
"Ўзлик" чақинлари 227
Зулфиқор руҳ манзиллари 236
Давр яратган шеърият 249
Изтироб чақинлари 258

Моҳиятга инган миллийлик 269
Туйғуларнинг рангин жилоси 277
Ҳамиша навқирон шеърият 290
Чин шеър таровати 296
Очилмаган чечак чиройи 302
Янгиланиш эҳтиёжи 310
Инжа туйғулар жилоси 315
Тирилган сўз 327

ЧИЗГИЛАР

Усмон Носир 336
Шукур Холмирзаев 347
Халқона руҳият мусаввири 359
Рауф Парфи 368
Франс Кафка 386
Кечадан бугунни истаган адиб 402

ЙЎЛДА ЙЎЛДОШЛАР

Қисмати биринчилик эди 417
Уйғоқ руҳ 429
Кўнгил ёлқини 436
Манзил залвори 439
Моҳир синчи 455

КЎРКАМЛИК ОЧҚИЧЛАРИ

Кайфият манзаралари 464
Ёнар сўз алангаси 472
Куздаги кўклам чечаклари 477
Умиднинг улғайиши 480
Киноя бағридаги умид 488
Дардчил туйғу ва безовта руҳ 511
Исёнкор туйғулар куйчиси 527
Улкан туйғуларнинг мўъжаз сувратлари 539

Адабий-бадиий нашр

ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШ

ЁНИҚ СЎЗ

Муҳаррир
Азиз САИД

Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Алимурод ТОЖИЕВ

Компютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 21.12.2006 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 17,125. Адади 500 нусха. Буюртма № 280.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.